

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

**АБАЙ ҚЎНОНБОЕВ ВА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ
ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ**

**Халқаро илмий-амалий конференция
2020 йил, 16-17 октябрь**

**АБАЙ ҚУНАНБАЕВ ЖӘНЕ ШЫҒЫС ДАНЫШПАНДАРЫНЫҢ
ПЕДАГОГИКАЛЫҚ КӨЗҚАРАСТАРЫ**

**Халықаралық ғылыми-практикалық конференция
2020 жыл, 16-17 октябрь**

**International scientific and practical conference.
PEDAGOGICAL APPROACHES OF ABAY QUNANBAEV AND
THINKERS OF EAST.
16-17 october 2020 year.**

**Международная научно-практическая конференция
ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ АБАЯ КУНАНБАЕВА И МЫСЛИТЕЛЕЙ
ВОСТОКА
16-17 октября, 2020 г.**

Жиззах 2020

КБК: 74.03

УЎК: 37

T-21

**«Абай Қўнонбев ва шарқ мутаққирларининг педагогик қарашлари»
мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференция материаллари.**

Жиззах -2020. – 296 б.

(2-қисм).

Масъул муҳаррир:

Тангиров Абдуҳамит Жуманович – филология фанлари номзоди, доцент в.б.

Таҳрир хайъати:

Холбоева Г.А., Тангиров Н. А, Турганов Ё., Примов Ш.,Турсунов Д., Содиқова Д.,
Қуттибекова Г., Усмонов А. Қ, Жуманов Ф. С.

Такризчилар:

Тўрақулов Олим Холбўтаевич – Педагогика фанлари доктори
Дониёрова Шоира Хурсановна – Филология фанлари доктори, профессор в.б.
Ходжагельдиева Зульфия Мирзагельдиевна – Доктор PhD (Қозоғистон)

Мақолаларни тўпловчи ва нашрга тайёрловчи Бошланғич таълим методикаси кафедраси доценти в.б, филология фанлари номзоди Тангиров А.Ж.

Конференция мақолалар тўпламида қозоқ халқининг забардаст оқини Абай Қўнонбоев, шунингдек, шарқ мутаққирларининг педагогик қарашлари ҳамда замонавий ўқитиш тизимида буюк алломаларнинг қарашларидан фойдаланиш йўллари борасидаги фикр ва қарашлар ҳамда илмий хулосалар қамраб олинган.

Анжуман материалларидан мазкур мавзулар атрофида илмий-тадқиқот ишлари олиб бораётган изланувчилар: олимлар, таянч докторантлар, магистрлар, талабалар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари фойдаланишлари мумкин.

Жиззах Давлат педагогика институти Илмий Кенгашининг 2020 йил 22 майдаги йиғилишда муҳокама қилинган (Баённома № 2) ва чоп этишга рухсат берилган.

Мақолалардаги материалларнинг тўғри ва ҳаққонийлиги учун муаллифлар жавобгар.

ISBN: 978-9943-6071-7-0

Жиззах, 2020

УЧИНЧИ ШЎБА
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ШАРҚ
МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ
ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

МАХСУС ПЕДАГОГИКА ФАНИ СОҲАЛАРИ РИВОЖИДА
ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҒОЯЛАРИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

МЎМИНОВА Л.Р –профессор.
АМИРСАИДОВА Ш.М.-доцент.
ТошДПУ

Аннотация.

В данной статье освещается роль и место восточных мыслителей, в частности, идей Абу Али ибн Сины в развитии специальных педагогических наук.

Annotation

This article highlights the role and place of Eastern thinkers, in particular, the ideas of Abu Ali ibn Sina in the development of special pedagogical science.

Имконияти чекланган болаларнинг теварак-атрофга мослашишига, тенгдошлари ва катта ёшдаги кишилар билан мулоқот ўрнатишдаги қийинчиликларни енгиб ўтишга, ўзи ва атрофдагиларнинг хатти-ҳаракатига тўғри баҳо беришга ўргатиш, ижтимоий ўз ўрнини топишга ёрдам бериш дефектолог-ўқитувчидан мустаҳкам билим ҳамда масъулиятни талаб қилади. Бу фаолият мутахассисдан имконияти чекланган болаларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш, ўрганиш, уларни меҳнатга ўргатиш, жисмоний ривожлантириш, шунга мос таълимий материални танлашни тақозо этади. Бу машғулотларнинг барчаси, энг аввало, коррекцион мазмунни касб этиши лозим. Махсус педагогика фанининг бош вазифаси рухий ва жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган болаларнинг таълим тарбиясини ҳозирги замон талаблари даражасида ташкил этишнинг илмий-назарий асосини яратишдан ва шу мақсадга мос дефектолог кадрларни етиштиришдан иборат.

Махсус педагогика фанларининг миллий илмий-назарий асосларини яратишда, дефектолог кадрларни миллий истиқлол мафкураси руҳида, халқимизнинг маънавий қадриятлари ва анъаналари асосида ўқитиш ва тарбиялашда Шарқ мутафаккирларининг таълимотларини ва уларнинг янги қирраларини амалиётга кенгроқ тадбиқ этиш давр талаби бўлиб қолмоқда.

Ана шундай ноёб фазилатлар соҳиби бўлмиш машҳур Шарқ алломаси Ибн Синонинг¹ «Тиб қонунлари» асари неча асрлар давомида Европанинг энг нуфузли олий ўқув юртлирида асосий тиббиёт дарсликларидан бири сифатида ўқитиб келингани, дунё миқёсида «Медицина», «Соғлом турмуш тарзи» деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга. Аниқроқ қилиб айтишганда, бу беназир алломанинг бутун илмий фаолияти дунё тараққиётини инсонпарварлик руҳида, яъни, маънавий негизда ривожлантиришга улкан таъсир ўтказди, деб айтишга барча асослар бор.

¹Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 27-бет.

Ибн Сино тиббиёт илми билан жуда эрта шуғуллана бошлади. Тиббиёт илмини у бухоролик Абу Мансур Қамарий раҳбарлигида ўрганди. Ибн Сино нервларнинг асосий вазифаси мия билан турли хил сезги ва ҳаракат органлари ўртасидаги алоқани амалга оширишдан иборат эканини яхши тушунган. у сезги органлари билан нервлар воситасида ташқи муҳитнинг моддий реаллиги идрок қилинади, деган фикрни илгари сурган. Ибн Сино нервларнинг биологик ва физиологик функцияларини ажратиб кўрсатиб беради. Неврларнинг фойдаси икки томонламадир: биринчиси бевосита фойда, иккинчиси билвосита фойдадир. Биринчиси: шундаки, мия нервлар воситасида ҳислар ва ҳаракатларни бошқа органларга етказди. Иккинчи фойдасига, масалан, этни мустаҳкамлаш ва танага куч бахш этиш киради.

Ибн Сино инсоннинг тафаккур қобилиятига юқори баҳо беради. Инсон ақл-идроки орқали нарса ва ҳодисаларни қиёслаш ва абстракциялаш йўли билан бири-биридан ажратади. “Тафаккур кучи, - деб ёзади у, - эзгулик ва адоват, ҳақиқат ва ёлғонни фарқлайди ҳамда уларнинг фойда ёки зарарини ҳис этиб текширади”.

Ибн Сино кишилар ва айниқса, беморларга фақат шифокор сифатида қизиқибгина қолмай, балки уларни таълим-тарбия билан ҳам боғлади. Унинг бу қарашларини носоғлом, руҳий ва жисмоний ривожланиши орқада қолган болаларнинг таълим-тарбияси билан боғлаш мумкин. Ибн Сино асаб тизимининг тузилишини ўргана туриб, “асабнинг бошланиши, кўпчилик билганидек, бош мияда, тугалланиши эса терининг ташқари томонида” – деб айтади. Яъни, бош мия асабларнинг бошланиш жойи ҳисобланади.

Ибн Синонинг инсон ҳақидаги фикрлари унинг таълим-тарбияга оид қарашлари билан биргаликда жисмонан ва ақлан соғлом инсонни тарбиялаш дастурини ташкил этади, бу дастур носоғлом болаларни камол топтиришда ҳам муҳим ўринни эгаллайди. Ушбу масалаларга олим ўзининг бир қатор асрларида мурожаат этган. Боланинг тарбияси, саломатлиги, энг муҳими унинг руҳиятини ўрганиш ва таълим-тарбияда индивидуал-типологик хусусиятларини эътиборга олиш зарурлиги ҳақидаги шарқ мутафаккирларининг орасида биринчилардан бўлиб билдирган фикрлари олимнинг педагогик қарашлари асосини ташкил этади. Бу мавзуларга бағишланган ва юқорида номлари зикр этилган “Донишнома”, “Ҳайй инб Яқзон”, “Соломон ва Ибсол” асарларидан ташқари, яна “Ишорат”, “Тиб қонунлари”, “Китоб тадбир ал-манзил” ва бошқа асарларини санаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги кунда жисмоний ва руҳий нуқсонга эга бўлган болаларнинг ривожланиши ва таълим-тарбияси махсус педагогика фанининг тармоқлари бўлган тифлопедагогика, олигофренопедагогика, сурдопедагогика ва логопедия фанларининг объекти бўлиб, Ибн Сино бу ҳақда турли аъзоларнинг тузилиши ва функциясига батафсил тўхталган ва унинг бу ҳақдаги мулоҳазалари замонавий тасаввурларга асосан тўғри келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. Т.: 1991.
2. Абу Али ибн Сино. Саломатлик сирлари. Тиббий рисоалар. Т.:2000.
3. Амирсаидова Шахноза Мирсагатовна. Махсус педагогика фани соҳаларининг ривожланишида шарқ мутафаккирлари таълимотларининг ўрни ва аҳамияти. Монография. Т.: 2017. 98 б.

4. Болтаев М.Н. Абу Али ибн Синонинг фалсафий таълимоти. Абу Али ибн Синонинг буюк мероси ва замонавий фан ютуқлари. Т.:2000.

АЛЛОМАЛАРИМИЗ ИЖОДИ ЁРДАМИДА ЎҚУВЧИЛАРГА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ БЕРИШ

*Жуманазаров У.А. –профессор.
Жиззах ДПИ*

Аннотация. В статье объясняются цели и задачи обучения студентов с помощью творчества наших ученых.

Annotation. The article explains the goals and objectives of educating students with the help of the creativity of our scholars.

Фарзандга таълим-тарбия бериш аввало оиладан бошланади. Шу боис оиладаги муҳит, ота-онанинг болага бўлган муносабати оилавий турмуш иқлимига боғлиқ. Бу эса, ўз навбатида, жамиятда маънавиятни шакллантиришга замин бўлади. Бола тарбияси ва бошланғич таълимда жамият маънавиятининг аҳамияти катта. Фарзандларга миллий кадриятлар, хусусан, Шарқ алломалари қолдирган бой мерос асосида таълим-тарбия бериш муҳим аҳамият касб этади. Улуғ алломаларимиз асарларида болаларга гўдаклик чоғиданоқ катталарга ҳурмат ва кексаларни эъзозлаш, ота-онага алоҳида эҳтиром кўрсатиш, ўзидан кичиклар иззатини ўрнига қўйиш каби ажойиб кадриятларимизга таяниб иш кўришга чақирилади.

Болаларга илк тарбия асослари оилада берилади. Фарзандларга бошланғич таълим беришда таъсирчан куч – оилавий тартиб, яъни уларнинг ўзаро муносабати, ота-онанинг хулқ-атвори, маънавий ва сиёсий савияси, муомала маданияти, оиланинг даромади, яшаш шароити ва бошқалардан иборат бўлади.

Юқоридаги фикрлар қадимда ўтмиш алломаларимиз томонидан кўпбора таъкидланган ва ҳаётий ҳикмат ва айланган.

Буюк бобомиз Алишер Навоий асарларида бола таълим-тарбиясига, дунё қарашининг кенгайишига ва шахси ривожланишига оид қимматли фикрлар кўплаб баён этилган. Халқимизага хос бўлган тортинчоқлик, андиша каби психологик хусусиятлар жни чуқур англаган улуғ бобомиз инсонни фаол бўлишга, билим эгаллашга ундаб, шундай ёзади:

Билмаганни сўраб ўрганган олим,

Орланиб сўрамаган ўзига золим.

Яна бир ҳикматида:

Оз-оздан ўрганиб, доно бўлур,

Қатра-қатра йиғилиб, дарё бўлур, - деб ёзади.

Ҳадиси шарифда ҳам қуйидаги ибратомуз фикрлар баён этилган: «Илм эгалланг! Илм, ҳаёт йўлларида таянч, ёлғизлик дамларида – йўлдош, бахтиёр дақиқаларда – раҳбар, қайғули онларда – мадакдор, одамлар орасида зебу зийнат, душманларга қарши курашда қуролдир», «Илм олиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир», «Бешиқдан то қабрга киргунча илм излангиз», «Ёшлиқда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир». Бу пурмаъно фикрлар ҳам болаларга таълим беришда муҳим ўрин тутади.

Халқимиз фарзандларини доимо табиатга меҳрли бўлиш, теварак-атроф, сув, ҳаво, тупроқ, ҳайвоноту наботот оламини асраб-авайлаш, инсонни олий қадрият деб билиш, унинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш руҳида тарбиялаган. Булар ҳақида ҳам шундай бебаҳо ўғит ва йўл-йўриқлар, умум инсоний аҳамиятга молик фикрлар баён этилганки, улар ҳозирга қадар ҳам ўз қимматини йўқотмаган.

Улуғ мутафаккирларимиз Муҳаммад Хоразмий, Абу Бакр Розий, Абу Райҳон Беруний, Форобий, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Мирзо Улуғбек, шеърият мулкининг султони Мир Алишер Навоий билан бир қаторда диний дунё қараш билан қомусий билимдонликни ўзида мужассамлаштирган Имом Бухорий, Имомат-Термизий, Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Аҳмад Яссавий, Захириддин Муҳаммад Бобур ижодидан баҳраманд бўлиш ҳам таълимий, ҳам тарбиявий таъсир кучига эга.

Бола шахсини ривожлантириш, дунё қарашини ўстиришда Марказий Осиё мутафаккирларининг ўрни катта. Уларнинг ҳаёти, ижоди, ахлоқий таълим ва ўғитлари ёш авлодни тарбиялашда мерос ҳисобланади. Улар ижодига хос хусусият – илм-маърифатни улуғлаш, ахлоқ масалалари, Ватанни севиш, инсонпарвар бўлишг аундашдан иборат бўлган.

Ҳа, келажакка ишончимиз, умидимиз бўлган фарзандларнинг соғлом, жисмоний бақувват, руҳий ривожланган, билимдон, баркамол инсон бўлиб этишишида замонавий билимлар билан бир қаторда бутун дунёда умуминсоний қадрият сифатида эъзозланадиган бой илмий-бадий меросимиз асосий таянч вазифани ўтайди. Шу боис ҳам фарзандларимизга илк таълим бериш босқичида, бола шахсининг тўлақонли шаклланишида замонавий илм-фан ютуқлари ва ажодларимиз яратган буюк қадриятлар уйғунлашган ҳолда ўзлаштирилиши зарур.

Комиллик мазмунида ўтмишимизнинг бой маънавий мероси, улуғ мутафаккирларимизнинг илғор таълимоти, тафаккур дурдоналари мужассамлашганки, улар маънавий-ахлоқий тарбияда муҳим ва қимматли манба ҳисобланади. Чунки, ўтмиш маънавий-ахлоқий тафаккури илм-маърифат, таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлар, ахлоқий қарашлар бугунги тараққиёт учун ҳам, ёш авлод камолоти учун ҳам ниҳоятда аҳамиятлидир. Шунга кўра биз учун кадрли бўлган Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Юсуф Хос Ҳожиб, Абу Али ибн Сино, Алишер Навоий каби улуғ мутафаккирларимизнинг маънавий-ахлоқий қарашлари ва қадриятларидан мустақил Ўзбекистон истиқлолини мустаҳкамлашда, ўқувчилар маънавий-ахлоқий камолотини тарбиялашда, кундалик турмушимизда кенг фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

Таълим тизимида ҳар жиҳатдан халқимизнинг бой маънавий қадриятлари ҳисобланмиш машҳур аллома ва мутафаккирларнинг маънавиятга доир ўғитларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, уларнинг асарларида ахлоқ-одоб доимо улуғланган. Чунки, хулқ-одоб инсонга беқиёс ҳусн ва назокат бағишлайди, ота-онага ҳурмат, меҳр-оқибат, меҳнатга муҳаббат руҳида тарбиялаш имконини беради.

Марказий Осиё мутафаккирлари ўз асарларида маънавий-ахлоқий ғояларни тараннум этиб, халқни орифлик, фозиллик, комиллик даражасига кўтаришга чоғланганлар. Айниқса, Алишер Навоий ижодида комил инсон тарбияси асосий ўринда туради.

Буюк мутафаккир ўзининг бутун ҳаёти ва ижоди давомида инсон ҳаётининг негизи бўлган маънавий-ахлоқий тарбия катта аҳамият беради. Ёш авлодга таълим-тарбия беришда вақтни ҳам, кучни ҳам аямасликка даъват этади. Шоир шу билан бирга

инсон ҳуқуқларини, унинг ор-номуси ва кадр-қимматини ҳам ҳимоя қилди. У халқнинг осойишта ва бунёдкор ҳаётини бузувчи ёвузликка, халқнинг хўрланишига ва ижтимоий офатлар келтирувчи ҳодисаларга а қарши чиқади. Халққа зўравонлик қилишни ёвузлик дея қоралайди. Шу сабабли, ўша даврдаги ўзаро урушлар ва ижтимоий фалокатларга қарши баралла бош кўтариб, унинг мудҳиш оқибатларини жонли мисолларда кўрсатиб беради.

Инсон камолотининг фазилатларидан ҳисобланган адолат тушунчаси ва туйғуси Навоий донишмандлигининг асосини, маънавий-ахлоқий қарашларининг бош мезонини ташкил этади. Барчага баробар адолат устивор бўлган тақдирдагина мамлакат ва унинг фуқаролари фаровонликка эришиши мумкинлигини шоир ўз асарларида ёрқин ифодалайди.

Мамлакатнинг осойишталиги, ободончилиги, халқнинг низоларсиз тинч-тотув яшаши, турмушнинг фаровон бўлиши давлатни оқилона идора Унинг замондоши, тарихчи олим Хондамир «Мақорим ул ахлоқ» асарида:

«Адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб кўйди», дея – ҳазрат Навоийга юқори баҳо беради.

Буюк шоир саховат ва ҳимматни юксак фазилат қаторига қўяди. Унинг фикрича, яхшилик сари ва муҳтожларга қарамли бўлишга интилиш ҳар бир ахлоқли кишига хосдир. Шоир анашу хислатга эга бўлмаган инсонни дурсиз чиғаноққа, кўклам фасли осмонда

сузиб юрган ёгинсиз булутга ўхшатади.

Унинг «Ҳайрат ул аброр» достонида этук шахснинг маънавий-ахлоқий тарбиясидаги яхшилик, саховат, андиша, адаб, камтарлик, қаноат, ростгўйлик, инсоф, адолат, бағрикенглик сингари фазилатлари таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилган. Шарқда инсон қадрини ғоят юқори даражага кўтариш унинг буюк орзуси бўлган.

Буюк мутафаккир ўзининг маънавий-ахлоқий тарбия тизимида ҳунар ўрганишга ҳам катта эътибор қаратади.

Ҳунарли бўлиш халқпарвар, билимли, олижанобфазилатлар эгаси бўлишга замин ҳозирлайди. Бунинг учун тарбия этакчи рол ўйнамоғи лозим. Шу билан бирга ҳунар қобилиятни, иқтидорни ривожлантиради ва болаларни ёмон хулқли бўлишдан сақлайди. Шунингдек, Навоий маънавий-ахлоқий тарбия ёрдамида болаларга илм-маърифат бериб, уларни одобга ўргатишни муҳим вазифа қилиб қўяди. Бола шахси камолотида тарбиянинг юксаклиги алоҳида таъкидланади.

Шоир ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонида маънавий-ахлоқий тарбиянинг дўстлик, биродарлик, халқпарварлик, каби хусусиятларига алоҳида эътибор қаратди ва буни дostonдаги хитойлик Фарҳод, Шопур ва арман қизи Ширин мисолида тасвирлайди.

Асар қаҳрамонлари ўртасидаги адабий дўстликнинг асоси маънавий-ахлоқий тарбия мезонлари вафо, садоқат, жасорат ва мардлик орқали тўлдирилади.

Алишер Навоий «Фарҳод ва Ширин» достонида илм орқали Фарҳоднинг ақл-идроқи, билимдон, ҳунарманд, камтар, инсонпарвар, иродали ва эътиқодли инсон даражасига этганини кўрсатади. Достонни тўлиқ ўқиган ҳар бир ўқувчи, инсоннинг этуқлигини кўрсатувчи сифатлардан бири – илм эканига тўл айшонч ҳосил қилади.

Фарҳоддаги камтарлик, бойликка қизикмаслик, ўзини оддий киши деб билиши, мазлум халқни чин кўнгилдан ҳурмат қилиши, умум манфаатини ўз манфаатидан устун қўйиш каби фазилатлар ҳар бир ўқувчига катта ибрат бўла олади.

Ҳазрат Навоийнинг маънавий-ахлоқий қарашларида комиллик муҳим ўрин тутди. Унингча, комиллик буюк инсоний неъмат бўлиб, у инсоннинг жаҳон фарзанди мавқеига кўтарилишини хоҳлаган ва худди шу мавқени комилликнинг олий чўққиси деб билган.

Буюк мутафаккир ўз даврида комил инсонларни «аҳлимаъни» деб билган. «Аҳлимаъни» бу фикрли одамлардир. Фикрсиз кишининг онгида маъни чуқурлиги бўлмайди. Фикрлаш, ҳақиқатни англаш ёхуд мустақил мушоҳада юритиш демакдир. «Аҳли маънилик» туфайли ахлоқий онг ривожланади, одам ва олам тақдирига виждон билан қарашқобилиятишаклланади. «Аҳлимаъни»ликишиларгуруҳига оқилвадоно, камтар ва олижаноб, Шундай фазилатларга эга бўлган инсонларнинг тафаккур даражаси бениҳоя кенгдир. Ҳазрат Навоий дейдиларки: «Аҳли суратларга шоҳ бўлгунча, маъни аҳли йиғинида гадо бўлмоқлигинг мингқарра афзалдир». Унинг фикрича, аҳли маъни кишилар маънавий-ахлоқий жиҳатдан этук шахслардир. Алишер Навоий яратган қаҳрамонлар ҳам худди шундай маънавий-ахлоқий этук инсонлар сирасига киради.

Умуман олганда, Марказий Осиё алломаларининг ижодида маънавий-ахлоқий тарбия масалалари мазмунан бой, шаклан ранг-барангдир. Айниқса, Алишер Навоий асарларида акс этган мардлик, тўғрилиқ, адолатпарварлик, вафодорлик, ҳалоллик, сахийлик, меҳр-оқибат, инсонпарварликка бу хислатлар бугунги кунда камол топаётган ёш авлод маънавий-ахлоқий тарбиясида муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: «Шарқ». 1992.
2. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). (Масъулмуҳаррир: М.М.Хайруллаев).-Т.:Халқмеросинашр. 1999.
3. Зуннунов А., «Ўрта Осиёда педогогик фикр тараққиётидан лавҳалар». -Т.: «Ўзбекистон». 1997.

ИНСОНИЙ ФАЗИЛАТЛАРГА ЭГА ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА ЗАМОН РУҲИ ВА ШАРҚОНА ТАРБИЯ

***МАВЛОНОВ Х-профессор
Жиззах ДПИ,
ХОЛИҚОВА НОДИРА- доцент
Чирчиқ ДПИ.***

Аннотация: Эта статья посвящена молодежи, в частности, студентам, которые составляют более 61% населения страны, обсуждаются моральные и этические последствия современного студента и факторы, влияющие на формирование личности студента.

Annotation: This article is dedicated to young people, in particular students, who make up more than 61% of the country's population, discusses the moral and ethical

consequences of a modern student and the factors that influence the formation of a student's personality.

Донолар табиат гўзаллигини тараннум қилганларида инсон гўзаллигини инкор қилмаганлар. Дунёда энг гўзал хилқат инсондир. Жисмоний ва маънавий гўзал инсонга қараб, завқ оласан киши. Инсоннинг ташқи гўзаллигини инкор этмаган ҳолда, ҳақиқий инсонийликнинг чинакам мезони маънавий-ахлоқий фазилатлар эканини ёддан чиқармаслигимиз лозим. Халқда шундай нақл бор: Яхшилигинг ҳам, ёмонлигинг ҳам ўзингга қайтади. Ҳазрат Навоий айтадиларки, “мазлумга бахшойиш кўргузки, золимдан осойиш кўргайсан... Дўст висолин тилар бўлсанг, ошиқ бўл ва агар ўзлугинг билан бўла олмасанг, ошиқлар теграсида ўгрул”. Зеро, одамларга яхшилик қилган инсон ўзи ҳам руҳан шод бўлади, кўнгли кўтарилади, бировнинг юкини енгил, муҳтожликдан озод қилганлигидан севилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги” ПФ-5847-сонли Фармонида талаба ёшлар орасида маънавий, маърифий, тарбиявий ишлар таъсирчанлигини ошириш ҳақида тўхталиб, “... инсоний фазилатларга эга ёшларни профессионал касб эгаси сифатида тайёрлаш” таъкидланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати”нинг 5-моддасида “Ёшларга оид давлат сиёсатининг асосий йўналишлари” белгиланган бўлиб, бунда ёшларнинг маънавий, интеллектуал, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан камол топишига кўмаклашиш алоҳида қайд этилган[1]. Дарҳақиқат, ҳар бир талаба илм ва маърифатни эгалламоғи учун унга энг аввало чинакам инсоний фазилатларни, маънавий етукликни ва ахлоқий баркамолликни сингдириш бирламчи вазифадир. Ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол вояга етиши, замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта ўзлаштириши, истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши учун зарур шароитлар яратилгани баробарида “Замонамиз талабаси илм толибими?”, “Замонавий талабанинг маънавий-ахлоқий қиёфасидаги нуқсон нимадан?” - каби саволлар туғилиши шубҳасиздир.

Талабалик – жамиятнинг қуйи қатлами ҳисобланмиш ёшлар учун берилажак энг олий мақомдир. Талабалик бахтига ҳар ким ҳам муяссар бўлолмайди. Талаба ёхуд толиб сўзларининг луғавий маъносига диққат қаратсак, қуйидаги маъноларнинг гувоҳи бўламиз: طالب [талаба] – талаб қилмоқ, сўрамоқ; طالب [толибун] – талаб қилувчи, сўровчи; طلب [талабун] – 1) талаб қилиш, қидириш, сўраш; 2) талаб, таклиф, сўров; 3) буюртма бериш; طلب [талаба] – 1) сўрамоқ, қидирмоқ; 2) талаб қилмоқ; 3) тиланмоқ [2, 112, 114]. Айнан нимани талаб қилмоғи ҳақида сўз кетганда, толиби илм атамаси бизга жавоб беради. Талаба ва толиб, кўриб турганимиздек, араб тилида бир хил мазмунга ва шаклга эга сўзлардир. Талаба сўзи форсий изофа орқали ифодаланган толиби илм бирикмасининг яқка ҳолдаги кўринишидир. Демак, талаба ҳам, толиб ҳам илм талаб қилувчидир. Толиби илм деб, асосан, мадраса ва исломий таълимга йўналтирилган муассаса тарбияланувчиларига нисбатан айтилиши одат тусига кирган атамадир. Шу ўринда бир ойдинлик киритиш зарурати бор. Агар толиби илм мадрасада таълим олувчи йигит ёки қиз бўлса, демак у диний илмларни, талаба эса дунёвий илмларни ўрганади, деган нотўғри хулоса пайдо бўлмаслиги керак. Чунки Қуръон оятлари ва ҳадисларда зикр этилган илм, нафақат диний илмлар, балки ҳамма “фойдали илмлар” эканини алоҳида таъкидлаш зарур [3, 99]. Дарҳақиқат, Ислом диничалик илмни улуғлаган дин, тузум ёки фалсафа йўқ. “Илм талаб қилиш ҳар бир муслим ва муслимага

фарздир”, дейилади Ҳадису шарифда. Муаммо шундаки, талабалик шарафига эга бўлган ёшларимизнинг аксарияти толиби илм бўлолмаяптилар. Бунинг сабаблари синчковлик билан ўрганилса, жавоби бора-бора битта сўзга такалади. Бу – Интернет. Тадқиқотлар шуни кўрсатяптики, аксарият ҳолларда янги Интернет – психологиянинг таъсири кучли бўлмоқда. Интернет ахборот тарқатишнинг энг етакчи манбаига айланиб бормоқда.

Ҳозирги кун талабалари кутубхонама-кутубхона юриб, маълумот изламайди, мустақил ишларни ҳам қўлёзма шаклда ёзиб ўтирмайди. Ахир Интернет бор-ку! Барча муаммоларнинг ечими шунда. Чексиз мавзуларда турфа маълумотларни ўзида жамлаган улкан ахборотлар омбори ҳисобланмиш Интернет бугунги кун талабасининг тенгсиз дастёридир. Талаба фикр юритиб, бошини оғритиб, изланиб ўтирмасдан, тайёр реферат, курс ишлари, мустақил иш, мақолаларни Интернетдан кўчириб олади-да ўз номини қўйиб, ўқитувчига тақдим этади. Бир зумда иш ҳам тайёр, баҳо ҳам тайёр. Бироқ бу кўчирмачилик оқибати нимага олиб келади? Бундай лаганбардорлик фарзандларимизни тафаккурсиз роботга айлантириб қўймайдими? Энг қизиғи шундаки, Интернетдек чексиз маълумотлар уммонида сузиб юрган ёшлар на ақли, на тафаккури, на илми билан ўтмиш аждодларимиздан устун бўлолмаяпти. Тўғри, техника, технология соат сайин жадал ривожланмоқда. Ёшлар онг-у савияси-чи? Фақат кўчирмачиликка суяниб, олийгоҳларни битираётган талаба ёшларимиздан келажакда нималарни кутиш мумкин? Унинг билими сийқалашиб кетишининг олдини олувчи омил борми? Ўнлаб қомусий олимларни етиштириб берган заминимизда Уйғониш даврида ҳозирги имкониятларнинг юздан бири ҳам бўлмаган. Лекин Ибн Сино-ю Берунийлар, Ал Хоразмий-у Фаробийлар, Улуғбек-у Навоийлар инсоният цивилизациясининг тамал тошини қўйган аждодларимиздир. Ахир Интернет олами бизга бераётган ахборотлар заминида ёшларимиз мактаб давридаёқ даҳо бўлиб кетиши керак эмасми? Мантиқан олганда, ахборот кўпайгани сари илм кучайиши керак эмасми?

Шайх Шиблий шундай деган экан: “Тўрт минг ҳадис ўқидим, тўрт юзини ёд туширдим, шундан тўртгасига амал қилдим ва мақсадимга етдим”. Демак, ҳамма гап қабул қилинаётган ахборотларнинг одам мияси ва тафаккурида қайта ишланиши билан боғлиқ. Қайта ишланмаган ахборот кераксиз тош, ортиқча юк. Бундай юкнинг фойдасидан зарари кўпроқ [4, 16]. Ахборот онгнинг овқати, у ҳазм бўлиши, қайта ишланиши, илмга ва фикрга айланиши керак. Узлуксиз ахборот қабул қилаётган мия тўзтовсиз овқат еб, ҳазм қилмаётган ошқозонга ўхшайди. Ошқозон овқатни ҳазм қилсагина овқат қувват ва қонга айланади. Аксинча бўлса, у ошқозонни ишдан чиқаради. Фалсафада анализ, синтез деган тушунчалардан фойдаланилади. Буни айни кунда Интернет ва бутун ташқи оламдан олинаётган ахборотга нисбатан қўллаш айни муддаодир. Анализ, яъни таҳлил қилиш, сўнгра синтез, яъни керакли-кераксизга ажратиш – мана шу икки амални бажарган тарзда ташқи олам информацияларини тафаккур чиғириғидан ўтказиш биз истаган натижага – илм эгаллашга олиб келиши мумкин. Талабалар ҳар кунлик – 24 соат мобайнидаги вақтини, албатта, фақат Интернет билан ўтказмайди. Қувонарлиси шундаки, айрим талабалар ҳам ўқиш, ҳам ишни бир пайтда олиб борадилар (масалан, халқаро институт талабалари ҳафтада 2-3 кун мобайнида дарсга келадилар, қолган вақтини ўз ихтиёрига кўра сарфлаш имкониятига эга). Айрим талабалар ўзлари чуқур ўрганган фанлардан репетиторлик қилишса, яна бировлар илмий ижод ва илм билан шуғулланишни афзал биладилар. 60-70% талабалар

эса ўқишдан ташқари бўш вақтини “вақти чоғлик” билан ўтказишни маъқул кўришади. Афсуски, инсоннинг қулай, тўла-тўқис, фаровон яшаши учун яратилаётган барча шарт-шароитлар энгил-елпи ҳаёт тарзига ҳам сабаб бўлиб қолмоқда. Хусусан, талаба ёшлар ҳақида гап кетганда, улар шарқоналикка мутлақо зид бўлган – оммавий маданият тақлидчиларига айланиб қолишмоқда. Оммавий маданият эса, кўпроқ Ғарб маданияти билан боғлиқ ҳодиса эканини, тадқиқотчи Шухрат Ғойибназаров таъбири билан айтганда: “...бузғунчи ғояларни, янги ноанъанавий қадриятларни ҳамда ҳаётнинг ғайрияхлоқий нормаларини тарғиб қилишнинг жуда муҳим ва ғоят самарали воситаларидан бири” [5, 227] эканини назарда тутсак, бундай “маданият”нинг натижаси ачинарли экани аён бўлади. Буни қарангки, Шарқ ҳам, Ғарб ҳам таълимни юксак поғоналарга кўтаришда бир-биридан қолишмайди. Бироқ фарқ шундаки, Ғарбда таълимга восита сифатида қаралса, Шарқда эса мақсад деб қаралади. Ҳиндистон мустақиллиги учун кураш олиб борган ҳинд сиёсий арбоби Абулқалам Озод (1888-1958) 1951 йил 13 декабрда Дехлида “Инсон тушунчаси ва Шарқу Ғарбдаги таълим муаммолари” мавзусига бағишлаб ўтказилган симпозиумда сўзлаган нутқида мана бу сўзларни келтирган: “Инсон онги ўхшаш бўлишига қарамай, турли минтақаларда яшовчи одамлар бир қатор умумий муаммоларга турлича ёндаша бошладилар. Инсон тўхтовсиз ривожланаётган жонзот, деган ғарбча қарашнинг зидди ўлароқ Шарқда биз мутлақо бошқа инсон тушунчасига дуч келамиз. Шарқча инсон тушунчаси одамни ҳазрати инсон дея улуғлар экан, унда комиллик, олимлик, қодирлик каби Аллоҳга хос кўпдан-кўп хусусиятларни кўришни истайди” [6, 73]. Шунингдек Абулқалам Озоднинг мана бу хулосаси, илм-фан ривожланиши туфайли Шарқ ва Ғарб яқинлашган бугунги кунда шахсга, жамиятга нисбатан жиддий таҳдид солаётган оммавий маданиятнинг нечоғли хавфли эканини яна бир бор тасдиқлайди: “Ғарб назарияси инсоннинг маънавий асосига етарли эътибор қаратмагани сабабли унинг илм-фан соҳасидаги ютуқлари инсоният ҳаёти учун таҳдид манбаига айланиб қолди. Шу боис Ғарб илм-фаннинг ютуқлари инсон ва худонинг маънавий бирлиги ҳақидаги шарқона ғоя билан бирлаштирилса, илм-фан вайронагарчилик қуролига эмас, инсониятнинг тотувлиги, тараққиёти ва фаровонлигига эришиш воситасига айланган бўлур эди” [6, 73]. Ушбу сўзлар ярим арс муқаддам айтилганига қарамасдан, ҳозирги кун учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, дипломга эга бўлиш, том маънодаги зиёли бўлиш деган гап эмас. Талабаларимиз ва, қолаверса, ҳар бир инсон маънавий жиҳатдан шаклланмас экан, энг ривожланган АҚШ ёхуд Европа давлатлари кишиларининг кийиниши, юриш-туриши, соч турмаклаши-ю одоб-ахлоқи ва муносабат-муомаласига қанчалик тақлид қилмасин, ҳеч қачон ўта замонавий ҳам, ўта маданиятли ҳам бўлиб қолмайди. Фақат ўзлигини йўқотгани қолади, холос. Хўш, талабаларимиз чин маънодаги толиби илм бўлишлари учун нимани эътибордан соқит қиляпмиз? Аввало, жамиятнинг бошланғич бўғини бўлмиш оила бу борада энг катта масъулиятни ўз зиммасига олмоғи лозим. Ота-боболаримиз бежиз “Қуш уясида кўрганини қилади”, деб айтишмаган. Шахсий намуна – энг дастлабки ва кучли қуролдир. Бу гап, аввало, бутун меҳр-эътиборини олдида турган фарзандига эмас, қўлидаги тўртбурчак “олам”га бағишловчи ота-оналарга тааллуқлидир. Нафақат талаба ёшидаги, балки боғча ёшидаги фарзандимизга нисбатан озгина эътиборсизлигимиз, аввало, ўзимизга хуш келмайдиган натижаларга олиб келиши мумкин.

Абу Наср Фаробий “Бахт-саодатга эришув ҳақида”ги рисоласида ёзганидек, “...камолотга бир кишининг ўзи ёлғиз эришуви мумкин эмас. Ҳар бир инсоннинг туғма

табиатида ва унга лозим бўлган ҳар қандай иш ва ҳаракат жараёнида бошқа бир инсон ёки кўпчилилик билан муносабатда бўлиш, ўзаро алоқа қилиш хосияти бор, одамзод жинсида бўлган ҳар қандай инсоннинг аҳволи шу: у ҳар қандай камолотга эришувида бошқаларнинг кўмаклашувларига ва улар билан бирлашишга муҳтож ва мажбурдир”. Ҳар қандай вазиятда, энг аввало, фарзанднинг келажаги ва тақдири учун ўзини жавобгар деб чуқур ҳис этган ота-онанинг шахсий намунаси кўзга ташланиши лозим.

Фарзандларини илмли ва баркамол инсон қилиб тарбиялашни орзу қилган ҳар бир ота-она китоб мутоаласига урғу бермоғи, илм-фан билан бир қаторда адабиётга нисбатан ҳавас уйғотмоғи лозим.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ёшларга оид давлат сиёсати самарадорлигини ошириш ва Ўзбекистон ёшлар иттифоқи фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида эълон қилган фармонга биноан Республикамиз миқёсидаги таълим муассасаларида ўтказилиб келаётган “Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор” шиори остида “Мен севиб ўқиган китоб” ва “Энг яхши китобхон” танловлари, “Адабиёт ва санъат – шахс маънавиятини бойитиш ва юксалтириш омили” мавзусида ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар, адабиётшунос олимлар иштирокидаги учрашувлар фикримизнинг далилидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, талаба ёшидаги фарзандларимизнинг том маънодаги илм толиби бўлмоқлари учун бир неча омиллар, яъни ота-она ва атроф-муҳит намунаси ҳамда илм-фан, адабиёт, санъат ва маданиятнинг нечоғли муҳим аҳамият касб этишини назарда тутмоқ лозим. Одамларимизнинг онгу тафаккури, дунёқараши ва кайфияти тубдан ўзгариб бораётган бугунги кунда кучли эътиқодли, қатъиятли ва баркамол ёшларгина юртимиз истикболини таъминлашга қодир бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. (2003). Ҳадис ва ҳаёт. Ният, ихлос, илм. 3 жуз. – Т.: Шарқ.
2. Ш.Ғойибназаров. (2012). Оммавий маданият. – Т.: Ўзбекистон.
3. Абулқалам Озод. (2015). Инсон шахсга айланмаган жойда жамият мукаммал бўлолмайди // Маънавий ҳаёт, № 2.

ЧЕТ ТИЛЛАРНИ ЎҚИТИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Тангиров А. – ф.ф.н.
Жуманазаров У.У ф.ф.ф.д (PhD)
Тангиров О.А- талаба
Жиззах ДПИ*

Аннотация. Изучение иностранных языков проходит в трёх разных направлениях. Оккупация территорий, увеличение населения некоторых народов тоже носит добровольный характер. Абай Кунанбаев добровольно пропагандировал использование казахами иностранных языков, особенно русского.

Annotation. The methodology of ideas in Abai- socio-philosophical views is characteristic and important.

Ўзбекистон Республикасида чет тилларни ўрганишга алоҳида давлат аҳамиятига молик иш сифатида қараб келинмоқда. Бу борада ҳукуматнинг махсус қарор ҳамда фармонлари эълон қилинган. Назаримизда чет тилларни ўрганиш учун фақат қарор ва фармонларнинг ўзи етарли бўлмайди. Бу борада тил ўрганувчиларда ўрганилаётган тилга нисбатан алоҳида меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда ер юзида 5621 та тил бўлиб, улардан фақат 500 таси ҳар томонлама ўрганилган. Уларнинг ҳар учтасидан бирини ўз алифбоси бор.

Дунё тиллари орасида инглиз, рус, немис, араб ва испан тилларида сўзлашувчи аҳолининг аниқ ҳисоб-китобини олиш ва ҳисоблаб чиқиш анча мушкул. Чунки, бу тиллар бир неча мамлакатларнинг ҳудудида яшовчи халқларни қамраб олган. Улардан бирини ўрганиш бир вақтнинг ўзида бир неча ҳудудларда яшовчи халқлар тилларини ўрганиш имконини беради. Шу жиҳатдан, мамлакатимизда чет тилларни ўрганишга катта аҳамият қаратилиб келинмоқда.

Республикаимизда 2012 йилнинг 10 декабрида “Чет тилларни ўрганиш тизимини янда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарор қабул қилинди. Қарорда чет тилларни ўқитишнинг асослари, шарт-шароитлари тўғрисида фикрлар билдирилиб, унда бу борадаги қатор вазифалар белгиланди. Қарорда “Замонавий педагогик ва ахборот коммуникацион технологиялардан фойдаланилган ҳолда ўқитишнинг илғор усулларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларни ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш...” каби вазифалар белгиланган.

Мазкур қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда қатор ишлар амалга оширилди. Мактабгача таълим муассасаларидан бошлаб, олий таълимгача бўлган босқичларда чет тилларни чуқур ўрганишга киришилди ва ўқитиш соатлари кўпайтирилди. Лекин, бу билан чет тилларни ўқитишда фақат қарор ва фармонларнинг ўзи етарли бўлмаслиги кўриниб қолмоқда. Назаримизда бунинг учун ўрганилиши кўзда тутилган тилга нисбатан ўқувчиларда ҳавас ҳамда меҳр-муҳаббат уйғотишдан бошланса фаолият анча таъсирчан бўлади. Қизиқиши бор бўлган ҳар қандай ўқувчига ўша тилни ўргатиш анча енгил кечади. Акс ҳолда қанча ҳаракат қилинмасин бу ишдан фойда чиқмайди.

Кузатишлар инсоният тарихида ўзга тилларни ўрганиш инсонлар томонидан бир қатор омиллар орқали амалга ошганлиги кўрсатади.

Биринчидан, истилочилик ва мустамлакачилик сиёсати, унинг оқибатида маҳаллий аҳолининг мустамлакачилар тилини ўрганишга мажбурийлиги.

Маълумки, VII-VIII асрлар оралиғигача бўлган даврда аجدодларимиз Марказий Осиё ҳудудларида асосан туркий, форсий тиллар ва уларнинг турли шева ҳамда лаҳжаларидан фойдаланиб келишган. Араблар босқинидан сўнг эса бу жараён тубдан ўзгарди. Ислом дини ва муқаддас Қуръони каримнинг араб тилида бўлишлиги маҳаллий аҳолининг ҳам араб тилини ўрганишларига эҳтиёж туғдирди. Бу ҳақда тўхталиб буюк маърифатпавар олим Абдурауф Фитрат ўзининг 1919 йилда ёзган “Тилимиз” мақоласида қуйидагиларни билдирган эди: “Араблар босиб олдики, Қуръон арабча. Арабчага мажбур. Форс тилини ёмонлашдилар, ҳамма арабча битдилар”.

Мажбурий равишда ўзга тилларни ўрганиш жараёни XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, янги босқичга кўтарилди. Бу вақтдан бошлаб, Марказий Осиё ва Кавказнинг аксарият халқлари, хусусан ўзбеклар, тожиклар, қozoқлар, қирғизлар, қорақалпоқлар, озарбойжон, арман ва

гурузин халқлари “�рислар истило қилиб олгандан кейин...” (Абай) рус тилини ўранишга киришдилар ёхуд мажбур бўлдилар. Буюк оқин Абай Қўнонбоев бу ҳақда тўхталиб, ўзининг “Насихатлар” асарида шундай деган эди: “ Уларнинг (русларнинг –Муаллифлар) тилини, илмини билган киши руслар билан тенг ҳуқуқлилиқ давосини қила олади, уларнинг олдида ор-номус сотиб ялинмайди. Тил билмаган нодон қандай қилиб уларга яхши кўринсам экан, деб ким елкасини қисиб кўйса-шунга ота-онасини ҳам, ошна-оғайнисини ҳам, эл-юртини ҳам, динини ҳам, одамгарчилигини ҳам сотади. Фақат рус майори кулса бас, деб ўзининг обрўси кетганига ҳам парво қилмайди. Русларнинг илм-хунари-дунёни билишнинг калитидир, уни билган одамда дунё арзонроқ тушади” (Абай, Танланган асарлар, 76-бет.).

Бундай жараёни ҳинд халқлари ҳам ўз бошидан кечирди. Улар яшайдиган ўлканинг узоқ йиллар инглизлар томонидан ишғол қилиниши инглиз тилининг бу ўлкада давлат тили даражасида сақланиб қолишига, ҳаттоки, бу тилнинг Англия ва Америка шеваларидан қисман бўлсада фарқ қилувчи ҳиндча лаҳжасининг пайдо бўлишига олиб келди.

Шунингдек, Америка, Африка қитъаларидаги қатор мамлакатларнинг бугунги давлат тили ва кундалик турмуш тарзида ҳам ана шундай ҳолатни кўриш мумкин: Бразилияда португал тили, Куба, Мексика каби мамлакатларда испан тили, Жазоирда ва Сенегалда эса француз тилини мисол қилиш мумкин.

Иккинчидан, янги ҳудудлар кашф қилиниб, у ерга кўчиб борган айрим миллат вакиллариининг сон жиҳатдан кўпчилиқни ташкил этганлиги боис ўша тилнинг мақомининг кучайиши.

Бугунги кунда Австралия қитъасида давлат тили инглиз тили. Қитъа анча янги қитъа бўлиб, унда аҳолининг таркиби асосан кўчиб борган еропаликлардан иборат. Кўчиб борувчиларнинг аксарияти инглизлардан иборат бўлганлиги учун ҳам бу тилнинг мавқеи юқори бўлган. У ерга кўчиб борган бошқа миллат вакиллари ҳам шу тилни ўзлаштиришган. Натижада бу ўлкада инглиз тили давлат тили мақомига эришган. Бундай ҳолат АҚШ давлати таркибида ҳам кўриш мумкин. АҚШда давлат тили инглиз тили бўлгани ҳолда унинг аксарият штатларида испан ва француз тилларининг мавқеи анча баланд туради.

Учинчидан, тил ўрганувчиларнинг ихтиёрий қизиқиши ва ўз хоҳиш истакларининг мавжудлиги.

Чет тилларни ўрганишнинг мазкур йўли энг мақбул йўл бўлиб, унда ўқитувчилар томонидан тил ўрганувчиларнинг қизиқиши, ўрганилаётган тилга нисбатан ҳаваси ва ижобий муносабатини шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бунда ўқитувчига шарқ мутафаккирларининг ўзга тилларни ўрганиш борасидаги қарашлари айниқса қўл келади. Масалан, шоир Аваз Ўтар:

Ҳар тилни билув энди бани одамга жондур,
Тил воситайи робитайи олами ёндур,
Ғайри тилни саъй қилинг билгали ёшлар
Ким илму хунарлар биланни один аёндур,
Билмакка они ғайрат этинг фойдаси кондур.

Ёки буюк маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитратнинг “Тилимиз” асарида шундай фикрлар бор: Унинг таъкидлашича, шарқнинг буюк алломалари даражасига кўтарилган ва араб тилини ўрганиб, шу тилда ижод қилиб, бутун дунёни лол

қолдирган Абу Али ибн Сино, Абу Наср Фаробий, Жалолоддин Румий кабилар аслида туркий оила фарзандлари бўлишган. Ёки, туркий забон оилада дунёга келиб, форс адабиётининг пайғамбари даражасига кўтарилган Низомий Ганжавий эса форс тилида “Хамса” яратган ва хамсачилик анъанасига асос солган.

XX асрда яшаган буюк сўз дарғалари Чингиз Айтматов ҳам аслида қирғиз, Расул Ҳамзатов авар миллатига мансуб бўлсаларда рус тилида ижод қилиб, шу тил орқали жаҳон адабиёти сахнасидан ўзларига муносиб жой олдилар.

Хулоса қилиб айтганда, чет тилларни ўрганиш анча мураккаб фаолият ҳисобланади ва тил ўрганишда турли муҳит ва шарт-шароитлар таъсир ўтказишини унутмаслик лозим. Чунончи, чет тилларни ўргатишда ўқитувчи ўз ўқувчиларида ўрганилаётган тилга нисбатан қизиқиш ҳамда меҳр-муҳаббат уйғотиш хорижий тилларни ўраганишдаги энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Бунинг учун эса ўқитувчи инсоният тарихида яшаб, ўзлари мансуб бўлмаган тиллар орқали ҳам жаҳон сахнасидан муносиб ўрин олган аллома-ю, фузалоларнинг ўғитлари ва тажрибаларидан ўқувчиларини баҳраманд қилишлари ҳамда улардан ибрат олишга чақиришлари лозим бўлади. Ана шундагина ўқувчи ўз олдига аниқ режа ва мақсад қўяди ҳамда чет тилларни ўрганишга киришади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абай. Танланган асарлар. - Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995. -103 бет.
2. Рустамов А. Абай абадияти. – Тошкент: Муҳаррир нашриёти, 2019.
3. Аваз Ўтар. Сайланма. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1984.
4. Фитрат. Тилимиз. //“Иштирокиюн” газетаси, 1919 йил, 132-сон.

ТАЪЛИМ МУАССАСИДА МУНОСАБАТЛАР ТЕХНОЛОГИЯСИ

*Нурманов А.Т.-Пед.ф.док.
Жиззах ДПИ*

Аннотация

Статья посвящена вопросам совершенствования педагогического взаимодействия в системе высшего педагогического образования на основе субъект-субъектных технологий, показана роль общечеловеческих и национальных ценностей в оптимизации взаимоотношений между субъектами образовательного процесса.

Abstract

The article is devoted to the improvement of pedagogical interaction in system of higher education based on the teaching of subject-subject of technology, shows the role of human and national values to optimize the relationship between the subjects of the educational process.

Педагог касби ва шахсига нисбатан қўйилган замонавий талаблар контекстида олий педагогик таълимнинг асосий мақсади жаҳон стандартлари даражасида самарали фаолият олиб боришга, билим, кўникма ва малакасини доимий равишда такомиллаштириб, ўз касбини мукамал эгаллашга қодир юқори малакали мутахассисларни тайёрлашдан иборат. Ушбу вазифаларни амалга ошириш педагогика

олий таълим муассасаларида самарали мулоқот технологияларини кенг жорий этишни тақозо этади. Тадқиқотчи олимларнинг фикрига кўра², “инсон - инсон” муносабатлари хос бўлган касбларда, айниқса педагогик фаолиятда самарали мулоқот қила билиш ўта муҳим аҳамият касб этади. Дарҳақиқат, олий педагогик таълим тизимида фаолият кўрсатиб келаётган профессор-ўқитувчи, таълим муассасаси раҳбари ва бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий муваффақияти пировард натижада уларнинг мулоқот маданияти билан белгиланади. Таълим муассасаси обрў-эътибори, рейтинги ҳам, жамоадаги соғлом муҳит ҳам кўпроқ ушбу жамоа аъзоларининг, яъни таълим субъектларининг ўзаро муносабати ва мулоқот маданияти, коммуникатив компетентлигига боғлиқдир.

Олий таълим муассасасида ўзаро муносабатлар ўқитувчи - ўқитувчилар жамоаси, ўқитувчи – администрация, ўқитувчи–талаба кўринишларида амалга оширилади. Ушбу муносабатларни алоҳида кўриб чиқамиз. **Ўқитувчи- ўқитувчилар жамоаси.** Олий педагогик таълим тизимида ҳар бир профессор-ўқитувчининг обрўси авваламбор у аъзо бўлган педагогик жамоа, яъни кафедра, факультет ва таълим муассасасидаги ўзаро ижобий муносабатларнинг шаклланганлик даражаси билан белгиланади. Педагогик жамоада мулоқот самарадорлиги жамоа аъзоларининг бирдамлиги, корпоратив руҳиятнинг қўллаб-қувватланиши билан боғлиқ бўлади. Қачонки профессор-ўқитувчи таълим муассасаси кадриятлари, идеаллари, мақсад ва интилишларига содиқ бўлса, ўзини таълим муассасаси тимсоли сифатида кўра олса, шундагина педагогик жамоа учун сув билан ҳаводек зарур бўлган соғлом ижтимоий-психологик муҳит шаклланади. Ўз навбатида, вужудга келган соғлом ижтимоий-психологик муҳит профессор-ўқитувчиларнинг ўз касбига қизиқиши, ижодий фаоллигининг ўсиши, меҳнат интизомининг барқарорлашиши, ўз илмий ва педагогик фаолияти натижаларидан қониқишнинг ҳосил бўлишига сабаб бўлади, уларда олижаноблик, ҳамдардлик, ўзаро ҳурмат, бир-бирига нисбатан бағрикенглик, маъсулият, принципиаллик каби шахсий фазилатлар қарор топади.

Таълим муассасаларида ижобий ижтимоий-психологик муҳитнинг қарор топишига халақит берадиган, низоли вазиятларни келтириб чиқарадиган омиллар ичида ҳам айнан “коммуникатив тўсиқлар” алоҳида ўрин тутаяди. Кўпчилик тадқиқотларда таъкидланишича ва бизнинг кузатишларимизга кўра, бундай омилларга қуйидагиларни мисол тариқасида келтириб ўтиш мумкин:

Профессор-ўқитувчиларнинг коммуникатив компетентлиги турли хил бўлса (ахборотни узатувчи ва қабул қилувчи), уларда ҳар хил кадриятлар, эҳтиёжлар, муносабатлар шаклланади, бу эса ўз навбатида ахборотларнинг ноаниқ талқин этилишига олиб келади;

устунлик фактори. Нимаси биландир бошқалардан устун айрим профессор-ўқитувчилар суҳбатдошининг имкониятларига етарлича баҳо бермасликка, ҳатто камситишга ҳаракат қиладилар;

ижтимоий факторлар: ёш ва жинсий фарқ;

ўзаро ҳасадгўйлик;

тамагирлик ва мансабпарастлик;

² Климов Е. А. Пути в профессионализм. М.: Московский психолого-социальный институт; Флинта, 2003. С.58.

маҳаллигарчилик ва гуруҳбозлик. Бу каби иллатлар ҳам жамоа аъзолари ўртасида носоғлом муҳитнинг қарор топишига олиб келади, турли хил низоларни келтириб чиқаради.

Низоларни конструктив бартараф этиш учун куйидаги самарали мулоқот технологияларидан фойдаланиш тавсия этилади:

муаммони келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш;

томонларни қониқтирадиган муаммонинг ечимини топиш;

диққатни иккинчи томоннинг шахсий хислатларига эмас, балки муаммога қаратиш;

ўзаро маълумот алмашиш жараёнида суҳбатдошга кўпроқ ижобий таъсир этиш орқали ўзаро ишонч муҳитини яратиш;

мулоқот давомида суҳбатдош фикр-мулоҳазаларини диққат билан эшитиш орқали ўзаро ижобий муносабатлар пайдо бўлишига йўл очиб бериш.

Ўқитувчи-раҳбарият. Таълим муассасаси раҳбарининг (кафедра мудири, декан, ректор) иш фаолияти одатда ижтимоий-бошқарув ва ташкилий-техник йўналишларда олиб борилади. Тадқиқотчилар фикрига кўра замонавий раҳбар ўз вақтининг 65%ни касбий коммуникатив муаммоларни ҳал қилишга сарфлар экан³. Бундан шундай хулоса келиб чиқадики, таълим муассасаси, унинг бўлинмалари иш фаолиятининг самарадорлиги тўғридан-тўғри раҳбарларнинг коммуникатив қобилиятларига боғлиқ экан. Бизнинг кузатишларимиз кўрсатадики, кафедра, факультет ва таълим муассасаси раҳбарлари ва профессор-ўқитувчи ўртасида пайдо бўладиган низолар ҳам асосан коммуникатив ҳарактерга эга бўлиб, раҳбарнинг ходимга нисбатан адолатсизлиги, қўпол муносабати, унинг шахсий муаммоларига эътиборсизлиги, формализм, ходим тўғрисида бировларнинг фикрига таяниб хулоса қилиши, ходим меҳнатини моддий ва маънавий тақдирлашда ноҳолисликлар каби билан изоҳланади. Бу каби зиддиятлар ўз вақтида ва адолатли ҳал қилинмаса, таълим муассасида ижтимоий-психологик муҳитга салбий таъсир этади, раҳбар авторитетига путур етказилади. Бундай ҳолатларда раҳбарлар пайдо бўлган конфликт вазиятни чуқур таҳлил этиши, ходимларнинг индивидуал психологик ва физиологик хусусиятларини ўрганиб чиқиши, ҳар бир ходимнинг лавозим вазифаларини қатъий белгилаб бериши, уларнинг ўрнига ўзини қўйиб кўриши ва адолатли қарорлар қабул қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Ўқитувчи-талаба. Олий педагогик таълим муассасасида фаолият олиб бораётган ҳар бир профессор-ўқитувчи фаолиятининг мақсади, мазмун ва моҳияти, ҳаракатлантирувчи кучи, таълим хизматларининг объекти ва субъекти, энг олий кадрияти – бу, албатта, шогирд-талабалардир. Республикамиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ҳам дунё таълим ва тарбия тизимидаги энг илғор технологияларни миллий кадриятларимизга таянган ҳолда жорий қилиш орқали замонавий кадрлар тайёрлашдир. Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш жараёнида биз ҳам ана шу тамойилга амал қилишга ҳаракат қилдик. Бугунги кунда жаҳон таълим ва тарбия назарияси ва амалиётида ўқитувчи фаолияти, ўқитувчи касбига қўйилаётган касбий талаблар, унинг коммуникатив фаолияти, таълим ва тарбия жараёнида ўқитувчининг роли, унинг коммуникатив ва риторик компетентлигини ривожлантириш каби масалалар кенг муҳокама этилиб, тадқиқотчилар эътиборини жалб қилмоқда. Замонавий таълим ва

³ Шарипов Ф. В. Менеджмент общего и профессионального образования. М.: Логос, 2014. С.114-115.

тарбия жараёнида педагог консультант, маслаҳатчи, бошқарувчи, тьютор, фасилитатор, тренер, коучер, «психомайевт»⁴ каби вазифаларни бажариб, педагогик мулоқот тушунчаси ҳам янги таълим концепциялари, педагогик парадигма ва технологиялар асосида қайта таҳлил қилиниб, уни амалга оширишнинг инновацион методологиясини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда. Педагогик мулоқот тушунчасининг моҳиятини бугун олий таълим тизимида таълим ва тарбиянинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишни таъминлашга қаратилган метод ва воситалар йиғиндиси сифатида талқин қилиш мумкин. Педагогик фаолиятнинг ўзига хос томони шундан иборатки, у “ўқитувчи-талаба” ўзаро муносабатлар тизими сифатида амалга оширилади. Бу муносабатлар тизимида ўқитувчи асосий фигура сифатида талабалар фаолиятини бошқарса, авторитар, субъект-объект муносабатлар устувор бўлади. Гуманистик, субъект-субъект муносабатлар асосида ташкил этилган педагогик фаолият марказида талаба, унинг эҳтиёжлари ва қизиқишлари ётади. Профессор-ўқитувчининг вазифаси эса талабаларни мустақил билим олишга ўргатиш билан боғлиқ сермахсул ҳамкорлик фаолиятни ташкил этишдан иборат бўлади.

Хорижий илмий манбаларда замонавий олий таълим муассаса профессор-ўқитувчиси ва талаба ўртасидаги муносабатларда қуйидагилар устувор аҳамият касб этиши таъкидланган⁵: талабанинг позициясини тушуниш ва қабул қилиш, унинг шахсига нисбатан қизиқиш билдириш; талабани эшитиш, унга кулоқ солиш; талаба билан хушмуомалада бўлиш, айрим ноқулай вазиятлардан ҳазил-мутойиба орқали чиқиб кетиш; суҳбатдошнинг ўзини тутиши, хатти-ҳаракатлари, мимика ва имо-ишоралари орқали ички ҳолатини ўқий билиш; талабанинг фикрларини, нуктаи назарини инобатга олиш; суҳбат чоғида ўзаро ишонч муҳитини яратиш; барча талабаларга бир хил муносабатда бўлиш; зарур вазиятларда талабага миннатдорчилик билдириш, керак бўлса ундан кечирим сўрай билиш; ўзаро мулоқот самарадорлигини янада ошириш мақсадида педагогик хотирани ривожлантириш (талабаларнинг исмини эслаб қолиш, уларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш); рефлексив малакаларни ривожлантириш.

Профессор-ўқитувчи ва талаба муносабатларини миллий қадриятларимиз асосида ривожлантириш, узлуксиз таълим тизимида устоз-шогирдлик аънаналарини янада такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Профессор У.Қ.Толипов таъкидлаганидек, «Устоз-шогирд аънаналари ёшларда касбий маҳоратни тарбиялаш, уларнинг маънавий-маърифий салоҳиятини ошириш, изланиш, ижод қилиш, бир сўз билан айтганда, ҳар томонлама етук шахсни шакллантиришда ўзига хос тарбиявий таъсир кўрсатиши билан катта аҳамият касб этади»⁶. Устоз ҳам, шогирд ҳам мулоқот самарадорлигини таъминловчи миллий ва умуминсоний қадриятларни, омилларни ўзлаштириши ва амалда қўллай олиши зарур. Бундай омилларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

⁴«Психомайевтика» - ўқувчи шахсининг ички интилишларини ҳисобга олувчи педагогик муносабатлар стратегияси.

⁵Барабашёва И.В. Профессиональное педагогическое общение в деятельности преподавателя иностранных языков// Вестник Томского государственного педагогического университета. Выпуск 12 (165) 2015, с.20-25.

Степанова И. Ю., Адольф В. А. Профессиональная подготовка учителя в условиях становления постиндустриального общества. Красноярск: КГПУ им. В. П. Астафьева, 2009. 520 с.

⁶ Толипов У.Қ. Устоз-шогирдлик қадриятлари. Тошкент, 2015. Б.7.

1. Умуминсоний қадриятларни ҳисобга олиш. 2. Миллий урф-одатларни яхши билиш ва уларга амал қилиш: а) катталарга ҳурмат ва кичикларга иззат кўрсатиш; б) хотин-қизларга алоҳида ҳурматда бўлиш; в) оиладаги тарбиявий муҳит: эр-хотин муомаласи, ота-онанинг фарзандларига муносабати, фарзандларнинг ота-онасига муносабати; г) устозларнинг шогирдларига муносабати ва муомаласи ва ўз навбатида шогирдларнинг устозларга нисбатан муносабати; д) раҳбарларнинг оддий инсонларга муносабати; е) қариндош-уруғларнинг ўзаро муносабати ва муомаласи; ж) маҳалладошлар ва қўшниларнинг ўзаро муносабати. 3. Сухбатдошларнинг тафаккур доираси, билим савияси, дунёқараши. 4. Сухбатдошларнинг руҳий ҳолати. 5. Жамиятдаги ижтимоий муҳит: тинчлик, осойишталик, иқтисодий аҳвол, миллатлараро тотувлик. 6. Миллий ўзликни англаш ва бошқа миллатлар вакилларини ҳурмат қилиш. 7. "Коммуникатив тўсиқлар"ни бартараф этиш малакасини эгаллаш. 8. Мулоқот этикаси ва этикетини ўзлаштириш. 9. Мулоқотнинг вербал ва невербал воситаларини амалий ўзлаштириш. 10. Мулоқот жараёнига технологик ёндашув. 11. Ўз мулоқот маданиятини доимий такомиллаштириб бориш, коммуникатив идеалга интилиш.

Профессор-ўқитувчи ва талаба муносабатларини ўзаро мулоқот жараёнига технологик ёндашув асосида такомиллаштириш ушбу жараён самарадорлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Технологик ёндашув ўзаро мулоқот жараёнини мақсаддан келиб чиқиб олдиндан лойиҳалаш, аниқ коммуникатив вазиятни, мулоқот иштирокчиларининг ўзига хос хусусиятларини (ёши, статуси, психологик хусусиятлари, миллати ва бошқ.), мулоқот жойи ва вақтини инобатга олган ҳолда метод ва усуллар, мулоқот самарадорлигини таъминловчи фактор, шарт-шароитлар ва воситаларни танлашни назарда тутати. Демак, педагогика олий ўқув муассасаларида ўзаро муносабатларни оптималлаштириш учун таълим субъектларида коммуникатив муносабатларни лойиҳалаштириш кўникмаларини шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

БОШЛАНҒИЧ ТАЪЛИМДА АЛЛОМАЛАРИМИЗ ИЖОДИНИ ЎРГАТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА УНИНГ АҲАМИЯТИ

*Жуманазарова Г.У.- ф.ф.д. проф. в.б.
Умурзоқова М- тадқиқотчи
Жиззах ДПИ*

Аннотация. В статье подчеркивается важность совершенствования преподавания творческих способностей наших ученых в начальной школе.

Annotation. The article emphasizes the importance of improving the teaching of the creativity of our scholars in primary education.

Ватан шундай муқаддас гўшаки, инсон унинг ривожини учун қўлдан келганча ҳисса қўшиши, унинг ҳимояси учун, керак бўлса, жонини фидо қилиши лозимдир.

Бизнинг гўзал Ўзбекистонимиз, жаннатмакон диёримиз, бизга берилган энг буюк неъмат бўлиш билан бирга буюк омонат ҳамдир. Биз уни авайлаб-асрашимиз, бу улуғ неъматнинг қадрига этишимиз ва уни ҳар хил ғаразли кишиларнинг фитна-бузғунчилигидан ҳимоя қилишимиз лозим бўлади.

Мафкуравий полигонлар, ёд таъсирлар мавжудлиги ёшларимиздан соғлом эътиқодни тарбиялаш масаласига махсус педагогик муаммо сифатида астойдил киришиш заруратини кун тартибига қўйди.

Ислом таълимоти, хусусан, Қуръони Каримда ҳам ота-она, фарзандлик бурчи, инсоннинг ўз оиласи, уйи, маҳалласи, туғилиб-ўсган юртига меҳр қўйиши, Ватанига муҳаббат юксак инсоний фазилатлардан экани, ўзида бундай жиҳатларни мужассам қилган кишидан ҳеч қачон ҳоин чиқмаслиги кўп зикр этилган. Ҳеч бўлмаганда, «Ватанни севмоқ иймондандир» дейилган ҳикматни эсга олиш кифоя. Ундан Ватанига меҳри, муҳаббати йўқ кишида Аллоҳга бўлган меҳр ҳам нуқсонли бўлади, деган маънони англаш мумкин. Ватанни севиш инсонга хос табиий туйғу бўлгани учун Ислом дини уни имоннинг бир бўлаги деб қарайди.

Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўзининг ҳижратда бўлган дамларида азиз ва муқаддас диёрини эслаб кўплаб шеърлар ёзган.

Кўпдин берики ёру диёрим йўқдир,

Бир лаҳзаву бир нафас қарорим йўқдир,

Келдим бу сори ўз ихтиёрим бирла,

Лекин борурида ихтиёрим йўқдир.

Бу ҳам, албатта, ҳар бир инсоннинг қалбида Ватанига, туғилиб ўсган диёрига муҳаббатли бўлиши табиий эканига, бу буюк неъматнинг қадрини, айниқса, ундан айрилганлар яхши тушунишини билдиради.

«Бир сиқим она юрт тупроғининг қанчалар муқаддаслигини, Ватанидан айро яшамоқ қанчалар оғир эканлигини биз ўз она юртидан айрилган муҳожирзодалар яхши биламиз, - деб ёзади «Ватан қадрига этинг» номли дил изҳорида ватандошимиз Саид Абдурахмон. – Ўзга юртларда сарсон юришимизда, шул ғурбатга сабаб бўлган қатағон қурбонлари бўлган ота-боболаримиз ҳолини ҳам яхши тушунамиз. Ул гўзал юртда яшовчи азиз ака-укалар, опа-сингиллар ғурбатда муҳожир бўлиб юрган бизларнинг ҳозирги ҳолатимиздан хулоса чиқарсинлар. Ҳар бир нобакор инсонларга кулоқ солмасинлар. Мамлакатни нотинч қилдирган кишилардан ўзларини узоқ сакласинлар. Ўзларини биз каби овора, сарсон қилмасинлар. Ватаннинг қадрига этсинлар. Ватансиз инсон мисоли қанотсиз қушга ўхшайди...»

Ватанни севиш, унинг қадрига этиш учун албатта, мусофир бўлиш керак эканда, деган хулосага келмаслик керак. Бу борада ҳазрат Алишер Навоий шундай дейдилар:

Ватан тарқини бир нафас ўйлама,

Яна ганжи ғурбат ҳавас айлама.

Ёки ахлоқий поклик, ҳожатбарорлик ғояларини тарғиб этиб, илму маърифат ривожига муносиб ҳисса қўшган ва шу йўлда Ватан тараққиёти учун хизмат қилган Шайх Нажмиддин Кубронинг мўғул босқинчиларига қарши курашиб, юрт озодлиги йўлида қурбон бўлгани ҳам юқоридаги фикримизнинг ёрқин ифодасидир.

Оиланинг муқаддаслиги, унинг аъзолари ўртасидаги муносабатнинг ёшлар тарбиясидаги ўрни ҳам бунинг ёрқин исботидир.

Оилани муқаддас билиш ҳаммамизнинг бурчимиз. Зеро, оила муҳити қанчалик мусоффо бўлса, унда тарбия топган фарзандлар ҳам шунчалик пок ва беғубор бўладилар. Фарзандлар гўзал ахлоқли, одобли бўлишлари учун улар аввало оилада тўғри тарбияланиши керак.

Фарзандларни ёшликлариди катталарга нисбатан ҳурмат-эҳтиром, кичикларга нисбатан иззат-икром руҳида тарбиялаш асл миллий қадриятларимиздан ҳисобланади. Бунда ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасидаги муносабат муҳим аҳамиятга эга. Ака-ука ва опа-сингиллар ўзаро иноқ бўлишлари, қариндошлик ришталарини мустаҳкам боғлашлари, мусибатларига ҳамдард бўлиб, шодликларига шерик бўлишлари зарур. Зеро, ёшлида ўзаро меҳр-шафқатли қилиб тарбияланган болалар, улғайганларида ҳам бир-бирига оқибатли бўладилар.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ота-онани ҳурматлашни, уларга эҳтиром, меҳр кўрсатишни қайта-қайта уқтирганлар. Ровийлар бу ҳақда Расулulloҳдан жуда кўп ҳадислар ривоят қилишган. «Жаннат оналар оёғи остидадир» ҳадисида ана шу ҳолатлар ўз ифодасини топган.

Одатда, қариси бор хонадонни фойзли оила, уйида қари онаси ва отаси бор кишини энг бадавлат киши, дейишади. Халқимизнинг «+ариси бор уйнинг – париси бор», деган ҳикматли сўзлари ҳам ўзининг қисқа ва ёрқин ифодасини топган дейиш мумкин.

Айни пайтда, отага нисбатан ҳурмат-эҳтибор ҳам юксак фазилат саналади. Исломи дини отага итоат қилмоқ - Аллоҳга итоат қилмоқлик, отани норози қилиш Аллоҳни норози қилиш билан баробар ҳисоблайди. Имом ал-Бухорий ўзларининг Пайғамбар (с.а.в.)дан ривоят қилинган ҳадиси шарифда: «Ота-оналарининг кексалик вақтида ҳар иккиси ёки бири бўлмаганда бошқасини рози қила олмаган фарзанд хор бўлсин, хор бўлсин ва яна хор бўлсин» деганларини таъкидлаганлар.

Яна Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос (р.а.) нинг ривоятларига кўра жаноби Расулulloҳ: «Одам қиладиган гуноҳи азимлардан бири – ота-онасини ҳақорат қилмоқликдир!» дедилар.

Фарқад ус-Санжий айтдилар: «Баъзи китобларда ўқидимки, боланинг ота-она ҳузурида изнсиз гапирмоқлиги, олдиларида юрмоқлиги макбул эмасдир».

Исломи дини қарияларни ҳурмат қилишга, уларнинг иззат-икромини ўрнига қўйишга буюради. Аллоҳ таоло Куръони Каримда кексалик ёшига этган ота-оналаримизга қандай муомалада бўлишимиз ҳақида шундай марҳамат қилади: «Раббингиз, Унинг ўзигагина ибодат қилишларингизни ҳамда ота-онага яхшилик қилишни амр этди. (Ей, инсон) Агар уларнинг бири ёки ҳар иккиси ҳузурингда кексалик ёшига этсалар, уларга «уф!..» дема ва уларни жеркима! Уларга (доимо) ёқимли сўз айт. Улар (ота-она) учун меҳрибонлик хорлик қанотини паст тут, хокисор бўл, Парвардигорим, мени (улар) гўдақлик чоғимдан тарбиялаб ўстирганларидек, Сен ҳам уларга раҳм-шафқат қил» деб айт!»

Пайғамбар (а.с.) ҳузурларига бир саҳоба келиб сўрабдилар: «Ей Расулulloҳ, менинг касалманд онам бор, уни ўзим овқатлантираман, сув ичираман, таҳорат қилдириб қўяман, орқамда опичлаб юраман. Шу ишим билан онамнинг менга қилган хизматлари ҳаққини тўла адо этибманми?» «Йўқ, юздан бирини адо этибсан, холос. Аммо яхши иш қилибсан. Аллоҳ ўзи шу оз ишингга кўп савоблар беради», дебдилар Расулulloҳ (с.а.в.).

Юқорида келтирилган оятлар, ҳадислар ва ровийлар ривоятлари ота-оналарнинг ҳаётлик вақтларида розилиklarини олиб, ҳурмат-эҳтиборларини ўрнига қўйишлик ва ҳаётдан кўз юмганидан сўнг фақат яхши сўзлаб билан эслашликка даъват қилади.

Айтилган ўғитларни азиз фарзандлар қалбларига жо қилсалар ва муҳтарам ота-оналарини ардоқлашлари зарурлигини қанчалик чуқур англасалар ҳамда ўз ҳаётий

қоидаларига айлантисалар, улар ҳам ёшлари улғайганда иззат-икромда азизу мукаррам бўладилар.

Узлуксиз таълим мазмуни ва тарбия тизими, хусусан, «Ўқиш» дарслари орқали ўқувчи-ёшларда Ватанга, халқига меҳр-муҳаббат, миллий ғурур, диний бағрикенглик, тинчликсеварлик, миллатлараро мулоқот маданияти, инсонпарварлик, мустақил ва теран фикрлилик, фидойийлик, юксак масъулият ва бурчни ҳис этиш, қалби поклик, мустаҳкам иродалилик, ғоявий пишиқлик каби комил инсон учун зарур бўлган феъл-атворлар миллий кадриятлар, диний-ахлоқий ўғитлар, аجدодларимизнинг ўлмас мероси асосида шакллантириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади.

«Биз дарслик яратишга энг илғор ва энг шарафли вазифа сифатида қарашимиз, яхши дарслик яратган одамларни бошимизга кўтаришимиз керак». Бу – келажакимизнинг вориси бўлган ёш авлод тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилаётган Юртбошимизнинг сўзлари. Дарҳақиқат, бугун ҳар томонлама этук, маънавий баркамол авлодни тарбиялаш ҳар қачонгидан ҳам муҳим. Шу боис дарсликлар янгилашмоқда, ўқитувчиларга янги талаблар асосида ишлаш йўлларини ўргатувчи методик қўлланма ва тавсиялар ишланмоқда. Лекин бу йўлда ҳали жуда кўп ишлар қилиниши зарур.

Бошланғич синфларнинг «Ўқиш китоби»да «Бобоқалонимиз Алишер Навоий», «Алишер Навоийнинг ҳикматли сўзлари», «Алишер Навоий ҳақида ривоятлар», «Доноларнинг доноси», «Навоий ҳикматлари» каби мавзулар ва Ойбекнинг «Алишернинг ёшлиги» ҳикояси берилган. Гарчи улар қисқа бўлсада, Алишер Навоийнинг ҳаёти, унинг бизга қолдирган катта мероси, қилган эзгу ишлари, инсонпарварлиги ҳақида ўқувчи онгида тасаввур ҳосил қилиши мумкин ва бу ёш авлод қалбида Миллий истиқлол ғоясини шакллантиришда муҳим ўрин тутаети.

Шундай экан, бу мавзуни янада таъсирлироқ чиқиши, ўқувчи Навоий ҳақида кенгроқ тасаввурга эга бўлиши учун дарс машғулотларида шоирнинг суратидан, асарларидан фойдалансак, ҳикматли сўзлари ёзуви кўрғазмасини ташкил этсак, мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқувчиларга буюк бобомизнинг таржимаи ҳоли ҳақида гапирар эканмиз, унинг болалик чоғларидаёқ ақлли, одобли-зеҳнли бўлганлигини, илм олишга жуда чанқоқ эканлигини чуқур тушунтиришимиз лозим. Токи бола онгида ана шу фазилатларга эга бўлишга ҳаракат қилиш фикри уйғонсин. Бунинг учун Алишер Навоий ҳақидаги ривоятлардан ўринли фойдаланиш мумкин. Бундан ташқари, буюк бобомизнинг халқпарварлиги, муҳтожларга ёрдам бериши, подшоҳларни тўғрилиқка, ҳақгўйликка чорловчи эзгу ишлари ҳақида ўқувчиларга кенгроқ маълумот бериш керак. Мисол учун:

Эйки, қавий айлади давлат қулунг,

Зулм сори тушти ва лекин йўлунг.

Бу сартлар орқали Навоий ўз даврида халққа зулм ўтказган, кўпгина ноҳақликларга йўл қўйган, фақат бойлик орттириш мақсадида халқ элкасига кўплаб ўлпон солувчи подшоҳларга мурожаат қилган. Яъни «Ей подшоҳ, бахт-давлат қуши бошингга қўниб, сен эл-юртни сўрайдиган бўлдинг. Лекин, сен бундай эл-юртни обод қилиш, адолат учун курашмоқ эмас, ўз манфаатларингни ўйлаб, одамларга зулм қилиш йўлидан бораяпсан». Ёки, агар киши яхши инсон бўламан, ўзимдан яхши ном қолдираман, деса халқни ўйлаши, унинг дарди билан яшаши, мушкулини осон қилиши зурур, дея уқтиради Навоий. Унинг бу фикри:

Одами эрсанг демагил одами,

Ониким йўқ халқ ғамидин ғами,

деб битган сўзларида кўринади.

Бир ривоятда шундай ҳикоя қилинади. Бир ўтинчи чол бўлган экан. У ҳар куни набираси билан тоғдан ўтин териб келаркан ва шу ўтинларни сотиб тирикчилик қиларкан. Бир куни у қаттиқ бетоб бўлиб қолибди. Унинг табибга боришга бир мири ҳам йўқ экан. Орадан кунлар ўтибди. Уйда ҳам эгулик ҳеч вақо қолмабди. Бобосига раҳми келган бола бойнинг ҳузурига борибди ва ундан ўн танга қарз сўрабди. Бой ўн танга берибди ва маълум бир кунда қайтариб берасан, дебди. Бола хурсанд бўлиб, ўн тангани бобосига олиб бориб берибди. Чол тузалиб кетибди, аммо қарзини ўз вақтида узолмабди. Бундан жаҳли чиққан бой чол ва унинг набирасини қозининг олдига судрай бошлабди. Бу ҳолатнинг устига Навоий келиб қолибди. Ул зотни кўрган бой арз қила бошлабди. Шунда вазиятни англаган шоир чолга йигирма танга берибди. «Ўн тангани қарзингизга беринг, ўн тангани эса набиранинг билан ўзингизга ишлатинг», - дебди. Аммо чол тангани олмабди. Шунда бой жиғибийрон бўлиб: «Шундай улуғ зот мурувват қилсаю олмаса» - дебди. Шоир «Йўқ, бу камбағал қария биздан-да улуғроқ зот, у бизга меҳнатсиз олинган ақча юқ бўлмаслигини, ҳалолликни ўргатмоқда», - дебди.

Демак, Навоий табиатидаги инсонпарварлик туйғусини, Ватанга муҳаббат ҳиссини у ҳақда яратилган ривоятлар орқали, шоир ўзи ёзиб қолдирган шеърларидан фойдаланиб, ўқувчига этказиш лозим.

Алишер Навоий «Хамса» асарида Фаррух, Искандар, Шопур, Дилором каби ўнлаб адолат, маърифат, яхшилик, инсонийлик, бахт-саодат, дўстлик, биродарлик, гўзаллик учун курашувчи, зулм ва адолатсизликнинг, жаҳолатнинг ҳамма кўринишларига қарши жанг қилиб, ўз ҳаётини шу олижаноб мақсадлар тантанасига бағишлаб, мард ва жасур ҳаққоний ва оқсўнгил, халқпарвар ва ватанпарвар кишиларнинг ёрқин образларини яратди. Фарҳод ҳақида шоир шундай дейди:

Бировким зори йиглаб, йиглаб ул зор,

Тошиб кўнгил эл озоридан озор.

Бўлуб эл андўҳидин кўнгли гамнок,

Ёқо чокин кўруб, кўксин қилиб чок.

Фарҳод фаолиятидаги барча хусусиятлар унинг ана шу элпарварлиги, инсонпарварлиги билан боғланади.

«Хамса»нинг биринчи достони «Ҳайрат ул аброр»да Навоий кишилар муносабати ва муомала мезони, ўзини тута билиш, бола тарбияси ва бошқалар ҳақида қимматли фикр-мулоҳазаларини баён этади. Достонда одоб билан, ҳар бир кишининг ҳолу аҳволига яраша муомала қилиш, катталарга ҳурмат, кичикларга шафқат масаласига кенг ўрин берилган.

Алишер Навоий ўз асарларида инсон қадр-қимматини ҳар қандай бойликдан устун кўяди.

«Фарҳод ва Ширин» достонида Фарҳоднинг инсонпарварлиги, унинг иродаси, Ширин учун Арманистоннинг тоғлик-тошлик эрида канал казиш жараёнида намоён бўлиши ифодаланади.

Фарҳод бу ўринларда ўзининг тинч меҳнати билан боғлиқ чинакам қаҳрамонлик кўрсатади. Бутун халқ бир неча йилда ҳам бажара олмайдиган ишларни бир неча кунда, бир ўзи бажаради ва шу йўл билан Шириннинг муҳаббатига сазовор бўлади. Фарҳод гўзал Ширинни зўрлик билан ўз чангалига киритмоқчи бўлган эрон шоҳи Хисравга қарши, севгилиси юртини ҳимоя қилиб, мардларча кураш олиб боради. Фарҳод ва

Ширин ёвузликнинг, турли ҳийла ва найрангларнинг, адолатсизлик ва жаҳолатнинг қурбони бўладилар. Фарҳод ўзининг шоҳ фарзанди бўлишидан қатъий назар, аввало, инсон эканлиги сабабли меҳнатга меҳр қўяди, ночор кишиларга ёрдам беришни ўзининг бурчи деб билади.

Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида одамзотнинг энг кечирилмас хатоси – инсон дардини арзимас ганж (олтин)дан паст деб ҳисоблашида киши ўзини ўзи ҳалокатга дучор қилишида деб билади.

Демак, бобомиз Лайли ва Мажнун саргузаштларини ҳикоя қилиш билан бизга: «Эй, инсон, бу ўткинчи дунёда сендан яхшилик, яхши ном, меҳр қолади. Шунинг учун бир-бирингга яхшилик қил», - деб насиҳат бермоқда.

«Хамса»нинг энг катта достони «Садди Искандарий» ҳисобланади. Бунда инсонпарвар шоирнинг эр юзида меҳр-оқибат, адолат-маърифат тантана қилиши билан боғлиқ орзу ва хаёллари ўзининг ифодасини топган.

Шоир ўзининг «Маҳбуб ул қулуб» асарида илм, ҳунар, одоб, ахлоқ, юртсеварлик, мардлик, ростгўйлик каби фазилатларни улуғлайди. Ёлғончилик, баднафслик, қўрқоқлик, хиёнат каби қусурларни қоралайди.

Аччиқ тиллик ҳам энг ёмон хусусиятлардан бири эканлиги ҳақида Навоий шундай ёзади: «Аччиқ тил захарли найзадек санчилади. Кўнгулда битмас жароҳат барпо этади, унга ҳеч нарса малҳам бўла олмайди». Шунинг учун у кишиларни очик чехрали бўлишга даъват этади. Навоий бутун ҳаёти давомида илм-маърифатни тарғиб этди. Унинг «Билмаганни сўраб ўрганган олим, орланиб сўрамаган ўзига золим», «Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатра-қатра йиғилиб дарё бўлур» каби доно ўғитлари халқимизнинг ҳикматли сўзларига айланиб қолган.

Алишер Навоий ўз фаолиятида ҳар бир кишини ўзига дўст деб билади. Унинг бизга қолдирган бой мероси асрлар давомида инсониятни меҳр-оқибат манзиллари томон бошлаб, инсонпарварлик ғояларини юқори чўққига кўтариб келмоқда. Шундай экан, келажак авлодимиз ҳам Навоийдек инсонпарвар улуғ зотнинг авлодлари эканлигини англаб ўсиши ва у каби бўлишга интилишига эришайлик.

Хуллас, бошланғич таълим мактабларининг дастурлари мазмунига аниқ йўналишлар киритилиши лозим. Ўқитувчилар Алломаларимиз ижоди ёрдамида ўқувчиларда яхши фазилатларни шакллантиришнинг мақсад ва вазифалари, мазмун, шакл ва методлар бирлигини таъминлаш ҳамда ўқувчи шахсини камол топтиришда «Ўқиш китоби» дастуридан ўқувчиларни тарбиялашда кенг фойдаланишлари лозим.

Фойдаланилган адабиётлар

4. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: «Шарқ». 1992.
5. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). (Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев).-Т.:Халқ мероси нашр. 1999.
6. Зуннунов А., «Ўрта Осиёда педогогик фикр тараққиётидан лавҳалар». -Т.: «Ўзбекистон». 1997.

ЭРКИН АЪЗАМНИНГ “ҚОР БОСГАН ДАВОН” ҲИКОЯСИДАГИ ҲАЛҚОНА ИБОРАЛАРНИ ҚЎЛЛАШДАГИ ЎЗИГА ХОСЛИКЛАР

Ибрагимова Ф.Э –доцент
Жиззах ДПИ

Аннотация:

В этой статье некоторые фразы из рассказа Эркина Азама «Заснеженный перевал» анализируются с точки зрения их структурных, семантических и лингвокультурных особенностей.

Annotation:

In this article, some of the phrases in Erkin Azam's story "Snowy Pass" are analyzed according to their structural, semantic and linguocultural features.

Тил алоқа, хабар, таъсир этиш воситаси сифатида инсон нутқий фаолиятининг асоси ҳисобланади. Жамият ҳаёти тинимсиз тараққиётда бўлиб, унда нутқий фаолият юритиш ривожланиб, жадаллашиб бораётган маълумот тўплашининг узлуксиз жараёнидир.

Н.Маҳмудов нутқининг коммуникатив сифатларидан бири бўлмиш нутқининг бойлигини тавсифлар экан, шундай ёзади: “Нутқининг таъсир қуввати, тегишли ахборотни тингловчига тугал ва қулай, “юқумли” тарзда етказиш имконияти муҳим коммуникатив сифатлардан бўлмиш бойлигига ҳам боғлиқ. Бой нутқ тингловчининг жонига тегмайди, балки у бундай нутқни жон қулоғи билан тинглайди. Нутқининг бой ёки камбағаллиги унда тилнинг бир-биридан фарқ қиладиган унсурлари (сўзлар, маънолар, интонация, синтактик тузилмалар, иборалар ва ш.к) дан қай даражада фойдаланилганлик билан белгиланади. Айни бир тил унсури нутқда қанчалик кам такрорланган бўлса, бу нутқининг бойлик даражаси шунчалик юқори бўлади ёки, аксинча, муайян тил унсурининг такрори кўп бўлган нутқ камбағал ҳисобланади ва унинг таъсири ҳам шунга яраша бўлади... Лексик, семантик, грамматик, интонацион жиҳатдан ранг-баранглик нутқининг бойлигини юзага келтиради”.⁷

Бадиий матн бошқа матнлардан фарқли равишда нафақат тингловчига муайян ахборотни етказиш вазифасини, балки унинг руҳиятига таъсир этиш вазифасини ҳам ўз зиммасига олади, у, аввало, шуниси билан бошқа матн турларидан фарқ қилади. Унинг бу хусусияти эса бадиий матндаги турли поэтик воситалар, хусусан, иборалар орқали намоён бўлади. Ибораларнинг бадиий матннинг эстетик вазифасини юзага чиқарадиган, унинг таъсирчанлигини таъминлайдиган бадиий тасвир воситаларидан бири эканлиги филология илмида эътироф этилган ҳақиқатлардан биридир.

...Фразеологизмлар нутқ жараёнида тайёр ҳолда қўлланиладиган, семантик жиҳатдан сўзга муқобил, структура ва маъно жиҳатидан бирикма ва гапга тенг, компонентларидан бирининг ёки умумий бирикманинг кўчма маъноси асосига қурилган турғун бирикмалардир.⁸

Ўзбек тили луғат бойлигидаги иборалар тилшунос олимлар томонидан тизимли равишда ўрганиб келинмоқда. Айни пайтда ибораларни лингвомаданий бирлик сифатида ўрганиш, талқин ва таҳлил қилиш тил тадқиқотчилари олдидаги долзарб

⁷ Маҳмудов Н. Ўқитувчи нутқи маданияти. –Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2007. –Б.147 – 148.

⁸ Маматов А., Болтаева Б. Фразеологик бирикларнинг семантик-прагматик тадқиқи.Тошкент: “Наврўз”, 2019 йил, Б.14.

масалалардан ҳисобланади. Тилдаги ҳар қандай бирлик тил эгаларининг маданияти, яшаш тарзи, урф-одатлари, менталитети ҳақидаги хабар ташувчилар ҳисобланади. “Лингвокультурология тилни маданият ҳодисаси сифатида ўрганади. Бу дунёни миллий тил призмаси орқали ўзига хос тарзда кўриш бўлиб унда тил алоҳида миллий менталликнинг ифодачиси сифатида иштирок этади”⁹. Халқ руҳининг, тафаккурининг маҳсули ҳисобланмиш ибораларда халқнинг яшаш тарзини, урф-одатлари, менталитети, маданияти, умуман олганда, ўзлиги акс этади. Иборалар йиллар давомида халқ тилида турғунлашган ҳолда шаклланади, улардан оғзаки ва ёзма нутқда турли мақсадда фойдаланилади. Иборалар семантикасида экспрессивлик, эмоционаллик акс этганлиги туфайли, аксарият бадиий асарлар тилини бадиий восита сифатида кўркамлаштиради. Бадиий матн бадиий асар мазмунини ифодалаган, функционал жиҳатдан тугалланган, тилнинг тасвир имкониятлари асосида шаклланган, ўзида турли услуб кўринишларини муаллифнинг бадиий ниятига кўра эркин жамлай оладиган, тингловчи ёки ўқувчига эстетик завқ бериш, таъсир этиш хусусиятига эга бўлган ғоят мураккаб бутунликдир. Биз ҳам ушбу мақоламизда, ҳассос адиб Эркин Аъзамнинг “Қор босган доvon” ҳикоясидаги ибораларни таҳлилга тортдик:

Чамаси, кеча келишган. Келибоқ зарур ишларини битиришгану кечқурун ё «Тошболта ошиқ»қа (нечанчи марта?) ёки бирон-бир (тўйларда эшитавериб зерикмаган) хушовоз хонанданинг концертига кириб мириқишган. Бугун эса у ёқ-бу ёқни айланишган, албатта ЦУМ, ГУМлардан совга-салом олишган, ресторанда ўтириб «бир хумордан чиқишган». Мазкур микроматндаги *бир хумордан чиқишган* ибораси “Ўйлаб юрган бирор иш ёки ҳаракатни амалга ошириш натижасида таскин топмоқ, тинчланмоқ” маъносини билдиради¹⁰. Маълумки, бадиий матнда қўлланган тил бирликлари ўқувчига воқелик ҳақида хабар берибгина қолмасдан, эстетик завқ, таъсир ўтказиш вазифасини бажаради. Халқ тилидаги *хумордан чиқмоқ* ибораси ҳам ёзувчининг бадиий ниятини юзага чиқаришга, яъни қахрамонларнинг ҳолатини янада кучайтириб кўрсатишга хизмат қилган.

Халқ тилида кўп учрайдиган иборалардан яна бири *мум тишламоқ* ҳисобланади. Мазкур ибора ҳикояда қуйидагича шаклда келган: *Мана, энди майин кекириб пойтахт манзараларини кўздан кечиршимоқда. (Ахир, қишлоққа қайтганинда сафар таассуротига қизиққан биров-ярим «Ҳа-а, бу Тошкентлар қалай экан?» дея сўраб-нетиб қолса, мум тишлаб туролмайсан-ку! «Э, сўраманг, биродар! Эркагу аёлини ажратиб бўлмайди. Қизлар ҳам шим кийиб қолибди денг, барининг сочи қирқилган. Қиёмат. Лекин бу метро дегани зўр экан, ҳамма ёғи мрамар-а!»)*

Фразеологизмларни монографик планда ўрганган тилшунос олим профессор А.Маматов ўзининг “Фразеологик бирликларнинг семантик –прагматик тадқиқи” номли монографиясида фразеологик бирликларнинг трансформацияланиши ҳақида сўз юритади. Фразеологик бирликларнинг структурал таркиби сўз ва сўз бирикмаларини ёки яхлит ибораларни асос фразеологик бирликдан олдин, кейин ва фразеологик бирлик таркибининг ўртасида қўлланиши билан кенгайтириши мумкин¹¹. Ёзувчи *мум тишламоқ* иборасини трансформациялашдан маълум бир мақсадни кўзлаган, яъни аслида *огиз очмай жим қолмоқ, индамаслик* маъносини билдирувчи¹² (2:637)

⁹ Маслова В.А. Лингвокультурология. –М.: Academia, 2001. С.8.

¹⁰ ЎТИЛ. IV том, Б.423

¹¹ Маматов А., Болтаева Б. Кўрсатилган асар. Б.89.

¹² ЎТИЛ. II том, Б.637

иборанинг зид маъносини яратиш учун ибора таркибига *туролмайсанку* кўмакчи феълини қўшган. Натижада қаҳрамонларнинг шаҳарда кўрган-кечирганларини қишлоқдошларига мақтанишлари учун шароит яратган: *мум тишлаб туролмайсан-ку!* Ибора таркибининг кенгайишига хизмат қилган *туролмайсанку* кўмакчи феъли ҳаракатнинг давомийлигини ифодалаш билан бирга, яъни мақтаниш, гапириш тушунчаларининг юзага келиши, бошқача айтганда иборанинг асл семантикасида ўзгариш юз беришига олиб келган. Қаҳрамонларнинг *мум тишлаб туролмаслиги* кейинги гапда янада очик айтилган: «Э, сўраманг, биродар! Эркагу аёлини ажратиб бўлмайди. Қизлар ҳам шим кийиб қолибди денг, барининг сочи қирқилган. Қиёмат. Лекин бу метро дегани зўр экан, ҳамма ёғи мрамар-а!» Ёзувчи иборанинг маъносини кучайтириш, ўқувчида энгил кулгу уйғотиш мақсадида кейинги гапни матнга киритган.

Фразеологик бирликлар турғун, тилда тайёр ҳолда бўлганлиги сабабли бир қарашда уларнинг структурал таркиби ўзгармасдек туюлади. Аммо нутқда қўлланилган кўпгина фразеологик бирликлар маълум ташқи, яъни структурал ва ички ўзгаришларга учрайди¹³. Ижодкор халқ тилидаги бирликларни ўзининг дунёқарашидан келиб чиқиб ўзгартириши табиий ҳол. Ўрганаётганимиз ибора структурасини ўзгариштиришда ҳам албатта, ёзувчининг маҳорати, нукдатонлиги, бадиий нияти акс этади.

Айни ҳолатни Эркин Аъзамнинг таҳлилга тортилган ҳикоясида ҳам учратишимиз мумкин. Ўзбек тилида мавжуд *омадини бермоқ, омади келмоқ* ибораларини адиб, *омад йўлимизни берса* тарзида қўллади:

Совқотардигу яқин, жуда яқин жойда –ҳув анови кул ранг туман пардасида осмонга ўрлаб, осмонга қўшилиб гира-шира кўзга чалинаётган довон ортида, адирлар қўйнига яширинган бир қишлоқ борлигини, унда уйимиз, иссиқ-иссиқ уйларимиз борлигини, омад йўлимизни берса, ҳадемай у ерга етиб олишимизни ўйлаб, баданларимизга илиқлик югургандек бўларди. Яқин, жуда яқин. Девдек хўмрайиб турган анови довондан эсон-омон ўтсак –уйга етганимиз.

Бадиий услубни ёзувчи шахсисиз, унинг тилдан фойдаланишдаги маҳоратисиз тасаввур қилиш анча қийиндир. Чунки тилда бадиийликка хизмат қилувчи воситалар қанчалик ажралиб, маълум бўлиб турган бўлса ҳам, ҳар бир ижодкор уларни танлашда ўзига хос йўлдан боради. Шу орқали у фақатгина ғоявий пишиқ, бадиий мукамал, китобхонга эстетик завқ берадиган асар намунасини яратишга қолмасдан, тил воситаларидан фойдаланишда ўзига хос маҳоратини ҳам намойиш қилади ва шу билан бадиий услуб камолотига ҳам ўз ҳиссасини қўшади. Бадиий асарнинг ўқишли бўлишида ёзувчи нафақат тилдаги тайёр бирликлардан фойдаланади, балки ўзининг ижодкорлик хусусиятини ҳам намоён этади. Муаллиф ҳикояда *юраги билан юришга ўнгай* иборасини яратган. *Машина ҳадемай баҳайбат довонга, довон эмас, бамисоли осмонга ўрлаб кетган илон изини четлаб ўтиб («Ундан юраман деганнинг юраги отники бўлиши керак!») оддий одам юраги билан юришга ўнгай, тепасида қоялар ваҳимали қаққайиб, аждаҳодек оғзини очиб турган дара йўлига бурилди.*

Ўзбек тили фразеологик луғатида *юраги билан юришга ўнгай* шаклидаги иборани учратмадик, бу эса мазкур иборанинг айнан ёзувчи ижодкорлиги маҳсули сифатида юзага келган дея хулоса чиқаришимиз учун асос бўлади. Иборанинг яралишига тилдаги *юраги отникидай* турғун ўхшатиши асос бўляпти. Албатта, *юраги билан юришга ўнгай* ибораси тасвирланаётган ходисани кучлироқ ифодалашга хизмат қиляпти. Машина

¹³ Маматов А., Болтаева Б. Кўрсатилган асар.Б.78

юриб кетаётган довон тасвирида ёзувчи *бамисоли осмонга ўрлаб кетган илон изи, қоялар ваҳимали қаққайиб, аждаҳодек оғзини очиб турган* бирликларини қўллашдан мақсади ҳам окказионал иборанинг мазмунини тўлдиришдан иборат.

Ўзбек тилшунослигида турғун бирликлар: фразеологизмлар, халқ мақоллари, маталлари ва афоризмлар анча кенг ўрганилган бўлиб, тадқиқотларда уларнинг лексик-семантик, стилистик ва лексикографик жиҳатлари қамраб олинган. Мазкур мақолада ҳам ёзувчи Эркин Аъзамнинг бир ҳикояси мисолида унинг иборалардан фойдаланиш маҳорати ҳақида сўз юритдик ва баҳоли қудрат таҳлилга тортдик.

КОМИЛ ИНСОН ТАРБИЯСИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ

*Холбоева Г. А. П.ф.н,доцент
Жиззах ДПИ*

*Ҳар қандай таълим ва тарбияда энг асосий нарса муаллим, унинг
тафаккур дунёсидир.
А.Дистервег*

Аннотация

Представление об идеальном человеке –древне понятие..В этой статье сравнительно изучены методы и приемы, которые применялись нашими предками с сегодняшними принципами создания идеального человека.

Abstract

The concept of the perfect man is an ancient concept. This article deals with the methods and techniques used by our ancestors with today's principles of creating a perfect man.

Комил инсон тушунчаси ўрта асрларда пайдо бўлган бўлиб, мусулмон Шарқида, асосан, исломий нуқтайи назардан тарифлаб келинган, Аслида “комил инсон” тушунчасининг дунёвий мазмуни борлигини ҳам эътибордан соқид қилиш мумкин эмас. Унинг фалсафий маъноси умуммиллий аҳамиятга эга ва умуминсоний қадрият сифатида асрлар давомида сайқал топиб ривожланиб келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан тақдим этилган 5 та муҳим ташаббус бўйича талаба-ёшларни турли хил тадбирларга жалб этиш орқали уларнинг ижодкорлик, яратувчанлик ва изланувчанлик қобилиятларини ривожлантириш бўйича муҳим бўлган қарорларида ҳам комил инсон тарбияси ўз аксини топганлигини кўриш мумкин.

Маънавияти бой инсонгина комил инсон бўла олади. Юксак ахлоқий, маданий ва жисмоний фазилатлар ҳар жиҳатдан уйғун бўлган, чуқур ва замонавий билимга, кенг илмий-фалсафий дунёқарасхга эга бўлган инсон комил бўлади.

Юксак маънавий фазилатлар эгаси бўлган комил инсон: нафс хуружини, лаззатларга бўлган мойилик ожизлигини енга оладиган зотдир; одамни комил инсон ва мукаррам инсон мартабасига кўтариш унинг маънавиятини юксалтириш демакдир. Ҳар бир жамият таянадиган маънавий қадриятлар қанчалик умуминсоний мазмунга эга бўлса, у шунчалик умр боқийдир. Одам ҳам шундай. Одам қандай хулқ, ахлоқий, маданий сифатга эга бўлса, фаолият тарзини намоён этса унинг кадр-қиммати ҳам шунчалик юксак бўлади.

Биринчи президентимиз И.А.Каримов “Сир эмаски, ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ер ости табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда, ўзининг юксак маънавияти билан кучлидир” – деган эди.

Бу нарса инсон шахсига нисбатан эътибор ҳам талаб ҳам кучаяётганини кўрсатади.

Маълумки, шарқ фалсафасининг бир қисми бўлган ислом сивилзациясининг фазилатларини чуқур тушуниш учун бугунги кунда кенг имкониятлар яратилмоқда.

Комил инсон тўғрисидаги назария ва услубият методологик жиҳатдан Ўзбекистон Президенти асарларида, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, “Таълим тўғрисида”ги Қонунда, Кадрлар тайёрлаш миллий Дастурида ва бошқа ҳужжатларда ҳар томонлама ишлаб чиқилган бўлиб таълим тизимини янги замон талаблари даражасига кўтариш, соғлом, баркамол, маънавиятли ёшларни тарбиялаш энг муҳим вазифа эканлиги белгилаб берилган.

Шу нуқтаи назардан тасаввуф фалсафасида комил инсон концепсияси алоҳида диққатга сазовордир.

Комил инсон тасаввуф адабиётида кўп марта тилга олиниб мунозараларга сабаб бўлган ва бу ҳақда махсус китоблар ёзилган. Шулардан Абу Али Ибн Сино, Ибн Ал Арабий, Хусайн Воиз Кошифий, Саййид Абдулқодир Гелоний, Азизиддин Насафийларнинг рисолаларини тилга олиб ўтиш мумкин. Ибн Ал Арабий наздида комил инсонни Оллоҳ илоҳий нурдан яратгани, ислом илмининг билим фидойилари кўрсатишича, илоҳий нурж барча майжудотлардан, ҳатто ер ва осмондан ҳам аввал яратилгандир.

Комил инсонни тарбиялашда педагогик фаолият ва педагогик маҳоратни ўрни бекиёсдир.

Педагогик фаолият – эстетик, ахлокий, сиёсий, иқтисодий мақсадларда мувофиқ равишда ёш авлодни ҳаётга тайёрлашнинг ақлан ўйлаб кўрилган, катта ёшдагиларнинг ижтимоий зарур бўлган меҳнатининг ўзига хос туридир.

Таълим-тарбия ва малумот уйғунлашган ягона жавоб бўлиб ўқитувчи тарбиячи уларнинг шаклланишида етакчилик қилади. Ўқитувчи дарс берар экан ўқувчиларни фан янгиликлардан хабардор этади, Аини пайтда уларда инсоний фазилатларни шакллантиради., тарбиялайди мустақил фикрлашга ўргатади.

Педагогик маҳорат қуйидаги талаблар билан белгиланади:

Тарбиялаш маҳорати - ўқитиш ва тарбиялаш жараёнининг боғлиқлиги, уйғун ривожланган шахсни шакллантиришга, уларда юксак маданий ва маънавий савияси қарор топтиришга, педагогнинг юксак шахсий сифатларига. Унинг ватанпарварлик, обрў ва бурчни ҳис этишга, кенг гуманитар ва гуманистик тайёрлигига, шунингдек ўқувчилар ўртасида тарбиявий ишларни ташкил этишнинг амалий кўникмаларига асосланади.

Ўқув-тарбия жараёнида гуманитар омилни таъминлайдиган шахсий сифатлар - педагогнинг ўқув-тарбиявий жараёндаги гуманитар омилни белгилайдиган шахсий сифатларига қуйидагилар киради: талабчанлик, ҳаққонийлик, ҳалоллик, меҳрибонлик, хушмомалалик. Ушбу сифатлар педагогнинг таълим олувчилар учун аҳамиятини белгилаши керак. Шахсий сифатлар ўқитиш ва тарбиялаш маҳоратига таъсир кўрсатади.

Кўриниб турубдики маънавияти паст одам тубанлик сари кетади. Комилликнинг

ҳар бир даврга хос мезонлари бўлганлиги ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Нодонга нисбатан оқил, Лоқайдга нисбатан сергак, бахилга нисбатан сахий, Танбалга нисбатан сергайрат кўрқоққа нисбатан ботирлик каби хислатлар ўзига хос ўлчов вазифасини ҳам ўтаган.

Мамлакатимизда янги жамият барпо этилмоқда, унинг бағрида шаклланиши лозим бўлган комилликнинг моҳияти, шартлари ва низомлари ишлаб чиқилмоқда, амалиётга татбиқ этилмоқда. Энг аввало ота боболаримизнинг ибратли йўли биз учун намунадир. Бинобарин, комиллик бизга ёт эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент, Ўзбекистон, 1998. – 48 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа консерни, 1997. – 20-29-б.
3. Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури” //Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа консерни, 1997. – 31-61-б.
4. Каримов И.А. Баркамол авлод орзуси. – Т.: «Шарқ», 1999.
5. Хужаев Н. ва бошқалар. Педагогика асослари. – Т., 2003.

ШАРҚ МУТАФФАКИРЛАРИНИНГ КАСБ-ҲУНАРНИ УЛУҒЛАНИШ БОРАСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

*Холматов П. доцент.
Алламуродов Х.,-магистрант.
Мамарасулов Ш.. магистрант.
Жиззах ДПИ*

Аннотация

В этой статье восточные востоковеды призывают к профессионализму профессии, что никто не может принести пользу другим без профессии, и что они не должны тратить время. Они пытались объяснить важность воспитания и важность профессии в воспитании детей, чтобы они были идеальными людьми.

Annotation

In this article, oriental orient lists call for the professionalism of the profession, that no one can benefit others without a profession, and that they should not waste time. They tried to explain the importance of parenting and the importance of the profession in raising children so that they were ideal people.

Мустақил Ўзбекистоннинг давлат сиёсати даражасига кўтарилган, таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохатлар жараёнида асосий бўғин ҳисобланган умумий ўрта таълим мактаблари фаолиятининг муҳим вазифаларидан бири ўқувчиларни ҳаётга тайёрлаш ва касб танлашга йўналтиришдан иборатдир. Бу жараён тўғри ташкил этилганида шахснинг бўлғуси касбий фаолият субъекти сифатида шаклланиши таъминланади, келажакда бозор иқтисодиёти муносабатларига тезроқ мослашиши учун шароит яратилади. Таълим соҳасида олиб борилаётган

ислохотларнинг асосий моҳияти таълим мазмуни ва шаклини такомиллаштиришга қаратилган. Фан-техника тараққиёти, жамиятимизнинг демократлашуви, ахборот миқёсининг ошиб бориши каби омиллар боланинг шахсий хусусиятларига, жумладан, идрок эта олиш, тасаввур ва фикрлаш, ақлий қобилиятларининг ривожланишига олиб келди. Боланинг олами билишга бўлган эҳтиёжи ҳар томонлама кескин ошганлиги ҳеч кимга сир эмас. Ушбу ғоя асрлар давомида шарқ мутаффакирларимиз томонидан улуғланиб ривожлантириб келинган. Жумладан, Форобий бу касб-хунар ҳақида қуйидаги ибратли фикрларни илгари суради: «Инсон бирон-бир касбни эгаллаши учун фақат туғма қобилияти кифоя эмас, касб-хунарда камолотга ҳам етишиши керак. Камолот инсондан хунарнинг бирон бир соҳасини эгаллаш билан қаноатланиб қолмай, балки хунарни тўлиқ ўзлаштиришни талаб этади. Табиб фақат даволаш билангина шуғулланиб қолмасдан, тиббиётга оид ҳамма ишлар билан кизиқиши керак. Бу ҳамма хунарларга ҳам тааллуқлидир». Кайковус «Қобуснома» асарида касб-хунарни улуғлаб «Эй фарзанд, огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига нафъ еткурмас. Билурсанки, хори муғилоннинг тани бордур, аммо сояси йўқдур. Хунарсиз киши ҳам хори муғилон янглиғ на ўзига ва на ўзгага фойда берур. Барча дониш ва хунарнинг сармояси: адаб, тавозе, ҳаё, покдиллик, парҳезкорлик, беозорлик, сабр ва матонатлиқдур» дейди. Улуғ бобоколониимиз А.Навоий ўз ғазалларида инсонни вақтни бой бермай илм-хунар эгаллашга чақиради. «Илм касбини қилди то жони бор, хунар ўрганди онга ки имкони бор». Улуғ алломаларимиз ўзлари яшаб ўтган даврлардаёқ фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратар эканлар, фарзандларининг комил инсон бўлиб етишишларида бериладиган тарбияни, касб-хунарнинг нақадар муҳимлигини, унинг моҳияти ва мазмунини атрофлича изоҳлаб беришга ҳаракат қилганлар. Алишер Навоийнинг фикрича, тарбиянинг мақсади ёш авлодни ватанпарвар, халқпарвар, инсонпарвар, касб-хунарли, билимли, энг яхши фазилатларга эга бўлган киши қилиб етиштиришдир.

Касбий тарбиянинг бош мақсади ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда халқнинг бой миллий маънавий тарихий анъаналарга, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситаларни ишлаб чиқиб амалга жорий этишдир.

Бунинг учун:

- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш, ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш, ўз-ўзини идора ва назорат қила билишини шакллантириш, ўз шахсий турмушига мақсадли ёндашув, уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;

- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар, Ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш, маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларини шакллантириш, малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб, бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларини шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш, инсон фаолиятининг турли соҳаларида жорий қилиб кўриш. Болалар ижодкорлиги, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун шарт-шароит ҳозирлаш;

- инсонпарварлик одоби меъёрларини шакллантириш (бир-бирини тушунадиган, меҳрибонлик, шафқатлилиқ, ирқий ва миллий камситишларга тоқатсизлик), муомала одоби каби касбий тарбия воситалари (ноҳақликка, ёлғончиликка, тухмат, чақимчилик) га тоқатсизлик;

- ватанпарварлик, дунёвий фикрлаш, жамиятимизда яшаётган одамлар билан ўзаро муносабат мулоқотни ўрганиш, ўз халқига, давлатига содиқлик, унинг ҳимояси учун ҳамиша шай бўлиб туриш, Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг рамзларига ҳурмат билан қараш, ёш авлодни Ўзбекистон Конституциясига, Байроғига, Гербига, Мадҳиясига, Президентига садоқат руҳида тарбиялаш;

- қонуний жамоа ахлоқи ва турмуш қоидаларига ҳурмат билан қарашни тарбиялаш, шахснинг ноёб қирраларини белгиловчи фуқаролик ва ижтимоий масъулият ҳисларини ривожлантириш, ўзи яшаётган мамлакатнинг равнақи, инсоният тараққиётини барқарор сақлаб қолиш учун фидойилик, экологик таълим-тарбия;

- мустақил давлатимиз Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсатига тўғри ва холисона баҳо бериш, унинг тинчликсеварлик, ошкоралик ва бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, ошкора-очиқ ташқи сиёсатига ва ўз халқининг турмуш даражасини оширишга йўналтирилган, фуқароларни ижтимоий ҳимоя қиладиган ички сиёсатини тўғри тушунтириш;

- турмушда энг олий кадрят ҳисобланган меҳнатга ижодий ёндашиш фазилатларини шакллантириш;

- соғлом турмуш тарзига интилишни тарбиялаш ва ривожлантириш, муносиб оила соҳиби бўлиш истагини шакллантириш;

- ёшларимизни эркин, мустақил фикрлашга ўргатиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда шарқ мутафаккирларининг фикрлари ва ёшларни кичик тадбиркорлик ишларини ташкил этиш ўқувчиларни мустақил ҳаётга тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Бу жараёнда сўзсиз уларда бир-бирини қўллаб-қувватлаш, меҳрибонлик, ҳомийлик, ёрдам каби фуқаролик эътиқодлари ва фазилатлари шакллантириб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

Абу Наср Форобий. "Фозил одамлар шахри." Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й.

1. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Т., 1996 й.

2. Абу Райҳон Беруний. "Ҳикматлар".Т.,Ёш гвардия, 1973 й.

3. Абдулаҳатов Н., Абубакирова К., "Алломалар тўғрисидаги асотирлар". Фарғона 2012 й.

ЦИВИЛИЗАЦИОН ПЕДАГОГИК ТИЗИМЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тўрақулова И.Х. - ЖДПИ, кафедра мудири

Бўлтаков С.Х. – ЖДПИ, магистрант

Аннотация: В данной статье рассматриваются научно-методическое обоснование использования произведений восточных мыслителей в формировании цивилизованных педагогических систем.

Эту статью может использовать любой, у кого есть проблемы с модернизацией образовательного контента.

***Annotation:** This article addresses the scientific and methodological justification for the use of works of Eastern thinkers in the formation of civilized pedagogical systems. This article can be used by anyone who has problems with educational content modernization.*

Жаҳон миқёсида ҳукм сураётган илм-фан ва техника-технологиялар равнақи мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожланишини бошқаришда ва унинг келажагини белгилаб боришдаги кишилар интеллектуал салоҳияти ҳақидаги ахборотлар ниҳоятда муҳимлигини кўрсатмоқда. Бу борада **улуғ аллома-донишмандларимиз томонидан қолдирилган бой интеллектуал меросни** ҳамда умумбашарий қадриятларни бўлажак мутахассислар онгига мунтазам равишда сингдириб боришнинг аҳамияти катта. Ушбу жиҳатларни бўлажак мутахассислар онгига сингдириш бўлажак ўқитувчиларни нафақат касбий етук қилиб, балки интеллектуаллаштирилган фаолиятга йўналтирилган рақобатбардош мутахассислар қилиб тайёрлашни амалга оширишга оид имкониятлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиради.

Шу сабабли ушбу мақолага цивилизацион педагогик тизимларни шакллантиришда Шарқ мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш кетма-кетлигини илмий-методик жиҳатдан асослашни мақсад қилиб олдик.

Маълумки, таълим-тарбия жараёнида юқори самарадорликка эришиш, юксак сифат кўрсаткичларини қўлга киритиш учун ҳар қандай фан бўйича таълим беришда бўлажак ўқитувчиларнинг илмий тафаккурини кенгайтиришда, илмий мерослардан фойдаланиш ўзининг ижобий педагогик самараларини беради. Бу борада **донишмандларимиз интеллектуал мероси** кўпроқ илмий қадриятларга тегишли бўлади.

Демак, кишилик жамияти тарақиёти илмий қадриятлар ва уларга мос ахборот инқилоблари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, улар ривожини мунтазамлик касб этиб келмоқда. Бу эса ўзига хос **цивилизацион** жараёнларни ифодалайди ва уларнинг жамият тарақиётидаги аҳамиятига қараб илмий муаммолар шакллантирилади. Кейин уларнинг ечими топилиши билан илмий қадриятлардан истемолда фойдалана бошланади. Ана шундай жиҳатлар **цивилизацион тизимларнинг** юзага келишига асосий манбалар бўлиб ҳисобланади.

Ушбу соҳада олиб борган изланишларимиз натижалари цивилизацион тизимлар мазмун-моҳиятини таълим-тарбия жараёни мазмунига интеграциялаш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатди. Буларни этиборга олиб цивилизацион педагогик тизимларнинг муайян босқичларини шакллантириб олдик ҳамда ҳар бир босқичга мос мазмун-моҳиятни илмий-методик жиҳатдан асослаб олдик. Улар асосида цивилизацион педагогик тизимлар ҳар бир босқичи учун мақсад-вазифалар ва уларга шаклланиши лозим булган билим, кўникма ҳамда малакалар ҳажми ва қамрови ҳам белгиланиб олинди, шунингдек, ҳар бир цивилизацион педагогик тизим босқичларининг интеллектуаллик даражаси ва ҳар бир босқичда илмий қадриятларга берилган этиборлар ҳам таҳлилий ўрганилиб чиқилди ҳамда уларнинг бўлажак ўқитувчиларни касбий фаолиятга тайёрлаш учун шакллантириладиган цивилизацион педагогик тизимлар лойиҳалаштириб олинди ва улар кетма-кетлигини қуйидагича қилиб белгилаб олдик:

- **“Авесто” даврига мос цивилизацион педагогик тизим.** Бу тизимга асос қилиб ота-боболаримизнинг ибратли хикматларига ҳурмат-этибор, ватанпарварлик ва инсонпарварлик туйғусини ёшлар онгида шакллантиришлар олинди;

- **Эрамиздан олдинги VI-I асрларга мос цивилизацион педагогик тизим.** Дастлаб унинг **мазмун-моҳиятига** эътибор берадиган бўлсак, ўша даврдаги ижтимоий муҳит ҳисобга олинади, яъни бу даврда ижтимоий муҳит юнон ва ерли халқлар ижтимоий муҳитлари негизида таркиб топа бошлади. Бу даврда юртимизга юнон файласуфларининг асарлари ҳам кириб кела бошлади;

- **Эрамиз бошидаги I-VIII асрларидаги даврга мос цивилизацион педагогик тизим.** Бу даврга мос **мазмун-моҳиятга** алоҳида қайд этиш мумкинки, бунда цивилизацион жараён жамият тарақиётида ҳам яққол сезила бошлади, яъни бу даврларда илм-фан ривожини янги босқичга кўтарилди;

- **“Илк ўйғониш даври”га мос цивилизацион педагогик тизим.** Бу даврга хос цивилизацион жараён **мазмун-моҳияти** олдинги даврлардаги мазмун-моҳиятлардан тубдан фарқ қилади, яъни бу даврда ватанимиз энг ривожланган ўлкага айланган эди. Шу сабабли ҳам бу даврни Марказий Осиёдаги цивилизацион жараёнларнинг **“Илк Ўйғониш даври”** деб аталади;

- **“Сўнги Ўйғониш даври”га мос цивилизацион педагогик тизим.** Тарихдан бизга маълумки бу даврнинг мазмун-моҳиятини Амир Темур ва Темурийлар давридаги илм-маърифатни ташкил этади. Бу XIV асрнинг иккинчи ярмидан бошланиб XVI асрнинг бошларигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр фанда Марказий Осиёнинг маънавий юксалишидаги, яъни цивилизациясида **“Сўнги Ўйғониш даври”** деб ҳам аталади;

- **XVII-XVIII асрларга мос цивилизацион педагогик тизим.** Бу даврнинг ҳам ўзига хос **мазмун-моҳияти** бор. Улар ўша жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий муҳит негизида ифодаланади;

- **XIX-XX асрлардаги цивилизацион педагогик тизим.** Бу даврнинг мазмун-моҳиятини куйидаги манба орқали ифодалашни лозим топдик: “Тарақийпарварлик, бунёдкорлик азал-азалдан қон-қонига сингиб кетган ўзбек халқи ва улар ичидан чиққан Ўзбек зиёлилари ўз халқининг миллий-маданий онгини оширишда ҳам ота-боболари каби қаҳромонлик ва фидойилик кўрсатдилар. Улар кенг халқ оммасини саводли қилишга, уларни жаҳолат уйқисидан уйғотишга интилиб мактаблар очдилар.

Бу қайд этилган босқичлар кетма-кетлиги мазмуни Шарқ мутафаккирлари асарларига оид маълумотлари билан интеграцияланиб борилди. Бу борада дастлаб **“Авесто”** номли муқаддас китоби орқали бойитилган таълимотлар, **“Илк Ўйғониш даври”** мутафаккурлари (Ал-Хоразмий, Ал-Фафғоний, Аҳмад ал-Марвазий, Яхё Ибн Абу Мансур, Абу Али ибн Сино, Беруний, Исмоил Журжоний ва бошқалар) асарлари, **“Сўнги Ўйғониш даври”** мутафаккирлари (Мирзо Улуғбек, Қозизода Румий, Ал-Коший, Али-Қушчи, Махмуд Чағминий, Журжоний, Воиз Кошифий, Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожи Ахрори Валий, Сўфи Оллаёр ва бошқалар) асарлари ва жадидчилик ҳаракати намоёндалари (Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат, Маҳмудхўжа Бехбудий, Мунавар Қори Абдурашидхонов, Тавалло, Абдулҳамид Чўлпон, Исмоилбек Ғаспирали ва бошқалар)нинг асарларидан фойдаланилди. Улар

асосида тўлдирилган, бойитилган ва мукаммаллаштирилган таълим мазмуни шакллантириб улар бўйича таълим-тарбия жараёнлари олиб борилди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Йўлдошев Ж.Ф. Талимимиз истиқболи йўлида. Монография.-: Шарқ, 1996,145 б.
2. Тўрақулова И.Х. миллий тарбия тизимининг жамият тарақиётидаги аҳамияти // “Фан, таълим ва амалиёт” мажмуасининг долзарб муаммолари . Даврий илмий мақолалар тўплами.- Жиззах, 2007.- Б. 81-83.
3. Тўрақулова И.Х. Талабаларнинг маънавий иммунологик тарбиясини такомиллаштириш тенологиялари. Пед. фан. ном.... дисс. – Т., 2011,151 б.

БИОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШДА ТАЪЛИМ ВА ТАРБИЯНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ШАРҚ МУТАФАККУРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ

*Кубакова К.К., катта ўқитувчи
Остонов Ш., талаба
Жиззах ДПИ*

***Резюме.** Взгляды восточных мыслителей на осуществление интеграции образования и воспитания в преподавание биологии.*

***Annotation.** The views of Eastern thinkers on the integration of education and upbringing in the teaching of biology.*

Тарбия таълимдан устун туради. Инсонни тарбия вояга етказди. Дарҳақиқат тарбия –виждон иши, таълим эса фаннинг вазифаси. Кейинчалик, инсон вояга етгач, билимнинг бу икки тури бири - бирини тўлдиради.

Шунинг учун ҳам илм-фанга ўз хиссаларини қўшган буюк мутафаккирлар таълим-тарбия масаласига катта эътибор берган, яратилган асарларида шарққа хос бўлган инсоннинг ахлоқий-руҳий камолотини улуғлаш етакчи ўрин тутган. Таълимий-ахлоқий асарларда инсоннинг маънавий камолга етиши юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаши асосидагина амалга ошириши мумкин деган ғоя илгари сурилган. Илмий билимга асосланувчи метод шаклланди, натижада ақлий тарбия олимлар эътиборида бўлди: Хоразмий, Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Синолар бу методни асослаб беришган буюк мутафаккирлар эди.

Табиат ва унга боғлиқ таълим тарбияни ривожлантириш бўйича Абу Наср Фаробий, Абу Райхон Беруний, Абу Али Ибн Синоларнинг қарашлари алоҳида аҳамиятга эга.

Абу Наср Фаробий ўз асарларида билимларни ўрганиш тартиби ҳақида фикр баён этган унинг таъкидланишича, аввал билиш зарур бўлган илм ўрганилади, бу олам асослари ҳақидаги илмдир. Уни ўргангач, табиий билимларни, табиий жисмларни тузилиши, шаклини, осмон ҳақидаги билимларни ўрганиш лозим. Ундан сўнг, умуман, жонли табиат ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги илм ўрганилади, дейди.

Абу Наср Фаробий ўз асарларида ахлоқий фазилатларга тўхталиб ўз фикрларини баён этади. Ахлоқий фазилатлар деганда билимдонлик, донолик ва мулоҳазали бўлиш, виждонлилик, камтарлик, кўпчилик маърифатини юқори қўйиш,

хақиқат, маънавий юксакликка интилиш, адолатлилик каби хислатларни тушунди. Аммо бу хислатларнинг энг муҳими ҳар бир инсоннинг билимли, маърифатли бўлишидир.

Биологияни ўқитишда, маънавий-ахлоқий тарбиянинг асосий вазифаларидан бири табиатни ўрганиш жараёнида ўқувчиларда табиат, меҳнат, инсонларга нисбатан эътиборли муносабатда бўлиш, табиий бойликлардан тежаб-тергаб фойдаланиш, топширилган вазифаларни тўла-тўқис, сифатли бажариш, расмийлаштириш, онгли интизом, бурч ва маъсулиятни таркиб топтириш, инсоннинг кадр-қимматини ҳурмат қилишга ўргатиш саналади. Ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ўқув фаолиятини рағбатлантириш ва асослаш, ижобий ҳатти-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш, салбий ҳолатларни муҳокама қилиш, ўқитувчининг шахсий намунаси ва ижобий ҳатти-ҳаракатларни кўргазмали кўрсатиш муҳим роль ўйнайди.

Ўқувчиларнинг органик олам ва унинг объектларини ўрганишда, ўсимликлар, ҳайвонларнинг ривожланиши, уларнинг хилма-хиллиги, ҳаётини сақлаб қолиш ва кўпайтириш учун қайғуриши, ғамхўрлик қилиши, ёрдам бериши ҳақидаги илмий билимлар, муайян кўникма ва малакаларни таркиб топтиришга эътиборини қаратиши зарур. Табиат, инсон ва жамият ўртасидаги муносабатларни уйғунлаштиришда, Ерда ҳаётни сақлаб қолишда биологик билимлардан фойдаланишнинг аҳамияти, инсоннинг табиатга нисбатан инсонпарварлаштирилган муносабатининг роли кўрсатиб ўтилади.

Бундан минг йил бурун улуғ аллома Абу Райҳон Беруний “Агар инсонлар табиатга нисбатан зўравонлик қилиб, унинг қонунларини кўполлик билан бузсалар, бир кун келиб табиат уларнинг бошига шундай кунларни солиши мумкин, буни ҳеч қандай куч қайтара олмайди”, деган эди. Бугун биз буни Орол фожиаси мисолида кўриб турибмиз.¹⁴

Комил инсон тарбияси узоқ давом этадиган мураккаб жараёндир. Абу Райҳон Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Зеро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқликдир. Беруний инсон ҳар томонлама камолга етиши учун у илмли бўлиши билан бирга меҳнатсевар ва хунар эгаси бўлиши ҳам керак дейди. У инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги давр педагогикасида ҳам эътироф қилувчи ирсият, муҳит, тарбиядир. Яъни у инсоннинг камолотга етишида илму маърифат, санъат ва амалиёт асосий роль ўйнасада, насл-насаб, ижтимоий муҳит ва ижтимоий турмуш қонуниятлари ҳам катта аҳамиятга эга канлигини таъкидлайди.

Инсоннинг ички ва ташқи гўзаллиги бир бўлгандагина у идеал камолатга эришади. Юксак маданиятли киши бўлган Беруний инсоннинг ташқи ёқимли қиёфаси тўғридан-тўғри унинг ахлоқий қиёфасига боғлиқлигини уқтиради.

Биология дарсларида ўқитувчи ўсимликларнинг органлари, гул ва мевалар, ўсимликлар қопламани ўрганишда уларнинг гўзаллигини ёритади. Бунда ўқувчиларнинг эътиборини ўсимликларнинг ташқи гўзаллигига қаратиб, улардаги яширин гўзаллик ҳаёти, муҳит билан уйғунлашиши, табиат ва инсон ҳаётида тутган ўрнини идрок қилишга ўргатади.

Шарқнинг улкан қомусий ақли, жаҳон илми ва маданиятининг энг машҳур намоёндаларидан бири Абу Али Ибн Сино таълим-тарбиявий қарашларида инсоннинг ҳам ақлий, ҳам ахлоқий эстетик ҳамда жисмоний томондан ривожланиши унинг камолга етишининг асосий мезони сифатида талқин этилади. Биологияни ўқитишда

¹⁴ Е. Умаров, Р. Каримов. Эстетика асослари. 157-бет.

эстетик, меҳнат тарбияси серқиррали бўлиб, уни дарс, дарсдан ва синфдан ташқари ишлар ва экскурсияларда амалга ошириш имконияти мавжуд.

Ўқувчиларни эстетик тарбиялашда биология ўқув хонаси, тирик табиат бурчаги, мактаб тажриба ер майдонларида вужудга келтирилган тартиб, шинамлик ва гўзаллик муҳим рол ўйнайди. Ўқув хонасидаги ўсимликлар, кўргазма воситалари эстетик талабларга жавоб бериши ва маълум бир мазмунда жойлаштирилган бўлиши керак. Ўқувчиларни меҳнат фаолиятига тайёрлашда қишлоқ хўжалиги меҳнати кўникмалари муҳим аҳамиятга эга. Улар жумласига тупроққа ишлов бериш, ўғитлаш, ўсимликларни суғориш, уруғни экишга тайёрлаш, экиш, ўсимликларни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш ва сақлаш, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини боқиш, зараркунандаларига қарши кураш, меҳнат қуроллари билан ишлаш кабиларни киритиш мумкин.

Меҳнат тарбиясини амалга оширишда ўқитувчи ўқувчиларни меҳнат фаолиятига психологик жиҳатдан тайёрлаш, меҳнат маданиятини такомиллаштириш, шунингдек, ўқувчиларнинг ўзлаштирган назарий билимларидан фойдаланган ҳолда ақлий ва жисмоний меҳнатни тўғри ташкил этиш кўникмаларини таркиб топтиришга эътиборни қаратиши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки биологияни ўқитишда таълим ва тарбиянинг узвийлигини амалга ошириш учун қуйидагиларни назарда тутиш лозим:

1. Меҳнат тарбияси ўқувчиларни таълим ва касбга йўналтириш билан узвий боғланган. Ўқувчиларда меҳнат кўникмаларини шакллантириш, меҳнат фаолиятига тайёрлаш, шахснинг илмий-назарий билимларни ўзлаштирганлик даражаси, ватанпарварлиги ва жисмоний ривожланишига асосланади.

2. Эстетик тарбия маънавий-ахлоқий, ақлий, меҳнат, гигиеник ва жисмоний тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилади.

3. Ўқувчиларнинг жисмоний ривожланишини, уларнинг ақлий, маънавий ахлоқий, экологик, эстетик ва гигиеник тарбия билан уйғун ҳолда вужудга келади.¹⁵

Шарқ мутафаккурлари таълим-тарбия тўғрисидаги қарашлари шу билан ҳарактерлики, улар аждодларимизнинг бу борадаги қимматли фикрлари илғор, замонавий қарашлар билан уйғунлаштирилди. Шу боис уларнинг педагогик қарашлари ижтимоий заминга асослангани билан ханузгача ўз аҳамиятини сақлаб келмоқда.

АЖДОДЛАР МЕРОСИДА МАЪНАВИЙ-АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ МАСАЛАСИ

*Фарсахонова Д.Р ф.ф.ф.д PhD
Жиззах ДПИ*

Аннотация: В данной статье обсуждаются взгляды восточных мыслителей на духовно-нравственное воспитание и его роль в воспитании молодежи сегодня.

Annotation: This article discusses the views of Eastern thinkers on the spiritual and moral upbringing and its role in the education of young people today.

¹⁵ Ж.Толипова. Биология ўқитиш методикаси. 200-бет.

Ёш авлодни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашга оид давлат сиёсатини амалга оширишни маънавий-ахлоқий тарбиясиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида, хусусан, олий таълим муассасаларида талабаларнинг онги, тафаккури ва дунёқарашини жамиятнинг мақсад ва вазибаларини амалга оширувчи кучга айлантиришда маънавий-ахлоқий тарбия алоҳида ўрин тутади.

“Мамлакатимизда, – деган эди юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев, – амалга оширилаётган барча ислохот ва ўзгаришлар, кенг қўламли дастурлар ягона ва улуғ бир мақсадга қаратилган. У ҳам бўлса, ...фарзандларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол этиб тарбиялашдан иборат” [1; 412-б.]. Маънавий-ахлоқий тарбия ва ёшларга оид давлат сиёсати замиридаги ёш авлодни тарбиялаш мақсади том маънодаги эзгулик ғоясидир. Ёшларнинг билим олиши, касб-хунар эгаллаши учун яратилаётган шарт-шароитлар давлатимизнинг таълим-тарбия тизими марказида турувчи маънавий-ахлоқий тарбия, аввало, шахс маънавиятини ривожлантириш масаласи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, юксак ахлоқий фазилатлар, маънавий етуклик ва маънавий қиёфани таркиб топтиришга хизмат қилади.

Маънавий-ахлоқий тарбия – талабаларга жамиятдаги маънавий-ахлоқий меъёрлар мазмунини тушунтириш, ушбу меъёрнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини англатиш, уларда халқнинг миллий-маданий қадриятларига асосланган ҳолда юксак инсоний фазилатларни таркиб топтириш, ижобий муносабатларга кириша олиш кўникмаларини ривожлантириш ҳамда шахс сифатида ўзини-ўзи ривожлантириш компетенцияларини таркиб топтириш жараёнидир.

“... биз, - деган эди Ш.М.Мирзиёев, - фарзандларимизнинг онги, дунёқарашини асрлар давомида синовдан ўтган, юксак маънавият хазинаси бўлган жаҳон ва миллий адабиётимиз асосида эмас, балки қандайдик шубҳали, зарарли ахборотлар асосида шаклланишига бепарво қараб туролмаймиз...” [1; 534-б.]. Бугунги ахборот оқими орқали ёшлар маънавияти учун кураш кетаётган бир вақтда ёшларни маънавий меросимиз билан яқиндан таништириш маънавий-ахлоқий тарбияда ҳам ижобий самара беради.

IX–XII асрларда Мовароуннаҳрда олим, донишманд, шоирларнинг кўпчилиги қомусий билимларга эга бўлиб, илмлар бир-биридан ажралмас, узвий боғлиқ ҳолда мавжудлиги характерли эди. Шунинг учун ҳам Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, аз-Замахшарий, Исмоил Журжоний каби буюк сиймолар жуда кўп соҳаларда ижод қилиб, ўчмас из қолдирдилар. Шу билан бирга математика, астрономия, тиббиёт, мантиқ, тилшунослик, тарих каби илмлар маданият, маънавиятнинг ривожидан ниҳоятда муҳим аҳамият касб этгандики, ислом динининг назарий масалалари билан бирга ахлоқий томонлари ҳам кенг ривож топганини кўрамиз [5; 10-б.].

Имом Исмоил ал-Бухорийнинг IX асрда ёзилган “Ал-адаб ал-муфрад” (“Одоб дурноналари”) асари бутун ислом оламининг одоб-ахлоқи ва тарбияси масалаларига бағишланган махсус ҳадислар тўплами ҳисобланади. Ахлоқ масалаларига қаратилган мазкур асарда, асосан, оилада фарзанд тарбияси, ота-онани ҳурмат қилиш, онани эъзозлаш, меҳр-оқибатли бўлиш, пок ва имонли бўлиш, яхшилик қилиш каби юксак тарбиявий аҳамиятга эга бўлган фикрлар баён этилган. Ушбу асарда, асосан, пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи васаллам ва у киши атрофидаги саҳобаларининг ўғит ва насиҳатларидан намуналар, ривоятлар келтирилган [3].

Абу Наср Форобийнинг “Фозил одамлар шахри” асарида жамият талабларига тўла-тўқис жавоб бера оладиган ва уни тинчлик-фаровонликда сақлаб туришга хизмат қиладиган комил инсонни тарбиялаш хусусида фикр юритилади. Муаллиф инсонларни бахтга, саодатга элтувчи жамоани яратиш учун, аввало, жамоанинг барча аъзолари ақлий ва ахлоқий хислатларни – тўғрилиқ, ҳақиқатни севиш, жасурлик, дўстга садоқат каби фазилатларни эгаллаши лозим деб таъкидлайди. Инсоннинг ахлоқий хислатларини шакллантириш эса, асосан, тарбия ва тарбиячининг, билимдон муаллимнинг вазифасидир, деб уқтиради [2].

Абу Наср Форобий «ўн икки туғма хислатни» бирлаштирган кишигина ахлоқли бўла олади, деб таъкидлайди. Талабаларга маънавий-ахлоқий тарбия беришда ушбу хислатларни уларда шакллантириш орқали талабаларда қуйидаги ахлоқий фазилатларни юксалтириш мумкин: 1) соғлом; 2) зийрак; 3) кучли хотирага эга; 4) ақлли; 5) нотик; 6) илмли бўлиш; 7) нафсини тийиш; 8) одил; 9) улуғликка интилувчи бўлиш; 10) молпараст бўлмаслик; 11) адолатли; 12) қатъиятли бўлиш.

Абу Али ибн Сино муҳим ахлоқий сифатларни таҳлил қилади ва ҳар бирига таъриф беради. Инсондаги ижобий ахлоқий хислатларга сахийлик, чидамлик, камтарлик, муҳаббат, мўътадиллик, ақллилик, садоқат, интилиш, қатъиятлик, уятчанлик ва бошқаларни киритади. Ибн Сино ахлоқий хислатларни қуйидагича таърифлаган: **мўътадиллик** – тан учун зарурий озик ва хулқ меъёрларига тўғри келмайдиган ишларни қилмаслик; **сахийлик** – ёрдамга мухтож кишиларга кўмаклашувчи инсоний қувват; **ғазаб** – бирор ишни бажаришда жасурлик; **ақллилик** – бирор ишни бажаришда шошма-шошарликдан сақловчи қувват; **зийраклик** – нарсалар ва хатти-ҳаракатларнинг ҳақиқий маъносини тезлик билан тушунишга ёрдам берувчи қувват; **камтарлик** – худбин ишлар билан шуғулланишдан тўхтатувчи куч [6; 135–137-б.].

Шайх Нажмиддин Кубронинг “Фи ал-адаб” (“Одоб қоидалари”) рисоласи XII асрга мансуб бўлиб, муаллифнинг шогирдларига ўғит-насихатларидан иборат. Асарда, асосан, комил инсонни тарбиялаш, одамни ҳалокатга бошловчи нафс, хусумат, гумон, таъна, нифок, риё, фосиқлик каби ёмон феъл-атвордан халос бўлиб, фақат яхши ишларга, руҳий покликка чорлаш каби ғоялар илгари сурилади. Кубро ушбу асарни дунё кезиб, ўқиб-ўрганиб, кўрган-кечирганлари натижасидаги тажрибалари асосидан келиб чиққан ҳолда ёзади. Унда яхши ва ёмон хулқларнинг оқибатлари ҳақида фикрлар келтирилган [6; 193–194-б.].

Мутафаккир Кайковуснинг “Қобуснома” асарида ҳам фарзанд тарбияси борасидаги педагогик қарашлар панд-насихат тарзида баён қилинган. “Фарзандингга, - деб ёзади буюк тарбияшунос, - хунар ва фазл ўргатмақда таксир қилмағил ва ҳар илмни ўргатувчи муаллимлар таълим учун урсалар, сен шафқат кўргузғил, майли урсунлар, нединким, ёш ўғлон илм ва адабни таёқ билан ўрганур ва ўз ихтиёри билан ўрганмас. Аммо фарзандинг беадаб бўлса ва сенинг ул сабабдин қаҳринг келса, ўз қўлинг бирла урмағил, муаллимларнинг таёғи бирла кўркутғил. Болаларга муаллимлар адаб берсунлар, токи сендин ўғлингнинг кўнглида гина қолмасин. Фарзандга адаб, хунар ўргатмақни мерос деб билғил” [70; 106-б.].

Демак, бўлажак ўқитувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялашда илк Уйғониш давридаги мутафаккир олимларнинг панд-насихатларидан мавзуга мос ҳолда фойдаланиш орқали қуйидагиларга имконият яратилади:

- буюк алломаларнинг таълимий-ахлоқий йўналишдаги асарлари билан таништириш;
- ахлоқий тарбияланганлик даражаларини ошириш;
- юксак ахлоқий фазилатларга эга бўлган кадрларни тайёрлаш;
- келгуси касбий фаолиятида ўқувчиларни маънан етук этиб тарбиялаш ва ҳ.к.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз (1-жилд). – Тошкент: Ўзбекистон. НМИУ, 2017. 592 б.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2004. – 160 б.
3. Имом Исмоил ал-Бухорий. Ал-адаб ал-муфрад (Одоб дурдоналари). – Тошкент: Ўзбекистон, 1990. – 258 б.
4. Кайковус. Қобуснома. (нашрга тайёрловчилар: С.Долимов, У.Долимов) Т.: Ўқитувчи, 2006. – 208 б.

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ-НУТҚ
МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

*Содиқов Ҳ.М - катта ўқитувчиси
Жиззах ДПИ*

Аннотация: В данной статье рассматривается потенциал будущих учителей развивать культуру коммуникативной речи.

Annotation: This article focuses on the potential of future teachers to develop a culture of communicative speech.

Жамиятимиз ҳозирги вақтда дунё ҳамжамиятидаги каби интеграциянинг мураккаб жараёнини бошдан кечирмоқда, шунингдек, мазкур интеграция учун зарурий шарт иқтисодий, сиёсий, ишбилармонлик, ижтимоий-маданий ёки шахслараро муносабатлардаги профессионалликнинг халқаро стандартларига мос келмоқда. Коммуникатив назария, унинг бутун фанлараро алоқадорлиги очиқ берилганлиги билан ҳамда коммуникатив таълим, шу тариқа мазкур профессионалликни ривожлантиришнинг муҳим воситасига айланмоқда.

Мазкур масалаларни ҳал этишда, фикримизча, ғарб олий мактабининг коммуникатив таълимнинг ишлаб чиқилган мазмуни ва амалдаги модели билан тажрибасини жалб этиш ва бунда ўз маданий тадқиқотчилик ва таълимий анъаналаримизга таяниб ва бир вақтда уларни ривожлантирган ҳолда давом эттириш мақсадга мувофиқдир.

Олий касбий мактаб жамиятнинг замонавий ривожланиш босқичидатуб ислохотларни бошдан кечирмоқда. Мазкур ўзгаришлар тайёргарлик мазмуни ва бўлажак мутахассис шахсига талаблар, Олий таълим муассасаси таълимий жараёнининг анъанавий ташкил этилиши ва шахслараро ва маданиятлараро ўзаро муносабатлар қонуниятлари ўртасидаги зиддиятларни енгишга қаратилган.

Бугунги кунда педагогик жараёнга касбий фаолиятнинг ўзига хослигини инобатга олиб, бўлажак мутахассисни мулоқотга ўргатишни кўзда тутадиган мазмунни киритишсиз педагогик жараённи илмий англаш ва қуриш вазифаларини ҳал этиб

бўлмайди. Замонавий жамиятга оддий мутахассис эмас, балки “маданий инсон”, билимлар, ҳис-туйғулар, мулоқот, ижодий ҳаракатлар маданиятини интеграцияловчи профессионал ходим керак. Коммуникатив ривожланишнинг камчиликлари эса мутахассиснинг касбий ва шахсий ўсишига тўсқинлик қилади.

Таълимий жараённинг инсонпарварлик қадриятларига, коммуникатив маданиятлари, шахснинг, педагогик ўзаро муносабатларнинг ҳар бир иштирокчисининг ривожланиш ва ўз-ўзини амалга ошириш жараёнлари олий таълим муассасалари, айниқса, педагогика Олий таълим муассасалари учун долзарбдир.

Замонавий ўқитувчининг тайёргарлиги бошқа талаблар қаторида ўқув-тарбиявий-жараёни самарали бошқариш қобилиятини кўзда тутлади. Бу табиийки, мулоқотнинг назарий асосларини билишни, ўқувчилар билан алоқаларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш кўникмаларини, нутқ саводхонлигини ривожлантиришни, шунингдек, коммуникатив фаолиятда доимий ўз-ўзини долзарблаштиришга интилишни кўзлайди.

Олий таълим муассасаларида ишлаш тажрибаси қуйидаги хулосаларга келиш имкониятини берди: ўқитувчининг дарсдаги ташкилий ва коммуникатив фаолияти нафақат тарбиявий, балки таълимий йўналганликка эга, чунки ўқув жараёнини ташкил этиш ва тартибга солиш, ўқитувчининг гуруҳ билан тегишли муносабатларини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш орқали амалга оширилади.

Таълим тарбия жараёнидаги ўқув вазиятининг икки турини ажратиш мумкин:

1. Ўқитувчига боғлиқ бўлмаган мавжуд омиллар (талабаларнинг машғулотга тайёргарликлари, уларнинг ҳиссий ҳолатлари ва ҳ.к.);

2. Ўқитувчи машғулот мақсадига боғлиқ равишда ўзгартира оладиган омиллар (ўқув материали, унинг ҳажми ва педагог эга бўлган методик ташкил этиш усуллари, дарсни кўргазмалар қўлланмалар ва техник воситалар билан жиҳозлаш, талабаларнинг мазкур фанга ва ўқитувчига муносабатлари).

Ўқитувчи фақатгина ўқув вазиятининг таҳлили натижаларига эга бўлибгина, ўтиладиган дарс мақсадларини белгилайди ва ўқув жараёнини режалаштиришга киришади. Режалаштириш босқичининг муҳим босқичи талабаларнинг қийинчиликларни олдиндан кўра олиш, машғулотларга уларнинг кўзлари билан қарашни билиш ҳисобланади. Мазкур психик жараён – коммуникатив муносабатларни хаёлда акс эттириш билан изоҳланади.

Педагогик башоратлаш ўқитувчининг ўз фанини, уни ўзлаштириш психологиясини, уни ўқитиш методикасини ва аниқ коммуникатив муносабатларни чуқур билишига таянади. Ўқитиш ва тарбиялаш бирлиги принципини амалга ошириш яна бир муҳим педагогик функцияни – тарбиялаш функциясини бажариш, яъни коммуникатив нутқ фаолияти давомида талабаларнинг ғоявий-сиёсий, ақлий ва ахлоқий тарбияларини амалга ошириш билан боғлиқ. Педагогик вазифаларни ҳал этиш жараёнида ўқитувчига қуйидаги иш турларини бажаришига тўғри келади:

Аниқ мулоқот шароитларини ўрганиш.

Нутқий фаолият давомида эҳтимолдаги қийинчиликларнинг методик таҳлили ва башорати.

Коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш учун машғулот мақсадларини лойиҳалаш ва унинг режасини тузиш.

Талабалар билан ва талабалар ўртасида коммуникатив ўзаро муносабатларни ўрнатиш, машғулот режасини амалга ошириш жараёнида уларнинг коммуникатив фаолиятларига тузатишлар киритиш.

Ўз компетентлиги самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш.

Ўқитиш, тарбиялаш ва коммуникатив маданиятни ривожлантириш бирлиги принципини амалга ошириш. Мулоқот қилишни билиш мураккаб педагогик хатти-ҳаракатни ифодалайди ва таъсир этишининг керакли усуллари топиш кўникмаси билангина чекланмайди, балки алоҳида психологик тузилишга эга бўлади, унинг ўқитувчи фаолиятидаги асосий компонентлари қуйидаги коммуникатив функциялар ҳисобланади:

- керакли муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш;
- ўзининг нутқий тажрибасидан фойдаланиш, уни ўқувчиларнинг нутқ маданиятлари ва умумий ривожланиш даражаларига нисбатан мослаштириш;
- ўқувчиларнинг нутқ фаолиятларини рағбатлантириш ва уни бошқариш билан ўқувчиларнинг нутқий фаолиятлари ва хулқлари бирлигини таъминлаш.

Олий таълим муассасаларида бўлажак ўқитувчиларнинг турли коммуникатив шериклар билан ўзаро муносабатларини тил воситалари ёрдамида онгли қуришга, яъни инсонлар билан ишлашни билиш, коммуникатив жараёни самарали қуриш ва бошқаришни билишга ўргатишга эътибор етарли даражада қаратилмайди.

Хулоса ўрнида айтиш лозимки бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив –нутқ маданиятини ривожлантиришда таълим тарбия жараёнида педагогик вазифаларни ҳал этишда қуйидаги иш турларини бажариши мақсадга мувофиқдир:

Аниқ мулоқот шароитларини ўрганиш, нутқий фаолият давомида эҳтимолдаги қийинчиликларнинг методик таҳлили ва башорати, коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш учун машғулот мақсадларини лойиҳалаш ва унинг режасини аниқ тузиш, талабалар билан ва талабалар ўртасида коммуникатив ўзаро муносабатларни ўрнатиш, машғулот режасини амалга ошириш жараёнида уларнинг коммуникатив фаолиятларига тузатишлар киритишга асосий эътиборни қаратиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуқодиров А.А. Таълимда инновацион технологиялар. – Тошкент: Истеъдод, 2008 й.
2. Джураев Р.Ҳ. Таълимда интерфаол технологиялар. –Тошкент.– 2010 й.
3. Маҳмудов Н. М. Ўқитувчи нутқ маданияти. Дарслик. – Тошкент –Ўзбекистон миллий кутубхонаси. –2007 й.
4. Халиков А.А. Педагогик маҳорат //Дарслик.“Iqtisod-moliya”.–Тошкент. –2011й.

ДАРС ЖАРАЁНИДА БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗ ИЖОДИНИ ЎРГАТИШ УСУЛЛАРИ

**Жуманазарова Д. п.ф.н., доцент
Жиззах ДПИ**

Аннотация. В статье описаны методики обучения творчеству наших великих ученых на занятиях.

Annotation. The article describes the methods of teaching the creativity of our great scholars in the classroom.

Кичик мактаб даврига 7—12 ёшдаги бошланғич таълим (I-IV синфлар) ўқувчилари киради. Бола мактаб учун боғчада ёки оилада тарбияланмоғи лозим. Шунда

у билим асосларини ўрганишга биологик ва психологик жihatдан тайёр бўлади. Руҳшуносларнинг кузатишича, боланинг руҳияти билим олишга этарли даражада тўлишиб, идрокининг ўткирлиги, софлиги, аниқлиги, ёркинлиги, билишга қизиқувчанлиги, ишонувчанлиги, хаёлининг мусаффолиги, хотирасининг мустаҳкамлиги, фикрчанлиги билан бошқа ёшдаги болалардан ажралиб туради. Мактаб таълимига тайёрланаётган болада диққат нисбатан узоқ муддатли ва шартли барқарор бўлади, айниқса, бола диққатининг хусусиятлари дидактик ўйинларда, муаммолар жараёнида ўзгалар нутқини идрок қилиш ва тушунишда, ҳикоя тинглаш ва қайта ҳикоя қилишда кўринади. Бола мактаб давригача катталарга тақлидан у ёки бу ахборотни ўзлаштириб келган бўлса, энди ўз хоҳиш-иродаси билан зарур маълумотлар тўплашга интилади, ўз олдига аниқ мақсад ва вазифа қўйишга ҳаракат қилади. Бола хулқ-атворидаги бу ўзгариш ва фаоллик унинг хотираси муайян даражада ривожланганлигини билдиради.

1-синф ўқувчиси кўпроқ билим фаолиятини яққол образли хотирага таянган ҳолда ташкил этади. Нутқи ҳам изчил, ифодали, грамматик қоидаларга эмас, балки миқдор ва кўламга кўра ўзгалар билан фикр алмашиш учун этарли даражада шаклланган бўлади. Шу билан биргаликда, боланинг мактаб таълимига руҳий тайёрланишининг ички (ботиний) жиҳати ҳам мавжуддир. Унда шу даврга келиб, билим олиш, ўқиш-ўрганиш хусусида тўғри тасаввур юзага келади. Мактаб интизомига итоат қилишга, мураббийлар кўрсатмасини бажаришга мойил бўлади. Лекин болалардаги қобилият, иқтидор бир хил эмаслигидан, улар ўртасида муҳим фарқлар вужудга келади. Бинобарин, баъзи бола мактабга зўр иштиёқ билан интильса, баъзиси мактабдан қатъий воз кечишгача бориб этади. Муҳими, мактаб таълимида ўқувчи ўқишга салбий муносабат уйғотмаслиги учун курашиши зарур. Бу ишда энг мақбул йўл, болалардаги билим савиясининг ўзига хослигини инобатга олиб, индивидуал ёндашишдир. Янги педагогик технологиянинг талабларидан бири ҳам—худди шу.

Педагогик технология (ПТ) атамаси инглизча «ан эдусационал технолоғий» номли сўз бирикмасининг мазмунига мувофиқ бўлиб, таълим технологияси, деган маънони билдиради. Бу ибора америкалик олим Б.Скиннер томонидан 50- йилларда биринчи марта «ўқитиш технологияси» деб қўлланган. Бизда эса 90- йилларнинг бошида бу термин қўллана бошланди. Технология сўзининг 300 дан ортиқ таърифи берилган бўлиб, кенг истемолдаги таърифи қуйидагича: «Технология—бу ўқитиш, тарбиялаш ва ривожлантириш қонуниятларини ўзида жамлаган ва якуний натижасини кўрсатадиган педагогик фаолиятдир». Шу илғор мураббийлик фаолияти негизига қурилган технология талабига мувофиқ ўқитувчи таълим босқичида ҳар бир болага индивидуал ёндашиши ҳамда таълимни Инсонпарварлаштириш ва Демократлаштириш талабларига ўқувчида рағбат уйғотиши асосий вазифа саналади. Индивидуал ёндашувда таълимнинг бош фигураси ўқитувчи ҳисобланса-да, таълим олишга ихтиёрий ҳаракат ўқувчи томонидан бажарилиши лозим. Натижада таълим эркинлиги шаклланади. Бунда:

1. Ўргатувчи ва ўрганувчи орасида ижобий маънодаги масофа йўқола боради.
2. Ўрганувчи билимни ўз шахси учун зарурат эканлигини англай бошлайди.
3. Ўрганувчида таълимдошларидан орқада қолмаслик ғурури пайдо бўлади.
4. Эркин фикрлаш учун тўсиқ сезилмайди ва ижодкорлик туйғуси қалбида ниш уради.

5. Ўрганувчида ўзликни англаш тушунчаси умуминсоний кадрятлар руҳида тарбияланиш тушунчаси билан уйғунлаша боради.

Биз қуйида буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонида дарс ишланмасини кўриб чиқамиз.

«**Ҳикоят**» (Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидан).

Дарснинг мақсади: 1. Ўқувчиларда озодликни ҳис этиш туйғусини тарбиялаш.

2. Ҳикоят орқали ўз юртига бўлган меҳрни ошириш.

3. Билим, кўникмаларини ривожлантириш.

Дарснинг тури: умумлаштирувчи.

Дарснинг услуби: аралаш, кўрсатмали.

Дарс жиҳозлари: мавзуга оид расмлар.

I. Дарсни ташкил этиш. Уйга берилган эркин Воҳидовнинг «Ўлка» шеърини ёддан сўраб баҳолаш. Ўтилган мавзуларни савол-жавоб орқали мустаҳкамлаш:

— Ватан қаердан бошланар экан?

— Туғилиб ўсган эримизни нима учун ардоқлаймиз? (Бу савол орқали ўқувчилар орасида баҳс-мунозара уюштирилади.)

II. Янги мавзу — Алишер Навоийнинг «Садди Искандарий» достонидан олинган «Ҳикоят»ни ўтилган мавзуга боғлаган ҳолда, ҳикоят мазмуни асосида ишланган расмлар ёрдамида гапириб бериш ва ҳикоятни ўқувчиларга навбатма-навбат ўқитиш, тушунилиши қийин сўзларни ажратиш, маъносини тушунтириш ва луғат дафтарларига ёздариш:

масофа — йўл

фурсат — вақт

вайрона — бузилиб кетган

III. Ҳикоят мазмунини савол-жавоб ёрдамида мустаҳкамлаш:

— Ҳикоятдаги кабутар қаерда яшарди?

— Кабутар қафасдан кутулиб, қайси томонга учди?

— Кишилар нима қилмоқчи бўлдилар?

— Ҳикоят қандай якунланган?

IV. Ўқувчиларни баҳолаб, баҳоларини эълон қилиш.

V. Матнни ўқиб, кабутар расмини чизиб келишни уйга вазифа

Мавзу: Навоий ҳикматлари.

Дарснинг мақсади:

1. Ўқувчиларни билим олишга интилувчан, тўғрисиўз, бир-бирига меҳр-окибатли, иноқ, аҳил, дўст қилиб тарбиялаш.

2. Навоий ҳикматларининг моҳиятини ёритиш, ўқувчиларни шеър билан таништириш.

3. Ифодали ўқиш, ёд олиш малакаларини ривожлантириш.

Дарснинг тури: янги билим берувчи.

Дарснинг услуби: аралаш, кўргазмали.

Дарснинг жиҳози: мавзуга оид расмлар, таркатма дидактик топшириқлар, магнитофон.

I. Дарсни ташкил қилиш. Уйга берилган топшириқни сўраб баҳолаш ва ўтилган мавзулар юзасидан дидактик тарқатма топшириқлар бериб, жавоблар олиш:

- 1 - карточка. Алишер қачондан шеър ёза бошлаганлиги ҳақида гапиринг.
- 2- карточка. Алишер билан булбулнинг суҳбатини китобдан топиб ўқинг.
- 3- карточка. Алишер билан Ҳусайннинг болалари ҳақида гапиринг.
- 4- карточка. Шоир ва шоҳ ўртасида қандай ўхшаш жиҳатлар бор?

II. Ўқувчиларга Навоий ҳикматларини магнитофон орқали эшиттириш ва моҳиятини ёритиш. Сўнг дўстлик ҳақида қисқача суҳбатлашиб, янги мавзу — Иброҳим Донишнинг «Инокликда гап катта» шеърини ўқувчиларга ўқиб бериш мазмунини расмлар ёрдамида биргаликда таҳлил қилиш, луғат билан ишлаш.

III. Савол-жавоб ёрдамида шеър мазмунини мустаҳкамлаш:

IV. Ўқувчиларни баҳолаб, баҳосини эълон қилиш.

V. Уйга шеърни ёдлаб, Навоий ҳикматларини ўзлари ясаган китобчага ёзиб қўйишни топшириб, дарсни яқунлаш.

Хуллас, мактабда ўқувчиларга фақат умумий таълим бериш билан чекланилмайди, унда ижодий меҳнатнинг зарурий шarti бўлган мустақил фикрлаш кўникмаси ҳам ривожлантирилиб, ҳар бир ишга ижодий ёндашиш ҳисси шакллантирилади ва камол топтиради.

Ўқувчиларга таълим беришда асосий мақсад улар онгига фан асосларини пухта сингдириш орқали уларни диёнатли, эътиқодли қилиб ўстириш, ижтимоий ҳаётдаги ҳар бир ҳодисага онгли ёндашишни тарбиялаш, эгалланган билим ва кўникмаларни ҳаётга татбиқ этиш қобилиятини ўстиришдан иборатдир. Бу жиҳатдан ҳам ўқиш дарслари бошланғич синф ўқувчиларини жамиятимиз олға сураётган юксак ғоялар руҳида тарбиялаш воситаси ҳисобланади. Шу сабабли ўқитувчининг дарсга тайёрланаётганида ҳал қилиниши зарур бўлган педагогик масалаларни олдиндан аниқ белгилаб олиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Авлоний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ.-Т.: «Шарқ». 1992.
2. Маънавият юлдузлари: (Марказий Осиёлик машҳур сиймолар, алломалар, адиблар). (Масъул муҳаррир: М.М.Хайруллаев).-Т.:Халқ мероси нашр. 1999.
3. Зуннунов А., «Ўрта Осиёда педогогик фикр таракқиётдан лавҳалар». -Т.: «Ўзбекистон». 1997.
4. Иномова М., «Оилада болаларнинг маънавий-ахлоқий тарбияси». -Т.: «Ўзбекистон», 1997.
5. Искандаров Х. ва бошқалар, «Ўзбек педогогикаси анталогияси», I-II жилдлар. -Т.: «Ўзбекистон», 1995 –1999.

DIDAKTIK O'YIN TEXNOLOGIYALARI ORQALI BOSHLANG'ICH SINFI O'QUVCHILARINING O'QUV BILISH FAOLIYATINI FAOLLASHTIRISH

*O'rolova O. katta o'qituvchi,
Ho'jamberdiyeva M- talaba,
Jizzax DPI*

Anotation:

Increase the effectiveness of the lesson, through the productive use of didactic gaming technologies in the process of beginner training. Effective ways to organize the process of obtaining knowledge of children on the basis of game activity.

Анотация:

Использование технологических дидактических игр в процессе начального образования повышает эффективность урока. Организация игровых процессов – эффективный метод для усвоения знаний учащихся в учебной деятельности.

Bugungi kunda ta'lim va tarbiyani bir biridan ajratib bo'lmagani singari, boshlang'ich sinf o'quvchilarining dars jarayonini o'yinli metodlardan holi taasavvur etib bo'lmaydi. Chunki, hali bolalik sho'xliklari tark etmagan bolani ayni ana shu didaktik o'yinlar (o'yinli metodlar) orqali bilim olish jarayoniga tayyorlayyorlanadi. O'z navbatida boshlang'ich ta'lim bola tarbiyasida poydevor vazifasini o'taydi va kelajakdagi faoliyati bilan uzviy bog'liqdir.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning “ Yurt kelajagi – yoshlar qo'lida” degan fikridan ko'rinadiki, bolaning ta'lim – tarbiya jarayonidagi xatolik yurt kelajagiga ta'sir o'tkazadi.

Ta'lim jarayonida didaktik o'yinli texnologiyalar didaktik o'yinli dars shaklida qo'llaniladi. Ushbu darslarda o'quvchilarning bilim olish jarayoni o'yin faoliyati orqali uyg'unlashtiriladi . Shu sababli o'quvchilarning ta'lim olish faoliyati o'yin faoliyati bilan uyg'unlashgan darslar DIDAKTIK O'YIN DARSLAR deb ataladi .

Inson hayotida o'yin faoliyati orqali quyidagi vazifalarni amalga oshiradi:

- o'yin faoliyati orqali shaxsning o'qishga,mehnatga bo'lgan qiziqishi ortadi;
- o'yin davomida shaxsning muloqotga kirishishi ya'ni, kommunikativ – muloqot madaniyatini egallash uchun yordam beriladi;
- shaxsning o'z iqtidori , qiziqishi, bilimi va o'zligini namoyon etishiga imkon yaratadi;
- hayotda va o'yin jarayonida yuz beradigan turli qiyinchiliklarni yengish va mo'ljalni to'g'ri olish ko'nikmalarining tarkib topishiga yordam beradi;
- o'yin jarayonida ijtimoiy normalarga mos xulq-atvorni egallash kamchiliklarga barxam berish imkoniyati yaratiladi;
- shaxsning ijobiy fazilatlarini shakllantirishga zamin tayyorlaydi;
- insoniyat uchun ahamiyatli bo'lgan qadriyatlar tizimi, ayniqsa, ijtimoiy, ma'naviy-madaniy , milliy va umuminsoniy qadriyatlarni o'rganishga e'tibor qaratiladi;
- o'yin ishtirokchilarida jamoaviy muloqot madaniyatini rivojlantirish ko'zda tutiladi.

O'yinlar boshlang'ich sinf o'quvchilarini dars jarayoni bilan bog'lovchi asosiy vosita hisoblanadi . Z.V.Manuylekning fikricha,“Biror maqsadga yo'naltirilgan mashg'ulotga nisbatan o'yinda xulq ko'nikmalarini oldinroq va osonroq egallash mumkin , ayniqsa, bu omil 5-6 yoshi davrining xususiyati sifatida o'zining yorqin ifodasini topadi”.

Bolalar laboratoriya sharoitiga nisbatan o'yinlarda ko'proq so'zlarni eslab qolish va esga tushirish imkoniyatiga ega bo'ladilar . Bu esa ixtiyoriy xotira xususiyatini chuqurroq, ochishga yordam beradi. Tajribada yig'ilgan ma'lumotlarni taxlil qilish quyidagicha xulosa chiqarishga imkon beradi.

a) o'yinda bola tomonidan ma'lum rol tanlash va uni ijro etish jarayoni bir talay axborotlarni eslab qolishni talab etadi.

b) shu boisdan personajning nutq boyligini egallash , xatti-harakatini takrorlashdan iborat ongli maqsad bolada oldinroq paydo bo'ladi va amalga oshadi.

Didaktik o'yinli mashg'ulotlarni o'quvchilarni bilim olish va o'yin faoliyatining uyg'unligiga qarab: syujetli-rolli o'yinlar, ijodiy o'yinlar, o'yin-mashqlarga ajratish mumkin.

O'qituvchi-pedagog avval o'quvchilarni individual (yakka tartibda), so'ngra guruhli o'yinlarga tayyorlashi va uni o'tkazishi, o'yin muvaffaqiyatli chiqqandan so'ng esa, ularni ommaviy o'yinlarga tayyorlashi lozim. Chunki o'quvchilar didaktik o'yinli mashg'ulotlarda faol ishtirok etishlari uchun zaruriy bilim, ko'nikma va malakalarga ega bo'lishlari. bundan tashqari, guruh jamoasi o'rtasida hamkorlik, o'zaro yordam vujudga kelishi lozim.

Didaktik o'yinli mashg'ulotlarning o'ziga xos xususiyatlari.

Syujetli-rolli o'yinlar – fanning turli sohalarida qo'lga kiritilgan yutuqlarni yoritish, fanlararo bog'lanishlarni amalga oshirish, tabiatdagi va kundalik hayotdagi muammolarni hal etish, o'qish darsligidagi ertak va hikoyalarni obrazli tushuntirish imkoniyati bo'lganda foydalaniladigan o'yin turi.

Kundalik hayotdagi ijtimoiy munosabatlarni, tabiat obyektlari va tabiiy hodisalar o'rtasidagi aloqalar va bog'lanishlarni adabiy –badiiy tarzda yoritish didaktik funksiyasini bajaradi. Muayyan rollarni bajarish orqali bilim ko'nikmalar egallanadi.

Ijodiy o'yin – avval o'zlashtirilgan bilim va ko'nikmalarini rivojlantirish, imkoniyati bo'lganda foydalaniladigan o'yin turi. Muammoli vaziyatlarni avval o'zlashtirilgan bilim va ko'nikmalarni ijodiy qo'llash orqali hal etish didaktik funksiyasi hisoblanadi. Ijodiy izlanish orqali yangi mavzuni o'zlashtirish imkonini yaratib beradi.

O'qituvchi – pedagog didaktik o'yinli mashg'ulotlarni o'tkazishga qizg'in tayyorgarlik ko'rishi va uni o'tkazishda quyidagi didaktik talablarga rioya qilishi talab etiladi:

- Didaktik o'yinli mashg'ulotlar dasturda qayd etilgan mavzularning ta'limiy, tarbiyaviy va rivojlantiruvchi maqsad hamda vazifalarni hal qilishga qaratilgan bo'lishi;
- Jamiyatdagi va kundalik hayotdagi muhim muammolarga bag'ishlanib, ular o'yin davomida hal qilinishi;
- Barkamol shaxsni tarbiyalash tamoyillariga va sharqona odob –axloq normalariga mos kelishi;
- O'yin tuzulishi jihatidan mantiqiy ketma – ketlikda bo'lishi;
- Mashg'ulotlar davomida didaktik prinsiplarga amal qilishi va eng kam vaqt sarflanishiga erishish kerak.

Didaktik o'yinni tayyorlashga quyidagilar kiradi:

- Ta'lim va ta'lim vazifalariga muvofiq o'yinni tanlash, bilimlarni chuqurlashtirish va sintezlash, hissiy qobiliyatlarini rivojlantirish, aqliy jarayonlarning faollashuvi (xotira, diqqat, fikrlash, nutq);
- Tanlangan o'yinni ma'lum yoshdagi bolalarni tarbiyalash va tayyorlash bo'yicha dastur talablariga muvofiqligini ta'minlash;
- O'yinni o'tkazish uchun eng ma'qul vaqtni belgilash (mashg'ulot davomida sinfda yoki mashg'ulot vaqtida mashg'ulotlarda va boshqa rejim jarayonlarida);
- O'yinni tashkil etish uchun mavzu bilan uyg'unlashtirish;
- O'yin ishtirokchilari sonini aniqlash (butun guruh, kichik guruhlar, yakka tartibda);
- O'qituvchining o'yinga tayyorgarlik ko'rishi: U o'yinning barcha yo'nalishini, o'yindagi o'rnini, o'yin boshqarish usullarini o'rganishi va tushunishi kerak;

- Bolalar o'yinga tayyorgarlik ko'rish: ularni o'yin bilan bog'liq muammolarni hal qilish uchun zarur bo'lgan bilimlar, atrofdagi narsalar va ularning hayotiy hodisalari haqida g'oyalarni boyitish.

Quyida sizlarga foydalanilishi mumkin bo'lgan ana shunday o'yinlardan ayrimlarini izohlab beraman . Uni siz oz dars faoliyatingizga bog'lab , kengaytirishingiz mumkin.

1" Baliq ovi" o'yini .

Doskani bir tomoniga dengiz rasmi , ikkinchi tomoniga akvarium rasmi tushuriladi . Dengizda baliqlar bo'ladi. O'quvchi dengizdagi baliqlardan birini tutib uni orqa qismidagi savollarga javob beradi . Javob to'g'ri bo'lsa baliqni akvariumga , noto'g'ri bo'lsa dengizga qo'yib yuboradi. Bu o'yindan yangi mavzuni mustahkamlashda , mustahkamlovchi darslarda qo'llash ko'proq samara beradi.

2 "Raketa" o'yini .

Doskaga raketa rasmi chiziladi, yoki uchta raketa yasab savollar yozilgan kartochkalar ilinadi. Raketa o'zga sayyoraga uchishi uchun yuklaridan xoli bo'lishi kerak . O'quvchilar uch guruhga bo'linadi . Qaysi guruh a'zolari savollarga to'g'ri javob bersa kartochkalar olib tashlanadi. To'g'ri javob berilmagan kartochka raketada qoladi va u raketa ucha olmaydi. Yangi mavzuni tushuntirish paytida raketa yetib borgan sayyoradan kelgan ma'lumotlar sifatida mavzu tushuntirilsa qiziqarliroq bo'ladi.

3 "To'g'ri – noto'g'ri " o'yini.

Bu o'yin odatda uy vazifalarni tezkor so'rab baholashda samaraliroq hisoblanadi. O'qituvchilar savollarni an'anaviylikdan qochgan holda berishlari ham mumkin. Berilgan savolga o'quvchi faqat to'g'ri yoki noto'g'ri deb javob beradi. O'zbek alifbosida 29 ta harf bor- to'g'ri.

4 "Xotira mashqi " o'yini .

Hozirjavoblik va zukkolikni oshirish maqsadida , ayniqsa birinchi tanishuv darsida qo'llash mumkin bo'lgan o'yin . O'quvchi o'z ismini aytadi va o'z ismining harfi bilan boshlanuvchi biror adibni nomini aytadi. Adham – Alisher Navoiy , Bahodir - -Zahiriddin Muhammad Bobur, Gavhar – Gulhaniy, kabilar

5 " Mo'jizalar maydonchasi" o'yini.

O'quvchilarning o'rniga qarab uch guruhga ajratib olinadi. Har bir guruhga alohida o'tilgan mavzu yuzasidan savol beriladi. Har bir guruhdan savolga birinchi bo'lib javob bergan uch o'quvchini doskaga taklif qilinadi. O'qituvchi doskaga o'tilgan mavzuga aloqador biror atamaning harflariga mos katakchalar iladi. Birinchi chiqqan o'quvchi o'zi istagan katakchani harfini ochadi . Agar birinchi ochilgan katakchadayoq qaysidir o'quvchida javob tayyor bo'lsa njavobini aytishi , yoki keying o'quvchi boshqa katakchani ochib o'yinni davom ettirishi mumkin. Harflarni ochishda o'quvchilarga savol berilmaydi, o'quvchi navbat bilan o'zi xohlagan katakchani ochishni so'raydi. Atama topilgunga qadar o'yin davom ettiriladi.

Xulosa qilib aytganda , didaktik o'yinlarda ishtirok etish o'quvchilarga tahlil qilish, fikrlash (erkin ,ijodiy, mustaqil,tanqidiy) taqqoslash, fikrlarni umumlashtirib xulosalash, tafakkurni o'stirish, nutqni rivojlantirish, o'z fikrini boshqalarga isbotlay olish, munozara va muhokamaga kirishish bilan birgalikda, o'z qiziqishlari asosida faoliyat ko'rsatish imkoniyatlariga ega bo'ladi. Shuningdek, o'ziga ishonch hissini uyg'otish, yangi materialni ongli o'zlashtirish , o'zlashtirilgan ma'lumotlarni uzoq vaqt saqlashga erishish, egallangan bilimlarni kerakli vaziyatlarda qo'llash, mustaqil faoliyat yuritish qobiliyatlarini shakllantirishga xizmat qiladi.

Фойдаланилган адабиётлар:

“Bolalar psixologoyasi” Ivanov M. Toshkent 1992 yil 68-bet.

1. “Bolajon” tayanch dasturi, D.Koraboyeva, Z.Ibroximova va boshqalar. "Ma'rifat-madadkor". Toshkent 2000y
2. “Umumiy psixologiya” Ivanov P.I, Zuffarova M.E Toshkent 2008yil.

БОШЛАНҒИЧ СИНФ МАТЕМАТИКА ДАРСЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ТАРИХИЙ МАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

**Раҳматова Ф. А. PhD,
Жиззах ДПИ**

Аннотация:

Рассмотрен мотивационный процесс в развитии математического мышления будущих учителей начальных классов.

Abstract:

The motivational process in the development of mathematical thinking of future primary school teachers is considered

Бўлажак ўқитувчилар математик тафаккурини такомиллаштиришнинг ижодий манбалари қадим замонларга бориб тақалади. Математик тафаккурни такомиллаштиришнинг яхши хотиралашга имкон яратиши, нарсалар, жараёнлар ва ҳодисалар моҳиятига чуқур кириб боришига ёрдам бериши кўхна замонлардаёқ маълум бўлган.

Математика (юн, mathematike, mathema-билим, фан) –аниқ мантиқий мушоҳадаларга асосланган билимлар ҳақидаги фан ҳисобланади. Дастлабки асосий манба сонлар бўлгани учун кўпинча унга “ҳисоб-китоб ҳақидаги фан” деб қаралган.

Математика курсини ўрганишда бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари математика фани тарихи билан танишадилар.

Математика энг қадимги фан соҳаси бўлиб, узоқ ривожланиш тарихини босиб ўтган ва бунинг бораборида “Математика нима?” деган саволга жавоб ҳам ўзгариб, чуқурлашиб борган.

Дастлаб математиканинг босқичлари билан танишамиз.

Математиканинг ривожланиш даврларини А.Н. Колмогоров қуйидагича баён этган эди:

1. Математиканинг пайдо бўлиш даври (кишилиқ жамияти пайдо бўлгандан то милод. авв. VI-V асрларгача).
2. Элементар математика даври (милод. авв. VI-Vасрлардан то милоднинг XVI асригача).
3. Ўзгарувчи миқдорлар математикаси даври (XVIIасрдан XIX асрнинг биринчи ярмигача).
4. Ҳозирги замон математикаси даври (XIX асрнинг иккинчи ярмидан то ҳозирги давргача) [7].

Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини математика фанига бўлган қизиқишларини оширишда математика фанининг бошқа предметлар билан ўзаро алоқадорлиги тизими бўйича дунёқарашни шакллантириш муҳимдир.

Математика фани фақатгина математиклар учун зарур бўлмай, балки барча соҳага тегишли. Тадқиқот ишимизда бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг математик тафаккурини ривожлантиришда мотивацион жараёни ёритишни мисол қилиб олдик.

Масалан:

-Ўқитувчилик соҳасига;

-Саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларига;

Математика саноат, қурилиш ва транспорт соҳаларида бир манба қуриш билан боғлиқ ишларда турли хил технологик жараёнларда қўлланилади.

-Қишлоқ хўжалиги соҳасига;

Математика-қишлоқ хўжалигида далалар ва ирригация шаҳобчаларини лойиҳалаш, турли хил экинларни экишда ерларни ўлчаш, техника воситаларидан фойдаланиш каби жараёнларда фойдаланилади.

-Хусусий тадбиркорлик соҳасига;

Математика-хусусий тадбиркорликда, масалан; спорт, туризм, молиявий ҳисоб-китобларда шуғулланадилар.

Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино ва уларнинг сафдошлари ва издошлари гнесологик қарашларининг ҳарактерли хусусияти шундан иборатки, инсон онгида предмет тимсоли (образи) ни мавҳумлаштириш жараёни улар эътиборини доимо жалб этган, бунинг натижасида мазкур предмет моҳияти ва ўзига хослиги тушунчаси ишлаб чиқилган ва шаклланган [1,3,5,6].

Предмет ва билиш манбалари қанақа, билиш жараёни қандай босқичлардан иборат, билиш ва амалий фаолият ўртасидаги муносабатлар қандай - ўрта асрлик қарийб барча буюк Шарқ мутафаккирлари эътиборини жалб этган билиш масалаларининг тўлиқ бўлмаган тартиби мана шулардан иборат эди.

Ал-Хоразмий "ҳиссиёт" орқали билишни "мантикий мулоҳазалар" воситасида билишдан аниқ фарқлаган: дастлабки хусусийни билиш, "майда", "мантикийси" эса моҳиятан ўрганади, аҳамиятли, бироқ улар алоқадор [1].

Математик тафаккурини такомиллаштириш назарияси куртаги фан пайдо бўлиши билан юзага келди ва узлуксиз ривожланмоқда. Хоразмий бу назариянинг ривожланишига муҳим ҳисса қўшди. У тажриба - кузатиш ва экспериментал билиш методини самовий жисмлар ҳаракати, шунингдек, ер сатҳидаги манбаларни жадвал кўринишида илк бор илмий асослади, индукция ва дедукция жиҳатидан ягона, алоҳида ва умумийнинг бирлиги тамойилини аниқлаштирди: хусусий холдан алоҳида холдаги

тенгламага ўтди, лекин умумий (қонуний) тургача етмади, ҳозирги вақтда билиш ва амалларда ҳамма эътироф этган умумилмий метод бўлган математик масалаларни ҳал этишнинг алгоритмик методини ишлаб чиқди.

Абу Наср Форобий фанларга билимларни ўзлаштириш ва тўплашнинг зарур воситаси сифатида муҳим аҳамият берди, уларни эгаллашни эса саводхонлик кўрсаткичи деб ҳисоблади [3].

Унинг айтишича, ҳиссиёт аъзолари, юрак ва мия инсон туғилгандан ато этилган, бошқалар билим, турли хил ақлий ва ахлоқий хусусиятлар, ҳарактер белгилари, таълим олиш ва бошқалар инсон ҳаётининг фаолияти жараёнида эгалланади. У инсон ҳарактерининг турли хусусиятлари ва ахлоқий фазилатлари: дадиллик, мардлик, дўстлик, сахийлик, зукколик, ҳаққонийлик ва ҳоказоларни белгилар экан, уларни шахсни тарбиялаш ва ўз-ўзини тарбиялаш натижаси деб ҳисоблайди. Мутафаккирнинг фикрича, ақлий ва хулқий сифатлар тарбияси икки хил усуллар (методлар) билан шахсни камол топтиришга йўналтирилган ихтиёрий ҳаракатлар ва куч билан мажбур қилиш жараёнида амалга оширилиши мумкин.

Форобий асарларидадидактика масалалари, таълимнинг назарий муаммолари, билимларни эгаллашнинг фалсафий, физиологик ва психологик асослари кенг кўриб чиқилган. Унинг учун объект ва субъектнинг ўзаро алоқаси, киши шахсининг мураккаб физиологик-психологик жараёнлари ва бой маънавий олами муҳимдир. Жумладан, олимнинг фикрича инсон маънавиятининг олий поғонаси рух, ақл ва тафаккур бўлиб, улар инсон билиш фаолиятига хос бўлган ўзига хос шаклларда намоён бўлади [2,3,4].

Форобий билиш фаолиятини ташкил этиш масалалари бўйича бир қатор муҳим тавсияларни ишлаб чиқди. “Яхши назоратчи бўлиш учун”, дейди у, уч нарсага риоя қилиш зарур:

- 1) маълум бир фан асосида ётган барча тамойилларни яхши билиш керак;
- 2) ушбу аниқ фанга доир мана шу тамойил ва маълумотлардан зарур хулосалар чиқара олиш керак, яъни муҳокама этиш қоидаларини эгаллаш лозим;
- 3) ҳақиқатни ёлғондан фарқлаш ва хатоларини тўғрилаш учун хато назарияларни инкор этишни билиш ва бошқа муаллифлар мулоҳазаларини таҳлил этиш зарур. [4]

Шундай қилиб, билиш фаолиятини шакллантирувчи воситалар ўқув жараёнидаги билишнинг ҳар бир босқичи аниқ мақсадлари амалга оширилгандагина тизим сифатида юзага келади ва улар биргаликда бошланғич синф ўқувчиларини билиш фаолиятининг ҳар бир компонентига таъсир этади. Бошланғич синф ўқувчиларини билиш фаолиятининг дидактик асосларини такомиллаштириш моҳияти шундадир.

Биз ўз педагогик тажриба-синов тадқиқотимизда бошланғич синф ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантирувчи мажмуавий воситалар сифатида қуйидагиларни танладик: ўқув мазмуни, аниқ метод ва усуллар, билиш фаолияти усуллари, билиш фаолиятининг ташкилий шакллари, демак, бошланғич синф ўқувчиларини билиш фаолиятини шакллантирувчи аниқ воситалар тизими ўзаро алоқадор бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ал-Хорезми М. Математические тракты. –Тошкент: Фан, 1983. 306 с.
2. Абу Наср Форобий. Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М.М.Хайруллаев. Т. «ФАН», 1975. 71-72 бетлар.
3. Абу Наср Форобий. «Бахт саодатга эришув ҳақида». Рисолалар. Масъул муҳаррир Ўзбекистон Республикаси ФА ҳақиқий аъзоси М.М.Хайруллаев. Тошкент. «ФАН». 1975. 77-78-бетлар.
4. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. - Тошкент: Халқ мероси, 1993. - 178 б.
5. Абу РайхонБеруний. Танл. Асарлар. I т. Т., 1968 й, 151 бет.
6. Абу Али ибн Сино. Тадбириманзил. -Душанба: Ирфон, 1980-420 б.
7. Назаров Х., Остонов Қ. Математика тарихи. – Т.: Ўқитувчи, 1996. – 150 б.

ЎҚУВЧИЛАРНИНГ ЎЗ-ЎЗИНИ БАҲОЛАШИДА МУТАФАККИРЛАР ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Юлдашев Ш.Э., катта ўқитувчи.
Абдужалилова Р.,- талаба.
Жиззах ДПИ*

Аннотация: *Эта статья является одной из актуальных тем и фокусируется на роли использования взглядов мыслителей в самооценке студентов.*

Annotation: *This article is one of the current issues and focuses on the role of using the views of thinkers in students' self-assessment.*

Истиқлол йилларида юртимизда ёшларимиз учун Республикамизда бошқа давлатлар ҳавас қилса арзийдиган ишлар амалга оширилди. Ёшларимизни билим олишлари учун барча шарт-шароитларга эга бўлган замонавий таълим муассасалари барпо этилди. Ва бугунги кунга келиб ёшларимиз уларга тўлиқ камраб олинди. Бугунги кунда таълим муассасаларида асосий эътибор, уларга чуқур ва пухта таълим-тарбия

беришга, ёт ғояларга қарши кураша оладиган ҳамда ўзининг мустақил фикрига эга бўлган, ҳеч кимдан кам бўлмаган маънан етук комил инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилгандир

Бугунги кунда ўқувчи ёшларнинг ўз ўзини баҳолашига эътибор беришларида ўтмиш ахлоқий меросини, айниқса, улуғ мутафаккирларнинг илғор фикрларини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг илм маърифат таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари, ахлоқий қарашлари бугунги тараққиёт учун ҳам ёш авлод камолоти учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас. Уларнинг ҳаёти маъноси, жамиятда инсоннинг тутган ўрни ахлоқ ҳақидаги пурмаъно фикрлари ҳар бир ўқувчининг ўз-ўзига бўлган муносабатини ва ахлоқий маданиятини шакллантиришда муҳим ўрин эгаллайди. Улуғ мутафаккирларнинг асарлари ҳақида тушунча ва маълумотга эга бўлиш ҳар бир ўқувчининг дунёқараши, онги фикри хис туйғу ирода фаолиятига ва ўз ўзига берадиган баҳосига таъсир этади.

Таълим жараёнининг сифатини ошириш учун ўқитувчининг нафақат педагогик маҳорати, балки ўқувчиларнинг индивидуал хусусиятлари ҳам ҳисобга олинади. Ўқувчиларнинг лаёқати, қизиқиши ва қобилиятларини ўрганиш ҳамда уларнинг ўз-ўзига бўлган баҳоларини аниқлаш таълим жараёни сифатини оширишда асосий омилдир. Аввало ўз-ўзини баҳолаш ҳақида фикр юритсак. ўз-ўзига баҳо – бу одамнинг ўз ҳаракатларига, имкониятларига, характерига берган баҳосидир. Ҳар бир одам ўзини доимо бошқалар билан солиштиради, натижада у ўзи ҳақида маълум бир фикрга келади. Ўз-ўзини баҳолаш турли сифатлар ва шахснинг орттирилган тажрибаси, шу тажриба асосида ютуқларига боғлиқ ҳолда турлича бўлиши мумкин. Шунга кўра баҳолаш паст, юқори ва адекват (тўғри) бўлиши мумкин.

Дарҳақиқат юқори синф ўқувчиларнинг шахсини таркиб топишида уларнинг ўз-ўзини баҳолай билиш хусусиятларининг шаклланиши ҳам характерлидир. Маълумки, ўқувчида ҳали ўсмирлик даврида ўз-ўзини англашга бўлган эҳтиёж ва маънавий – психологик хусусиятларини баҳолаш қобилияти эндигина пайдо бўлайтган бўлади. Юқори синф ўқувчилари ўсмирларга нисбатан ўзининг психологик ҳаётини, шахс сифатида гавдаланишини, ўз хулқ-атворини билишга қизиқиш, хиссиёт ва ички кечинмаларини англаш каби хислатлар содир бўлади. Ўқувчи фақат ўспиринлик давридагина ўзига тўла ва ҳар томонлама баҳо бера олади.

Баҳо бериш хусусияти ўғил ва қизлар шахсининг камол топишида ҳам, уларнинг руҳий ҳаётида ҳам чуқур ва бир умр из қолдирадиган хусусиятларидан биридир.

Адабиётларда ўз-ўзига баҳо бериш ўзининг кимлигини тушуниш хусусиятлари теварак атроф таъсири, ҳаёт талаби билан вужудга келади.

Баъзан ўз хулқ атворига объектив баҳо бера олиш хусусияти ўсмирларда ҳам бўлиши мумкин, лекин бу ёшда бошқаларнинг фикри ҳам алоҳида ўрин эгаллайди. Ўсмирларнинг хулқ-атворига ота-онаси ўқитувчиси жамоаси ва бошқаларнинг берган баҳонасининг роли ҳам катта бўлади. Бу кишиларнинг бир ҳилда берган баҳолари уларни ўйлашга ва хулқ атворини тўғри, объектив баҳолашга ёрдам беради.

Ўз-ўзига баҳонинг паст бўлиши кўпинча шахсга қўйилаётган талабларнинг унинг имкониятларидан юқори бўлиши, фаолиятида кузатиладиган муваффақиятсизликлар оқибатида ҳосил бўлади.

Ўз-ўзига баҳонинг юқорилиги ифатларининг бошқалар томонидан сун'ий бўрттирилиши, ноўрин мақтовлар, турли қийинчиликларни четлаб ўтишга интилиш туфайли шаклланади.

Бу борада таълим –тарбия соҳасидаги энг муҳим ўзгариш – бу ёш авлодга бой тарихий миллий, маданий мерос минглаб йиллар давомида шаклланган ахлоқий маданият анъаналари аосида таълим тарбия бериш демакдир .Ўсиб келаётган ёш авлодни умуминсоний кадриятларга содиқлик руҳида тарбиялаш давлат адолат, тенглик ахиллик инсонпарварлик ва ўз-ўзига холис баҳо бериш ва виждон эркинлиги дўстлик болаларга меҳр катталар ва яқинлар в бошқаларга хамдардлик каби халқимизнинг энг яхши миллий анъаналарини миллий урф-одатлари, миллий ғурурини ўзлаштириш демакдир.

Қадриятларга назар ташлар эканмиз, Алишер Навоийнинг “Ҳайратул аброр” достонида етук шахснинг маънавиятидаги яхшилик, саховат софлик, хаё мурувват, андиша адаб, камтарлик, қаноат, ростгўйлик, инсоф, адолат, бағрикенглик, сингари фазилатлар таърифланиб руҳий камолат йўллар таҳлил этилган. Навоийнинг ахлоқий орзулари шарқда инсон қадрини ғоят далил ва оригинал дунёқараши эди. Навоийнинг болаларга илм маърифат бериш билан бирга одобга ўргатишни ҳам вазифа қилиб кўяди. Ўқувчи шахсининг камолотида тарбиянинг юксаклигини таъкидлайди. Бу эса ўқувчи ёшининг улғайиши билан ўз имкониятларига, ўз хулқ атворига мустақил равишда баҳо бериш хислатлари тарбияланиб боради шундай холлар ҳам бўладики .Юқори синф ўқувчилари ўз хулқ атворини шахсий хусусиятларини анализ қилади лекин баъзи ҳолларда ўсмирлар бу хусусиятларга уларга нисбатан тўғри ,объектив баҳо бера олади.Шунинг учун ҳам ўқувчилар ўзларининг хулқ атворларини баҳолаганда, бу баҳони ё хаддан ташқари ошириб юборади ёки пасайтириб юборади. Ўқувчиларнинг манманлиги, ўзига ошиқча баҳо бериши ғурурланиши ва атрофдагиларни менсимаслиги шундан келиб чиқади.

Баъзан ўқувчига ота-онанинг ҳар бир муносабати, унинг фаолиятига берган баҳоси, муваффақияти ёки омадсизлигига жавоби унинг ўз-ўзига бўлган қарашларига таъсир кўрсатади.Яъни айнан ота-она болага ўз-ўзини адекват баҳолашга ёрдам беради. Бунда ота-она қуйидагиларга эътиборли бўлиши лозим:

- ўқувчилардаги ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш;
- ўқувчиларга ҳар кунги кундалик топшириқларни бериш;
- ўқувчини унинг бошқа тенгдошлари билан ўринсиз солиштирмаслик;
- муваффақиятсизликларга тўғри муносабатни шакллантириш учун унга ота-онанинг ўзи намуна бўлиши.

Ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаши утмишдаги бой меросларимизни ибрат намуна, идеал сифатида қабул қилишида уларнинг ўз-ўзига оқилона баҳо беришларига ёрдам беради. Энди бола ўзини шахс сифатида баҳолай бошлайди. ўқувчиларининг ўз-ўзини баҳолаши, асосан, ўқитувчининг та'сири остида шаклланади. Ўқувчилар ақлий имкониятларига, бошқалар қандай баҳо беришига аҳамият беришади.Бунда улар учун ижобий баҳо муҳимдир. Педагоглар томонидан ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолаш жараёнини кузтишлари педагогис фаолиятларнинг асосий қисмларидан бири ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтадиганда, ўқувчиларда ўз-ўзини оқилона,объектив баҳолашда умуминсоний кадриятларга асосланган холда баҳолаши укувчи шахсининг шаклланишига ижобий таъсирини кўрсатади.Ўқувчининг ўз-ўзини баҳолашида унинг

психологик хусусиятларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Ўқувчининг характер хусусиятларини, темпераментини, ақлий фаолиятининг шахсий параметрларини билишга имкон беради. Бу билан эса, ўқувчининг шахсий хусусиятларидан келиб чиқиб, улар билан ишлашнинг мақбул услублари ишлаб чиқилади. Натижада та'лим-тарбия жараёнининг самарадорлиги ошади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳкамов У. Ўқувчиларнинг ахлоқий маданиятини шакллантириш муаммолари. монография. –Т.: “Фан” нашриёти, 1995.
2. Давлетшин М.Г. Ёш психологияси ва педагогик психология. –Т.: Ўқитувчи нашриёти, 1991.

ABDULLA ORIPOVNING “SOHIBQIRON” DRAMASINI O’RGANISH ORQALI O’QUVCHILAR ONGIGA AMIR TEMUR QARASHLARINI SINGDIRISH

*Sariyev S.M. f.f.d., dotsent.
Urganj DU*

Аннотация. Данная статья посвящена изучению в средних школах одного из достойных представителей современной узбекской литературы драмы Абдуллы Арипова «Сахибқирани».

Annotation. This article deals with the study of one of the worthy representatives of modern Uzbek literature Abdulla Aripov's drama "Sahibkiran" in secondary schools.

“Bir soatlik yaxshi dars mazmunli asarga teng”,- deyishadi donolar. Darsning jonli, qiziqarli va samarali chiqishi ishlanmaga bog'liq. 9-sinflarda O'zbekiston xalq shoiri Abdulla Oripovning “Sohibqiron” dramasi o'rgatish uchun 3 soat ajratilgan. Mavzuni o'quvchilar to'liq o'zlashtirishlari uchun innovatsion texnologiyalar, ilg'or usullardan foydalanish zarur. Darsning umumiy samarasi esa – o'quvchilarni buyuk ajdodlarimiz, ular qoldirgan bebaho merosdan faxrlanishga, munosib izdosh bo'lishga unday olishidir.

Darsning maqsadi :

-ta'limiy maqsad: Abdulla Oripov haqida o'quvchilarga berilgan ma'lumotni mustahkamlash, “Sohibqiron” dramasi o'qitish, drama g'oyasi hamda Amir Temur timsoli haqida, sohibqironning buyuk xizmatlari to'g'risida ma'lumot berish;

-tarbiyaviy maqsad: vatanparvarlik, insonparvarlik, ilm olishga rag'bat, insoniy fazilatlarni egallash va milliy qadriyatlarga hurmat, ajdodlar bilan faxrlanish, ularga ergashish hislarni shakllantirish;

-rivojlantiruvchi maqsad: nutq o'stirish, ifodali o'qish, erkin fikrlash va topqirlik qobiliyatini, she'riy va dramatik asarlarni o'qish va his qilish, timsollarga tavsif bera olish ko'nikmalarini rivojlantirish.

Dars turi: yangi bilim beruvchi

Dars usuli: guruhlararo musobaqa, “Shaxmat usuli”, “Tafakkut gulshani” mashqi

Darsning jihozi: Abdulla Oripov hamda Amir Temurning va Yurtboshimizning surat va kitoblari, kompyuter, ekran, proyektor, ko'rgazmali taqdimotlar, kichik guruhlarning nomi yozilgan lavhalar, “Tafakkut gulshani” ko'rgazmasi, rag'bat kartochkalari.

Fanlararo bog'liqlik : ona tili, tarix, geografiya, ma'naviyat asoslari.

Darsning borishi:

I. Tashkiliy qism: (5 daqiqa)

- o`quvchilar bilan salomlashib, motivatsion mashq o`tkaziladi.
- Darsga tayyorgarlik: davomat, o`quv qurollari ko`rib olinadi.
- Sinf uch guruhga ajratiladi. Guruhlar o`rganilayotgan mavzuga moslab, “She`riyat shaydolari”, “Navqiron adabiyotchi”, “Notiqlar” deb nomlanishi mumkin.
- **Vatan daqiqasi:** kompyuter orqali “Navro`z kelibon...” qo`shig`i sadolari ostida bolalarni jannatmakon o`lkamiz bo`ylab o`z sepini yoyayotgan navbahor ayyomi bilan qutlayman. Yo`llayotgan she`riy tilagim muallifi, manbasini topishlarini so`rayman:

Qizg`aldoq bargidek uchar dildan g`am,

Toshqinlar kiradi qalbinga manim.

Bahoring muborak bo`lsin ushbu dam,

Mening O`zbekiston – dilbar vatanim!

(Abdulla Oripov. “Bahor” she`ri)

O`qituvchi: Azizlarim, mana siz bitiruvchisiz. Ozod, obod, tinch yurtida yashayapsiz, ilm olyapsiz. Bugungi shukuhli kunlarda dilingizdan qanday tuyg`ular kechyapti? Eng ezgu tilaklaringizni biz bilan o`r toqlashing-chi.

1-guruhga: Kelajakda kim bo`lasiz?

2-guruhga: Komil inson bo`lishingiz uchun yurtimizda yoshlarga qanday imkoniyatlar yaratilgan? (Yoshlarga oid Davlat siyosati)

3-guruhga: Sizga shunday buyuk imkonlarni bergan ona vatanga qanday xizmat qilmoqchisiz?

Dars shiori: O`qing, fikri yorug` avlod kerak yurtga

Va ertangi taraqqiyot kerak yurtga! (2-slayd)

II. O`tilgan darsni mustahkamlash. (10 daqiqa) O`quvchilarning o`tgan darsda olgan bilimlarini mustahkamlash maqsadida “Shaxmat usuli” innovatsion mashqi o`tkaziladi. Bunda o`quvchilar navbati bilan Abdulla Oripov haqida ma`lumot beradilar. Tartib bo`yicha toq raqamli o`quvchi shoir hayoti haqida, juft raqamdagilar esa uning ijodiga oid ma`lumotlarni bir-birlarini takrorlamagan holda aytadilar. (3-slayd)

Mushoira. Abdulla Oripov she`rlarini ifodali o`qish va sharhlash musobaqasi. O`quvchilarning she`rni yurakdan, his bilan o`qishlariga, g`oyasini tushuntirib bera olishlariga e`tibor qaratiladi. Munosib rag`bat kartochkalari beriladi.

III. Yangi dars bayoni: (18 daqiqa)

Bugun esa O`zbekiston Qahramoni bo`lgan shoirimizning tarixiy mavzudagi “Sohibqiron” dramasi bilan tanishamiz. Drama 1996-yilda yozilgan bo`lib, buyuk tarixiy shaxs- bizning bobokalonimiz haqida bitilgan.

Aqliy hujum: “Sohibqiron” deganda kimni tushunamiz? Bu so`zning ma`nosini bilasizmi?

Amir Temurning peshanasiga sohibqironlik bitilgan edi. Buni yetti iqlim munajjmlari ham oldindan karomat qiladilar. Ikki sayyoraning – *Zuhal* bilan *Mushtariyning* yaqinlashuvi davrida (Alloh taolo shu soatda olamni yaratgan ekan) tug`ilgan o`g`il *sohibqiron* bo`lar ekan. Yulduzlar harakatidagi bu holat har sakkiz yuz yilda takrorlanar ekan. Shunday peshanasi yarqiragan zotlar Amir Temurga qadar ikkita o`tgan ekan. Bular *Iskandar Zulqarnayn* va *Muhammad payg`ambarimiz* (SAV).

Amir Temur Muhammad payg`ambarimiz (SAV)dan so`ng sakkiz yuz yil o`tib, uchinchi sohibqiron bo`lib tug`ilgan ekan.

Men esa Yurtboshisini o'z otasidek yaxshi ko'radigan bir fuqaro sifatida bugungi dunyoda katta o'bro' va ehtironga sazovor inson, jahon tan olgan siyosiy arbob, buyuk iqtisodchi, mustaqil O'zbekiston rahnamosi – *Prezidentimiz Islom Abdug'aniyevich Karimovni* ham sohibqiron, ya'ni shon-sharaf sohibi degim keladi. Chunki Yurtboshimiz Amir Temurdan 600 yil keyin tug'ilgan ekanlar. U kishining butun dunyoni lol qoldirayotgan oqilona va odilona siyosatlarini esa hatto BMT ham yuqori baholayotganini yaxshi bilasiz.

Ha, "Temur tuzuklari"dagi "*Kuch adolatdadir*" fikrlari bizning yurtboshimiz tomonlaridan hukumatimizning dasturulamaliga aylantirilgan. Yoki Temurning "...*bizning kuch-qudratimizga shubha qilsangiz, biz qurdirgan imoratlarga boqing*",-jumlasini bugun har bir o'zbek faxr bilan ayta oladi, chunki Prezidentimizning yurtni obod qilish yo'lidagi tashabbuslari, mehnatlari tufayli O'zbekistonimiz muhtasham, chiroyli binolar, bog`-u rog`lar bilan bugun shunday maftunkor ko'rinishga ega bo'ldiki, bundan har birimiz faxrlanamiz. Mana, sinfdoshimiz Bilolxon namunali uylarga ko'chib o'tishdi. Qulaymi, o'g'lim?..

Bolalarim, Yurtboshimizning dunyodagi mavqelari, kuchli ijtimoiy siyosatlari sabab vatanimizda tinchlik-barqarorlik hukm surmoqda. Yoki butun dunyo iqtisodiy krizisini ham O'zbekiston Bosh rahbarimizning iqtisodchi sifatidagi tadbirlari sabab chetlab o'tgani mo'jiza emasmi?

Qaysi mamlakat bolalari siz kabi baxtiyor, bolalarim?! Bularning bari uchun shukronada bo'lishimiz kerak, aziz o'quvchilarim...

Endi ayting-chi, bugun o'rganadigan asarimiz qahramoni Amir Temur kim?

Amir Temur ibn Tarag'ay (yoki Turag'ay) 1336-yil 8-aprelda Shahrisabzdan 13 chaqirim masofada joylashgan Xo'ja Ilg'or qishlog'ida tug'ilgan. Otasi Amir Tarag'ay Bahodir davlatmand kishi bo'lib, Bayonqulixon saltanatida katta mavqe tutgan. Onasi Tegina Begim Moh bo'lgan.

Sharafiddin Ali Yazdiy sohibqiron haqida "*Zafarnoma*" asarini bitgan. Fosih Havofiy *Amir Temuryilnomasini* yaratgan. Bu yilnoma "*Temurnoma*" kitobida berilgan.

"*Temur tuzuklari*" va "*Temur o'g'itlari*" esa jahongir bobomizning pand-nasihatlaridir.

Buyuk astronom olim va hukmdor Mirzo Ulug'bek Temurning nabirasi edi.

Shoh va shoir Zahiriddin Bobur ham Temurga 4-avlod bo'lgan.

Yurtboshimiz Islom Abdug'aniyevich Karimovning "*Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch*" asarlarida Amir Temur haykali avval qo'lida nayza bilan tasvirlangani, davlat rahbarimizning takliflari bilan nayza o'rniga otning jilovi tutqazilgani aytiladi. Ya'ni sohibqiron xalqni jilovlay olgan, jilovdor esa yagona bo'lgan.

Shundan so'ng "Sohibqiron" dramasini bolalar rollarga bo'lib o'qiydilar. Zarur o'rinlarda o'qituvchi izoh berishi, ayrim o'rinlarni qayta so'zlatishi mumkin. Bunda ifodali o'qishga erishish, asar timsollarining ruhiyati, nutqini his qilish muhim.

Amir Temurning mohir sarkardalik taktikasi, harbiy hiylalari, dushmanni mag'lub etishda josuslarga bergan topshiriqlarining mohiyati to'g'risidagi fikrlarga urg'u beriladi.

Dramada Amir Temur janglar ichida emas, balki ko'proq o'ylar girdobida aks ettiriladi. Asarda Temurning murakkab tabiati uning sulton Boyazid, amirlar, o'g'illariga bo'lgan munosabatini ko'rsatish mobaynida yorqin aks etgan. Amir Temur tajribali hukmdor sifatida davlatni ushlab turuvchi tayanchlarni "*Mo'l xazina, yagona shoh, yengilmas lashkar*",-deya belgilaydi.

Dramani o'qib chiqish asnosida duch kelgan qiyin so'zlarga o'rnida izoh berib ketiladi.

Lug'at bilan ishlash.

xufya – josus

tug` - bayroq

mashvarat – yig`ilish, kengashshatranj – shaxmat

Dramada jahongirning fuqarolarga munosabati: **“Hukmdorlar seva turib fuqarolarni, Umid hamda qo`rquv ichra saqlamog`i shart”**, -degan qarashida aks etadi.

“Unutmagil, muzaffarman haqligim uchun!” misralari mazmunini izohlash qiyin emas. Temur o`zini buyuk bir tarixiy missiyaning ijrochisi deb biladi: **“Nega ko`pdir nayrangboz-u kazzob kimsalar? Nega bosgan yer yuzini buncha ko`p illat? Men zaminni tozalashim kerak ulardan.”**

Ahmad Yassaviyning: **“Ayt-chi, Temur, sen besabab qon to`kkanmisan?”** - degan so`rog`iga javob berish sohibqironga oson kechmaydi. U islomiy tartiblar o`rnatib, adolatni qaror toptirish uchun qon to`kkani haqida o`ylaydi. *Olamni kuch bilan bosib olgandan, odamlar dilini haq so`z bilan zabt etish to`g`riroqligi* haqidagi fikr Yassaviy hazratlarining shaxsiyatini ifoda etadi.

Qozog`istonning Turkiston shahridan chiqqan buyuk pir Xoja Ahmad Yassaviy **“Devoni hikmat”** kitobi muallifidir. U boshlang`ich ta`limni Yassida Arslonbobdan oladi. So`ng Samarqand, Buxoroda tahsil olgan. Din olimi shayx Yusuf Hamadoniya shogird bo`lib, uning 3-xalifasi bo`lib olgan. 63 yoshda uzlatga chekinib, ijod bilan shug`ullangan. U kishining tasavvufiy adabiyotimizdagi o`rni beqiyos. **“Yassaviy tariqati”, “Yassaviy maktabi”** iboralari bejizga emas.

Asarda Amir Temur timsoli o`zi va eli haqida tinimsiz o`ylaydigan shaxs sifatida puxta tasvir etilgan. Shu o`rinda sizlarga bir ma`lumot aytmoqchiman: **“Qaysiki yurtda payg`ambarlar qabri bo`lsa, o`sha yurt tinch, obod bo`ladi; bunday mamlakatga dushman bas kela olmaydi”**, - degan gapni eshitgan sohibqiron Doniyol payg`ambarning qabrlarini Suriyadan Samarqandga oldirib keladi va boshqa davlat lahm kavlatib o`g`irlab ketmasligi uchun Samarqanddagi baland bir tog` tepasiga avaylab joylashtiradi. (Amir Temur qabrining ochilishi haqidagi videolavha.) U kishi nasl tozaligini saqlash uchun tushiriladigan kelinning yetti pushtini surishtirishga, sog`lom kelin tanlashga ham katta e`tibor berganlar. (**“Sog`lom ona va bola yili”** haqida.)

IV. Yangi mavzuni mustahkamlash. (9 daqiqa)

“Tafakkur gulshani” mashqi o`tkaziladi. (elektron ko`rsatma asosida drama tahlili)

Test sinovi. (4-slayd)

1. Nima uchun Fransiyada Amir Temurga oltindan haykal qo`yilgan?

A. Yevropani Boyazid Yildirim xavfidan xalos qilgani uchun.

B. Fransiyaga katta mablag` kiritgani uchun.

C. Fransuz qizni daryodan qutqargani uchun.

D. Farang elchisini hurmat qilgani uchun.

2. Temurbek yomonlarni nima sari «kaltak bilan haydash»ni aytadi ?

A. yaxshilik sari

B. insof sari

S. zindon sari

D. dushman tomon

3. Amir Temur sarboz Qosimbekni nima uchun taqdirladi ?

A. otini saqlab qolgani uchun

B. Topqirligi uchun

S. sadoqati uchun

D. Xushxabar keltirgani uchun

V. Baholash. (2 daqiqa)

O`quvchilarni baholash yakka tartibda va guruh hisobida amalga oshiriladi. Faollar rag`batlantiriladi. Dars davomida taqdim etilgan rag`bat kartochkalari jamlanganda eng

yuqori ball to'plagan guruhga "Amir Temur va Ulug'bek zamondoshlari xotirasida" kitobi sovg'a qilinadi.

- VI. **Uyga vazifa.** (1daqiqa) Uyga vazifa qilib darslikning 113-sahifasida berilgan 1-5-savol va topshiriqlarga javob tayyorlash, Amir Temur haqida qo'shimcha ma'lumotlar to'plash, "Sohibqiron" dramasi-dagi Amir Temur timsoli to'g'risida shaxsiy mulohaza yozish topshiriladi.

ОБЪЯСНЕНИЕ ВЫРАЖЕНИЯ КОЛИЧЕСТВЕННОЙ ХАРАКТЕРИСТИКИ СУБЪЕКТА НА УРОКЕ РУССКОГО ЯЗЫКА ПО ТЕМЕ: «ИСТОРИЯ МОЕЙ РОДИНЫ». ПОНЯТИЕ ОБ ИМЕНИ ЧИСЛИТЕЛЬНОМ

*Базаров Б.Т., преподаватель
Джиззак ПИ*

***Abstract:** The article refers to the generalizations of linguistic, psychological, pedagogical and methodological literature on the problem of research, which will allow to justify theoretically the central areas of work for the development of students' speech at studying of a theme "The history of my homeland" – the conceptions about numerals; the expression of quantitative characteristics. These studies will help students assimilate knowledge on the use of standards, communicative potency of numerals and mainstreaming of this knowledge in the analysis and design of sentences.*

***Аннотация:** В статье приводятся обобщения лингвистической, психологической, педагогической и методической литературы по проблеме исследования, что позволит теоретически обосновать основные направления работы по развитию речи студентов при изучении темы «История моей родины». представления о цифрах; выражение количественных характеристик. Эти исследования помогут студентам усвоить знания об использовании стандартов, коммуникативной потенции чисел и интеграции этих знаний в анализ и составление предложений.*

Развитие речевой способности учащихся обеспечивается интеграцией процессов изучения лексико-грамматической стороны языковых единиц и развития речи.

Выделение основных этапов и закономерностей в речевом развитии должно учитываться при разработке методики развития речевой способности учащихся.

При обучении русскому языку на первом курсе можно обеспечить эффективное развитие речевой способности студентов при соблюдении комплексного подхода к совершенствованию всех структурных компонентов языковой способности, ориентации на личность студента.

Обобщение лингвистической, психолого-педагогической и методической литературы по проблеме исследования, которое позволит теоретически обосновать центральные направления работы по развитию речи учащихся при изучении темы «История моей Родины» - понятие об имени числительном; выражение количественной характеристики субъекта. Эти работы помогут усвоению знаний студентов о нормах употребления, коммуникативных потенциях числа и актуализация этих знаний в процессе анализа и конструировании предложения. Базу

таких речевых действий составляют знания учащихся о свойствах лексической и синтаксической сочетаемости числительных, отражающих тематику анализируемого или конструируемого предложения, об их способности реализовывать лексико-системные связи в структуре всего высказывания. Особенность обучения темы «Понятие об имени числительном» заключается в том, что перед учащимися ставятся конкретные требования, которые сформулированы в виде перечня нормативных и коммуникативных умений, установления уровня владения ими для студентов первого курса.

Необходимо подробно объяснить, где и при каких ситуациях используются конструкции: до, около, больше, свыше, какого количества, много, мало, немного, чуть-чуть; чего, достигает чего; составляет сколько, исчисляется чем: Предмет размером ДО /порядка/... единиц, КАКАЯ ЧАСТЬ приходится на долю ЧЕГО, около КАКОГО КОЛИЧЕСТВА.

Блок имеет массу /в/ 10 тонн. У современных легковых машин мотор имеет мощность 75 л.с. (лошадиных сил). Население земли исчисляется миллиардами. Температура на поверхности Солнца достигает 6000 градусов. Сильно нагретые тела выделяют много тепла.

Для выражения количественных значений употребляются как предикативные /ИМЕТЬ КАКИЕ РАЗМЕРЫ/, так и атрибутивные (определительные) конструкции /ПРЕДМЕТ КАКОГО РАЗМЕРА/.

Конструкции *ИМЕТЬ РАЗМЕРЫ ДО...* единиц /предмет размером до... единиц/ выражают **предельное количество**.

Приблизительное количество выражается словами *БОЛЕЕ, ОКОЛО, ПРИБЛИЗИТЕЛЬНО, ПРИМЕРНО* и др.

Для выражения **количественных значений** употребляются конструкции с глаголами: *встречаться, достигать, исчисляться, приходиться, содержаться* и др.

Наряду с именами числительными, количественно-именными сочетаниями, словами *МАССА, МНОЖЕСТВО, ХВАТИТ, НЕ ХВАТИТ, ДОСТАТОЧНО* употребляются слова, словосочетания и целые предложения с тем же значением «МНОГО», «МАЛО», «СКОЛЬКО»: Тетрадей хватит на всех. Десяти миллиграммов вещества для опыта вполне достаточно. Данных для статьи у меня в избытке. Работы у них на десять человек, а их только трое. Горючего для такого двигателя нужно вдвое меньше, чем для обычного мотора. Зрителей в зале – негде встать.

Когда преподаватель объясняет грамматику, но не закрепляет её примерами, то его старания не дадут должного эффекта, поэтому желательно приводить максимум примеров.

Усвоение учащимися знаний о функциональных свойствах числительного создает благоприятные условия для развития нормативных и коммуникативных умений употреблять слова этой части речи в связном высказывании.

Здесь же можно дать объяснение и дробным числительным:

$\frac{1}{3}$ – одна целая (единица) одна третья (часть)

3

$\frac{2}{4}$ – два и три четвертых

4

$\frac{17}{6}$ – шесть и семнадцать восемьдесят пятых

85

0,1 – ноль целых одна десятая (ноль и одна десятая)

0,01 – ноль и одна сотая; 0,002 – ноль и два тысячных, а также: две тысячных... и

т.д.

1,5- одна и пять десятых или полтора (метра), полторы (тонны)

150-сто пятьдесят или полтора (метров, тонн)

1500- полторы тысячи

1500000- полтора миллиона

После дробных числительных можно пояснить, что порядковые числительные (сотая, седьмая) склоняются, как имена прилагательные. Числительные ПОЛТОРА, ПОЛТОРЫ, ПОЛТОРАСТА во всех падежах, кроме именительного и винительного, имеют формы ПОЛУТОРА, ПОЛУТОРАСТА.

Доступность усвоения учащимися этого курса семантики форм числительных и их функций в тексте зависит от правильного выбора методов, приемов и средств обучения при соблюдении определенных методических условий:

- организация активной познавательной деятельности учащихся путем создания ситуации – сравнить предложения, где выражено количество субъекта; обратить внимание на синонимичность предложений разных типов. **Например: 1.** Крупных научных кораблей в российском исследовательском флоте – *более двадцати.* – Число крупных научных кораблей в российском исследовательском флоте составляет *двадцать с лишним единиц.* – Число крупных научных российских исследовательских кораблей достигает *двадцати с лишним единиц.* **2.** Научных сотрудников на научно-исследовательском корабле – *двести восемьдесят.* Количество научных сотрудников на научно-исследовательском корабле достигает *двухсот восьмидесяти* человек. – Количество научных сотрудников на научно-исследовательском корабле составляет *двести восемьдесят* человек.

- применение заданий, при выполнении которых учащиеся сознают операционный состав речевых действий, мотивы, лежащие в основе использования того или иного числительного в конкретном высказывании.

Например: Эта гора имеет 500 метров в высоту. Кольцо ускорителя достигает полутора километров в окружности. В этом месте океан достигает 8700 метров в глубину. Фигура имеет по периметру более 10 метров.

При прочтении предложения студенту необходимо обратить внимание на то, что названия линейных единиц измерения употребляются в конструкциях типа ИМЕТЬ, ДОСТИГАТЬ в высоту, в диаметре, по диагонали ... единиц.

Создавать ситуации, в которых учащийся мог бы легко ориентироваться, зависит от фантазии преподавателя. Главное, чтобы при этом преподаватель придерживался следующих правил:

- использование в качестве необходимого дидактического материала текстов-образцов для анализа прилагательных или числительных в условиях их функционирования в речи;

- установление уровня владения учащимися первых курсов нормативными и коммуникативными умениями;

- опора на интуитивный, аналитико-синтетический и творческий уровень знаний учащихся.

Эти ситуации способствуют возникновению у учащихся потребности в общении.

Литература:

1. Талипова Р.Т., Кронова Н.М. Основной курс русского языка для студентов узбекских групп. Часть I. Ташкент – 1988 г.
2. Рузметова З.Н., Андриянова В.И. Русская речь и трудовая деятельность старшеклассников. Ташкент, «Укитувчи» 1993 г.
3. Комилова Ш.А., Мирсагатова У.З., Имомалиева М.А. Практический курс по русскому языку (Пособие для учащихся нефилологического направления) Часть I. Ташкент – 2015 г.
4. А.Л. Усачёв. Практический курс русского языка. – Ташкент, Изд. «Укитувчи» 1996.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ ҚАРАШЛАРИНИНГ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДАГИ АҲАМИЯТИ

*Низамова Ш.И.-мустақил изланувчи
А.Авлоний номидаги ХТТРМХҚТМОИ*

Аннотация

В данной статье рассматривается внедрение и пояснение ученикам мировоззрение восточныхмыслителей и ученых, таких как Фараби, Ибн Сина и Беруний, а также их отношения к экономическим вопросам.

Annotation

This article is devoted to clarification to pupils of schools point of views of the famous oriental scholars known as Farabi, Avicenna (IbnSina) and Beruniy and their ideas in field of Economy issues.

Бугунги кунда жамиятнинг ҳар томонлама равнақ топиши, тараққий этиши таълимнинг ривожланишига ва мазмунан такомиллашиб боришига боғлиқ. Шу билан бирга таълим сифат самарадорлигини ошириш энг долзарб масалалардан бири бўлиб ҳисобланмоқда.

Таълимнинг глобаллашуви, инновацион технологияларнинг жорий этилаётгани, айни пайтда кенг кўламли ахборотлар оқими таълим мазмунини мунтазам янгилаб, такомиллаштириб боришни тақозо этади.

Таълим соҳасидаги давлат сиёсатини рўёбга чиқариш, кадрлар тайёрлашда ягона давлат талаблари асосида ўқув-тарбия жараёнини такомиллаштириш, ўқув адабиётлари билан таъминлаш, педагогларга узлуксиз методик хизмат кўрсатиш вазифасини амалга ошириш муҳим вазифалардан биридир.

Бугунги тез ўзгарувчан иқтисодий, ижтимоий ва маънавий ҳаётда ўқувчи ёшлар дунёқарашини шакллантириш янги педагогик технологиялар асосида интерфаол методлардан кенг фойдаланишни тақозо қилади.

Билим қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчи дунёқараши, интеллектуал салоҳияти шунчалик ривожланади ва камол топади. Ҳозирги кунда ўқувчилар учун информацион

саводхонлик таълим самардорлигини оширишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Узлуксиз таълим тизимининг ўрта бўғини бўлган умумий ўрта таълим мактаблари олдига қўйилган давлат талабларига мувофиқ, мазкур таълим муассасалари таълим-тарбия жараёнининг самардорлигини ошириш, илм-фаннинг сўнги ютуқларини амалиётга жорий этиш орқали ижодкор, ижтимоий фаол, юксак маънавиятли, касб-ҳунарли, она Ватанга садоқатли, миллий ва умуминсоний кадриятларни ардоқлайдиган, ижодий ва мустақил фикр юрита оладиган, давлат, жамият ва оила олдида ўз бурчи ва жавобгарлигини ҳис этадиган баркамол шахсни камолга етказиш, уларнинг онги ва қалбига миллий истиқлол ғоясини сингдириш каби муҳим вазифаларни амалга ошириш назарда тутилади. Шу билан бирга биз тарбиялаётган ўқувчиларимизда иқтисодийдунёқарашни шакллантиришимиз керак. Бунинг учун ўқитувчининг ўзи иқтисодий билимга эга бўлиб, иқтисодий дунёқарашни тўғри талқин эта олиши лозим. Иқтисодий дунёқараш нима ўзи? Иқтисодий дунёқараш бу-умумий иқтисодий билим, иқтисодий кадриятлар, эътиқодлар, инсоннинг иқтисодий ҳаётга бўлган муносабатини, иқтисодий ҳаётни тартибга солувчи амалий муносабатлар.

Иқтисодий дунёқарашнинг ўзига хос хусусияти, биринчи навбатда, муҳим ҳаёт муаммолари билан боғлиқ иқтисодий фикрларнинг аниқ бир яхлитлиги ҳисобланади: иқтисодиёт, иқтисодий ҳаётнинг моҳияти, инсон ва жамиятнинг иқтисодий ҳаёти, инсон ҳаётидаги ва ҳоказоларда иқтисодининг ўрни. Бу муаммолар одамларнинг, шахснинг ҳаётий тажрибасини умумлаштиришга асосланган, маълум маънавий юксакликдан келиб чиққан.

Инсоннинг иқтисодий ҳақиқатга бўлган муносабатини Ўрта асрлар марказий Осиёда яшаган Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий қарашлари мисолида кўриб чиқамиз. Ўрта асрларда иқтисодий қарашни ривожлантириш янги иқтисодий муносабатлар даврида кенг минтақада содир бўлган умумий маданий тараққиётнинг ажралмас қисми эди.

Ўрта асрлар Марказий Осиёд аиқтисодий фикрнинг ривожланиши бўлиб, кенг миқёсда амалга оширилган маданий тараққиётнинг ажралмас қисми ҳисобланган. Марказий Осиёнинг катта ҳудудида янги иқтисодий муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш рўй берган.

Икки ёки уч асрдаги энг қисқа тарихий даврда кўплаб халқларнинг кадриятларини ўзига сингдирган ноёб маданият бутун дунёда машхур бўлди.

Марказий Осиёда мустақил давлатларнинг шаклланиши, Яқин Шарқ мамлакатлари билан мустаҳкамлаш алоқалар иқтисодий тафаккур янада ривожлантириш учун катта далда берди. IX-XII асрларда Марказий Осиё шарқда илғор ижтимоий фикрларнинг асосий марказларидан бирига айланди. Бу даврда, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Юсуф Ҳос Ҳожиб каби олимлар асарларида жамиятнинг иқтисодий ривожланиши масалалари акс этган. Уларнинг фалсафий ва ижтимоий қарашлари катта қизиқиш уйғотган.

Ал Фаробий, Абу Али ибн Сино ва Ал Берунийнинг таълимоти инсоннинг эҳтиёжлари ҳақида фикрлардан иборат.

Шу ўринда Ал Фаробий, Абу Али ибн Сино ва Ал Берунийнинг инсон эҳтиёжлари таълимотлари тўғрисидаги фикрларига тўхтаб ўтиш ўринлидир. Ал-Фаробийнинг (873-950) қарашларига кўра, жамиятнинг шаклланишининг асосий сабаби инсон эҳтиёжларига қаратилган. Эҳтиёжнинг мавжудлиги ва унга эришиш учун меҳнат қилиш зарурлиги шундай изоҳланган, "Табиатан ҳар бир одам зарур нарсага

мухтож эканини сезади”. Жамият шаклланиши учун моддий талаблари аҳамияти ҳақида, сўз юритади. У жамият одамлар бирлашишидан келиб чиқишини, уларнинг турли хил қарашларга эга эканлигини таъкидлайди.

Моддий буюмларни ишлаб чиқаришда меҳнат ва воситаларнинг ролини таъкидлаб, турли хил ҳунармандчиликнинг мавжудлиги, эркин меҳнатни ҳимоялашга тарафдори эканлиги тўғрисида сўз юритади.

Жамиятни шакллантириш учун моддий эҳтиёжларнинг муҳимлиги аҳамиятга эга эди. МарказийОсиёнингтаниқлимутафақкирлариданбири, энг буюк олим ва инсонпарвар АбуАли ибн Сино фалсафий асарлари билан бир қаторда, тиббиёт, мантик, психология доир муаммолар билан қизиқди.

Инсон эҳтиёжлари учун меҳнатнинг аҳамияти ва моддий ишлаб чиқаришдаги ҳал қилувчи роллари ҳақидаги қизиқарли фикрлари мавжуд. Ибн Синони иқтисоднинг кўпгина масалалари қизиқтирган

Унинг алоҳида эътиборини жамиятнинг мавжудлигининг негизи деб ҳисоблаган қўл санъати бўлган. Унинг иқтисодий қарашлари ва уй иқтисоди ва психологияси ҳақидаги рисолаларида баён этилган.

Уй иқтисоди деб номланувчи рисоласида Ибн Сино қуйидаги ҳунар турларини тарифлайди:

- 1) оқилонаҳунармандчилик (сиёсатчиларваҳукмдорлар);
- 2) олийсанъатасарлари (ёзувчилар, астрономлар, шифокорлар);
- 3) бадийҳунармандчилик (рассомлар, ҳайкалтарошларвабошқалар).

Унинг фикрига кўра, "...керак даромадлар ва ҳаражатлар ўртасидаги мувозанатни қўлга киритиш учу нмаблағ ажратилишини ҳисобга олган ҳолда заҳираларни шакллантириш лозимлиги таъкидланади".

Абу Райҳон Беруний (973-1048) ўз асарларида таъкидлашча, инсонлар турмуш тарзининг шаклланишида меҳнат жараёни ҳал қилувчи аҳамиятга эга. У АлФоробий ва ИбнСино таълимотини ўрганиб чиқиб ишлаб чиқарувчи кучлар жамиятни шаклланишидаги омил эканлигига тўхталган. Одамларни бирлаштириш зарурати у фақат биргаликда ишлаш орқали, улар табиат кучлари бардош мумкин тушунишдан иборат, деб қаралади. Унинг қарашлари да минтақа халқларининг иқтисодий тафаккурининг ривожланиши ётади. Озиқ-овқат эҳтиёжларини кўпайиши билан Ал-Беруний фикрича, пул вазифаси маҳсулот ишлаб чиқарилганга сарфланадиган меҳнат маҳсулотлар. Пулнинг ролини тушуниш (кўпроқиш–кўпроқпул) каби ибораларни келтиради. Айни пайтда Ал Беруний ҳам давлат функцияларини бажаришда давлатхазинасини тежашзарурлигига аҳамият беради.

Хулоса қилиб, ўрта аср Марказий Осиё мутафақкирларининг томонидан илгари сурилган жамиятни иқтисодий ривожлантириш, масалалари, иқтисодий тафаккур ривожига муносиб ҳисса қўшган таъкидлаш лозим. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб таълим бериш жараёнида ўқувчиларимизнинг ҳар томонлама етук инсон бўлиб шаклланишлари учун маънавий ва иқтисодий дунёқарашни такомиллаштириш зарур. Зеро бу ёшлар бизнинг келажагимимз ва таянчимиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш. М. [Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.](#) Тошкент-2016 й

2. В.Ф. Байнев. Мировоззрение народа как стратегический экономический ресурс, фактор глобальной конкурентоспособности и устойчивого развития Новая [экономика](#). – 2010. – №1. – С. 4-9.
3. В.Я. Железнов. Экономическое мировоззрение древних греков.
4. В.Д. Камаева. Основы экономической теории под ред. – М: «Юнити» — 2005г. – 725с

МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМНИ ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ.

*Саидов Ж.Д -ўқитувчи
Гулистон ДУ*

Аннотация

Самостоятельное обучение занимает особое место в учебном процессе. На этой основе были выделены проблемы организации самостоятельного обучения студентов на основе идей восточных мыслителей на основе их оценок совершенных человеческих качеств, на основе традиций магистранта.

Annotation

Independent learning takes a special place in the learning process. On this basis, the problems of the organization of the students' independent education based on the ideas of the Eastern thinkers on the basis of their tariffs on the perfect human qualities, on the basis of the traditions of the master student, were highlighted.

Юртимизда таълим тизимида олиб борилаётган ислохатлар таълимнинг барча шаклларида бўлгани каби мустақил таълимни ташкил қилишда ҳам замон талабларидан келиб чиқишни тақозо қилади. Бундан ташқари миллий кадриятларимизни инобатга олган ҳолда уларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш долзарб масалага айланиб бормоқда. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида чуқур назарий ва амалий билимлар билан бир қаторда танлаган соҳаси бўйича мустақил фаолият кўрсата оладиган, ўз билими ва малакасини мустақил равишда ошириб борадиган, масалага ижодий ёндашган ҳолда муаммоли вазиятларни туғри аниқлаб, таҳлил қилиб, шароитга тез мослаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган.

Маълумки, ахборот ва билимлар доираси тез суръатлар билан кенгайиб бораётган ҳозирги шароитда барча маълумотларни фақат дарс машғулоти пайтида талабаларга етказиш кийин. Олиб борилган тажрибалар шуни кўрсатадики, талаба мустақил равишда шуғулланса ва ўз устида тинимсиз ишласагина билимларни чуқур ўзлаштириши мумкин. Талабаларнинг асосий билим, кўникма ва малакалари мустақил таълим жараёнидагина шаклланади, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланади ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлади. Шу сабабли талабаларнинг мустақил таълим олишларини режалаштириш, ташкил қилиш ва бунинг учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш, дарс машғулотида талабаларни ўқитиш билан бир қаторда уларни кўпроқ ўқишга ўргатиш, билим олиш йўллари кўрсатиш, мустақил таълим олиш учун йўлланма бериш олий таълим муассасасининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади. Мустақил ишларнинг шакли ва ҳажмини белгилашда қуйидаги жиҳатлар эътиборга олинishi лозим:

- ўқиш босқичи;
- муайян фаннинг ўзига хос хусусияти ва ўзлаштиришдаги қийинчилик даражаси;
- талабанинг қобилияти ҳамда назарий ва амалий тайёргарлик даражаси (таянч билими);
- фаннинг ахборот манбалари билан таъминланганлик даражаси;
- талабанинг ахборот манбалари билан ишлай олиш даражаси.

Мустақил иш учун бериладиган топшириқларни бажариш учун зарур адабиётлар, ахборот коммуникация технологиялари, интернет, мултимедияли ва бошқа электрон воситалар талабаларнинг берилган топшириқни бажариши ва билимларни мустаҳкамлашида амалий ёрдам беради.

Бизга малумки кўплаб алломаларни тарбия қилган юртимиз илм фан соҳасида, адабиёт соҳаларида дунё ахлига улкан мерос қолдирганлар. Уларнинг улкан тажрибасидан фойдаланиш, уларга муносиб издош бўлиш биз авлодларнинг бурчидир. Шарқ мутаффакирларининг асрлар оша сақланиб келаётган устоз-шогирд муносабатлари бугунги кунда замонавий илм-фан соҳаси вакилларининг муносабатларига чуқур сингиб кетган. Улуғ алломаларимизнинг қарашларида қуйидаги қирраларни кузатиш мумкин.

Фаробий илм марифатли етук инсон сиймосига қуйидагича ёндошади: «Ҳар кимки илм хикматни ўрганмаган деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ – саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланган бўлсин, барча қонун – қоидаларни билсин, билимдан ва нотик бўлсин, илмли ва доно кишиларни ҳурмат қилсин, илм ва аҳли илмдан мол – дунёсини аямасин, барча моддий нарсалар тўғрисида билимга ега бўлсин».

Ибн Сино бола ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй – рўзгор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила ота – онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота – она тарбиячи бўлиши мумкин. Ибн Сино болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний ақлий тарбия билан ўзвий бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Мирзо Улуғбек оилада соғлом муҳит соғлом авлодни етиштириш ҳақидаги фикрлари шундан иборатки, аллома ўқитиришича, боланинг билим олишига бўлган қизиқиш, хавасини оширишда у тарбия топаётган муҳит муҳим ўринни эгаллайди.

Алишер Навоий фарзанд камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. Алишер Навоийнинг улкан ижодий мероси комил инсон тарбиясининг сўнмас асосига айланган. Шерият мулкининг султони ўзидан ўлмас асарлар ва маънавий мерос қолдирди.

Шу ўринда Садриддин Салим Бухорий ўзининг ушбу тўртлиги билан ҳеч қандай тарифга ўрин қолдирмади.

Иллат излаганга иллатдир дунё,
 Ғурбат излаганга ғурбатдир дунё.
 Ким нени изласа, топгайбегумон,
 Ҳикматизлаганга ҳикматдир дунё.

Бундан ташқари алломаларимизнинг комил инсон тарбиясига нисбатан қарашлари нафақат шарқ балки дунё тамаддуни учун ҳам беқиёс ўрин тутиб келмоқда. Имом ал-Бухорий, Нажмиддин Кубро, Имом ат-Термизий каби алломаларимиз ҳам

фарзанд тарбияси уларни комил инсон сифатида етук инсоний фазилатларини шакиллантиришга катта этибор қаратганлар.

Уларнинг бой тажрибасидан фойдаланган холда бугунги кун таълим жараёнида фойдаланиш ўзининг фақатгина ижобий тарафлари билан сезиларли ўрит эгаллайди. Мустақил таълимни ташкил қилишда алломаларнинг комил инсон ва унга қўйган сифатлари асосида тайёрлаш таълимни миллий қадриятларимизни билан сайқаллайди. Замонавий таълим жараёнида мустақил таълимни ташкил қилиш ва талабаларга индивидуал топшириқларни бажаришлари учун топшириқлар бериш жараёнида устоз шогирд тамоилларига мос холда ташкил қилиш мақсадга мувофиқдир. Ҳарбир мустақил ишловчи бириктирилган илмий раҳбар профессор-ўқитувчи билан ҳамкорликда иш олиб бориши уларнинг илмий йўналиш билан ишлаши учун муҳим омил ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш бўйича меъёрий ҳужжатлар. 1-қисм.- Тошкент, 1998.
2. Абдукаримов Ҳ., Суванов О. Педагогик технология ва педагогик маҳорат. – Тошкент, 2010.
3. А.А.Абдуқодиров, Ф.А.Астанова, Ф.А.Абдуқодирова “Case-Study” услуби: назария, амалиё ва тажриба, Тошкент-2012).
4. Ҳ. Абдукаримов, Касбий педагогик фаолияти, Тошкент-2010.

ИМКОНЯТИ ЧЕКЛАНГАН БОЛАЛАРДА ЭКОЛОГИК ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ МАСАЛАЛАРИ

*Пўлатова П.М., п.ф.н., профессор
Тошкент ДПУ*

***Аннотация.** В статье рассматриваются актуальные проблемы сегодняшнего неблагоприятного воздействия на здоровье людей во всем мире, необходимость экологического образования и обучения, а также важность экологической грамотности среди детей с ограниченными возможностями. -внедрение образования необходимо.*

***Annotation.** The article addresses the urgent issues of today's adverse effects on the health of people around the globe, the need for environmental education and training, and the importance of environmental literacy among children with disabilities. -the implementation of education is necessary.*

Фан-техника тараққиёти ва инсоннинг табиатга қилаётган таъсири тобора кучайиши орқасида табиий комплекслар, табиат ходисаларининг ўзаро боғланиши бузилмоқдаки, бу ер юзида ҳаёт мавжуд бўлишига хавф солиб, халокатли оқибатларга олиб келиши мумкин. Бу ҳолат хайвонот оламига ҳам, ўсимликлар дунёсига ҳам ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда. Кейинги йилларда табиий бойликлардан шунчалик кўп фойдаланилганки, бу бутун инсоният тарихи давомида фойдаланилган табиий бойликларга тенгдир. Демак, жамиятнинг иқтисодий ривожланиш даражаси қанчалик юқори бўлса унинг табиатга таъсир этиш даражаси ҳам шунчалик кўп бўлар экан. Аҳоли сонининг тез ўсиб бориши натижасида экологик муаммолар ҳам кўпайиб

бормоқда. Шунинг учун атроф-муҳитни асраш масалалари аксари экологик таълим-тарбия билан боғлиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 - моддасида ер ва ер ости бойликларини, сув манбаларини, ўсимлик ва ҳайвонот оламини қўриқлашда илмий асосда, оқилона фойдаланиш ҳаво ва сувни тоза сақлаш, табиат бойликларини узлуксиз кўпайтириб боришни таъминлаш, инсонни атроф-муҳитни яхшилаш учун чора ва тадбирлар қуриши зарурлигини таъкидланган¹⁶.

Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни¹⁷, шу номда Давлат дастури, «Экологик таълим-тарбия концепцияси»нинг ишлаб чиқиши «Экосан» жамғармасининг тузилиши мамлакатда экологик муаммоларни бартараф этишга киришилганидан далолатдир.

Жамиятимизнинг тенг ҳуқуқли аъзоси бўлган имконияти чекланган болаларга ҳам ўз тенгдошлари қаторида экологик таълим-тарбия бериш уларни экологик саводхонлигини ошириш шу куннинг муҳим давр талабидир.

Имконияти чекланган болалар жонли ва жонсиз табиат билан турлича муносабатда бўладилар, бинобарин уларнинг жамият ҳаётининг моддий, табиий заминга қандай муносабатда бўлиши, табиатни идрок этишга тайёр ёки тайёр эмаслигига жамият асло бефарқ қарай олмайди. Шу аниқки, имконияти чекланган болалар табиатга оид билимларни тушунган ҳолда туғилмайди. У бундай билимларни барчасини махсус коррекцион таълим-тарбия орқалигина олади.

Табиат ҳақидаги билимларни оммалаштириш ва уларда ноқилона фойдаланиш имконияти чекланган болаларни ҳар томонлама уйғун тарбиялашнинг асосий мезонидир. Табиат билан оқилона муносабатда бўлишнинг илмий асосланган тамойилларини ўқувчилар ўртасида ташвиқот қилиш – махсус коррекцион таълимнинг муҳим қисмидир.

Экологик таълим-тарбия орасидаги ижтимоий вазифалардан бири имконияти чекланган болаларда экологик таълим-тарбияни, табиатга нисбатан тўғри муносабатни мумкин қадар эртароқ таркиб топтиришдан иборатдир.

Имконияти чекланган болаларда экологик билим, кўникма ва малакаларни таркиб топтириш, уларгатабиат, атроф-муҳит билан қандай муносабатда бўлишни ўргатиш махсус педагогика назарияси ва махсус мактаб амалиётининг энг долзарб мавзусига айлангандир.

Экология – экологик илмнинг бўлимларидан бири ҳисобланиб, у асосан организмларнинг ўзаро ва улар яшайдиган муҳит билан муносабатларнинг тадқиқ этади. Экология муаммоларига катта қизиқиш билан фаровон турмушимизгагина эмас, балки ахлоқий муаммоларга ҳам таълуқли масалалари юзага келмоқда.

Имконияти чекланган болаларнинг ҳар бири қандай мутахассис бўлишидан қатъий назар, замонавий инсонпарвар одамлардек экологик билимларни билиши ва уйдаи, ишдаи, табиат кучоғидаи, қаерда бўлмасин табиатга, экологияга оид қоидаларни адо этиб, унга риоя қилмоғи лозим.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва табиатдан фойдаланиш муаммоси ҳар бир инсонга, шубҳасиз, бирон-бир даражада таълуқлидир. Аммо бу борада эришиладиган муваффақият муҳитни мақбул ҳолатда сақланиши учун одамларни маъсулиятни

¹⁶Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18 - модда.-Т.: “Ўзбекистон”,1992, 8-декабрь.

¹⁷Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.- Т.; -“Ўзбекистон”Давлат дастури. -1992 йил.

нечоғли хис қилишларига боғлиқдир. Шу боис одамларга экологик ҳуқуқ нормаларини сингдириш, барча таълим ва маърифат воситаларини қўллаб, табиатни асраш тўғрисидаги билимларни ҳар томонлама кенг ёйиш зарурати туғилади.

Экологик таълим-тарбияни кенг ва тор маънода олиб бориш мумкин. Кенг маънодаги таълим турмуш ва билимнинг барча соҳаларида, ижтимоий ҳаётда ва меҳнат қилиш жарёнида табиатган исбатан тўғри муносабатда бўлишни ўргатиш ва ўзлаштиришдани боратдир. Тор маънодагиси аслида маълумот соҳасини назарда тутати. Маълумки, экологик таълимни «кенг» ва «тор» маънода тушуниш янада ўзига хос тарзда турли имкониятларни (маълумот, маданият даражаси, ёш хусусиятлари), ишга солган ҳолда ифодаланади.

Экологик таълим-тарбия махсус педагогиканинг янги шакли ва таркибий қисми бўлиб, мактабда барча фанларни ўқитишда амалга оширилиши кўзда тутилади. Экологик таълим-тарбияда бош мақсад ҳам атроф-муҳит ва унинг муаммоларига онгли муносабатни шакллантиришдан иборатдир.

Экологик тарбияда махсус мактаб ўқувчиларини ўз мактабини, яшайдиган муҳити, шаҳар ва қишлоқ кўчаларини кўкаламзорлаштириш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш, хиёбонларни, сув хавзаларини озода сақлаш, уй хайвонларига қараш, муҳофаза қилиш каби ишларда кучи етганча, имкон қадар қатнашишга жалб этиш катта аҳамиятга эга.

Экологик саводхонлик ва маданият, аввало оиладан бошланади. Экологик дунёқарашни шакллантиришнинг негизи оиладаги тарбияга бевосита боғлиқ. Агар бу масала оилада тўғри йўлга қўйилмаган бўлса, унинг мактабларда кейинги таълим босқичларида қарор топтириш қийин бўлади. Аждодларимиз бола тарбияси масаласига алоҳида эътибор билан қараганлар ва бу борада ибратли анъаналарни вужудга келтирганлар. Болалар гўдаклик чоғларидан ахлоқий ва меҳнат тарбиясини оилада бошлаганлар. Уларда меҳнатга муҳаббат, атроф-муҳитга ҳурмат, ободончилик ва кўкаламзорлаштириш хиссабот билан сингдирилган. Масалан атрофни ифлослантормаслик учун ахлатларни алоҳида чуқурларга ташлаш, хожатларни арик, сойлардан узокрокда кавлаш, ёнгин чикмаслик чорасини кўриш, турли эҳтиёжлар учун дарахтдан эмас, балки қуриб қолганларидан фойдаланиш, ниҳолларни синдириб, пайхон қилмаслик, қушларни инини бузмаслик каби хатти-ҳаракатлар шакллантирилган.

Махсус мактаб ўқувчиларини мактабга келган кунларидан оқ ўлкамизнинг табиий ўсимликлар дунёси, уларнинг фойдаси, бубойликларни муҳофаза қилиш кераклиги ҳақидаги масалалар билан ўқувчиларни мактаб партасидан кенг таништириб, онгига сингдириб бориш ўз самарасини беради. Бунда экологиядан элементар тушунчалар, ихтисослаштирилган мактабда ўқитиладиган барча фанларда, айниқса, табиатшунослик, география, одобнома, тарих, адабиёт каби фанларни ўқитишда умумлаштирилади.

Шу билан бирга дарсдан ташқари тўғарак йиғилишларида, экскурсия даврида ҳамда ўзларининг кундалик фаолиятлари давомида экологик муаммоларни ўрганиб борадилар.

Экологик таълим-тарбия қуйидагича мазмунни ўз ичига олади:

- Атроф- муҳит ва уни ақли заиф ўқувчилар шахсига таъсири;
- Табиат ва уни инсонлар учун аҳамиятини аниқлаш;

- Табиатга меҳр-муҳаббатни, тўғри муносабатни, ривожлантиришда мактаб ва оила, жамоатчилик ҳамкорлигига эришиш;
- Ўз туманини, шаҳар ва қишлоқ, мактаб ховлисини кўкаламзорлаштириш хатто, синф хонасидаги ўсимликларни ҳам парваришлагга қизиқишларини ошириш;
- Атроф-муҳит муҳофазаси, бунда махсус мактаб ўқувчиларининг вазифалари;
- Табиатни муҳофаза қилишда ота-оналарнинг, катталарнинг намуналари.;
- Оиладан бошлаб, табиатни, ўсимликлар ва хайвонот дунёсини эъзозлашга ўргатиш, жонивор ва қушларни парвариш қилиш;
- ўқувчиларнинг дунёқарашини кенгайтириш;
- Махсус мактаб ўқувчиларини экологик тарбиялашда миллий анъана ва удумларни қайта тиклаш, уларга эътиборни кучайтириш.

Имконияти чекланган болаларда экологик таълим-тарбияни амалга оширишда уларнинг ёш ва индивидуал хусусиятларини инобатга олиш зарур.

Хулоса қилиб айтганда имконияти чекланган болаларда экологик таълим-тарбия уларнинг экологик онгини, экологик саводхонлигини оширишда, ақлий фаолиятларини коррекциялашда, муҳим аҳамият касб этади ҳамда уларни ижтимоий ҳатга, меҳнатга тайёрлашда керакли омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, 18 - модда.-Т.: “Ўзбекистон”, 1992, 8-декабрь.
2. Ўзбекистонг Республикасининг 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни.- Т.; -“Ўзбекистон” Давлат дастури. -1992 йил.
3. Пўлатова П.М.-Махсус мактабларда экологик таълим-тарбиянинг илмий назарий асослари-Т.: “Фан ва технологиялар”-2008 йил.
4. Пўлатова П.М.- Махсус педагогика- Т.,”Ғ.Ғулом”- 2005.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ МАВЗУСИНИ ЎҚИТИШДА “ЧАРХПАЛАК” ТЕХНОЛОГИЯСИНИНГ ҚўЛЛАНИЛИШИ

*Ишмуродова Г.И.,-ўқитувчи
Қариш ДУ
Мирзаев Э.М,-тадқиқотчи
Тошкент ДПУ*

Аннотация

В этой статье приводятся рекомендации по обучению восточных мыслителей преподаванию практических уроков по педагогике или по часам духовности и информации.

Annotation

This article provides recommendations for teaching Eastern thinkers to teach practical lessons in pedagogy or in hours of spirituality and information.

2019 йилнинг 23 август куни бўлиб ўтган халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилишида таълим ва тарбиянинг аҳамияти ҳақида сўз борди ва келгусида Ўзбекистон Республикасида улғ алломаларимиз, Мирзо Улуғбек ва Муҳаммад Хоразмий

номидаги иқтидорли болалар мактаблари, “Темурбеклар мактаби”, Президент мактаблари, хусусий мактаблар сингари янги ва замонавий намунадаги таълим даргоҳлари ташкил этилиши ҳақида таклифлар киритилди. Буларнинг барчаси Ватанимизнинг бахтиёр фарзандлари учун таълим-тарбия олиш борасида янги имкониятлар очиб бермоқда. Шунингдек, келгусида тиббиёт коллежлари ўрнида Абу Али Ибн Сино мактаблари ташкил этилиши ҳақида сўз борди.

Ушбу амалга оширилаётган ислоҳатлар бежизга эмас. Сабаби бизни жонажан тупроғимизда яшаб ўтган буюк Шарқ мутафаккирларининг ёш авлодни тарбиялаш ва таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари, айтган ибратли фикрлари бугунги кунда бутун дунё педагогика соҳасида муносиб ўрин тутди. Айниқса, Ал-Фаробий, Абу Али Ибн Сино, Абдулла Авлоний, Алишер Навоий, Имом Бухорий, Баҳоуддин Нақшбандий, Абу Райҳон Беруний ва ҳ.к. ларнинг инсон камолати ва баркамол авлодни тарбиялаш ҳақидаги ибратли иборалари асрлар оша амалиётда қўлланилиб келинмоқда.

Таълим-тарбия соҳаси билан шуғулланадиган ҳар бир шахс борки бу ибратли сўзлардан фойдаланмай қолмайди. Шунинг учун мазкур ибратли ибораларни ўрганиш ва улардан амалий фаолиятга фойдаланиш ҳар бир шахс учун фойдадан холи бўлмайди. Шу мақсадда педагогика олий таълим муассасарида педагогика фанини ўқитиш жараёнида ёки бошқа таълим муассасаларининг маънавият ва ахборат соатларида талабалар билан “Чархпалак“ технологияси асосида ўқазилган қуйидаги тренинг машғулотини эътиборингизга ҳавола этамиз.

Технологиянинг мақсади: мазкур технология таълим олувчиларда Шарқ мутафаккирларининг таълим-тарбия ҳақидаги қарашлари ва айтган ибратли фикрларини ўзлаштириш, мустаҳкамлаш, анализ-синтез қилиш, такрорлаш, баҳолаш ва мустақил-ижодий ишлаш кўникмаларини шакллантиришга хизмат қилади.

Технологияни амалга ошириш тартиби:

Гуруҳ талабалари 3та кичик гуруҳга бўлинади ва уларга аниқ мавзу бўйича тайёрланган тарқатма материаллар тарқатилади; берилган саволлар ичидан ўзлари тўғри деб топган жавоб кўрсатилган катак ичига махсус белгилар (“+”, “-”, “X”, “Y”, “S”, “▲”, “◆”, “●”) билан белгилаш тушунтирилади; Ҳар бир гуруҳ аъзоси индивидуал тарзида кўрсатилган катакларга ўз жавобларни белгилайди ва ўқитувчи навбатдаги босқичда гуруҳларнинг жавоблар варақасини соат стрелкаси тартибида алмаштиради. Бу ҳаракат то ҳар бир гуруҳнинг дастлабки иши ўзига қайтиб келгунига қадар такрорланади; тарқатма материаллар ўз эгаларига етиб келганидан сўнг ўқитувчи тўғри жавобларни ўқиб эшиттиради; талабалар тўғри жавобларни дастлабки белгилари бўйича текшириб, ҳар бир тўғри жавобни “1” балл билан баҳолайдилар; тренинг якунида ўқитувчи баҳолаш мезонини ўқиб эшиттиради ва ҳар бир талаба йиғган тўғри жавоблари бўйича ўз-ўзини баҳолайди. (Масалан, саволлар 30та бўлса, бунда 26-30 тўғри жавоб учун “аъло”, 25-21 та тўғри жавоб учун “яхши”, 21-16 та тўғри жавоб учун “қониқарли баҳо берилади.”); ўқитувчи баҳоларга аниқлик киритади ва машғулотнинг зарурий жиҳатларини умумлаштириб, хулосалайди.

Намунадаги топшириқ карточкаларида жавоблар ҳам кўрсатилган.

1-гуруҳ учун топшириқ

№	Фикрларни аниқланг	Фаробий	Рудакий	А.Навой	Халқ хикматлари	Али Абу Ибн Сино
1	Инсон-у энг бошидан бошлаб табиатан яхши ёки ёмон бўлиб, худди шундай у туғма тўқувчи ёки ёзувчи бўлиб туғулмайди.	+				
2	Инсон ақлини туби-бу билимдир		+			
3	Болаларга ақлий тарбия, ахлоқий тарбия, жисмоний тарбия, эстетик тарбия, меҳнат(касб-хунар) тарбияси бериш керак					+
4	Агарда дўстларинг мингта бўлса бу кам ҳисобла				+	
5	Қийшиқ ўтирганда ҳам тўғри гапириш керак			+		
6	Дунёда билим каби муҳим мева йўқдир		+			
7	Хазина излагандан кўра дўстликни сақлаш яхшироқдир				+	
8	Ўқитувчи-ақл-фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши ва ўқувчиларга айтмоқчи бўлган фикрларни тўла ва аниқ ифодалай олишни билмоғи зарур	+				
9	Ёлғон гапириб яшагандан кўра, тўғри гапириб ўлган афзал			+		
10	Таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-хунарга оид малакалар ҳосил қилинади.	+				

2-гурӯх учун топшириқ

№	Фикрларни аниқланг	Амир Темур	Баҳоуддин Нақшбанд	Авесто	Беруний	А.Навой	А.Авлоний	Али Абу Ибн Сино
1	Инсоннинг баркамол бўлиб етишишида унинг сўзи, фикри ҳамда иши эзгу бўлиши ва эзгуликнинг тантанаси учун хизмат қилишига катта эътибор берилади.			+				
2	Билим яхши ахлоқ билан мустаҳкамланмоғи керак				+			
3	Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё момот, ё						+	

	нажот-ё ҳалокат, ё садоқат-ё фалокат масаласидир							
4	Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин		+					
5	Фақат меҳнат чинакам юксак инсоний сифатларни шакллантиради				+			
6	Ҳунарни асрабон неткумдир охир, Олиб тупроққа му кетгумдир охир.					+		
7	Илму амалнинг бирлиги, яъни назария билан амалиётни узвий боғлаш(таълимнинг дуал тизими) зурур							+
8	Олдиға қўйганни емак-ҳайвон иши, Оғзига келганни демак-нодон иши					+		
9	Тажрибамдан кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир	+						
10	Соғлом турмуш тарзи асари муаллифи							+

3-гурӯх учун топшириқ

№	Фикрларни аниқланг	Бурҳониддин Марғиновий	Имом Бухорий	М.Хоразмий	Аҳмад Фарғоний	Мирзо Улуғбек	Ибн Сино
1	Ал-жомеъ ас-саҳиҳ” китоби ислом динида Қуръон қаримдан кейинги иккинчи муқаддас манба		+				
2	Ўнлик санок системаси муаллифи			+			
3	Шарқ оламида”Дин ва миллатнинг хужжати” деган юксак унвонга сазовор бўлган шахс	+					
4	Мусулмонларнинг эътиқодини тузатувчи деган юксак шарафга сазовор бўлган нодир шахс		+				
5	Алгебра ва алгоритм тушунчаларини дунёда биринчи бўлиб илм-фан соҳасига киритган.	+					

6	Ҳидоя-Тўғри йўл деб аталган асар. Мана саккиз асрдирки, мусулмон мамлакатларида энг нуфузли ва мукамал ҳуқуқий манба сифатида эътироф этилган.	+					
7	Астраномия асослари ҳақида китоб асари муаллифи				+		
8	Тиб қонунлари асари муаллифи						+
9	Европада Ал-Фрагнус номи билан машҳур бўлган шахс				+		
10	Зижи жадиди Кўрагоний номли астраномик жадвал муаллифи					+	

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент, Маънавият, 2008й. 174 б.
2. Саидов А. Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот-ё ҳалокат, ё садоқат-ё фалокат масаласидир. “Миллий тикланиш” газетаси, 04.09.2019 й.
3. Хасанбоев Ж., Тўрақулов Х ва бошқ. Педагогика. Тошкент, Ношир, 2011й., 456 б.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ИШЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ҲАҚИДА

*Кенжаева Г.С.-ўқитувчи
Ўзбекистон ДЖТУ*

Аннотация:

Данная статья посвящена вопросам духовно-просветительской работе в образовательном процессе. В ней рассматриваются взгляды мыслителей Востока, касающиеся обучения и воспитания подрастающего поколения, раскрывается сущность и значение духовно-просветительских работ в подготовке гармонично развитой личности.

Annotation:

This article is devoted to the issues of spiritual and educational work in the educational process. It examines the views of Eastern thinkers regarding the education and upbringing of the younger generation, reveals the essence and significance of spiritual and educational work in the preparation of a harmoniously developed personality.

Ўзбекистоннинг ўзига хос тараккиёт йўлида маънавий-маърифий ишлар беқиёс аҳамият касб этади. Мамлакатимизда маънавий-маърифий ишларни тизимли ташкил этиш, бу борада амалга оширилаётган чора-гадбирларнинг самарадорлигини ошириш, аҳоли, айниқса, ёшларнинг гинтеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлаш, ватанпарварлик, халққа муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол авлодни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистан Республикаси Президентининг 2017 йил 28 июлдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва сохани ривожлантиришни янги босқичга кўтариш тўғрисида”ги қарори бунинг яққол тасдиғидир.

Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Бинобарин, бугунги кунда дунёда глобаллашув жараёнлари кучайиб, тинчлик ва барқарорликка қарши янги таҳдид ва хатарлар тобора кўпайиб бормоқда. Бундай мураккаб ва таҳликали вазият соҳада амалга оширилган ишларни танқидий баҳолаб, унинг фаолиятини замон талаблари асосида такомиллаштиришни тақозо этмоқда.

Ушбу вазифаларни амалга оширишда албатта, Шарқ маънавий меросига назар ташлашалоҳида аҳамиятга эгадир.

Шарқда араб халифалиги даври ва ундан кейин илм-фан, маданият, санъат, адабиёт, фалсафий, диний фикрлар тараққиёти инсоният тафаккури ҳазинасига қўшилган катта ҳисса бўлиб, асрлар мобайнида неча-неча авлодларни ўзининг сермазмунлиги, универсаллиги ва инсонпарварлиги билан ҳайратга солиб, дунё тан олган, илмнинг мукамал чўққисини эгаллаган буюк шахслар – Мусо ал-Хоразмий, Имом ал-Бухорий, ат-Термизий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Амир Темур, Алишер Навоий каби кўплаб алломаларни тарбиялади. Бу даврда фалсафа, математика, архитектура, фалакиёт, кимё, тиббиёт, география, геодезия, тил, адабиёт, фикр каби кўплаб соҳаларда мукамалликка эришилди.

Дарвоқе, IX-XII асрлар давомида Марказий Осиё жаҳонга Хоразмий, Фарғоний, Исмоил ал-Бухорий, Ат-Термизий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Исмоил Журжоний, Марғилоний, Замахшарий каби буюк олимларни тақдим этди. Бу олимлар ўз ижодлари, асарлари билан Марказий Осиё халқлари шухратини оламга ёйдилар.

Шарқ халқлари маънавияти ривожига каттаҳисса қўшган Имом ал-Бухорий ўз ҳадисларида маънавий поклик, ахлоқий камоллик ҳақида қилган баёнларида одамларни ҳақиқий мусулмон, иймонли ва диёнатли бўлишга даъват этади. Диёнатни Аллох хузурига яқин қиладиган муқаддас эътиқод, маънавиятнинг энг муҳим омили деб ҳисоблади. Ал-Бухорийнинг таъкидлашича, салом бериш ислом амалларидандир.

Ал-Бухорий ҳадисларида мунофиқлик қораланади, унинг аломатлари ҳақида шундай дейилади: „Жаноб Расулulloх салолллоху алайҳис салом мунофиқнинг учта аломати бор: сўзласа, ёлғон сўзлар; ваъда қилса бажармас; омонатга хиёнат қилур“. Ал-Бухорий ҳар бир одамни илмларни эгаллашга чорлаб, шундай дейди: „Расулulloх айтганлар: „Тушимда менга бир идишда сут келтиришди, қонгунимча ичдим, хатто тирноқларимдан сут чикқанини кўрдим“. Саҳобалар сўрадилар: „Ё Расулulloх, сутни нимага йўйдингиз“, - „Илмга“, - дедилар.

Умуман, Имом Исмоил Ал-Бухорий ўз ҳадисларида иймон, эътиқод, инсонпарварлик, халқпарварлик, ватанпарварлик, туғрилик, меҳр-оқибатлилик, меҳршафқатлик, вафодорлик каби инсоний фазилатларни улуғлади, одамларни комил инсон бўлишга даъват этди.

Ўрта асрларнинг буюк қомусий алломаларидан бири – олим Абу Райҳон Берунийнинг (973-1048 й.) маънавий-ахлоқий қарашлари билан боғлиқ таълимотида одоб-ахлоқ, касб-ҳунар, илм-маърифат узвий муштаракликда, диалектик бир бутунликда таҳлил этилган. Инсон амалий фаолиятининг бирор-бир соҳаси уларнинг

Ўзаро таъсирсиз амалга ошмайди, деб ёзгани ҳам бежиз эмас, албатта. Абу Райҳон Беруний ўз дидактик қарашларида табиат, жамият ходисаларига, турмуш воқеаларига холисона баҳо бериш - инсон табиатини билдирувчи омил эканлигини таъкидлаб, кишиларни воқеаларга мустақил ва онгли муносабатда бўлишга ундайди. Олимнинг таъкидлашича, сезги ўз қўзғатувчи аъзолари орқали юзага келади. Қўзғатувчилар бир меъёрда бўлса, ёқимли ва зарарсиз, агарда меъёрдан ортиқ бўлса, дардли ва халокатли бўлади. Кўриш сезгисини нур қўзғатади, эшитиш, ҳидлаш ҳаво билан бурунга уриладиган ҳидлар орқали пайдо бўлади, таъм - озуқанинг мазаси билан вужудга келади. Бу тўрт сезгини ҳис этувчи махсус аъзолар танада мавжуддир. Бешинчи сезги эса, бутун баданда воқифдир. Беруний ана шу хусусиятлари билан инсон барча мавжудотлардан устунлигини таъкидлаб, инсоннинг асосий вазифаси меҳнат орқали қўзлаган мақсадига эришиш, яхшилик орқали яхшилик кўришдир, деган ғояни илгари суради.

Беруний маърифат ва билимдонлик даражаси, кишиларнинг мулоҳаза юритиш ҳолати туғрисида билдирган фикрида ҳар бир нарсани аниқ, синчиклаб ўрганиш, билиш, бундан сўнггина бир хулосага келиш кераклигини таъкидлайди. Беруний бу ишда тажрибага асосланиш лозимлигини алоҳида уқтиради¹⁸. Беруний мурувват ва футувватни энг яхши инсоний фазилат деб ҳисоблайди. Унинг таъкидлашича, мурувватли киши ўз қобилияти, ҳуш муомалалиги, шафқатлилиги, қатъиятлилиги, чидам, фазилат ва камтарлик ҳислатлари билан ажралиб туради.

Абу Наср Форобийнинг (873-950) фикрича, инсоннинг руҳий ва жисмоний ҳолати ташқи омиллар (ижтимоий ва табиий муҳит) таъсирига боғлиқ. У ижтимоий муҳитнинг инсон тафаккури ва тараққиётига таъсир доирасини – унинг жамиятда ижтимоийлашувида деб билади. Абу Наср Форобий „Аристотелнинг „Категорияларига шарҳлар“ номидаги рисоласида инсон руҳида, ҳозирги ибора билан айтганда, инсоннинг маънавий ҳаётида учрайдиган барча „шаклларни“ иккига, туғма шаклларга ва илм-санъат (касб-ҳунар), ҳулқ-атвор, хоҳиш ва кўникма-малакалар ёрдамида қўлга киритиладиган шаклларга ажратади. Форобийнинг инсоний фазилатлар туғрисидаги ушбу таълимотига кўра: 1) Инсон ўз моҳияти билан ижтимоийдир, яъни жамиятда, ўзаро муносабат, ўзаро жараёнда инсон бўлиб етишади. Жамият инсонларнинг ўзаро бирикуви ёрдамида инсоннинг ўзи моддий эҳтиёжларини қондиришга бўлган интилиши натижасида вужудга келади, инсон жамиятдан ташқарида, инсонлар жамоасидан ажралган ҳолда ёрдамсиз ўз эҳтиёжларини қондира олмайди. 2) Инсонни бошқа ҳайвонлардан устун қилган нарса, унинг учун табиий ҳисобланувчи ақл ва руҳий қувватлардир. Инсон ақлли ва сўзловчи ҳайвондир. Лекин кутилган мақсадларга эришув учун туғма касб-ҳунарни, турли ишларни эгалламоғи даркор. 3) Инсон ўзининг барча туғма қобилиятларини юксак камолотга эришуви, етук бўлиши, мукаммаликка эришуви учун сарф қилади ва бу йўлда ўзи курашган табиат ходисаларидан фойдаланади, уларни ўзига бўйсундиради, бунинг учун илм-фанни, турли ҳунарларни ўрганади. Форобийнинг фикрича, инсон ақли ва сезиш аъзолари туфайли оламни ҳар томонлама ўрганиш қобилиятига эгадир. Инсон ўз ақли ёрдамида ўзини ўраб олган мавжудотнинг моҳиятини тушунади. Форобийнинг педагогик назарияси инсонпарварлик ғоялари билан суғорилган. Унинг инсонпарварлик ғоялари заминида таълим-тарбия, инсон шахсиятини камол топтиришнинг йўл-йўриқлари, илм-

¹⁸Абу Райҳон Беруний. Танланган асарлар. Т., 1957, 39-бет.

маърифатга эришувнинг усуллари, ижтимоий муаммоларни ечиш масалалари туради. БумуаммоларниФоробийинсон, инсонийлик, етукинсонийжисмларниияратиш нуктаи назаридан хал этишгаинтилади.

Форобий инсонлар хулқига ижобий хислат ва фазилатларни сингдиришга каратилган изчил мақсадни амалга оширадиган тарбияга катта эътибор беради. Уўз асарларида тарбиянинг барча турлари, инсон етуклигининг барча томон ва белгилари - жисмоний, ақлий-ахлоқий ва эстетик тарбия тўғрисида хам фикр билдиради¹⁹. Масалан, Форобий билимдон, маърифатли, етук одамнинг образини тасвирлар экан, бундай дейди: „Ҳар кимки илм-хикматни ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, соғ-саломатлиги яхши бўлсин, яхши ахлоқ ва одобли бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақланадиган бўлсин, барча қонун-қоидаларни билсин, билимдон ва нотик бўлсин; илмли ва доно кишиларни хурмат қилсин, илмдан мол-дунёсини аямасин, барча реал, моддий нарсалар тўғрисида билимга эга булсин". Форобий ўз назарий қарашларида ақлий ва ахлоқий тарбияга алоқида эътибор беради. Унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта, яхши ахлоқ билан безатилмоғи лозим, акс холда кутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди. Дарахтнинг етуклиги унинг меваси билан бўлганидек, инсоннинг барча хислатлари хам ахлоқ билан яқунланади. Форобий инсоннинг ижтимоий моҳиятини чуқур хис этган холда, таълим-тарбия жараёнида ижтимоий муҳит ундаги фазилатларни ривож топиши билан бирга, янги фазилатларни хам вужудга келтириши мумкинлигини қайд этади.

Мутафаккир Ибн Синонинг (лот. Авиценна, 980 – 1037 й.) фикрича, инсон омилига табиий ва ижтимоий муҳитнинг таъсири алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, унинг тараққиётига жонли мушоҳада ва ижтимоий табақаларнинг таъсири муҳим эканлиги қайд этилган. Воқеликни маънавий ўзлаштириш инсон зотига хос. Яъни, Аллоҳ унга ақл инъом этган. У туфайли инсон эзгуликни ёвузликдан, интеллектуал етукликни ёлғон-яшиқ, адашишдан, дўстни душмандан ажрата олади. Ақл нури инсонни тасодифий кучлар таъсиридан озод шахсга айлантиради. Ақл «донишмандлик тарозиси»дир.Абу Али Ибн Сино ўзининг „Ахлоққа оид рисола", „Бурч ҳақида рисола", „Адолат ҳақида китоб" ва бошқа асарларида ўз педагогик назариясининг асосини ташкил этган инсон ва табиат, инсоний фазилат, меҳнат, ахлоқий қонун-қоидалар, ақл ва ақлий тарбия, инсон руҳияти, адолат... ҳақидаги фикрларини баён этди. Ибн Синонинг фикрича, инсон ўзини ўраб олган табиат ва табиий ходисалардан ташқаридаги нарсаларга муҳтожлик сезади, у нарсаларни фақат меҳнат қилиш билан яратади, лекин бу нарсаларни фақат ўз меҳнати билан амалга ошира олмайди, уларни яратиш учун бошқалар хам иштирок этиши керак ёки жамоа ёрдам бериши лозим. Бунинг учун жамоа аъзолари ўзаро яхши муносабатда бўлишлари керак. Бу муносабат тил, маъноли овозлар орқали юзага келади. Шу билан бирга, инсон ахлоққоидалари, меъёри, шартларини эгаллаган бўлиши зарур, чунки қоидаларни билмаганлар жамоада бир-бири билан иноқ яшай олмайдилар. Бу ахлоқий қонун-қоидалар уларни маълум бир тартибга солиб туради. Бу қоидалар ёрдамида жамоа аъзолари яхши ҳаракат, яхши муносабатни ёмонликдан фарққиладилар, яхшиларига риоя этишга интиладилар. Чунки, амалиёт, яхшилик одамларни иноқликка, ёмонлик билан келишмовчиликка

¹⁹Абу Наср Фараби. Социально-этические трактаты. Алма-Ата, 122-бет www.ziyouz.com kutubxonasi

олиб боришини кўрсатади. Ибн Синонинг таъкидлашича, яхши одат, яхши хулқ ва ёмон хулқ, ёмон ахлоқ ҳақидаги тушунча, билим инсонда шу асосда шаклланиб боради.

Ибн Сино таълим ва тарбия ҳақидаги таълимотида ахлоқ тарбиясига алоҳида аҳамият беради. У ахлоққоидаларини эгаллашга, инсоннинг ахлоқий муносабатларини ривожлантиришга ёрдам берадиган тадбир орқали таълим ва тарбияни изчил амалга ошириш мумкинлигини айтади. У инсон ёшлигидан ўсиб бориши билан таълим ва тарбия вазифалари ҳам ўзгариб боришини таъкидлади. Ибн Синонинг таъкидлашича, бола туғилганидан бошлаб оёққа тургунча маълум тартибда тарбияланиб бориши лозим. Бу тартиб ўз вақтида овқатлантириш, чўмилтириш, ухлатиш, йўргаклаш каби тартиблардан иборат. Буларни ҳам маълум қоидалар асосида амалга ошириш даркор. Боланинг табиатини мустаҳкамлашдаги муҳим воситалар аста-секин тебратиш, мусиқа эшиттириш, ашула айтишдан иборат бўлиб, улар тарғиб билан амалга оширилса, бола яхши ухлайди. Болаларнинг ўспиринликка ўтиш даври тарбияси ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бу даврда уларда хулқ-атвор шаклланади. Ибн Синонинг фикрича, бола хулқини мўътадилликда сақлашга алоҳида эътибор бериш керак. Бундан икки манфаат бор. Бири - боланинг руҳи учун бўлиб, у ёшлиқдан бошлаб яхши хулқда бўлиб ўсади ва кейинчалик бу унга ажралмас малака бўлиб қолади. Иккинчиси - унинг бадани учундир, чунки ёмон хулқ турли мижоз бузилишларидан булади. Шунингдек, агар ёмон хулқ одатга кириб қолса, у мижоз бузилишига сабаб бўлади.

Яна бир буюк аллома, Хўжа Аҳмад Яссавий инсондаги ёмон иллатларни нафс билан боғлайди ва унга қарши курашиш лозимлигини уқтиради. Нафсга эрк бериш, мол-дунёга ҳирс қўйиш, таъмагирлик, баднафслик, нокаслик, нодонлик, жаҳолат ва разолат қаттиқ қораланади. Нафсни тарбиялаш нафақат инсоннинг шахсий характери, балки ижтимоий-ахлоқий муҳитга ҳам салмоқли таъсир кўрсатишини таъкидлайди. Яъни, нафс «ябон қушдек қўлга қўнмас» бир бало, бу «қуш» ўз хоҳишича «парвоз» этаверса, одамни кундан-кунга одамийликдан чиқараверади, азим гуноҳларни қилишга сабабчи бўлиб, бадном этади. Чунки нафс домига тушгандан кейин киши ҳеч нарсадан тап тортмайди, ҳаром-ҳаришдан ҳазар этмайди, бошқалар ҳисобига бўлса ҳам яхши яшашни ўйлайди.

Юқорида таъкидлаб ўтилган мутафаккирларимизнинг қарашларида маърифий ғоялари илгари сурилади-ки, бу эса ёшларимизни маънавий етук инсон сифатида тарбиялашга ўзининг ижобий таъсирини ўтказди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2017 йил 28 июлда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш ва соҳани ривожлантиришни янги босқичга кўтгариш тўғрисида”ги ПК-3160-сон Қарори. УзА, 2017.
2. Куронов М. ва бошқ. Миллий тарбия ва ёшлар. -Тошкент: Муҳаррир, 2015.
3. Тураев Ш.Н. Миллий гоя ва ижтимоий тараққиёт. -Тошкент: Тафаккур, 2011.
4. Тураев Ш.Маънавий-маърифий ишлар ва униташкил қилиш методикаси(Олий таълим муассасалари бакалаврлари учун ўқув қўлланма) Тошкент; «Paradigma», 2017.

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ИДЕИ ВЕЛИКИХ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА КАК ОСНОВА ФОРМИРОВАНИЯ ГАРМОНИЧНО РАЗВИТОГО ПОКОЛЕНИЯ

*АХМЕТОВА К.И-преподаватель
УзГУМЯ город Ташкент*

Аннотация:

В данной статье рассматриваются вопросы формирования гармонично развитого поколения в нашей стране. Выделяются и раскрываются идеи великих мыслителей средневекового Востока, которые являются одним из ярких образцов воспеания высоких моральных качеств, способствующих обогащению духовного мира человека, его совершенствованию, а также формированию гармонично развитой личности.

Annotation:

This article discusses the formation of a harmoniously developed generation in our country. The ideas of the great thinkers of the medieval East are highlighted and revealed, which are one of the brightest examples of chanting high moral qualities that contribute to the enrichment of the spiritual world of a person, his improvement, as well as the formation of a harmoniously developed personality.

В условиях прогрессирующего обновления всех сторон жизни общества, радикальных экономических, социально-политических и культурных преобразований последнего десятилетия, непрерывного образования, активизация человеческой личности, в государственной системе образования Узбекистана наметились тенденции возрождения народных традиционных форм воспитания подрастающего поколения.

Весьма очевиден и тот факт, что возрождение Узбекистана невозможно без национальной ориентации, изучения богатого педагогического опыта, накопленного в результате многовековой практики воспитания и учета психолого-этнических особенностей нашего народа.

Воспитание гармонично развитой личности – одна из основных идей идеологии национальной независимости Узбекистана. Воплощение в жизнь данной идеи начинается с всестороннего воспитания подрастающего поколения. Данная задача может быть реализована только посредством образования.

«Образование и просвещение — путь к миру и созиданию». Эта идея естественным образом гармонирует со знаменитым хадисом, который гласит: «Стремись к знаниям от рождения до смерти». Сегодня, когда мир стремительно меняется, возникают все новые вызовы и угрозы стабильности и устойчивому развитию народов, как никогда раньше важно внимание к просвещению, к духовному, нравственному началу, привитие молодежи стремления к знаниям, потребности в самосовершенствовании. Именно просвещение и образование являются ключом к процветанию народов. Именно просвещение и образование ведут людей к благодеяниям, добру, терпимости.

В процессе обучения и воспитания молодого поколения, формирования гармонично развитой личности немаловажное место занимает научное и культурное наследие наших предков. Ученые, поэты, писатели и мыслители в своих произведениях всегда уделяли огромное внимание вопросам воспитания молодого поколения. Произведения ученых мыслителей средневекового Востока являются одним из ярких образцов воспеания высоких моральных качеств, способствующих обогащению духовного мира человека, его совершенствованию.

Развитие науки, культуры, искусства, литературы, философии и религиозной мысли на Востоке в период и после арабского халифата является значительным вкладом в сокровищницу человеческой мысли, которая на протяжении веков поражала своей содержательностью, универсальностью и гуманизмом многие поколения. На ее основе было воспитано множество мыслителей, великих личностей достигших совершенного пика науки. Среди выдающихся деятелей многовековой среднеазиатской культуры достойное место занимают такие ученые-просветители, как Мусоал-Харезми, Имомал-Бухари, ат-Термизи, Ахмадал-Фергани, АбуНасрФараби, АбуРайхонБируни, АбуАлиибнСино, АмирТемур, Омар Хайям, Мирза Улугбек, АлишерНаваи и др.

Педагогические идеи великих мыслителей Востока являются значительным вкладом в мировую педагогику. Педагогические воззрения мыслителей представляют собой демократическое направление в педагогической мысли Средневековья: они оказывали и по настоящее время оказывают огромное влияние на представления о человеке, на формирование и совершенствование теории воспитания и обучения подрастающего поколения. Их педагогические идеи по сей день - питательная среда для формирования представлений не только о человеке и его воспитании, но и о гуманизме, о формировании всесторонне развитой личности, о требованиях к учителю.

Изучая педагогические воззрения аль-Хорезми, аль-Фароби, аль-Беруни, ибн Сина, Омара Хайама, Саади, Абдурахмана Джами, Алишера Навои, Захириддина Бабура, Юсуфа Баласагунского, Махмудхаджи Бехбуди, Абдуллы Авлони, Махмуда Кашгарского, Ахмада Югнаки и других приходим к выводу, что великие ученые-педагоги, философствуя о человеке, личности, воспитании и обучении подрастающего поколения, большое значение придавали труду, знаниям, уму, искусству слова, высоким нравственным качествам. Они хотели видеть человека всесторонне развитым, умелым, образованным.

Величайшие ученые и мыслители разных исторических эпох, создавая оригинальные произведения в центре внимания, ставили проблему воспитания и обучения подрастающего поколения. Так, поэма «Шахнаме» Абулкосима Фирдоуси, являясь историческим эпосом персоязычных народов, представляет собой описание исторического опыта и высоких моральных ценностей.

Время своеобразного восточного ренессанса наступило в IX - XII вв. Вырос престиж знаний. Арабо-мусульманские ученые подвергли глубокому изучению философско-педагогическое наследие античности. Выдвигались идеи гуманного, гармоничного развития личности. Мыслители Востока пытались проникнуть в суть природы человека, учесть социальные и биологические детерминанты воспитания. Особое значение придавалось социальной сущности человека. Главная цель воспитания виделась, прежде всего, в стремлении человека обрести высокие духовные и нравственные качества.

Мыслители Арабского Востока посвятили свои труды разработке программы гармонического развития личности. Они сами были эталоном подобной гармонии и осуждали как образованных негодяев, так и благочестивых невежд.

Открывает список ученых-энциклопедистов исламского мира основатель арабской философии Абу-Юсуф Якуб ибн-Исхак Кинди (801—873). Он выдвинул концепцию четырех видов интеллекта: актуального, потенциального, приобретенного и проявляющегося. Считая науку выше религии, Кинди полагал, что при воспитании надо формировать не мусульманский фанатизм, а высокий интеллект.

Высоко чтит арабский мир ученого и философа Аль-Фараби (870 - 950). Аль-Фараби глубоко и оригинально видел ряд существенных педагогических проблем. Противник клерикализма, он утверждал, что лишь безумцы могут полагать, что высшее благо находится вне существующего мира. Цель воспитания, по Фараби, - подвести человека к этому благу через поощрение стремления совершать добрые дела. Осознать, что именно является добрым или злым, помогают знания. Фараби предложил систему приемов воспитания добродетелей. Приемы делились на «жесткие» и «мягкие». Если воспитанник проявляет желание учиться, трудиться и совершать добрые поступки, уместны мягкие методы. Если же подопечный педагога злобен, нерадив, своенравен, вполне оправданны наказания - «жесткое» воспитание.

По мнению Абу Наср Фараби, душевное и физическое состояние человека зависит от воздействия внешних факторов (социальная и естественная среда). Он считал, что влияние социальной среды на развитие мышления человека связано с его социализацией. «Каждый человек по своей природе так устроен, для того чтобы жить и достичь высокого уровня совершенства он нуждается во многих предметах. Один получить эти предметы он не сможет, для того чтобы достичь своей цели у него появляется потребность в принадлежности к коллективу людей... Деятельность членов таких коллективов в целостности может обеспечить их всеми необходимыми предметами, которые будут способствовать его дальнейшему совершенствованию. Поэтому люди размножаются и расселяются в обитаемой части земли, в результате возникают человеческие коллективы» - утверждает Абу Наср Фараби. Ученый продолжает свою мысль: человек не может достичь совершенства в одиночку. Он нуждается во взаимосвязи с другими людьми, в их поддержке и отношений. Достичь этого можно также, посредством правильно организованного обучения и воспитания, так как целенаправленно осуществляемый процесс обучения и воспитания умственно и морально совершенствует человека, в частности человек усваивает закономерности природы и общества, посредством чего становится способным выбирать правильный путь в жизни, и относиться правильно к окружающим.

По мнению мыслителя Ибн Сино (от лат. Авиценна, 980 – 1037 гг.), особое значение в развитии человека имеет воздействие природной и социальной среды. Особенно отмечается, важность влияния живого размышления и социальных классов. Духовное усвоение реальности присуще людям. То есть, Аллах ему даровал разум. С помощью разума человек может отличить добро от зла, интеллектуальную зрелость от лжи и ошибок, друга от врага. Свет разума освобождает человека от воздействия случайных сил, превращает его в свободную личность. Разум является «весами мудрости». В процессе познания и восприятия органы ощущения и размышление, опирающийся на них выполняют задачу самых близких помощников разума. Посредством логики человек постигает то, чего он не знает, через то, чему он научился раньше, приобретает навыки правильного мышления. Суть его оригинальных мыслей заключается в том, что человек под воздействием социальной среды превращает в живую реальность все свои знания, умения и навыки, которые он усвоил в ходе развития жизни.

Ибн Сино в своей работе «Гадбири манзил» утверждает, что ребенок воспитывается и достигает совершенства в семье, в школе, в определенном коллективе и в государстве.

Исследование научного творчества Абу Райхана Бируни (973-1048 гг.), по праву признанного историками мировой науки свидетельствует о том, что его взгляды

составляли в свое время прочный фундамент научного образования и воспитания, основанный на достижениях прогрессивной мысли. В учениях связанных с духовно-нравственными взглядами одного из великих ученых-энциклопедистов средневековья - Абу Райхона Бируни нравственность и мораль, профессия и ремесло, наука и просвещение анализируются в неразрывной связи между собой и в диалектическом единстве. Какая-либо сфера практической деятельности человека не осуществляется без их взаимодействия и взаимовлияния – не случайно, конечно, писал ученый.

Признавая науку и просвещение основной силой общественного прогресса и развития личности, Бируни всю жизнь жил с этим. Как писал ученый, «моя мысль, душа направлены на пропаганду знаний, потому что я воодушевлялся, обладая знаниями. Я считаю это большим счастьем для себя».

По мнению Абу Райхона Бируни, гуманизм (человеколюбие) зависит от духовного уровня человека, от того насколько человек способен развивать и воспитывать в себе положительные нравственные (моральные) качества. Умный человек наслаждается уникальными работами, которые не являются прошлым, наслаждается ценностями. А духовный облик и стиль жизни человека зависит от того насколько человек способен управлять своими чувствами. Он смотрит на человека как на ценный цветок природы, и считает, что каждый человек должен быть умным, нравственным, образованным и просвещенным. Согласно его убеждениям, цель осуществления умственного воспитания заключается в воспитании гармонично развитого, совершенного человека. Он объясняет, что невежество является основной причиной возникновения всех негативных качеств и последствий. Бируни в своих трудах продвигает такую идею, как процветание общества зависит от развития просвещения в данном обществе.

Подводя итоги, можно сделать вывод о том, что наше национальное наследие всегда являлось отражением социальной, экономической, политической и культурной жизни народа. Поэтому в произведениях, трактатах ученых мыслителей средневекового Востока мы находим ценные и идеальные мысли о воспитании, обучении, культуре и морали. Воспитание полноценного человека стоит на твердом фундаменте древнейших педагогических воззрений наших предков.

Таким образом, развитие литературы, поэзии и других наук в в период средневековья явилось ведущим элементом формирования истории педагогической мысли не только узбекского народа, но и других народов, имеющих непосредственное отношение к проблеме воспитания высоконравственного человека, а также формирования гармонично развитой личности. Общеизвестно, что одним из важных принципов, служащих ориентиром повышения качества образования, является обращение к истории, традициям предыдущих поколений, в частности, к педагогическому наследию мыслителей Востока.

Использованная литература

1. Каримов И. Наша высшая цель – независимость и процветание Родины, свобода и благополучие народа. – Ташкент: Узбекистан, 2000. – С.94.
2. Абу Райхон Бируни. Избранные произведения. Т., 1957, с.39
3. Аль Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, 1970. — С.5–6.
4. Барабанов, А.Г. Общепедагогические идеи учёных-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока: учебное пособие / А.Г. Барабанов. - М.: Эксмо, 2004. - 70 с.

5. Джуринский А. Н. История педагогики древнего и средневекового мира: Учеб. пособие для высшей школы. — М.: Совершенство, 1999. — 207с.

YOSH AVLODNI KASB-HUNARGA YO'NALTIRISHDA SHARQONA QARASHLAR VA PEDAGOGIK MASALALAR

ORISHEV J. B.- o'qituvchi
ORISHEVA Z,-tadqiqotci
Jiizax DPI.

Аннотация: В статье на ряду с взглядами восточных учёных о занятии профессии указаны рассуждения о педагогических проблемах при подготовке преподавателей будущего технологического образования.

Annotation: This thesis deals with the views of oriental scholars in occupation future technology education teachers, reflect on pedagogical problems.

Respublikamiz mustaqilligini mustahkamlashning bosh shartlaridan biri-ma'naviy salohiyatni yuksaltirish, istiqlol uchun xizmat qiluvchi komil insonlarni tarbiyalab voyaga yetkazish, bu vazifalarni bajarishga mas'ul bo'lgan o'qituvchilarni tayyorlash ishlarini takomillashtirishdir.

O'zbekiston birinchi Prezidenti I. A. Karimov barkamol avlodni tarbiyalash xususida fikr yuritar ekan : «Inson shaxsini, uning yuksak ma'naviy fazilatlarini kamol toptirish, milliy istiqlol mafkurasini shakllantirish, yosh avlodni boy madaniy merosimiz hamda tarixiy qadriyatlarimizga hurmat, mustaqil Vatanimizga mehr-muhabbat ruhida tarbiyalash talablari oldimizga muhim vazifalarni qo'ydi», - deb bayon etiladi asarlarida [1].

Komil insonlarni tarbiyalash uchun sharqona ahloq -odob va umumbashariy g'oyalar ruhini o'ziga singdirgan, bilimli, ijodkor, yuksak malakali, o'z tajribasini yosh avlodga baxshida etgan o'qituvchilarni tayyorlash zarur hamda bunday kadrlarni tayyorlash OTMlari oldida turgan dolzarb vazifadir.

Ma'lumki o'tmish avlodlarimizdan qanchadan -qancha buyuk olimlar, shoirlar, donishmandlar, tabiblar, faylasuflar yetishib chiqqan va ularning ilmiy meroslari bugungi kunimizda ham ma'naviyatimiz hamda madaniyatimizni gullab yashnashida o'z ahamiyatini yo'qotmasdan kelmoqda.

Bundan 3000 yil ilgarigi Ona diyorumizdagi turmush tarzimizni ifodalovchi muqqaddas kitob «Avesto» da yoki «Qur'oni karim» va «Hadisi Sharif» larda komil inson talqinidagi ko'rsatkichlar ichida albatta bir nechtasi kasb-hunar madaniyatiga, tashabbuskorlikka, tadbirkorlikka va ishbilarmonlikka qaratilgani hech kimga sir emas.

Bu hikmatlar bulardan keyingi qomusiy va hadischi olimlar ta'limotlari va qarashlarida yanada rivojlantirildi va takomillashtirildi. Bularni ayniqsa Abu Rayhon Beruniy, Muhammad Ibn Muso Al-Xorazmiy, Abu Ali Ibn Sino, Ahmad Maxmud Qoshg'ariy, Voiz Koshifiy, Al-Farg'oniy, Abu Nasr Al-Farobiy, Alisher Navoiy, Imom Al-Buxoriy, Axmad Yassaviy, Baxouddin Naqshband va shu kabilar allomalarimiz asarlarida ko'plab uchratish mumkin.

Mustaqil davlatimizning kelajagi uchun yangicha intellektual salohiyatga ega bo'lgan ya'ni zamonaviy tafakkurga, madaniyatga, ma'rifatga, kasbiy fazilatlarga ega bo'lgan avlodni tarbiyalashga mustahkam boy milliy merosimiz, poydevorimiz bor ekan, demak o'sib kelayotgan yosh avlodni sog'lom va barkamol qilib tarbiyalash ishini yaxshilash to'g'risidagi olib borilayotgan islohatlarning asosiy yo'nalishlarini, ushbu tizimni ham mazmunan, ham

shaklan tubdan zamonaviy talablar asosida yangilash zarur ekan. Bu bevosita texnologiya ta'limi o'qituvchilariga ham tegishlidir, chunki yoshlarga texnologiya ta'limi madaniyati, shu jumladan kasb-hunar sirlarini o'rgatish orqali, ularni halol ongli mehnat qilishga o'rgatiladi. Bu esa barkamol avlod tarbiyasida muhim ahamiyatga egadir. Sababi buyuk, boy milliy merosga ega bo'lgan xalqimiz o'z taraqqiyotining hech bir bosqichini ilmsiz, kasb-hunarlargasiz tasavvur qilmaydilar. Bu borada bu yerda uzoq o'tmishdan bittagina dalilni keltirish bilan kifoyalanamiz.

XII-XIII asrning buyuk allomalaridan hisoblangan Sa'diy Sheroziy (1184-1292 y.) "Guliston" asarida tarbiyaning ta'siri bayoniga quyidagicha hikoya keltiradi: "Bir donishmand farzandlariga pandu nasihat qilardi: "Aziz o'g'lonlarim hunar o'rganinglar, zeroki, molu dunyoga e'tiqod yo'q va oltin kumush safarda xatarlidir. Qaroqchi o'g'irlab ketadi yoki egasi yeb-ichib tamomlaydi. Ammo, hunar qaynar buloq, tunganmas davlatdir, agar hunarmand molidan mahrum bo'lsa, qayg'usi yo'qdir, hunarning o'zi davlatdir. Hunarmand qayerga borsa, qadrlanadi va uying to'ridan joy oladi, hunarsiz kishi esa hamisha mashaqqat chekadi, tilanchilik qiladi" [2].

Demak, bugungi barkamol avlodimizga xos xususiyatlardan biri kasb-hunarli bo'lish va ularning sirlarini egallab olishdan iborat ekan. Bu esa barkamol avlodni halol mehnat qilishga, turli kasb sirlarini ilmiy asosda, ongli ravishda egallash jarayonini takomillashtiradi.

Texnologiya ta'limi o'qituvchisi o'quvchilarning kasbga yo'naltiruvchi ularga kasblar haqida dastlabki tushuncha, ko'nikma va malakalarni bera oladigan shaxsdir. Shuning uchun u o'zining kasbiy faoliyati davomida quyidagi ko'rinishdagi pedagogik muammolarni hal qila olishga erishishi o'ta muhim:

-ta'limni rivojlanishi va tarbiyaviyligini ta'minlash;

-ta'limni ijtimoiy foydali mehnat, texnologiya va kasb ta'limining boshqa turlari bilan integratsiyasini o'rnatish;

-darsda va darsdan tashqari holatlarda o'quvchilarning bilish va texnologik qobiliyatlarini uyg'un holda olib borish;

-o'z o'quvchilariga aqliy, hissiy, ma'naviy, axborotli ta'lim berishda kompleks yondashuv tadqiqot usulini qo'llay olish va shu kabilar.

Shuning bilan birga Texnologiya ta'limi o'qituvchisi o'z kasbiy faoliyatini samarali olib borish uchun quyidagi funktsiyalarni o'zida shakllantirgan bo'lishi kerak: ta'limni loyihalashtirish va rejalashtirish; tashkillashtirish; ta'lim muhitini axborotlashtirish; ta'limni rivojlantirish; ta'lim mazmunini mo'ljallay olish; ta'limga jalb qila olish; ta'limga ijodiy yondashish; ta'limni texnik ta'minotini yarata olish; o'quv fani uchun zamonaviy didaktik ma'teriallarni yarata olish va shu kabilar.

Bugungi kunda axborot texnologiyalari har qanday kasbiy faoliyatning muhim tarkibiy qismidir. Lekin mutaxassislar faqat informatika va axborot texnologiyalari asoslarini o'rganish bilangina cheklanadilar. Holbuki bunda ixtisosliklar va kasbiy yo'nalganlik e'tiborga olinmaydi. Oxir –oqibatda axborot texnologiyalari bo'yicha umumiy bilimga ega bo'lgan bitiruvchilar kompyuterlarni qo'llab o'ziga xos kasbiy masalalarni yechishda qiyinchilikka duch kelishadi. Mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligini oshirish hozirgi zamon bosqichida yangi ta'lim texnologiyalarini loyihalashtirish ilmiy –uslubiy muammosi dolzarb hisoblanadi. Bu yangi ta'lim texnologiyalari mutaxassislarning maxsus axborot tayyorgarligini sifatini oshirishga xizmat qilishi kerak.

Mutaxassislarning kasbiy tayyorgarligini takomillashtirishda ta'lim sifati muhim ahamiyat kasb etadi. Zero, ta'lim sifatini ta'minlash o'quv muassasa rivojlanishining asosiy

sifatlaridan biridir. Albatta bugungi kunda ta'lim tizimida axborot texnologiyalari keng miqyosda qo'llanilmoqda. Bu esa ta'lim jarayoni axborot ta'minotini qayta ko'rib chiqishni va yangilangan axborot bazasi asosida ta'lim sifatini boshqarish tizimini loyihalashtirishga kirishishni taqozo etmoqda. Bu ishlar ta'lim muassasalarini axborotlashtirishning maqsadli dasturini qabul qilish va uni amalda joriy etish bilan uzviy bog'liq.

Zaruriy pedagogik shart-sharoitlar ta'minlangan holda didaktik tadbirlar ko'pgina pedagogik masalalarni hal etishga imkon beradi. Eng asosiysi ta'lim sifati va bitiruvchilarning kasbiy tayyorgarligi ortadi. Ular kompyuter texnikalari va ixtisoslashtirilgan dasturlardan foydalanib, kasbiy malakalarni mustaqil yechish va ko'nikma va malakalarini egallaydi [3].

O'quv jarayoni hamda uni boshqarish -o'ziga xos kibernetik tizim bo'lib, bu tizimdan foydalanishning samaradorligiga o'quv jarayonini boshqarishning optimal variantini tanlash bilan belgilanadi. Ta'limni optimal boshqarishni tashkil qilishda quyidagi bosqichlarga qat'iy amal qilish talab etiladi deb hisoblaymiz:

-ta'lim jarayonini bir tizim deb qarab, tizim va tizim elementlari haqida ma'lumotlar yig'ish va ularni qo'yilgan maqsadni e'tiborga olgan holda sinflarga ajratish;

-ta'limni boshqarish algoritmi bo'yicha yig'ilgan ma'lumotlardan foydalanishga ishchi dasturini ishlab chiqish;

-ishlab chiqilgan ishchi dasturni rejalashtirilgan maqsad bo'yicha joriy etish;

-ishchi dasturning dastlabki va oraliq natijalarini muntazam ravishda nazorat qilib borish;

-natijalarni tahlil qilib, ta'limni optimal boshqarish uchun tegishli rostdash ishlarini olib borishni tashkil qilish [4].

Shu sababli ham yuqoridagi sanab o'tilgan bosqichlarni ta'lim jarayonini optimal boshqarishni kafolatlash mezonlari deb atash mumkin.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Karimov I.A. Yangicha fikrlash va ishlash-davr talabi. Toshkent. O'zbekiston. 1997.- 222 b.
2. Sad'iy Sheroziy. Guliston. Toshkent. Yoshlar nashriyoti. 2018 y. 153 b.
3. S.S.G'ulomov, R.X.Alimov, X.S.Lutfullaev va b. Axborot tizimlari va texnologiyalari. Toshkent. Sharq. 2000 y
4. To'raqulov X.A., Fayzimatov B.N., Ubaydullayev S., To'raqulov O.X., Hamidov J.A. Texnika fanlarini o'qitishga yangi pedagogik texnologiyalarni qo'llashning ilmiy –pedagogik asoslari. O'quv qo'llanma. Farg'ona. Texnika. 2003 y.

ЁШ АВЛОД ҚАЛБИГА ИЛМ-МАЪРИФАТ РУҲИНИ СИНГДИРИШ БОРАСИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҚАРАШЛАРИ

***Жаббаров А –доцент.
Тошент КТИ, Янгиер филиали
Алламурадов Ҳ- магистрант.
Йўлдошев М- магистрант.
Жиззах ДПИ
Каримова Л, ўқитувчи
Гулистон шаҳри.***

***Аннотация.** В этом статье представлены мысли молодых мыслителей востока о науке, ее роли в социальной жизни и ее особенностях, а так же получательные идея.*

***Annotation.** This article presents the opinions of Eastern thinkers about the science of youth, its role in public life and its features, and instructive ideas.*

Шарқнинг буюк алломаларидан қомусий олим Абу Наср Форобий ёшларнинг ижтимоий ҳаётда туган ўрни ва унинг ўзига хос хусусиялари тўғрисида ибратли ғояларни илгари сурган. Унинг фикрича, ёшларга таълим бериш, илмли қилиш йўлида ўқитувчи тинмасдан машаққатли меҳнат қилиш керак, шунда ёшлар ўқишга, таълим олишга, билимли бўлишга интилади. Алломанинг мулоҳазасига биноан ҳар қандай ёшлар ўз хатти-ҳаракатидан хабардор бўлмоғи ва шу саъй-ҳаракатлари туфайли бахтга эриша олувчи инсонлигини англамоғи лозимдир. Форобийнинг таълим-тарбия йўллари, усуллари, воситалари ҳақидаги қарашлари ҳам қимматлидир. У инсонда гўзал фазилатлар икки йўл — таълим ва тарбия йўли билан ҳосил қилинади деган фикрни олға суради. Таълим назарий фазилатларни бирлаштиради, тарбия эса туғма фазилат - назарий билимлар ва амалий касб-хунар, хулқ-одоб фазилатларини бирлаштиради, таълим сўз ва ўрганиш билан, тарбия эса амалий иш, тажриба билан амалга оширилади дейди. Ҳар иккаласи бирикса, етуклик намоён бўлади, аммо бу етуклик билим ва амалий кўникмаларни қай даражада ўрганганлигига қараб пайдо бўлади деб кўрсатади.

Форобий таълимда барча фанларнинг назарий асослари ўрганилса, тарбияда маънавий-ахлоқий қоидалар, одоб меъёрлари ўрганилади, касб-хунарга оид малакалар ҳосил қилинади.

Бу муҳим вазифа тажрибали тарбиячилар томонидан таълим- тарбиянинг турли методлари ёрдамида амалга оширилади. Форобий таълим-тарбия ишларини икки йўл билан амалга оширишни назарда тутди. «Амалий фазилатлар ва амалий санъатлар ва уларни бажаришга одатланиш масаласига келганда, бу одат икки йўл билан ҳосил қилинади: булардан

Бири иккинчиси қаноатбахш сўзлар, чорловчи, илҳомлантирувчи сўзлар ёрдамида одат ҳосил қилинади, малакалар вужудга келтирилади, одатдаги ғайрат, интилиш ҳаракатга айлантирилади.

Иккинчи йўл - мажбур этиш йўли. Бу усул гапга кўнмовчи қайсар шаҳарликлар ва бошқа саҳроий халқларга нисбатан қўлланилади. Демак, Форобий таълим-тарбияда рағбатлантириш, одатлантириш, мажбур этиш методларини илгари сурган. Ҳар иккала усул ҳам пировардида инсонни ҳар томонлама камолга етказиш мақсадини кўзлайди. Мазкур муаммо юзасидан мулоҳаза юритган. Ўз заковати, билими, буюк илмий асарлари билан жаҳондаги барча халқларнинг ҳурматига мушарраф бўлган атоқли олим Абу Али Ибн Сино «Тайр» (қуш) «Дайй Ибн Яқзон» («Уйғок у^{ўғил} тулки») каби қиссаларида ўзининг психологик қарашларини ифодалайди. У «Тайр» асарида инсонларни дўстликка, билим ўрганишга чакиради. Бир- биримиздан билим ўрганиб, камол топишимиз учун «дин пардасини очиб ташланглар» дея уқтиради.

Шунинг учун Ибн Сино болаларнинг тарбияси ва ўқиши каби масалаларига жуда диққат ва масъулият билан қараш кераклигини таъкидлайди. «Бола олти ёшга етгач, уни муаллимга топширилади ва таълим аста-секинлик билан берилиши керак. Уни бирданига китобга боғлабқўймастик керак», - дея таъкидлайди. У ҳақиқатни билиш учун билишга эга бўлиш кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳақиқатга олиб келмаслиги, инсон ўз билимининг ҳақиқийлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини

уктиради. Ибн Синонинг таълим методларихақидаги таълимоти асосида билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак деган ғоя ётади. Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди:

- болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик.
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш;

Бу талаблар ҳозирги давр таълим тамойилларига мос келиши билан қимматлидир. Юқоридаги масалаларга ўзининг «тадбири манзил» асарида махсус бўлиш бағишлайди. Юқоридаги тамойиллар эса болаларни енгил-елпи билим олиш эмас, балки ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам билим олишга ёрдам беради. Ёшларга билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир. Шунга кўра Ибн Синоўқитувчининг қандайбўлиш кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йўриқлар беради. Булар қуйидагилардан иборатдир.

- болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимнинг ёшларлар қандайўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- ёшларнинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши;

- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши; -билимларни ёшларларга тушунарли, унинг ёши, аклий даражасига мос равишда бериш:

- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишга эришиш зарур, дейди олим, ўқитувчининг психологик хусусиятлари ва шахсий фазилатларига оид мулоҳазалар қомусий олим Умар Хайёмнинг асарларида ҳамўз аксини топган. Умар Хайёмнинг асарларида таъкидланишича, ёшлар билимларни ўқитувчи берган маълумотлардан ва китоб ўқиш орқалигина эмас, балки ҳаётий ходисаларни бевосита ўрганиш жараёнида кўникма ва малака)-ларнинг эса амалиётда айнан бир хил ҳаракат ва амалларни эса кўп мартаба такрорлашда ҳам турли усулларни қўллаш натижасида эгаллаб топади.

- Ёшларнинг психологик хусусиятлари ва уни фаолиятига оид, мулоҳазалар буюк олим Абу Райхон Берунийнинг таъкидлашича, билим олиш ва инсоният яратган билимларни эгаллаш учун ёшларда интилиш ва қизиқиш бўлиши керак. Абу Райхон Беруний дастлаб ёшларнинг онгли ўқиш, матннинг ҳажми кичик, содда, кейинчалик эса ҳажми катта, мзмун мураккаброк бўлган матнларни ўқишга киришиши, ўқув жараёнида таққослаш, қиёслашга эътибор бериш ёшларларининг онгли бўлишига асос солиниши эслатиб ўтган.

Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир. Булар қуйидагилар:

- ёшларни зериктирмаслик;
- билим беришда бирхил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;
- узвийлик ва изчиллик;

- янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўрғазмали баён этиш ва ҳоказога эътибор бериш кераклиги уқтирилади.

Олим илм толибларига қалбни ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, котиб қолган урф-одатлардан, хирсдан, беҳуда рақобатдан, очкўзликдан, шон-шуҳратдан сақланиши зарурлигини уқтирган. Шунингдек, ҳар бир халқнинг ўзига хостаълим усуллари, йўллари, шакллари борлигини таъкидлаш билан бирга ҳар бир халқнинг ҳамўқитиш тизими алифбодан бошланишини кўрсатади. У барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизликда деб билди. Илмларни эгаллашда эса шахсда интилиш ва қизиқиш, муҳитни алоҳида таъкидлайди.

Билим олишда тушуниб ўрганиш, илмий тадқиқотнинг покликка риоя этишга алоҳида эътибор беради, жамиятнинг равнақи маърифатнинг ривожига боғлиқ деган ғояни илгари суради.

Абу Райхон Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди Зеро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқликдир.

Мовароуннахр фани ва маданиятини жаҳоншумул даражага олиб чиққан улут ватандошларимиз Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Ал-Ҳаким Термизий кабилар бетакрор инсоний ва истеъдод эгалари бўлганлар. Истеъдоднинг жамиятдаги аҳамиятини кўрсатувчи мисолларни ижтимоий ҳаётнинг бошқа жабҳаларидан ҳам кўплаб келтириш мумкин. Жумладан, Туркистоннинг маърифатпарварларидан Маҳмудхўжа Бехбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитратлар ҳамўз даврида болаларнинг билим олишларига ва шахсий фазилатларига, қизиқиш ва қобилиятларига доир кўплаб қимматли фикрларни билдиришган, Мана шундай маърифатпарварлардан бири Маҳмудхужа Бехбудий ёш авлоднинг билимли бўлиб етишиши учун ўзининг билими ва заковатини англаган шахс бўлиб Туркистоннинг келажаги унинг янги кадрларида, мутахассисларида ваўқишини ёшларида деб биларди. “Ал-ҳосил тарбия бизлар учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидур”, - дея уқтирган буюк маърифатпарвар олим Абдулла Авлоний тарбия хусусий иш эмас, миллий ижтимоий ишдир. Ҳар бир халқнинг тараққий қилиши; давлатларнинг қудратли бўлиши авлодлар тарбиясига кўп жиҳатдан боғлиқ. Адиб тарбия зарурият, у дунёга келгандан бошланиб, умрнинг охирига қадар давом этади деган ғояни илгари суради. У бир қанча босқичдан - уй, боғча, мактаб ва жамоатчилик тарбиясидан ташкил топган. Авлоний тарбиянинг доирасини кенг маънода тушунади. У биринчи навбатда, боланинг соғлиги ҳақидағамхўрлик қилиш лозимлигини уқтиради. Авлонийнинг фикрича, соғлом фикр, яхши ахлоқ, илм-маърифатга эга бўлиш учун баданни тарбия қилиш зарур. «Баданнинг саломат ва қувватли бўлмоғи инсонга энг керакли нарсадир. А. Авлоний бадан тарбиясимасаласида болани соғлом қилиб ўстиришда ота-оналарга мурожаат қилса, болани фикр томондан тарбиялашда ўқитувчиларнинг фаолиятларига алоҳида эътибор беради. Болаларда фикрлаш қобилиятини ўстириш ва бу тарбия билан мунтазам шуғулланиш бениҳоя зарур ва муқаддас бир вазифа. Бинобарин, у муаллимларнинг «диққатларига суянган, виждонларига юкланган муқаддас бир вазифадур». Негаки, фикрнинг қуввати, зийнаги, кенглиги, муаллимнинг тарбиясига боғлиқдир дейди. Туркистонда зиё нурини олиб кирган буюк маърифатпарварлардан бири Абдурауф Фитратдир.

Фитрат болага бериладиган билим уннг ёши ва билиш даражасига мос бўлиши болага қийинчилик қилмаслиги ва айни вақтда бола билим олишдан безиб қолиши мумкинлигини айтиб ўтади. Яна болага бериладиган билимни онгли ўзлаштириши, ўқитувчи берилаётган билимнинг бола учун моддий ва маданий жиҳатдан фойдали эканлигини тушунтира олиши керак. Бу ўринда Фитрат Имом Исмоил ал-Бухорий ўзининг асарларида келтирган Муҳаммад пайғамбаримиз салоллоху алайҳи вассалламнинг қуйидаги ҳадисини келтиришни лозим топади.: “Билим таълимини осон қилинг, қийин қилманг, олдиндан айтиб беринг ва уларни таълимдан безор қилманг. Қачонки болаларда исбот ва истикомат фикри ҳосил бўлса, суръат муҳокамаси ҳам муваффақиятли бўлади”, - деб айтиб ўтади ўзининг асарларида. Шундай қилиб Шарқ мутафаккир олимлари ва маърифатпарварлари ёшлар кучли хотирага, иродага ва тафаккурга, ақл-заковатга, фаросатга, чиройли нутққа эга бўлиши, кўзлаган мақсадни амалга ошириш йўлида жонбозлик, қатъийлик кўрсатиши, ўз имкониятлари дунёсига тўғрийўл топа олишга улар виждони, самимий, одобли, назокатли ишга масъул ёшлар сифатида фаолият кўрсатиши зарур эканлигини таъкидлаб ўтадилар ва ёшларларнинг онгли, ифодали тўғри ва тез ўқиши ўзаро ички боғланишларига эгадир деб таъкидлайдилар. Уларнинг шундай қарашлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган, десак хато бўлмайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. "Фозил одамлар шахри." Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й.
2. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Т., 1996 й.
3. Абу Райҳон Беруний. "Ҳикматлар". Т., Ёш гвардия, 1973 й.
4. Абдулаҳатов Н., Абубакирова К., "Алломалар тўғрисидаги асотирлар". Фарғона 2012 й.
5. Мавлонова. Р., Раҳманкулова Н., Воҳидова Н. "Педагогика назарияси ва тарихи." Дарслик. Т., Фан ва технологиялар.

БОШЛАНГИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИ ВАТАНПАРВАРЛИК РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ҒОЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Холматов П.- доцент.

Ҳазратқулов А. –магистрант.

Ҳасанова Г –магистрант.

Жиззах ДПИ.

Аннотация. Эта статья объясняет, что восточные мыслители должны привить чувство патриотизма, патриотизма и любви к стране молодому поколению.

Annotation. This article explains that Eastern thinkers should instill a sense of patriotism, patriotism and love for the country to the younger generation.

Ҳар қандай давлатнинг бугунги куни ва келажаги илм-фан ривожини билан боғлиқ. Ўзбек замини азалдан жаҳонда илм-фан ва маданий тараққиёт йўналишларини белгилаб берган улуғ алломалари, буюк мутафаккирлари билан дунёга ном таратган. Бугунги кунда ҳам ўзбек олимлари буюк аждодларимиз бошлаган йўлни муносиб

давом эттириб, илмий-иқтисодий, илмий-техник, маданий, маънавий-маърифий соҳаларда илмий изланишлар олиб боришмоқда. Ушбу масалага ўтмиш мутафаккирлари ҳам катта эътибор берганлар. Абу Наср Фаробий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Алишер Навоий каби мутафаккирлар, Абдулла Авлоний, Фитрат, Маҳмуд хўжа Бехбудий каби маърифат парварларнинг асарларида ватанпарварлик ҳисси нимасалалари алоҳида таъкидланади. Бу йўналишда фалсафа, педагогика, психология, адабиёт, тарих, миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари каби ижтимоий фанлар соҳасидаги олимлар бир қанча илмий тадқиқот ишларини бажарганлар. Шерият мулкнинг султони Мир Алишер Навоий ҳам ўз таълимий-ахлоқий асарларида ватан, ватанпарварлик, ғояларини, одоб-ахлоқ, қоидаларини илгари сурган ва улуғлаган. Йирик истиқлолчи ва маърифатпарвар Абдулла Авлоний, Ватан ҳар бир кишини туғилиб ўсган шаҳар ва мамлакатини шул кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган ўсган ерини жонидан ортиқ суяр» деган фикрлари мазмунида Ватан шу қадар азиз эканлигини таъриф этишини кўраимиз.³ Алихон тўра Соғуний «Маълумки дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик қизганиб сақлайдиган беш нарсаси бордир: Биринчи – жони, кейингилари дини, моли, оиласи, Она – Ватанидир»⁴. Ватанни муқаддаслиги ҳақида ҳар бир алломанинг қолдирган ўчмас фикрий асослари мавжудки уларни ҳар бирини фикри ёш авлодлар учун тарбия мезонидир.

Ўтмиш тарихига эътибор қаратар эканмиз Ватанни худуди ва ҳаттоки бир қарич ери учун ҳам жон куйдирган, эл юрт тинчлигини ўйлаб жон берган Широқ, Фрада, Самирис, Спитамен, Дадаршиш каби Ватанпарвар фарзандлар ҳақида кўплаб маълумотлар қолдирилган.⁵ Попиен асарларида кўрсатилишича Чўлпон Широқ 2 кун мабойнида Доро И кўшинларини сувсиз саҳрода адаштириб, босқинчиларни мағлубиятга учратиб Ватан ҳимояси учун ўз жонини қурбон қилди. Ватанпарварлик тарбияси ҳақида гап юритар эканмиз Ватан учун эл юрт учун уни равнақи учун курашганлар. Жалолиддин Мангуберди, соҳибқирон Амир Темур, Имом Бухорий, Имом Термизий, Мирзо Улуғбек, Хожа Аҳмад Яссавий, Хожа Баҳоувуддин Нақшбандий, Алишер Навоий ва бошқаларни мисол олиш мумкин.

Ватан туйғуси – мураккаб, руҳий – ахлоқий жараён. У шахснинг юксак ноёб ва нозик ҳислари, хатти-ҳаракатлари орқали намоён бўлиб, ички кечинмаларда ўз аксини топади. Масалан: гўзаллик туйғуси, онага эҳтиром туйғуси, дўстлик туйғуси, муҳаббат туйғуси, ватанпарварлик туйғуси, мустақиллик туйғуси. Буларни инсон фақат дилдан яъни қалбқўзи орқали туяди ва қабул қилади. Шунинг учун туйғу ўта ноёб ва айни пайтда ўта нозик ҳодиса. Озгина бефарқлик, беқарорлик ёки инсондаги қандайдир қалтис ҳаракат ва сезгирликнинг етишмаслиги туйғунини шикастлаб қўйиши мумкин.

Ватанга муҳаббат туйғуси бу муқаддас туйғу бўлиб, Ватан, халқ, аجدодлар, ўтмиш, кадриятлар, мерос, бугун ва келажак ҳақида қайғуриш, эслаш, англаш ва ўз ҳиссасини қўйиши ҳар бир инсонга ватанга муҳаббат туйғусини қалбан туйиш имконини беради.

Ватанни севмоқ бизга суннатдир. «Ватанни севмоқ иймондандир» дейилади Ҳадиси шарифда. Ватанни севган, Ватан нима эканлигини юракдан ҳис этган, ватандан

³ А. Авлоний туркий гулистон ёхудахлоқ. Т. 1992. 21-бет

⁴ Сохуний Алихонтўра Ватанакхилларим. Т. Ўзбекистон 1992. 216.

⁵ А. Набиев Мустақиллик учун кураш ёхуд парчаланган Туркистон. Тошкент. 1998 йил. 12-бет

айри тушганида уни соғиниб қолган унга ҳамиша талпинган ҳар бир виждонли одам юрт қайғуси билан яшайди, унинг ярасига малҳам, дардига дармон бўлишга интилади.

Ватанга муҳаббат туйғуси- тарихий Ватанни ёдга олиш, Ватанни ривожига турлича ҳисса қўшган олиму, мутафаккирларни фидокорона меҳнатини кадрлаш, уларнинг хотирасини эслашдир. Тарихий Ватанни, аجدодлар хотирасини ёд олмасдан туриб бу муқаддас туйғуни ҳис этиб бўлмайди. Ҳозирда таълим тарбия муассасаларининг олдида турган энг долзарб муаммолардан бири ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдир. Шундай экан, таълим муассасаларида фаол юритаётган ҳар бир тарбиячи, педагог ёш авлоднинг онгига Ватан, ватанпарвар, ватанга муҳаббат туйғусини сингдириши лозим. Айниқса мактабларда «Ватанимиз Ўзбекистон», «Ватанпарварлик тарбияси», «Ватанга муҳаббат туйғуси», «Мен нечун севаман, Ўзбекистонни?» мавзуларида олиб бориладиган эрталиклар, бадий кечалар, суҳбатлар, баҳс, мунозаралар болаларда Ватанга муҳаббат туйғусининг шаклланишига таъсир этади. Ушбу туйғуни ҳис қилиш учун аввалам бор ҳар бир инсон Ватанини севиши керак.

Инсон Ватани билан уйғунлашса, у нафақат ўз элининг, балки олам эҳтиромига сазовор бўлади. Бундайкишини эл тушунади, дунё танийди, улуғлайди. Маълумки, истиқлол мафкурасининг асосларини яратиш, аввало, таълим-тарбия замини бўлган оила ва мактабгача тарбия муассасаларидан бошланади. Уларда тарбияланаётган ва мактабда ўқиётган болалар Ватан, жамият, халқ ҳақида муайян тасаввурга эга бўлишлари, уларнинг қалбида Ватан туйғуси, улуғ алломаларимиз ва улар қолдирган маънавий мерослар билан фахрланиш шаклланиши, ривож топиш керак. Мустақиллик туфайли биз умумбашарий кадриятларнинг энг биринчи асоси бўлган халқ инсонпарварлиги чашмаларидан қадамма-қадам баҳраманд бўлмоқдамиз. Шу баҳрамандлик сабабли ёш авлодда меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик, иймон-этиқодлик, ҳалоллик, ахлоқийпоқлик, онглилик каби инсоний фазилатлар шаклланиб, ривож топмоқда. Ўзватани, тили, урф-одатлари билан фахрланиш туйғуси камол топмоқда.

Юксак туйғулар қаторида ватанпарварлик туйғуси ўзининг алоҳида мавқеига эга бўлиб, қалб кўзи орқали инсоннинг онги-шуурида шаклланади ва миллий тарбия орқали ривожланади.

Ҳозирги кун таълим тизимида ҳам Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш мақсадида мактабларда тарбиявий соатларни мунтазам равишда олиб бориш лозим. Масалан, дарсларда фойдаланиладиган интерфаол усуллар, кичик гуруҳлар (микрогуруҳ)да баҳс, мунозара каби олиб бориладиган ўқув машғулотларнинг сонини кўпайтириш ўқувчиларни изланувчан бўлишга, меҳнатсеварликка, одамийлик, қизиқувчан бўлишга ёрдам беради.

Бугунги кунда халқимизнинг руҳиятини баланд кўтариш учун юртига, она-Ватанга чексиз муҳаббат туйғусини қалбида мужассам этган, дилипоқ, маърифатга ташна баркамол ёшларни тарбиялаш ўқитувчилар ва зиёлилар олдида турган улкан вазифа ҳисобланади.

Хулоса қилиб шуни алоҳида таъкидлаш керакки, ватанпарварлик ҳиссини тарбияси дастлаб оилада, боғчада, умумий ўрта таълим мактаблари ва бошқа муассасаларда шаклланади. Таълимнинг пойдевори қанчалик мустаҳкам бўлса, ўқувчини ватанпарварликка оид дунё қараши шунчалик ривожланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Наср Форобий. "Фозил одамлар шахри." Т., Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й.
2. Абдулла Авлоний. «Туркий Гулистон ёхуд ахлоқ». Т., 1996 й.
3. Абдулаҳатов Н., Абубакирова К., "Аллодалар тўғрисидаги асотирлар". Фарғона 2012 й.
4. Мавлонова Р. вабошқалар . "Педагогика." Ўқитувчи. 2016 й.
5. Хасанбоев Ж., Сарибоев Х., Ниёзов Г., Ҳасанбоева О., Усмонбоева М. "Педагогика". Ўқув қўлланма. Фан. 2006 й.
6. Ҳайдарова Г, Пардаева К "Ўзбек халқ педагогикаси". Жиззах 2007й.

SHARQ ALLOMALARINING ASARLARIDA JISMONIY TARBIYANING TALQINI

*Sharipova D.D p.f.d, professor.
Toshkent DPU
Yaqubova D.B oqituvci
Urganj DU*

***Аннотация:** В данной статье рассматриваются научно-педагогические взгляды по физическое воспитание в трудах учёный-мыслителей Востока: Абу Райхана Беруни, Махмуда Кошгари, Алишера Навои и мысли законодательства физическое-воспитание, классификация и физический упражнение, какие упражнения использовал для лечения людей и о важности сохранения здоровья Абу Али ибн Сина.*

***Annotations:** In this article, western speculator scholars: In the scientific- pedagogic works of Abu Raykhon Beruni, Makhmud Koshgari, Alisher Navoi , their attitudes towards physical education, additionally , the theoretical rules in the Physical education, ways that was used to care people and thoughts about importance of looking after health of Abu Ali Ibn Sino, are mentioned.*

Markaziy Osiyoda ilk diniy qarashlardan bo'lgan zardushtirlik va milodning VII asrlarida kirib kelgan islom dini ta'limotlari asosiy negizini insonlarni komillikka, yetuklik va barkamollikka yetaklovchi kuch: aql-idrok, boy tafakkur, teran fikr, ma'naviy-axloqiy poklik va ruhiy pokizalik xislatlarini egallashni nazarda tutgan.

X-XI asrlarda yashagan buyuk qomusiy olim Abu Rahyon Beruniyning "Qadimgi xalqlardan qolgan yodgorliklar" asari milliy o'yinlarimiz tarixini o'rganishda muhim rol o'ynaydi. Beruniyning bu asarida O'rta Osiyo, jumladan Xorazm va Sug'd xalqlarining islomgacha bo'lgan yillik kamidar bayramlari va bayramlarda o'tkaziladigan o'yinlar haqida qiziqarli ma'lumotlar beradi.

Ma'lumki miloddan ilgari Eron, Sug'd va Xorazmda zardushtiylik kamidoridan foydalanilgan. Yilning har fasli har oyining o'z bayramlari va mashhur kunlari bo'lgan. Masalan, farvardin moh – yoz boshi, tir moh – kuz boshi, mehr moh – qish boshi, diy moh – bahor boshi edi. Ularning oylari ichida to'rt faslga qarab ishlatiladigan (hayit) kunlari bor edi, - deydi Beruniy.

XI asrda yashab, ijod etgan Mahmud Qoshg'ariy "Devonu lug'at it-turk" asarida suvda cho'milish, suv kechish, sho'ng'ish musobaqalari O'rta Osiyo elatlari o'rtasida keng tarqalganligi to'g'risida ma'lumotlar beradi.

Undan tashqari Mahmud Qoshg'ariy asarida xalq o'yinlarining 150ga yaqin turlari tilga olinadi va shundan 20ga yaqin o'yinlarga ta'rif beradi. Olim o'yin turlari, o'yinlarning bola va kattalarning yosh xususiyatlariga nisbatan taqsimoti, mashg'ulot, musobaqa turlarini bayon qiladi. Mahmud Qoshg'ariy bayonida o'yinlar nafaqat jismoniy, balki aqliy mashg'ulotlarga ham bo'linadiki, ular diqqat bilan o'ynalishga loyiq deb ta'kidlaydi.

She'riyat sultoni Alisher Navoiy oqillik, axloqiylik, salomatlik haqida faqat she'r bitib qolmasdan, balki xalqning sog'ligi haqida qayg'urib bemorlarga dori-darmon bilan emas, balki jismoniy mashqlar yordamida davolash va dars berish bilan shug'ullanadigan "Do rush-shifo"ni qurdirdi.

Alisher Navoiy dunyoviy ilmlar bilan birgalikda diniy ilmlarni ham chuqur bilgan, va ayniqsa ilmu-badan yoki badan -ilmini o'rganishni har bir inson uchun u kim bo'lishidan qat'iy nazar, asosiy shart qilib qo'yadi.

Tan nechog'lik sog' bo'lsa, ko'ngil shunchalik ravshan, ta'b hushchaqchaq bo'ladi. "Ko'ngil badan mulkining podshohidir", - deydi mutafakkir.

Jahon tibbiyot olamining buyuk sultonlaridan biri, Abu Ali ibn Sinodir. Ibn Sino falsafa, adabiyot, musiqa va boshqa ko'p sohalami ham mukammal bilgan donishmanddir. Ibn Sinoning ilmiy-pedagogik meroslari beqiyos ko'p. Ular ichida "Tib qonunlari" alohida ahamiyat kasb etadi. Bu asarni deyarlik barcha xalqlar o'z tillariga tajjima qilishgan.

Mutafakkir adibning 30 dan ortiq tibbiy asarlari shu kungacha yetib kelganligi ma'lum. Ularning hammasida ham, muallifning jismoniy mashqlarga oid ilg'or fikrlari va amaliy mashqlar mazmuni uchraydi.

Ibn Sino jismoniy mashqlarning shakli va mazmuni hamda uning mohiyatlarini gigiyena, sog'liqni saqlash va kasalni davolashdagi majmuyi tadbirlarda berib boradi.

Ibn Sinoning jismoniy mashg'ulot kishining yoshiga, jinsiga, sog'-salomatligiga va kasalligiga qarab, turlicha shakl va uslublarda o'tkazish kerakligi haqidagi g'oyalari juda o'rirlidir. Shuningdek, bolalik, o'smirlik, yigitlik va qarilik g'oyalarida kishi jismoniy mashg'ulotga turlicha munosabatda bo'lishi kerakligi masalalarini alohida uqtiradi.

Ibn Sino ta'limining eng yuksak va hayotiy jihatlardan biri shundaki, "Jismoniy mashq kishini chuqur va ketma-ket nafas olishga majbur qiluvchi ixtiyoriy harakatdir", - deb jismoniy mashqlarga ta'rif bergan.

Shuning uchun ham Ibn Sino jismoniy mashq bilan mustaqil shug'ullanadigan kishining organizmi juda mustahkam bo'lib, har qanday kasalliklarni yengib o'tishga qodir bo'lishini isbot qilishga harakat qildi.

Ibn Sino jismoniy mashq bilan shug'ullanib yurgan kishi birdaniga tartibni buzsa, salomatligiga zarar keltiradi, bunda "Kishi, ko'pincha ingichka og'riq kasalligiga uchraydi ...", - degan fikrni bayon etadi.

Ibn Sino jismoniy mashq bilan muntazam shug'ullanadigan odamning organizmida keraksiz moddalar to'planib qolmasligini, badandagi tabiiy issiqliklarning oshishini va organizmni yengil, chaqqon bo'lishini isbot qilib beradi.

Ibn Sino tortishish, mushtlashish, yoydan o'q otish, tez yurish, nayza otish, osilish, bir oyoqda sakrash, qilichbozlik, nayzabozlik va otda yurishlar jismoniy tarbiyaning tez bajariladigan turlariga kirishini aytadi. Nozik va yengil turiga arg'imchoq uchish, belanchakda tik yoki yotib uchish, qayiq va kemalarda sayr qilish va boshqa harakatlardir, deydi u.

Ibn Sino har bir a'zoning kasalini tuzatish uchun maxsus harakatlar - jismoniy mashqlar borligini eslatadi. Bunda uqalash (massaj) mashqlarini ko'zda tutadi va ularni quyidagi turlarga bo'ladi:

1. Gavdani baquvvat qiluvchi — kuchli uqalash.
2. Gavdani yumshatuvchi kuchsiz uqalash.
3. Ozdiruvchi — davomli uqalash.
4. Gavdani o'stiruvchi — mo'tadil uqalash.

Olimning ta'kidlashicha, uqalash dag'al yoki yengil bo'ladi. Dag'al uqalash dag'al latta bilan amalga oshiriladi. Yengil uqalashni yengil (yupqa) latta bilan bajariladi. Uqalashlar asosan bo'shashgan a'zolami zichlatish, yumshoqlarini qotirish, dag'alini mayin qilish va qattiqlarini yumshatish maqsadida qilinishini bildiradi.

Ibn Sinoning inson salomatligini jismoniy tarbiya vositalari bilan yaxshilash va uni kamolotga yetkazishdagi mutafakkirligi yana shunda ayon bo'ladiki, u gavdaning har bir qismi uchun maxsus harakatlar borligini bashorat bilan aniq misollarda ko'rsatib bergan. Qo'l va oyoq harakatlari, ko'krak va nafas a'zolarining boringki, barcha a'zolarining tabiiy harakatlarini ishga soluvchi mashqlar majmuasini o'z asarlarida mujassamlashtirgan. Bunda tovush - og'iz bo'shlig'idagi barcha a'zolari harakatlantirish (baland-past ovoz chiqarish, tilni chiqarish, tortish, burash va hakazo) mashqlarini bergan. Ichki a'zolari ishga tushirish mashqlariga belanchakda uchish, titratish, aravalarda yurish va boshqalarni tavsifiya etadi.

Ibn Sinoning ilmiy-pedagogik meroslarida jismoniy tarbiyaning eng muhim vositalari sifatida hammomda cho'milish, sovuq suvda cho'milish, suv va ichimliklarni iste'mol qilish, ovqatlanish, uyqu va dam olish mazmunlari ham joy olgan. Keksalik davridagi jismoniy tarbiya va umuman safar (sayohat) vaqtlarida fasllarga qarab harakat qilish asoslarini ham ko'rsatadi.

Ibn Sino aqliy, axloqiy tarbiya bilan bir qatorda, inson kamolotida jismoniy tarbiyaning muhim ahamiyatini ham nazariy, ham amaliy jihatdan tahlil etadi. Ibn Sinogacha insonning kamolga yetishida jismoniy tarbiyaning ta'siri haqida bir butun, yaxlit, ta'limot yaratilmagan edi.

Ibn Sinoning jismoniy tarbiya sohalaridagi ilmiy-pedagogik ta'limotini chuqur o'rganish, uni insonlarning yoshi, jinsi, ijtimoiy turmush sharoiti va e'tiqodlariga qarab qo'llash usullarini hozirgi davr talabi asosida keng yo'lga qo'ymoq zarur. Buning uchun esa, eng avvalo, jismoniy tarbiya ta'limini aholi orasida keng targ'ib qilish, uning insonlar salomatligini yaxshilash hamda jismoniy kamolotga eltuvchi mohiyatlarini barcha kishilar ongiga singdirish lozim bo'ladi.

Movarounnahrda ilm-fan va ma'rifat sohasida o'z xizmatlari bilan dunyoga mashhur bo'lgan jahonshumul ilmiy merosi bilan nom qoldirgan Muhammad Muso al-Xorazmiy, Abu Nasr Forobiy, Ahmad al-Farg'oniy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali ibn Sino kabi qomusiy olimlar o'z asarlarida inson kamolotining asosiy negizlaridan biri sifatida jismoniy tarbiyani e'tirof etganlar.

Shunday qilib, Sharq mutafakkirlari bola sog'lig'ini mustahkamlash va muhofaza qilishda jismoniy tarbiyaning roliga katta baho berganlar. Ular toza havoning ahamiyati, terini parvarish qilish qoidalariga, organizmni chiniqtirishga, jismoniy mashqlarga ko'p e'tibor qilganlar. Kasalliklarning oldini olish va davolash yuzasidan maslahatlar berganlar. Sharq mutafakkirlarining ovqatlanish, mehnat, uxlash, jismoniy mashqlar masalalari yuzasidan bergan maslahatlari hozirgi kunda ham ahamiyatlidir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Ma'murov B.B., Bolalar rivojlanishida jismoniy tarbiya nazariyasi va metodikasi. O'quv qo'llanma. Toshkent "Turon zamin ziyo" 2014 y. 227 b
2. Jalilova L.A., Jismoniy tarbiya va sport tarixi bo'yicha ma'ruzalar matni. Toshkent 2015. 170 b.
3. Xujaev P., va boshqalar Jismoniy tarbiya tarixi. O'quv qo'llanma. Toshkent "Iqtisod moliya" 2010 yil 206 b.

ШАРҚ АДАБИЁТИДА БАРКАМОЛ АВЛОД ТАРБИЯСИ МАСАЛАЛАРИ

*Кушвактов Н -доцент.
Маматқулова М.-магистрант.
Жиззах ДПИ*

Аннотация: В данной статье изложены научные и методологические основы обучения молодежи восточной литературе. Эта статья может быть использована студентами, занимающимися воспитанием гармонично развитого поколения.

Annotation: This article outlines the scientific and methodological foundations for educating young people in oriental literature. This article can be used by students engaged in upbringing of harmoniously developed generation.

Ёшларни баркамол шахс қилиб тарбиялашда маънавий юксакликка эриштириш энг муҳим омиллардан бир бўлганлиги сабабли ҳам унга давлат миқёсида жудда катта эътибор берилмоқда. Ўзбекистон республикасининг биринчи президенти И.А. Каримов мустақилликнинг илк давридан бошлаб ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор берди. У ўзининг бир қатор асарларида ёшлар муаммоси давлат муаммоси эканлиги қайд этиб уларни тарбиялашда маънавий тарбия муҳимлигини эътироф этди. “маънавият - инсонни руҳан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган бекиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир, десак, менимча, тарихимиз ва бугунги ҳаётимизда ҳар томонлама ўз тасдиғини топиб бораётган ҳақиқатни яққол ифода этган бўламиз”[2].

Ўзбекистон Республикасининг президенти Мирзиёев, Шавкат Миромонович ўзининг “Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш - юрт тараккиёти ва халқ фаровонлигининг гарови” деб номланган асарида “Азиз дустлар!

Барчамизга аёнки, юртимиздаги ҳар қайси инсон, ҳар қайси оиланинг энг эзгу орзу-мақсадлари, ҳаётининг манфаатлари аввалам бор унинг фарзандлари тимсолида намоён бўлади, руёбга чиқади. Албатта, бу борада юртимизда улкан ишлар қилинмоқда ва улар амалда ўзининг ижобий натижасини бермоқда.

Бу ҳақда гапирганда, барчамизга чексиз гурур ва ифтихор бағишлайдиган бир мисолни айтиб утмоқчиман. Жорий йилда Бразилияда ўтказилган Олимпия ва Паралимпия ўйинларида спортчиларимиз 44 та медаль, жумладан, 12 та олтин медални қўлга киритгани мамлакатимиз ҳаётида тарихий воқеа бўлди.

Фурсатдан фойдаланиб, халқаро майдонларда юртимиз байроғини баланд кўтариб келаётган спортчи ёшларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига чуқур миннатдорлик билдираман.

«Халк билан мулокот ва инсон манфаатлари йили» дастуридан ёшларимизни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш масаласи алохида ўрин эгаллаши табиийдир.

Бу борада фарзандларимиз учун зарур шароитлар яратиш, янги-янги таълим - тарбия, маданият, санъат ва спорт масканларини барпо этиш, ёш оилалар учун уй-жойлар куриш, ёшларни иш билан таъминлаш, уларни тадбиркорлик соҳасига кенг жалб этиш буйича бошлаган ишларимизни янги, юксак боскичга кўтарамиз.

Биз таълим ва тарбия тизимининг барча бўғинлари фаолиятини бугунги замон талаблари асосида такомиллаштиришни ўзимизнинг биринчи даражали вазифамиз деб биламиз.

Ёш авлод тарбияси ҳақида гапирганда, Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига ҳар биримиз, айникса, энди ҳаётга кириб келаётган ўғил-қизларимиз амал қилишларини мен жуда-жуда истардим. Мана, улуғ аждодимиз нима деб ёзганлар: **«Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-хурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ўз ота-оналаридан болаликда олган тарбияларига боғлиқ»**[1].

Шунинг учун ҳам бизнинг юртимизда бунга алохида эътибор берилмоқда. Шунинг учун биз маънавият нима?, у қандай келиб чиққан, деган саволга юқоридаги фикрларни асос қилиб олдик ва ўз илмий изланишларимизда уларга таянамиз.

Ёшларни баркамол инсон қилиб тарбиялашда буюк сиймоларнинг асарларида куйланган маънавиятнинг нақадар улуғлигини яққол кўрсатиб бериш мумкин. буюк рус шоири Александр Пушкин «Тикланиш» деб номланган шеърида куйидагича тасвирлаган:

*Ваҳший рассом мудроқ, беизн,
Даҳо суратини бузади
Ва у сурат устига ўзин
Бабурд суратини чизади.
Лекин у ёт бўёқлар бир-бир
Кўчиб тушар йил сайин, аён;
Ва даҳо ижоди беқусур
Авалгидек бўлур намоён.*

Қарангки, инсоният томонидан яратилган бебаҳо ижод намуналари, миллий ва умуминсоний қадриятлар ҳеч қачон ўзининг моҳиятини йўқотмаслигини ёшларга тушунтириш орқали уларни боркамоллик сари етаклаш мумкин.

Ёшларни ҳар томонлама комил инсон қилиб шакллантиришда матонат, сабр, ирода, бардош каби сифатлар муҳим аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам таълим – тарбия жараёнларида ёшларни чидамли, бардошли қилиб тарбиялаш муҳим рол ўйнайди.

“Бардош– маънавиятли инсоннинг сифатларидан бири, чидам, сабр, қаноат каби сўзлар билан ифодаланадиган тушунча. У кўпроқ матонат тушунчасига яқинроқ. «Инсон ҳар бир ишни сабр ва матонат ила юрутса, мақсудига тинч ва роҳатга боруб этар. Ҳамиша саодатда яшар» (Абдулла Авлоний). **Бардош инсоннинг ўз ҳаракатларини мақсадга йўналтира билиш, қийинчиликларни энгиб ўтиш, ҳиссиётларни, жаҳлни назорат қила олиш, қийинчилик ва муаммолар билан тўқнаш келганда қатъият билан бардош бера олиш каби ҳислатларни англади.** Бардош кескин, мураккаб вазиятда юксак маънавият ифодасининг руҳий-хулқий шарти

сифати намоён бўлади. Бардошли бўлиш инсоннинг шахсий ҳаёти, ўз-ўзини англаши, маънавий юксалиши, ахлоқий сифатларининг шаклланишида муҳим аҳамият касб этади. Бардош тушунчаси масъулият, чидамлилик, ор-номус, кадр-қиммат, келажак сари интилиш каби фазилатларни ифода этиб, инсоннинг маънавий юксалиб боришига хизмат қилади. Айниқса, бу тушунча мамлакат тараққиётининг бурилиш палласида, янги жаҳмиёт куриш, порлоқ истиқбол сари интилиш жараёнида алоҳида аҳамият касб этади.”[3].

Ўзбекистон Халқ шоири, Ўзбекистон қахрамони Абдулла Орипов маънавий жасоратга ва матонатга эга аёллар тўғрисида « Аёл» деб номланган шеърда инсонга хос бўлган маънавиятни улуғлаб шундай дейди.

..Ўн тўққиз ёшида бева қолди у.
Севгидан этиму умрдан ярим,
Қуриган кўксида ёлғиз беланчак,
Абадий фироқни, хайҳот, дўстларим,
Абадийвисолдеббилдикелинчак.
...Ей номард табиат, борми сенда ҳис,
Қайтадан бахт берсанг бўлмасми унга?!
...Сен- чи эй, садоқат сатридан нолиб,
Надомат комида қолганлар, айтинг.
Ўзини минг бита бозордан олиб,
Минг битта бозорга солганлар айтинг.
...Назоқат пайтимас, яқинроқ келинг,
Буюк зот қошида айлангиз салом.
Шу содиқ бевага саждалар қилинг,
Шу содиқ бевага айланг эхтиром.
Ҳатто зеб – зийнатни юлқиб зиёда,
Ҳайкал ҳам қўйингиз бамисли хаёл.
Шундайлар бўлмаса агар дунёда,
Бу қадар мухтарам бўлмасди аёл.

Демак, тарбиявий ишларни ташкиллаштириш жараёнларига адолат билан ёндашишда ҳар бир ўқувчиларининг ижодий ёндошувини холисона , ҳаққоний баҳолаш муҳимдир. Бошланғич таълимдан бошлаб ўқувчиларни дарс жараёнларида ижодкорлик билан ёндошувини ташкил қилиш қўйилган мақсадга эришишга асос бўлади. Шунини эътиборга олган ҳолда маънавият луғатида ижодга берилган тушнчага тўхталиб ўтамиз.

Таълим жараёнларида бирон бир ишни уддалаш учун унга албатта ижод билан ёндошиш талаб қилинади. Ижод қилиш учун эса ўқувчиларда сабр – тоқат , чидам, бардош каби иродавий хислатлар шаклланган бўлиши керак. Бундай иродавий хислатларни шакллантириш ҳам ўқитувчи олдидаги вазифалардан биридир.Бундай иродавий хислатларнинг таркиб топиши ўз – ўзидан таълим – тарбия жараёнидаги диққатни бошқарувчанлик томонлари билан характерланади.Шунинг учун ҳам ўқувчиларининг дарс жараёнларига ижодий ёндошув малакаларини шакллантириш керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович Конун устуворлиги ва инсон манфаатларини

таъминлаш - юрт тараққийети ва халқ фаровонлигининг гарови. - Тошкент: «Ўзбекистон» НМИУ, 2017. - 48 б.

2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Тошкент “Маънавият”. 2008 й 173 бет.

3. Юлдошев Ж.Г “Педагогик инвасионларни ҳаётга татбиқ этишнинг асослари” ”Халқ таълими”.-Т.:” Ўқитувчи” 1999. 6 сон -4-9 бетлар.

ЮКСАК ИЛМІЙ ВА МАЪНАВИЙ ДУНЁҚАРАШГА ЭГА ЗАМОНАВИЙ ЁШЛАРНИ ТАРБИЯЛАШДА УЛУҒ МУТАФАККИРЛАРИМИЗ ИЛМІЙ, АДАБИЙ МЕРОСИДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

*ТУРАБОВ А.М.-тадқиқотчи
Жиззах ПИ*

***Аннотация:** В этой статье освещено значение использования сведений о задачах совершенства человечество приведённых в произведениях великих мыслителей для воспитания современной молодежи образованными и духовно богатыми. Здесь использованы поучительные рассказы приведённые в произведениях Абу Насра Фараби, Абу Райхана Беруни, Алишера Навои, а также учений Исламской религии.*

***Annotation:** This article highlights the importance of using information about the tasks of perfection of humanity given in the works of great thinkers for the education of modern youth educated and spiritually rich. It uses instructive stories given in the works of Abu Nasr Farabi, Abu RayhanBeruni, AlisherNavai, as well as the teachings of the Islamic religion.*

Ҳар бир ижтимоий тузумнинг келажаги, инсоният истиқболи, кишиларнинг ҳаёт ва турмуш даражаси фан ва маданият тараққийети билан бевосита боғлиқдир. Фан ва маданият ривожланиши таълим-тарбия ишларининг қай йўсинда олиб борилишидан келиб чиқади. Бу фалсафий ақида давлат аҳамиятига эга бўлган ижтимоий қонуният ҳисобланади.

Президентимиз раҳбарлигида мамлакатимиз келажаги, халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминлайдиган миллий элита ёшларни тарбиялаш бўйича давлат сиёсати юритилаётганлиги ва таълимга концептуал ёндашилаётгани яқин йилларда иқтисодиётимизнинг барча соҳаларини инновацион фикрлайдиган мутахассис-кадрлар билан таъминлаш имконини беради. Бу мақсадга эришиш учун таълим сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилувчи муҳим омиллар белгиланди ва уларни мамлакат миқёсида бажариш бўйича қатор манзилли ишлар амалга оширилмоқда. Албатта, мамлакатимизнинг порлоқ келажаги, равнақи ва барқарорлиги дунё мамлакатлари ичида ўзининг муносиб ўрнига эга бўлиши сўзсиз инновацион билимларни эгаллаган, бошқача айтганда инсон капитали соҳиби бўлган бугунги ёшлар қўлида.

Ўсиб келаётган ёш авлод ва уларнинг келажакда қандай касбкор эгаллашлари ва ўз фаолиятини қандай ташкил этишларига қараб, Республикамиз келажагини тасаввур қилса бўлади. Шу ўринда буюк мутафаккир Абу Наср Фаробийнинг “Ҳар бир киши касб-корини мукамал билмоғи, яхши тарбия олмоғи ва яхши хулқ-атвор, фазилатларга эга бўлмоғи лозим. Одамларга нисбатан уларни бирлаштирувчи бошланғич асос инсонийликдир, шунинг учун ҳам одамлар инсоният туркумига кирганликлари сабабли ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим” деган фикрлари ёшлар тарбиясида аҳамиятлидир.

Ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири ёшларнинг дунёқарашини ўзгартириш, олиб борилаётган ислохотларнинг туб моҳиятини тушуниб етишларини таъминлаш, Ўзбекистоннинг келажакдаги фаол, юқорида таъкидлаганидек инновацион фикрловчи, юксак маънавиятли кадрларга қандай талаблар қўйилишини ҳозирдан уларнинг онгига синдириб боришдан иборатдир.

Бу борада халқимизнинг бой тарихини ўрганиш, ёшлар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб қилиш, буюк мутафаккирларнинг асарларидаги инсон камолоти масалаларига, одоб-ахлоққа, илм ўрганиш, унинг инсон ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини ифодаловчи маълумотлардан ҳозирги давр ёшларининг таълим-тарбия ишини ташкил этишда самарали фойдаланиш муҳим аҳамиятга эгадир.

Шарқ мутафаккирларининг бой илмий, адабий меъроси бўлмиш нодир асарларида келтирилган илм-маърифат ва таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари, баркамоллик сари йўналтирувчи ғоялари бугунги умумбашар тараққиёт учун, ёшларнинг ҳамма нарсасига қизиқувчан, изланувчан идроклари учун сайқалдек бебаҳо хазинадир.

Уларни ўрганиш ўқувчи-талабалар қалбида инсонийлик уруғларининг унишига, катта ҳаёт йўлида баркамол инсон ва етук маҳоратга эга шахс бўлиб етишишларига ёрдам беради. Чунки, ўтмишда аждодларимиз инсоннинг ижтимоий ва психологик ривожланиш қонуниятларини изчил, атрофлича, муайян илмий йўналишда ўрганмаган бўлсаларда, бироқ уларнинг қўлғемаларидаги: инсоннинг руҳий ҳолатларининг намоён бўлиши, ушбу ҳолатларнинг таълим-тарбия жараёнида қандай таъсир этиши ва хусусан оддий ҳиссиётлар ва қарашлардан тортиб, то инсонни камолот чўққисига етакловчи юксак инсоний фазилатлар борасидаги қимматли фикрлари ҳозиргача ўз долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаган.

Нафақат юксак маърифат, балки юксак маънавият дурдоналарини ўрганиш, улар асосида ўз шахсий фазилатларини ҳам ҳар томонлама сийқаллашлари натижасида буюк мутафаккирларимиз нафақат аниқ фанлар, ҳамда диний билимларда балки инсонникомилликка етишишига замин яратувчи бошқа соҳалардаги билимларга ҳам катта эътибор берганлар. Буюк мутафаккирларимиз инсоннинг шаклланиши, унинг шахс бўлиб етишишида аниқ маънавий ва ахлоқий ҳис-туйғуларни тарбияланишига алоҳида эътибор қаратганлар. Жасурлик, дадиллик, дўстоналик, саҳийлик, ростгўйлик ва шу каби турли феъл-атворнинг хусусиятлари ва ахлоқий фазилатларга таъриф бериш билан бирга, уларни тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш натижаси деб ҳисоблар эди.

Ислом дини ғоялари таълим-тарбияга катта таъсир кўрсатади. Дунё маданиятининг улкан бойлиги, барча мусулмонларнинг муқаддас китоби-“Қуръон” кишиларни тенгликка, биродарликка, тинч-тотув яшашга, эзгуликка ундайди. Шунга кўра, у катта ахлоқий қимматга эга, у инсоннинг маънавий камолга етишида муҳим ўрин тутаяди. Исломда тарбия, ақл инсон камолотининг мезони ҳисобланади. Зеро, инсон шахси, жамият илм билан камолга етади, тараққий этади.

Ҳадисларда ҳам инсоннинг маънавий камолоти мезони, унинг тафаккур доираси, дунёқарашини кенглиги, илмий билимларни қай даражада эгаллагани, ўз билимини атрофдагиларга жамиятга фойда келтирувчи шахс бўлиб етишишига муҳим омил-тарбия деб ҳисобланади.

Ўрта аср ижтимоий-фалсафий фикр тараққиётида салмоқли ўрин тутган мутафаккир Абу Наср Форобий, инсоннинг камолотга эришуви йўлида ёрдам бериш нафақат жамиятнинг, балки давлат миқёсида ҳам эътиборга молик

эканлигини: “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир, бу эса илм ва яхши ахлоқ ёрдамида қўлга киритилади” деган фикрлари орқали билдирган.

Абу Наср Фаробийнинг асарларида ёшларни илм ўрганишга, комил инсон бўлиб етишида педагоглари таълим-тарбия жараёнида кенг фойдаланишга арзигулик қимматли маълумотлар борки, уларнинг аҳамияти албатта ёшларнинг маънавий дунёқарашини ривожланишига таъсир ўтказмасдан қолмайди. Фаробий айтадики: “Ҳар кимки илм - ҳикматини ўрганаман деса, уни ёшлигидан бошласин, саломатлиги яхши бўлишига интилсин, ахлоқ-одоби бўлсин, сўзининг уддасидан чиқсин, ёмон ишлардан сақлансин, хиёнат ва макр-ҳийладан узоқ бўлсин”. Фаробийнинг “илмни ўрганишни ёшлиқдан бошласин” деган фикрининг ҳозирги кундаги тасдиғи сифатида Республикамизда ёшларнинг, мактаб ўқувчиларининг чуқур билим олишларини рағбатлантириш учун яратилаётган шарт-шароитларни алоҳида таъкидлаш зарур. Жумладан, Жиззах вилояти ҳокими Э.А.Солиев ташаббуси билан мактаб ўқувчилари ўртасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида 2020 йилнинг феврал-май ойлари давомида “Ёш китобхон” кўрик - танловининг ўтказилиши бунинг ёрқин далилидир. Аҳмиятлиси шундаки, кўрик – танловнинг вилоят босқичи ғолибларини муносиб рағбатлантириш учун 1-ўринга – “SPARK”автомобили, 2-ўринга – компьютер жамланмаси, 3-ўринга– планшет ва бадий адабиётлар тўплами, шунингдек туман босқичида ғолиб бўлган ўқувчилар учун компьютер жамланмалари ва турли қимматбаҳо совғалар ажратилган. Бундай ишлар республикаимиз бўйлаб кенг миқёсда амалга оширилмоқда ва бу ишларнинг натижаси сифатида ёшларимиз буюк тарихимизни, алломаларимизнинг бой илмий, адабий меросини ўрганадилар ҳамда жамиятда илмли, интилувчан, кенг дунёқарашга эга янги авлоднинг дунёга келишини таъминлайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, юксак маънавият ва илму-урфон соҳиблари бўлаган аждодларимиз тарихнинг турли тахликали даврларида ҳам илм-маърифат излаб дунё кезганлар ва дунё илм-фани тараққиётида юксак аҳамиятга эга бўлган асарларни мерос қилиб қолдирганлар, бу эса ҳозирги ёшларимизга ибрат бўлмоғи зарур.

Қомусий билимлар соҳиблари Абу Райҳон Берунийнинг ҳаёти ва илмий-ижодий фаолиятини бунга мисол қилишимиз мумкин. Беруний бир қанча фан соҳаларида салмоқли ижод қилган аллома ҳисобланади. Берунийнинг фикрича “Инсон фаннинг у ёки бу соҳаси ҳақида илмий амалиётга ва аниқ тадқиқотларга суянган ҳолдагина мулоҳаза юритишга ҳақлидир”.

Буюк аллома Алишер Навоий боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. Ёшболани жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар ҳосил қилишга ёрдам беради. У “одам шахси кишилар билан муносабатда, айниқса кишиларнинг бир – бирларига бўлган рухий маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади” деб, болани вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлигини уқтиради.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, юксак илмий ва маънавий дунёқарашга эга ёшларни тарбиялаш йўлида, ўтмишдан бизга насиб этган инсон тафаккурининг дурдоналарини, яъни улуғ мутафаккирларимизнинг илғор фикрларини ўрганиш ва улардан таълим-тарбия жарарёнида самарали фойдаланиш – муҳима аҳамиятга эга бўлган замон талабидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ҳ. Ҳомидий, “Кўхна шарқ дарғалари” бадиий-илмий лавҳалар, 2- нашр. “Шарқ” Н.М.А.К. бош таҳририяти. Т.: 2004 йил.
2. Ҳошимов К., Нишонова С. ва бошқалар. Педагогика тарихи. - Т.: Ўқитувчи, 1996йил.
3. О.Тураева, А.Назаров. “Одобнома”. - Т.: Ўқитувчи, 1997 йил

БОЛАЛАРНИ АХЛОҚИЙ ЖИҲАТДАН ТАРБИЯЛАШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ

*Шарафитдинов А -Магистрант
Қудратов Б А. Магистрант
Жиззах ДПИ*

***Аннотация:** Образования сегодняшнее вырастающее поколение определяет будущее нации. Каждый народ должен сохранить свое историческое, духовное наследие и донести его для своих поколений. В этой статье рассматриваются корни нашего воспитания - возможности и педагогические взгляды восточных мыслителей.*

***Annotation:** The upbringing of the young generation, which is growing today, determines the future of the nation. Each nation must protect its historical and spiritual heritage and absorb the heart of young children. This article discusses the possibilities of creative heritage and pedagogical views of thinkers of the East – the root of our education.*

Мамлакатимизда жисмонан соғлом, маънавий етук авлодни тарбиялаш, давлат сиёсати даражасида олиб борилмоқда. Замонавий таълим-тарбия жараёнида хулқ-атвор ва ахлоқ тарбияси, аждодларимиз адабий меросидан унумли фойдаланган ҳолда тарбияланувчилар онгига сингдирилиб келинмоқда. Таълим жараёнини маънавий тарбия билан уйғун олиб бориш зарурати ҳамиша сезилиб келган. Ҳар бир миллатнинг маънавий дунёқараши унинг тарихий-маданий илдизларида акс этиб туради. Барчамизга маълумки, азалдан шарқ илм-у марифати билан бутун дунёга нур таратиб келган. Ибн Сино, Улуғбек, Фаробий, Беруний, Бухорий, Термизий, Замахшарий, Шерозий каби кўплаб улуғ алломаларимизнинг ижодий меросини бугунги кунда бутун дунё ўрганмоқда ва улар қолдирган таълимий-тарбиявий хазина инсониятга хизмат қилиб келмоқда.

Абдулла Авлоний ўзининг «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» номли асарида ахлоқ эгалари ҳақида шундай дейди: “Яхши фазилатларни ўзига касб қилиб олган инсонлар яхши инсонлар дейилур”. Чин инсоний фазилатларни ўз ҳаёт йўлида кўрсатиб ўтган инсонлар юксак ахлоқ эгалари эканлиги айтиб ўтилади. Ҳар қайси миллат ўз тарихий, маънавий меросини асраши ва унда вояга етаётган фарзандлар қалбига сингдириб бориши мамлакатнинг ҳар томонлама ривожини таъминлайди. Шу маънода юксак ахлоқ эгалари борки, ватанпарварлик, ҳалоллик, поклик ва мардликда, илм-у фанга муҳаббатда ўз ҳаёт йўли билан ибрат бўла олади. Ахлоқий - тарбиявий жиҳатдан наъмуна бўла оладиган шарқ мутафаккирларининг ижодий меросини ўрганиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

Жумладан, Имом ал-Бухорий ўз асарларида ахлоқ-одоб ҳақида фикр юритар экан, одамларни ота-онани эъзозлашга, улар олдидаги ўз бурчларини мукамал адо этишга даъват этади. Инсон сифатлари ҳақидаги қарашларида жаҳолат кишига ўлим

келтирувчи фожеа деб қаралади. У одамларни тўғри сўзли бўлишга, ваъдага вафо қилишга чорлайди. У ўзининг Оллоҳга бўлган ишқини, меҳр-муҳаббатини ўз ҳаёт йўлида кўрсатиб ўтади.

Ҳадисшунос аллома ат-Термизийда ҳам одамларни аҳил бўлишга, жамоага фойда келтиришга, дўстлик ва биродарликка даъват этувчи ҳадислар кўп учрайди. Тана ва руҳ поклигини алоҳида қайд этиб, кишиларни қалбан уйғоқликка чақиради. Аллома, ёшликданоқ соғлиқни сақлашга, вақтни бекор ўтказмасликка даъват этади. “Икки нарса борким, кўпчилик уларнинг кадрига етмайди: бири соғлиқ, иккинчиси бўш вақт” – деб, инсонларнинг ҳаётда йўл кўйиши мумкин бўлган камчиликларни айтиб ўтади.

Буюк мутафаккир олимлардан яна бири Муҳаммад ибн Мусо ал Хоразмийдир. У сезги орқали билиш – қисман билиш, мантиқий билишни эса ҳақиқий билиш деб ҳисоблаган. Хоразмий билиш назариясига муҳим ҳисса қўшган. У инсонни ақлий камолга етказишда илм-фан ва таълим-тарбияни бирламчи деб ҳисоблаган. Инсон илм орқали ўзини ўзи англаб етишини таъкидлайди.

Абу Наср Фаробий эса комилликнинг асосий мезони жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсоннинг асосий сифатларини тузиб чиққан. Фаробий фикрича, инсоннинг энг юксак ҳислати унинг бахтга эришганлигидир. Бахтга фақат фойдали билимларни ўзида жамлаш орқали эришиш мумкин. Чунки, инсон дил роҳатининг энг юқори чўққиси – билим олиш жараёнидир. Инсоннинг деярли барча ижтимоий сифатлари ташқи ижтимоий муҳит таъсирида шаклланади ва ривожланади. Шунинг учун кишининг инсоний сифатларини шакллантиришда мақсадга йўналтирилган таълим ва тарбия ҳамда тарбияланувчининг эркин танлови етакчи ўрин эгаллайди. Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”- асарида ҳар қайси давлатни илм соҳиби бўлган олим-у фузалолар қутқаришини айтиб ўтади. Илм-у марифат ардоқланган юртда ривожланиш, фаровон ҳаёт бўлишини таъкидлаб ўтади. Ушбу асардан болани илм фанга муҳаббат туйғусида ўстиришда, уларнинг онг-у шуурини тарбиялашда илмий-ижодий тарбиявий имкониятларидан унумли фойдаланишимиз керак. Фаробийнинг кўплаб асарлари болани комилликка, ахлоқий мукамалликка етаклайди.

Қомусий олим Абу Райхон Беруний таълимотида билим олувчилар: қалбини ёмон иллатлардан, инсон ўзи сезиши мумкин бўлмаган ҳолатлардан, қотиб қолган урф-одатлардан, ҳирсдан, очкўзликдан ва шон-шуҳратдан сақлаши лозимлигини айтади. У барча иллатларнинг асосий сабабини билимсизликда деб билган. Билимларни ўзлаштиришда кишида билимга интилиш, қизиқиш ва ижтимоий муҳит ўрнини алоҳида таъкидлайди. Беруний инсон камолотида уч нарса муҳимлигини таъкидлайди. Бу ҳозирги маърифат ва илм-фанни ҳам эътироф қилувчи – ирсият, ижтимоий муҳит ва тўғри тарбиядир. Беруний назарида инсон камолга етишининг муҳим омиллари кўп билимга эга бўлиш ва юксак ахлоқийликдир.

Абу Али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган билимларга эришишни даъват этади. Бунинг сабаби шундаки, илм-фан: табиат ва жамият қонуниятларини очиб, авлодларга етказилади. Бу мақсадга етишиш учун инсон дуч келинадиган қийинчиликлардан кўрқмаслигини таъкидлайди. Ибн Сино инсоннинг шаклланишида унинг атрофини ўраб турган муҳит алоҳида аҳамият касб этишини, ана шу муҳит инсоннинг дунёни билишинигина эмас, балки унинг хулқида ижобий ёки салбий жиҳатларнинг таркиб топишига ҳам таъсир этишини уқтиради. Ибн Сино болани жамоа орқали тарбиялашни тавсия этади. Бола ижтимоий муҳит билан

тарбияланиб боришини таъкидлаб ўтади. Шу боис ҳам болаларни тарбиялашда эҳтиёткор бўлиш, уларни ёмон ижтимоий муҳитдан узоқроқ сақлаш зарур - деб ҳисоблайди. Ибн Синонинг таълим-тарбия ва ахлоққа оид қайси асарига аҳамият бермайлик, бу асарларнинг бугунга қадар баркамол авлодларимизнинг таълим-тарбиясида, уларнинг замон талабларига жавоб бера оладиган доно, билимли ва кучли бўлишларидаги аҳамияти катталигига амин бўламиз.

Етук мутафаккир Юсуф Хос Ҳожиб таълимотида ҳам инсон комиллиги, камолоти масалалари кенг ўрин олган. Олимнинг энг машҳур “Қутадғу билиг” (Саодатга элтувчи билим) таълим тарбияга оид, ҳар томонлама комил инсон қилиб тарбиялайдиган етук маърифий асари, панд-насихатлари, ёшларни чин маънода комилликка етакловчи асардир. Асарда ахлоқий ҳислатлар – инсонийлик, ростгўйлик, ишонч, тўғрилиқ, софлик, меҳр-у муҳаббат, вафо, инсоф, содоқат, ақл-заковат, ҳалоллик ... кабилар улуғланади. Фахр ва ифтихор билан айта оламизки, жонажон заминимиздан жаҳон сивилизацияси ривожига ҳисса қўшган алломалар, файласуф олимлар жуда кўп етишиб чиққан. Уларнинг меросидан фойдаланиб, миллий менталитетимизни, кадрият-у анъаналаримизни, маънавиятимизни, инсоний гўзал ҳислатларимизни, тафаккуримизни, самимий дунёқарашларимизни янада бойитиш ҳамда ўзлаштириш мумкин. Ўз тарихи илм-у маънавиятини унутмаган миллат ҳар жойда ва ҳар қачон кадр топган, ўз ёрқин келажagini таъминлаган. Шарқ мутафаккирлари илмий-ижодий меросини қанча ўргансак шунча оз, чунки ҳар бир ижоди инсонни фақат юксакликка чорлайди. Ҳар бир мутафаккир ижодини ўрганиш, инсонни ўзини англашга, ғурур ва ифтихор туйғуларини уйғотиб, аждодларга муносиб ворис бўлишга ундайди.

Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, ахлоқий жиҳатдан тарбия топган фарзандгина ўз оиласи, жамияти ва мамлакати тараққиётига бор куч ва имкониятларини тўғри сафарбар эта олади.

Қуйидаги фикрларни умумлаштирган ҳолда, шарқ мутафаккирлари ҳаёти ва ижодини ўрганиш, уларнинг фарзанд тарбияси ва камолоти тўғрисидаги педагогик қарашларини фарзанд тарбиясида эътиборга олиш, болаларни ахлоқий пок, маънавий юксак этиб тарбиялашда доимий равишда улардан фойдаланиб бориш тавсия этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. А.Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. –Т. Ўқитувчи, 1993.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. –Т. А. Қодирий нашриёти, 1993.
3. А. Қ. Мунавваров. Педагогика. –Т. Ўқитувчи, 1996

ZAMONAVIY PEDAGOGIK TEXNOLOGIYALARNING TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDAGI AHAMIYATI

***Otajonov K. S. o'qituvchisi
Jizzax VHTXQTMOMM***

Аннотация: В данной статье рассмотрено значение современных педагогических технологий в процессе учебно-воспитательной работы.

Abstract. In this article the significance of modern pedagogical technologies of teaching and educational work is widely illustrated.

Ta'lim-tarbiya jarayoni samaradorligini oshirish orqali kelgusi taraqqiyotni yanada rivojlantirib, mustahkamlashga asos solinadi. Bu borada birinchi Prezidentimiz Islom Karimovning quyidagi fikri bizga ibratdir: «Shuni unutmasligimiz kerakki, kelajagimiz poydevori bilim dargohlarida yaratiladi, boshqacha aytganda, xalqimizning ertangi kuni qanday bo'lishi farzandlarimizning bugun qanday ta'lim va tarbiya olishiga bog'liq. Buning uchun har qaysi ota-ona, ustoz va murabbiy har bir bola timsolida avvalo shaxsni ko'rishi zarur. Ana shu oddiy ta'labdan kelib chiqqan holda, farzandlarimizni mustaqil va keng fikrlash qobiliyatiga ega bo'lgan, ongli yashaydigan komil insonlar etib voyaga yetkazish – ta'lim-tarbiya sohasining asosiy maqsadi va vazifasi bo'lishi lozim, deb qabul qilishimiz kerak. Bu esa ta'lim va tarbiya ishini uyg'un holda olib borishni talab etadi». O'qituvchining samarali faoliyat ko'rsatishga undovchi darsning metodik ishlanmasini puxta ishlab chiqishdan farqli o'laroq, ta'lim texnologiyasi o'quvchilar faoliyatiga nisbatan yo'naltirilgan bo'lib, u o'quvchilarning shaxsiy hamda o'qituvchi bilan birgalikdagi faoliyatlarini inobatga olgan holda, o'quv materiallarini mustaqil o'zlashtirishlari uchun zarur shart-sharoitlarni yaratishga xizmat qiladi. Ta'lim texnologiyasining markaziy muammosi-ta'lim oluvchi shaxsini rivojlantirish orqali ta'lim maqsadiga erishishni ta'minlashdan iborat. Pedagogik texnologiya nazariyasi o'tgan asrning ikkinchi yarmidan boshlab asoslanib kelinayotgan bo'lsada, aynan «pedagogik texnologiya» tushunchasiga nisbatan turlicha yondashuvlar mavjud. Xususan, pedagog olim V. P. Bospalko pedagogik texnologiyani «amaliyotga tadbiiq qilinadigan muayyan pedagogik tizim loyihasi» deya ta'riflaydi hamda asosiy diqqatni o'quv-pedagogik jarayonni oldindan loyihalashga qaratadi. O'z mohiyatiga ko'ra pedagogik texnologiya vaqt taqsimotiga muvofiq dasturlanib, ilmiy jihatdan asoslangan hamda kutilgan natijaga erishishni ta'minlovchi pedagogik jarayonning barcha bosqich va qismlarining vazifalari aniq belgilangan tizimni ifodalaydi. Ta'limning samaradorligini oshirish va bilimlarni to'la egallashlariga erishish, shaxsning ta'lim diqqat markazida bo'lishini va yoshlarning mustaqil bilim olishlarini ta'minlash uchun ta'lim muassasalariga yaxshi tayyorgarlik ko'rgan va o'z sohasidagi bilimlarni mustahkam egallashdan tashqari zamonaviy pedagogik texnologiyalarni va interfaol usullarni biladigan, ulardan o'quv va tarbiyaviy mashg'ulotlarni tashkil etishda foydalana oladigan o'qituvchilar kerak. Buning uchun, barcha fan o'qituvchilarini innovatsion pedagogik texnologiyalar va interfaol usullar bilan qurollantirish hamda olgan bilimlarini o'quv-tarbiyaviy mashg'ulotlarda qo'llash malakalarini oshirib borish lozim. Uzluksiz ta'lim tizimining oldiga qo'yilgan davlat va ijtimoiy buyurtmaga muvofiq, ta'lim-tarbiya jarayonining samaradorligini oshirish, ilm-fanning so'nggi yutuqlarini amaliyotga joriy etish orqali ijodkor, ijtimoiy faol, yuksak ma'naviyatli, kasb-hunarli, Ona-Vatanga sadoqat, milliy va umuminsoniy qadriyatlar ruhida tarbiyalangan, ijodiy va mustaqil fikr yurita oladigan, davlat va jamiyat oldida o'z burchi va javobgarligini his etadigan barkamol shaxsni kamolga etkazish, ularning ongi va qalbiga milliy istiqbol g'oyasini singdirish kabi muhim vazifalarni amalga oshirish nazarda tutiladi. Ushbu vazifalarning muvaffaqiyatli hal etilishi ta'lim-tarbiya jarayonida zamonaviy pedagogik texnologiyalardan foydalanishni taqozo etadi. O'quv-tarbiya ishlari jarayonida o'quvchi yoshlarni ijodiy fikrlashga, o'zgaruvchan vaziyatlarga o'rgatish, erkin raqobat asosida faoliyatni tashkil etish hamda ularning amaliy mashg'ulotlarda axborot texnologiyalari, elektron darsliklar va multimedialardan foydalana bilishi muhimdir. Bu esa o'quvchilarda mustaqillik, erkin fikrlashni tarbiyalashni, o'quv faoliyatini tahlil qilishni, istiqbolda kasbiy mahorat orttirish ularning ichki ehtiyojiga aylantirilishini talab etadi. Zamonaviy pedagogik texnologiyalar ta'lim-tarbiya jarayonining bir tizimga solingan ilmiy-

nazariy va metodik asoslangan yangi shakl, usul va vositalarining majmuidir. Bunda yangi mazmun, shakl, usul va vosita uyg'unligida maqsad, vazifa, faoliyat va pedagogik natija yaxlitligi ta'minlanadi hamda o'quv maqsadlariga erishishni kafolatlaydigan o'quv jarayoni loyihalashtiriladi va amalga oshiriladi. Texnologik yondashuv, eng avvalo, tasvirlash emas, balki loyihalashtirilgan natijalarni amalga oshirish imkonini beruvchi amaliy ko'rsatmali tuzilmada o'z ifodasini topadi. Hozirgi kunda ta'lim jarayonida interfaol uslublar (innovatsion pedagogik va axborot texnologiyalari)dan foydalanib, ta'limning samaradorligini ko'tarishga bo'lgan qiziqish, e'tibor kundan-kunga kuchayib bormoqda. Zamonaviy texnologiyalar qo'llanilgan mashg'ulotlar o'quvchilar egallayotgan bilimlarni o'zlari qidirib topishlariga, mustaqil o'rganib, tahlil qilishlariga, hatto xulosalarni ham o'zlari keltirib chiqarishlariga qaratilgan. O'qituvchi bu jarayonda shaxs va jamoaning rivojlanishi, shakllanishi, bilim olishi va tarbiyalanishiga sharoit yaratadi, shu bilan birga, boshqaruvchilik, yo'naltiruvchilik vazifasini bajaradi. Bunday o'quv jarayonida o'quvchi asosiy figuraga aylanadi. O'quv - tarbiya jarayonida pedagogik texnologiyalarning to'g'ri joriy etilishi o'quvchilarning bu jarayonda asosiy tashkilotchi yoki maslahatchi sifatida faoliyat yuritishiga olib keladi. Bu esa o'quvchilardan ko'proq mustaqillikni, ijodni va irodaviy sifatlarni talab etadi. Har qanday pedagogik texnologiyaning o'quv - tarbiya jarayonida qo'llanilishi shaxsiy xarakterdan kelib chiqqan holda, o'quvchini kim o'qitayotganligi va o'qituvchi kimni o'qitayotganligiga bog'liq. Pedagogik texnologiya asosida o'tkazilgan mashg'ulotlar yoshlarning muhim hayotiy yutuq va muammolariga o'z munosabatlarini bildirishlariga intilishini qondirib, ularni fikrlashga, o'z nuqtai nazarlarini asoslashga imkoniyat yaratadi. Hozirgi davrda sodir bo'layotgan innovatsion jarayonlarda ta'lim tizimi oldidagi muammolarni hal etish uchun yangi axborotni o'zlashtirish va o'zlashtirilgan bilimlarni o'zlari tamonidan baholashga qodir zarur qarorlar qabul qiluvchi, mustaqil va erkin fikrlaydigan shaxslar kerak. Bugungi kunda o'qitish jarayonini samarali va natijali bo'lishini ta'minlashga yo'naltirilgan interfaol uslublarning va o'qitish texnologiyalarining barchasi mamlakatimizning barcha umumiy o'rta ta'lim, o'rta maxsus, kasb-xunar hamda oliy ta'lim muassasalari, o'qituvchilar malakasini oshirish va qayta tayyorlash institutlari va fakultetlarda keng miqyosda qo'llanilib kelinmoqda xamda ijobiy natijalar bermoqda. Bugungi kunda respublika ta'lim muassasalarida interfaol ta'limni tashkil etishda quyidagi eng ommaviy texnologiyalar qo'llanilmoqda: Interfaol metodlar: «Keys-stadi» (yoki «O'quv keyslari»), «Blits-so'rov», «Modellashtirish», «Ijodiy ish», «Munosabat», «Reja», «Suhbat» va b. Strategiyalar: «Aqliy hujum», «Bumerang», «Galereya», «Zig-zag», «Zinama-zina», «Muzyorar», «Rotatsiya», «T-jadval», «Yumaloqlangan qor» va h.k. Grafik organayzerlar: «Baliq skeleti», «BBB», «Konseptual jadval», «Venn diagrammasi», «Insert», «Klaster», «Nima uchun?», «Qanday?» va b. Interfaol ta'lim bevosita interfaol metodlari yordamida tashkil etiladi. Modulli-kredit tizimi zamonaviy ta'limning eng takomillashgan shakli sanaladi. Bugungi kunda taraqqiyparvar insoniyat davlatlar o'rtasida ijtimoiy, iqtisodiy, harbiy va madaniy sohalarda o'zaro kelishuvga erishish, hamkorlikni yo'lga qo'yishning yangidan yangi yo'llarini izlashda davom etmoqda. Bugungi kunda ta'lim tizimida bilimlarni egallashning yangi konsepsiyasi - zamonaviy innovatsion ta'lim texnologiyalarning turli xil ko'rinishlarini qo'llash juda yaxshi samara bermoqda. Bunda ta'limning yangi metodlardan foydalanishda tahsil oluvchilarning intellektual, erkin fikrlashni rivojlantirish, o'z fikrini asoslab berishga intilishi, o'z g'alar fikrini tinglay olishi, muammolar yechimini topishga harakat qilishi, ijodiy va axloqiy taraqqiyoti jarayonlariga samarali ta'sir etadi. O'qituvchi ta'lim-tarbiya jarayonida ta'lim metodlaridan foydalanganda, avvalo, bu metoddan foydalanishning o'rni, uning samaradorligini bilishi

muhimdir. Buning uchun har bir pedagog hayotiy tajribaga ega bo'lgan, yetarli bilimlar bilan qurollangan, ta'lim oluvchilarga nisbatan muammolarning yechimini oldindan hal eta oladigan va ularni ta'lim oluvchilarga yetkazish malakasiga ega bo'lishi lozim. Shuningdek, innovatsion texnologiya asosida o'tkazilgan mashg'ulotlar yoshlarning muhim hayotiy yutuq va muammolariga o'z munosabatlarini bildirishlariga intilishlarini qondirib, ularni fikrlashga, o'z nuqtai nazarlarini asoslashga imkoniyat yaratadi. Hozirgi davrda sodir bo'layotgan innovatsion jarayonlarda ta'lim tizimi oldidagi muammolarni hal etish uchun yangi axborotni o'zlashtirishga va o'zlashtirilgan bilimlarni mustaqil baholashga qodir, zarur qarorlar qabul qila oluvchi, mustaqil va erkin fikrlaydigan shaxslar kerak. Shuning uchun ham ta'lim muassasalarining o'quv-tarbiyaviy jarayonida zamonaviy o'qitish uslublari-interfaol uslublar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va ahamiyati beqiyosdir. Shuning uchun ham bugungi kunda barcha ta'lim muassasalarining o'quv-tarbiyaviy jarayonida o'qituvchining kasbiy mahorati, hayotiy tajribasi, zamonaviy o'qitish uslublari-interfaol uslublar, innovatsion texnologiyalarning o'rni va ahamiyati beqiyosdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – T.: «Ma'naviyat», 2008.
2. Bepalko V. P. Slagayemye pedagogicheskoy texnologii. — M.: Pedagogika, 1989.
3. Ishmuxamedov R. J. «Innavatsion ta'lim texnologiyalari» - T. – 2008 y.
4. Yo'ldoshev J. G'., Hasonov S. Pedagogik texnologiyalar. O'quv qo'llanma. - Toshkent: Iqtisod-Moliya, 2011.

БЎЛАЖАК БОШЛАНГИЧ СИНОФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ТАЙЁРГАРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

***Азизов О- докторант
Жиззах ДПИ***

Аннотация:

В данной статье речь идет о путях совершенствования профессиональной подготовки будущих учителей начальных классов, о личных и профессиональных качествах современного учителя.

Abstract:

This article deals with the ways of developing job preparation skills, personal as well as. The features which are needed to the job of the upcoming primary education teachers.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигига эришиб, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг ўзига хос йўлини танлаши мутахассислар тайёрлаш тизими ва унинг мазмунини қайта ташкил этишни зарур қилиб қўйди ва бир қатор чора- тадбирлар кўришни, шу жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонунни жорий этиш, замонавий дидактик таъминотни ишлаб чиқиш, янги типдаги таълим муассаларини ташкил этиш ҳамда энг асосийси «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ни ишлаб чиқиш ва ҳаётга тадбиқ этилиши, Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясининг амалга оширилиши, Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни

янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурганлиги ҳам маънавий баркамол шахсларни, етук ташаббускор ва жонкуяр кадрларни тарбиялашга қаратилгандир.

Кадрлар тайёрлаш Миллий моделининг яратилиши Ўзбекистоннинг халқаро талаблардаги замонавий тараққиётини таъминлай оладиган дадил, мустақил, ижодий тафаккурли, малакали, билимли мутахассис, айна пайтда шахсий инсоний сифатлари шакланган баркамол кадрларни тайёрлаш мақсадини кўзлайди.

Ўқитувчи баркамол авлод таълим-тарбияси учун жавобгар шахс бўлиб, нафақат маънавий-ахлоқий маданияти билан атрофдагиларга ўрнак бўлиши, шу билан бирга, педагогик маҳоратини ҳам намоён эта олиши, етук ўқитувчи сифатида малакали кадрларни тайёрлаш ишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиши зарур.

Педагогик маҳоратга эга бўлиш, ўқитувчи учун таълим-тарбия самарадорлигини таъминловчи замин бўлибгина қолмасдан, айна вақтда, унинг жамиятдаги обрў-еътиборини ҳам оширади, ўқувчиларга нисбатан ҳурмат юзага келади. Замонавий таълимнинг энг муҳим унсурлари қадимдан шаклланиб келган. Таълим мақсади, мазмуни, шакл, услуб ва воситалари таълим жараёнлари мазмунини таҳлил қилиш учун қўлланиладиган анъанавий категориялар бўлиб ҳисобланади. Айна шу категориялар маълум предмет, мутахассислик ёки ихтисослик бўйича ўқув-тарбиявий жараённи ташкил қилувчи педагог фаолиятининг предмети сифатида юзага чиқади. Қайд этилган педагогик категорияларни мақсадга мувофиқ равишда йўналтирилган педагогик фаолиятнинг қонуният ва мезонларини тизимлаштирувчи омил вазифасини бажаради. Замонавий ўқитувчи дарс жараёнида «актёр» эмас, аксинча «режиссёр» бўлиши кераклигини англаши лозим. Бунинг учун эса у бир неча янги таълим усулларини яхши билиши керак.

Ёшлар таълим-тарбияси хусусида Президентимиз Шавкат Мирзиёев: “Мустақил ўйлай оладиган тафаккур юритиб туғри маъқул ва мақбул иш тута оладиган ватанпарвар шахсларни шакллантириш ва тарбиялаш керак”, деб таъкидлайди ўз нутқларида.²⁰

Бошланғич таълим жараёнида ўқитувчининг болалар билан муомаласи уларнинг таълим-тарбиясига катта таъсир кўрсатади. Болага бўлган муҳаббат ҳеч қачон жавобсиз қолмайди. Бунинг учун бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини болаларни севишга, ўзини болаларнинг отаси, онасидек ҳис қилишга ҳамда уларнинг тарбияси ва ўқишига ижобий таъсир этувчи воситаларнинг барчасини ўзининг вазифаси, деб билишга ўргатишимиз керак. Бўлажак ўқитувчида педагогик технология, ўқитиш методлари, педагогик техника, ўз-ўзини бошқариш, мулоқот ва нутқ маданияти орқали ўқувчига таъсир қила олиши, педагогик ахлоқ, ўзаро муносабат, ижобий натижаларга эришиш каби билим, кўникма ва малакаларнинг шакллантирилиши энг муҳим ҳислатлардан бири сифатида қаралади. Бир сўз билан айтганда муаллим фаолиятининг самарали бўлиши унинг педагогик маҳоратига, касбий қобилиятига боғлиқ. Бунда билиш, тушунтира олиш, равон нутқ, ташкилотчилик, обрў оттира олиш, диққатни тақсимлай олиш қобилиятлари бир-бири билан ўзаро боғланган бўлиб, буларнинг бари ўқувчи шахсига таъсир этишда бир бутунликни ҳосил қилади. Бундай қобилиятларга эга бўлган ўқитувчи фанни ўқув курси ҳажмидагина эмас, балки анча кенг ва чуқур билади. Ўз фани соҳасидаги кашфиётларни ҳамиша кузатиб боради. Ўқув

материалларини ўқувчиларга содда, қизиқарли ва тушунарли қилиб баён этади. Ўқув материалларини ўзгартира олади. Қийин ва мураккаб нарсани оддий ва тушунарли қилиб ўқувчиларга етказди. Уларнинг билим ва камолот даражаси, нимани билишлари ва нимани унутиб қўйганликларини тасаввур эттиради.

Касбий-педагогик соҳада эса бўлажак бошланғич синф ўқитувчиси болаларни, касбини севиши, улар билан ишлашга қизиқиши лозим. Шунингдек, у зийрак ва кузатувчан бўлиши ҳамда педагогик тасаввур, бунёдкорлик, ташкилотчилик, ҳаққонийлик, талабчанлик, қатъийлик, мақсадга интилиш каби хислатларга эга бўлиши керак. Бошланғич таълим ўқитувчиларидан билиш соҳасида кенг илмий салоҳият, маънавий эҳтиёж ва қизиқиш, янгиликни ҳис қила билиш педагогик маълумотни оширишга интилиш талаб этилади. Шундай экан, таълим-тарбиянинг муваффақиятли кечиши учун педагог ўз касбининг устаси, фидойиси бўлиши керак. Шу маънода бугунги ўқитувчидан юртимиз келажаги учун янгича фикрлайдиган, эртанги кунга янгича нигоҳ билан қарайдиган, замон билан ҳамнафас комил инсонни шакллантириш талаб этилади. Бундай маъсулиятли вазифани бажариш учун, аввало ўқитувчининг ўзи кенг билим ва юксак маҳоратга эга бўлмоғи лозим. Ўз устида тинимсиз ишлайдиган, изланувчан ўқитувчи бу синовдан муваффақиятли ўтиши шубҳасиз. Бугунги кун ўқитувчисига нисбатан қўйилаётган талаблар мазмуни йил сайин янгиланиб, замон талабларига мослашиб бормоқда. Шундай экан бугунги кунда тараккий топган жамиятда шакилланаётган бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларини таълим жараёнини ташкил этишга тўғри йўналиш бера олиш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Замонавий ўқитувчи таълимни қандай ташкил этиши керак:

- педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда ўқувчилар ўқув фаолиятини фаоллаштирувчи методларни қўллаши, ўқув машғулотларида педагогик ва ахборот технологияларининг сўнгги ютуқларини уйғунлаштириш малакасига эга бўлиши;
- таълим муассасаларида фанларини ўқитиш мазмунига мос равишда педагогик тизимни лойиҳалай олиши;
- таълим берадиган фанлар туркумини ривожлантириш истиқболларини очиб беришга қаратилган илмий изланишларни мунтазам амалга ошира олиши;
- таълим-тарбиявий фаолиятда жаҳоннинг ривожланган мамлакатларида педагогика ва психология соҳасида эришилаётган илғор тажрибаларни амалда модернизатсия қилган ҳолда қўллаши;
- Ўрта Осиё мутафаккирларининг бой маънавий меросларидан таълим-тарбиявий фаолиятда фойдаланиши;
- дарснинг барча турларида, машғулотларда замонавий ахборот технологиялари асосида ўқитиш методларидан фойдаланиши;

Замонавий ўқитувчи қиёфасидаги шахс педагогик-психологик жиҳатдан юксак тайёргарликка эга бўлиши учун, унда қуйидаги фазилатлар намоён бўлиши керак (сўз юритилаётган сифатлар моҳиятан ўқитувчи томонидан амалга оширилиши зарур болган вазифа, бурч ва масъулиятларни ифодалайди):

1. Ўқитувчи мамлакатимизнинг ижтимоий ва сиёсий ҳаётида рўй бераётган ўзгаришлар, олиб борилаётган ижтимоий ислохотлар моҳиятини чуқур англаб етиши ҳамда бу борада ўқувчиларга тўғри, асосли малумотларни бериши лозим.
2. Замонавий ўқитувчининг илм-фан, техника ва технология янгиликлари ва ютуқларидан хабардор бўлиши талаб этилади.

3. Ўқитувчи ўз мутахассислиги бўйича чуқур, пухта билимга эга бўлиши, ўз устида тинимсиз изланиши шарт.

4. Ўқитувчи педагогика ва психология фанлари асосларидан кўникма ва малакага эга бўлиши, таълим-тарбиявий фаолиятда ўқувчиларнинг ёш ва психологик хусусиятларини инобатга олган ҳолда ўз фаолиятини ташкил этиши зарур.

5. Ўқитувчи таълим-тарбиявий фаолиятда педагогик ва ахборот технологияларининг энг самарали шакл, метод ва воситаларидан унумли фойдалана олиш имкониятига эга бўлмоғи лозим.

6. Ўқитувчи ижодкор, ташаббускор ва ташкилотчилик қобилиятига эга бўлиши давр талабидир.

7. Ўқитувчи юксак даражадаги педагогик маҳорат, чунончи, коммуникатив лаёқатни, педагогик техника сирларини (нутқ, чехра, кўл- оёқ ва гавда ҳаракатлари, мимика, пантомимика, жест) чуқур ўзлаштириб олишга эришиши лозим.

Бўлажак бошланғич таълим ўқитувчиси педагогик-психологик мулоқот жараёнининг фаол иштирокчиси сифатида ўзида бир қатор сифатларни таркиб топишига эришиши зарур. Чунончи, у энг аввало, мулоҳазали, босиқ, вазиятни тўғри баҳолай оладиган, мавжуд зиддиятлари ўз ирода кучи билан баргараф этишнинг уддасидан чиқа олиши зарур. Ўқитувчи ўқувчилар, ота-оналар ҳамда ҳамкасблари билан мулоқот жараёнида фикрини аниқ ва тўла баён этилишига аҳамият қаратиши мақсадга мувофиқдир. Улар билан муносабат жараёнида сўзни салбий ҳолатлар ҳақидаги далилларни келтиришдан эмас, аксинча, ўқувчининг (ёки ҳамкасби, ота-оналар) муваффақиятларини эътироф этиши, уларнинг янада бойишига ишонч билдириши, у билан тиллаша олишига имкон беради. Мулоқот жараёнида ўқитувчининг сўзларидан суҳбатдошига нисбатан хайрихоҳлик, самимийлик, дўстона муносабат сезилиб туриши, шунингдек, имкон қадар кўтаринки кайфиятда бўлиши зарур.

Ўқитувчининг мазкур талабларга мувофиқ келувчи қиёфаси унинг ўқувчилар, ҳамкасблар ҳамда ота-оналар орасида обрў-эътибор қозонишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги қонуни. //Баркамол авлод- Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. -Т. Шарқ, 1997,]
3. Мавлонова Р.А., Тўраев О.Т., Хасанбоева О, Холиқбердиев- «Педагогика» Т., «Ўқитувчи » - 1998

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ МАЪНАВИЙ МЕРОСИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ МУҲИМ ТАЯНЧИ

*Мамажоновна К.А.- ўқитувчи,
Жиззах ДПИ*

Аннотация: В этом тезисе, основанном на воззрениях восточных мыслителей на совершенствование молодежи, была дана идея о методах формирования современной гармоничной личности через организацию воспитания и обучения сегодня.

Annotation: In this thesis, based on the views of Eastern thinkers on the improvement of youth, the idea was given about the methods of forming a modern harmonious personality through the organization of education and training today.

Бугунги кунда ёшларга таълим-тарбия беришда замонавийликка эътибор қаратиш, янгича фикрлашни ўргатиш, жаҳон стандартларига жавоб бера оладиган, инновацион педагогик технологиялар ва интерактив методлардан фойдаланиб таълим-тарбия бериш таълимнинг асосий вазифаларидан биридир. Бу яхши албатта, лекин, қўйилган вазифаларни амалга оширишда тарихни, мамлакатнинг турмуш тарзини, анъана ва урф-одатларни унутмаган ҳолда амалга ошириш энг тўғри йўл ҳисобланади.

Ўзбек ҳалқининг ёш авлодни ҳаётга тайёрлашда қўллаган усул ва воситалари, тадбир шакллари, ўзига хос урф-одати ва анъаналари, тарбия ғоялари ва ҳаётий тажрибаси йиллар давомида мукамаллашиб келди. Ҳали тарбия муассасалари бўлмаган даврдаёқ, қабила аъзоларининг болаларда меҳнатсеварлик, жанговорлик, ахлоқ-одоб, нафосат, дўстлик, меҳр – шафқатлилик, инсонпарварлик хислатларини шакллантириш ва ўстириш соҳасидаги ақл – идроки ва усуллари ўша даврдаги ҳаётий тажрибанинг меваси сифатида ижтимоий ҳаётга боғлиқ ҳолда шаклланди ва ривожланди.

Бола, асосан, оила муҳитида тарбияланиб, инсон сифатида шаклланади. Тарбия эса ҳаётнинг энг муҳим тергаги, яъни таянчи ҳисобланади. Ҳар бир болани шундай тарбиялаш лозимки, у, аввало, яхши ўқиши ва сўнгра эса, ёзишни ўрганиши билан энг юксак поғонага кўтарилсин.

Тарбиянинг асосий вазифаси–шахснинг ақлий, ахлоқий эркин фикрловчи ва жисмоний ривожланиш, унинг қобилиятларини ҳар томонлама очиш учун имконият яратишдир. Бунинг учун:

- ёшларни эркин фикрлашга тайёрлаш;
- ҳаёт мазмунини тушуниб олишга кўмаклашиш;
- ўзини ўзи идора ва назорат қила билишни шакллантириш;
- ўзининг шахсий турмушга мақсадли ёндашуви;
- уларда режа ва амал бирлиги ҳиссини уйғотиш;
- ўқувчиларни миллий, умуминсоний қадриятлар ва ватанимизнинг бой маънавий мероси билан таништириш;

- маданий ҳамда дунёвий билимларни эгаллашга бўлган талабларни шакллантириш - малака ҳосил қилдириш, тобора ўстириб-бойитиб бориш ва эстетик тушунчаларни шакллантириш;

- ҳар бир ўсмирнинг билимдонлигини ва ижодий имкониятларини аниқлаб, уларни ривожлантириш керак.

Болалар ижодини, иқтидорини юзага чиқариш ва янада қўллаб-қувватлаш учун доимо шарт-шароитлар яратиб берилмоғи лозим.

Ўқувчи ёшларимизга таълим-тарбия беришда шарқ мутафаккирларининг дуру-жавҳарга тенг маънавий меросларидан фойдаланишни энг тўғри усул деб ҳисоблаш мумкин.

Ўрта Шарқ ҳамда Ўрта Осиё халқларининг муқаддас китоби “Авесто”да болалар камолотида меҳнатнинг ва касб-ҳунарнинг аҳамияти тўғрисида ғоят қизиқ манбалар

мавжуд. “Авесто”да инсон меҳнати моддий ноз-нематларни яратиш манбаи бўлганлиги учунгина меҳнат қилишга даъват этилмоқда. Бунда меҳнат ахлоқий тарбиянинг асосий воситасидир. Эзгулик яратиш учун киши меҳнат қилиши, ўз кўллари билан моддий бойлик яратиши зарурдир дейилади. Тарбия меҳнат фаолияти жараёнида амалга ошириб келинган вақтларида, одамлар мазкур қоидаларга амал қилиб келишган.

Абу Наср Фаробий, Ахмад Яссавий, Бахоуддин Нақшбандий, Имом ал-Бухорий, Абу Райхон Беруний, Абу Али ибн Сино, Ал-Хоразмий, Ал-Фарғоний, Фирдавсий, Амир Темур, Навоий ва Бобур сингари жаҳонга таниқли ва шулар сингари бошқа ақл эгаларининг ижтимоий-сиёсий, фалсафий таълимотларига таяниб иш кўрилса тарбия таъсирчанлиги янада мукамаллик касб этади.

«Фозил одамлар шаҳри», «Бахт ва саодатга эришув тўғрисида», «Илмнинг келиб чиқиши», «Ақл маънолари тўғрисида» каби асарларида меҳнат қилиш асосида ижтимоий-тарбиявий қарашлари ўз ифодасини топган.

Фаробий таълим-тарбиясининг асосий вазифаси жамиятнинг талабларига жавоб бера оладиган шу жамият учун хизмат қиладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат деб билади. У таълим ва тарбияга учинчи бўлиб таъриф берган олим.

Таълим деган сўз инсонга ўқитиш, тушунтириш асосида назарий билим бериш; тарбия-илмининг назарий фазилатини маълум хунарни эгаллаш учун зарур бўлган хулқ нормаларини ва амалий малакаларини ўргатишдир, дейди олим. Фаробий фикрича, ер юзида фақат инсон билиш қобилиятига эга. Ҳақиқатни билиш эса, инсоннинг табиий ривожланиш ҳолатидан биридир, дейди.

Шарқда машҳур бўлган алломалардан бири Абу Али Ибн Сино болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълим-тарбияда қуйидаги тамойилларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди.

- ёшларга таълим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- таълимда онсондан мураккабга бориш орқали билим бериш;
- олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- жамоа бўлиб мактабда ўқишга эътибор бериш;
- билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Юқоридаги масалаларга Ибн Сино ўзининг «Тадбири манзил» асарининг «Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш» бўлимида тўхталиб, таълим-тарбия жараёнини олиб боради.

Ўқувчиларга билим бериш ўқитувчининг асосий бурчидир. Шунга кўра, Ибн Сино ўқитувчи қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритиб, шундай йўл-йўриқлар беради:

- болалар билан муомала босиқ ва жиддий бўлиш;
- берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли усуллардан фойдаланиш;
- фанга қизиқтира олиш;
- бераётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;
- билимларни талабаларнинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;
- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини даражасида бўлишига эришиш зарур.

Ибн Сино болани мактабда ўқитиш ва тарбиялашга катта аҳамият берган. У ўзининг “Тадбир ул-манозил” асарида болани мактабда ўқитилиши ва тарбияланиши ҳамма болалар учун тегишли эканлигини таъкидлаган. Ибн Синонинг қимматли

фикрларидан бири шундан иборатки, у тарбия масалаларига бағишланган асарларида ўқитувчининг ролига катта эътибор билан қараган, тарбиячи танлаш муҳим масала деб ҳисоблаган. У бола 6 ёшга тўлиши билан уни ўқитувчининг тарбиясига беришни тавсия қилади.

Бундан ташқари, Ибн Сино таълим-тарбия жараёнида оиланинг муҳим роль ўйнашини таъкидлаган. Оила тарбиясида ота-оналар амалий ҳамда назарий иштирокчи эканлигини яхши билишлари зарур.

Буюк мутафаккирларнинг фикрича, тарбиячи болалар билан муомалада босиқ бўлиши, ўқувчилар таълимни қандай ўзлаштираётганини кузатиб бориши, ўқитиши ва тарбия жараёнида ҳар хил усулларни қўллаши, ўқувчининг хотираси ва бошқа ақлий қобилиятини билиши, болаларни тарбиялашда тегишли жазо чораларини қўллаши, уларни фанга қизиқтириши, аниқ адабий тилда тушунтириши болаларда ҳиссиёт уйғотадиган бўлиши зарур.

Шарқ мутафаккирларимизнинг бебаҳо дуру-жавоҳирларидан фойдаланиб таълим-тарбияни тўғри олиб бориш орқали ёш авлодни ташаббускорлик, ташкилотчилик, меҳнатга ижодий ёндашиш, жамоа манфаатларини ўз манфаатидан устун қўйиш сингари ахлоқий сифатлари шакллантириб борилади ва уларни комил инсон қилиб вояга етказишда хизмат қилади. Зеро, Ватан равнақи ва келажаги баркамол ёшлар қўлидадир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. О.Хасанбоева Ж.Хасанбоев, Ҳ.Ҳомидов “Педагогика тарихи” – “Ғафур Ғулом” нашриёти-матбаа ижодий уйи. -Т.: 2004 й. 415 б.
2. У.Д.Муродова Тарбия-ҳаётнинг муҳим тергаги. “Мактаб ва ҳаёт” илмий-методик журнал. 2010 йил №5(73)-сон. 18-бет.

NUTQNI ANIQLASH VA SINTEZLASH TIZIMLARI TAHLILI.

***Eshonqulov SH.U.- o'qituvchi
Eshonqulova SH.E- o'qituvchi
Jizzax PI***


Аннотация: Распознавание речи относится к информации, которая вводится в компьютер с помощью человеческого голоса, в то время как компьютер слушает ее и идентифицирует речь.

Annotation: Speech recognition refers to information that is entered into a computer by means of human voice, while a computer listens to it and identifies speech.

O‘tmishda sintezlangan nutq mexanik nutqning taralishi sifatida qabul qilinardi. Biroq yarim o‘tkazgich va SRIB (signallarga raqamli ishlov berish) texnologiyalari sohasidagi rivojlanish nutqni odam nutqidani farqlab bo‘lmaydigan darajadagi sifatga erishishni imkonini berdi.

Odam nutqi juda ko‘p ortiqcha axborotga ega. Odatda faqatgina nutqning muhim intonatsiya, aksent va dialect kabi zarur xarakteristikalarni saqlab qolish uchun, xotirada o‘rta o‘lchamdagi yuqori sifatli tovushlarning to‘liq daqiqalarini ushlab qolish imkonini bergan holda axborotlarni qoldiradi.


Davriy qo'zg'alish ovozi tovushlarning generatsiyasi uchun ishlatiladi (masalan, unli) va havo oqimini vibratsiyalanadigan ovozi bog'lamalar orqali namoyish etadi. Tasodifiy qo'zg'alish ovozsiz tovushlar uchun ishlatiladi (C SH kabi) va nutq kanalida havoning to'siqlar orqali itarilganida hosil bo'ladigan shovqinlarni o'zida namoyon etadi



1-rasm. Nutqni sintezlash sxemasi

Nutqni sintezlashning turli hil usullari mavjud bo'lib, har birining o'ziga yarasha cheklovlari mavjud. Ishlatilish sohasi hamda murakkabligiga qarab, guruhlariga ajratiladi. Sintezatorlar ikki turga bo'linadi: chegaralangan va chegaralanmagan lug'at asosida. Chegaralangan lug'at asosidagi sintezatorlarda nutqlar so'zlar va gaplar ko'rinishida oldindan yozib qo'yiladi. Bu yozib qo'yilganlar sintez vaqtida ketma ket chiqariladi. Ushbu turdagi sintezatorlarda nutq birliklari oldindan yozib raqamli ko'rinishga o'g'irilgan holda turli hil usullar bilan kodlanib, hotirada saqlanadi.

Ovozni aniqlash haligacha faol o'rganilmoqda, chunki qo'yilgan masalalar nutq sintezida paydo bo'ladiganlaridan ko'ra ancha murakkabroq. Shuning uchun nutqni aniqlashning hozirdagi muvaffaqiyatli tizimlari ko'p sonli emas va kam uchraydi. Ular orasida eng muvaffaqiyatlisi lug'atlarda so'zlarni aniqlash tizimlari bo'lib chiqdi. Bunday tizimlar ikki rejimdan birida ishlaydi. O'qitish rejimida foydalanuvchi o'zini yoki o'zining ovozi aniqlanishi kerak bo'lgan so'zlarni mikrofoniga gapirgan holda tizimni o'qitadi. Tizim har bir so'zni xotirada saqlagan holda raqamlaydi va etalon yaratadi. Aniqlash rejimida har bir aytilgan so'z qayta raqamlanadi va uning etaloni xotiradagi etalon bilan taqqoslanadi. Agar ular mos kelsa, demak, so'z aniqlandi, va tizim bu haqida foydalanuvchiga xabar beradi yoki qandaydir harakatni bajaradi. Bunday tizimlarning ishi gapiruvchi har bir so'z oldidan yetarlicha uzun pauza qilishiga, qandaydir shovqinli fonning bor yo'qligiga va so'zlar qanchalik aniq va tiniq aytilishiga bog'liq. Aniqlashdagi SRIB ning ikki eng asosiy operatsiyalari aytilgan so'zlardan alohida na'munalarni hosil qilish va etalonlar yaratilishida parametrlarning olinishi, va etalonlar xotirada saqlangan yozuvlar bilan taqqoslaganda na'munalardan ajratib olish hisoblanadi.



2-rasm. Nutqni aniqlash blok-sxemasi

Ko‘pchilik odamlar uchun suhbat – bu muloqotning eng tabiiy ko‘rinishi, axir gapirish yozish va bosmalashdan ko‘ra ancha tez. Shuning uchun hozirda ofislarda dasturlarni tugmalarni bosish bilan emas, buyruqlarni aytish bilan boshqarish imkonini beradigan tizimlar yaratilgan. Xat va xizmat yozuvlari singari oddiy ofis hujjatlarini ovoz yordamida yaratish va yuborish imkonini beradigan tizimlar ustida ish olib borilmoqda. So‘zlarni aniqlash tizimlari nutq boshqaruvli telefon raqamlarini terish tizimlari, va harakat qobiliyati cheklangan nogironlar uchun ovoz bilan boshqariladigan uy predmetlari kabi keng qo‘llaniladigan tovarlarda ishlatish mumkin. Bu bunday odamlarni ancha mustaqil qiladi, mustaqil ravishda, masalan, chiroqni, televizor yoki radioni yoqish yoki o‘chirish kabi ayrim oddiy harakatlarni bajarish imkonini beradi.

Albatta, nutqni aniqlash yanada ko‘p qo‘llaniladigan joylar mavjud. Biroq, bu sohaning keyingi rivojlanishi sun‘iy intellekt texnologiyalariga bog‘liq, chunki mashinalar nafaqat odam nutqini aniqlashi, balki uni tushunishi ham kerak.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. D.Ferrailo, D.R. Kuhn, “Role based access control” 15- NCS Konferensiyasidan NIST 1992.
2. Zuo Chen, Qiuwei Yang, “Privacy Preservation in Role-based Access Control Model” Journal of networks 2011. № 1-2 b.
3. D.Ferrailo, Ravi Sandhu, “Proposed NIST Standard for Role-Based Access Control” //ACM Transactions on Information and System Security, 2001. №224-274 b.
4. Lang Zhao, “ Role-based Access Control Security Model for Workflow Management System in an E-healthcare Enterprise” 2008

OLIV TA‘LIM TALABALARINING AXLOQIY - MA‘NAVIYATINI SHAKLLANTIRISHDA I.A.KARIMOV ASARLARIDAN FOYDALANISH

Ablyakimova R.I o‘qituvchi
Quvvatova N.tadqiqotci.
Jizzax DPI

Аннотация: Этика может меняться, развиваться или останавливаться в определенном обществе и периоде. Помимо этики каждой нации, существуют универсальные моральные нормы, которые влияют на развитие общества.

Annotation: Ethics can change, develop or stop in a certain society and period. In addition to the ethics of each nation, there are universal moral standards that affect the development of society.

“Odamning qalbid a ikkita kuch-bunyodkorlik va vayronkorlik hamisha kurashadi. Inson tabiatdagi insoniylikdan ko`ra yahshiylik instinktlari xatti-harakatlarni qo`zg`otish osonroqdir”

I.A.Karimov

Axloq-kishilarning bir-birlariga, oilaga, jamiyatga bo`lgan munosabatlarida namoyon bo`ladigan xatti-harakatlari, xulq-atvorlari majmui. Huquqdan farqli ravishda axloq talablarini bajarish-bajarmaslik ma`naviy ta`sir ko`rsatish shakllari jamoatchilik tomonidan baho berish, qilingan ishni ma`qullash yoki qoralash bilan belgilanadi. Axloqni etika fani o`rgatadi. Insoniyat taraqqiyotida axloq muhim o`rin tutadi. Sharqning buyuk mutaffakirlari insonni axloqiy kamol toptirish, uni har tomonlama rivojlantirish, ma`naviy qiyofasini shakllantirish jamiyat taraqqiyotining muhim omillarining biri deb qarashgan. Axloqsiz inson ma`naviyatli inson bo`la olmaydi.

Inson axloqi umuman, ma`naviy va ma`rifiy jihatdan kamol topishi jarayonida turli tarixiy bosqichlardan-johillik, nodonlikdan ilmga, yovuzlikdan ezgulikka, vahshiylikdan insoniylikka o`tar ekan jamiyat ham shu tariqa rivojlanadi. Ikki muqobil ibtido-yovuzlik va ezgulik jaholat va kamolotning o`zaro kurashi inson jamiyat taraqqiyotini belgilagan. Inson aql-zakovati sohibi sifatida o`zini anglashga olib kelgan. Bu ikki muqobil kuch kurashi inson va jamiyat taraqqiyotining ijtimoiy munosabatlarida ifodalansa, insonga nisbatan uning ichki olamiga xos nafs bilan qalb, aql va aqlsizlik o`rtasidagi kurashda ifodalaniladi. Axloq-muayyan jamiyat va davrda o`zgarishlarga uchrashi, rivojlanishi yoki so`nishi mumkin. Har bir xalqning yoki millatning o`ziga xos axloqi bilan bir qatorda umumbashariy axloq me`yorlari ham bor bo`lib ular ham taraqqiyotga ta`sir ko`rsatadi.

Ma`naviyatni anglash-o`zlikni anglash demakdir. Hamma axloqli kishi ma`naviyatli bo`ladi degani emas. Hozirgi talabalar oliy ta`lim talabasi bo`ldim, demak men ham pedagog bo`ldim deb o`ylashadi, lekin hali pedagog bo`lish uchun dovonlardan oshib o`tish, o`z kasbining yetuk mutaxasisi bo`lishi kerakligini eslaridan chiqarib qo`yishadi. Biroq otanonalar, ustozlar so`zlariga quloq solishni, uni o`z o`rnida bajarishni o`rganishlari, ularga hurmat-ehtirom bilan munosabatda bo`lishlari kerakligini unutmaslik zarur.

Mamlakatimizda barkamol avlodni shakllantirish, yoshlarni ma`naviy-axloqiy va jismonan sog`lom etib tarbiyalash, ularni olib borilayotgan islohatlarning faol ishtirokchisiga aylantirishga qaratilgan chora-tadbirlar izchil amalga oshirilmoqda. Shundan kelib chiqqan holda zamonaviy oliy ta`lim muassasalari hamda nufuzli xorijiy universitetlarning filiallari tashkil etilmoqda, yoshlarning bandligini ta`minlash va ularni tadbirkorlik faoliyatiga keng jalb etish bo`yicha ishlarni mutlaqo yangi tizim asosida tashkil etish amalga oshirilmoqda. Shu o`rinda “Yoshlar-kelajagimiz” Davlat dasturi qabul qilindi. Yoshlar bilan doimiy muloqot qilish mazkur sohadagi muamolarni aniqlash va hal etishda davlat o`rganlari va jamoat tashkilotlari faoliyatining ajralmas qismidir. Yoshlarning ongiga axloqiy ma`naviyatni shakllantirish, ularni xurmat ruhida tarbiyalash muhimdir. Oliy ta`lim talabalarining axloqiy ma`naviyatini shakllanganligini bilib olishda quyidagilarni keltirishimiz mumkin:

- o`qituvchilarga, ustozlariga qo`pollik qilmasligi;
- mashg`ulotlar vaqtida asossiz gapirmaslik;
- o`qituvchilar bilan boshqalarning bahosini muhokama qilmaslik;

- xodimlar va o'z o'rtog'lariga hurmatsizlik qilmaslik;
- mashg'ulotni otkazib yuborish yoki kechikib kelmasligi;

Mana bu qoidalarda rioya qilgan talabalar tartib-intizomli, axloqli talabalar hisoblanadi. Bunday talabalarni rag'batlantirish yo'lga qo'yilgan. Talabalar o'rtasida o'zaro ahillik, hurmat, mehnatsevarlik, bag'rikenglik, insonparvarlik va adolat tamoyillari bo'lsa bu ularning axloqli va ma'naviyatli ekanligidan dalolat. Talabalarning iste'dodlarini yuzaga chiqarish, iqtidorli talabalarni izlash, ularga yordam berishda "Yoshlar ittifoqi" ning ham ahamiyati katta.

Yoshlarni ma'naviy-axloqiy va jismoniy barkamol etib tarbiyalash, ularga ta'lim-tarbiya berish tizimini sifat jihatdan yangi bosqichga ko'tarish bo'yicha kompleks chora-tadbirlar dasturi ishlab chiqildi. Oliy ta'lim bu- bog'cha, maktablarda, kollej (litsey) va oliy ta'lim ma'naviy kamolotga yetgan davr hayot ostonasiga bir qadam mas'uliyatli yo'l demakdir. Ma'naviyatni shakllantirish uchun talabalarda ma'naviyatni, axloqni nima ekanligi haqida o'rgatiladi.

Axloqni o'rganish avvalo oiladan boshlanadi. Ota-ona tarbiyasidan kattaga hurmat, kichikka izzatda bo'lishni, kattalarga salom berishni o'rgatishgan. Bu axloqning boshlanish davri hisoblanadi. Ota-ona o'z dunyoqarashidan kelib chiqqan holda bolani tarbiyalaydi, bu tarbiya bolada butun umr qoladi. Ularning ma'naviyati qanchalik yaxshi shakllangan bo'lsa, farzandi ham shunchalik ma'naviyatli bo'ladi. Maktab ostonasiga qadam qo'yib, ta'lim olish jarayonida ma'naviyat, axloqiy ma'naviyat haqida ko'pgina bilimlarni egallaydi.

Oliy ta'limda qanday tartib-qoidalar bo'lsa unga amal qilinishi shart. Bularga dars boshlanishidan 10 minut oldin kelishni, darsda beyjik taqib o'tirishni, o'ng qo'l qoidalariga rioya qilishni, o'qituvchilarga hurmat bilan munosabatda bo'lish, salom berish kabilarni misol qilib olishimiz mumkin. Oliy va davlat ta'lim muassasalarida talaba va o'quvchilarning axloqiy ma'naviyat va madaniyatini shakllantirish uchun har hafta payshanba kuniga "Tarbiyaviy soat" darslari qo'yilgan. Albatta bu shart-sharoitlarning barchasi yoshlarimizning ongini yanada rivojlantirish, vatanga muhabbat va milliy iftixor ruxida tarbiyalashdir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I.A. Karimovning "Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch" asari.
2. I.A. Karimovning "Ma'naviy olamni asrash qayg'usi" asari.
www.ziyonet.uz rasmiy sayti
www.gazeta.uz rasmiy sayti

ЖАМОАНИ БОШҚАРИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ҒОЯЛАРИДАН ҒОЙДАЛАНИШ

***Шарафитдинов А-магистрант,
Қўшоқов Ф.Ф. магистрант,
Жиззах ДПИ .***

Аннотация: Каждому обществу нужны конкретные научно-теоретические знания и опыт в управлении. В этой статье обсуждаются различные взгляды восточных мыслителей в управлении команды. Мы считаем, что даже современный лидер может извлечь пользу из изучения знаний и опыта наших ученых в области управления.

***Annotation:** Every society needs a specific scientific-theoretical knowledge and experience in management. This article discusses the different views of Eastern thinkers in team management. We think that even a modern day leader can benefit from the knowledge and experience that our scholars have written.*

Юртимиз ҳар бир соҳада ўзгаришларга юз тутмоқда. Республикамиз президенти Ш. М. Мирзиёев томонидан: “Мамлакатимизни 2016 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий яқунлари ва 2017 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишлари”га бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг кенгайтирилган мажлисидаги маърузаларида куйидаги фикрлар айтиб ўтилган эди: “Жадал ва барқарор ривожланишга қаратилган бу сиёсат бундан кейин ҳам сўзсиз давом эттирилади. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбарни - бу Бош вазир ёки унинг ўринбосарлари бўладими, ҳукумат аъзоси ёки ҳудудлар ҳокими бўладими, улар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиб қолиши керак”.

Шундан кўришиб турибдики, бугунги кунда жамоани бошқаришда раҳбарнинг ўз бошқарув услуби асосида ўрнатилган қондалар, жамоа орқали олиб борилаётган ишнинг самарадорлигига таъсир ўтказиб келмоқда. Бошқарувдаги инсон нафақат ишнинг юқори даражада ташкиллаштирилганлигини, балки қўл остидаги ходимларнинг бири-бири билан муносабатини ўз мулоқот усуллари билан аниқлаштириб бориши керак. Бошқарув жараёни ўзига хос ёндошувни талаб этади. Бошқарувчи қайси тизимда бўлмасин у жамоа билан ишлайди. Хўш, жамоа ўзи нима?

Жамоа - ижтимоий аҳамиятга эга, умумий мақсад асосида ташкил топган гуруҳ демакдир. Жамоани ташкиллаштиришда тўртта муҳим хусусиятга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1. Раҳбар ходим ўз қўл остидагиларга ўз талабини, мажбурият ва вазифаларини кўяди.
2. Жамоа фаоллари томонидан - жамоа аъзолари олдида, қилинаётган фаолиятга, эришилаётган натижаларга нисбатан фикр мулоҳазалари ва маълум талаблари кўйилади.
3. Жамоа ўзининг ҳар бир аъзосидан муайян тарздаги фаолиятни олиб боришни талаб қилади.
4. Жамоанинг ҳар бир аъзоси ўз олдида турган вазифаларга, мустақил равишда ўз - ўзига талаб кўяди.

Мана шу талаблар асосида жамоа шаклланиб боради. Жамиятимиз тараққиёти илгарилаб, дунёқарашимиз ўсиб бораётган муҳитда бошқарувчи шахси ўзини ҳар томонлама номоён эта билиши, наъмуна кўрсата олиши зарур.

Қадимий манбаларимиздан бири ҳисобланган Авестода ҳам жамоа бошқаруви ҳақида жуда мулоҳазали фикрлар баён этилади. Унда инсон ҳаёти ва одамлар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, адолатпарварлик ғояларига, ахлоқийлик тамойилларига таянилганлиги айтилади. Жамоада берилган сўздан воз кечиш, одамлар ўртасида тузилган аҳдногани бузиш катта гуноҳ ҳисобланган. “О Спитама, шартномани бузувчи киши бутун мамлакатни бузади”, - деб Авестода қайд этилиб ўтилган. Жамоа бошқарувида ўзаро ҳурмат, ҳалоллик, адолатли бўлиш ахлоқий бурч ҳисобланган.

Жамоа бошқарувига тарихан назар ташлайдиган бўлсак, шарқ мутафаккирларининг бу борадаги қарашлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Чунки,

азал-азалдан жамоа бошқарувига ота-боболаримиз алоҳида эътибор қаратиб келган. Жумладан, Хоразмий, Фарғоний, Фаробий, Ибн Сино, Беруний, Улуғбек каби буюк мутафаккирларимиз давлат ва жамоа бошқарувининг назарий негизларини адолат, ахлоқ ва инсонпарварлик тамойилларида шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини ўз асарларида ёзиб қолдиришган.

Беруний ўзининг “Ҳиндистон”, “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”, - каби асарларида жамоа бошқарувида ижтимоий адолатни таъминлаш зарурлигини, жамоани маърифатли инсонлар бошқариши лозимлигини уқтиради.

“Шарқ Аристотели” номини олган қомусий олим Абу Наср Фаробий 160 дан ортиқ асар яратган. У ўзининг “Фазилатли хулқлар”, “Фозил одамлар шахри”, - каби бир қанча асарларида жамоа бошқаруви ва жамоага хос бўлган сифатларга алоҳида тўхталиб ўтган. Билимли, ахлоқли инсон ҳар бир ишга пок виждон билан ёндошишини айтиб ўтади.

Жамоа ва унинг бошқарувига дахлдор масалалар Юсуф Хос Ҳожиб ижодида ҳам катта ўрин тутган. У ўзининг “Қутадғу билиг” асарида жамоани бошқариш амаллари, қоидалари ва ижтимоий - ахлоқий муносабатларни жамиятда қарор топтиришга қаратилган қарашлари билан эътиборлидир. У давлат ва жамоа бошқаруви хизматини ташкил этиш турларини ҳамда шу даражаларга мувофиқ сифатларини ҳам таснифлайди. Жумладан, “Шоҳликка даъвогарлар онадан ажиб бир истеъдод билан туғилдилар ва улар дарҳол яхши-ёмонни ажратиш фитратига эга бўладилар. Бундайларга Худо идрок, фаросат ва юмшоқ бир кўнгил ато этади, қолаверса яхши иш юритиш уқуви билан ҳам сийлайди”, - деб кўрсатган. Айни пайтда, у жамиятда илмий ва маданий салоҳиятни адолатли давлат асосларини яратувчи омил деб билган. Масалан, зиёлилар тўғрисида шундай дейди: “Ҳақиқий зиёли ҳақиқат таянчи бўлади. Агарки оламда донишлар бўлмаганда, ерда ризқ-рўз унмас эди. Уларнинг зиёси халқ йўлини ёритувчи машъалдир”. Шундай қилиб, ҳар қандай бошқарув адолатга, илмга, ва юксак ахлоқ таянган ҳолда олиб борилиши зарур.

Тиббиёт илмининг асосчиси ҳисобланган Ибн Сино жамият аҳолисини:

- 1) Бошқарувчилар - маъмурий ишлар билан шуғулланувчилар,
- 2) Меҳнаткашлар - ишлаб чиқарувчилар,
- 3) Ҳарбийлар - жангчиларга ажратади.

Унинг фикрича, давлатсиз қонун-қоидалар бўлмайди. Ибн Сино табиий-илмий ва ижтимоий-фалсафий фикрларнинг буюк намоёндаси, тиббиёт, фалсафа, ижтимоий-сиёсий, ахлоқий таълимот тарихига улкан ҳисса қўшган мутафаккирдир. Унинг “Ишорат ва танбихот”, “Рисолат-у тадбири манзил”, - каби асарлари бевосита давлат ва жамоа бошқарувининг адолатпарвар ва ахлоқий асосларига бағишланади. Ибн Сино жамоани бошқаришда бошқарувчи ўз манфаатларини устун қўйиши норозиликка олиб келишини, ҳар бир қилинаётган иш жамоа манфаатларига мос келиши зарурлигини таъкидлаб ўтади.

Мирзо Улуғбек, Фарғоний, Хоразмий, Маҳмуд Хўжандий, Ҳамид Найсабурий каби шарқ алломаларининг тарихий меъросининг инсон свилизациясидаги ўрни беқиёс бўлиб келмоқда. Уларнинг ижодий мероси инсонни комилликка етаклайди. Дунёқараши кенгайиб, фикр-у мулоҳазаси теранлашади, ўзлигини англаб ўзини ва атрофдагиларни бошқаришни, назорат қилишни ўрганади. Хусусан, шарқ мутафаккирларининг бошқарув борасида билдириб ўтган эзгу ғояларига таянадиган бўлсак, аввало жамоа бошқарувчиси, бугунги замонавий тилда айтиладиган раҳбар

ходим - юксак зеҳн ва илм соҳиби бўлиши, ўз манфаатларини жамоа манфаатларидан устун қўймаслиги, чин инсоний ва ахлоқий фазилатларга эга бўлиши лозим.

Жамиятнинг ҳар қайси бўғинидаги раҳбар аввало ўз вазифа ва мажбуриятларини ахлоқий меъёрларга таянган ҳолда олиб боришини, шарқ мутафаккирларимизнинг билдирган фикрларини ҳам эътибордан четда қолдирмасдан, жамоа бошқарувидаги билимларини доимий тарзда юксалтириб боришни тавсия этган бўлардик. Ҳар қайси соҳада аждодларимиз илмий-ижодий меросини ўрганиб борсак, ўз фаолиятимизнинг чуқур билимдони бўлиб бораверамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш. М. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик - ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. Ўзбекистон. - Т.: 2017, 104 б
2. Н. Х. Раҳмонқулова, К. О. Матназарова. Педагогика назарияси ва тарихи. - Т.: 2010.
3. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. –Т.: А. Қодирий нашриёти, 1993.
4. А. Қ. Мунавваров. Педагогика. –Т.: Ўқитувчи, 1996.
5. В. Каримова. Ижтимоий психология ва ижтимоий амалиёт. – Т.: 1999.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ – ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Джўраева У. магистрант,
Жиззах ПИ*

Аннотация: В этой статье изложены о развитии место и роль непрерывных педагогической практики с использованием произведений восточных меслителей в процессе современном обучении и воспитании .

Annotation: This article describes the development of the place and role of continuous pedagogical practice using the works of Eastern mesliteli in the process of modern training and education.

Давлат ва жамият – узликсиз педагогик амалиёт жараёни олдида давлат ва ижтимоий буюртмаларни қўйиш ва уларни амалга ошириш учун зарур бўлган моддийтехника базасини яхшилаш баробарида, кадрлар тайёрлаш тизимининг фаолиятини тартибга солиш ва назорат қилиш, аттестация ва аккредитациядан ўтказиш, эҳтиёжга мувофиқ кадрлар тайёрлаш ва уларни иш билан таъминлашни амалга оширади.

Узлуксиз педагогик амалиёт жараёнининг дастлабки тури мактабгача таълимда баркамол шахсни вояга етказишга замин тайёрлайдиган шарқ мутафаккирларнинг ёш авлоднинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланиши таъминланмоқда, уларда Ватанга муҳаббат, таҳсил олишга интилиш ҳиссини уйғотиш орқали оламни таниш, дунёқарашини шакллантириш борасида изчил ва мунтазам таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш йўлга қўйилган. Мактабгача таълимнинг асосий вазифасини амалга

оширишда давлат ва нодавлат мактабгача тарбия болалар муассасалари, оилалар, маҳаллалар, жамоат ва хайрия ташкилотлари, халқаро фондларнинг ўрни бекиёс.

Узлуксиз педагогик амалиёт жараёнида фаолият кўрсатиш тамойиллари куйидагилардан иборат:

1. Таълимнинг устуворлиги - унинг ривожланишининг биринчи даражали аҳамиятга эга эканлиги, билим, таълим ва юксак интеллектнинг нуфузи:

2. Таълимнинг инсонпарварлиги - инсон қобилиятларининг очилиши ва унинг таълимга нисбатан бўлган турли-туман эҳтиёжларининг қондирилиши, миллий ва умумбашарий қадриятлар устуворлигининг таъминланиши, инсон, жамият ва атроф-муҳит ўзаро муносабатларининг уйғунлашуви;

3. Таълимнинг ижтимоийлашуви - таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрларни шакллантириш ;

4. Таълимнинг миллий йўналтирилганлиги - таълимнинг миллий тарих, халқ анъаналари ва урф-одатлари билан узвий уйғунлиги, Ўзбекистон халқларининг маданиятини сақлаб қолиш ва бойитиш, таълимни миллий тараққиётининг ўта муҳим омили сифатида эътироф этиш, бошқа халқларнинг тарихи ва маданиятини ҳурматлаш;

5. Таълим ва тарбиянинг узвий боғлиқлиги, бу жараённинг ҳар томонлама камол топган инсонни шакллантиришга йўналтирилганлиги;

6. Педагогик амалиёт Ўқув-тарбиявий жараённинг мақсади болаларда умумий компетенциялар ва ривожланиш соҳалари компетенцияларини шакллантириш учун тегишли шароитлар яратишдан иборатдир.

7. Бола ҳуқуқлари, ўзига хос ривожланиш хусусият ва салоҳиятларини ҳисобга олиш;

8. Таълим жараёнида барча турдаги ривожланиш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги;

9. Бола саломатлигини асраш ва мустаҳкамлаш, унинг эҳтиёжлари, шу жумладан, унинг ҳаракатланиш эҳтиёжларини қондириш;

10. Боланинг ижодий қобилиятларини қўллаб-қувватлаш;

11. Ўйин орқали таълим бериш ва ривожлантириш;

12. Боланинг ривожланиши ва ижтимоий мослашиши учун қулай муҳит яратиш;

13. Бола учун хавфсиз муҳитни таъминлаш;

14. Мактабгача таълим муассасасининг оила, маҳалла ва мактаб билан ҳамкорлиги; миллий маданий анъаналар қадриятини ошириш ва бошқа миллатлар маданиятига ҳурмат, бошқа миллатлар маданиятининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш;

15. Узлуксиз педагогик амалиётнинг вазифалари. Шарқ мутафаккирларнинг асарларидан фойдаланиб назарий билимларини чуқурлаштириш, мустаҳкамлаш ва бу билимларни болалар билан олиб бориладиган таълим-тарбиявий ишлар амалиётида тадбиқ этишни ўргатиш;

16. Мактабгача таълим муассаса болалар ва ўсмирлар билан олиб бориладиган ўқув-тарбиявий ишларни кузатиш ва анализ қилишни ўрганиш билан қуроллантириш;

17. Тарбиячи ҳамда болалар ва ўсмирлар физиологияси бўйича олган билимларга таянган ҳолда талабаларни болаларнинг ёшига қараб ва индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ўқув-тарбия ишларини олиб боришга ўргатиш;

18. Тарбиячиларнинг вазифасини бажаришга, болалар жамоаси, болалар оромгоҳида ҳамда болалар билан индивидуал тарбиявий ишларни олиб боришга ўргатиш;

19. Узликсиз педагогик амалиёт жараёнининг фаолият олиб бориши давлат таълим стандартлари асосида, турли даражалардаги таълим дастурларнинг изчиллиги асосида таъминланади;

20. Узлуксиз таълимни ривожлантиришда тарбия масалаларига ҳам катта эътибор қаратиш лозим;

Ёшларни тарбиялашда биз учун кадрли бўлган миллий урф-одатларимиз, анъаналаримиз, ўчмас меросимизга меҳр-муҳаббат уларга содиклик руҳини шакллантира олсак ҳар биримиз учун ижобий натижа бажараётган ишларимизнинг маҳсули эканлиги билинади. Бунинг учун, аввало, миллий ғурур, миллий онг, миллий ғоя, маънавият, юксак маданият эгаси каби тушунчаларни ёшларнинг онгига сингдиришимиз лозим. Чунки тарихни билмасдан, ўрганмасдан ундан руҳий, маънавий озуқа олмасдан туриб, келажакни, келажакдаги орзу умидларга эришиб бўлмайди.

Шу билан бирга ўқитишнинг, таълим-тарбиянинг замонавий қонуниятлари, мазмуни, усуллари, воситалари билан кишиларни, ёшларни, мутахассисларни қуроллантириш зарур.

Тарбия жамиятнинг вазифаси бўлиб, у фақат ишлаб чиқариш муносабатлари таъсирида эмас, балки турли тарихий даврларда илгари суриладиган у ёки бу тарбия назариясининг ғоялари таъсирида аниқ шаклга эга бўлади, шунинг учун ҳам кўп жихатдан маърифатчи ва педагоглар фаолиятининг натижасини ифодалайди. Агар тарбия алоҳида мустақил вазифа сифатида кишилик жамияти пайдо бўлиши билан бирга таркиб топган бўлса, таълим назарияси фан сифатида бир мунча кейинроқ шаклланган.

Тарбия жамият ҳаётида сезиларли рол ўйнайди. Жамиятда тарбия жараёнида тўпланган тажрибани умумлаштириш эҳтиёжи туғилиб, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳаётга тайёрлаш имконини берадиган махсус ўқув юртларини очиш зарурияти пайдо бўлиши билан бирга, таълим назарияси ҳам фан сифатида ривожлана бошлади.

Қадимий ва Ўрта Шарқ адабиёти намоёндалари эга қатор илмий қарашлар мавжуд бўлган. Улар орасида АлФаробий, Алишер Навоий ва бошқаларнинг асарларини мисол келтириш мумкин.

Фаробий фикрига кўра - таълим бу нафақат ақлий ривожланиш, балки умуман маънавий ривожланиш, шу жумладан ахлоқан ривожланиш пойдеворидир. Таълим ва тарбия ўзаро бир-бирига боғлиқ бўлиб, улар шахсни маънан камолотга етказувчи турли йўллар ҳисобланади. Фаробий ижтимоий тарбияни тартибга солиш, уни бошқариш масалаларига алоҳида эътибор берган. У меҳнат фаолияти тарбиянинг муҳим воситаси ҳисобланади, деган хулосага келади.

Абу Райҳон Беруний қомусий олим сифатида тарихга кирган. У фанни диндан ажратиш зарур деб ҳисоблаган, акс ҳолда, унинг фикрига кўра, илмий билимлар ҳақиқий бўла олмайди. Олимнинг 10 динга бўлган танқидий муносабати кўп жихатдан унинг тарбия ва таълимга бўлган муносабатларини ҳам белгилаб берди. Беруний ўз

асарларида таълимнинг узлуксиз, кўргазмали, аниқ мақсадга йўналтирилиши лозимлигини ва унинг муайян тизим асосида ўтказилиши зарурлигини таъкидлаган. Беруний ёш йигитда шахс тарбия жараёнида шаклланади, деб ҳисоблаган. Бунда у меҳнатга алоҳида ўрин берган. Берунийнинг қарашлари чекланган тусга эга эди, зеро у ҳам ўша даврдаги бошқа кўплаб олимлар сингари фан ва билим жамият тараққиётида мутлақ аҳамиятга эга, деб билган. Бироқ фан, билим, меҳнатнинг аҳамияти ҳақидаги фикрларнинг ўзи тўғри эди. Билим олишнинг ўзини Беруний куч, вақт ва сабр-тоқат талаб қиладиган меҳнат, деб ҳисоблаган.

Ибн Син педагогика масалаларига ижодий ёндошган. У бола табиатини нафақат табиб, балки етук педагог сифатида ҳам чуқур билишини намоён қилган. Олимнинг болаларга таълим ва тарбия бериш ҳақидаги кўплаб фикрлари ўзининг чуқурлиги, инсонпарварлик руҳи билан йўғрилганлиги ва тарбиядек мураккаб муаммони тўғри талқин қилиши билан кишини лол қолдиради. Ибн Сино таклиф қилган тарбия ва таълим мазмуни ақлий тарбия, жисмоний соғломлаштириш, эстетик тарбия, ахлоқий тарбия ва ҳунар ўргатишларни ўз ичига олади. Ибн Сино бола тарбиясининг бутун машаққати ва мураккаблиklarини жуда чуқур тушунган. “Тиб қонунлари”нинг “Тарбия ҳақида” номли бўлимида кўйилган масалалар аниқ ҳал этилади, бола характерини тарбиялаш ҳақида қимматли фикрлар билдирилади.

Навоий болага унинг ёшига қараб энг кичик ёшдан тўғри тарбия бериш зарур, фанларни ўрганишни иложи борича барвақт бошлаш лозим, дея таъкидлаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, шарқ мутафаккирларнинг таълим-тарбияга оид билимлари, илмга чанқоқ болаларимизнинг чуқур билим олишларига, ўз истеъдоди ва салоҳиятини намоён этишига, танлаган мутахассислик, таълим-тарбия сирларини пухта эгаллашига йўл очмоқда. Бу ўз-ўзидан узлуксиз педагогик амалиёт жараёнида эришилаётган ютуқларни оммалаштириш, амалга оширилиши лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Хасанбоева О, “Мактабгача тарбия педагогикаси”, Тошкент 2006 йил.
2. Шодмонова Ш, “Мактабгача педагогика” Тошкент 2008 йил.
3. Курбонов Н.М. Миллий тарбия Т.: Маънавият, 2007 йил
4. Тўрақулов Э. “Абу Райҳон Беруний руҳият ва таълим-тарбия ҳақида”.Т., “Ўқитувчи”, 1992 39-б
3. Раҳимова Р. “Тарбиячига 1001 маслаҳат”., Тошкент.,2007 йил

SHARQONA QADRIYATLAR ASOSIDA MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASASI TARBIYALANUVCHILARNI TARBIYALASH

*Saidov J. S. o`qituvchisi
Jizzax DPI*

Аннотация: В этой статье говорится об использовании восточных обычаев при обучении и воспитании воспитуемых до школьных учреждениях в настоящие дни.

Annotation. This article talks about the use of Eastern customs in the teaching and upbringing of preschool children in the present days.

Mustaqillik yillarida O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy taraqqiyotini ta'minlovchi

ustuvor yoʻnalishlardan biri sifatida taʼlim sohasi eʼtirof etildi. Ustuvor soha boʻlgan taʼlimni tubdan yangilash, uni mazmunan boyitish, taʼlim tizimiga ilgʻor pedagogik texnologiyalarni tadbiq etish va rivojlangan taʼlim darajasiga koʻtarish mamlakatda olib borilayotgan taʼlimiy islohotlarning asosiy gʻoyasi sanaladi. Maktabgacha taʼlim sohasi uzluksiz taʼlim tizimining birlamchi boʻgʻini hisoblanib, u har tomonlama sogʻlom va barkamol bola shaxsini tarbiyalash va maktabga tayyorlashda gʻoyat muhim ahamiyat kasb etadi.

Bugungi kunda Maktabgacha taʼlim muassasalari tarbiyalanuvchilarining taʼlim-tarbiyasi masalasi davlatimiz, hamda yurtboshimiz Sh.M. Mirziyoyev eʼtiborida turgan dolzarb masalalaridan biridir. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyev rahbarligida 2017 yil 16-avgust kuni boʻlib oʻtgan yigʻilishda maktabgacha taʼlim tizimini tarkibiy jihatdan tubdan isloh qilish, mazkur muassasalarga bolalarni toʻla qamrab olish boʻyicha muhim vazifalar qoʻyilgan edi. Bu boradagi tahlillar natijasida qisqa vaqtda uchta yirik hujjat — Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 9-sentabrdagi “Maktabgacha taʼlim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PQ-3261-sonli Qarori, 30-sentabrdagi “Maktabgacha taʼlim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PF-5198-sonli Farmoni hamda “Oʻzbekiston Respublikasi Maktabgacha taʼlim vazirligi - faoliyatini tashkil etish toʻgʻrisida”gi PQ-3305-sonli Qarori imzolangan. Mazkur sohani takomillashtirish maqsadida qabul qilingan dasturda maktabgacha taʼlim sohasi uzluksiz taʼlim tizimining birlamchi boʻgʻini sifatida, bu jarayonda maktabgacha taʼlim muassasalarining bolalar huquqiy savodxonligini shakllantirishdagi oʻrni hamda, respublikada taʼlim-tarbiya tizimi va barkamol avlodni tarbiyalash davlat siyosatining asosiy ustuvor yoʻnalishi ekanligi taʼkidlangan. Oʻzbekiston Respublikasi Prezidentining 30.09.2017-yilda “Maktabgacha taʼlim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari toʻgʻrisida”gi PF-5198-sonli farmonida ham maktabgacha taʼlim muassasalarida yosh bolalarni milliy va umuminsoniy qadriyatlar, insonparvarlik va yuksak maʼnaviyat ruhida tarbiyalash, ularning qalbi va ongiga mustaqillik, milliy oʻzlikni anglash gʻoyalarni yanada chuqur singdirish, “sharqona qadriyatlarni” oʻrgatib borish kabi fikrlar ilgari surilgan.

Maktabgacha taʼlim muassasalarida milliy muhitning oʻziga xos mazmunga ega boʻlishi davr taqozosidir. Bu mazmun zahirida bolalarda milliy gʻururni shakllantirish yotadi. Umuminsoniy va milliy qadriyatlar; urf-odat va anʼanalari, xalq donishmandligi durdonalari negizini tashkil etgan sharqona tarbiyaning asosiy sifatlari; insonparvarlik, mehnat-sevarlik, vatanparvarlik, mehr-oqibat, ota-onaga hurmat, sahovat, iymon-eʼtiqod va shu kabilar.

Darhaqiqat, sharqona ahloq-odob, vatanparvarlik, insonparvarlik, xalqparvarlik, rostguylik, hiyonat har tomonlama barkamol insonning maʼnaviy qiyofasidir. Shuningdek, maʼnaviyati yuksak inson xudromdan xalolni farqlab olib, haromga, poklik bilan nopoklikni ajratib, nopoklikka, hiyonatdan diyonatni ajratib, hiyonatga, adolatsizlikka qarshi kurasha oladi.

Mutafakkir-olimlar xalqning qadimiy bayram anʼanalari, marosimlari va ular bilan bogʻlik urf-odatlarini haqida oʻz asarlarida qimmatli maʼlumotlar qoldirganlar. Ularda “Navroʻz”, “Mehrjon”, “Qurbon xayiti”, “Ramazon xayiti” kabi bayramlar haqida maʼlumot berganlar. Bu bayramlar insonlarni bir-biriga mehr-muruvvatli, xayr-saxovatli boʻlish, oʻzbekona odatlarimizga sodiqlik, Vatanni sevish va ardoqlash, u bilan gʻururlanish kabi his-tuygʻularni shakllantirish muhim hisoblanadi. Mutafakkir-olimlar xalqning qadimiy bayram anʼanalari, marosimlari va ular bilan bogʻliq urf-odatlarini Masalan, “Navroʻz” bayramida shirinliklar hadya etish (hayotning shirin boʻlishini tilash), sovgʻa-salomlar berish, gul sovgʻa qilish (guldek nafis, goʻzal hayot tilash), bir-birlariga suv sepish (suv mul boʻlsin, hosildorlik

yuqori bo'lsin degan ma'noda) va boshqa urf-odatlar joriy etilgan. Bularning barcha shakllar muassasasi tarbiyalanuvchilarining milliy tuyg'uni shakllantirishga xizmat maktabgacha ta'lim qiladi.

O'zbek xalq og'zaki ijodi (afsona, rivoyat, ertak, doston, maqol, matal, qo'shiq) namunalarini xalqning turmush tarzi, ahloq-odobi, urf-odatlarini, an'analari, diniy e'tiqodni o'zida mujassam etadi. Orzu-umidlarni, mehnatga ijobiy munosabatni, vatanparvarlikni, sadoqatni, erk va ozodlik yo'lidagi mardonavor kurashni, moddiy va ma'naviy ehtiyojlarni qondirish, kelajakdagi farovon turmushga ishonchni ifodalaydi.

Xalq og'zaki ijodining qadimiy janrlaridan biri afsonalardir. "Luqmoni hakim", "Shirin qiz", "Yolg'on so'z siri", "Tilla baliq tog'i" kabi afsonalar azaldan sharq xalqlarining tabiatiga xos mardlik, vatanparvarlik, xalkparvarlik, adolat, erksevarlik, vafodorlik kabi fazilatlarni tarbiyalaydi.

Rivoyatlar esa mavjud hayotiy ma'lumotlarga tayangan holda, badiiy tuqimalar orqali insoniy qadriyatlar, insonning ezgu orzu-umidlari, armonlari, quvonchlari, tashvishlari, g'am-qayg'ulari, ehtirosalarini aks ettiradi. Rivoyatlar negizida tarixiy shaxslar hayoti, ma'naviy faoliyati yotadi.

Masalan, Jaloliddin Manguberdi Vatanni tashqi dushmandan himoya qilgan va jonini fido etgan, Amir Temur o'z xalqi, Vatanning osoyishtaligi, uning milliy g'ururi yo'lida jang qilgan, Bobur o'z Vatandan yiroqda bo'lishiga qaramay, o'z xalqini, Vatanni e'zozlab, ularni qumsab yashagan. Navoiy, Nodira, Uvaysiy kabi mutafakkirlarimizning insoniyligi, buyukligi, Vatanga hurmati, mehr-muhabbatini ifodalovchi qator rivoyatlar mavjud.

Bundan tashqari, Uchtepa, Besh-ariq, Buxoro, Navoiy, Xorazm, Surxondaryo kabi joy nomlari haqidagi rivoyatlar ham maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilarining milliy tuyg'ularni shakllantirishda va o'zligini anglatishda muhim ahamiyatga moliqdir.

Xulosa qilib aytganda maktabgacha ta'lim muassasalari tarbiyalanuvchilarida sharqona qadriyatlar asosida o'zbek tilini shakllantirishda xalq og'zaki ijodining marosim qo'shiqlari ham alohida o'rin tutadi. Marosim qo'shiqlari insonlarning tabiatga, voqelikka estetik munosabatlarini bildiruvchi tasavvurlari, ishonchlari, orzu-umidlari, ahloqiy qarashlarini shakllantirishga yordam beradi. Tarbiyachi-pedagoglar sharqona ta'lim-tarbiya yo'llarini, ahloq-odob mezonlarini, mumtoz pedagoglar merosini, xalq pedagogikasi an'analari chuqur o'rganishlarida ularni tarbiyaviy - tadbirlar jarayonida tatbiq etishlari maqsadga muvofiqdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Maktabgacha ta'lim tizimi boshqaruvini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" 2017-yil 30- sentabrdagi PF-5198-sonli Farmoni
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 7-fevraldagi PF-4947-sonli Farmoni xarakterlar strategiyasi
3. "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari" Toshkent.2017 yil.
4. Maktabgacha ta'lim konsepsiyasi T., 2010 yil
5. Sodiqova Sh. "Maktabgacha pedagogika" darslik. Toshkent.2017 yil.

AQLI ZAIF O'QUVCHILARNI MEHNAT KO'NIKMASINI SHAKLLANTIRISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLAR MEROSIDAN FOYDALANISH

*Akramova H. S. -PhD
Jizzax DPI.*

Аннотация: В этой статье изложены роль и значения творческого наследия восточных мыслителей при формировании трудовых навыков умственно остальых учеников в специальных школах.

Annotation: This article describes the role and significance of the creative heritage of Eastern thinkers in the formation of work skills of mentally retarded students in special schools.

Mustaqil taraqqiy etayotgan mamlakatimiz asosiy vazifalaridan biri ixtisoslashtirilgan maxsus maktab-internati aqli zaif o'quvchilariga mehnat ko'nikmalarini shakllantirishda milliy-an'anaviy asoslarini ishlab chiqish va ularni hayotga tadbiiq etishdir.

Ixtisoslashtirilgan maxsus maktab internatida mehnat ta'limi o'quvchilarning aqliy va jismoniy imkoniyatlarini hisobga olgan holda quriladi. Uning yakuniy maqsadi – aqli zaif o'quvchilarni zamonaviy ta'lim tarbiya jarayonida sharq mutafakkirlarning merosida foydalanib mehnat darslarini samarali olib borish xamda jamiyat sharoitida murakkab bo'lmagan ishlarni mustaqil bajarishga tayyorlash. Mazkur maqsadga qator vazifalarni yechish orqali erishiladi. Ulardan asosiylarini quyida ko'rib chiqamiz:

1. Aqli zaif o'quvchilarning mehnat faoliyatlarini nuqsonlarini va bu asosda uning umumiy rivojlanish darajasini tuzatish. O'qitishni maxsus tashkil etishda sharq mutafakkirlarning merosidan foydalanib ta'lim-tarbiya berish yo'li bilan o'quvchilarning mehnat faoliyatlarining rivojlanish darajasi sezilarli darajada oshirilishi mumkin.

Mazkur vazifani yechish zarurati texnik taraqqiyotning yuqori sur'ati va oqibatda sodda ish turlarining jadal qisqarishi bilan bog'liq.

Ko'rib chiqilayotgan umumiy vazifa qator xususiy vazifalardan tashkil topadi, ularning har biri o'quvchilarning mehnat faoliyatlarini alohida tomonlarini (intellektual, harakat jarayonlari, ish qobiliyati) korrektsiyalash va rivojlantirishga yo'naltirilgan. Jumladan, Alisher Navoiy o'z zamonasida zargarlar, kulollar, tikuvchilar kabi turli-tuman hunar sohiblarining hammasiga hafsala, qunt va e'tibor bilan maslahat berib, ularga homiylik qilganlar. Navoiy: "Inson bo'lib dunyoga keldingmi, biror kasbni egalla, hunar o'rgan, shunda dunyodan hammomga kirib toza yuvinib chiqmagan kishidek o'tmaysan", deb ta'kidlaganlar. Hattoki, ulug' shayxlarimizning o'zlari ham biror kasb egasi bo'lganlar. Masalan, Shayxul Mashoyix Abu Said Xarroz – etikdo'z, Shayx Muhammad Sakko – mashhur pichoqchi bo'lib, boshqalarni hunar o'rgatishga da'vat etganlar. Xoja Bahovuddin Naqshband aytadilar: "Dil bayotu dast ba kor", ya'ni: diling Oллоhda qo'ling doim mehnatda bo'lsin. Insoniyat qadr-qimmatini mehnatda, bilim va hunarga tayanishda, birovga xor bo'lmaslikda deb bilgan.

- Aynan shunday maqsadlar Forobiyning shaxsni tarbiyalash va ta'lim berish, uni takomillashtirish hamda uning ijtimoiy muammolarni hal etishdagi faol roliga nisbatan dunyoqarashlarining bosh mazmunini tashkil etadi. Uning fikriga ko'ra, ta'lim va tarbiya oilada, o'qituvchi yordamida maktabda va yaxshilikka asoslangan jamiyatda uning rahbari yordamida amalga oshirilishi mumkin. Forobiy fikriga ko'ra - ta'lim bu nafaqat aqliy rivojlanish, balki umuman ma'naviy rivojlanish, shu jumladan axloqan rivojlanish

poydevoridir. Ta'lim va tarbiya o'zaro bir-biriga bog'liq bo'lib, ular shaxsni ma'nan kamolotga yetkazuvchi turli yo'llar hisoblanadi. Forobiy ijtimoiy tarbiyani tartibga solish, uni boshqarish masalalariga alohida e'tibor bergan. U mehnat faoliyati tarbiyaning muhim vositasi hisoblanadi, degan xulosaga keladi.

2. Aqli zaif o'quvchilarning axloqiy, mehnat, jismoniy va estetik tarbiyasi.

- aqli zaif o'quvchilarning mehnat tarbiyasi mehnatga barqaror ijobiy munosabatni va tanlangan kasbga qiziqishni shakllantirish, mehnat faoliyatida, jamoat mulkiga ehtiyotkor munosabat va o'z hamda umumiy mehnat natijalari uchun mas'uliyat, mehnat odatlari yuqori ko'rsatkichlarga erishishga intilishni nazarda tutadi. Ibn Sino taklif qilgan tarbiya va ta'lim mazmuni aqliy tarbiya, jismoniy sog'lomlashtirish, estetik tarbiya, axloqiy tarbiya va hunar o'rgatishlarni o'z ichiga oladi. Ibn Sino bola tarbiyasining butun mashaqqati va murakkabliklarini juda chuqur tushungan. «Tib qonunlari»ning «Tarbiya haqida» nomli bo'limida qo'yilgan masalalar aniq hal etiladi, bola xarakterini tarbiyalash haqida qimmatli fikrlar bildiriladi. Uning fikriga ko'ra, risoladagidek tarbiyani muvaffaqiyatli amalga oshirish uchun aqli zaif bolalarga insoniy munosabatda bo'lish darkor. Tarbiyachining o'zi aqli zaif bola shaxsini hurmat qilishi, uni sevishi va bola bilan yaxshi munosabatda bo'lishi lozim.

- aqli zaif o'quvchilarda mehnat mashg'ulotlariga sharq mutafakkirlarning meroslaridan foydalanib ijobiy munosabatni tarbiyalash ko'p jihatdan yuqorida ko'rsatib o'tilgan mehnat ta'limi korreksion vazifalarini hal qilish muvaffaqiyatlilikini belgilaydi.

- Ixtisoslashtirilgan maxsus maktab internatida mehnat ta'limi aqli zaif o'quvchilarning sharq mutafakkirlarning merosidan foydalanib tarbiyalash va jismoniy rivojlanishlariga katta ta'sir ko'rsatadi.

- sharq mutafakkirlarning merosidan foydalanib mehnat ta'limida estetik tarbiya o'quvchilarda mehnat va insoniy o'zaro munosabatlarning go'zalligini idrok etish (hamda o'z faoliyatida qo'llash) ko'nikmasini shakllantirishdan iborat. Estetik tarbiya o'quv ustaonasini jihozlash va ishlab chiqarish amaliyoti va ekskursiyalar vaqtida o'quvchilarning axloq qoidalarini o'rnatishdan boshlanadi.

Al-Beruniy: "Har shirin jon qilsa harakat, harakatga qarab topar barakat". Shunga o'xshash misralarni Sharq mutafakkirlari asarlarida juda ko'plab topishimiz mumkin. Yangi avlodlar mehnat tarbiyasi vositasida ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy hayotning turli sohalarida qatnashishga tayyorlanadilar. Fan, texnika, texnologiya, madaniyat, ishlab chiqarish, ijtimoiy, iqtisodiy, huquqiy munosabatlarning uzviy holatda rivojlanib borishiga qarab kishilarning tajribasi ham ortib, xilma-xil bo'lib boradi. Bu yesa ana shu tajribani yosh avlodga o'rgatishni qiyinlashtiradi.

Sharq allomalari, donishmandlari hayotni boshqarishda, ayniqsa, tarbiya sohasida ajoyib, foydali maslahatlar berganlar. Ular inson bu hayotda "men baxtiyorman" deb o'tishi uchun o'zining qobiliyati va imkoniyatlariga qarab, sevgan kasbini to'g'ri tanlashi kerak ekanligini o'z asarlarida ta'kidlaganlar. Tajribalardan ma'lumki, mehnat tarbiyasini olmagan o'quvchi bilan ishlash ancha muammolarning kelib chiqishiga sabab bo'ladi.

Ixtisoslashtirilgan maxsus maktab internatining mehnat darslarida sharq mutafakkirlarning merosidan foydalanib aqli zaif o'quvchilarning bilimlarni shakllantirish nazarda tutadi. Aqli zaif o'quvchilarning ustaxonalardagi amaliy ishlari va nazariy ta'limlari – bu mehnat tayyorgarligining ikki o'zaro bog'liq qismlari.

Shunday ekan, biz har birimiz hayotdan ta'lim olib, kelajagimiz bo'lgan yosh avlodlarni mustaqil davlatimizning ishonchli a'zolari qilib tarbiyalashda Sharq mutafakkirlarining pedagogik merosidan foydalanishimiz muhim ahamiyat kasb yetishini anglab olishimiz zarur.

Xulosa qilib aytganda, mehnat darslarida Sharq xalqlarining kadimiy kadriyati bo'lib, u asrlar davomida ma'naviyati, o'y-xayollari orzu-istaklarini o'zida ifodalab kelayotgan san'at hisoblanadi. Uning o'ziga xos milliylik xususiyatlari, ta'limiy-tarbiyaviy imkoniyatlar o'rtasidagi axloq odob mezoni, madaniyati, yosh avlodda mehnatga mehr-muhabbatini o'stirishda muhim ahamiyatga egadir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. A.I.Sagatov, P.M.Po'latova, K.X.Mamedov Oligofrenopedagogika asoslari. T., O'qituvchi, 1999
2. S.SH.Aytmetova "Aqli zaif o'quvchilarni mehnatga tayyorlash" T., 1994.
3. S.SH.Aytmetova «Yordamchi maktab o'quvchilarining psixik rivojlanish xususiyatlari». T.:1994 . 33 bet
4. Трайнев В. А., Гуркин В. Ф., Трайнев О. В. [Дистанционное обучение и его развитие. Обобщение методологии и практики использования.](#) Дашков и Ко, 2010. - 296 с.
5. Павлова Н.П «Трудовое обучение в 1-3 классах вспомогательной школы». Пособие для учителя. М.: 1999

**BO'LAJAK MAKTABGACHA TA'LIM MUTAXASSISLARNI
TAYYORLASHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING ASARLARIDAN
FOYDALANISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI**

*Ibragimova Sh. magistrant
Jizzax DPI*

Аннотация: В этой статье рассказывается о своеобразных свойствах и ролях произведений восточных мыслителей при подготовке будущих дошкольных специалистов.

Annotation: This article describes the unique properties and roles of the works of Eastern thinkers in the preparation of future preschool specialists.

Jahon hamda jamiyatda har bir ota – ona o'z farzandini eng bilimdon, yuksak odob egasi, mahoratli ijodkor, tadbirkor tarbiyachiga berishni istaydi. Maktabgacha ta'lim sohasi tarbiyachilarni talabalik davridan boshlab maktabgacha ta'limning asl mohiyati, bola va tarbiyachining hamkorlik faoliyati ekanligini o'rgatadi. Bola tarbiyachisining maqsadi, bolaning ruhiyatini rivojlanish qoidalariga amal qilishni talab etadi.

O'z kasbini mohir ustasi bo'lish uchun tarbiyachi maktabgacha ta'lim pedagogika fanini chuqur bilishi lozim.

Maktabgacha ta'lim o'quv tarbiya faoliyatini tashkil qilish vosita va usullarini, o'quv tarbiya jarayonida kelib chiqadigan muammolar va uni yechishni to'g'ri hal qila bilish, innovatsion texnologiya usullaridan foydalanish, qiyinchiliklarni to'g'ri yechimini topishga yo'naltiradi.

Maktabgacha ta'lim eng muhim asosiy pedagogik munosabatlar sabablarini aniqlaydi, uni pedagogik jarayonda o'rganadi. Maktabgacha ta'lim bo'lajak tarbiyachilarni maktabgacha ta'lim muassasalariga tarbiyachilik faoliyatiga tayyorlaydi. Maktabgacha ta'limning nazariy asoslari: Inson kamolotiga qaratilgan, xalq yaratgan boy

tajriba, ilmiy tadqiqotga doir nazariy va metodik manbalarga Markaziy Osiyo va jahon mutafakkir, ma'rifatparvar pedagog olimlarning asarlariga suyangan holda komil insonni tarbiyalashning qonun, qoida va tamoyillariga asoslanadi.

Maktabgacha pedagogikaning milliy asoslari: Ta'lim - tarbiya masalalari, har bir millatning milliy merosiga, umumbashariy qadriyatlariga bog'langan holda bog'cha yoshidan boshlab o'zligini anglash, erkin fikrlash, g'urur tuyg'ularini shakllantirishga qaratiladi.

Ota-bobolarimiz azal-azaldan bola tarbiyasiga alohida e'tibor qaratganlar. Imom al-Buxoriy, Iso at-Termiziy, Beruniy, Az-Zamaxshariy,

Abdurauf Fitrat, Abdulhamid – CHulpon singari ulug' olimu adiblar, fozilu-fuzalolar ta'lim-tarbiya borasida kup asarlar bitganlar. SHarq pedagogikasining asoschilari Farobiyning «Fozil odamlar shahri», Yusuf Xos Xojibning «Qutadg'u bilig» asari, Alisher Navoiyning «Maxhub ul-kulib»i, Kaykovuchning «Qobusnoma»si kabi asarlar bunga dalildir.

Maktabgacha ta'lim yo'nalishi – kelajakda professional rivojlangan pedagog tarbiyachilarni tayyorlashga qaratilgan dastur bo'lib, ular bolalarni har tomonlama rivojlantirishda, oilaviy bog'chalarni tizimli tashkil etishga, davlat va nodavlat bog'chalarni rivojlantirishga asos bo'lib bunda yaratilgan o'quv rejalari, o'qitish va baholashni chuqur o'rgatishshga qaratilganligidir. Dastur maktabgacha ta'lim nazariyasi va tarixi, maktabgacha ta'lim amaliyotida bo'lajak tarbiyachi murabbiylarni o'qitishning nazariy va amaliy hamda interfaol usullari va fan sohasini mukammal egallashlarida mustahkam poydevor bo'lib xizmat qiladi.

Ushbu yo'nalish maktabgacha yoshdagi bolani qamrab olgan yaxlit ta'lim jarayoni bo'lib, 3 yoshdan 6 yoshgacha rivojlanishda bo'lgan bolalarni tarbiyalashga qaratilgan dasturdir. Bo'lajak tarbiyachi murabbiylargamaktabgacha yoshdagi bolalarga o'rgatilishi zarur bo'lgan integratsiya, inklyuziv, kognitiv, lingvistik va ijtimoiy hamda iqtidorli rivojlantirishga moyil bo'lgan bolalarning turli guruhlarini o'qitishda moslashtirilgan. Zamonaviy ta'lim-tarbiya jarayonida sharq mutafakkirlarning asarlaridan foydalanishda an'anaviy va innovatsion tadqiqot usullaridan foydalangan holda oliy ta'limning maktabgacha ta'lim nazariyasi va amaliyoti o'rgatiladi.

Kursda olingan nazariy bilimlarni amaliyotda qo'llashda sharq mutafakkirlarning asarlaridan foydalanishga qaratilgan. Kursning mohiyati ta'lim tizimida shiddat bilan rivojlanayotgan zamonaviy ta'lim-tarbiya jarayonini sharq mutafakkirlarning asarlaridan foydalanishda bolalarga to'g'ri yo'nalishda rivojlanishiga yordam beradigan yetuk, raqabatbardosh mutaxassislarni tayyorlashni ko'zda tutadi.

Xulosa qilib aytganda maktabgacha ta'lim yo'nalishida tahsil oladigan talabani yetuk va malakali mutaxassis qilib tayyorlash, maktabgacha ta'lim sohasida oily ma'lumotli kadrlarga bo'lgan ehtiyojni ta'minlash hamda ularni maktabgacha tayyorlash tizimini sharq mutafakkirlarning asarlaridan foydalanishni sifatli tashkil etish.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari" Toshkent.2017 yil.
2. "Bolajon" takomillashtirish dasturi Toshkent 2016 yil 16. "Maktabgacha ta'limga qo'yiladigan davlat talablari" Toshkent.2017 yil.
3. Maktabgacha ta'lim konsepsiyasi T., 2010 yil
4. Sodiqova Sh. "Maktabgacha pedagogika" darslik. Toshkent.2017 yil.

5. Ochilov M. "Muallim qalb me'mori", Toshkent "O'qituvchi" nashriyoti, 2001y
6. Xasanboeva O, "Maktabgacha tarbiya pedagogikasi", Toshkent 2006 yil.

BOLA SHAXSINING SHAKLLANISHIDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MEROSLARIDAN FOYDALANISH

*UMAROVA G. A. katta o'qituvchisi,
BEKTEMIROVA S. talaba
Guliston DU*

***Аннотация:** Это статья посвящена вопросу формирования личности ребёнка через культурно историческое наследия мыслителей Востока. Обучение и воспитание детей на этических нормах мыслителей, формирования полноценной личности ребёнка.*

В статье предлагается использовать этот опыт как научный и практический для воспитания и обучения детей.

***Abstract:** This article is devoted to the question of the formation of the child's personality through the cultural and historical heritage of eastern thinkers. Teaching and raising children on the ethical standards of thinkers, the formation of a full-fledged personality of the child.*

The article is supposed to use this experience as scientific and practical for raising and education children.

***“ Yoshlar tarbiyasida asrlar mobaynida shakllangan
milliy an'analarimizga va ajdodlarimiz qoldirgan boy merosga
tayanamiz ”***

SH.M.Mirziyoyev

Inson dunyoga kelar ekan, uning kelajakda komil inson, yetuk shaxs bo'lib shakllanishi uchun unga yo'l ko'rsatuvchi bir ustoz zarur. Ustoz- ilk bor bolaning qo'liga qalam tutqazib, unga ota-ona, oila kabi so'zlarni yozishni o'rgatguvchi, unda olam haqida, dunyodagi barcha jonzotlar haqida ajoyib fikrlarni, o'ylarni paydo qilguvchi ulug' insondir.

Ulug' mutafakkirlarimizdan Yusuf Xos Xojibning fikricha, har bir kishi jamiyatda munosib o'rnini topmog'i kerak. Buning uchun u tug'ilgan kunidan zarur tarbiyani olmog'i lozim. Farzand tarbiyasini nihoyatda erta boshlamoq zarur, shundagina ularning noo'rin xatti-harakatlarining oldi olinadi.

Ulug' allomalarimizning fikriga ko'ra, tabiiy muhit va ijtimoiy omillar bola tarbiyasida juda katta ta'sir ko'rsatadi. Inson yoshligidan psixik va ijtimoiy jihatdan o'zgarish va rivojlanish jarayonini boshidan o'tkazadi va bu jarayonlar tarbiya asosida boradi. Shu tarzda bola ijtimoiy muhitda o'zining o'rnini munosib ravishda egallaydi. Bolaning to'g'ri rivojlanishi uchun o'sish va rivojlanish qonuniyatlarini bilish, bola tarbiyasida ota-bobolarimizning qoldirgan meroslari asosida ish ko'rish maqsadga muvofiqdir. Masalan, Farobiy bobomiz yoshlarni mukammal inson qilib tarbiyalashda ularning aqliy va axloqiy tarbiyasiga alohida e'tibor qaratish lozimligini ta'kidlab o'tganlar.

Ibn Sino bobomiz esa bolani tarbiyalash, oilada ota – onaning asosiy maqsadi va vazifasidir deydi. O'z kamchiliklarini tuzatishga qodir ota-ona chinakkam tarbiyachi bo'lishi

mumkin. Bobomiz axloqiy tarbiyada eng muhim vositalar bolaning nafsoniyatiga, g'ururiga tegmagan holda yakka – yakka suhbatda bo'lish va unga nasihat qilishni ta'kidlaydilar.

Shu boisdan har bir ota-ona farzandining hayotda munosib inson bo'lishi uchun bor kuchlari bilan harakat qiladilar. Bolaning yoshlik chog'ida olgan tarbiyasi, bilimi toshga o'yib yozilgan naqsh kabi unga bir umr yo'ldosh bo'ladi. Bu tarbiya birinchi navbatda bolaning ona qornida ilk bor rivojlanish davridan boshlanib, dunyoga kelganidan so'ng oilada, bog'chada, maktabda va atrof-muhit jamiyatda takomillashib, rivojlanib boradi. Bolaning yoshlik chog'ida atrofdagi insonlari qanchalik namunali, yaxshi xulqli bo'lsa, demak u kelajakda munosib farzand bo'ladi. Bola ruhiyati juda nozik bo'lib, biz huddi yosh novdani sovuqdan qanday himoya qilsak, uning ruhiyatini, qarashlarini, orzu-istaklarini shu kabi himoyamiz ostiga olishimiz zarur.

Bolaning har bir xatti-harakatiga nihoyatda ehtiyotkorlik bilan munosabatda bo'lish maqsadga muvofiqdir. Bola yoshlik chog'ida ota-onasiga, tarbiyachisiga, ustoziga va atrofdagi insonlarga taqlid qilib, huddi ular kabi bo'lgisi keladi. Ularning qay biriga o'xshashni tanlashi esa bolaning atrofdagi insonlardan olgan tarbiyasiga bog'liqdir.

Shu o'rinda aytish joizki, maktabgacha ta'lim uzliksiz ta'lim tizimining ajralmas qismi bo'lib, bola shaxsining tarkib topishida muhim ahamiyat kasb etadi. Mamlakatimiz prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyev maktabgacha ta'lim tizimiga juda katta o'zgartirishlar kiritmoqda. Jumladan, 2018-yilning sentabr oyidan amalga kiritilgan yangi maktabgacha ta'lim dasturi, ya'ni "Ilk qadam" davlat o'quv dasturi amalga tatbiq qilinmoqda va bu dastur bilan barcha maktabgacha ta'lim tashkilotlari tanishtirilmoqda. Unda bola tarbiyasi va uning sog'lom rivojlanishi uchun zarur bo'lgan davlat talablari qo'yilgan. Bugungi zamon talabi tarbiyachilardan ulkan bilim, ko'nikma, tajriba, tashabbuskorlik va tashkilotchilikni talab qilmoqda.

Ota-ona farzandini maktabgacha ta'lim tashkilotiga berar ekan, u tarbiyachiga ishonadi, unga umid ko'zi bilan boqadi. Farzandining yaxshi xulqli, odobli, bilimli qilib tarbiyalanishini xohlaydi. Hozirda oliy ta'lim muassasasida ta'lim olayotgan bo'lajak pedagog tarbiyachilardan va bog'chada faoliyat olib borayotgan tajribali tarbiyachilardan bolaning psixikasi va uning ruhiyatini yaxshi bilishi talab qilinmoqda. Bu jarayon bola ongining sog'lom shakllanishiga yordam beradi. Alloma bobomiz Alisher Navoiyning tarbiya insonning o'zida yaxshi odat va fazilatlar hosil qilishga yordam beradi deb, inson shaxsini kishilarning bir-birlariga bo'lgan ruxiy ma'naviy ta'sirlari natijasida tarkib topishini aytib o'tganlar. Tarbiyachi har qanday holatda ham sabrli, og'ir fe'lli bo'lishi lozim. U har kuni ertalab farzandini muassasaga olib kelgan ota-onadan: bugun bolaning kayfiyati qandayligini, qay holatda uyg'onganligini so'rashi lozim. So'ngra tarbiyachi kun davomida shularga qarab bolaga munosabat ko'rsatishi, u bilan alohida ishlashi kerak.

Bola shaxsining tarkib topishi juda nozik jarayon bo'lib, bunda tarbiyachining o'rni nihoyatda kattadir. Bola bog'chada tarbiyalanish davomida tarbiyachidan ta'lim-tarbiya olishni boshlaydi. Ya'ni u bog'chada she'r aytishni, ertak va qo'shiq tinglashni, qay holatda o'tirish, salom berish, kattalarni hurmat qilishni va ularga qanday muomalada bo'lishni o'rganadi. Buyuk davlat boshqaruvchisi bo'lgan Mirzo Ulug'bek bolaning bilim olishga bo'lgan qiziqish va havasini oshirishda u tarbiyalanayotgan muxit muhim o'rinni egallaydi, deb ta'kidlaydilar. Bola uchun tarbiyachi dunyodagi barcha narsani bilguvchi mukammal insondir. Agarda tarbiyachi chindan ham bolaning ruhiyatini yaxshi bilsa, o'zining ilk qadami bilan bola ongiga ta'sir ko'rsatadi. Bola ruhiyati juda nozik bo'lib, tarbiyachi u bilan shug'ullanish davomida nihoyatda ehtiyot bo'lishi lozim. Masalan, bolalar orasida tabiati

nozik, kamgap, odamovi, erka va aytganini qildiradigan, yolg'izlikni yoqtiradigan bolalar ham topiladi. U kabi bolajonlar bilan ishlash esa tarbiyachilardan juda katta sabr va matonatni talab qiladi. Tarbiyachi bolalarga huddi ular kabi munosabatda bo'lishi lozim. Shundagina tarbiyachi bolalik dunyosini his qiladi. Ularning xohish va fikrlarini tezda uqib oladi. Keyin esa ularni fikrini erkin bayon qilishga, boshqalar bilan tezda muloqotga kirishishga, fikrlashga va o'ylashga o'rgata oladi. Bolajonlar bilan ko'proq jamoaviy o'yinchoqlar bilan jonli ishlash lozim. Bu ularga kirishimlilikni o'rgatadi. Bolaning miya faoliyati 3 yoshdan 7 yoshgacha bo'lgan vaqtda juda ham yaxshi ishlaydi. U bu davrda tarbiyachisining har bir harakatiga, gapirishiga o'zini tutishiga diqqat bilan nazar solib, unga taqlid qila boshlaydi.

Ba'zi bolajonlar tarbiyachidan o'zlariga alohida e'tiborni talab qilishadi. Bunday bolalar uylarida ham har doim e'tibor markazida bo'lgan erka bolajonlardir. Bolalarning ba'zilari esa guruhda borligi yoki yo'qligi ham bilinmaydi. Bunday toifaga kiruvchi indamas bolajonlarda yashirin qobiliyat bo'ladi. Ular bilan ishlash chog'ida bu qobiliyatni yuzaga chiqarishni o'rgatish zarur. Endi bolalar bilan muloqotga kirishish chog'ida bolalardek erkalanib, ba'zi so'zlarni buzib talaffuz qilish emas, huddi kattalardek to'liq aytilsa, maqsadga muvofiq bo'ladi. Bu esa bolalarning ziyrak bo'lishida va ongining to'g'ri shakllanishiga yordam beradi.

Odatda ayrim bolalarning tarbiyachiga o'rganish jarayoni juda qiyinchilik bilan kechadi yoki bolalar bog'chaga bormayman deb yig'laydi. Ya'ni bolalar orasida o'zining xohishi bilan bormaydigan bolalar ham uchraydi. Bu narsaning sababi nima?. Tarbiyachining yetarlicha tajribaga ega bo'lmaganligimi yoki bola ruhiyatini yaxshi bilmasligimi?

Bu kabi savollar uzoq yillardan buyon muammo bo'lib kelmoqda. Ularni bartaraf qilish uchun tarbiyachining o'rganishi lozim bo'lgan bola psixologiyasi haqida, tarbiyachining mas'uliyati va uning vazifasi haqidagi kitoblar va qo'llanmalar chop etilmoqda. Bu kabi qo'llanmalar har bir bog'chaning kichik kutubxonasida bo'lishi lozim. Tarbiyachi ulardan foydalanishi, boshqa tarbiyachi ustozlar bilan fikr almashishi zarur. Shundagina o'ylangan maqsadga erishiladi va bolalardagi bu hodisa bartaraf etilib, bola ko'ngliga qanday yo'l topish kerakligi haqidagi bilimlarga ega bo'lishadi. Bundan tashqari tarbiyachilar horij texnologiyasining tajribasini, ularning ishlash uslubini o'rganib, malakalarini yanada oshirishlari lozimdir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017 yil 9 sentyabrdagi PQ-3261-sonli "Maktabgacha ta'lim tizimini tubdan takomillashtirish chora-tadbirlari to'g'risida"gi Qarori.
2. Buyuk siymolar, allomalar (O'rta Osiyolik mashhur mutafakkir va donishmandlar).- T.: Xalq merosi, 1-k. 1995. – 104 b.

КИЧИК МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ ЖАРАЁНИДА ПОЛИТЕХНИК ТАМОЙИЛНИ ФАНЛАРАРО АЛОҚАДОРЛИК ВОСИТАСИДА АМАЛГА ОШИРИШ

*Алиқулов С.Т.пед.фан.номзоди
Жиззах ПИ
Ҳамидова Б.-ўқитувчи
Жиззах ш.6 мактаб*

Аннотация

В целях совершенствования системы профессионального образования на основе передового международного опыта, подготовки квалифицированных и конкурентоспособных кадров для рынка труда путем внедрения начального, среднего и специального профессионального образования, процесса преподавания общеобразовательных, общих и специальных предметов в учебном процессе профессиональных колледжей должен быть взаимосвязанным, а не отдельным.

Annotaciya

V celyah sovershenstvovaniya sistemy professional'nogo obrazovaniya na osnove peredovogo mezhdunarodnogo opyta, podgotovki kvalificirovannyh i konkurentosposobnyh kadrov dlya rynka truda putem vnedreniya nachal'nogo, srednego i special'nogo professional'nogo obrazovaniya, processa prepodavaniya obshcheobrazovatel'nyh, obshchih i special'nyh predmetov v uchebnom processe professional'nyh kolledzhej dolzhen byt' vzaimosvyazannym, a ne otdel'nym.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш, меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш, таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш, инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш орқали мамлакатда таълим тизимини ислох қилиш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, профессионал таълим дастури ЮНЕСКО ташкилоти томонидан қабул қилинган Таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи даражалари билан уйғунлашмаганлиги, ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилмоқдп.

Профессионал таълим тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида такомиллаштириш, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим босқичларини жорий қилиш орқали меҳнат бозори учун малакали ва рақобатбардош кадрлар тайёрлаш ҳамда мазкур жараёнга иш берувчиларни кенг жалб қилиш мақсадида КХК ўқув жараёнида умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларни ўқитиш жараёни бир-биридан ажратилган ҳолда эмас, балки ўзаро боғлиқ равишда шаклланади. Буни меҳнатнинг моддий ишлаб чиқариш соҳаси мисолида кўриб чиқайлик. Умумтаълим фанлар блокига оид тарих ва жамиятшунослик фанларини ўрганиш ўқувчиларнинг ҳар қандай жамият мавжудлиги асосида моддий ишлаб чиқариш ётиши тўғрисидаги билимларига асос бўлади. Ҳар қандай ишлаб чиқариш жамиятдаги шаклидан қатъий назар, қуйидаги таркибий қисмларга эга: меҳнат воситалари, меҳнат предметлари ва ишчиларнинг онгли равишдаги меҳнат фаолияти. Кичик мутахассис сифатли ва самарали моддий бойлик ишлаб чиқариши учун, у ишлаб чиқариш тўғрисидаги билимларни тўлиқ эгаллаган ва политехник қобилиятли бўлиши зарур.

КХК ўқувчилари меҳнат самарадорлигини оширишга қандай қилиб эришишни билишлари учун эса улар меҳнат жараёни билан боғлиқ қуйидаги асосий тушунчалар билиши зарур: **меҳнат, ишлаб чиқариш жараёни, меҳнат самарадорлиги, предмет ва воситалар, меҳнат маҳсулотлари, ишлаб чиқариш кучлари, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш усуллари, ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш, оқилона технологик жараён** ва бошқалар. Тарих ва

жамиятшунослик курсида ўқувчилар меҳнат инсоннинг асосий фаолияти эканини, меҳнат жараёнида меҳнат қуроллари яратишини ва шу орқали у атроф-муҳитни ўзгартиришга қодирлиги ва ўзлари учун моддий бойлик яратганлигини ўрганадилар. КХК лари ўқув жараёнида политехник тамойилни амалга оширишда фанлар ўртасидаги ўзаро алоқалар қуйидагиларда намоён бўлади:

-техник қонуниятлар ва технологик жараёнларда асосланган умумий тамойиллар, техник объектларни ишга тушириш ва бошқариш усуллари, шунингдек моддий бойлик яратиш усул ва услубларини ўрганиш;

-ишлаб чиқаришнинг физик, кимёвий, математик, биологик, иқтисодий, техник ва технологик жиҳатларини ўрганиш, умумтаълим, умумкасбий ва махсус фанларнинг ўзаро мантқан боғлиқлигини таҳлил этиш.

Политехник таълим муаммоларини ҳал этишда фаннинг роли ҳақида гапирар эканмиз унда назарий ва амалий фанларнинг бирлашиши заруриятини кўришимиз мумкин. Шунинг учун КХК ларида политехник таълим муаммолари аниқ фанлар билан бир қаторда гуманитар фанлар ва ишлаб чиқариш таълими орқали ҳал этилади. Политехник билимлар тизимининг биринчи таркибий қисми сифатида умумилмий ва қўшимча (соҳавий) билимлар йиғиндисини ўзида акс эттирган ва ривожланган машина тизими асосини ташкил этувчи умумтехник билимларни кўрсатиш мумкин. Бунда умумтехник билимлар конструкция тамойилларини тушуниш, машинанинг таркибий қисмига кирувчи техникаларни ишлатиш ва бошқаришда асос бўлиб хизмат қилади. Шунингдек политехник билимларга турли умумтехник фанларни (техниканинг умумий назарияси, бошланғич ва махсус техник фанлар), табиий-математик циклни ўз ичига олувчи комплекс ўқув фанларини ҳам киритиш мумкин.

Политехник билимларнинг иккинчи таркибий қисми сифатида умумтехник билимлардан фарқли равишда ўта соҳавий характерга эга бўлган умумтехнологик билимларни кўрсатиш мумкин. Улар ушбу соҳадаги ишлаб чиқариш (технологик) жараёнлар асосида ётган қонунларни ўз ичига олиб, бу жараёнларда зарурий таассуротлар, тушунчалар ва ўқув фанлари ўрганилади. Шундай қилиб, политехник билимлар ва ўқувчилар маҳорати ишлаб чиқариш кучларининг таркибий қисмини ўзида акс эттирувчи “техника” ва турли меҳнат қуроллари ва воситаларидан фойдаланган ҳолда, моддий бойлик ишлаб чиқариш ҳақидаги фан тушунчалари билан узвий боғлиқ.

Юқорида айтиб ўтилган конструктив-техник, ташкилий-технологик ва операцион-назорат билим ва малакалар таълим беришнинг барча босқичларида чамбарчас боғлиқ равишда фойдаланилади. Аммо таълимнинг тайёрлов даври учун конструктив-техник билим ва маҳоратни, касбни эгаллаш даври учун ташкилий-технологик билим ва маҳоратларни шакллантириш, назорат–яқунловчи даври учун эса операцион-назорат билим ва малакаларни шакллантириш, айниқса, хосдир. Ишлаб чиқариш билим ва малакаларни босқичма-босқич шакллантиришда (конструктив-техник, ташкилий технологик, операцион-назорат) умумтаълим, умумтехник ва махсус фанлар бўйича шартли равишда қуйидаги асосий билимларни алоҳида кўрсатиш мумкин: меҳнат воситалари (станок, асбоб ва ускуналар)ни тузилиши ва ҳаракатланиш тамойиллари етувчи физик ходиса, қонун ва жараёнларнинг мавжудлиги, техник воситаларнинг тузилиши ва уларнинг ишлаш тамойили ҳақида; меҳнат предметлари (материал, хом ашё) ва воситалари (станоклар, асбоб-ускуналар, ёрдамчи қурилмалар ва б.) ни оқилона танлаш; иш усуллари, бажариш услубларини қўллаш; кесувчи, назорат-ўлчов асбоб ва

ускуналаридан фойдаланиш; меҳнат самарадорлигини ошириш йўллари ва токарлик, слесарлик ва фрезерлик қайта ишловнинг тежамкорлиги; меҳнатни ташкил қилишнинг илмий асослари; асосий, ёрдамчи қурилмаларнинг тўғри жойлаштирилганлиги ва режалаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 й

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарори.

3. Й.Абдуллаев «Эски мактабда хат-савод ўрганиш» (1867-1917й) Тошкент 1961й.

4. Г.С.Солижонова «Туркистонда ўқитиш маърифатчилик ўчоқлари, уларнинг ижтимоий аҳамияти» (XIX асрнинг охири XX асрнинг боши).

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ИБН ХАЛДУННИНГ ТАРИХ ВА ЖАМИЯТ ҲАҚИДАГИ ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Жумақулов Н.И- ўқитувчи
БухВХТХКТваМОҲМ

***Аннотация:** В статье проанализированы взгляды одного из восточных мыслителей Ибн Халдуна об истории, человеческом обществе и государственности и использование их в современном образовательно-воспитательном процессе. Описаны история человечества, его становление, факторы и этапы развития, его взгляды на изучение взаимоотношений человека и общества, человека и природы и вопросы их использования. В настоящее время использование взглядов Ибн Халдуна в современном образовательно-воспитательном процессе коснулось преподавания исторической науки и воспитания молодого поколения.*

***Annotation:** The article is dedicated to the analysis of one of the Eastern thinkers Ibn Khaldun's views on history in the modern educational process, human society and statehood and issues of their use. Matters on the history of humanity, its formation, factors and stages of development, its views and uses in the study of the*

relationship between human and society, human and nature have been described as well. The article also states the role of the use of ibn Khaldun's views in teaching history and in the upbringing of the young generation

Замонавий таълим-тарбия жараёнида Шарқ мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Шу боисдан ҳам мухтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига Мурожаатномасида Шарқ донишмандлари айтган қуйидаги сўзларни ибрат сифатида келтирдилар.”Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос- бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик- бу билимсизликдир” [1.2]. Ҳақиқатда ҳам ақл-заковат, илм ва яхши таълим-тарбия олган ёш авлод янги Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотлар жараёнида фаол иштирок этади ва юрт тақдирига дахлдорлик ҳиссини юксак даражада намоён этади.

Бу масаланинг долзарблигин ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев яна қуйдагиларни таъкидладилар: “Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши керак” [2.2].

Ҳақиқатда ҳам замонавий таълим-тарбия жараёнида Шарқ мутафаккирларининг қарашларидан унумли фойдаланиш ёш авлодни баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга имконият яратади. Бу борада Шарқ мутафаккирларидан бири Ибн Халдун (1332-1406) нинг тарих ва жамият ҳақидаги қарашлари ҳам муҳим ўрин тутди. Ёш авлодга Ибн Халдуннинг тарих ва жамият ҳақидаги қарашларини янгича ёндашувлар асосида ўргатишда унинг бу масалаларни ўзига хос талқинда баён этганлигини унутмаслик керак.

Ибн Халдун инсоният тарихи, унинг шаклланиши, ривожланиш омиллари ва босқичлари, инсон ва жамият, инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларни тадқиқ этиш борасида ўзининг ноёб қобилиятини намоён этган ва бу борада қатор илмий- назарий ютуқларни қўлга киритган олимдир.

Унинг энг машҳур асарларидан бири “Муқаддима” деб аталади ва бу асари билан тарихни англаш, тарихни тушуниш, инсоният тарихий тажрибаларини диний ва дунёвий тафаккур орқали талқин этишнинг ўзига хос услубини яратади. У тарих ҳақида гапирар экан, “Фаннинг икки жиҳати бор. Биринчиси қадимги мамлакатлар ва давлатлар ҳақида ҳикоя этувчи ташки томони бўлса, иккинчиси тадқиқотларнинг бирининг тарихи ва янги фикрларни кашф этиш бўлган ички томонидир. Тарих олам асослари сабабиятини аниқ излайдиган фан. Бу воқеалар ва уларнинг сабаблари ҳақидаги чуқур илм” [3.242] дейди.

Ибн Халдуннинг ана шу “янги усул”и тарихдаги баёнчилик, ошириб-тошириб ёзишлар, сафсатабозлик, хуш кўрмаган воқеаларни кескин танқид қилиш каби иллатларга нукта қўйди.

Ибн Халдун тарихнависликда мавжуд бўлган хилма-хил ривоятлардан, турли ҳикоятлардан ва афсоналардан фойдаланишга чек қўйиб, реал ҳаёт ва реал жараён таҳлилига кўпроқ эътибор қаратиш тамойилини илгари сурди ва шу тарзда тарихнависликнинг бутунлай янги йўналишини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Унинг хулосаларига кўра тарих “...ўрганилиш объекти инсоният жамияти ва одамлар жамоаси бўлган мустақил фандир, унинг фаолият майдони бирин-кетин алмашиб келадиган воқеалар сабаби ва вазиятлар хусусиятларини тушунтиришдир”[4.243]

Ибн Халдун кишилиқ жамияти қонуниятларини ўрганар экан, уни маънавий, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий имкониятлари нуктаи назаридан иккига бўлади. Биринчиси маданий бўлмаган, ибтидоий ҳолатдаги ёввойи жамият. Иккинчиси, маълум даражада фикрий ва аклий жиҳатдан шаклланган, бошқарув усули ва тажрибасига эга бўлган маданий жамиятдир. Ҳар қандай шароитда ҳам, унинг хулосаларига кўра, инсон яшаши, кун кечирishi эҳтиёжи нуктаи назаридан жамият ичида яшайди. Ундан ташқарида бўлиши мумкин эмас. Одамларнинг манфаат, худбинлик, истеъмолчилик ва яхши яшашга бўлган мойиллиги жамият аъзолари ўртасида кутилмаган низоларнинг келиб чиқишига, келишмовчиликлар ва зиддиятларнинг авж олишига сабаб бўлади. Ибн Халдун ана шундай ҳолатда ҳукмдорга эҳтиёж сезилади, дейди ва: “Ҳукмдор – бу жамият аъзоларидан бири бўлиб, бошқалардан баланд туради ва одамлар бир-бирларига зиён-заҳмат етказмаслиги учун уларни бошқаради. Шохликнинг маъноси ана шу”[5.263] деган хулосага келади.

Замонавий таълим-тарбия жараёнида Ибн Халдун асарларида келтирилган бундай ўзига хос талқинлардан фойдаланиш ёш авлодни тарихимиз, инсоният жамияти тараққиёти ҳақидаги янги фикрлар билан қуроллантиради.

Инсон ва жамият, давлат ва бошқарув, сиёсий ҳокимят, унинг жамият олдидаги вазифалари, ўрни ва роли хусусида фикр юритар экан, Ибн Халдун “ҳукумат халқ манфаатлари учундир, демак, шу боис халқ уни ташкил этишга вакилдир. Бу ерда асосийси шуки, жамият ўз манфаатларини таъминлаш, ички фитна ва келишмовчиликлар, низолардан ҳамда четдан бўладиган ҳужумлардан сақланиш учун мувофиқ ва ҳамма нарсдан хабардор ҳукуматга, ташкилий уюшганлик ва тартибга эга бўлиши лозим”[6.256] деган хулосага келади.

Ибн Халдуннинг тарихий қарашларида кишилик жамиятининг ўзига хос даврийлик назарияси алоҳида ўрин тутди ва у “Одамлар каби давлат ҳам ўзининг ҳаётий даврларига эга”. Унинг қарашларига кўра, инсон умрининг табиий даври 120 йил. Кимдир ундан ҳам узоқроқ, кимдир ундан камроқ яшаши мумкин. Ўз даврининг мавжуд илмий қарашлари ва башоратлари нуқтаи назаридан Ибн Халдун шундай хулосага келади ва давлатнинг табиий умрини ҳам шунга қиёс қилиб, уни уч авлод умри даврига тенг дегани ғояни илгари суради. Унда биринчи авлод “Куч ёрдамида қийинчиликлар билан ҳокимиятни қўлга киритиб, ўзининг ёввойи табиатига кўра ҳаракат қилади, яъни жидду жаҳд, ғазаб, қатъият ва сабр-тоқат билан иш олиб боради. Шу туфайли ҳокимият тепасида қолади. Иккинчи авлод “мерос сифатида қабул қилинган ҳокимиятнинг меваларидан фойдаланиб, ялқовлашиб қолади, маишатга ва беғамликка берилиб, маданиятнинг ҳашаматли ҳаётига кўникади, натижада аста-секин заифлаша бошлайди”, учинчи авлодда эса “давлатни ташкил этувчи манбалар ҳисобланган хусусиятлар барҳам топади ва шоҳ курашчанлик қобилиятини йўқотиб, давлат учун ортикча юк бўлиб қолади. Мана шу тарика давлатнинг инкироз даври бошланади” [7.257]

Ибн Халдуннинг кишилик жамияти ва давлатчилик борасидаги бундай тарихий даврийлик назарияси ўз даври учун қутилмаган воқеадир. Айни пайтда у давлатнинг пайдо бўлиши, ривожланиши, ўз тараққиётининг юксак чўккисига чиқиши ва ундан кейин ўша чўккидан пастга қараб тушиши, охир оқибатда таназзулга учраши каби илмий-назарий хулосани илгари сурди. Масаланинг ажабланарли томони шундаки, орадан қарийб 600 йил ўтиб инглиз тарихчиси Арнольд Тойнби ҳам Ибн Халдун назариясидан қай даражада хабардор ёки хабардор эмаслигидан қатий назар, худди ана шундай хулосага келади.

Шарқ мутафаккири Ибн Халдун, тарих қанчалик ўтмиш ҳақидаги фан бўлмасин, инсон тафаккури ва ҳаёт тажрибаларининг маҳсули сифатида бугунги кун тафаккурининг таянчи, истиқболлини белгиловчи маёқ вазифасини ҳам бажаради, деган ғояни ҳам илгари сурди. Бошқача қилиб айтганда у О. Шпенглер ва А. Тойнбининг қарашларидан анча олдин, улар илгари сурган тарихни ўрганишнинг “кеча-бугун-эрта” формуласини яратиб, ечимини ҳам ишлаб чиққан эди.

Ёш авлодга шарқ мутафаккири Ибн Халдуннинг тарих, кишилик жамияти ва давлатчилик ҳақидаги қарашларини ўргатар эканмиз, бугунги кунда тарих фанини ўргатишда йўл қўйиб келинаётган айрим номутаносибликларни бартараф этишга эришамиз. Негаки, тарих орқали бугунги ғоялар ёшларга сингдирилади. Тарих деганда одамлар кўпроқ мактабда, университетларда ўтиладиган “расмий”, “миллий” тарихни тушунадилар. Аслида тарих- анчайин кенг тушунча; унинг ҳар хил кўринишлари бор.

Шарқ мутафаккири Ибн Халдуннинг қарашларида акс этган масалалар кенг маънодаги тарихни тушунишга кўмаклашади. Бизда мавжуд бўлган тарих фанини ўрганиш борасидаги айрим етишмовчиликларни бартараф этишга кўмаклашади.

Замонавий таълим-тарбия жараёнида Ибн Халдуннинг тарих, кишилик жамияти ва давлатчилик ҳақидаги қарашларидан фойдаланиш эса таълим-тарбия сифати ва самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисига Мурожаатномаси. “Янги Ўзбекистон”, 2020 йил 25 январь, 2-бет
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисига Мурожаатномаси. “Янги Ўзбекистон”, 2020 йил 25 январь, 2-бет
3. С. М. Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Т., 2003, 242-бет

ЁРДАМЧИ МАКТАБ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА ҚЎЛЛАНИЛАДИГАН МУЛОҚОТ ТУРЛАРИ

*Музаффарова Ҳ.Н-катта ўқитувчи
Исматуллаев О-талаба
Жиззах ДПИ*

Аннотация

В этой статье обсуждается, как повысить речевую активность умственно отсталых детей за счет использования коммуникативных навыков и правильного использования процесса обучения в вспомогательных школах.

Annotation

This article discusses how to increase the speech activity of mentally retarded children through the use of communication skills and the correct use of the learning process in auxiliary schools.

Жамият фан ва техникасининг ривожланишида ақл муҳим омил ва мезонлардан бири бўлса, ҳар бир ҳалқнинг маънавият жиҳатдан бойлигининг, ахлоқан юксак - юксак поғонада эканлигини, инсонпарварлигини аниқловчи мезонлардан бири-уларнинг имконияти чеклаган болаларга муносабати, диққат эътибори билан белгиланади.

Бу ҳалқ мақолларида, ҳадисларида, диний таълим ва ривоятларда етарли даражада ўз ифодасини топган. Шу сабабли ҳам тарихан буюк ақл, тафаккур эгалари бўлган Ибн Сино, Мирзо Улуғбек, Ал-Хоразмий, Ал-Фаробий, Беруний ва бошқалар билан оламга машҳур бўлган ва келажакда ҳам тараққий этган мамлакатлар ичида ўз ўрнини топа олиши барча имкониятлари мавжуд бўлган мустақил Ўзбекистонда ҳукуматимиз соғлом авлодни вояга етказиш ва шакллантиришга алоҳида эътибор берапти.

Биз ўрганаётган ва тадқиқ этаётган мавзу ўзининг узоқ тарихига эга бўлмасада, мазкур масаланинг методологик асослари, ушбу муаммога бағишланган экспериментал изланишлар ва шу тадқиқотларни амалга оширган муаллифлар номини тилга олмай, улар яратган назарий асосини ярата олмаймиз.

Ақли заиф ўқувчиларнинг мулоқот хусусиятларини ўрганар эканмиз, диққатимизни мулоқот хусусиятларининг меъерий ривожланиш тавсифига, мулоқотнинг меъёрда шаклланиши ва ривожланиши қонуниятларига қаратишимиз мақсадга мувофиқ саналади. Мулоқот муаммоси узоқ асрлар давомида нутқ, тил тушунчалари билан мазмун нуктаи назаридан бироз чалкаштириб ўрганилган, секин-аста бу тушунчалар моҳияти илмий жиҳатдан ўрганилиб, нутқ мулоқот воситаси эканлиги ўрганилди.

Мулоқот кўп қиррали, мураккаб жараён бўлиб, унинг бир қанча турлари мавжуд. Биргаликдаги фаолият давомида одамлар турли фикрлар, ўй-хаёллар, ҳис-кечинмалар билан ўртоқлашадилар. Бунда ўй фикрлар ахборот сифатида, коммуникация шунчаки ахборот алмашинувидан иборат эмас.

Чунки, мулоқот жараёнида ахборот нафақат узатилади, балки шакллантирилади, аниқлаштирилади ва ривожлантирилади.

Коммуникатив жараёнда қўлланиладиган бир неча белгилар тизими мавжуд. Улар вербал коммуникация (нутқ орқали) ва новербал коммуникация (нутқ билан боғлиқ бўлмаган белгилар орқали)дир. Улар мулоқот турлари сифатида ҳам тавсифланади.

Вербал коммуникация, инсон нутқи белгилар тизими сифатида қўлланилади. Нутқ инсон томонидан қўлланиладиган товуш сигналлари ёки ёзма белгилардан иборат бўлиб, улар орқали мулоқотдан олинган маълумот қайта ишланади, сақланади ва узатилади. Бу жараён тил орқали амалга оширилади. Тил сўз белгилари тизими бўлиб, у мулоқот жараёнида психик фаолият маҳсули бўлиб юзага келади. Тил муомила воситасидир. Тил муомилага киришувчилар ўртасидаги коммуникацияни таъминлайди. Чунки уни ахборот берувчи ҳам, уни қабул қилувчи ҳам бирдай тушунади. Бошқа кишига ахборот берувчи (коммуникатор) ва уни қабул қилувчи (реципиент) мулоқот жараёнида бир хил фойдаланиш керак. Акс ҳолда бир-бирини тўғри тушунолмайди.

Нутқ фаолияти - инсон томонидан ижтимоий-тарихий тажрибани ўзлаштириш ва авлодларга бериш ёки коммуникация ўрнатиш, ўз ҳаракатларни режалаштириш мақсадида тилдан фойдаланиш жараёнидир. Тил алоқа воситаси, нутқ эса алоқа жараёнининг ўзидир. Бу жараёнда нутқ фаолиятининг фаол ва пассив турлари фарқланади. Сўзловчининг нутқи фаол нутқ ҳисобланади. Нутқ ички ва ташқи нутққа бўлинади. Ташқи нутқ - ёзма ва оғзаки нутққа, оғзаки нутқ эса ўз навбатида монологик ва диологик нутққа ажратилади.

Монолог – бир кишининг ўзига ёки бошқаларга қаратилган нутқидир. Бу ўқитувчининг баёни, ўқувчининг тўлиқ жавоби, маъруза ва бошқалардир.

Монологда гапираётган, гапираётган киши фикрларнинг аниқлигига, грамматик қоидаларнинг сақланишига, мантиқ ва айтилаётган фикрларнинг изчиллигига эътибор бериши керак. Диологик нутққа нисбатан монологик нутқ кечроқ шаклланади.

Икки ёки ундан ортиқ кишилар ўртасидаги нутқга диолог дейилади. Диологик нутқда баён қилинаётган фикр кўп жиҳатдан ундан олдинги фикрга боғлиқ бўлади. Диологик нутқда ҳар хил турдаги шаблонлар, яъни одатланиб қолинган сўз бирикмаси кўп учрайди.

Новербал коммуникация воситаларига юз ифодаси, мимика, оҳанг, пауза, поза, кўз ёши, кулгу ва бошқалар киради. Бу воситалар вербал коммуникация-сўзни тўлдиради, кучайтиради ва баъзан унинг ўрнини босади. Турли ёш гуруҳларида новербал коммуникация воситаси турлича бўлади. Масалан, болалар кўпинча катталарга таъсир этиш, уларга ўз хоҳиш ва кайфиятларини ўтказишда йиғидан восита сифатида фойдаланилади.

Новербал коммуникацияга белгиларнинг оптик-кнетик тизими кириб, уларга жестлар, мимика ва пантомимика киради.

Жестлар - инсоннинг кўл ҳаракатлари бўлиб, у орқали инсоннинг ички ҳолати, бирор-бир объектга муносабати ва ташқи оламга йўналганлиги ифодаланади. У ёки бу халқларда жестлар турлича қабул қилинади.

Мимика – инсон юз ҳаракатларининг бир қисми бўлиб, у орқали инсоннинг ўйлари, тасаввурлари, таажжуби ва бошқалар намоён бўлади.

Пантомимика - инсон танаси ёки унинг қисмлари ёрдамида ифодаланадиган ҳаракатлар тизимидир. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, кундалик мулоқот жараёнида сўзлар 7 % ни, товушлар ва интонация 38% ни, нутқсиз мулоқот эса 55% ни ташкил этар экан. Паралингвистик ва экстралингвистик белгилар тизими - бу вокализация тизими бўлиб, у овоз сифатида унинг диапозонини нутқдаги паузалар, йўтал, йиғи, кулги, нутқ темпида намоён бўлади.

С.Л. Рубенштейн айтганидек “биз инсонни ташқи ҳулқ-атвориға қараб, уни ўқиймиз” “бошқа одамни билатуриб, ўрганаётган индивиднинг ўзи ҳам шаклланади” - деб ёзади Л.С.Виготцкий.

Мулоқотнинг ҳар бир жиҳати бир-бири билан узвий алоқада бўлиб, улар мулоқот жараёнининг самарали ва мувафқиятли амалга оширилишини таъминлайди. Адабиётлар тахлили шуни кўрсатдики, ёрдамчи мактабда таълим жараёнида нутқ ва мулоқотни ривожлантириш ишларининг мазмуни ёрдамчи мактаб ўқувчилари нутқда учрайдиган камчиликлар, ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда белгиланган. Олимларнинг фикрича ақлий ривожланишида нуқсони бўлган болада учрайдиган камчиликларни олдини олиш ишлари мактабгача ёшдаги болалар билан олиб борилиши даркор. Бунда боланинг оғзаки нутқини ўстириш, фазовий идроки, хотираси, диққати, анализ ва синтез қилиш фаолияти, нутқни тахлил қилиш, луғат устида ишлаш, грамматик компонентни ривожлантириш, оғзаки нутқдаги камчиликларни бартараф этиш, нозик кўл ҳаракатларини ривожлантириш айниқса муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мамедов К., Шоумаров Г. Ақли заиф болалар психологияси. Тошкент, 1994, 107-114-бетлар.
2. Мастюкова Е.М., Московкина А.Г. Семейное воспитание детей с отклонениями в развитии. – М.: Владос, 2004. –408 с.
3. Рубинштейн С.Л. Проблемы общей психологии. – М.: Владос, 2001.
4. Виготцкий Л.С. Педагогическая психология /Под.ред. В.В.Давидова. – М.: Педагогика, 1991

TEMURIYLAR DAVRIDA ILM-MA'RIFAT VA BADIY ADABIY IJODKORLIK

***Usmonov A.N.,-dotsent.
Tog'ayev X., -k.o'qituvci
Jizzax DPI***

***Аннотация.** В статье дается краткий обзор развития науки во времена Амира Темура и его династии, новых ученых, их карьеры, их достижений.*

***Annotation.** The article gives a brief overview of the development of science during Amir Temur and his dynasty, the emerging scientists, their career, their achievements.*

Tarixdan ma'lumki temuriylar davri yoki davlat xususida gap ketganda 1370-1507 yillarda, ya'ni 137 yil mobaynidagi asoschisi Temur bo'lgan sulola hukmronlik davrini tushuniladi. Uzoq davom etgan mo'gul mustamlakachiligiga qarshi olib borilgan kurash 14-asrning ikkinchi yarmiga kelib sohibqiron Amir Temur boshchiligidagi mustaqillik uchun urushlar g'alabasi va Movaraunnahrda yagona davlat barpo etilishi bilan yakunlandi. 14-asr oxiri va 15-asrda "Turon", "Turkiston va "Movaraunahr" nomi bilan mashhur bo'lgan Vatanimiz jahon tsivilizatsiyasining beshiklaridan biri sifatida olam bo'ylab dovruc qozondi.

O'sha kezlarda ilm-fan, madaniyat, me'morchilik va boshqa sohalarda erishilgan ulkan muvaffaqiyatlar o'zining ulug'vorligi, nafisligi, umumbahsariy g'yalarga boyligi, badiiy ijod shakllarining xilma-villigi, ma'naviy sofligi va yetukligi bilan insonning aql-idroki va tafakkurini yuksaklikka ko'taradi.

Amir Temur farmoishiga ko'ra kasb-hunar va ma'rifat ahllari, dehqonlar, qobiliyat va iste'dodlariga qarab davlat tomonidan ish va zarur miqdorda mablag'lar bilan ta'minlandilar.

Shu davrda Ulug'bek maktabi shakllandi, aniq fanlar rivojida katta yutuqlar qo'lga kiritildi. Gumanitar-ijtimoiy fanlar va rassomlik, hattotlik oily cho'qqilarga ko'tarildi. Fors tili o'z mavqei saqlagan holda, adabiyotda turkey tilning roli kuchayib ketdi.

Temur va temuriylar davrida badiiy o'ymakorlik, zargarlik, to'qimachilik va ko'nchilik, muqovasozlik va hattotlik, zardo'zlik, san'at, adabiyot va hunarmandchilikning turli tarmoqlari tez rivojlandi. Gazmol, qog'oz, kitob savdosi yuksaldi, kiyim-kechak tikish, uy-ro'zg'or buyumlari, san'at va boshqa badiiy ijodlar yuksak darajasiga ko'tarildi. Musavvirlik va devoriy rassomlikda ustod Gung, Xoja Abdulhay, ustod Shamsiddin, Pir Ahmad bog'ishamoliy, Junayd naqqosh kabi yetuk ijodkorlar yetilib chiqdi, Samarqand miniatura maktabining ijod namunalari bugungi kunda ham Berlin, Sant-Peterburg, Istanbul, Nyu-York,

Shuningdek shu davrda, o'zbek va fors-tojik tillarida Mavlono Sakkokiy, Bisotiy Samarqandiy, Javhariy Xo'ja So'g'diy Samarqandiy, Mirzabek, vasifiy, Riyoziy kabi shoirlar yuksak adabiy-badiiy asarlar yaratdilar. Samarqand ilmiy va adabiyot hayotning markaziga aylandi. Bu yerga Movaraunnahrning ko'p joylaridan-Xorazmdan Zamaxshariy va Abdulqodir Jurjoni, Muhammad Solih, Badaxshondan – Muhammad Badaxshoni, Buxorodan – xayoliy va Ismat Buxoriy, Toshkentdan – A'loyi Shoshiy, Sherozdan – Said Qo'raza, Hirotdan – Abdurahmon Jomiy, Suhayliy, Alisher Navoiy kabi shoir va olimlar kelib yashab ijod qildilar.

Turkiy tildagi she'riyat sultoni Alisher Navoiy ijodiga Lutfiy, Sakkokiy, Gadoiy, Otoiy, Jomiy kbi shoirlar katta ta'sir ko'rsatdilar.

Yuqorida nomlari keltirilgan buyuk mutafakkirlar barchasining ijodiy faoliyati haqida bitta maqolada yetarli ma'lumot berishning iloji yo'qligini hisobga olib, ushbu ishda asosiy e'tiborni Temuriylar davridagi badiiy ijodni adabiy muhit misolida yoritishga qaratildi.

Albatta Temuriylar davridagi ijodkorlik muhiti deganda uning Markazida buyuk mutafakkir A.Navoiy ijodi turadi. Ammo, A.Navoiy ijodi qirralari muttasil o'rganilib kelinayotganligini hisobga olib maqolada uning murabbiylari Lutfiy va Abdurahmon Jomiylarning o'sha muhitdagi tutgan o'rni va g'oyaviy qarashlari haqida qisqacha ma'lumot berish maqsad qilib qo'yildi.

Mavlono Lutfiy (1366-1465) Hirotning Dehikanor mavzesida tugʻulib, shu yerda ijod etgan. U oʻzbek shoir va mutafakkiri boʻlib, oʻz zamonasining “Malikul kalomi” hisoblanadi. Lutfiy katta adabiy meros qoldirdi. Navoiy soʻzi bilan aytganda, u “forsiy va turkiyda naziri yoʻq” shoir boʻldi. U oʻzbek va fors tilidagi nodir lirik sheʼrlaridan tashqari epic dostonlar ham yaratdi. 1411- yilda “Gul va Navroʻz” ishqiy qahramonlikdostonini yozdi. Sharafiddin ali Yazdiyning “Zafarnoma”sini fors tilidan tarjima qildi. Tarjima soʻngida oʻzi ham 10 ming baytdan ziyodroq masnaviy yoʻlida shu nomda doston bitdi.

Shoir har qanday ziyoratgoh joydan ham inson qalbining muqaddas ekanligini oshiq tilidan yozadi:

*Sen husn ila boysen, senga chun farz durur haj,
Qil tengri uchun ka'ba ko'nghlumni ziyorat.*

Lutfiy ijodida lirik qahramonning orzu va havaslari, iztirob va hasratlari davr ruhi bilan, jamiyat hayoti bilan qoʻshilib ketgan. U olimlar, shoirlar va sanʼat ahli boshiga tushgan kulfat va zoblarni koʻrib gʻam chekdi:

*Yo'q turur yolg'iz bu Lutfiy jonig'a javri raqib,
Qayda bir dono durur ul jafri nodon tortadur.*

Lutfiy Abdurahmon Jomiy bilan ijodiy hamkorlik qildi va navoiy kabi soʻz daholariga murabbiylik qilgan va uning asarlarini yuksak baholagan. Mashhur keksa shoir Mirshohiy bilan xat yozishib turgan Xondamirning xabar berishicha, yosh A.Navoiyning isteʼdodidan mamnun boʻlgan Mavlono Lutfiy, uning:

*Orazin yogp'och ko'zumdan sochilur har lahza yosh,
Bo'ylakim paydo bo'lur yulduz, nihon bo'lg'ach quyosh.*

Matlaʼli gʻazalini tinglab, “agar muyassar boʻlsa edi, oʻzimning oʻn-oʻn ikki ming Forsiy va Turkiy baytimni shu gʻazalga almashtirardim...” degan. Bobur, Fuzuliy, Munis, Ravnaq, Nodira, Amiriy kabi soʻz ustalari Lutfiyning ijodiy maktabida taʼlim oldi va uning asarlariga nazira hamda muhammaslar bogʻlaganlar. Sobiq ittifoq davrida “Gul va Navroʻz” dostoni asosida muzikali drama yaratildi, navoiy nomidagi sheʼriyat xiyobonida lutfiyga byust oʻrnatildi.

Temuriylar davridagi ijodkorlik muhitida yetakchi oʻrinni egallagan shoir va olim Abdurahmon Jomiydir. Uning asarlari falsafa, tasavvuf, tilshunoslik, adabiyotshunoslik, sanʼat sohalariga hamda hazm va nasrning har xil janrlariga oid, faoliyati koʻp qirrali boʻlsa-da, u, Sharq xalqlari madaniyatida koʻproq genial shoir va mutafakkir olim sifatida tanilgan. Soʻngi asr adabiyotshunoslari haqli ravishda uni fors-tojik adabiyotining ilk tarqqiyoti davri (10-15 asr) ga yakun yasagan buyuk mutafakkir ijodkor deb ataydilar.

A.Jomiy oʻzining butun ijodi davomida adolat va xalq manfaati uchun kurashdi. U podshohlarning zolimligini, “oʻzlariga bitta saroy qurish uchun butun bir shaharlarni gʻorat qilishlarini”, “qoʻliga bitta olmani kiritish uchun bir bogʻni sarob etishlarini” gʻazab bilan fosh qildi. Jamiyatdagi tekinoxʻrlik bilan yashovchi tabaqalarni qoraladi, mehnatkash tabaqalar turmushini oʻz mehnati evaziga “rohat qadahi”ni koʻtaruvchi haqiqiy insonlar ekanini koʻklarga koʻtarib maqtashdi.

A.Jomiy oʻsha zamon ijtimoiy fikr taraqqiyotida juda oldinga ketgan edi. “Haft afrang”dagi dostonlarining aksariyati didaktik mavsifga ega. “Silsilat oʻz-zihab”, “Tuhfat ul-ahror”, “Suhbat ul abror”, “Xiradnomai Iskandariy” asarlarida u yuksak xulq-atvor gʻoyalari targʻib qildi.

1476-1477 yillarda Navoiy A.Jomiy oʻziga pir deb taniydi. Garchi A.Jomiy Navoiydan salkam oʻttiz yosh katta boʻlib, rasman pir hisoblansa ham, mohiyat eʼtiborat ular

chin do'st va hamkor bo'lganlar. Sharq musiqasi tarixida A.Jomiyning "Risolai musiqa" si ham alohida o'rin tutadi. Bu risolasida u Forobiyning musiqa haqidagi fikrlarini rivojlantiradi. Shuningdek, muammo haqida to'rt risola ("Risolai muammoyi sabir", "Risolai muammoyi mutavassit", "Risolai muammoyi sag'ir", "Risolai muammoyi manzul") ruboiylar sharhi, qofiya haqida ikki risola yozdi.

Temuriylar davridagi adabiy ijodiy muhit haqidagi fikrlarga xulosa o'rnida quyidagilarni ta'kidlash mumkin.

1. Temuriylar davri ilk uyg'onishning (9-12 asr) mantiqiy davomi, qonuniy rivojlanishi bosqichi va cho'qqisi bo'ldi va bu davrda ilm-fan, madaniyat va ma'naviyatning ustunlari, qomusiy aqllari, xususan buyuk so'z san'atkorlari Lutfiy, A.Jomiy va A.Navoiylar yetishib chiqdilar;

2. A.Navoiyning eng yaxshi asarlar yaratishda buyuk qalam sohiblari Lutfiy va Jomiylarning ijodi namunalari hamda ma'naviy yaqinligi katta ijobiy ro'l o'ynadi;

3. 1964-yilda A.Jomiyning tug'ilganiga 550 yil to'lishi munosabati bilan o'tkazilgan yubileyi ilg'or insoniyat tomonidan Sharqning buyuk madaniyat arbobiga ko'rsatgan izzat hurmatining yorqin ifodasidir;

4. Jahon madaniyatining eng yaxshi durdonalariga mansub bo'lgan Temuriylar davrida yashab ijod etgan adabiy muhit namoyondalarining hayotbaxsh badiiy adabiy merosi, bundan keyin ham butun taraqqiyparvar insoniyatning boyligi bo'lib qolajak.

Shunday qilib, Temuriylar davrida ijod etgan, buyuk mutafakkir olimlarning ilm-fan, adabiyot, san'at va boshqa sohalarida qoldirgan o'lmas merosi butun jahon xalqlari, jumladan Sharq va O'rta Osiyo xalqlari madaniyati rivojlanishi tarixida olamshumul aamiyatga ega.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Erkinov S. Lutfiy (hayoti va ijodi). Toshkent, 1965 y.
2. Shomuhamedov Sh. Abdurahmon Jomiy. Toshkent. 1963 y.
3. Abdurahmon Jomiy va Alisher Navoiy. Tosh., 1966 y.
4. Mirzayev A., Alisher Navoiy va Abdurhmon Chomi. Dushnbe, 1968 y.

KICHIK MAKTAB YOSHDAGI O'QUVCHILARNING SHAXS SIFATIDA SHAKLLANISHIDA "QOBUSNOMA" ASARIDAN FOYDALANISH

***G'aniyev O.A. o'qituvchisi
JizzaxDPI***

Аннотация В данной статье изучены теоретические основы и практические значения произведения Кайкавуса «Кабуснамэ» в воспитании учащихся младшего возраста. Освящены, что человеческое развитие основано на социальном опыте и образовании.

Annotation. The theoretical foundation and practical value of Kaykovus "Kabusname" on upbringing beginner school children has been studied in this article. Humanity development, has been enlightened, of the base of social experience and education.

Insoniyatning shaxs tarbiyasi borasidagi faoliyati insoniyat paydo bo'lishi bilan vujudga kelgan va bundan keyin ham davom etishi muqarrar bo'lgan umumbashariy faoliyatdir. Binobarin jamiyatning tarixiy taraqqiyoti davomida hech kim hech qachon bola tarbiyasi faoliyatidan chetda yashamagan. Shu bois ajdodlarimiz yoshlarni kutilgan maqsadga muvofiq

kishilar qilib yetishtirish borasidagi qarashlarni, ta'lim-tarbiya ishlarini amalga oshirishda qo'llanilib kelingan usul, vosita, ko'nikma va malakalari bir necha asrlar mobaynida davom etib kelmoqda.

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Miromonovich Mirziyoyevning 2019-yil 19-mart kuni yoshlarga e'tiborni kuchaytirish, ularni madaniyat, san'at, jismoniy tarbiya va sportga kung jalb etish, ularga axborot texnologiyalaridan foydalanish ko'nikmalarini singdirish, yoshlar o'rtasida kitobxonlikni targ'ib qilish, xotin-qizlar bandligini oshirish masalalariga bag'ishlangan videoselektor yig'ilishi yoshlar ma'naviyatini yuksaltirish va ularning bo'sh vaqtlarini mazmunli tashkil etish bo'yicha beshta muhim tashabbusni ilgari surgan edi.

Kaykovusning "Qobusnoma" asarida tarbiya axloq masalalari asosiy o'rinni egallaydi. Tarbiya axloq masalasi esa bugunning dolzarb ahamyatiga ega masalasidir.

Chunonchi, Turkiston xalqlari shu jumladan, o'zbek xalqi ham o'z ijtimoiy, iqtisodiy va siyosiy taraqqiyoti tarixi davomida ortirgan turmush tajribalari asosida o'z zamonasi yoshlarini tarbiyalash yuzasidan o'ziga xos milliy tarbiya tizimiga ega bo'lib kelgan. Bu tarbiya tizimi juda qadimiy bo'lib, maxsus pedagogika fani yaralishidan ko'p asrlar ilgari bunyod etilgan. O'zbek xalqining yosh avlodni tarbiyalashda ko'p asrlar davomida qo'llagan usul va vositalari tadbir shakllari, o'ziga xos urf-odati va an'analari, tarbiya haqidagi g'oyalari hayotiy tajribasi, ajdodlar o'g'itlari, yaratgan bebaho nodir asarlari, xalq pedagogikasida mujassamdir.

Insoniylik ideali ahloq qonuniyatining asosi hisoblanadi. Shu sababli qadimdan insoniylik yosh avlodni go'zal ahloqli qilib tarbiyalashning asosiy mezoni deb belgilandi.

Insoniylik o'z tarkibiga insonning eng yaxshi ahloqiy xususiyatlarini, ya'ni odamlar o'rtasida o'zaro yaxshi munosabatda bo'lishni, o'zaro ishonch, sadoqat, vafo kabi ijobiy xislatlarni qamrab oladi.

Muqaddas tarix shohidlik berganidek buyuk ajdodlarimiz o'zlarining bola tabiati, ularni barkamol inson qilib tarbiyalash haqidagi ilg'or fikrlarni juda ko'p bayon etganlar. Bu haqda biz yuqorida ham fikr yuritgan edik. Quyida men "Qobusnoma" asaridagi bosh g'oyani targ'ib qilishda o'qituvchining ro'li haqida fikr yuritmoqchiman.

Pedagogik adabiyotlarda takidlanishicha hozirgi zamon o'qituvchisining asosiy fazilatlaridan biri o'z kasbiga sadoqatliligi g'oyaviy e'tiqodliligi, o'z kasbini sevishi, bu kasbga bo'lgan cheksiz sadoqat, o'qituvchini boshqa kasb egalaridan ajratib turadi. Chunki, maktabda ta'lim-tarbiya ishining yuqori saviyada olib borilishi faqat o'qituvchiga, uning kasbiy tayyorgarligiga bog'liq.

O'qituvchining yuksak madaniyati, uning teran bilim doirasi ta'lim –tarbiya ishlarini muvoffaqiyatli kechishga yordam beradi.

Bugungi kun o'qituvchi –tarbiyachisi milliy urf-odat, an'analari, boy ajdodlarimizmerosi bilan birga uni ota-onalar, mahalla-kuy, maktab-sinfda otashin targ'ibotchisi hamdir.

Kaykovus yirik davlat arbobi sifatida o'g'li Gilonshohga podshohlik, vazirlik kabi ulug' martabadan tortib, dehqonchilik ishlariyu dehqon odobigacha bo'lgan umuminsoniy masalalar haqida nasihatlar beradi.

Asarning o'ttiz birinchi - ilm talabi va qozigarlik zikrida bobida "... Har kishi har ishni qo'lga olsa, ul ishni yaxshi bilsin va uni ko'p varzish (mashq, odat) qilsin, toki ul ishdin ko'p naf ko'rg'ay" – deyilgan. Buni shunday izohlash mumkinki, har qanday kasbning o'z

vazifasi, yumushi bilan birga uning hordig'i ham mavjud, faqat uni astoyidil bajarib o'z ishidan natija chiqara olishi kerak. SHundagina bu ishining nafi tegadi.

Haqiqatdan ham kasb-hunarning katta-kichigi yo'q. Bugungi fan, texnika, texnologiya rivojlangan davrda odamlar ehtiyoji ham ortib bormoqda. Bu esa o'z-o'zidan ko'proq daromad va mablag' bilan bog'liqdir. Lekin har ishda ustamonlik, mohirlik bilan bajarish daromadni ko'paytirish asosidir.

“Qobusnoma” asarining fazilatlarini cheksiz: unda ham jismoniy, ham aqliy tarbiyaning hamma qirralari o'ta zukkolik bilan tahlil qilinadi. Sharq mutafakkirlarining pedagogikaga oid asarlarini o'rganar ekanmiz, ularda har bir ta'limiy – tarbiyaviy masala bilan uzviy ravishda bog'langan hikoyatlarga duch kelamiz. “Qobusnoma” da ham o'nlab hikoyatlar asarning ham g'oyaviy, ham badiiy yuksakligini ta'minlagan.

Hamma ijtimoiy – siyosiy tuzumda ham yoshlarni barkamol inson qilib tarbiyalashda “Qobusnoma” o'z qiymatini aslo yo'qotmaydi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. K.Xoshimov, S.Nishonova. Pedagogika tarixi. Darslik. Toshkent 2005-yil.
2. Kaykovus. “Qobusnoma”. (Forschadan Muhammad Rizo Ogahiy tarjimas). Toshkent: “O'qituvchi” 2006-yil.
3. B.Xodjayev. Umumiy pedagogika nazariyasi va amaliyoti. Darslik. Toshkent “Sano-standart” 2017-yil

BO'LAJAK O'QITUVCHILARNI MA'NAVIY –AXLOQIY TARBIYALASHDA SHARQ MUTAFFAKIRLARI QARASHLARIDAN FOYDALANISH

***Zokirova U. I. o'qituvchi
Jizzax DPI***

Аннотация: *Духовно – нравственное воспитание , взгляды Фараби, национальные ценности, духовно-нравственное возвышение, хорошие качества, поведение, поступки, нормы нравственности, духовные качества, понятие совершенного человека.*

Annotation: *Moral education , Forobiy's views, national values, moral development, good qualities, morals, behavior, standarts of morality, moral qualities, perfect human understanding.*

Ma'lumki, jamiyat taraqqiyoti barcha davlatlarda rivojlanishining mohiyati uning sur'ati, insonlarning odobi ,tarbiyasi ,xulqi va ma'naviy komolot darajasiga bog'liq bo'lgan.Qayerda ma'naviy-madaniy ,axloqiy komolot yuksak bo'lib, ma'rifiy –tarbiyaviy tadbirlar oqilona yo'lga qo'yilgan bo'lsa shu yerda jamiyatning ijtimoiy adaolat mezonlari tez rivojlanganligi tarixdan ma'lum.Mustaqil O'zbekistonda demokratik huquqiy jamiyatning uch muhim jihati bor; iqtisodiy,siyosiy va ma'naviy.Bu jihatlar qancha mustahkam va baquvvat bo'lsa,kelajagimiz ravnaqi shunchalik kuchli bo'ladi,jamiyat tez rivojlanadi.

Yuksak odob-axloq me'yorlari kecha yoki bugun o'ylab topilgan narsa emas.Ular insoniyatning ming yillik tarixi,ota-bobolarimizning necha-necha ajdod-avlodlari tajribasi davomida shakillangan. Odob,axloq,g'urur,or-nomus va uyat insonga ona suti, ota namunasi, ajdodlar o'giti bilan yoshlarga singdirilib kelingan .

Mustaqil Respublikamiz bugungi kunda yoshlarimizni har tomonlama ma'naviy va ma'rifiy jihatdan o'zini tuta bilgan, o'z sha'ni ,uyati g'ururini himoya qila oladigan darajada ko'rishini istaydi. Milliy turmush tarzimiz va ma'naviy –axloqiy a'nanalarimiz bilan ham nafasdir. Ma'naviyat –ma'rifat xalqimiz ,millatimizning qonida bor. A'naviy sharqona qarashlarimizga ko'ra ma'naviyatlik, ma'rifatlik faqat bilim va malakagina emas, balki madaniyat, go'zal axloq degani hamdir.

Ma'lumki kuchli, qudratli davlat ma'naviyat zaminida vujudga keladi. Bunday qudratli davlatning kishilari ham g'ururi, or-nomusi va qadryatlarini himoya qilishga qodir insonlar bo'lishi lozim. SHunday ekan, biz tarbiya jarayonida inson sha'ni, g'ururi, uyati, or-nomusi va uni asrash, himoya qilishni yoshlarga o'rgatishimiz hamda oldimizga asosiy maqsad qilib qo'yishimiz kerak.

Darhaqiqat, bugungi kunda ta'lim-tarbiya tizimida berilayotgan tarbiyaning bosh maqsadi-yoshlar ongiga milliy ma'naviyatimiz, xalqimizning ma'rifat tuyg'ularini singdirishdan iborat.

Bugungi yoshlarimiz o'z taqdirining chinakam egasi, o'z tarixining ijodkori, o'ziga xos milliy qadryatlarning sohibi sifatida, odob-axloqimiz namunasi asosida ish tutadilar. SHu bois xalqimiz o'zligini anglash, mustaqillik poydevorini tobora, mustahkamlab bormoqda. O'z novbatida ma'naviy –axloqiy yuksalish bilan birga bir qancha o'z yechimini kutib turgan muammolar mavjud. Har bir davlatning istiqbol, xalqining farovonligi, osoyishta bo'lishi yosh avlod, umidli o'g'il-qizlariga bog'liq, chunki ertagi kun ularning qo'lida. SHuning uchun ham birinchi prezidentimiz I.A.Karimov O'zbekiston kelajagi buyuk davlat deganlarida, avvalambor, e'tiborni yoshlarga qaratib, farzandlarimiz bizlardan ko'ra baxtli, kuchli, aql-zakovatli, or-nomusli va g'ururli bo'lishini qayta –qayta takidlab o'tganlar.

Biron- bir jamiyat ma'naviy imkoniyatlarini, odamlar ongida ma'naviy va axloqiy qadriyatlarni rivojlantirmay hamda mustahkamlay turib, o'z istiqbolini tasavvur eta olmaydi. SHunday ekan biz, bo'lajak o'qituvchilarni ma'naviy axloqiy tarbiyalashda buyuk allomalarimizning qarashlari va g'oyalaridan keng foydalanib boramiz.

Ajdodlarimizning eng qadimgi yozma yodgorliklari, ularning dastlabki ta'lim-tarbiyaga oid fikrlari eramizdan oldingi VI-IX asrlarda paydo bo'lgan. Eng qadimgi madaniy boyliklarimiz, tarbiyaga oid fikrlarni o'rganishda uch asosiy manbaga tayanadi.

1. Xalq og'zaki ijodi
2. Buyuk adiblar, allomalarning ijodiy merosi
3. Arxeologik qazilmalar natijasida topilgan ashyolar.

Eng qadimgi davrlarda ta'lim-tarbiyaga, odob-axloqga oid qimmatli ma'lumotlarni biz xalq og'zaki ijodi na'munalarida ko'ramiz.

Xalq og'zaki ijodi orqali biz bo'lajak o'qituvchilarning ma'naviy-axloqiy tarbiyalashning quydagi manbalarda ko'rishimiz mumkin, (odatnoma, odobnoma, qadrshunoslik, udumshunoslik, mutafakkirlarning odob-axloqga oid fikrlari) da ko'rishimiz mumkin. Ajdodlarimiz yaratgan boy madaniy merosimiz, milliy qadryatlarimiz, ma'naviy-axloqiy a'nanalardan ta'lim tizimining barcha bo'g'inlarida, tarbiya jarayonida keng foydalanish zamon talabiga aylandi.

Ma'naviy-axloqiy tarbiyalashda (komil inson) haqida gap ketganda ota-bobolarimiz, sharq allomalari doimiy ravishda komilikka intilib kelganini va ular yaratgan komil inson timsoli ,ularning o'ziga xosligi haqida fikr yuritiladi.

Ma'naviy sifatlar, vijdon ,aql va fikr tarbiyasi haqida so'z ketganda ajdodlarimizning, buyuk siymolarning, hayoti shaxsiy va axloqiy fazilatlaridan misollar keltirishga e'tibor

beriladi. Bunga yorqin dalil sifatida Abu Nasr Farobiy ijodlari va asarlari, qarashlaridan misollar keltiramiz: Farobiy o'rta osiyodan chiqqan buyuk fan arboblari sanalib, o'rta asr fan va madaniyatiga ulkan xissa qo'shgan olim, ilm ma'rifatning ko'p soxalarini egallagan va o'zidan keyin salmoqli meros qoldirgan. Ma'naviy –axloqiy tarbiya haqida Farobiy o'zining asarlarida bir muncha ma'lumotlarni aytib o'tgan.

Inson tabiiy xislatlariga ega bular ekan, undagi xulq-atvor va xatti-xarakatlarga sabab bo'ladilar deb tushuntiradi (Farobiy). Soxibi qonun bu xislatlarni nazarda tutishi, ularni tuzatishi, shu xislatlarni tuzatuvchi, qonunlar chiqarishi kerak, chunki bu bilan soxibi qonun fuqoroning xulq-atvorini xam tuzatadi.

Yaxshi fazilatlarga erishmoqchi bo'lgan odam yaxshi hislatlarga qarshi turgan o'zidagi illatlarni yo'q qilishga intilishi zarur, chunki fazilatlarga erishish qiyin, odam faqat illatlardan forig' bo'lgandan so'ngina yaxshi fazilatlarga erisha oladi. Abu Nasr Farobiy ya'na urf-odatlar farzandlarga qanday o'tishi haqida xam ma'lumotlar beradi. Agar bu jarayon birlik birdamlikni idrok etishga olib keladigan bo'lsa, u holda turli xayot tarzidagi odamlarni, katta obro'li oilalarning tabarruk yoshdagi otalar va farzandlari farog'at keltiradigan birdamlikka birlashtiradigan qonunlar yaratishga majbur etadi. Farobiy ya'na axloqiy fazilatlarni qanday o'zlashtirish mumkinligini tushuntiradi. Bunday yaxshi odatlar vaqtincha o'zgargan bo'ladi, chunki jamiyatlar va barcha odamlarda odatlar uzoq muddat o'tib o'zgartiriladi. Adolatli ,pok,jasur bo'lishga odat qilish , shu bilan birga , yomon qiliqlardan voz kecha oladi. Agar odamda tug'ma kuchli g'urur tuyg'ulari bo'lmasa , u xolda o'sha odam o'z ruxini mashq ila tarbiyalashi zarur, chunki o'zi sevgan odamning tug'ma xislatidir. Zero shunday ekan insonni xalokatga olib boradigan narsalarni ruxiga ravo ko'rmaslik uchun bundey hollarda g'azabdan ham ijobiy foydalana bilish va ruxini doimo o'zidan ko'ngli to'lmaslikka o'rgatish kerak. Inson yaxshi tarbiya ko'rmagan va turmushda tajriba orttirmagan bo'lsa ,u ko'p narsalarni nazarga ilmaydi va ulardan jirkanadi deb ta'kidlaydi.(Farobiy)

Xulosa o'rnida shuni aytib o'tish joizki ,bo'lajak o'qituvchilarni ma'naviy –axloqiy tarbiyalashda yuqorida aytib o'tilgan fikrlar; kasb-hunar , ish tajriba , jaxd va g'ayratga ega bo'lganlari va shu narsalarni o'z vujudlariga singdirganlaridan so'ng ularni asta-sekin egallay boradilar, hamda yuqorida aytib o'tilgan fazilatlarni aniqlab berish, naziriy bilimlarning hammasida mantiqiy fikrlash yo'lini ishlatishga odatlanadilar. SHu tartibda yoshlarimizga o'rgatish yo'li bilan ular kamolga yetguncha ana shu fazilatlar aniqlanadi va tarbiya qilinadi. Ya'na shuni aytish lozimki odamlarga nisbatan ularni birlashtiruvchi boshlang'ich asos insoniylikdir , shuning uchun ham odamlar insoniyat turkumiga kirganliklari tufayli o'zaro tinchlikda yashamoqlari lozim. Bunga qo'shimcha qilib quydagi fikrlarni kiritib o'tamiz.

Barcha axloqiy hislatlarni yaxshilik va yomonlik kabi ikki turga bo'lamiz: bu axloqlilikning belgilari sifatida yaxshilik, hamkorlik, mehnat va hunar egallash , poklikka , goz'alikka intilishni o'rgatadi.

Bo'lajak o'qituvchilarni ma'naviy –axloqiy tarbiyalashda insoniyat olamida go'zal xulq egalari haqida takror-takror ta'kidlab o'tamiz. Shuning uchun ham ularni go'zal axloqli, odobli , hush xulqli kishilardan deb na'munalar keltiramiz: Husayn Voiz Koshifiy insonning qadr-qimmatini uning mol-mulki yoki ijtimoiy kelib chiqishi bilan emas, balki uning ma'naviy qiyofasi , axloqiy sifatleri bilan o'lchanishini ta'kidlaydi.

Abu ali ibn Sino axloqiy tarbiyani bolalikdan boshlash kerak deydi: uning fikricha , eng muhim axloqiy boylik adolatdir.

Buyuk allomalarimizning qarashlari bilan bo'lajak o'qituvchilarni ma'naviy axloqiy tarbiyalashda avvalo ularning xulqi, odobi, atvorini, ma'naviyatini rivojlantirib borishda ko'plab foydalanib kelmoqdamiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Milliy g'urur –ma'naviy komillik mezoni Y.G'.Mahmudov, X.J. Xudoyqulov, E.J.Xolmirzayev, O.J. Suyunov." Dizayn-Press" nashriyoti, 2011.
2. "Yuksak ma'naviyat- yengilmas kuch" I.A.Karimov 2008.a
3. "Fozil odamlar shahri" Abu Nasr Farobiy .Toshkent 2018.
4. 'Xalq pedagogikasi " Haydarova G.A , Pardayeva K, Gapparov B.N . Toshkent-2009.

ТАЛАБАЛАР ЖИСМОНИЙ МАДАНИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

***Аҳмедов-Ф.Қ доцент
Кулбоев Н.-к.ўқитувчи
Жиззах ДПИ***

Аннотация: В данной статье определены направления физической культуры студентов высших образовательных учреждений, а также освещены научные взгляды к определению существующих проблем в этой сфере.

Anatomy: This article outlines the areas of physical culture of higher education students. It also contains scientific information aimed at identifying existing problems in the student's physical culture.

Аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлаш бугунги куннинг энг асосий масалаларидан бири бўлиб, бунда жисмоний тарбия ва спортнинг ўрнига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Буларни инобатга олган ҳолда, аҳолининг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, айниқса, ёш авлоднинг жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланиши учун замон талабларига мос шарт–шароитлар яратиш, спорт мусобақалари орқали ёшларда ўз иродаси, кучи ва имкониятларига бўлган ишончни мустаҳкамлаш, мардлик, ватанпарварлик, она ватанга садоқат туйғуларини камол топтириш, шунингдек, ёшлар орасидан иқтидорли спортчиларни саралаб олиш, тизимли ташкиллаштириш ҳамда жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантиришга йўналтирилган кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда Ўзбекистон спортчилари халқаро спорт майдонларида жуда ката мувоффақиятларга эришмоқда. Бунга мисол тариқасида 2016 йилдаги олимпиада ўйинларидаги ютуқлар яққол мисол бўла олади. «Олимпиада-2016» спорт мусобақаларида терма жамоамиз аъзолари 4 та олтин, 2 та кумуш, 7 та бронза, умумжамоа ҳисобида дунёда 21 ўрин, Осиёда 4 ўринни эгаллади. Ана шу ютуқларда талаба спортчиларининг ютуқлари салмоқли ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг 24 январида Олий Мажлисга мурожаатида аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг қарор топтириш зарур, бунинг учун ҳудудларда аҳоли ва, айниқса ёшлар учун янги спорт объектларини куриш, ёшлар орасида иқтидорли спортчиларни селеция қилишнинг ташкилот – туман – ҳудуд – Республика босқичларидан иборат 4 босқичли тизим жорий этилишини таъкидлаб ўтди.

Шунингдек Ш.М.Мирзиёев, “олий маълумот оламан, ўз устида ишлаб илмли бўламан деган, юрагида ўти бор жўшқин ёшларимизнинг тахсил олиши учун ҳамма қулайликларни яратиш шарт” деб айтди.

Шунинг учун мактаб битирувчиларини олий таълим билан қамраб олиш даражасини 2020 йилда камида 25% га, келгусида 50 - 60% га етказамиз, талабалар қабул қилиш давлат грантларини икки баробарга ошириш, қизлар учун алоҳида грантлар ажратишини маълум қилди.

Давлат раҳбари томонидан Ўзбекистон Республикаси ҳудудларида жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш, аҳолининг барча қатламлари, айниқса, ёшларни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишига жалб этиш муҳим масала қилиб кўрсатилди.

Аҳолининг ва ёшларнинг энг фаол аъзолари ҳисобланган олий таълим муассасалари талабаларининг касбий тайёргарлигини ошириш билан бирга уларнинг турмуш тарзига жисмоний маданият ва спортнинг сингдирилиши долзарб масала ҳисобланади. Чунки олий таълим муассасаси талабалари келажакда жамиятнинг зиёли қатлами, бошқарувчи ва етакловчи кучи ҳисобланади.

Бу борада педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг ўрни алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бўлажак ўқитувчилар бугунги кун замон ўқитувчисига қўйилган талабларга мос равишда таълим – тарбия олиши орқали мутахассис бўлиб етишиши ўта муҳим ҳисобланади.

Зеро, ўқитувчи келажак авлодга таълим тарбия беришда ҳар томонлама илғор ва наъмуна бўлиши тегишли меъёрий ҳужжатларда ҳам белгилаб қўйилган. Шу нуқтаи назардан, педагогика таълим йўналишидаги талабаларда соғлом турмуш тарзинининг шаклланганлиги, уларнинг жисмоний маданиятининг такомиллашган бўлиши ўта зарурий ҳолат ҳисобланади. Шунинг учун ҳам талабалар жисмоний маданияти ва уларни ривожлантириш, такомиллаштиришни илмий тадқиқ этиш долзарб масала ҳисобланади. Республикамиз ва МДХ олимлари томонидан талабалар спорт турмуш тарзи ва уларнинг маънавий – ахлоқий тарбияси, шунингдек, жисмоний маданиятига оид бир қанча илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Т.С.Усмонхўжаев, Р.Абдумаликов, И.Кушбахтиев, А.Атоев, О.Мусурмонова, О.Жамолиддинова, Ф.Аҳмедов, Р.Саломов, Ҳ.Т.Рафиев, Ф. Хўжаев, К. Махкамджонов, Ш. Мардоновларнинг ишлари шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги давлатлари олимларидан: М.Я. Вилинский, О.Ю.Милова, Е.Ю.Андрянова, Ю.Д.Железнякларнинг ишлари алоҳида аҳамиятга эга.

Юқоридаги олимлар томонидан олиб борилган тадқиқот ишларини ўрганиб, илмий- назарий таҳлил асосида биз талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантиришнинг педагогик технологияларини янада такомиллаштириш мақсадида илмий тадқиқот ишларини олиб боришни мақсад қилдик, ва тегишли илмий – назарий таҳлиллар олиб бордик.

Олий таълим талабаларида соғлом турмуш тарзи кечиришнинг асосий йўналишларидан бири бу жисмоний маданият ҳисобланади. Ҳақиқатдан ҳам, жисмоний маданиятсиз соғлом турмуш тарзи кечириш мумкин эмас. Авваламбор, жисмоний маданият тушунчасининг ўзига аниқлик киритиб олиш заруриятидан келиб чиқиб, бу тушунчага мутахассисларнинг берган таърифлари ўрганилди. Жисмоний маданият тушунчасига мутахассислар томонидан турлича таърифланган. Жумладан, профессор Л.П.Матвеев томонидан қуйидагича таъриф берилган; “жисмоний маданият жамият

аъзоларининг жисмоний камолотга эришишини мақсадга мувофиқ равишда амалга ошириш учун махсус воситалар, методлар ва шароитларни яратиш ҳамда улардан рационал фойдаланиш бўйича эришган ютуқларнинг мажмуасидир. Жисмоний маданият умумий маданиятнинг таркибий бир қисми унинг юксалиши, жамият ривожланишининг асосидир”. Берилган таърифларга асосан талабалар жисмоний маданиятининг кўрсаткичлари аниқланди ва уларни қуйидагилардан иборат деб таснифладик.

- олий таълим муассасасидаги спорт иншоатларининг мавжудлиги ва уларнинг ҳолати;

- олий таълимда жисмоний тарбия ва спорт йўналишидаги ўқув- тарбиявий меъёрий ҳужжатларнинг мавжудлиги ва уларнинг мазмуни.(ўқув режа, фан дастури, ишчи дастур ва бошқалар);

- талабаларнинг жисмоний-тарбия ва спорт билан шуғулланишларига шарт-шароитлар яратишда олий таълим муассасаси раҳбариятининг муносабати, улар томонидан амалга ошириладиган ишларнинг мазмуни (махсус саволнома асосида ўрганилади);

- талабалар жисмоний тарбиясига оид методик таъминотнинг ҳолати (дарсликлар, ўқув қўлланмалар, ва методик кўрсатмалар) нинг таъминоти;

- олий таълим муассасасининг жисмоний-тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларининг штатлар бирлиги (кафедра, ўқитувчи, мураббий, соҳада хизмат қилувчи бошқа турдаги штатлар ва бошқалар);

- олий таълим муассасасидаги жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги мутахассисларининг касбий тайёргарлик даражаси. (илмий, даражалар, унвонлар, спорт усталари ва бошқа кўрсаткичларнинг мавжудлиги);

- талабалар турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортнинг сингдирилганлик даражаси (доимий бир спорт тури билан шуғулланувчи талабалар спортдаги натижалар, фаол талаба спортчилар, спорт тўғарақларида иштирок этувчи талабалар, эрталабки бадантарбия билан мунтазам шуғулланувчи талабалар, мунтазам равишда мустақил жисмоний машқлар билан шуғулланувчи талабалар ва бошқалар)дан иборат.

- талабалар билан ташкил этиладиган ва ўтказиладиган жиисмоний-тарбия ва спорт тадбирларининг ҳилма-хиллиги;

- талабаларнинг саломатлик даражаси;

- имконияти чекланган талабалар билан олиб бориладиган, жисмоний-тарбия спорт тадбирлари, машғулотлари ва уларга яратилган шароитлар.

Юқорида талабаларнинг жисмоний маданиятини ташкил этувчи кўрсаткичларга асосан талабаларнинг жисмоний маданиятини ривожлантириш масаласи нафақат педагогик жараён балки ижтимоий, маънавий – маърифий, иқтисодий соҳага боғлиқ.

Талабалар жисмоний маданиятининг асосий кўрсаткичларини ўрганиш мақсадида дастлабки илмий педагогик кузатишларни ўтказдик. Бунга асосан ўрганишда Жиззах давлат педагогика институти, Жиззах политехника институти ва Гулитон давлат институтининг мавжуд спорт иншоатлари ва талабалар контенгенти, таркиби ўрганилди. Мавжуд олий таълим муассасаларида спорт иншоатлари мавжудлиги қониқарли ҳисобланади.

Спорт иншоотларининг мавжудлиги асосий масалалардан бири албатта, аммо энг асосий масала талабалар кундалик ҳаётига жисмоний маданиятнинг

сингдирилганлигида. Чунки мавжуд спорт иншоотларида ҳам талабалар доимий равишда шуғулланаётгани йўқ.

Демак, талабаларни онгли равишда, мунтазам равишда жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишларига эҳтиёж етарли даражада эмас. Бунинг турлича сабаблари бор, албатта, мавжуд сабабларни аниқлаш мақсадида талабалар билан уларни жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланишга бўлган муносабати (ёндашувини) аниқлашга қаратилган махсус сўровнома ўтказилди. Бунда Жиззах давлат педагогика институтининг физика-математика, тарих, табиий фанлар йўналишларидаги II – III курс талабаларидан 50 тадан жами 150 та талаба ёшлардан сўровнома ўтказилди. Ушбу талабаларнинг 82 таси ўғил болалар ва 68 таси қиз болалардан иборат бўлди.

Ўтказилган сўровнома натижаларига кўра қуйидагилар аниқланди.

1. Сиз жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланасизми? саволига

- Шуғулланаман -34%
- Шуғулланмайман- 14%
- Шуғулланаман доимий эмас -52% деган жавоблар

2. Талабаларни жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб қилиш учун нималар зарур деб ҳисоблайсиз?

- Жисмоний тарбия дарсларини кўпайтириш лозим -22%.
- Спорт тўғрақларини кўпайтириш ва доимий ишлатиш лозим- 30%.
- Замонавий шароитлардаги спорт иншоотларини кўпайтириш лозим -26%.
- Кўпроқ оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш ва ўтказиш зарур 22% деган жавоблар.

3. Агар жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланмасангиз нима сабаби бор деб қўйилган саволга мўривомада иштирок этган 14 % талабаларнинг яъни 21 нафар талабадан қуйидагича жавоб олинди?

- Институтда мавжуд яратилган шароитлар етарли эмас -30%.
- Асосий муаммо ўқишим спорт билан шуғулланишимга вақтим йўқ -35%.
- Жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш фойдали эканлигини биламан бироқ шуғулланмайман (тўғриси) одатланмаганман -35%.

мазмундаги жавоблар бўлди.

Ўтказилган сўровнома асосида олинган жавобларга асосланган ҳолда талабалар жисмоний маданиятининг такомилланиши кўпгина омилларга боғлиқ ҳисобланади. Сўровнома асосидаги олинган маълумотлардан кўриниб турибдики, талабалар кундалик турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш тўла қонли сингдирилмаган. Шунинг учун ҳам талабалар асосий қисми турли ҳолатларни сабаб қилиб жисмоний машқлар ва спорт билан шуғулланмайдилар.

Талабаларнинг яна бир қисми олий таълим муассасаларида яратилган шароитлардан самарали фойдаланади ва яратилган шароитларни янада яхшироқ бўлишини хоҳлайди.

Демак, талабаларнинг жисмоний маданиятини оширишнинг асосий масалаларидан бири ва ҳал етувчи кўрсаткичи бу уларнинг кундалик турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортни сингдиришдан иборат. Бунинг учун талабалар турмуш тарзига жисмоний тарбия ва спортни сингдиришни илмий – методик йўлларини такомиллаштириш зарур.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикаси жисмоний - тарбия ва спортни янада такомиллаштириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. 24.01.2020 й.
2. Абдуллаев А. Хонкелдиев Ш.Х Жисмоний тарбия назарияси ва услубияти дарслик.Т. 2005 й.
3. Ашмарин.Б.А. Теория и методика педагогических исследований в физическом воспитании. М.: Физкультура и спорт, 2003. 224 с.
4. Ахмедов.Ф.К. “Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси” фанидан “101 саволга 101 жавоб” – Жиззах, 2011 й. .

MATNLI MASALALAR YECHISHGA O'RGATISH METODIKASINING UMUMIY JIHATLARI.

*Ergasheva M. B.- o'qituvchi.
Jizzax DPI*

***Аннотация:** Эта статья предназначена для того, чтобы научить студентов решать проблемы, выявлять взаимосвязь между заданными и искомыми числами, и на этой основе выбирать и выполнять арифметические операции, развивать навыки мышления, навыки решения проблем и насколько хорошо он справляется с логическими связями.*

***Annotation:** This article is designed to teach students to solve problems, to identify the relationship between given and sought numbers, and on this basis to choose and perform arithmetic operations, to develop thinking skills, problem-solving skills and how well it masters logical connections.*

О'quvchilarni masala yechishga o'rgatish- bu berilgan va izlanayotgan sonlar orasidagi bog'lanishni aniqlashni va buning asosida arifmetik amallarni tanlash hamda ularni bajarishni o'rganish, demakdir.

Matnli masalani yechish uquvida o'quvchilar egallashi lozim bo'lgan markaziy o'rinda berilgan sonlar va izlanayotgan son orasidagi bog'lanishni o'zlashtirishdir. O'quvchilarning masalalar yecha olish uquvlari bu bog'lanishlarni qanchalik yaxshi o'zlashtirilganiga bog'liq. Shuni hisobga olgan holda boshlang'ich sinflarda yechilishi berilgan sonlar va noma'lumlar orasidagi bir xil bog'lanishlarga asoslangan, konkret mazmunli va sonli berilganlari bilan esa farq qiluvchi masalalar guruhi bilan ish ko'riladi. Bunday masalalar guruhini bir turdagi masalalar deb ataymiz.

Matnli masala ustida ishlash o'quvchilarni avval bir turdagi masalalarni yechishga, so'ngra undan kelib chiqqan holda boshqa turdagi masalalarni yechishga majburlashga olib kelishi kerak emas. Uning asosiy maqsadi o'quvchilarni turli hayotiy vaziyatlardagi berilgan sonlar va izlanayotgan son orasidagi ma'lum bog'lanishlarni ularni murakkablashib borishini ko'zda tutgan holda aniqlab olishga o'rgatishdir. Bunga erishish uchun o'qituvchi bir turdagi masalalarni yechishni o'rgatish metodikasida ma'lum maqsadlarni ko'zlaydigan bosqichlarni ko'zda tutishi lozim.

Birinchi bosqichda o'qituvchi ko'rilayotgan turdagi masalalarni yechishga tayyorgarlik ishini olib boradi. Bu bosqichda o'quvchilar mazkur masalalarni tanlash uchun asos bo'ladigan bog'lanishlarni o'zlashtirishlari lozim.

Ikkinchi bosqichda o'qituvchi ko'rilayotgan turdagi masalalarning yechilishi bilan o'quvchilarni tanishtiradi. Bunda o'quvchilar berilgan sonlar va noma'lum son orsidagi bog'lanishni aniqlash, buning asosida arifmetik amallarni tanlashni o'rganadilar. Bunday ishlarni olib borish natijasida o'quvchilar ko'rilayotgan turdagi masalalarni yechish usuli bilan tanishadilar.

Uchinchi bosqichda o'qituvchi ko'rilayotgan turdagi masalalarni yechish uquvini shakllantiradi. O'quvchilar bu bosqichda ko'rilayotgan turdagi istalgan masalani uning konkret mazmunidan qat'iy nazar yechishni o'rganishlari kerak, yani bu turdagi masalalarni yechish usullarini umumlashtirishlari lozim.

Yuqorida qayd qilingan bosqichlar ustida ishlash metodikasini mufassalroq qarab chiqamiz.

Yuqorida qayd qilingan bosqichlar ustida ishlash metodikasini mufassalroq qarab chiqamiz.

Masalalarni yechishga tayyorgarlik ishi- U yoki bu turdagi masalalarni yechishga tayyorgarlik ishi arifmetik amallarni tanlashda berilgan sonlar va izlanayotgan son orasidagi qanday bog'lanishga tayanishga bog'liqlik. Shunga muvofiq ravishda maxsus mashqlar o'tkaziladi.

1. Ko'p hollarda masalalar yechishga qadar to'plamlar ustida amallar bajariladi. Masalan, ko'p sodda masalalarni yechilishi bilan tanishtirish oldidan to'plamlar ustida amallarga doir mashqlar berish lozim, bunda to'plamlarning elementlari konkret predmetlar bo'lishi kerak. Masalan, yig'indini topishga doir sodda masalalarni yechish oldidan to'plamlarni birlashtirishga doir mashqlar taklif qilinadi.

Ayirishga doir masalalarni yechishda to'plamning bir qismini ajratish, ko'paytirishda teng sonli to'plamlarni birlashtirish, bo'lishda to'plamni teng sonli to'plamlarga ajratish tayyorgarlik ishi bo'ladi.

2. Ko'p arifmetik masalalar kattaliklar- bunda keyingi ishlarda foydalanish uchun ba'zi kattaliklarni bolalar ayrim daftarga yoki bloknotga yozib borishlari foydali bo'ladi.

3. Ko'p masalalarni yechishda amallar- bu kattaliklar orasidagi mavjud bog'lanishlarga asosanib tanlanadi. Amallarni tanlashda o'quvchilar bu bog'lanishlarni idrok qila olishlari va foydalana olishlari uchun kattaliklar orasidagi bog'lanishni masalalarni bu kattaliklarning konkret ma'nosi asosida yechish yo'li bilan ochib berish kerak.

O'quvchilar u yoki bu bog'lanishni o'zlashtirishlari uchun maqsadga qaratilgan kuzatishlarni tashkil qilish lozim.

4. Murakkab masalalarni yechish qator sodda masalalarni yechishga keltiriladi shuning uchun murakkab masalalarni yechishga tayyorgarlik tegishli sodda masalalarni yechishga tayyorgarlik bo'ladi.

Masalalarning har bir ayrim turi ustida ishlash o'ziga xos maxsus tayyorgarlik ishini talab qiladi, bu haqida har bir turdagi masalalarni yechish metodikasini qaraliyotganda aytiladi.

Yechishni ayrim amallar ko'rinishida yozishdan, odatda, tenglama yoki ifoda ancha murakkab yoki uzundan-uzoq bo'lganidan, ba'zan esa ularni tuzish mumkin bo'lmay qolganda, shuningdek, masalalarda katta sonlar qatnashganda (3 sinf) foydalaniladi.

Masalaning yechimini tekshirish deyilgan so'z bu yechim to'g'ri yoki hatoligini aniqlash demakdir. Boshlang'ich sinflarda quyidagi to'rt tekshirish usulidan foydalaniladi:

1. Teskari masala tuzish va uni yechish.

2. Masalani yechish natijasida hosil qilingan sonlar bilan berilgan sonlar orasidagi moslik o'rnatish.

Bu usul bilan masala yechimini tekshirishda masala javobida hosil bo'ladigan sonlar ustida arifmetik amallar bajariladi; agar bunda masala shartida berilgan sonlar hosil bo'lsa, u holda masala to'g'ri yechilgan deb hisoblash mumkin. Bu tekshiruv usulidan 2 sinfdan boshlab foydalaniladi. Undan javobda hosil qilingan sonlar ustida tegishli amallarni bajarish yo'li bilan masaladagi ma'lum sonlarni hosil qilish mumkin bo'lgan strukturali masalalarning yechimini tekshirishda qo'llanish maqsadga muvofiq.

3. Masalalarni turli usullar bilan yechish. Agar masalani turli usullar bilan yechish mumkin bo'lsa, bir xil natijaning hosil qilinishi masala to'g'ri yechilganligini tasdiqlaydi

Masalaning yechimini bunday tekshirish usuli 1 sinfdan kiritiladi.

4. Izlanayotgan sonning chegarasini belgilash. Bu usulning qo'llanilishi shundan iboratki, bunda masalani yechishdan oldin izlanayotgan sonning chegaralari aniqlanadi, ya'ni izlanayotgan son berilgan sonlarning qaysinisidan katta yoki kichikligi aniqlanadi. Shunday qilib, bu usul yechimning xatoligini sezishga yordam beradi, lekin u masala yechimini topishning boshqa usullarini inkor qilmaydi.

Xulosa qilib aytganda, o'quvchilar matematika fanida misol yechish bilan birgalikda matnli masalalarni yecha olish ko'nikmasini ham egallashlari zarur. O'quvchilar matnli masalalarni yechish bilan ulardagi atrof-olamga, kundalik hayotdagi yashash tarziga nisbatan matematik fikrlash va dunyo qarash shakllanadi. Buning natijasida esa o'quvchilar kelajakdagi voqea va hodisalarga nisbatan shaxsiy fikrlashlari va dunyo qarashi rivojlanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.A.Bantova, G.V.Bel'tyukova, A.M.Polevshikova "Boshlang'ich sinflarda matematika o'qitish metodikasi", 1983 y.

2. J.Ikromov, L.Levenberg "Matematika darslarida o'quvchilarning bilish faoliyatini shakllantirish", 1978 y..

"YOSHLAR MA'NAVIYATINI YUKSALTIRISHDA SHARQ MUTAFAKKIRLARINING PEDAGOGIK QARASHLARI."

***Obidova F A- talaba
Jizzax DPI***

Аннотация: Духовно-нравственные взгляды, высокая духовность, совершенство, знание суфизма, приятность, храбрость, психическое и физическое совершенство

Annotation: Spiritual and moral views, high spirituality, perfection, mysticism, gratitude, courage, mental and physical perfection

O'z tarixini bilmaydigan, kechagi kunini

unutgan millatning kelajagi yo'q

(I. Karimov)

Tarixda shunday zotlar o'tishganki, ularning ma'naviy axloqiy qarashlari, hikmatga to'la so'zlari, yuksak ma'naviy tushunchalari bugungi kun yoshlari ma'naviyatini yuksaltirishda

muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Albatta, biz komillik darajasiga yetishishimizda eng avvalo, tariximizga, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Koshg'ariy, Ahmad Yugnakiy, Ahmad Yassaviy kabi buyuk ajdodlarimizning ma'naviy meroslariga tayanamiz. Shu o'rinda aytib o'tish kerakki, turkiy tilda birinchi yirik hajmli falsafiy-didaktik, adabiy ma'rifiy asar yozgan Yusuf Xos Hojibning adolat, insof, ilm-u ma'rifat haqidagi, insoniy siyrat va fazilat haqidagi fikrlari bugungi kunda ham o'z dolzarbligini yo'qotmagan. Adib yoshlarga ota-onasining pand-u nasihatlariga amal qilib, ularning xizmatida bo'lib, duosini olsa hayotda baxt-u saodatga erishishini o'z asarlarida aytib o'tgan.

U yolg'on gapirish yaxshilikka olib kelmasligini, agarda inson tiliga ehtiyot bo'lmasa bir kun kelib bu til uning boshiga yetishini ta'kidlaydi. Adibning fikricha aql, ilm, zehn kimdagi bo'lsa, u mukammal insondir. Bu fazilatlar bilan naf yetkazadigan insonning yurti ko'rkam va oboddir deydi.

Yusuf Xos Hojib agar inson bilimsiz, nodon, johil bo'lsa, yaramas ishlar qilishi, agarda u bilimli, dono va zukko bo'lsa, o'z xalqi yurti uchun naf yetkazadigan ezgu ishlarni ro'yobga chiqarishi haqidagi fikrlari bilan yoshlarni tinmay bilim olishga undaydi.

Xalqimizda shunday naql bor "Boshingga qilich kelsa ham rost so'zlagil". Bu bejizga aytilmagan. O'zidan oldingi didaktik adabiyot an'alarini izchil va ijodiy davom ettirgan adib Ahmad Yugnakiy og'iz va tilning bezagi to'g'ri, rost so'zlashdir. Yolg'on so'z xuddiki kasallik kabidir, to'g'ri so'z esa shifodir. Shunday ekan inson avvalo dilini to'g'ri so'z bilan bezab, umrini to'g'rilik bilan kechirishi lozim deydi.

XII asrda paydo bo'lgan ilk tasavvufiy ta'riqatning asoschisi, mutasavvuf shoir Ahmad Yassaviy inson ma'naviyatini yuksaltirishda muhim omilni tasavvuf deb biladi. Tasavvuf bu nafs lazzatlaridan voz kechishdir. Nafs esa ochko'zlik, o'g'rilik, jaholat, xudbinlikni keltirib chiqaradi. Kimki, mana shunday yomon illatlardan kechib, sabr-qanoatni o'ziga odat qilgan bo'lsa, nimaiki topsa shukr qilib rozi bo'lsa, yaxshi insonlarning xizmatini qilib duosini olsa, u ruhiy va jismoniy komillik sari qadam qo'ygan bo'ladi hamda u Haq bilan ko'rishga oladi, nafsqa mute bo'lganlar esa xudbinlikdan qaytmay nafs balosiga uchrashini ta'kidlaydi. Adib umrning yeldek o'tishini, bu yo'lda mardona bo'lishni, unga bu dunyoda qilgan faqatgina ezgu ishlari, yaxshiliklaridan boshqa hech kim yo'ldosh bo'lolmasligini ta'kidlaydi.

"Hammamizga ma'lumki, muqaddas kitoblarimiz va qadriyatlarimiz, buyuk mutafakkir ajdodlarimiz merosi bizni doimo halol mehnat bilan yashashga, mardlik, saxovat va kamtarlikka chaqiradi, lekin shu bilan birga, hayotda bu kabi da'vatlarga amal qilishga intiladigan odam ko'pincha turli qiyinchiliklar, xatto azobu uqubatlarga duch kelishini kuzatish qiyin emas. Tan olish kerakki, yuksak ma'naviy tushunchalar bilan yashashga harakat qiladigan odamning bugun ham ko'p mashaqqatlarni, og'ir sinov va to'siqlar, muammolarni yengib o'tishga to'g'ri keladi."(I.Karimov)

Yuksak ma'naviy tushunchalar bilan yashashga harakat qiladigan inson uchun eng katta to'siq nafsdir. Ahmad Yassaviy nafsni yobon(yovvoyi) qushga o'xshatadi. Ya'ni nafs xuddi yovvoyi qushdek qo'lga qo'nmaydi. Nafsni qo'lga olish bu tun uyqusini bedor o'tkazishdek bir gap ammo nafs yo'lga kirgan kishi yo'ldan ozib, shaytonga hamroh bo'ladi oxir damda bu nafs uning din uyini barbod qilib, o'lar vaqtda iymonidan judo qilishi mumkinligini ta'kidlaydi. Ahmad Yassaviy jaholat va razolatni qoralaydi. Nodonlik, do'stga xiloflik qilish, manmanlikni ham tanqid qiladi. Adib har bir inson millatidan qat'iy nazar atrofidagi insonlarni xurmat qilishi kerakligini uqtiradi.

Xulosa qilib aytish mumkinki, ajdodlarimizning qarashlari, ularning komillik yo'lida tutgan sa'y harakatlari, meroslari jamlangan asarlari ham ma'naviy, ham axloqiy, ham badiiy

jihatdan yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda mezon vazifasini o'taydi. Biz, bugungi kun yoshlari ularning ijodlarini o'rganishimiz orqali bilmimiz chuqurlashadi, fikrlash doiramiz, dunyoqarashimiz kengayadi, iymonimiz mustahkam bo'ladi muhimi hayotga bo'lgan qarashimiz teranlashadi.

Bu dunyoda halol va pok yashashni o'zi uchun oliy maqsad deb biladigan, xolis va ezgu ishlar bilan el-yurtga naf yetkazadigan, tiriklik mazmunini teran anglaydigan insonlar va ularning ezgu ishlari tufayli bu yorug' olamda ma'naviyat hamisha barqaror bo'ladi.

Bugungi kunda yoshlarimizning ilm-fan sohasida erishayotgan ulkan yutuqlarini ko'z oldimizga keltirar ekanmiz, buyuk ajdodlarimizning munosib xissasi borligidan qalbimiz iftixorga to'ladi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. "Yuksak ma'naviyat yengilmas kuch" I. Karimov Toshkent "Ma'naviyat" 2008.
2. "Pedagogika tarixi" Toshkent "Oqituvchi" 1997.
3. "Pedagogika tarixi" Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi nashriyoti Toshkent---2005.

SHARQ MUTAFFAKIRLARINING MATEMATIKA FANI TARAQQIYOTIGA QO'SHGAN HISSALARI.

*Eshmirzayev.G'.Yu - o'qituvchisi
JizzaxDPI*

Аннотация: Этой статье обсуждается вклад восточных мыслителей в науку математики. Благодаря этому мы можем увидеть вклад восточных мыслителей в науку математики. Статья может показать молодому поколению, насколько сильны восточные мыслители.

Annotation .This article discusses the contributions of Eastern thinkers to the science of mathematics. Through this we can see the contributions of Eastern thinkers to the science of mathematics. The article can show the younger generation how powerful oriental thinkers are.

Matematika tarixiga doir ma'lumotlarni dars jarayonida va darsdan tashqari o'tkaziladigan mashg'ulotlarda doimiy ravishda o'qitish orqali o'quvchilarni milliy iftixor, vatanparvarlik ruxida tarbiyalashga erishamiz.

O'qituvchilarga O'rta Osiyo tarixi juda qadimiy ekanligi, bundan ko'p asrlar oldin vatanimizda fan va madaniyat katta taraqqiyotga ega bo'lganligi, VII asrdan XV asrgacha O'rta Osiyo matematiklari matematikaning hamma soxalarida katta-katta yutuqlarga erishganini aytib o'tish maqsadga muvofiq.



O'rta Osiyolik olimlardan Abu Abdullox al-Xorazmiy (783-850), Abu Rayxon Beruniy (973-1048), Abu Ali Ibn Sino (980-1037), Abu Nasr Farobiy (873-950), Umar Xayyom (1048-1131), Nasriddin Tusiy (1201-1274), Abul Vafo (940-998), Mirzo Ulug'bek (1394-1449), Qozizoda Rumi (1360-1447), G'iyosiddin Jamshid Koshiy (1385-1457), Muxammad Ali Qushchi (1402-1474), lar hozirgi zamon xisoblash sistemasini kashf etdilar, manfiy va irratsional sonlar bilan ishlash yo'lini, ildiz chiqarish, kvadrat tenglamalarni echish usullarini, Nyuton binomining umumiy formulasini topdilar.

Bu ma'lumotlar o'quvchilarimizning o'z vataniga muxabbatini oshiradi, ota bobolarimiz bo'lgan bu olimlarga izzat va xurmat xislarini tarbiyalaydi, dunyoqarashini kengaytiradi, bilim saviyasini yuksaltiradi. Matematika o'qitishda O'rta Osiyolik olimlar ijodidan foydalanishga doir misollarni ko'rib chiqamiz. Qiska ko'paytirish formulalarini o'tish jarayonida Ibn Sinoning «Ash-SHifo» kitobidagi natural sonlar ustida bajariladigan amallarning xossalari 9 yordamida tekshirish kabi ajoyib kashfiyot bilan tanishtiramiz.

1. Natural qatordagi hamma sonlarni kvadratga ko'rasak, natijada xosil bo'ladigan sonlarning birlar xonasi hamma vaqt 1, 4, 5, 6, 9 sonlaridan biriga teng bo'ladi.

$$11^2=121 \quad 12^2=144, \quad 13^2=169, \quad 14^2=196$$

$$15^2=225, \quad 16^2=256, \quad 17^2=289, \quad 18^2=324....$$

Bu masalani 5 sinfda natural sonlarning kvadrati mavzusini tushuntirishda kiritsak maqsadga muvofiq. Ibn Sino sonlar kvadratini 9 rakami bilan hind hisobi usulida tekshirish masalasiga o'tadi va ushbu qoidalarni beradi. Ibn Sinoning quyidagi masalalarini 7 sinfda qisqa ko'paytirish formulalarini o'rganayotganimizda misol tariqasida keltirib o'tsak maqsadga muvofiq.



2. Agar son 9 ga bo'linib qoldiqda 1 yoki 8 qolsa u holda, bu sonlar kvadrati hamma vaqt 9 ga bo'linganda, qoldiqda 1 qoladi.

$$M: 10=9 \cdot 1+1 \quad 10^2=9 \cdot 11+1$$

$$26=9 \cdot 2+8 \quad 26^2=9 \cdot 75+1$$

Buning umumiy formulasi:

$M=9 \cdot n+1$ $M^2=(9n+1)^2=81n^2+18n+1=9(9n^2+2n)+1$; $9(9n^2+2n)$ ifoda 9 ga bo'linadi. $M=9 \cdot k+8$; $M^2=(9k+8)^2=81k^2+144k+64=9(9k^2+16k+7)+1$ birinchi ko'paytma 9 ga bo'linadi.

2. Ibn Sino $(a \pm b)^2 = a^2 \pm 2ab + b^2$ formulani geometrik isbotlagan.

Agar son 9ga bo'linib qoldiqda 2 yoki 7 qolsa, bu son kvadrati 9ga bulinsa, koldik 4 koladi.

Agar son 9ga bo'linib, qoldiqda 4 yoki 5 qolsa, kvadrati 9ga bo'linsa, 7 qoladi.

Agar son 9ga bo'linib, qoldiqda 3, 6, 0 qolsa, kvadrati 9ga qoldiqsiz bo'linadi.

3. Ibn Sino sonlarni kubga ko'targanda ham 9 raqami bilan tekshirib quyidagi qoldiqlarni kiritgan.

Agar son 9ga bo'linib 1, 4, 7 qoldiq qolsa, kubga ko'targanimizda natija 9ga bo'linganda 1 qoldiq qoladi.

$M=9n+1$, $M^3=(9n+1)^3=729n^3+243n^2+27n+1=9(81n^3+27n^2+3n)+1$ birinchi ifoda 9 ga bo'linadi.

Agar son 9ga bo'linib, 3, 6, 0 qolsa u holda, kubi 9ga bo'linganda, qoldiq qolmaydi.

Agar son 9ga bo'linib, 2, 5, 8 qoldiq qolsa, kubi 9ga bo'linganda, qoldiq 8 bo'ladi.

Al-Xorazmiyning quyidagi masalalarini 8 sinfda kvadrat tenglamalar mavzusiga misol tariqasida kiritsak bo'ladi. SHu bilan birga Misrlik olim Abu Komil masalasini, Umar Hayyom masalasini ham kvadrat tenglamalar mavzusiga kiritamiz. Al – Xorazmiy masalalari.



Kvadratlar ildizga teng, ya'ni $cx^2=bx$ c, b - musbat sonlar
 M: $x^2=5x$ $x=5$, $x^2=25$

2. Kvadratlar songa teng, ya'ni


$sx^2=a$; a, s -musbat sonlar M: $5x^2=80$, $x^2=16$, $x=4$

3. Ildizlar songa teng, ya'ni

M: $x=3$, $x^2=9$, $1,5x=10$, $x=20$, $x^2=400$

2. Kvadratlar va ildizlar yig'indisi songa teng, ya'ni $a x^2 + vx=s$. M: $x^2 + 10 x =39$ ni quyidagicha yozgan.

$$x = \sqrt{\left(\frac{10}{2}\right)^2 + 39} - \frac{10}{2} = \sqrt{25 + 39} - 5 = \sqrt{64} - 5 = 8 - 5 = 3$$



Bu tenglamaning ikkinchi yasashga ko'ra echimi: katta kvadrat yuzi $39 + \left(\frac{10}{2}\right)^2 = 64$ ga teng. Uning tomoni $x + \frac{10}{2} = 8$ bundan $x=3$. Bu

holdagi geometrik yasashga quyidagi algebralik almashtirish mos keladi. $x^2+px=q$; $x^2+2 \cdot \frac{p}{2}$

$$x + \left(\frac{p}{2}\right)^2 = q + \left(\frac{p}{2}\right)^2$$

$$\left(x + \frac{p}{2}\right)^2 = q + \left(\frac{p}{2}\right)^2; \quad x + \frac{p}{2} = \sqrt{q + \left(\frac{p}{2}\right)^2} \quad x = \sqrt{q + \left(\frac{p}{2}\right)^2} - \frac{p}{2}$$

Xorazmiy manfiy echimlarni e'tiborga olmagan. Xorazmiy beshinchi kononik ko'rinishga mansub. $x^2+q=px$ tenglamani echadi, echimi

$$x_1 = \frac{p}{2} - \sqrt{\left(\frac{p}{2}\right)^2 - q}, \quad x_2 = \frac{p}{2} + \sqrt{\left(\frac{p}{2}\right)^2 - q}$$

U diskriminant nol bulganda $x=r/2$ holni ham birinchi eslatib o'tadi. $\left(\frac{p}{2}\right)^2 < q$ bo'lganda masalani echishning iloji yo'qligini ham eslatadi. IX asr oxiri X asr boshida yashagan Misrlik

olim Abu Komil «Al jabr va al muqobala kitobi hakida» asarida $\frac{x}{10-x} + \frac{10-x}{x} = \sqrt{5}$

tenglama echimini keltirib o'tadi. Abu Komil $u = \frac{10-x}{x}$ ni belgilaydi. Tenglama


$\frac{1}{y} + y = \sqrt{5}$ ko'rinishga keladi. Bundan $u^2+1=\sqrt{5}u$ tenglamani hosil qiladi. Al-Xorazmiy

echimidan foydalanib $u = \sqrt{\frac{5}{4}} - \frac{1}{2}$ ni hosil qiladi. $\frac{10-x}{x} = \sqrt{\frac{5}{4}} - \frac{1}{2}$;

$10 - \frac{x}{2} = \sqrt{\frac{5}{4}}x$ har ikkala tomonni kvadratga ko'tarsak $\left(10 - \frac{x}{2}\right)^2 = \left(\sqrt{\frac{5}{4}}x\right)^2$ $100 - 10x + \frac{1}{4}$

$$x^2 = \frac{5}{4} x^2;$$

$$x^2 + 10x - 100 = 0 \quad x = \sqrt{125} - 5 = 5\sqrt{5} - 5$$



Umar Xayyomga tegishli kvadrat tenglama. $\frac{1}{x^2} + 2 \cdot \frac{1}{x} = 1 \frac{1}{4}$

Umar Xayyom $\frac{1}{x} = z$ almashtirish kiritadi. $z^2 + 2z = \frac{5}{4}$ Har ikki

tomonga 1 ni qo'shadi. $z^2 + 2z + 1 = \frac{9}{4}$

bundan $(z+1)^2 = \frac{9}{4}$ va $z+1 = \frac{3}{2}$; $z = \frac{1}{2}$; $\frac{1}{x} = \frac{1}{2}$ bundan $x=2$

9-sinf o'quvchilarini kubik tenglamalarni va undan yuqori darajali tenglamalarni echishni o'rgatayotganimizda Nyuton binomiga eng avvalo bizning sharq olimlarimiz asaos solgani haqida gapirib, so'zimiz isbotiga quyidagi Al-Korajiy, Umar-Hayyom va At-Tusiy masalalarini misol keltirsak bo'ladi. Fors matematigi al-Karajining ilmiy ishlarida x^n ga nisbatan $x^3 \pm u^3 = u^2$ kabi aniqmas tenglamalar echimlari hamda $(a+b)^p$ uchun $n=12$ bo'lgandagi jadvallar tuzilgan. Uni $S_n^m = C_{n-1}^{m-1} + C_{n-1}^m$ bundan

$$S_n^m = \frac{n(n-1)(n-2)\dots(n-m+1)}{1 \cdot 2 \cdot 3 \dots m}$$

formula bilan bayon qilgan. $(a+v)$ ikki xadni n -natural darajadagi yoyilmasini Nyuton binomi deb yuritiladi. Xulosa o'rnida shuni aytilish keraki olimlarimiz ham matematika fanning rivojiga katta hissa qo'shgan.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. YU.S.Saydjonov "Традиции просвещения на востоке" G'ofur G'ulom nashriyoti, 2000 y. Toshkent.
2. O. Xasanboeva "Pedagogika ta'rixidan xrestomatiya" O'qituvchi nashriyoti, 1992 y. Toshkent.
3. YO. Saitov "Matematika va matematiklar haqida" O'qituvchi nashriyoti, 1992 y. Toshkent

ШАХСИ ТАРБИЯЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС ИННОВАЦИОН ПЕДАГОГИК ҒОЯЛАРИ.

***Сойинназарова М.Н - катта ўқитувчиси
Жиззах ДПИ***

Аннотация. Будущее каждой социальной системы, будущее человечества, жизнь и уровень жизни людей напрямую связаны с развитием науки и культуры. В прошлом мыслители Востока оставили богатое историческое, образовательное и культурное наследие, основанное на своём жизненном опыте. В данной статье говорится об их конкретных инновационных педагогических представлениях по

вопросам воспитания, образования и развития.

Annotation: The future of every frame of society, future of humanity, life and living standard of people, is straight related to development of science and culture. The thinkers of East left rich historical, educational and cultural heritage based on their vital experience. In the article is discussed about their concrete innovative pedagogical ideas for education, pedagogue and development issues.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон фармони билан тасдиқланган «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»нинг «4.5. Ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш» номли бандида «Жисмонан соғлом, руҳан ва ақлан ривожлаган, мустақил фикрлайдиган, Ватанга содиқ, қаътий ҳаётий нуқтаи назарга эга ёшларни тарбиялаш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида уларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш» йўналиши белгиланган. Улғайиб келаётган ёш авлодни шундай руҳда тарбиялаш хусусида сўз юритар эканмиз, таълим-тарбия жараёнини аксиологик ёндашув асосида амалга оширишимиз мақсадга мувофиқдир. Аксиология (юнонча «ахiа» - қиммат, қадрва «logos» - таълимот) қадриятлар ҳақидаги соҳа. Аждодларимизнинг шахс ўзлигини англаш учун тинмай ақлий кураш олиб борганлигини. Умуман, Шарқнинг буюк алломалари Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, МирзоУлуғбек, ҳамда бошқа педагогик фикр намояндлари ўз асарларида, мактаб ва мадрасаларда мударрис, устоз-мураббий сифатида, инсонни ақлий камолотга етказишда ўқитишнинг турли усуллари ва воситаларидан фойдаланишга катта аҳамият бердилар.

Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (783-850) математика фани соҳасида янгилик яратган назарий ва педагог услубиятчи олим сифатида «Ал-китобал-мухтасарфи ҳисобал-жабр вал муқобала» («Ал-жабр муқобала ҳисоби ҳақида қисқача китоб») асарида математика фанида абстракция (мавҳумийлик) тушунчасини кенгайтди. Индукция йўли билан умумий ечиш усуллари ҳал этди, дедукция йўли билан умумий усуллар ёрдамида турли хусусий масалаларни ечди. Буюк мутафаккир Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий билимларни эгаллашда кўрғазмали воситалардан фойдаланиш, таълимда мантиқий тафаккур, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш савол-жавоб, баҳс-мунозара каби таълим усулларида кенг фойдаланган ҳолда талабаларда мантиқий фикрлаш қобилиятини ривожлантириш, уларда олган билимларини амалиётга татбиқ эта олиш малака ва кўникмаларини таркиб топтириш тўғрисида тўхталиб: «... сезги орқали билиш, бу қисман билиш бўлса мантиқий баён, ақлий билиш эса ҳақиқатни билишнинг муҳим томонини баён этади. Инсоннинг хулқ-атвори, хатти-ҳаракати мантиқий фикрлашга асослангандагина мукамал шаклланиши мумкин», дейди.

Абу Райҳон Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмадал-Беруний (973-1048)нинг таълим ва тарбия технологиясида ўқитишда талабани зериктирмаслик ва хотирасини толиқтирмаслик учун ўрганиладиган фанларни тез-тез алмаштириб туриш зарурлиги ва ўқитишда турли таълим услубларидан фойдаланиш ҳақидаги илғор фикрлари ҳозирги давр учун ҳам долзарбдир.

Берунийнинг «Минералогия» асарида баён этилган ҳунармандчилик технологияси, айниқса, аёллар учун зеб-зийнат буюмларни ясашда хотин-қизларнинг

фаол иштироки, уларнинг заргарлик санъатидаги қобилиятлари, малака ва кўникмаларини шакллантириш, шогирд тайёрлаш жараёни, усталарнинг хунар ўргатиш услублари ҳақидаги теран фикрлари жуда ҳам қимматлидир: «Марвариднинг баҳосини ким яхши билса, у киши уни тешиш ва силлиқлаш ишлари билан ўзишуғулланмай, баҳосини билмайдиган шогирдларига топширади. Бунда шогирдларининг қўллари қалтирамайди, кўркмай ишлайдилар. Агар бу иш хавфсираш, кўрқиш билан бажариладиган бўлса, марваридлар синиб, парчаланиб исроф бўлиши мумкин. Баъзан уста шогирдларига шапалоқ, тушуриб туради, сабаб, уларни хавфсираш йўлларида халос этиб туришдир. Марварид тешилиб, сайқал берилиб бўлинганидан сўнг, ҳар қандай хавф йўқолади».

Шарқда «Шайх-ур раис» («Олимлар раиси») унвони билан машҳурбўлган Ал-Хусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн Синонинг (980-1037) «Тадбир ул-манозил» асарида баён этилган ўқитиш усуллари ҳозирги давр таълим тамойилларига мос келиши ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан қимматлидир: «Бола бақувват бўлиб, сўзлашув нутқини яхши тушуна бошлангандан сўнг у савод ўрганишга қобил бўлади, шундан сўнг саводга ўргата бориш мумкин. Соғлом, тозаликни севувчи, софдил ва одамларга яхши муносабатда бўла оладиган тарбиячи бўлиши керак».

Ибн Сино талабага билим беришда ўқитувчининг педагогик маҳорати ва масъулиятли бурчи масаласига алоҳида тўхталиб, ўқитувчи болаларга билим беришга киришишдан аввал, уларнинг хулқ-атворини ўрганиши ва билимларини текшириб кўриши, қизиқиши нимага қодир эканлигини аниқлаши, сўнгра унга хунар ёки илм тўрини эгаллашни тавсия этиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, ўқитувчига шундай йўл-йўриқлар беради:

- болалар билан муомалада босиқ-жиддий бўлиш, берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;

- таълимда турли ўқитиш усуллари ва шаклларида фойдаланиш;

- талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш;

- фанга қизиқтира олиш;

- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;

- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериш;

- ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур».

Ибн Сино мактабда болаларни алоҳида-алоҳида ўқитишдан кўра жамоа, синф тартибида ўқитишни афзал деб билади ва бу услубнинг устунлиги қуйидагилардан иборатлигини таъкидлайди: «Ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўз билимлари билан ғурурланадилар, бир-бирларининг билимларига ҳавас қиладилар. Ғурур ва ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир-бирларидан орқада қолмасликка ундайди. Ўқувчилар бирга бўлганда, доим бир-бирлари билан гаплашадилар ва бу билан ўз хотиралари ва нутқларини ривожлантирадилар».

Умуман, Ибн Синонинг таълим технологиясида ўқитиш жараёнида қайси услублардан фойдаланилмасин-оғзаки ифодами, билимларни тушунтиришми, турли кўринишлардаги суҳбатми, тажрибаларми, барибир, талабада ҳақиқий билим ҳосил

қилиш, мустақил, мантиқий тафаккурни ривожлантириш, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш, олган билимларни амалиётга татбиқ эта олиш қобилиятини таркиб топтириш асосий мақсад бўлган.

Муҳаммад Тарағай Улуғбек (1394-1449) Мовароуннахр шаҳарларини, хусусан, Самарқанд ва Бухорони илм-маърифат даргоҳига айлантирди, мадрасаларнинг пештоқига «Билимга интилиш ҳар бир муслим ва муслима учун фарздир» (яъни «Билим олиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёлнинг бурчидир») деган ҳадисдаги ҳикматни ёздириб қўяди. Мадрасалардаги ўқув тизимини ислоҳқилиб, фалакиёт, математика, география каби аниқ фанларни ўқитишни жорий этди, таълим мазмунининг сифатини оширди ва ўқиш-ўқитиш услубини яхшилашга жиддий эътибор берди. Улуғбек бунёд этган мадраса билан расадхона орасида мустаҳкам алоқа бор эди. У мадрасада берилган назарий билимларни амалиётга татбиқ этиш мақсадида мударрислардан талабалар билан расадхонада амалий машғулотлар ўтказишниталаб этиб, бунга бевосита ўзи раҳбарлик қилди, мударрисларнинг масъулияти ва педагогик маҳоратини оширишга интилди.

Унинг таъкидлашича, мадрасалар учун ёзилган дарсликлар янги мазмун билан бойитилиши керак. Дарсликларда қайси фан, воқеа ва ҳодиса акс эттирилишидан қатъий назар, ҳаёт ҳақиқатидан узоқ бўлмаслиги даркор. Аввало дарсликлар содда ва тушунарли, араб тилининг мураккабликларидан ҳоли тарзда ёзилиши керак.

Шунингдек, Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли ва тушунарли бўлмасин, таълим жараёнида ўқитувчи асосий ўринда туриши, ўз педагогик маҳорати билан намуна бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Демак, Улуғбек ўз ҳаёти, ва илмий-педагогик (мударрислик) «фаолиятида етук, билимдон ва юксак маҳоратли олим-устоз сифатида илмий фаразларни эмас, балки бу билимлардан мақсад нима эканини аниқ, англаб, ўз билимларини такомиллаштириб бориш, уларни ҳаётга татбиқ; этиш йўллари кўрсатиб беришдек бугунги замонавий таълимдан фарқ, этмайдиган мукамал амалий таълим шаклини яратади.

Биринчиси замонавий таълим ва тарбиянинг бир шаклини танланса, иккинчиси ўзгачароқ, учинчиси яна бир бошқача йўл тутади. Шу жумладан, халқ, элатнинг ўз удуми, одати, турмуш тарзи бор. Халқнинг умумий педагогик маданиятида шахс тарбияланиб, уқиб ривожланишида ўзига хос инновацион педагогик ғояларга аксиологик ёндашишни талаб этади. ати:

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Атаева Н., Расулова Ф., Хасанов С. Умумий педагогика (Педагогика тарихи). Ўқув қўлланма. 1-китоб. - Т.: «Фан ва технология», 2011.
2. Баҳодиров Р. Шарқ, мутаффакири. Абу Абдуллох; ал-Хоразмий ва илмлар таснифи. - Т.: «Ўзбекистон», 1995.
3. Беруний («қимматбоҳо тошларни билиб олиш ҳақида маълумотлар тўплами» «Минерология») китобидан. Танланган асарлар, IV жилд. - Т., 1974. -25-6.
4. Педагогика. Энциклопедия, 1-жилд. - Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» давлат илмий нашриёти, 2015.
5. Rasulova F., Do'sjanov, Hasanov S. Xorazm Ma'mun akademiyasining olis va yaqin yulduzlari. - Т.: «Fan», 2005.

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ МЕВАЛАР ШИФОБАХШЛИГИ ХУСУСИДАГИ ФИКРЛАРИ АСОСИДА ЎРИКНИНГ ИСТИҚБОЛЛИ НАВЛАРИДАН ОНА БОҒЛАРИНИ БАРПО ҚИЛИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

*Имомова Д.А.-доцент
Равшанова А.Р-тадқиқотчи
Жиззах ДПИ*

Аннотация. Учитывая растущий потребительский спрос на абрикос из года в год, перспективные сорта абрикосов будут выращиваться и внедряться в производство, а также морфологические признаки перспективных сортов абрикосов, изучены и отобраны здоровые кустраники, устойчивые к вредителям и болезням из существующего местного сада, а также черенки для прививки из них для создания абрикосовых садов на основе местных сортов абрикосовых сортов.

Annotation. Given the growing consumer demand for apricot from year to year, promising apricot varieties will be grown and introduced into production, as well as morphological features of promising apricot varieties, healthy shrubs resistant to pests and diseases from the existing local garden were studied and selected, as well as cuttings for grafting them to create apricot orchards based on local varieties of apricot varieties.

Улуғ аллома, табиб Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида ўрик меваси ва елимидан ошқозрон ичак фаолиятини яхшилашда фойдаланганлигини, меваси кишига дармон багишлайди, камқонликка даводир, дея таъкидлаган. Таркибидаги калий тузлари юрак-қон томир системаси касалликлари билан оғриган беморларга шифо беради. Ўрик мағзидан дамланган чойни хафақонга тавсия қилган. Нафас йўллари яллиғланиши, кўкётал, нефрит касаллигини тузатишда ҳам мағзидан фойдаланган.(4)

Жиззах вилоятининг тупроқ иқлим шароити мевали экинларни етиштириш учун қулай ҳисобланади. Вилоятда ўрик, олма, нок, беҳи, шафтоли, гилос ва олхўри каби мевали боғлар катта майдонларни эгаллаган. Бироқ мевали экинларнинг районлаштирилган навлари ичида совуққа бардошлилиги, ҳосилдорлиги ва ҳар йили юқори ҳосил бериши бўйича камчиликлари мавжуд.

Ўрик мевали ўсимликлар ичида алоҳида ўрин тутди. У тез ўсувчанлик, барвақт ҳосилга кириш, эрта муддатларда пишиш, мунтазам равишда ҳосил бериш каби муҳим биологик хусусиятларни ўзида мужассам қилган. Ўрикнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири мевасининг юқори таъм ва товар сифатларига эга бўлиши ҳамда қайта ишлашга яроқлигидир. Ундан юқори сифатли қуруқ мевалар (туршак, баргак) тайёрланади. Айниқса Марказий Осиё маҳаллий навлари меваларининг кимёвий таркиби ва таъм сифатлари бўйича дунёда энг мукамал ҳисобланади. Шу хусусиятлари жиҳатлари ўрик, узум, анжир ва хурмо билан бемалол рақобат қила олади. Халқ селекцияси томонидан яратилган Мирсанджали, Хурмои, Қандак, Субхони, Исфарак, Кўрсодик, Арзами ва бошқа навлар шулар жумласидандир. Бундан ташқари ўрик меваси шифобахш бўлиб, пархез хусусиятларга эга. Шу билан бирга бир қаторда ўрикнинг кенг тарқалиши ва санат аҳамиятига эга бўлишини чеклаб қўйядиган баъзи камчиликлари бор. Ўрикнинг жуда эрта гуллаши генератив органларининг кеч баҳор аёзларидан шикастланишига олиб келади. Бундан ташқари, бизнинг шароитимизда ўрик клястероспориоз касаллиги билан ҳам кучли зарарланади. Оқибатда мунтазам равишда ҳосил бермайди ва мева сифати кескин пасайиб кетади.

Ҳозир республикамизда асосан маҳаллий навлар ва илмий тадқиқот институтларида яратилган янги навлар экилиб келмоқда. (2).

Жиззах вилояти тупроқ – иқлим шароитига мос келувчи мевалардан ўрик, олма, нок, беҳи, шафтоли, гилос ва олхўрининг интродукция қилинган нав ва клонларини аниқлаш истиқболли навлардан кўчатхонада кўчатлар етиштириб ишлаб чиқаришга жорий этиш юқоридаги мақсаднинг асосий мезонидир.

Академик Махмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот институтинг Самарқанд илмий тажриба станцияси олимлари томонидан олиб борилган селекция тадқиқот ишлари натижасида ўриқнинг истиқболли Мароканд, Гулистон ва Наврўз навлари яратилди. (3). Яратилган ушбу навлар Жиззах вилоятининг тупроқ иқлим шароити учун ҳам истиқболли деб топилди.

2018 йил эрта баҳорда ўрик данагини экиш учун ер танлаб олиниб, майдон 40-45 см. чуқурликда хайдалиб, чизель қилиниб, мола билан текисланди. Ўрик данагидан 46 кг стратификациялаб қумга кўмилиб кўйилган эди. Эрта баҳорда (март ойида) ўрик данагини уруғини экишдан олдин қумдан яхшилаб тозаланиб экилди, ўрик данагидан экилган майдон орасини суғориш учун ариқлар олинди ва суғорилди, бир ҳафтадан сўнг кўчатзорда намликни сақлаш учун тупроқ енгил юмшатилади, ўриқнинг кўчатзорда яхши ўсиб ривожланиши учун барча агротехник тадбирларни ўз вақтида бажарилди, униб чиққан кўчатлар бегона ўтлардан тозаланди, қатор оралари юмшатилади, май ойида 1 марта, июнда 1 марта, июлда 2 марта, августда 1 марта ва сентябрьда 1 марта, жами кўчатзор 6 марта суғорилди. Июнь ойи ўртасида кўчатлар ўсаётган вақтда минерал ўғитдан азотли ўғит гектарига 90 кг соф азот ҳисобида ўғит солинди. Ҳар икки-уч суғоришдан сўнг жами 3 марта кўчатзорда тупроқ юмшатилиб бегона ўтлардан тозаланиб борилди. 3 марта қатор ораси культивация қилиниб, суғориш ариқлари олинди. Ёш экилган кўчатлар яхши ривожланиб, ўсиши учун апрель ойининг иккинчи ярмида ҳар бир кўчат атрофига 60-80 г дан азотли ўғит солинди. Иккинчи марта июнь ойида шунча миқдорда яна азотли ўғит солинди. Июль ойида кўчатзорларда пайванд солиш ишлари амалга оширилди. Ўриқни истиқболли навларининг морфологик белгиларини ўрганилди, мавжуд она боғидан зараркунанда ва касалликлар билан зарарланмаган соғлом туслари танлаб олиниб, улардан пайвандлаш учун қаламчалар олинди. (3). Кузда (ноябрь) ўрик навларининг 3 та навидан 600 донадан жами 1800 дона пайвандтаг тайёрланиб кўчатзорга экилди ҳамда иккинчи марта ушбу навлардан 600 донадан жами 1800 дона пайвандтаг тайёрлаб эрта баҳорда экиш учун ерга кўмиб кўйилди. Эрта баҳорда ўрик навларининг 3 та навидан 600 донадан жами 1800 дона қаламча тайёрланиб, кўчатзорга экилди ҳамда кузда ва қишда тайёрланиб ерга кўмиб кўйилган пайвандтаглар ердан қовлаб олиниб кўчатзорга экилди. Кўчатзорга экилган пайвандтаглар парвариш қилиб борилди. Май ойининг охирида экилган пайвандтагларнинг тутиб кетганлари яъни кўқариши текширилди ҳамда ҳар ойнинг 20 куни кўчатларнинг ўсиши ва ривожланиши ўлчаб борилди. Ажратиб олинган оналик боғидаги ўрик навларида кузатув ишлари, ўсимликни ҳолати, нав тозалиги, фенологик фазаларни ривожланиши ҳисоб китоб қилинди. 2018 йил кузи, 2019 йил қиш ва баҳорида истиқболли ўрик навларининг Мароканд Гулистон Наврўз навларидан 3 хил вариантда ҳар бир вариант учун 100 донадан қаламча тайёрланиб экиб чиқилди, тутиб кетганлари яъни кўқариши текширилиб ҳар ойнинг 20 куни кўчатларнинг ўсиши ва ривожланиши ўлчаб борилмоқда. Ажратиб олинган оналик боғидаги ўрик навларида кузатув ишлари, ўсимликни ҳолати, нав тозалиги, фенологик фазаларни ривожланиши

хисоб китоб қилинмоқда.(2). Районлашган навлар замонавий талабларга жавоб бериш учун ҳосилдор, иқтисодий самарадорлиги юқори ва хўжалик аҳамиятига эга бўлган белгилари билан бошқа навлардан ажралиб туриши билан боғлардан юқори ҳосил олиш имконини берувчи, мева сифати бўйича жаҳон андозалари талабларига мос, экспортбоб, йирик ва сифатли мевалар етиштириш, совуққа, иссиққа, курғоқчиликка, касаллик ва зараркунандаларга чидамли, барқарор ҳосил берувчи ўрик навларини танлаш, ажратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиб унинг кўчатларини кўпайтириб, нав тозалигини сақлаб ишлаб чиқаришга жорий қилиш ҳозирги куннинг асосий долзарб муоммоларидан бўлиб ҳисобланади.

Тадқиқот яқунлари бўйича қуйидаги истиқболли янги ўрик навларининг 3 хил вариантда (интеркаляр) жадаллаштириш усулида қишги пайванд қилиш йўли билан кўчатлар кўпайтириш усули аниқланиб ишлаб чиқаришга жорий этилади. Ўрик мевалилардан истиқболли янги навларининг кўчатларини кўпайтириш усуллари аниқланиб ишлаб чиқаришга тадбиқ этилиши боис ҳар йили уларнинг майдони 20-30 гектарига кенгайиб, юқори ва сифатли ўрик маҳсулоти олиш кўпайтирилади. Ўрик навларининг кўчатларини кўпайтириш миқдори ошади, энг асосийси жадаллаштириш (интеркаляр) усулларида янги интенсив ўрик боғлар кўпаяди. Фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда аҳолига ўрикнинг янги истиқболли кеч пишар навларини кўчатларини кўпайтириш усули жорий этилади. Янги навларни ишлаб чиқаришга жорий этиш билан уларнинг ҳосилдорлиги 3-4 баробарига ортади. Йирик кечпишар юқори сифатли қоқ бўлувчи ўрик маҳсулотлари кўпаяди ҳамда ишлаб чиқаришга кўп миқдорда кўчатлар етиштирилади.(3). Илмий тавсиялардан мевачилик соҳасини ривожлантиришда, қишлоқ хўжалигидаги илмий-тадқиқотлар олиб боришда, фермер ва деҳқон хўжаликларида ҳамда аграр йўналишдаги таълим жараёнида фойдаланиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мевачилик асослари Т.Э.Остонабулов, С.Х.Назиева, Б.Х.Ғуломов. Тошкент 2010 й
2. Ломакин Э.Н Генофонд абрикоса, задачи и пути селекционной работы в Средней Азии. – В кн.: Материалы научно-методического совещания по культуре абрикоса. Ташкент, 1977.
3. Мирзаев М.М., Культура абрикоса в Узбекистане, Т., 2002.
4. Абу Али ибн Сино “Тиб қонунлари”. Абдулла Қодирий нашриети, 1993.

SHARQ MUTAFAKKIRLARI KITOBXONLIK XUSUSIDA

***Nuraliyeva O.- talaba
Jizzax DPI***

Annotation: Books are weapon which is cleaning the person's spiritual sight as fresh spring water, forcing to think, spreading wisdom.

Аннотация: Книги очищают духовный мир человека как воду чистого источника и силу разума, чтобы распространять мудрость.

Bugungi kunda jamiyatimizda ulkan, salmoqli ishlar amalga oshirilmoqda. Xususan, Respublikamizda bugun yoshlar ta'lim va tarbiyasiga katta e'tibor berilayotganligi, ayniqsa, bu davlat siyosatining dolzarb masalalaridan biriga aylanganligi hech qaysimizga sir emas.

Insonning eng olis va zimiston umr yo'llarida unga nur bag'ishlab turuvchi sehrli chiroq bu- kitobdir.

Darhaqiqat, kitob- tafakkur xazinasini, beminnat ustoz hamdir. Har daqiqa u bizni donishmandlarning bilim xazinasini bilan oshno eta oladi. Yana kitobni yaqin do'st sifatida unga ishonishimiz mumkin. Sababi u, odatda, sukut saqlab, fursati yetganda jamiki olam haqida batafsil so'zlab beradi. Xazina hisoblanmish kitob haqida buyuk mutafakkir Abdurahmon Jomiy shunday yozadi:

“Bilimdon go'rda-yu, ilmi kitobda!”

Agar yolg'iz bo'lsang, hamdam kitobdir,

Bilim subhidagi nur ham kitobdir[1].

Ushbu misralardan hayot yo'llarida tayanch, yolg'izlik paytlarda- yo'ldosh, baxtiyor daqiqalarda rahbar, bilim tongidagi nur, quyosh- kitob hisoblanishi va odamlar kitob o'qib bilimdon bo'lsa, umri tugab bu foniy dunyoni tark etganda ham uning ilmi kitoblarda qolishi, odamlar qalbida mangu yashashini ilg'ash qiyin emas. Zero, kitoblar xazinasini, umuman olganda, hayotning o'ziga xos badiiy ko'zgusidir.

Insonning qanday ekanligi birinchi navbatda uning fikrlashidan, dunyoqarashidan, axloqiy jihatdan pokligi bilan belgilanadi. Dunyoqarashi, fikrlashi sog'lom va yuksak odamni soxta g'oyalarga, buzg'unchi ishlarga ishontirib ham, aldab ham bo'lmaydi. Sababi, ong-u tafakkur insonning fikrlash, o'ylash, tahlil etish va xulosalar chiqarish qobiliyatini bildiradi. Insonning dunyoqarashi qalb va ongdagi fikr va sezgilar asosida shakllanadi. Ammo hayotda o'zining yovuz niyatlari bilan inson miyasini zaharlaydigan, to'g'ri yo'ldan ozdiradigan, jaholat sari yetaklaydigan kuchlar hamon mavjud.

Bunday yovuz kuchlarga, jaholatga qarshi faqat va faqat ma'rifat orqali bas kelishimiz mumkin. Haqiqiy ma'rifatli, barkamol, ma'naviy- axloqiy inson atrofdagilari, mahalla-kuyi, butun xalq taqdiriga befarq bo'lmagan holda ular uchun qayg'uradi. Sunday ekan, O'zbekistonda jamiyatni, ta'lim- tarbiya tizimini tubdan isloh qilish va uni har tomonlama rivojlantirish xalqning dunyoqarashi, ma'naviyati bilan bog'liqdir.

Yurtboshimiz Shavkat Miromonovich Mirziyoyev tomonidan aytilgan quyidagi fikrlari fikrimizning dalilidir: „Ta'limning maqsadi voyaga yetmaganlarni mahalla-ko'yni ko'z oldida saqlash, yurish-turishi, kiyinishi, o'zini tutishini nazorat qilish va yoshlar o'rtasida turli huquqbuzarliklarni oldini olish dolzarb masalalardan biridir. Negaki, internet va boshqa shu kabi saytlar orqali tarqalayotgan, odamlarni yo'ldan ozdiruvchi, uni tubanlikka eltuvchi ko'rsatuvlar yoshlarga ta'sir qilmay qolmaydi. Shuning uchun yoshlarning ta'lim , ayniqsa, ularning tarbiyasiga e'tibor berish, ularni barkamol shaxs qilib tarbiyalash, boshqa mamlakatdagi tengqurlariga nisbatan raqobatbardosh qilishga katta ahamiyat berilmoqda.

Buning natijasida yurtboshimiz tomonidan „Yoshlarga oid davlat siyosati“[2] ning qabul qilinganligi, unda asosiy masalalardan biri sifatida yoshlarning ta'lim olishiga alohida o'rin ajratilganligi, yoshlar ma'naviy olamini boyitish maqsadida yoshlar o'rtasida „Kitobxonlik madaniyatini oshirish“ ning qabul qilinishi va respublika miqyosida ham kitobxonlik kechalarini tashkil etish ayni fikrimiz isbotidir.

Kitobxonlik haqida so'z borar ekan, XX asrda yashab o'tgan ulug'lardan birining quyidagi gaplari yodimga keldi: „ Men o'zimdagi barcha yahshi fazilatlar uchun kitobdan minnatdorman“. Darhaqiqat, kitob-tugamas chashma, buloqdir. Uning ichiga qanchalik

kirganingiz sari, sizni shunchalik o'z bag'riga chorlab, o'zining toza suvi bilan bahramand qiladi, hayotda to'g'ri qadam tashlashga sog'lom fikrlashga undaydi. Yana kitob insoniyat yaratmishlari ichra takrorlanmas mo'jizadir. Dunyo bilimlarini, xalqlar tarixi va jahon aqliy kamolotining butun borlig'ini o'zida jamlagan hamda inson ma'naviyatini tozalovchi, aqliy salohiyatini yuksaltiruvchi, mo'jizalar mo'jizasi hisoblangan kitob haqida mashhur shoirimiz mir Alisher Navoiy ham to'xtalib, quyidagi ruboiylarini kitobga bag'ishlagan ekanlar:

Jondan seni ko'p sevarmen, ey umri aziz,
Sondan seni ko'p sevarmen, ey umri aziz.
Har neniki sevmak ondin ortiq bo'lmas,
Ondan seni ko'p sevarmen, ey umri aziz.

Bugungi kunda rivojlanayotgan davlatimizga boshqa mamlakatlar bilan bemalol raqobatlasha oladigan intellektual salohiyat egasi bo'lgan, ma'rifati yuksak shaxslar zarurdir. Bunday insonlar hech qachon jaholat ta'siriga berilmaydi.

Ma'rifat inson ma'naviyatining cho'qqisi bo'lsa, jaholat uning aksi, inson zotining zavoli, kushandasidir.

Asosiysi, har qanday jamiyatda, har qanday sharoitda jaholatga qarshi kurashishning asosiy vositasi – kitobxonlikdir.

Xulosa qilib aytganda, ma'naviy-axloqiy negizlar mustaqil yosh avlodni tarbiyalashda asosiy omillardan biridir. Ze'ro, ma'rifatga intilish- yuksak ma'naviyatga erishmoqqa poydevordir.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Forum.Ziyouz.com;
2. O'zbekiston Respublikasining „Yoshlarga oid davlat siyosati to'g'risida“ gi qaror.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

***А.Р.Абдулахатов- доцент в.б
Чирчиқ ДПИ***

Жамият тараққиёти, миллий фаровонлик ҳамиша ёш авлоднинг таълим-тарбияси, замонавий билимларни чуқур эгаллаган янги кадрлар, уларнинг юксак малакаси билан боғлиқ бўлиб келган. Кекса авлод эришган ютуқларга, улар тўплаган тажрибага таяниб, мамлакатнинг илмий, иқтисодий, маданий-маърифий салоҳиятини янада кўтариш ҳамиша ёшлар зиммасига тушган.

Президентимиз Ш. Мирзиёевнинг сўзлари билан айтганда, - Гап ёшлартарбияси ҳақида борар экан, бу борада шошмаслик, ёшлар ва ота-оналарнинг талаб-истакларидан келиб чиқиб, ҳар томонлама пухта ўйлаб иш тутиш керак, бу эса мамлакатда ижтимоий ва иқтисодий барқарорлик, жамиятда тинчлик ва аҳиллик, миллатлараро тотувликни сақлаб қолиш, мустақилликнинг узоқ йилларга мўлжалланган ижтимоий-сиёсий тараққиёт йўлини белгилаб олиш, истиқлолимизни ички ва ташқи хуружлардан асраб-авайлаш, янги жамиятнинг янги, юксак маънавиятли, мустақил фикрлашга қодир, айна чоғда, мамлакат, миллат тарихини яхши билувчи, улуғ аждодларимиз қолдирган илмий-маънавий меросдан баҳраманд ёшларни тарбиялаш вазифаси туради.

Таълим-тарбия соҳаси – барча соҳалар тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи узлуксиз таълим-тарбия тизими ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни яратади. Республикаимизнинг ўз истиқлолига эришиб, ўзига хос тараққиёт йўлини танлаши ёш авлод таълим-тарбия тизими, унинг мазмунини қайта ташкил этиш, юртимиз, халқимиз миллий хусусиятларига хос, жаҳон андозаларига мос кадрлар тайёрлаш таълим-тарбиянинг узвийлигига боғлиқдир.

Таълим – шахснинг маърифатлилик ва тарбияланганлик даражасини ошириш орқали унинг ривожланишини таъминлаш мақсадида ўргатувчи билан ўрганувчилар ўзаро биргаликда амалга оширувчи дидактик фаолият. Шахснинг ақлий тараққиётини таъминлаш масадида кўрилувчи дидактик чора-тадбирлар тизими.

Тарбия – авлодлараро ижтимоий-тарихий ва ҳаётий тажрибани узатишга хизмат қилувчи, оила, таълим муассасалари, ижтимоий, сиёсий ва бошқа ташкилотлар, ОАВ ва бошқа таъсири остида жисмонан соғлом, маънан баркамол инсонни шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнини англатувчи тушунча.

Таълим-тарбия ўзаро узвий боғлиқ бўлган диалектик тушунча бўлиб, таълим Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари (шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш тизимлари) яхлит маърифий-тарбиявий, ижтимоий-маънавий муштараклигидан ташкил топган.

Таълим-тарбия- онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Шарқнинг улуғ мутафаккирлари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиб беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим. **Жумладан:**

Фаробийнинг таълим – тарбияда ёшларни мукаммал инсон қилиб тарбиялашда хусусан, ақлий – ахлоқий тарбияда алоҳида эътибор берганлиги кўриниб турибди, унинг эътиқодича, билим, маърифат, албатта яхши ахлоқ билан безатмоғи лозим, акс ҳолда кутилган мақсадга эришилмайди, бола етук бўлиб етишмайди. **Абу али Ибн Сино** бола тарбияси ва тарбия усуллари ҳақида қимматли фикрларини билдирган. **Ибн Сино** боланинг ахлоқий тарбияси ҳақида билдирган фикрларида уй-рўзгор тутиш масалалари хусусида ҳам сўз юритади. Болани тарбиялаш оила ота – онанинг асосий мақсади ва вазифасидир. Ўз камчиликларини тузатишга қодир бўлган ота – она тарбиячи бўлиши мумкин. Ахлоқий тарбияда энг муҳим воситалар боланинг нафсониятига, ғурурига тегмаган ҳолда, яккама – якка суҳбатга бўлиш унга насихат қилишдир. **Ибн Сино** болада ахлоқий хусусиятларни меҳнат, жисмоний ақлий тарбия билан узвий бирликда шакллантиришни, уни инсон қилиб камол топтиришда асосий омил деб билади.

Алишер Навоий боланинг вояга етишида, камол топишида тарбиянинг кучи ва қудратига алоҳида эътибор беради. Тарбия натижасида боланинг фойдали ва етук киши бўлиб ўсишига ишонади. Ёш боланинг жуда кичик ёшидан бошлаб тарбияламоқ зарур. Тарбия инсонга ўзида яхши одат ва фазилатлар хосил қилишга ёрдам беради. У одам шахс икишилар билан муносабатда, айниқса кишиларнинг бир – бирларига бўлган руҳий маънавий таъсирлари натижасида таркиб топади деб вояга етказишда асосий омиллардан бири тарбия эканлиги ўқтиради.

Воиз Ал – Кошифийнинг ўқитиришича инсонни таълим – тарбия орқали қайта тарбиялаш ақлий қобилиятни ўстириш мумкин. **Кошифий** ўзининг педагогик қарашларича болаларда мустақил фикрлаш қобилиятини ўстириш масаласига алоҳида эътибор беради. Ота – оналар муаллимлардан бу масалага алоҳида аҳамият беришни талаб этади. Бу масалада оилавий ҳамда ташқи муҳит муҳим ўрин тутаяди. Бола тўғрисида, ваъдагавафодор, яхши хулқли қилиб тарбияланиши керак. **Комил Хоразмий**нинг фикрича илм-хунар, илм-маърифат инсон ахлоқий камолоти, ижтимоий маънавий ҳаётнинг ривожини учун хизмат қилиши керак. Камтарлик эскирмайдиган, энг гўзал инсоний фазилатдир. Бу фазилатларга эга бўлганлар обрў-эътиборли камил инсонлардир. Камтарлик инсонни турли нохушлиқдан хижолатдан сақлайди. **Мунис Хоразмий** тилга кўп эрк бермасликни маслаҳат беради. Унинг таъкидлашича, ортиқча сўзмонлик киши бошига қаттиқ тош бўлиб тегиши мумкин. Шоир ёмон сўзли, озор берувчи муродлар сифатини тасвирлаб, кишиларни жумладан ёшларни улар билан хамсухбат бўлмасликка ундайди. **Мунис Хоразмий** ўз асарларида халқни адолатли, онгли, билимли бўлишга, жаҳолатдан йироқ туришга даъват этади, унинг фикрича, адолат шараф кўрки, осойиштали, хушнудликдир. У ёшларни камтарлик билан мулоқотда бўлишга, уларни ҳурмат қилиб эъзозлашга чорлайди. **Мунис Хоразмий**нинг асарларига баён этилган таълим – тарбияга оид фикрлар фақат у яшаган давр учун эмас, балки ҳозирги давр учун ҳам қимматлидир.

Моҳлар ойим Нодиранинг инсон ва табиатига нисбатан қарашларига фақат шахсий туйғу эмас, балки ёшлар тарбиясида миллий анъаналарнинг роли ҳақидаги фикрлари ҳам намоён. **Нодиранин**г тарбия ҳақидаги қарашларида инсонпарварлик ғоялари-адолат, инсоф, халқ манфаати муҳим ўринни эгаллайди. **Нодира** ҳаётнинг туб моҳиятини яхшилик биносини барпо этишдан иборат деб билади. Унинг фикрича, кимки тириклик чоғида яхшилик бунёд этган бўлади, ўзининг бу эзгу ишлари билан ўзидан кейин ҳаётда ёрқин хотира қолдиради. Умуман, **Нодира** ўз шеърларида баркамол инсонни улуғлайди. Таълим-тарбияга оид кўп фойдали ўғитларни баён этди. **Мухаммад Ризо Огахий** ўз ижодий фаолиятида бинобарин ёшларни одамларни халқ, ватан, жамият фаровонлиги йўлида хизмат қилишга даъват этди. У дўстликни меҳмондўстликни ахлоқий гўзалликни улуғлади. Инсонларни зийракликка, тўғри сўзли бўлишга чорлайди. **Огахий**нинг бу фикр ўғитлари ҳозир ҳам педагогик қадрият сифатида қимматлидир. **Огахий** таълим-тарбия илмларни эгаллаш ва тилни билишда ҳам муҳим аҳамиятга молик эканлигини таъкидлайди. **Жомий** ўз асарларида ёшларни илмларини эгаллашга даъват этади. У ўз педагогик қарашларида кишиларни адолат, хушмуомалалик ва доно сўз билан зулмкорларга маъсир этишга даъват этади. Бугун, орадан деярли минг йил ўтганидан кейин ҳам биз ўрта асрларда яшаб ижод қилган, жаҳон цивилизацияси ривожига бебаҳо ҳисса қўшган Шарқ алломалари ва мутафаккирларининг даҳоси, илм-фаннинг турли йўналишларидаги изланишлари ва қомусий билимлари олдида ҳайратга тушамиз.

Шарқ мутафаккирлари томонидан илгари сурилган қарашлар ҳамда ғоялар бугунги кунда ҳам муҳим таълим-тарбиявий манба сифатида ёшлар онги ва қалбига маънавий озуқа бериши, уларнинг ёшлар маънавий-ахлоқий тарбиясини таъминлашдаги ўрни каттадир. Шарқ мутафаккирларининг ижодий фаолиятидаги таълим-тарбияга оид ёндашувлар, ғоялар, қарашларни ёш авлоднинг онгига сингдиришда тарбия усуллари ва воситаларини билиш ўта муҳим масаладир, ҳаётда

улардан тўғри фойдаланиш тўғрисида илмий мақолаларда, адабиётларда кўплаб мулоҳазалар юритилмоқда.

Мутафаккир - алломалар тарбия иборасига уйғун бўлмиш “Бешикдан қабргача илм изла” нақлини бекорга айтишмаган. Фикримизча, инсон ҳаётда бир умр ўқиб, изланиб, интилиб, эзгу сўз, эзгу фикр, эзгу амалларга қўл бериб, ҳаёт илми тажрибаларидан мунтазам сабоқ олиб яшасагина комил инсон мақомига етишади. Дарвоқе, инсонга ўзидан яхши ном, яхши хотира, яхши фарзанд, яхши боғ каби ҳаётини неъматларни қолдиришдан ҳам кўра муҳимроқ юмуш йўқ. Яна бир қарра таъкидлаш лозимки, бу хайрли ниятни тарбия кўрган, ҳаёт мактабини ўтаган кишиларгина намунали уддалай олишади.

Ана шу бебаҳо илмий меросни янада теран тадқиқ этиш ва оммалаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларга янги туртки бериш, шарқнинг улуғ алломалари томонидан амалга оширилган кашфиётлар замонавий илм-фан ва тараққиёт учун нақадар долзарб ва зарур эканини очиқ беришнинг аҳамияти ҳам шунчалик муҳим деб ҳисоблайман.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, “Биз буюк аجدодларимиз билан фахрланишимиз, ғурурланишимиз керак”,. Айни вақтда “Фақат ғурурланишнинг ўзи етарли эмас, келинлар, ўзимиз ҳам, худди улар каби, мана шу бебаҳо меросга ўз ҳиссамизни қўшайлик!”

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Тарбия (ота-оналар ва мураббийлар учун энциклопедия). - Т.: - Ўзб. миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010.
2. Маънавият: асосий тушунчалар изоҳли луғати. – Т.: Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2009. – 526-527-бетлар.

NOANANAVIY DARSLARDA ABAY IJODIDAN FOYDALANISH

***Erbekova S. J.- o'qituvchisi
Xovos tuman I-IDUM***

***“Insonbolasinizamonaparvarishqiladi.
Kimda kim yomon bo'lsa, ayb zamondoshlarida”
Abay***

Аннотация: В этой статье объясняется, как использовать произведения Абая на нетрадиционных уроках. Это также подчеркивает важность профессионализма и подхода учителя. Уроки требуют творчества Абая.

Annotation: This article explains how to use Abai's works in non-traditional lessons. It also highlights the importance of the teacher's professionalism and approach. The lessons call on Abai's creativity.

Olimlar biror narsa haqida fikr bildirishdan oldin, uzoq tajriba va kuzatishlar olib boradi. Pedagogika sohasi falsafaning tarkibida bo'lgan davrlardan tortib to bugungacha bo'lgan vaqt oralig'ida muntazam mukammallashib, to'ldirilib, o'ziga xoslanib kelindi. O'tmishdagi vaqtlar oralig'ida ro'y bergan turli o'zgarishlar va davrlarning ta'sirida bu soha yanada tovlandi. Bir vaqtlar quldorlar uchun xizmat qilgan pedagogika davrlar osha jamiyat

a'zolariga ta'lim va tarbiya berish uchun yo'naltirildi. Qaysi davrni olmaylik ilm fanni rivojlantirishga o'z xissasini qo'shish uchun xizmat qilgan bu soha bugun ham har doimgidek o'rin egallamoqda. Binobarin, har birmillat o'zining o'zligini ko'rsatish uchun ilmiy-fan sohasida o'zining munosabatini ko'rsatishga harakat qiladi. Abay Qo'nonboyev ham anashunday ijodkor edi.

Abay insonlarni komil ko'rishni istardi, xalqini jipslashishini, ulug'lashni, inson qalbidagi tuyg'ular bilan ko'rsatib berishga intilardi. Shu sababli turkiy xalqlar tarixini yaxshi biladigan mutafakki rekanligini, falsafiy qarashlari mavjud ekanligini, o'quvchini o'ylantirib qo'yadigan g'oyalar ostidai jod qilishini adabiyotlarda ko'p bor yodga olingan.

Gap Abay haqida ketganida alohida ta'kidlash joizki, uning xalqparvarligi, millatparvarligi tom ma'noda barchaga o'rnatilgan bo'ladi. O'z xalqini oldinga intilishi uchun bor imkonini ishga solgan, ularni olg'a boshladi desak maqsadga molik bo'lsa kerak. Ma'rifatni o'zidan boshlagan ijodkor o'qib ilm olishdan tashqari, boshqalarni ham ilmolishga, millatni millat sifatida birlashishga doim o'undagan. Xalqining tarqoqligidan g'am chekadi, ruhi azoblanadi va bularni ifoda etish uchun she'rlar ham yozadi. Ularning birlashishini tarannum etishga harakat qiladi. O'zi bilan yovlashgan qabilalariga qarata ko'p bor she'riy murojaat qiladi. Buni u yaratgan she'rlari orqali ham anglab olish qiyin emas. Shu asnodan o'zining o'lanlari bilan xalqqa ibiga kirib borgan va o'zidan katta badiiy va ilmiy me'ros qoldirgan. Uning ko'pgina she'rlari ("Ilmo'rgan", "O'lan", "Boy bolasi bilan kambag'al bolasi") millat bolalarini qoloqlikdan chiqarish, ilm-ma'rifatga undash, chidam va mashaqqat bilan bilim olib, kelajakni bunyod etish ga da'vat etishi bilan ham qimmatlidir.

Shu sababli har bir ijodkor singari o'qituvchi shaxsi bu ildam davr muhitini hisobga olgan holda o'z ustida olib boradigan izlanishlarini o'quvchi yoshlarga yetkazib berishi lozim. Bunda hayotiy tajriba muhim ahamiyat kasb etadi. Izlanishlardan to'plangan ma'lumotlar bazasini amaliyotga tadbiiq qilish ham ta'lim va tarbiya samaradorligini kafolatlaydi. O'qituvchi, avvalambor, o'qitishni o'rgatmog'i, uning o'qitish texnikasining boyligi, qiziqтира olish mahorati bilan bir qatorda, so'zlash san'ati, notiqlik madaniyati, ta'sir eta olish ko'nikmalariga ham ega bo'lishi maqsadlidir. Uning bu mahorati tufayli o'quvchi yoshlar kitob o'qish texnikasini egallashlari ko'zda tutilgan. Kitob o'qish va o'qitishni yaxshi bilgan ustoz o'quvchilarga yoqimlidir. Yoqimli inson bilan esa suhbatlashgning keladi, baxs munozara yuritgning keladi. Suhbatdoshning yoqimli bo'lishi uchun ham u istagan narsada suhbat qurish, yoki aksincha uning yoqimli suhbatini siz izlayotgan ma'lumotga burish maqsadga muvofiq. O'qituvchi ana shunday kasb egalari, ular oldin o'zlariga o'quvchilarni yoqimlantiradi, keyin suhbatiga chorlaydi. Natijada esa bolada yaxsh isuhbatdosh yoki yaxshi o'qituvchi fazilatini uyg'otadi. Bu esa bilim berishda ancha qo'l keladi.

Kitob o'qishni, jumladan, Abay ijodini organishni ham o'rganadi va suhbatlashishni egallagan o'quvchida esa badiiy ijod qilishga bo'lgan ehtiyoj ko'payadi. Bunda o'quvchining dastlabki holati, kerakli ma'lumotlarni yozib olish bilan belgilanadi. Kerakli ma'lumotlarni qoralab orish asnosida konspektlashtirish ko'nikmasi shakllanib boradi. O'quvchilarning yozma savodxonligi ularni sabr-qanoatli qilib tarbiyalaydi. Yuqorida keltirilgan Abayning fikrlarini tasdiqlagan holda aytish mumkinki, bu fikrni o'qituvchiganisbatan ham, umumanolganida, insoniyatganisbatan ham qo'llah mumkin.

Ta'lim jarayonida sifatga erishishning turli yo'llari hali ham izlanmoqda. Bugungi kunda pedagogik texnologiyalar va turli xil metodlarni qo'llash yaxshi samara beradi. Biroq kompyuter vositalaridan foydalanish ham ancha natijali hisoblanadi. Ammo shunisini ham

hisobga olish kerakki, texnologiya va metodlarni ishlatish san'ati va qo'llash darajasi ham yuqori bo'lishi lozim. Aksariyat hollarda ko'rinib turgan natija sustkashlik bo'lmoqda.

O'qituvchi yutuqqa erishishi uchun ko'plab turli metodlarni qo'llashi emas, balki shu metod orqali o'quv jarayoniga yangilik olib kirish va shu yangiliklar bilan o'quvchilarni "qurollantirish" lozim.

O'z ustida ishlashi lozim bo'lgan o'qituvchi o'qishdan to'xtab qolishi mumkin, lekin ta'lim-tarbiya jarayonini tashlab ketmaydi. Bu esa o'quvchi yoshlarni bilim olishga bo'lgan ishtiyoqini so'ndiradi. Qani endi, o'z ustida ishlaydigan o'qituvchilarni bu tizimdan chetlashtirib, o'rniga ilmga chanqoq, izlanuvchan o'qituvchilarni qabul qilsak.

O'zaro o'qitish darslarida Abay ijodini o'quvchilarning dars mazmuni bo'yicha matnning ayrim bandlari yoki shunga o'xshash kichik bo'laklarini bir-birlariga tushuntirishlarini tashkil etish orqali mavzuni o'zlashtirish mumkin.

O'quvchilar olib boradigan darslarda esa Abay ijodini o'rgatish asnosida dars mavzusini o'quvchilar tomonidan tushuntirib berilishini tashkil etish orqali o'quvchilar faolligini oshirishga erishish mumkin bo'ladi. Tanlov darslarida esa ijodkorning ma'lum bir asarini o'rgatish orqali sinfdagi o'quvchilarning bir yoki bir nechta mavzu bo'yicha oldindan tayyorgarlik ko'rgan holdagi tanlovini tashkil etish, g'oliblarni aniqlash mumkin. Agar o'qituvchi shu zayilda ishlaydigan bo'lsa, dars samaradorligi oshadi va o'quvchilarning ham badiiy adabiyotga bo'lgan qiziqishlarini ham oshirishga erishadi.

Umuman olganda, zamonaviy pedagogika bugun oldimizga ulkan maqsadlarni qo'yimoqda, shu boisdan o'qituvchi shaxsi o'z ustida tinmasdan ishlashi lozim bo'lib qoldi.

Xulosa o'rnida aytish mumkinki, o'qituvchi tomonidan amalga oshirilgan noananaviy darslarda adib ijodidan manbalar keltirsa, ta'lim sifatini oshirishga xizmat qiladi, o'qituvchi kompetentligini oshiradi. O'quvchilar qiziqishini uyg'otadi, yangicha fikrlashni shakllantiradi. Darslar juda qiziqarli bo'ladi, kutilgan natijalarni kafolatlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Axmedov S., Qochqorov R., Rizayev Sh. "Darslik-majmua" –Toshkent, 2017.
2. Ishmuhammedov R.J. "Pedagogik texnologiyalar" – Toshkent, 2008.
3. Uralov A.B. "Interfaolta'lim" – Guliston, 2014.

MA'NAVIYATNING SHAKLLANISHIDA MILLIY RUH

***Boboqulova N. P. o'qituvchi
Sardoba tuman 4-maktab***

Аннотация: В статье освещается роль учителя в формировании духовности, значение различной литературы. Кроме того, понятие национальной идеологии отражено в советах Абая Кунанбаева своему народу. Подчеркивается, что все люди в равной степени ответственны за формирование духовного мировоззрения.

Annotation: The article highlights the role of the teacher in the formation of spirituality, the importance of different literature. In addition, the notion of national ideology is reflected in AbaiKunanbayev's advice to his people. It is emphasized that all people are equally responsible for shaping the spiritual outlook.

Insonni so'z ayladi judo hayvondin,
Bilkim guhari sharifroq yo'qondin.

Navoiy hazratlari asarlarida bitilganidek, insonni so'zlash madaniyati hayvondan ajralib turishini belgilagan bo'lsa, fikrlash qobilyati insonni insondan ajratib turuvchi jihatdir. Ma'naviy komillik tushunchasi har bir insonga xos bo'lib, uni har kim o'zicha tahlil etadi. Jumladan Abay ham bu hususida alohida to'xtalib o'tgan. Binobarin, komillik sari intilgan har bir banda bu yo'ldan albatta o'tishadi. Shuni alohida ta'kidlash joizki, ma'naviy boy, sermulohazali, dunyoqarashi keng, eng muhimi chiroyli notiq, qolaversa, ma'daniy shakllangan, o'z ustida tinimsiz ishlaydigan, insonlarga imkon topib yordam beradigan shaxslargina bunday baxtlarni yaxshi his qilishadi.

Abay ijodi ham ana shunday ma'naviyatga boy, serqirraligi bilan ham alohida ajralib turadi. Inson ma'naviyatini shakllantirishda ilmiy va badiiy adabiyotlarning o'rni alohida ekanligi ma'lum. Jumladan, ma'naviyatli inson o'qishdan to'xtamaydi, buyuklar aytganidek:

“Insonlar o'qishdan to'xtashlari bilan fikrlashdan ham to'xtaydilar”. Kitoblar insonni ma'naviyatini boyitish bilan bir qatorda, dunyoqarashini ham, fikrlash qobilyatini ham o'zgacha charxlaydi. Bu bilan esa inson ma'naviyatietuklik sari asta sekin qadam tashlabboraveradi. Borib-borib vaqtlar o'tishi bilan yig'ilgan tafakkur durdonalar jamiyat uchun xizmat qiladigan bir yo'nalish sifatida namoyon bo'ladi. Shu asnodda Abayning “Ishning omadi – o'zvaqti” deya ta'kidlagani yodga tushadi. Inson ongi qanchalik rivojlanib bormasin, u yana o'qishga, bilim olishga intilishi so'nmaydi, akhinchu kuchayib boradi.

Eng avvalo, dars jarayonida gima'naviyat haqida to'xtalib, o'qituvchining har bir xatti-harakati bola uchun o'rnak bo'lishligi aniq, deb hisoblaydigan bo'lsak, ikkinchi tomondan qaralganda u yo'naltirayotgan yo'nalish yoki berayotgan bilimning har bir nuqtasi ostiga bekitilgan ma'naviyat haqida ham to'xtalib o'tish kerak. Binobarin, har qanday jamiyatda kelajakni yoshlar qurishadi. Ertangi kun uchun bugundan boshlangani joiy tadbirlar albatta o'z samarasini beradi.

Abay ijodida milliylik ufarib turadi. Milliylik tushunchasi har bir qadamimizda duch kelishimiz mumkin bo'lgan o'zligimizga xos va mos mentalitetimiz yig'indisidir.

Inson tafakkuri qanchalik rivojlansa, uning o'y fikrlari, dunyoqarashi, qolaversa, butun borliqni tushunish va anglash ko'nikmasi ham shud arajada shakllanib boradi.

Milliy g'oyani bola ongiga singdirishning yo'llaridan biri bu ularning ongiga ta'sir etish hisoblanadi. Ijodkor ana shunday milliy g'oyani o'zxa lqiga uqtirmoqchi bo'ladi.

Agar har bir ota-ona o'z farzandi o'qishi uchun jonkuydirib harakat qilsa, uning o'quv faoliyati haqida qiziqsa, maktablarga, kollejlarga lozim bo'lsa, oliygohlarga borib ularning nima ish bilan shug'ullanayotganliklarini ko'rib, ulardan xulosa chiqarib tursa, albatta, bola shaxsini komil inson sifatida kamol topishlari uchun qo'shganda stlabki ishlari bo'laredi. Abay aytmoqchi fikrlarni bugun ko'p kuzatamiz. Afsuski, ko'pgina ota-onalar farzandiningo 'qishjoylariga boorish buyoqdatursin, hatto telefon qilib farzandining qanday muammolari va yutuqlari borligidan xabar ham olishmaydi. Bu bilan biz ota-onalarni yomonlashdan ancha yiroqmiz, biroq shuni alohida ta'kidlash joizki, har bir inson kamolotga yetishishda vrida o'z ota-onalari mehr ivae 'tiboriga muhtoj bo'lishadi. Bu muhtojlik o'z vaqtida qondirilmasa, bola izdan chiqib ketishi mumkin. Shaharga o'qish uchun yuborilgan talaba dastlab kikonlarda o'qishga bo'lgan munosabati yaxshi bo'ladilar(aksariyathollarda). Keyinchalik ota-onalari farzandlariga haddanziyod ishonib qolishlari natijasida bolalar turli yo'llarga kirib qolishlari mumkin. Bund ata'lim muassasalarini ham ayblari bor, lekin muassasada 6 soat o'qishlari mumkin. Qolgan vaqtlardagi (18 soat) u muassasadan tashqarida bo'lishadi. Shu bois bolaning asosiy vaqtlari uyda va ko'chada bo'lishi bilan belgilanadi. Bola shaxsi tarbiyasi uchun har birimiz mas'ul ekanligimizni unutmagan holda, ta'lim

muassalarida berilgan bilim va tarbiya jarayonini uyda albatta mustahkamlash lozim. Aks holda, e'tiborsiz qoldirilgan o'quvchi turli bahonalar bilan dars tayyorlamaydi yoki davomadi pasayib ketadi. Bu esa borib-borib o'quvchini turli salbiy illatlar orttirib olishlariga xizmat qilsaa jabmas. Buni Abay ikki asr oldin sezgan va uni o'zining "Nasihatlar"ida ta'kidlaganedi. Ko'rinib turibdiki, milliy g'oyasi shakllanmagan bolada jamiyat bilan aloqaqilish vositasi ham shakllanmaydi. Shu nuqtai-nazardan olib qaraladigan bo'lsa, bola tarbiyasi faqat ta'lim muassasalarida emas yoki faqat ota-onalarning imkoniyatlaridan emas balki ular orasida giyoki ular o'rtasidagi tinimsiz muloqotlar natijasida yuzaga keladi.

Inson kamol topishida ma'naviyat, milliy go'ya darslarini o'tilishi kata o'rintutadi. Bola tarbiyasi o'ta mashaqqatli ishbo'lganligi sababli unga berilayotgan tarbiya jarayoni ham keng ko'lamda o'ylanib, ishlab chiqilgan bo'lishi lozim.

Insonda Vatan hissi, uni sevish, ardoqlash, o'tmishga hurmat bilan qarash tushunchalari, o'z g'alarfikrini hurmat qilish, o'z fikrini erkin bayon qila olish ko'nikmasi maktabdayoq shakllanib boradi. Maktab darsliklarida o'tilayotgan Milliy istiqlol g'oyasi fani bugungi kun davr talabi bo'lib qolmoqda. Hozirda dunyo ahlini aqlini shoshirib qo'yayotgan ommaviy mafkura va g'oyalar ham bizni chetlab o'tayotgani yo'q. Ommaviy madaniyat atalmish bizning mentalitetimizga yot bo'lgan G'arbcha mafkuralar yoshlar ongida umuman iz qoldirmayapd ideyish qiyin, albatta. Sababi oddiy, bizni larni qalbiga begona g'oyalarning kirib ketishi g'ayo'l qo'yib bermoqdamiz. Buning uchun milliy g'oya targ'ibotini chuqurroq olib borish, Vatanni sevish, uni tom ma'noda anglay olish zarur.

Hayotning mazmunsizlanishi gaasos bo'luvchi beg'amlik haqida I.Karimov "Yuksak ma'naviyat–yengilmas kuch" asarida ham alohida to'xtalib dushmandan qo'rqmaslik, nari borsa u o'ldiradi, do'stdan ham hayiqmaslik u ham nari borsa siringni sotadi, ammo loqayddan qo'rqish, u qilayotgan ishlarga loqaydlik bilan jim qarab turaverishi insonning qalb-qalbigach ata'siretishligi alohida aytilgan. Bu hususda Abay Qo'nonboyev ancha vaqtlar muqaddam ta'kidlaganedi.

Har bir o'quvchilarimiz qalbiga nur bag'ishlayotgan milliy istiqlol g'oyasi bugunning dolzarb mavzulari bo'lishi lozim. Bola tarbiyasi haqida fikr yuritish kerak bo'lsa, bolaning sog'lom bo'lishi bir tarafdin jismoniy harakatlar bilan bog'liq bo'lsa, boshqa tomondan qaralganda albatta bola ruhiy sog'lom bo'lishi talab etiladi. Bunda har bir o'quvchining fikrlashi, dunyoqarashi, bilim darajasi va saviyasi inobatga olinishi kerak.

Inson ma'naviyati shakllanmas ekan, u olayotgan bilimlar behuda. Shunday ekan har bir olinajak bilim va xulosa muhimdir. Ma'naviyatga e'tibor sust bo'lgan muhitda hech qanday sivilizatsiya bo'lmaydi. Ma'naviyat esa bu bilim, odob, dunyoqarashlarning mujassams haklidir. Manaviyatli shaxs uchunl ozim bo'lgan yana bir tushuncha bor, bu yurt ishq. Yurt ishqini esa albatta milliy istiqlol g'oyasi beradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Fayziyeva X. "Abay buyuk qozoq shoiri va vatanparvari" –Toshkent, 2008.
2. Karimov I. "Yuksakma'naviyat – yengilmas kuch"

ЁШЛАР ТАРБИЯСИДА ЗИЁРАТГОҲЛАРНИНГ ТУТГАН ЎРНИ (Жиззах воҳаси мисолида)

Акчаев Ф. Ш.-PhD
Жиззах ДПИ.

Аннотация

В данной статье на основе анализа этносоциологических исследований, проведенных в святыни Джизакского оазиса, были высказаны мнения об их роли в воспитании молодежи.

SUMMARY

In This article, based on the analysis of ethnosociological research conducted in the sanctuaries and shrines of the Jizzakh oasis, opinions were expressed about their role in the education of young people/

Тарихдан маълумки, ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар, янгилинишлар, ислохотлар сари интилаётган ҳар бир жамиятда, биринчи галда шу юрт истиқболлини мустаҳкамлаш, муҳим стратегик тараққиётини белгилаш билан бир қаторда, ёш авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилади. Бугунги янгидан ривожланаётган давлатимиз олдида турган муҳим вазифалардан бири ҳам айнан миллий-маънавий тарбия усуллари ишлаб чиқиш ва замонавий жамиятда миллий ўзлиқни англаш тенденцияларини жорий этиш ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан ёш авлодни глобаллашув жараёнларига рақобатбардош шахслар этиб тарбиялашда миллий дунёқараш ва менталитетга хос белгилар муҳим ўрин тутди. Маълумки, зиёратгоҳларда маҳаллий ҳудуднинг бой тарихи, тараққиёт босқичлари ва халқнинг руҳияти, маънавияти, ўзлиги акс этади²¹. Айнан шунинг учун ҳам, улар билан боғлиқ ҳолда тарих синовларидан ўтиб келаётган тарбиявий аҳамиятга эга афсона ва ривоятлар, зиёрат давомида ўтказиладиган маросимларнинг туб моҳиятидан келиб чиқадиган чин инсоний фазилатлар ва уларнинг жамият тараққиётида, кишилар ўртасидаги бирдамлик, сабр-тоқат фазилатларини такомиллаштиришдаги ўрнини тарғиб қилиш, миллий-тарбиявий дунёқарашни қарор топтириш билан бир қаторда, уларни комил инсон бўлиб шаклланишига хизмат қилади. Бу эса ўз навбатида ёш авлодни маънавий баркамол этиб тарбиялаш усуллари билан бири ҳисобланади.

Умуман олганда, зиёратгоҳлар ва у ерда ўтказиладиган маросимлар жамиятдаги миллий ва диний қарашлар билан бир қаторда кишиларнинг аждодларига бўлган ҳурмат ҳиссини акс эттиради. Муқаддас қадамжолар ва зиёратгоҳларда ташкил этиладиган турли маросимларда ёш авлод вакиллари иштироки миллий анъаналар ва урф-одатларнинг сақланишига олиб келгани ҳолда, уларнинг турмуш тарзига ҳам сингиб боришини таъминлайди.

Юқоридаги концептуал вазифаларни инобатга олган ҳолда биз куйида Жиззах воҳаси муқаддас қадамжолари ва зиёратгоҳлари мисолида замонавий Ўзбекистон ёшларининг зиёратгоҳларга ташрифи, уларнинг зиёратгоҳлар ҳақидаги билимлардан хабардорлиги, зиёрат одобларига нисбатан муносабати каби масалаларнинг таҳлилига

²¹ Абдурасулов А., Абидова З. Хоразмдаги қадамжолар ва зиёратгоҳлар (этнографик лавҳалар). 1-китоб. – Тошкент: Янги нашр, 2016. – Б. 61.

тўхталиб, муқаддас қадамжоларни ёшлар маънавий дунёқараш шаклланишида тутган ўрни долзарб аҳамият касб этишини кўрсатиб беришга ҳаракат қилдик.

Воҳа зиёратгоҳлари бўйлаб ўтказилган дала-этнографик тадқиқотлар жараёни дамаълум бўлдики, зиёратгоҳларга ташриф буюрувчилар орасида ўқувчи ва талаба ёшлар умумийзиёратчилар сонига нисбатан бирмунча озчиликни ташкил қилмоқда.

Ёшлар маънавий ҳаётида зиёратгоҳларнинг тутган ўрнини аниқлаш борасидаги биринчи масала, уларнинг худуддаги маданий мерос объектлари тарихи ва зиёратгоҳларнинг номланиши тўғрисидаги маълумотлардан хабардорлик даражаси билан белгиланади. Ушбу масалада ўтказилган социологик сўровнома натижаларига кўра 68% респондентлар зиёратгоҳлар ҳақида билимга эга бўлмасалар, уларнинг 63% зиёратгоҳлар номини айта олишмади.

Ёшлар орасида воҳада жойлашган маҳаллий зиёратгоҳларнинг номи, тарихи борасида билимларнинг саёзлиги бир қанча омилларга боғлиқ бўлиб, уларнинг асосий сабаби сифатида қуйидагиларни қайд этиш лозим:

- қадамжоларнинг нафақат диний, балки миллий-маънавий маскан эканлиги аҳоли ўртасида етарли даражада тарғиб қилинмаслиги;

- уларнинг шаклланиш тарихи ва топонимикасига доир қарашларнинг яхлит системага солинмаганлиги;

- ташриф буюрувчилар учун зиёратгоҳларнинг ўзига хос функцияси тўғрисида маълумот берувчи тарқатма материаллар мавжуд эмаслиги.

Бу каби муаммоларни бартараф этиш ёшлар орасида таълим ва тарбиявий масалаларни таъминлаш билан бир қаторда, улар ўртасида қуйидаги миллий ўзликни англаш ва ўз ўлкаси тарихига оид билимларини бойитиб, ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш каби ижобий хислатларни қарор топтиради.

Аслини олганда, зиёратгоҳларда бажариладиган урф-одатлар, ўтказиладиган маросимлар маълум бир диний қоидалар асосида юзага келган. Шу нуқтаи назардан ҳар бир ота-она зиёратгоҳлар билан боғлиқ одатлар, анъаналар ва маросимларни ташкил қилишда ёш авлод вакилларига ушбу муқаддас маскан унинг ажодларига қандай боғлиқ эканлиги ва бу ерга келиш мақсадини ҳамда бажариладиган маросимларнинг аҳамиятини, зиёрат вақтида қайси амаллар мумкину, қайсилари тақиққа учрашининг сабабларини диний томондан тушунтириб беришлари лозим бўлади.

Ахборотчиларнинг таъкидлашларига кўра, зиёратгоҳга ташриф буюришдаги энг биринчи қадам бу – ҳар бир кишининг дунёдан ўтиб кетган ажодлари руҳига тиловат қилиш билан бошланади. Аксарият ҳолатларда бу каби этикет маданияти бошқа зиёратчиларни кузатиш орқали шаклланади. Яъни аксарият маросим ва бажариладиган удумлар махсус кўрсатмалар ёки мутахассисларнинг тарғибот ишларидан ташқари зиёратчиларнинг ўзаро ахборот алмашиши ёки бир-бирининг хатти-ҳаракатини кузатиш натижасида кишилар орасида мустақил шаклланади.

Шу ўринда зиёратгоҳлар билан боғлиқ одоб-ахлоқ қоидалари хусусида тўхталиб ўтиш лозим. Халқимизда қадимдан муқаддас саналган масканларни зиёрат қилишнинг ҳам ўзига хос этикети, яъни ахлоқ-одоб нормалари мавжуд бўлиб, уни амалга оширмоқчи бўлган шахс албатта бу нормаларга амал қилиши шарт ҳисобланган. Қабрни зиёрат қилиш вақтида ундан орқасини ўгириб чиқмаслик, унинг ичига қираётганда ўнг оёқ билан қадам босиб, салом бериб кириш ва ўтганлар ҳаққига

бағишлаб дуойи фотиҳа қилиш сингари ахлоқий одатлар туфайли аҳолини қадимдан муқаддас жойларни зиёрат қилишда маълум бир ахлоқ меъёрлари мавжуд бўлган²².

Бу меъёрларга амал қилиш ва улар билан боғлиқ қарашлар ўз навбатида зиёратгоҳлар тўрисидаги ахлоқ кодекслари ишлаб чиқилишига замин яратган. Шунингдек, зиёратгоҳларга келаётган ҳар бир зиёратчи дастлаб ўзининг устки кийим-бошига эътибор берган. Аввало, бу бош кийими билан боғлиқ бўлган. Бош кийимсиз зиёратгоҳга борилмаган. Бу ўринда аёллар учун рўмол, эркаклар учун асосан дўппи бош кийими бўлиб хизмат қилган²³. Бугунги кунда юртимиздаги барча муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳларда бўлгани каби, воҳада ҳам барча зиёрат масканларида “Зиёрат одоблари”га амал қилишлари қатъий белгиланган бўлсада аммо, кузатишларимиз натижасида воҳада зиёрат одобиди келтирилган талаблар бўйича тўлиқ амал қилинмоқда, -деб бўлмайди.

Зиёратгоҳларнинг ёшлар тарбияси ва дунёқараш шаклланишидаги ўрнини белгилаб берувчи навбатдаги масала бу – уларнинг ўлка тарихи ҳамда ҳудуднинг топонимикасини ўзида мужассамлаштирганлигидадир.

Зиёратгоҳларнинг пайдо бўлиши ва ён-атрофдаги қишлоқлар, маҳаллалар номи билан ўзаро уйғунлиги борасидаги билимларни ўрганиш ёшлар орасида ўзлари яшаб турган маскан ҳақидаги қарашлар шаклланишига хизмат қилади. Зеро, баъзи муқаддас жойларнинг номлари қабила ва уруғлар номига яқин туради²⁴. Жумладан, Янгиобод туманидаги Хўжамушкент ота, Чанговул ота, Жиззах туманидаги Парпи ота, Фориш туманидаги Ҳасан ота, Нарвон ота, Ғаллаорол туманидаги Ғўбдин ота, Сайфин ота, Соврук ота, Бахмал туманидаги Новқа ота, Боғимозор ота сингари зиёратгоҳлар номи ўша ердаги қишлоқлар тарихи ва топонимикаси билан чамбарчас боғлиқ бўлса, Зомин туманидаги Миқ қалъаси, Жиззахтуманидаги Қулписар ота зиёратгоҳи, Фориш туманидаги Хонбанди ва Жиззах шаҳри ҳудудига кирувчи Темур дарвоза каби қадамжолар тўғрисида билимларга эга бўлиш бевосита Жиззах воҳаси тарихини мукамал ўрганиш, унинг ўтмиши ва бугунини таққослаш имконини беради. Бу каби ҳолатлар зиёратгоҳлар ёрдамида ёшлар орасида ўзлари яшаб турган маҳалласи ўтмишини тадқиқ қилиш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Воҳада жойлашган зиёратгоҳларнинг айримлари маълум тарихий шахслар ёки уларнинг кўрсатган авлиёлик қароматлари билан боғлиқ ҳолда шаклланганлиги юқорида ҳам қайд этилди. Зиёратгоҳлар билан боғлиқ ҳолда сақланиб қолган маҳаллий аҳоли фаровонлиги, хавфсизлиги ва билимли бўлишлари учун амалга оширган ҳаракатлари (сув чиқариши, касалликни бартараф этиши, офатдан сақлаб қолиши, зиё улашиши, шахсий ҳаётда учрайдиган вазиятларда тўғри йўл кўрсатиш каби хислатлар) кейинчалик уларнинг номини абадийлаштирган. Шу нуқтаи назардан, ёшлар томонидан зиёратгоҳлар билан боғлиқ ривоятларни ўрганиш ва унинг моҳиятини тушуниб етиш, воҳанинг ўтмишидаги географик ҳолати, яшаш учун юзага келган табиий қийинчиликлар ва уларни бартараф этган шахсларнинг қаҳрамонликлари тўғрисида тасаввур ҳосил бўлишига ёрдам беради ҳамда ёш авлодни миллий ғурур ва миллий тарбия асосида камол топишига хизмат қилади.

²² Мирзо Аҳмад Хушназар. Қабристон зиёрати одоби. –Тошкент: “Мовароуннахр”, 2005.–Б.9.

²³ Ўша манба.– Б.10.

²⁴ Губаева С.С. Этнической состав населения Ферганы в конце XIX–начале XX в. –Ташкент: Фан, 1983.– С. 27.

Яна шуни ҳам таъкидлаш жоизки, зиёратгоҳлар воситасида ёшларга таълим-тарбия беришдан кўзланган мақсад, аваламбор, улар онгига миллий кадриятларни сингдириш, миллий ўзликни англаш, ватанпарварлик ҳиссини қарор топтириш билан бир қаторда, уларни турли ёмон иллатлардан узоқ юришга инсофли, диёнатли бўлишга, ўзидан фақат яхшилик қолдириш сингари хайрли ишларга ундашдир. Дарсларда ва дарсдан ташқари тадбирларда ёшларга миллий тарбия, одоб-ахлоқ тизими, ўзаро дўстона муносабатлар, қариндошлик ришталари, ота-она ва фарзандларининг ҳақ-ҳуқуқлари, меҳр-оқибат, ҳалоллик, ваъдаги вафо, тўғри сўзлик, адолат сингари инсоний кадриятлар сингдириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Зеро, зиёратгоҳлар билан боғлиқ халқона қарашларда азалдан инсонларни пок, озода бўлишга ундаб келинганлиги бежиз эмас.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ЁШ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШДА ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТНИНГ ТАРБИЯВИЙ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА

*Соатов Э.М. ўқитувчи
Ўзбекистон МУ
Юсунбаева А.С. ўқитувчи
Чирчиқ ДПИ*

***Аннотация:** Ушбу мақолада жисмоний тарбия ва спорт ёш авлодларни тарбиялашда, соғломлаштирадиган самарали восита эканлиги, халқўйинлари эса уларни катта спортга тайёрлашда катта кўмакчи ҳисобланади. Мактабларда, ўқув юртларида жисмоний тарбия ва спорт, халқ ўйинлари тарғиботини кучайтириши кераклиги ҳақида фикр юритилади.*

Мамлакатимизда ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўғил-қизларнинг замонавий билим олиши, юксак маънавийли бўлиб улғайиши учун зарур шароит яратиш борасидаги ишлар изчил давом эттирилмоқда.

Ёшларни юксак ҳис-туйғуларга эга, баркамол шахс сифатида тарбиялаш йўлида, ўтмишдан бизга насиб этган инсон тафаккурининг дурдоналарини, яъни улуг мутафаккирларимизнинг илғор фикрларини ўрганиш — муҳим аҳамиятга эга бўлган замон талабидир. Чунки уларнинг илм-маърифат ва таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари, баркамоллик сари йўналтирувчи ғоялари бугунги умумбашар тараққиёт учун, ёшларнинг ҳамма нарсига қизиқувчан, изланувчан идроклари учун сайқалдек бебаҳо хазинадир. Ана шу хазинадаги энг сара жавоҳирлари - бешак Шарқнинг бутун оламга донғи таралган олим-уламолари, фозилу-фузалолари десак янглишмаган бўламиз. Ана шу хазинадан фойдаланмаслик, уни ўрганмаслик ва дарсликларда етарлича ёритмаслик катта гуноҳ бўлса ажаб эмас.

Форобий меҳнат, эстетик, жисмоний, гуманистик ва ахлоқий тарбиянинг ўзаро бирлигини ҳисобга олиб, фақат шу асосда олий бахтга эришиш мумкинлигини қайд этди.

Таълим-тарбия соҳаси – барча соҳалар тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Таълим-тарбия жараёнининг барча босқичларини қамраб олувчи узлуксиз таълим-

тарбия тизими ва уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳар томонлама етук, баркамол авлодни тарбиялаш учун барча шарт-шароитларни яратади.

Форобий таълимотига кўра, тарбияловчи ва тарбияланувчи жисмонан бақувват бўлиши лозим, яъни жисмоний тарбия шахснинг гармоник ривожланишида энг муҳим омиллардан биридир. "Инсон танасининг камолоти - бу соғлиқдир. Соғлиқни сақламоқ, у бўлмаган тақдирда жисмоний тарбия ёрдамида тикламоқ лозим".

Форобий айтишича, жасурлик – бу яхши ахлоқий сифатдир ва у ўртача дадиллик ҳисобига эришилади. Аммо, шу билан бирга, ушбу ишларда ортиқча дадиллик бемулоҳазаликка, етишмаслиги эса – кўрқоқликка олиб келади, бу эса ёмон ахлоқий сифатдир.

Ибн Сино ўзининг машҳур “Тиб қонунлари” асарида риёзат таълимотига оид барча назорат ва амалий билимларни қамраб олган мукамал ва оригинал бадантарбия тизимини яратди. Аллома бадантарбия ҳақида фикр юритар экан, бу борада ҳар бир масалани кенг, чуқур қараб чиқади ва муаммоларни кучли мантиқ, ҳаётий омиллар замирида ечиб беради. Шубоис унинг маънавий дурдоналари йиллар бўронига дош бериб яшайди, ҳамда инсониятга абадул абад хизмат қилади. Инсоннинг маънавий етук, жисмонан баркамол бўлиши учун курашган ва бу йўлда бутунумрини тиккан олим ўз асарларида бадантарбиянинг саломатлик учун аҳамияти буюклигининазарий ва амалий жиҳатдан исботлаб берди. Бадантарбия билан мунтазам шуғулланган одам табиб муолажасига эҳтиёж сезмаслигини уқтиради.

"Соғлиқни сақлашнинг асосий тадбири бадантарбия бўлиб, кейин овқат тадбири ва уйқу тадбири. Мўътадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия билан шуғулланувчи одам бузилган хилтлар туфайли келган касалликларнинг ва мижоз ҳамда илгари ўтган хасталиклар туфайли келувчи касалликларнинг давосига муҳтож бўлмайди"-деган эди буюк аллома.

Бадантарбия ўзгатадбирлар, ҳаракат йўналиши, ҳажми, суръатини ошириш билан бажарилганда, унинг таъсир кучи бир неча баравар ошишини у шундай изоҳлайди: "Бадантарбияўзга тадбирлар билан бирга тўғри ишлатилганда тўлдирувчи нарсалар тўпланишининг олдиниолувчи кучли омиллардан бўлиб, шу билан бирга туғма иссиқликни оширади, танага енгиллик беради. Чунки, булар енгилгина иссиқлик пайдо қилиб, кунда тўпланувчи чиқиндиларни йўқотади. Ҳаракат чиқиндиларнинг чиқариш йўлларига томон ҳаракатини ва сирғанишини ҳам осонлаштириб, вақт ўтиши билан тўпланишининг олдини олади...".

Олим инсонда пайдо бўлувчи ижобий ва салбий ҳиссиётларнинг физиологик намоён бўлиши ва таъсирини ҳам очиб берган. Ибн Сино “Тиббий дoston”ида жуда кўплаб тиббий ўғитлари ичида, 6 та нарсани барча инсонлар саломатлиги учун зарурий нарсалар деб кўрсатган. Буларга:

Биринчиси – макон ва об-ҳаво;

Иккинчиси – ейиш ва ичиш;

Учинчиси – уйқу ва уйғоқлик;

Тўртинчиси – жисмоний ҳаракат қилиш ва қилмаслик;

Бешинчиси – бўшаниш ва бўшанмаслик;

Олтинчиси – нафсоний кайфиятлар кириши олим томонидан таъкидланади.

Беруний ҳам ўз асарларида халқ ўйинлари, бадантарбия, турли спорт тадбирларига доир маълумотлар берган. У “Хиндистон” асарининг 48-бобида шоҳмот ҳақида шундай ёзади: “Юнонлар шатранж - шоҳмотни уруш араваси”,- деб атайдилар.

Улар шоҳмотни дастлаб Афина шаҳрида Манколус ижод қилди, дейдилар. Ваҳоланки, у бундан анча илгари Мисрда ижод қилинган эди. Лекин бу шоҳмот икки от билан юрар эди. Шундай бўлса ҳам афиналиклар, уни биз тузиб, шуҳолга келтирган эдик, дейдилар".

Берунийнинг ўзи моҳир шоҳмотчи бўлган. М.Қориевнинг "Ибн Сино" тарихий романида бу ҳақда асосли маълумот бор: Беруний кема хизматчисига шатранж келтиришни имо билан тушунтирди. Ҳаммор билан Беруний шатранжўйнашга жуда ишқибоз эдилар, улар икковлон берилиб ўйинга тушиб кетса борми, бутун оламни унутишарди".

Беруний таълимотидан биз танлаган мавзу учун қуйидагича хулоса чиқариш мумкин:

- илм толибига жисмоний тарбия ҳаммадан кўра зарур;
- кундалик бадантарбия, машқ, жисмоний меҳнатсиз илмда юксак чўққига кўтарилиш мумкин эмас. Томирда қон равон оқмаса, бўғин ва мушаклар ҳаракатланиб турмаса, илмда ярим йўлда қолиб кетиши мумкин;
- жисмоний тарбия ва спорт ҳаммага ярим умр демакдир.

Беруний сўнги авлодларга катта илмий мерос қолдирди. Берунийнинг ўз даври илм-фаннинг турли соҳаларига оид 160 дан ортиқ таржималари, турли ҳажмдаги асарлари, ёзишмалари қолганлиги бизга маълум.

Жисмоний машқлар ва миллий спорт турларини қўлланишда машҳур саркарда ва давлатарбоби Амир Темур фаолияти умумбашарий таҳсинга лойиқдир.

Амир Темур умри давомида турли мамлакатларга ўттиз маротабадан зиёд қўшин тортиб борган ва жанглар қилган. Бужанглар натижасида у Қора Эгей ва Ўртаер денгизидан то Ҳиндистоннинг шарқи, Мўғулистон ва Хитойгача, Ҳинд океанидан то Ўрол тоғлари, Москва остоналари ва Днепр бўйларигача бўлган ҳудудларни забт этди ва буюк салтанат барпо қилди. Юкорида қайд қилинган жангу-жадаллар, ҳарбий юришлар афсонавий жисмоний салоҳиятни, куч-қудрат, баҳодирлик, ақли зукколикни тақозо этарди, Амир Темур ана шундай сиймо эди. Темурнинг бунчалик шон-шуҳрат қозонишининг сири моҳир саркардалиги, одил ва зукколик билан иш юритишлиги, донишмандлиги билан бирга ёшлиқдан кураш, чавандозлик, найзабозлик, қалқонбозлик, қиличбозлик ҳамда ов қилиш илмини мукамал эгаллаганлигидадир. А.Темур халқ ўйинлари ва спорт турлари ривожланишига катта ҳисса қўшган буюк саркарда ва давлат арбобидир.

Давлатимиз раҳбари ёшларни чиниқтиришнинг синалган усули - спорт ва халқ ўйинлари эканлигини қайта-қайта уқтирмоқда. Чиндан ҳам, ёшлар тарбияси мураккаб соҳа, давр шиддати ёшлар зиммасига оғир вазифалар, қийин муаммоларни қўймоқда. Ҳаёт-кураш демакдир, соғлом киши курашда енгилмайди. Спорт ёшларни соғломлаштирадиган самарали воситадир. Халқўйинлари эса уларни катта спортга тайёрлайди.

Мактабларда, ўқув юртларида спорт ва халқ ўйинлари тарғиботини кучайтириш, таълимий жараёни "Соғ танда – соғломақл" шиори остида ўтказиш педагог ва мураббийларнинг амалий ишига айланиши муҳимдир. Бобокалонимиз Амир Темур ўғитларини бугунги давр ёшлари билан узвий боғлиқ ҳолда бажаришга кенг киришилса, наслар соғломлашувига муносиб улуш қўшган бўламыз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Миллий мафкура-мамлакат келажаги пойдевори “Маърифат” газетаси 8 апрел 2000.
2. Иброхимов Ў. Мард қолур майдон ичинда, “Фан” нашриёти, Тошкент, 2000
3. Иброхимов Ў. Спорт психологияси, “Янги аср авлоди” нашриёти, Тошкент, 2004
4. Хайруллаев М. М. Форобий ва унинг фалсафий рисолалари. 101- б

BOSHLANG'ICH SINFLARDA TA'LIM SIFATINI OSHIRISH

***Баринов Ж. А. уқитувчи.
Сайхунобод туман***

***Аннотация:** Эта статья посвящена вопросам образования. Актуальность темы для сегодняшнего дня важна. Таким образом, некоторые методологические игры, связанные с образованием, также рассматриваются.*

***Annotation:** This article focuses on educational issues. The relevance of the topic to the present day is important. Therefore, some methodological games related to education are also covered.*

“Ishning omadi – o‘z vaqti” Abay Qo‘nonboyev

Ishlab chiqarishning bir bo‘lagi bo‘lmish ta‘lim sohasi ham bugungi kundagi o‘ziga xos yondoshuvlarni ta‘lab etayotgan turli texnologiyalarni qo‘llash bilan belgilanmoqda. Bu fikrlar nechog‘lik to‘g‘ri ekanligi ta‘lim samarasining oshib borayotganligida sezilmoqda. Biroq hamma vaqt ham bunday holatga guvoh bo‘layotganimiz yo‘q. Ta‘lim sohasidagi har bir hodim o‘z ustida ish olib borar ekan davlat qo‘yayotgan talablarni bajarishga majburdir. Binobarin, ta‘lim tizimida har xillik o‘z natijasini bermaydi. O‘ziga ishongan ta‘lim xodimi turli metodlarni mohirona qo‘llab shunday darslarni qoyilmaqom qilib o‘tib qo‘yayotganligi ham aslida bor gap. Bu holatdan bitta haqiqatni ochish mumkinki, har qanday pedagog ham dars o‘tishi mumkin, biroq darsda metodikani qoyilmaqom qilib ifoda etishi amrimahol. Darhaqiqat, bugungi ta‘lim ana shunday bilimli, ijodkor, mehribon va samimiy ustozlarni “o‘z davrasi”ga chorlamoqda. Ta‘lim tizimiga oid hujjatlarda aks ettirilayotgan turli tavsiyalar va usullar deyarli har kuni qulog‘imizga chalinib turadi. Shunday ekan nomlari juda tanish bo‘lib ketgan turli metodlarning bugungi kundagi ahamiyati va roli qay ahvolda ekanligi hammani e‘tiborida. Shuni alohida ta‘kidlab o‘tish lozimki, har bir metodni o‘z roli va funksiyasi bor, biroq bulardan har birimiz qay darajada foydalanmoqdamiz? Ularni asl madsadida ishlatayapmizmi, aniqroq qilib aytganda ularni qoidasi bo‘yicha bosqichma –bosqich ishlata olayapmizmi? Yoki har bir o‘qituvchi o‘z imkoniyat darajasida ishlatayapdimi?

Har bir metod nimaga qaratilganligini bilib olish va uni shu yo‘nalishdagina ishlatishda moslashtirish tog‘ri bo‘ladi. O‘qituvchi dars jarayonida o‘z metodini tanlab oladi va shu usulda darsni qiziqroq o‘tilishini ta‘minlaydi. Shu o‘rinda ona tili va adabiyot fani o‘qituvchilarining ham yangilikka juda intiluvchanligi ta‘lim samaradorligini oshirish borasida yaqqol sezilmoqda.

Bugungi kun pedagogikasi pedagoglarning malakasidan, mahoratidan tashqari ta‘lim oluvchilarning talablarini ham hisobgaoladi. Demak, kecha biz uchun qiziq tuyulgan yangi metod bugun o‘z samarasini bermasligi mumkin. Darhaqiqat, bizningo‘zimiz ham yangiliklargadoimehtiyojsezganmiz.

HA-YO'QMETODIK O'YINI. O'yinning asosiy sharti javob beruvchi o'quvchi tezlikda ha yoki yo'q tarzida javob berishi lozim. Bunda o'qituvchi (yoki o'quvchi) tomonidan oldindan tayyorlab qo'yilgan savollar ketma-ket o'qiladi yoki aytiladi. Savollar og'zaki tartibda bo'lishi, savol berish bir necha o'quvchi tomonidan amalga oshirilishi ham mumkin.

Takrorlash darslarini o'tayotgan mahalda savollar tuzish bir oz yengil bo'lib bir necha mavzulardan tuzilishi ham mumkin. Bunda qiyinchilik javob berayotgan o'quvchiga tushadi. Lekin savol-javoblar tezkor bo'lgani uchun savollarni osonroq tuzish maqsadga muvofiqdir.

Bu o'yinda 2 kishi (ikki o'quvchi yoki o'qituvchi va o'quvchi) ishtirokida amalga oshiriladi. Javoblarning so'roqlari -mi so'roq yuklamasi yordamida tuziladi. O'yin asosan dialog tarzida o'tadi. Shuning uchun o'yin harchand qiziq bo'lsada (ayniqsa, liderlar uchun) dars jarayonida tez-tez faqat qisqa vaqt ichida o'tkazilishi taklif etiladi.

1. Otlarikkigabo'linadimi? -ha
2. 5 ta kelishik qo'shimchasi bormi?– ha
3. –na qaratqish kelishigi qo'shimchasimi? –yo'q
4. Egalik qo'shimchasi otlarga xos xususiyatmi? –ha
5. –chi shaxs otni yasamaydimi? –yo'q.
6. Qayer so'rog'i otlarga xosmi? – ha....

BILAG'ON METODIK O'YINI. O'quvchiga topshiriq sifatida bitta so'z beriladi. Shu so'z orqali qolgan so'zlar vujudga keladi. Demak, oldindan tanlangan so'z oddiyroq va qisqaroq bo'lgani maqsadga muvofiqdir.

Masalan: KUT so'zi

Kut so'zining har bir harfiga yangi so'z topilishi lozim va topilgan so'zlarning har bir harfiga ham yangi so'z topilishi lozim.

Undan so'ng topilgan so'zlardan matn yaratish topshiriladi. Turli so'zlarni bir-biriga bog'lab matn tuzish san'atlarini ham sinab ko'rish mumkin.

Hozir olis tog'lar orasida nima qilayotganimni aytsam bo'lsa kerak. Kecha kongra borib uzun narvonni o'raga qo'yib nihoyat chiqayotganimda zumrad uzugimni tonna-tonna toshlar o'rasiga tushirib yubordim. Rosa alam qildi. Bildimki, kutish kerak. Shunda zinadan bir ulug' inson chiqib kelib mening alamli yuzimga tikilib uzuk tutqazdi. Men esa hayratdan yoqa ushlab qolibman. Shu asnoda uyg'onib ketdim...

TUG'ILGAN KUNGA SOVG'A METODIK O'YINI. O'yin savol – javob tariqasida o'tkaziladi. Tug'ilgan kunini nishonlayotgan o'quvchiga guruh o'quvchilaridan sovg'a tayyorlash maqsadida gullar dastasi tayyorlash kerak bo'ladi. Bunda guruh a'zolari berilgan savollarga javob bersagina gul taqdim qilinadi. Gullarni chiroyli tarzda buket qilish bir o'quvchiga tayinlanadi. Savollarga berilgan javoblardan yutib olingan gullar dastasi tug'ilgan kun egasiga taqdim qilinadi.

Bu o'yinda chiroyli buket tayyorlansa tug'ilgan kun egasi juda hursand bo'ladi.

1. Navoiy qayerda tug'ilgan?
2. Qanaqa asarlarini bilasiz?
3. "Hamsa" dostonlarini sanab bering.
4. "Haytar-ul abror" dostonida nima haqida fikr yuritilgan?
5. Navoiyning taxalluslarini bilasizmi?
6. Alisher Navoiy haqidagi qanday kitoblarni bilasiz va ularni o'qiganmisiz?
7. Navoiy haqidagi kinofilmlarni ko'rganmisiz?

Bu metodik o'yinlardan shunday xulosa kelib chiqadiki, dars jarayonida qo'llaniladigan har bir metodik qism darsga o'zgacha ma'no baxsh etadi. Ayniqsa, bugungi o'yinqoroq yoshlarni tarbiyalashda va ularga ta'lim berishda o'z samarasini beradi.

TA'LIM-TARBIYA JARAYONIDA BOBUR ASARLARIDAN FOYDALANISHDA MICROSOFT POWER POINT DASTURINING AHAMIYATI

*Ergashev J- o'qituvchi
Jizzax DPI akademik litseyi*

Аннотация. В данной статье идёт речь о том что при использовании произведения учёных Востока в процессе образования в том числе значение и эффективные результаты программы Microsoft Power Point при использовании произведений Бабур.

Annotation. In the article the importance and positive results of Microsoft Power Point application in education system is discussed while using the works of Eastern scientists such as Babur.

O'zbek xalqi uzoq asrlik tarixiy taraqqiyotida milliy xususiyati, an'analari va orzularini mujassamlashtirgan boy ma'naviy madaniyatini yaratdi. Buyaratilgan madaniy boyliklar yoshlar tarbiyasida muhim omil bo'lib xizmat qiladi. Buyuk sharq mutafakkirlari-shoir va adiblarning bola tarbiyasi xususidagi fikrlari, ko'pchilikka ibrat bo'lguvchi hayot yo'llari va yozib qoldirgan bebaho, nodir asarlari qimmatli manba vazifasini bajaradi. Jumladan, Al-Xorazmiy, Abu Ali ibn Sino, Abu Rayhon Beruniy, Yusuf Xos Hojib, Mahmud Koshg'ariy, Atoiy, Lutfiy, Alisher Navoiy, Zahiriddin Muhammad Bobur va boshqa ko'plab allomalar o'z asarlari orqali asrlar osha insonlar qalbidan chuqur o'rin egallab ma'naviy barkamollik sari undagan inson sifatida ilm-fan taraqqiyotiga kata hissa qo'shganlar.

IX-X asrlarda Forobiy taxallusi bilan yashab ijod etgan Abu Nasr Muhammad ibn Muhammad ibn Uslug' Tarxon bilish jarayoni ikki bosqich-aqliy bilish va hissiy bilishdan iborat bo'lib, ular o'zaro bog'liq va biri boshqasisiz vujudga kelmasligini alohida ta'kidlaydi. Bilishning mazkur bosqichlari axborotsiz shakllanmaydi va demak, axborot bilishning asosini tashkil etuvchi element hisoblanadi[1].

Hukumatimiz tomonidan ta'lim-tarbiya sohasiga, yoshlarning intellektual salohiyati, mustaqil va ijodiy fikrlash qobiliyatlari, olgan bilimlarini amaliyotda qo'llay olishlari, bilim, ko'nikma va malaka hosil qilishlariga kata e'tibor berilmoqda. Ushbu omillarni amalga oshirish uchun o'quv-tarbiya jarayonining hamma imkoniyatlari, innovatsion-pedagogik texnologiya va axborot kommunikatsiyalaridan unumli foydalanish zarurati ta'lim siyosatida alohida ahamiyat kasb etadi. Xususan, davlat arbobi, shoh va shoir Zahiriddin Muhammad Bobur ijodini o'rganishda axborot-kommunikatsion texnologiyalarining o'rni beqiyos. Nima uchun aynan buyuk bobokalonimiz Boburhayotini information texnologiyalar yordamida o'rganish samaraliroq deb hisoblaymiz? Davlat arbobi Zahiriddin Muhammad Bobur barchaga o'rnak bo'la oladigan serqirra ijodkordir. Shuningdek, u o'z hayot tegirmonida turli-tuman sarguzashtlar va qiyinchiliklarni boshdan o'tkazgan hamda ushbu voqealarni o'z asarlarida mohironalik bilan yoritib bergan. Aynan Bobur kabi buyuk mutafakkirlarimizning hayoti va ijodini o'rganishga oid mavzular bizga innovatsion-pedagogik texnologiyalardan foydalanish uchun juda qo'l keladi.

Ta'kidlab o'tish joizki, axborot texnologiyalarining o'rni deganda ta'lim jarayonida talabning ongiga mavzuga oid ma'lumotlarni yetkazishda yordam beruvchi dasturlar tushuniladi. Jumladan, Microsoft Word (matn ko'rinishida), Microsoft Excel (jadvallar ko'rinishida), Microsoft Power Point (taqdimotlar ko'rinishida) kabi dasturlarni misol qilib keltirish mumkin. Yuqoridagilardan shoir Boburning hayoti va asarlariga oid ma'lumotlarni o'rganishda Power Point dasturi orqali talabalarga yoritib berish samarali hisoblanadi. Power Point dasturida ma'lumotlar slayd, ya'ni taqdimotlar ko'rinishida bo'ladi va har bir slayd prezentatsiyaning ma'lum kadri hisoblanadi. Slaydga ma'lumotlarni turli xil ko'rinishda joylashtirish mumkin: matnlar, suratlar, turli grafikdagi shakllar va diagrammalar. Prezentatsiya qanchalik turli grafikalar bilan taqdim etilsa, shunchalik ajoyib chiqadi. Bundan tashqari, taqdimotning samarali o'tishi taqdim etuvchining mahoratiga va nutq madaniyatiga ham bog'liq.

Boburning hayot yo'li va ijodini yoritib berishda Power Point dasturini ishga tushirishni bosqichma-bosqich bajaramiz. Avvalo, monitor ish stolining chap tomonida turgan "Пуск" menyusiga sichqoncha tugmasi bosiladi va "Программы" bandi tanlanadi. So'ngra Microsoft Power Point nomli qismiga kiriladi va dastur oynasi ekranda namoyon bo'ladi. Ekranda "Заголовок слайда" yozuvi chiqadi va o'sha yerga belgilangan holatda mavzuga oid ma'lumotlarni joylashtiramiz[2]:

Boburning lirik merosi:

- 120 g'azal
- 210 ruboiy
- 10 dan ortiq tuyuq, qit'a, fard
- 150 dan ortiq muammo

Zahiriddin Muhammad Bobur

Reja:

- **1. Kirish**
- **2. Bobur ijodining o'rganilishi.**
- **3. Boburning hayoti va ijodi.**
- **4. Boburning lirik merosi.**
- **5. Xulosa.**

Bobur lirikasining asosiy mavzulari:

- Hayotga muhabbat va xushnudlik
- Ilohiy va zaminiy ishq, vatan sevgisi
- Hijron va g'urbat azobi
- Xushxulqlik va ma'rifatga da'vat.

Ushbu jarayonlar yakunlangandan so'ng talabalarining barchasiga qulayko'rinishi uchun kompyuterni proyektrga ulash orqali kattalashtirilgan fonda namoyish qilinadi.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. В. Boltayev va boshqalar. Informatika va axborot texnologiyalari. T., 2017.

2. www.slideserve.com

ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ЁРДАМЧИ МАКТАБ ЗАМОНАВИЙ ЎҚИШ ДАРСЛАРИНИ ЎТКАЗИШ ЖАРАЁНИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЖОДИЙ МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

ХАМРАЕВА И.С-докторант

Тошкент ДПУ

Аннотация

В этой статье подчеркивается важность использования жизненного и творческого наследия одного из наших восточных мыслителей Абу Насра Фарабе в организации современных уроков чтения для специализированной вспомогательной школы. Творческое наследие Фарабе, известного среднеазиатского философа и энциклопедиста, внесло большой вклад не только в восточную культуру, но и в мировую культуру.

Annotation

This article emphasizes the importance of using the life and creative heritage of one of our Eastern thinkers, Abu Nasra Farabe, in organizing modern reading lessons for a specialized auxiliary school. The creative heritage of Farabe, a well-known Central Asian philosopher and encyclopedist, made a great contribution not only to oriental culture, but also to world culture.

Бизнинг қадимий ва гўзал диёримиз нафақат Шарқ, балки жаҳон цивилизацияси бешиқларидан бири бўлганини халқаро жамоатчилик тан олмоқда ва эътироф этмоқда. Бу табарруқ замандан не-не буюқ зотлар, олиму уламолар, сиёсатчи ва саркардалар етишиб чиққани, умумбашарий цивилизация ва маданиятнинг узвий қисмига айланиб кетган дунёвий ва диний илмларнинг, айниқса, ислом дини билан боғлиқ билимларнинг тарихан энг юқори босқичга кўтарилишида она юртимизда туғилиб камолга етган улуғ алломаларнинг хизматлари беқиёс экани бизга улкан ғурур ва ифтихор бағишлайди.²⁵ Шу нуқтаи назардан Президентимиз Ш.М.Мирзиёев жорий йилнинг январь ойида бўлиб ўтган Олий Мажлис аъзоларига аънавий мурожаатномаларида қуйидаги фикрларни алоҳида таъкидладилар:²⁶ "... биз Ўзбекистонни ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз. **Шарқ донишмандлари айтганидек, "Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!"** Шу сабабли ҳаммамиз учун замонавий билимларни ўзлаштириш, чинакам маърифат ва юксак маданият эгаси бўлиш узлуксиз ҳаётини эҳтиёжга айланиши лозим.

Хусусан, Она Ватанимизда аждодларимиз бундан бир неча асрлар аввал ҳозирги замонавий илм-фаннинг илк пойдеворини қўйган ва ривожлантирган. Алломаларимиз қомусий олимлар бўлиб, улар бир вақтнинг ўзида математика, астрономия, геодезия, география, тарих, арифметика, фармакология, тиббиёт, фалсафа ва тилшунослик

²⁵Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. Т.: Маънавият, 2008. 18-бет.

²⁶Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис аъзоларига аънавий Мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил, 15:38.

илмлари билан ҳам шуғулланганлар. Айни жиҳат Фарбда “Нур Шарқдан таралади” деган ибора пайдо бўлишига сабаб бўлган.²⁷

Мутафаккирларимизнинг илмий изланишлари самараси ўлароқ, илм-фанда кескин ўзгаришлар бўлди. Айниқса, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Ал-Ҳаким ат Термизий, Абу Наср ибн Ироқ, Абу Мансур Қумрий, Абу Саҳл Масиҳий, Абу Али ибн Сино, Юсуф Хос Ҳожиб, Исмоил Журжоний, Юсуф Ҳиравий, Абу Абдуллоҳ Жайхоний, Алишер Навоий, Мирзо Улуғбек, Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби алломаларнинг асарлари бебаҳо илмий дурдоналар сифатида, жаҳон илмига беқиёс ҳисса бўлиб, бу илм-фан тараққий этган даврни Шарқ уйғониш даври сифатида дунё илмий жамоатчилиги томонидан ҳақли равишда тан олинган. Чунки Шарқ, хусусан, Ўрта Осиё минтақаси ўрта асрларда илмий-маданий юксалишнинг маркази ҳисобланиб, бошқа минтақаларидаги ренессанс жараёнларига ижобий таъсир кўрсатганлигини жаҳон илми аҳли томонидан эътироф этилган.²⁸

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросини, маданиятини, урф – одатларини, одоб – ахлоқи ва маърифатини бола ўрганиши учун руҳан, ақлан ва жисмонан соғлом бўлиши лозим. Маълумки, нутқида, ақлий ривожланишида ва бошқа муҳим соҳаларида камчилиги бўлган болаларда ҳаётий тажриба, мулоқот тажрибаси кам бўлади. Булар орасида ақлий ривожланишида камчилиги бўлган болаларга бугунги кун талаби даражасида таълим-тарбия олишлари учун замонавий шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Ақлий ривожланишида камчиликлари бўлган болаларнинг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда таълим-тарбия жараёнида умумдидактик тамойиллар ва методлардан ташқари коррекцион ёндашувлар ҳам амалга оширилади. Ихтисослаштирилган ёрдамчи мактабда она тили, математика, нутқ ўстириш, табиатшунослик, жисмоний тарбия каби фанлар қаторида ўқиш фани ҳам энг муҳим фанлардан бўлиб, ўқувчиларнинг мустақил ижтимоий ҳаётда муносиб ўринларини топишда, ҳаётий кўникма ва тажрибаларни эгаллашларида катта аҳамиятга эга. Бундан ташқари, буюк аждодлар ижодий меросини теран нигоҳ ила ўқиб ўрганган кишининг маънавий олами бой, тафаккури шунга яраша бўлади.

Ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлари учун “Ўқиш” (1-10-синфлар) фанидан ўқув дастури, “Ўқиш китоби”нинг 2-10-синфлари учун дарсликларини таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, шарқ мутафаккир алломаларимиздан Абу Наср Форобий, Муҳаммад ибн Мусо ал-Хоразмий, Аҳмад ал-Фарғоний, Юсуф Хос Ҳожиб ва уларнинг ижодий мероси ҳақида деярли маълумотлар берилмаганлигига гувоҳ бўлдик. Ўқиш дарсларида Шарқ алломаларимизнинг маънавий меросини, ижодини ўрганишда нафақат уларнинг босиб ўтган ҳаёт йўллари, балки уларнинг биз авлодларга қолдирган асарларини ҳам катта қизиқиш ва иштиёқ билан ўргатиш муҳимдир. Нафақат Шарқ маданиятига балки, жаҳон маданиятига катта ҳисса қўшган Марказий Осиёлик машҳур файласуф, комусий олим Форобийнинг ижодий мероси, ўрта асрнинг бир қанча илмий ютуқлари, умуман Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тараққийпарвар ижтимоий-фалсафий тафаккур ривожини унинг номи билан боғлиқдир.

²⁷<http://eco.uz/uz/kutubkhona/fojdali-adabijotlar/988-buyuk-allomalar-ilmij-merosi-millij-mafkura-va-ekologik-ma-naviyat>.

²⁸<http://eco.uz/uz/kutubkhona/fojdali-adabijotlar/988-buyuk-allomalar-ilmij-merosi-millij-mafkura-va-ekologik-ma-naviyat>.

Фаробийнинг катта хизматларидан бири унинг идеал жамият ҳақидаги уйлари ва бу ҳақда ёзган асарларидир. Унинг “Фозил одамлар шаҳри ҳақида китоб”, “Сиёсат алмадания” (Шаҳарлар устида сиёсат юргизиш) ва бошқа асарлари бўлган. Буларда Фаробий олийжаноб жамият, адолатли тузум, одил ҳукмдорлар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилган. Ана шу асарнинг икки нусхаси Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти китоб жамғармасида сақланмоқда. Айниқса, унинг минг йилдан олдинроқ ёзилган “Фозил одамлар шаҳри” асари бугунги кунда болалар тарбиясига ҳам аҳамиятлидир.

Абу Наср Фаробийнинг “Фозил одамлар шаҳри”²⁹ асарининг мазмуни фозиллар шаҳри ҳокимининг фазилатлари ҳақида бўлиб, у табиатан ўн иккита ҳислат-фазилатни ўзида бирлаштирган бўлиши зарур. Фозиллар шаҳри ҳокими аввало тўрт мучали соғ-саломат бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришида бирор аъзосидаги нуқсонни ҳалал бермаслиги. Аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим адолатга чақирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Шу барча ҳислатларнинг бир одамда жамланиши амри маҳол, зеро бундай туғма фазилатлар соҳиби бўлган одамлар жуда кам учрайди ва улар нодир инсонлардир. Шу билан биргаликда Фаробий бу асарида фозил одамлар шаҳрида шаҳар ҳокимининг 70 дан ортиқ фазилатларини санаб ўтган.

Абу Наср Фаробий шаҳарни ижтимоий уюштиришнинг етук шакли, инсоният камолотга эришишининг зарурий воситаси, деб ҳисоблайди. Барча инсонларни ўзаро ҳамкорликка, халқларни тинчликка чақиради, дунёда ягона инсон жамоасини тузиш ҳақида орзу қилади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий ўқиш дарсларини ташкил қилиш жараёнида Фаробий ижодий мероси эртақнамо, ҳикоянамо, ривоятнамо тарзда берилса, ақли заиф ўқувчилар юқорида айтиб ўтилган фикрлар: касб-ҳунар, иш-тажриба, шижоат ва ғайратга эга бўладилар ва шуларни ўз вужудларида сингдирганларидан сўнг уларни аста-секин эгаллай борадилар ҳамда юқорида айтиб ўтилган фазилатларни аниқлаб бориб, назарий билимларнинг ҳаммасида мантиқий фикрлаш йулини ишлатишга одатланадилар. Шу тартибда болаларга ўргатиш йўли билан улар камолга етгунича ана шу фазилатлар аниқланади ва тарбия қилиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис аъзоларига анъанавий мурожаатномаси. 24 январь 2020 йил.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Янги аср авлоди. 2016. 320-б.
3. Ақли заиф болалар учун ихтисослаштирилган мактаб, мактаб-интернатлари учун “Ўқиш” (1-10-синфлар) фанидан ўқув дастури
4. <http://eco.uz/uz/kutubkhona/fojdali-adabijotlar/988-buyuk-allomalar-ilmij-merosi-millij-mafkura-va-ekologik-ma-naviyat>.

²⁹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. Т.: Янги аср авлоди. 2016. 320-б.

ФАРОБИЙ АСАРЛАРИДА ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ЖАРАЁНИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Бекмухамедова Б. У, -тадқиқотчи
Обилов М. Р-тадқиқотчи
Худайбердиев С. З.-тадқиқотчи
Гулистон ДУ*

Аннотация

В данной научной статье освещаются взгляды Фороби, одного из наших великих ученых по воспитанию гармоничной личности, и делаются соответствующие выводы.

Annotation

This scientific article highlights the views of Forobi, one of our great scientists on the education of a harmonious personality, and makes the appropriate conclusions.

Буюк ипак йўли чоррахасида жойлашган бугунги Ўзбекистон ҳудудида турли даврларда ўзига хос цивилизациялар вужудга келган. Ушбу ўлка фан ва маданият маркази сифатида бутун дунёга донг таратган, у ерда ҳайратомуз гўзалликка эга шаҳарлар барпо этилган, буюк шоирлар ва алломалар яшаб ижод қилган. Буюк илмий кашфиётлар, адабиёт ва санъат, халқ оғзаки ижодининг ўлмас обидалари шу масканда яратилган. Бу ноёб миллий, тарихий-маданий мерос, ҳақли равишда бутун исоният хазинаси бўлиб, айни пайтда халқимизнинг жаҳон цивилизациясига қўшган улкан ҳиссасидан далолат беради.

X-XII асрларга келиб Ўрта Осиё илғор ижтимоий тафаккурнинг Шарқдаги йирик марказларидан бирига айланди. Бу даврда феодал давлат марказлашган ва энг ривожланган паллага кирди. Ўрта Осиё Европани Осиё билан боғловчи йирик моддий, маданий ва савдо марказига айланди. Бу жараёнлар бир-биридан минглаб чақирим узокликдаги давлатлар, халқлар ўртасидаги иқтисодий муносабатларни шакллантирди.

Бу даврда бутун дунёга танилган Ал-Фарғоний, Ал-Хоразмий, Форобий, Беруний, Ибн Сино, Юсуф Хос Хожиб, Низомулмулк ва бошқа кўплаб мутафаккирлар яшаб, ижод қилишди. Уларнинг асарларида иқтисодий ғоялар ҳам ўз аксини топган. Шарқ ренессанси давридаги олимлар шу даврдаги тижорат, мулкдорлик ҳунари сирларини баён этганлар. Уларнинг асарларидаги умумбашарий иқтисодий тафаккур бугунги кунда ҳам долзарблиги билан муҳим ўрин тутади.

Форобий ўрта аср даври табиий-илмий ва ижтимоий билимларнинг қарийиб барча соҳаларини ўз ичига олувчи 160 дан ортиқ рисола яратган «қомусий олим» сифатида тан олинади. Унинг Шарқ оламидаги шухрати шу даражага етдики, уни Аристотелдан кейинги йирик мутафаккир- «муаллимас -«соний» - «иккинчи муаллим» деб атай бошладилар.

Абу Наср Форобий буюк аждодларимиздан биридир. У илм-фан тарихига Шарқнинг буюк файласуфи, Шарқ Арастузи, Шарқ Афлотуни каби машхур номлар билан муҳрланган. Унинг иқтисодий ва бошқа ижтимоий қарашлари Арасту ва Афлотун асарларини тушунтиришга қаратилган бир қанча асарларида баён этилган, жумладан, унинг иқтисодий дунёқараши «Фозил кишилар шаҳри» асарида ҳам ўз ифодасини топган.

Мутафаккир Афлотун қарашлари ҳақида гапирар экан, «мулкка эга бўлиш ёмон одат эмаслигини, кашшоқликда (мулксиз) яшагандан кўра, бадавлат яшамоқ афзалдир», деган фикрни айтади. Фақат «мулкни бефойда жамғаришдан сақланиш зарур», деган

фикрни илгари суради. Фикрини давом эттириб ёзадики, «одамларга, авлодга зарар келтирмайдиган мол-мулк орттириш фойдали ишдир; бунда қонунлар ёрдамида руҳ ва баданни эъзоланишига сазовор қиладиган тарбия муҳим аҳамиятга эга. Фақат бошқалар учун зарар келтирадиган бойлик тўплаш, мол-мулкка эга бўлиш ёмон одатдир» .

Олим Афлотун фалсафасини шархлар экан, одамларни мулкий қонунлар асосида тарбиялаш масаласига алоҳида эътибор беради. «Агар шаҳар аҳолиси маърифатсиз, тажрибасиз одамлар ва болалардан иборат бўлса, у ҳолда улар қонун ўрнатган тартиб ва бошқарув усулини қабул қилмайдилар». Қайд этиладики, қонунлар асосида, яъни ҳуқуқий тарбия ижтимоий-иқтисодий ҳаётда ғоят муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий тарбия нафақат ўзини эмас балки бошқаларни ҳам ўйлаб яшаш ва ишлашга хизмат қилади, мулкни, манбаларни тўғри тасарруф этиш, ундан яхши натижалар олишга олиб келади.

Шунинг учун ҳам мамлакатимизнинг Таълим тўғрисидаги Дастури ва қонунда ҳуқуқий тарбияга, мулкий тарбияга катта ўрин ажратилади. Форобий уқтирадики, «Мулк орттиришда унчалик хавф йўқ, аммо уни эҳтиёт қилиб сақлаш керак. Агар бошқа бировлар ҳисобига мулк орттирганлар жазоланмасалар, у ҳолда шаҳар аҳолисидан инсоф ва шуҳрат йўқолади. Мулкни эҳтиёт қилиб сақлаб, ўз эҳтиёжи учун ишлатса, бу ёмон иш -ҳисобланмайди...» .

Бу кўрсатмаларнинг аҳамияти бугунги кунда жуда ҳам катта. Зеро, одамлар энди, мустақиллик ва демократия туфайли мулкдор бўлмоқдалар. Бироқ мулкдор бўлиш бошқа-ю, мулкни эҳтиёт қилиб, ўзи ва жамияти учун самарали фойдалани шундан ҳам муҳим. Шунинг ҳам айтиш керакки, ҳали мамлакатимиз фуқаролари мулкни тасарруф этиш ва уни тўғри, фойдали ишлатиш тажрибасига, кўникмасига эга эмаслар.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол учун харажат қилиш муайян заруратдир. Ишлаб чиқариш ва ҳаётнинг самараси кўпинча ана шу харажатлар миқдори, тартиби в амеzonларига ҳам боғлиқдир. Олим ҳисоблайдики, яшаш учун эга бўлинган маблағларни, маҳсулотлар ва мулкни тўғри тақсимланмаса, меъёри билан харажат қилинмаса, бундай ишда «номақбулчилик рўй беради». «Бу — бошқарилиши энг қийин бўлганидир, кимда-ким ўз ихтиёрида бўлган мулкни фойда чиқариш учун муомалага қўймаса, уни фақат ўзи учунгина жамғарса, жуда катта зарар келтиради».

Форобий қарашларида тақсимот масаласи жуда кенг ва ўзига хос усулда талқин этилади. У жамият ва одамлар йўлидаги мулк ва ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш давлат қурилишида асосий масаладир, деган фикрни билдиради. Демак, жамият ҳаётида энг муҳим муаммолардан бири мулкни, маҳсулотларни керакли мақсадларга тўғри, самарали тақсимланишидир. Тақсимот иши мақсадга мувофиқ йўлга қўйилмас экан, кўпчилик одамлар бачканалашиб кетади, одамлар фақир аҳволга тушиб қолади. Тақсимот мавжуд мулк, маҳсулот, бойликлар ҳисобини тўғри йўлга қўйишдан бошланади. Худди ана шу фикр Фороби йтомонидан илгари ўринга чиқарилади. «Аввало, — дейди олим, — ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур нарсалар бўлган озик-овқатлар, экиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши зарур». Форобий Афлотуннинг гўйидаги фикрларини алоҳида ажратиб келтиради: «Тақсимотнинг иши жуда қийин, лекин жуда зарар ишдир». Буюк даҳоларнинг тақсимот ва мулкни тасарруф этиш масалаларига бу қадар чуқурқарашлари бежиз эмас.

Албатта, тақсимот мавжуд нарсалар тақсимотидир, у ишлаб чиқаришга нисбатан вақт жиҳатидан кейинги ўринда туради, ишлаб чиқариш муносабатларидаги иккинчи бўғиндир. Бироқ шуни унутмаслик керакки, тақсимот ишлаб чиқаришнинг бошқа томони, аслида унинг давоми ва такрорланишидир. Бунинг маъноси шуки, тўғри ва адолатли тақсимот тизими яратилган шароитдагина ишлаб чиқариш натижалари шунчалик яхши бўлади. Бу ерда гап фақат макроиктисодий даражадаги тақсимот устидагина бораётгани йўқ, бу хулоса микроиктисодиётнинг барча бўғинлари учун ҳам баб-баравар аҳамиятга эга. Форобийнинг иқтисодий қарашларида жамият ҳаётининг энг муҳим масалалари кўтарилгани бўлиб, улар бизни бу масалаларга қарашларимизни янада зийраклаштиришга хизмат қилади.

Шарқ фалсафасида эҳтиёжлар масаласи умуман одамлар эҳтиёжлари ва уларнинг қондириш воситаларини қидириш эмас, балки ҳар бир одамнинг шахс сифатидаги зарурий эҳтиёжларни тадқиқ қилиш ва уларни қондириш муаммолари муҳим аҳамият касб этади. Ана шу эҳтиёжлар тизимида одамнинг шундай физиологик эҳтиёжлари мавжудки, улар фақат ҳаракат қилиш, меҳнат ва яратувчанлик (ишлаб чиқариш) билан қондирилади. Демак, инсон эҳтиёжларининг энг муҳими меҳнат қилиш (яратувчанлик) эҳтиёжидир, барча эҳтиёжларни қидириш ҳам худди ана шу меҳнатга бўлган эҳтиёжни қондириш орқали эришилади.

Шарқ иқтисодий тафаккури марказида инсон ва унинг эҳтиёжлари, уларни қондириш масаласининг туриши бежиз эмас.

Ижтимоий-иқтисодий тафаккурнинг ана шу энг долзарб масаласи Шарқнинг буюк фарзанди, файласуф Абу Наср Форобий асарларида асосий ўрин олганлиги фикримизнинг далилидир.

Шарқ Арастуסי номи билан машҳур бўлган аллома Арасту фалсафаси таҳлилига баришланган асарида иқтисодиёт фанининг муҳим категорияси (тушунчаси) бўлган эҳтиёжлар масаласига алоҳида эътибор бериб, эҳтиёжларни қондириш инсон ҳаракатининг марказида туражанини кўрсатди. У инсон эҳтиёжларини қондиришда меҳнат ва меҳнат қуролларининг ўрни бекиёс эканлигини уқтириб ўтади.

Олимнинг, айниқса «Фозил одамлар шаҳри» асари диққатга сазовар бўлиб, унда мамлакатни бошқариш, ҳокимлар фаолияти, иқтисодиётни олиб бориш билан боғлиқ бўлган муҳим ғоялар келтирилади.

Форобий ўз устози Арасту ғояларини ҳар томонлама талқин этади ва уни тўлдиришга ҳаракат қилади, жамият шаклланиши учун моддий эҳтиёжларнинг аҳамияти ҳақидаги таълимотни яратди, иқтисодиёт фанида муҳим бўлган «Эҳтиёж» ни таърифлаб берди. У моддий бойликлар яратишда меҳнатнинг ва меҳнат қуроллари ўрнини аниқлаб берди

«Ким раҳбар бўла олади?» деган савол бундан минг йиллар аввал ҳам буюк донишмандларни қизиқтирган экан. Абу Наср ибн Муҳаммад Форобий «Фозил одамлар шаҳри» номли асарида бўлажак раҳбарларнинг асосий фазилатлари тўғрисида оқилона мушоҳада юритган, 12 фазилат берилган.

Форобийнинг фозил давлат, ҳокимлар тўғрисидаги ғоялари ниҳоятда аҳамиятлидир, ўзаро ёрдам ва дустликнинг зарурлиги кўрсатилади. Масалан, шаҳар тартиботида энг асосий нарса мулк, ноз-неъматларни тўғри тақсимлаш эканлиги қайд этилган. Арасту ғоялари ривожлантирилиб, аввало ер ва жойларнинг миқдори, кейин уларнинг эгалари ва тутган ўринлари, сўнгра ниҳоятда зарур ҳисобланувчи озиқ-овқат, экин экиладиган ерлар, сарой ва шахсий уйларнинг миқдори ҳисобга олиниши

кераклиги кўрсатилади.

Фозиллар шаҳри хокимининг фазилатлари ҳақидаги фикрлар ниҳоятда қимматлидир. Форобий тадқиқотларининг яна бир муҳим жиҳати шуки, у кўп (юнон, араб ва б.) тилларни билган, бошқа олим асарларини таҳлил этган, шархлаган ва изоҳлаган.

Форобий фикрича, бахтга эришиш мақсадида ўзаро ёрдам берган халқ фазилатли халқдир. Шу тартибда барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирига ёрдам беришса, бутун ер юзи фазилатли бўлади. Ўйлашимизча, бугунги кунда деярли барча давлатлар ҳам шу тўхтамга келмоқдалар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент 2018 йил 28 декабрь.

2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамуз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.

3. Костанян С.Л. Экономика народного образования. -М.: 1996.

4. Сиддикова Ш. Тарбиятамойиллари. -Т.: 2005.

5. “Иқтисодийтаинновационтехнологиялар” илмий электрон журнали.

№ 2, март-апрель, 2017 йил

БЎЛАЖАК МУТАХАССИСЛАРНИ БАРКАМОЛ АВЛОД РУҲИДА ТАРБИЯЛАШДА БУЮК АЛЛОМАЛАРИМИЗНИНГ ФИКРЛАРИ

ЁДГОРОВА М.О

Бухоро МТИ

Аннотация. В статье освещены педагогические взгляды мыслителей Востока о воспитании. Раскрыты национальные ценности как фактор эффективности воспитания.

Annotation. The article highlights the pedagogical views of the East thinkers about education. There is revealed national values as a factor of education efficiency.

Ўзбекистон таълим тизими-ривожланишининг Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга ошириш босқичидадир. Ислохотларнинг муваффақиятлари тизимнинг асосий бўғини бўлган таълим муассасасининг қандай ўзгариши яқин келажакда ва истикбол режаларда нималарни белгилашида ўз аксини топади.

Таълим тизимини ривожланиши, баркамол шахсга таълим - тарбияни тўғри бериб бориш жонкуяр педагоглар кўлидадир. Шундай экан, уларнинг касбий тайёргарликлари, бажарадиган вазифаларини тўғри ташкил этиш масаласи аҳамиятга моликдир.

Ҳозирги даврда педагогларнинг касбий тайёргарлиги, уларнинг маҳоратларини янада юксалтириш, шарт-шароитлар яратишга катта аҳамият берилмоқда. Бу эса касб таълими ўқитувчиларига юксак даражада масъулият юклайди, энг аввало педагог учун дарснинг сифат ва самарадорлигига эришиш муҳим масалага айланмоғи зарур.

Бўлажак мутахассисларни тайёрлашда буюк алломаларнинг фикрлари катта ахамиятга эга:

Абу Райхон Беруний таълим-тарбия соҳасида ўша замонларда, ҳатто ҳозирги кунда ҳам долзарблигини йўқотмаган фикрларни илгари суради. У таълим бериш жараёнида таълим олувчиларни зериктирмаслик, билим беришда бир хиллик яъни бир хил нарса ёки бир хил фанни ўргатавермаслик, узвийлик, изчиллик, мавзуларни қизиқарли асослаб, кўрғазмали баён этиш ва шунга ўхшаш нарсаларга эътибор бериш лозимлигини уқтирган.

Беруний таъкидлашича, инсон камолотида уч нарса муҳимдир, бу-ҳозирги маърифат, илм-фанни эътироф қилувчи-ирсият, ижтимоий муҳит ва тўғри тарбиядир. Яна у инсон камолга етиши учун энг муҳим омил-муаллимнинг илм-маърифатли бўлиши билан бирга юксак ахлоқли бўлиши ҳам кераклигини эътироф этади.

Мирзо Улуғбек мактаб ва мадрасаларда берилган назарий билимларни амалиётга тадбиқ этиш учун мударрислардан ўқувчилар билан расадхонада амалий машғулотлар ўтказишни талаб қилиб, бунга ўзи раҳбарлик қилди. Мутафаккирнинг фикрича, болаларнинг билим олишни истамаслиги мударрисларнинг нодонлигидандир, чунки бундай тарбиячилар таълим усуллари нотўғри қўллаш билан болаларнинг билимга қизиқишини сўндиради. Мударрис аввал ўзини тарбиялаши, билим ва малакаларини чуқур эгаллаши, ўз устида тинмай ишлаши, билимларини такомиллаштириб бориши лозимлигини эътироф этиб, бериладиган билимларнинг юқори савияда бўлишига эътибор беришга даъват этади.

Улуғбек ўқувчи ҳаётида дарсликларнинг муҳим ахамиятга эга эканлигини таъкидлаб, уларнинг мазмунига алоҳида эътибор беради ва муаллифлар олдида жиддий талаблар қўяди. Унинг фикрича, дарсликлар қайси фан, воқеа ва ҳодиса акс эттирилишидан қатъи назар, ҳаётдан-ҳақиқатдан узоқ бўлмаслиги, содда, тушунарли тилда ёзилиши лозим.

Шунингдек, Улуғбек дарсликлар қанчалик мазмунли бўлмасин, таълимда ўқитувчи асосий ўринда туришини, у ўз педагогик маҳорати ва яхши фазилатлари билан ўқувчиларга намуна бўлиши, яхши тарбия кўрган, чуқур билимли ва маърифатпарвар инсон бўлиши кераклигини таъкидлайди. Улуғбекнинг ўзи Самарқанд мадрасаларида ана шундай фазилатли устоз сифатида фаолият кўрсатди.

Улуғбекнинг фикрича, боланинг билим олишга қизиқишини оширишда у тарбияланаётган муҳит муҳим ўрин эгаллайди. Оилада ота-оналар ўз фарзандларининг ҳақиқий инсон бўлиб етишишларига эътибор беришлари лозим, дейди.

Ибн Сино бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини фалсафий, ижтимоий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаб, махсус рисолаларда талқин этган.

Ибн Сино инсон камолотининг бош мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Илм-фаннинг табиат ва жамият қонуниятларини очиб, авлодларга етказишини эътироф этиб, бу мақсадга етишиш учун қийинчиликлардан кўрқмаслик зарурлигини таъкидлайди.

Ибн Сино болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини, таълим-тарбияда қуйидаги тамойилларга амал қилиш кераклигини таъкидлайди:

- болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- машқларнинг бола ёшига мос бўлиши;

- жамоа бўлиб ўқитишга эътибор бериш;
- билим беришда боланинг қизиқиши, майллари ва қобилиятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш.

Таълим олувчиларга билим бериш ўқитувчиларнинг масъулиятли бурчидир. Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритиб, шундай йўл-йўриқлар беради;

- болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш;
- берилаётган билимни талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш;
- таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш;
- талабаларнинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиш.;
- фанга қизиқтира олиш;
- берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиш;
- билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, аклий даражасига мос равишда бериш;
- хар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғота олиш даражасида бўлишига эришиш зарур.

Баркамол авлодни тарбиялашда буюк аждодларимиз ва мутафаккирларимизнинг таълим-тарбия хусусида айтган назарий фикрлари ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Юқорида таълим-тарбия жараёнини олиб бориш юзасидан берилган насиҳатлардан ҳозирги таълим берувчиларимиз ўз тажрибаларида фойдалансалар ва уни янги шакл ва методлар билан боғлаб қўлласалар, фарзандлар қалби, психологиясидаги тушунчаларни ҳозирги давр тушунчалари билан ҳамоҳанг боғлаб борсалар, айни муддао бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993.
2. Абдулла Авлоний. Туркийгулистонёҳудахлоқ. – Т.: «Ўқитувчи», 1992.
3. Донишмандлар тарбия хусусида. – Т.: «Ўқитувчи», 1982.
4. Шарқ тафаккури хазинасидан. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1986.

СОҒЛОМ ИЖТИМОЙ- ПСИХОЛОГИК МУҲИТ - БАРКАМОЛ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА

*Эшмурадов О. Э.-ўқитувчи
Эшмурадова С-психолог, Жизак шаҳар, 36-МТМ
Тугунова Ф-талаба
Жиззах ДПИ*

Аннотация

Католики, находящиеся в неблагоприятном положении в семьях, школах и микрорайонах, находятся под сильным влиянием жизни в неблагополучных, взрослых и юношеских районах, от которых католики страдают в своих семьях и семьях.

Annotation

Disadvantaged Catholics in families, schools, and neighborhoods are deeply influenced by the lives of the disadvantaged, adult, and adolescent neighborhoods that Catholics suffer from in their families and families.

Оила, мактаб ва маҳалларадаги носоғлом психологик муҳит ва оилавий тарбияда йўл қўйилаётган хатоликлар ҳамда таълим жараёнида кузатилаётган нуқсонлар, болалар ва ўсмирлар яшаётган маҳаллалар ҳаёти, уларнинг психологик муҳити вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқишига ўз таъсирини ўтказди.

Бир қатор тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, инсон одобли ёки одобсиз, олийжаноб ёки эгоист, жиноятчи ёки соғлом хулқли бўлиб тўғилмайди. Шахсдаги у ёки бу хилдаги хусусиятлар ва установакалар, шахснинг ижтимоий турмуш фаолияти, уни қуршаб олган объектив шарт-шароитлар ва воқеа-ҳодисалар таъсирида вужудга келади. Ушбу шарт - шароитлар ва объектив муносабатлар характери индивиднинг шахс сифатида шаклланишига асос бўлиб хизмат қилади.

Демак айтиш мумкинки, шахс хусусиятларининг шаклланиши нафақат инсон организмнинг наслий хусусиятларига, балки энг аввало у алоқада бўлган ижтимоий муҳитга ҳам кўп жиҳатдан боғлиқ бўлади. Ижтимоий турмуш шарт-шароитлари провард натижада инсон хулқ-атворининг шакл ва тамойилини белгилаб беради.

Маълумки, вояга етмаганларда хулқ оғишининг келиб чиқиши ва ижтимоий муҳит ўртасида ўзига хос таъсир доираси мавжуддир. Ушбу ўзаро таъсир механизми назаримизда уч хил кўринишда намоён бўлади.

Биринчидан, носоғлом ижтимоий муҳит билан шахснинг ўзаро алоқалари ўсмирларда ижобий қарашларнинг салбийлашувига олиб келса, иккинчидан, шахс ва носоғлом ижтимоий муҳит ўртасидаги ўзаро алоқа кишига ижтимоий меъёрларга тўғри келмайдиган муайян йўл-йўриқни, хусусан ғайриқонуний вазифаларни бажариш бўйича ролларни тақсим этади. Учунчидан эса ғайриқонуний йўл-йўриқлар ва роллар тақсимоти ўсмирда аста-секин ижтимоий муҳит талаб ва меъёрларига нисбатан деформациялашувнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Ушбу деформациялашув шахс хулқида ўзига хос ўзгаришларни келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг аксарият қисми ижтимоий муҳитга нисбатан деформациялашув поғонасида бўладилар.

Кузатишларимизга қараганда, хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг аксарият қисми ижтимоий фойдали машғулотларда қатнашмайди, газета, журнал ёки бадиий адабиётлар ўқишмайдилар. Ўқиганларида ҳам ўзига хос қизиқишлар (расмлар, суд материаллари, эълонлар ва бошқалар) билан чекланадилар. Уларда театрда тушиш, дарслик ва бадиий китоблар ўқиш бўйича кўрсаткич даражаси анча пастдир. Аммо кинотеатр, видеобар, дискотекларга қатнашиш даражаси анча юқорилиги кузатилади. Ушбулардан кўринадики, ижтимоий фойдали машғулот билан шуғулланиш, китоб, газета ўқиш, театрларга бориш ўсмирларда ижтимоий фойдали, ижобий позицияларнинг ва установакаларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Аксинча ҳолатларда эса болалар ва ўсмирлар хулқида салбий позиция ва установакаларнинг шаклланишига имконият яратилади. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ижтимоий муҳит воқеа-ҳодисалари ва шарт-шароитларнинг ўсмирларга таъсир этиши улар хулқ-атвори мазмунини белгилаб беради. Агарда ижтимоий муҳитдаги воқеа-ҳодисалар ва шарт-шароитлар ўсмирда ижобий таъсир этса, ўсмир хулқида ижобий хислатлар, аксинча ҳолатларда эса салбий хислатлар, ғайриқонуний установакалар шаклланади.

Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг ижтимоий муҳити соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар ижтимоий муҳитидан ўзига хос тор доирадаги дунёқарашга эгаллиги, низоли вазиятлар доирасининг кенглиги, қатъий ҳаётий позициянинг, келажакка нисбатан ижобий қараш, мақсад ва интилишларнинг йўқлиги ва шу каби бир қатор жиҳатлар билан фарқланади. Қуйида биз ушбу жиҳатларни кенгроқ таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз.

1. Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг хатти-ҳаракатлари оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланиш ҳолати. Бунда ўсмирнинг ноқонуний хатти-ҳаракатига оила аъзолари ва яқинлари томонидан ижобий муносабат билдирилади. Бундай иш қилма, қилаётган ҳаракатинг ноқонуний дейиш ўрнига ота-она ва атрофдагилар уларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатларини маъқуллашади ёки унга эътибор беришмайди. Натижада ўз ноқонуний ҳаракатининг маъқулланишини ҳис этган ўсмир яна бошқа бир ноқонуний ҳаракатга қўл ўради ва салбий хулқ-атвор ўсмирнинг бутун фаолиятини, онгини қамраб олади.

2. Соғлом хулқли болалар ва ўсмирларга қараганда носоғлом хулқ-атворга эга бўлган болалар ва ўсмирларга ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирларнинг бир жойга тўпланган ҳолда (концентрациялашган) таъсир этиши ҳолати. Яъни, хулқ оғишига эга бўлган ўсмирга ижтимоий муҳитдаги салбий таъсирлар тўпланган ва ҳар тарафлама ҳолда таъсир қилади. Бошқача қилиб айтганда, ўсмирнинг ноқонуний, ноахлоқий психология ҳукм сураётган муҳитга тушиб қолиши унга ҳар томонлама яъни, ҳам маънавий, ҳам руҳий, ҳам жисмоний, ҳам кўргазмалли тарздаги таъсир ўтказиши.

Соғлом хулқли болалар ва ўсмирларда эса тўпланган, ҳар тарафлама салбий таъсир этиш муҳитининг мавжуд бўлмаслиги уларда ғайриқонуний хулқ-атвор келиб чиқишининг олдини олади.

3. Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирларнинг соғлом хулқли болалар ва ўсмирларга қараганда тез-тез низоли вазиятларга тушиб қолиш ҳолати. Бунда тарбияси оғир ўсмир низоли вазиятлар муҳитига тез-тез тушиб қолади. Бунинг сабаби биринчидан, у ҳаёт кечираётган ва фаолият юритаётган ижтимоий муҳитнинг носоғломлигига боғлиқ бўлса, иккинчидан жиноятчи болалар ва ўсмирлар хулқ-атворидаги психопатологик ўзгаришлар ва уларнинг ёш даври хусусиятлари низоли вазиятларнинг кўпроқ юзага келишига сабаб бўлади.

Соғлом хулқли болалар ва ўсмирларда эса улар яшаётган ва фаолият юритаётган ижтимоий муҳитнинг соғломлиги низоли вазиятларнинг олдини олади ва шунинг учун улар низоли вазиятларга кам дуч келадилар.

4. Хулқ оғишига эга бўлган болалар ва ўсмирлар томонидан амалга оширилаётган ноқонуний хатти-ҳаракатларга катта ёшдаги кишилар ва ота-оналарнинг эътиборсизлиги ҳолати. Бунда ўз ноқонуний ҳаракатларининг жавобсиз қолишлигини, катталар томонидан маъқулланишлигини ҳис этган ўсмир низоли вазиятларга барҳам беришда ноқонуний йўлни танлайди. Чунки у ота-онасидан, атрофдагилардан жазо олмаслигини билади. Бу эса ўсмирга янги-янги ноқонуний ҳаракатларни бажаришга имконият эшигини очиб беради.

Соғлом хулқли болалар ва ўсмирлар эса ўзларининг жазоланишларини билишлари туфайли ноқонуний ҳаракатларни бажаришдан ўзларини тияди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, соғлом ижтимоий муҳит болалар ва ўсмирларнинг баркамол шахс сифатида шаклланишида муҳим омил бўлиб ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Оила психологияси. Академик лицей ва касб-хунар коллежлари учун дарслик. Ғ.Б. Шоумаров таҳр. ост. – Тошкент, 2009. 234 б.
2. Шарқона оила. Ўрта махсус касб-хунар таълими ўқувчилари учун ўқув қўлланма. Ғ.Б.Шоумаров умумий таҳрири остида. Тошкент,2012. Б. 122.
3. Ҳаёт китоби: Ёш оилалар учун энциклопедик қўлланма. – Тошкент, 2011.
4. Ходаков Н.М. Ёш келин-куёвларга. 3-нашр. – Тошкент, 1990.

МИЛЛИЙ МАҚОМ САНЪАТИДА “УСТОЗ – ШОГИРД” АНЪАНАЛАРИ – ТАРИХИЙ – МАДАНИЙ ҚАДРИЯТ СИФАТИДА

**Мустафоев Б. И.-доцент
Бухоро ВХТХКТМОХМ**

Аннотация

В статье рассматривается традиции “Устоз-шогирд”, в которой особое место занимает в искусстве “Шашмакома”, вопросы место и использование в системе образования, а также роль и значение искусство макома в воспитание молодёжи.

Annotation:

This article is devoted to tradition “ustoz-shogird”, which takes an important place in art of shoshmakom and its issues, importance, usage in educative system, also the role of makom in behavior of youth is given as an example.

Ҳозирги мусиқа таълим-тарбияси тизими ўзида Шашмақомни узок ўтмишдан санъат сифатида ўрганилиб, тадқиқ этилиб келинаётганлиги, мусиқа мактаблари анъаналари, илғор амалий тажрибалар махсули сифатида такомиллашаётганлиги билан аҳамиятлидир.

Айниқса, Мустақиллик йилларида ўзбек миллий мақом санъатининг ноёб намуналарини кенг тарғиб этиш, уни асраб авайлаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбида миллий мумтоз санъатимизга ҳурмат ва эътибор туйғуларини камол топтиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбек миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида” ги ПК-3391-сонли Қарори билан Шаҳрисабз шаҳрида 2018 йилнинг 6-10 сентябрь кунлари ўтказилган Халқаро мақом санъати анжумани катта аҳамиятга эга бўлди. Анжуманда Президент Ш. Мирзиёев томонидан “Мақом оҳанглари, мақом руҳи ва фалсафаси ҳар бир инсон қалбидан, аввало, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг онги ва юрагидан чуқур жой олиши учун бор имкониятларимизни сафарбар этишимиз зарур” эканлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Қарорда “Халқимиз, хусусан ёш авлодни мақом санъати билан кенг таништириш орқали уларда миллий ўзликни англаш туйғуси юксак бадиий-эстетик дид ва тафаккурни камол топтириш” вазифаси қўйилди.

Тарихнинг гувоҳлик беришича, мусиқий асарларнинг энг олийлари ҳисобланмиш мақомлар ва мақом йўлидаги асарлар маълум даврлар давлатчилигининг энг олий даргоҳларида ижод қилинган, ижро этилган, ривож топган. Шубҳасиз, бу мураккаб

ижодий ва ижровий жараён тараққиётида бастакорлик анъаналари билан бирга мусиқий таълим-тарбия усулияти сабоқларининг ҳам моҳияти беқиёс бўлган.

Ички имкониятларини умуминсоний юксак даражаларга кўтариб, уни дунёга машхур этган мақом табиати Бухоро тупроғи шу воҳа илмий-маърифий муҳити руҳий иқлимига мос эди.

Шашмақом XVIII аср ўрталарида Бухорода сарой касбий мусикачилари ва мусикашунос олимлари томонидан Олти мақомдан иборат туркум тарзида ифода топганлиги учун “Бухоро Шашмақоми”, деб юритилади. У касбий-устозона мусика намунаси бўлиб, йирик хажмга эга, мураккаб тузилишли, умумий сони 250 дан зиёд ашула, чолғу асарларни ўз ичига олган тизимли мусиқий мажмуадир.

Мақом тарихига оид адабиётларда ўқиймиз “Мақом ва мақом йўлидаги асарларни таълим тизимига киритиш масаласи, айниқса жадидларнинг диққат марказида бўлган. Мусиқий - маърифий фаолиятнинг намунаси сифатида Абдурауф Фитрат 1921 йил 10 августда Бухоро ҳукумати фармони билан 1-Шарқ мусика мактабини ташкил этди. Бу мактабда болаларнинг мусиқий таълими сабоқлари оғзаки мусика-педагогикасига мансуб-анъанавий услубда олиб борилар эди. Мусика мактабида Ота Жалол, Ота Ғиёс, Домла Халим Ибодов, Усто Шоди, Хожи Абдурахмон каби устозлар мақом ва мақом йўлидаги куй-ашулаларни, уларнинг усулларини ёш талабаларга ўргатишар эди. Машхур хофиз-созандалар мактабда мураббий сифатида фаолият кўрсатиб, ўзларининг мусиқий-ижрочилик фаолиятларини педагогик ишлари билан уйғун холда амалга оширишган. Шу тариқа мақом ижрочилиги, миллий мусикамиз тарғиботи, шогирдлар тайёрлаш вазифалари, устозу-шогирд анъаналарида давом этди. Ш. Сохибов, Ф. Шахобов, М. Ашрафий, М. Бурхонов сингари бўлғуси катта санъаткорлар бу ерда таълим олишиб, келажакда устоз - санъаткор даражасига эришдилар”.

Маълумки, ўтмишда нота ёзуви бўлмаганлиги боис, халқ куйлари ва Шашмақом шубҳалари устоздан шогирдга оғзаки тарзда ўргатилиб келинган. Шунинг учун ҳар бир хофиз халқ куйлари, мақомларни кенгроқ ёйиш, уларга янада умрбоқийлик бағишлаш мақсадида шогирдлар тайёрлаш билан шуғулланган.

Касбий мусика таълими усулиятида шогирдликка қабул қилишнинг ўзига хос қоида-тартиблари бўлган. Жумладан, балоғатга етмаган ўсмирни шогирдликка қабул қилишмаган, шогирдларнинг ҳатти-ҳаракати, юриш-туриши, ахлоқ-одоби устози томонидан назорат қилиб борилган. Шогирд эса йиллар давомида мусика санъатининг назарий ва амалий жихатларини ўрганиб, устозидан дастлабки рақс куйлари, лапар, турли чолғу, мақом йўлларини ўрганиб, унинг ижро йўли, услубларини ўзлаштирганидан сўнг, устози фотиҳасини олгач, эл-юрт хизматиغا киришган. Бинобарин, халқ орасида Шашмақом мусикасини тарғибот этиш, ундан сабоқ бериш масъулияти ниҳоятда катта бўлган. Левича хофизга-Ота Жалол, Шохназар Сохибовга-Леви Бобохонов, М. Ашрафий, М. Бурхонов, М. Тошпўлатов, Т. Содиковларга - Домла Халим Ибодов устозлик қилишган. Шу тариқа устоз-шогирдлик анъаналари кейинги авлод вакиллари томонидан давом эттирилди.

Бухоро мақом мактабида шогирдларнинг ижрочилик маҳоратлари, имконият ва салоҳиятларига қараб Шашмақомнинг Наср ва Мушкулот қисмлари чуқур ўргатилар эди. Шу боис, ўша даврларда аксарият шогирдлар мақомларнинг алоҳида шубҳаларини мохир ижрочисига айланган эдилар. Жумладан, Уста Шоди Шашмақомни устози Ота Жалолдан ўрганиб доира ва най созларида ижро этгани,

шунингдек халқ орасида мақомларнинг мураккаб шўъбаларидан – Сарахборларни, айниқса зўр махорат билан куйлаши билан машхур эди. Домла Ҳалимни эса халқ асосан мақом Савтларини моҳир ижроси сифатида эъзозлаган.

1924 йилда Абдурауф Фитрат ташаббуси билан Ота Жалол Носир, Ота Гиёс Абдуғанилар этнограф В. Успенский билан ҳамкорликда “Бухоро Шашмақоми” ни илк бор нотага олишди.

Собиқ шўролар даврида Бухоро мактаби анъаналарини давом эттирган санъаткорлар Бобоқул Файзуллаев, Шоназар Соҳибов, Фазлиддин Шаҳобовлар ҳамкорликда 1950 йилда "Бухоро Шашмақоми" нинг мукаммал нусхасини нотага кўчиришга муяссар бўлишди.

Муסיкий таълимда илмийлик, давомийлик, изчиллик каби тамойиллар устивор бўлиб, улар мантиқан ўзаро борланган. Ушбу усулияти устоз-шогирдлик анъаналари асосида таркиб топганлиги, устознинг мохир уста, билимдон, нафосат ва гўзалликни теран англайдиган шарқона ахлоқ соҳиби эканлигини амалда намоеън эта олиш лаёқати билан характерланган. Шу билан бирга, ўзбек анъанавий ижрочилик амалиёти тарихида санъаткор устоз касбий фаолиятининг ўзига хос таркиб ва тамойилларига риоя қилган. Уста созини, чолғуни чалиш учун кўлига олишдан олдин, халқ олдида куйлашга чиқишдан олдин, албатта жисми ва руҳиятини поклаган.

Бухоролик таниқли хофиз, созандалар шогирд. тайёрлаш баробарида ўз фарзандларининг миллий меросни ўзлаштиришларига, муסיкий таълим - тарбиясига ҳам жонбозлик кўрсатишган. Габриэл хофиз ўғли - Сосон Беньяминовга, устод Домла Ҳалим ўғли Олим Ҳалимовга, Шохназар Соҳибов ўғли-Тельман Соҳибовга устозлик қилишган.

Халқ муסיкаси таълим-тарбия тизимидан аста-секин олиб ташланган ўтган аср даврида ҳам муסיка ижрочилигида устоз-шогирдлик анъанаси тор доирада бўлса- да давом эттирилди.

Умумтаълим мактаблари муסיка маданияти фанидан 6-синф дарслигида “Шашмақом-мумтоз муסיқамиз асоси” мавзуида тинглаш учун “Таснифи Бузрук” куйи тавсия этилади. Еттинчи синф дарслигида 2-чорак 1-мавзу-Мақом тушунчаси. Шашмақом, 2-мавзу- Шашмақомнинг чолғу (мушкулот) ва ашула (наسر) бўлими берилган бўлиб, муסיқа тинглашда “Насруллоий” мақом айтим йўлини тинглаш тавсия этилади. Муסיқа саводхонлигида “Ота Жалол Носиров” ҳаёти ва ижоди ўрганилади.

Ўқитувчиларининг малака оширишига қўйиладиган Давлат талабларида ҳам Шашмақом тўғрисида назарий ва амалий билим, малака, кўникмаларни такомиллаштириш назарда тутилган. Шунга кўра, малака ошириш курси ўқув-мавзу режасида “Муסיқа машғулотларида мақом, Шашмақом, унинг чолғу ва айтим йўллари, ўзбек халқ муסיқа мероси ва унинг маҳаллий (локал) услублари ҳақида маълумот” каби мавзуларга алоҳида ўрин ажратилган.

Хуллас, қадимий ва бой тарихга эга ўзбек миллий муסיқа маданиятининг гултожи бўлмиш Бухоро Шашмақомининг илму-амалиётини ўрганиш, тарғиботини амалга ошириш ушбу соҳа таълим-тарбияси билан махсус шуғулланиш мақсадида асрлар давомида мукаммал муסיқа мактаблари шаклланган, ривожланган ҳамда такомиллашиб келган.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 ноябрдаги “Ўзбекистон миллий мақом санъатини янада ривожлантириш чора-адбирлари тўғрисида” ПҚ – 3391-сонли қарори (Халқ сўзи. 2017. - 18 ноябрь)

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълимининг Давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисидаги 2017. 6 апрель 187-сонли қарори

3. Мусиқа маданияти фани ўқув дастури (1-7 синфлар) Тошкент. 2017. - 39 б.

4. Тўраев Ф. Мутрибот қалбидан учган наволар (Сайланма) Тошкент: “Наврўз” нашриёти, 2018. - 304б.

АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙНИНГ МАЪНАВИЙ СОҒЛОМ АВЛОДНИ ТАРБИЯЛАШ ҒОЯСИ

*Йўлдошев С А- ўқитувчи
Жиззах ДПИ*

***Аннотация:** В данной статье освещается роль духовной культуры в молодежи, используя взгляды Абу Райхана Беруни на воспитание современной глобализации.*

***Resume:** This article highlights the role of spiritual culture in youth, using the views of Abu Rayhan Beruni on the upbringing of modern globalization.*

Миллий қадриятларимизни ўрганиш, таҳлил қилиш жамият тараққиёти учун жамиятда яшаётган инсонлар, улар ўртасидаги муносабатларни яхшилашда, яъни ақл билан иш қўришда катта аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач бозор иқтисодиётига ўтиш, эркин демократик жамият қуриш, жамият маънавиятини янгилаш, давлат ва ижтимоий қурилиш соҳаларида юқори натижаларга эришишда соғлом авлодни тарбиялаш, ҳозирги ёш авлоднинг, қолаверса бутун миллатнинг соғлигини асраш долзарб масала ҳисобланади.

Буюк бобоқалонларимиз қолдирган бой маънавий ва илмий мерослар барча даврлар учун керакли бўладиган ўғитлар борки, улар ҳозирги давримиз учун ҳам муҳимдир.

Жамиятимиз тараққиёти маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатида кўтарилган бир пайтда ҳаётнинг ўзи ҳар бир кишидан, айниқса ёшлардан маънавий соғломлик ва маънавий етукликни талаб қилмоқда.

Соғлом авлодни тарбиялаш ғояси инсониятнинг пайдо бўлиши билан пайдо бўлган бўлиб, босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Соғлом авлод билан боғлиқ ибтидоий тушунчалар бугунги кунда ҳам қадимий реликтлар тарзида талқин қилиб келинмоқда.

Этнограф тарихчи олимларнинг маълумотларига кўра инсонларнинг соғлом руҳий -маънавий қадриятларнинг ибтидоий негизлари ҳақида Ўрта Осиё ва Эрон халқларининг қадимий маданий ёдголикларидан бири зардуштийлик динининг муқаддас китоби “Авесто” етарлича маълумот беради. Шарқ халқларининг муҳим қадриятлари ҳисобланмиш яхшилик хожатбарорлик ,инсонпарварлик, меҳнатсеварлик меҳр-оқибат ҳалоллик поклик ва бошқа соғлом авлод тарбиясининг энг оддий усули

савол-жавоб панд-насихат намуна шаклида халқ ўртасида тарғиб қилинган.Тарихга бир назар солсак, барча даврларда ҳам шу даврнинг муттафаккирлари ўз прогрессив ғоялари билан тўғри йўлни кўрсатиб берганлар.

Буларнинг исботи сифатида қуйидаги ҳикматлар ва мутафаккирларнинг айримларининг фикрларидан намуналар келтирамиз:

Абу Райхон Беруний замонида яшаган, унинг таржимаи холини ёзган араб олимларидан бири Ёкут Байхақий:”Бундан анча олдин мен устоз Абу Райхон қўли билан ёзган китобни ўқиган эдим. Бу одам илм ва адабда нарсаларнинг моҳиятини аниқлашда, хандаса ва фалсафада шу қадар билимдон эдики, унинг замонида унга тенг келадиган ҳеч ким йўқ эди.”-деб таъкидлайди.

Замонамиз тадқиқотчилари шарқшунослар, тарихчилар ва бошқалар унинг асарлари билан яқиндан танишганлар. Айниқса бугунда тизимли ва режали танишиш асосан бизнинг даврда амалга ошди. Берунийнинг илм-фандаги хизмати ҳақиқатдан ҳам кишилик тарихида дунёнинг энг буюк олимларидан бўлганига ишонч ҳосил қилишга ундайди. Берунийнинг ҳаёт фаолияти, дунёқараши, фанларга доир кашфиёти-тадқиқотлари, новаторлиги ҳақида кўплаб китоб, рисола ва илмий мақолалар пайдо бўлди. Олим “Менералогия” китобида оила тарбиясида ота-онанинг намуна бўлиб, бола эса ана шу намунадан дастлаб ўрганиши ҳақида ҳам ҳикоя қилган. Бунда катта ёшлиларнинг кичиклар олдидаги яхши муомаласи, тоза-озода кийиниши ва юриши лозимлигини уқтирган. Шунга асосан у одам “тишини ювиши, кўз ва қовоқларни тоза бўлиши, уларни сурма билан бўяши, зарур бўлганда сочи кесиб туриш ҳам (турли рангларга) бўяб туриш, қўл ва оёқ тирноқларини текислаб олиб туриш ва силлиқлаш ва ҳоказаларни бажариши талаб қилинган эди. “Авесто”да ҳам, “Қуръони Карим” ва ҳадис илмларида ҳам бу талаблар борлигини уқтиради олим. Демак, Берунийнинг таъкидлашича, тарбиячи болага фақат оғзаки панду насихатгўй бўлмай, амалда ҳам тартиб-интизомли, бунда энг аввало, шу қўйилган талабларга ўзи риоя қилиши керак деган. У ўз хулқи ва меҳнати билан тарбияланувчига таъсир этишини яхши билган.

Абу Райхон Беруний оила тарбиясида болалар ёши,жинсига қараб тарбия бериш кераклигини ҳам айтиб, айниқса,қиз болалар тарбиясига алоҳида эътибор беради.

Маълум бўлишича соғлом бола оналик ва соғлом турмуш тарзига психологик шакллантиришнинг асосий ўчоғи– ота–она оиласи бўлиб, биринчи ўринда она, унинг ижтимоий установаси, она – бола муносабатлар тизими, оила турмуш тарзининг бир бутунлиги ҳисобланади. Оилада фарзандлар тарбияси билан кўпроқ оналар шуғулланадилар.Унинг аҳамияти шундаки, фарзанд мактабгача тарбия муассасасида ҳам, кейинчалик мактаб, коллеж ёки лицейда ўқиганда ҳам тартибли, интизомли, айтилган вазифа, берилган топшириқларни масъулият билан виждонан бажарадиган бўлиб, болалар жамиятида ҳамиша ўзининг ўрнига эга бўла олади.

Бу борада Абу Райхон Беруний ота-онанинг бутун оила олдидаги бурчи, вазифаларини тавсиф этиб, болаларни қариндош-уруғларни оила вазифаларини бажаришидаги маъсулияти ота-онага меҳрибон бўлишлиги ҳақида фикр билдиради, унинг бу борадаги қарашлари бугун ҳам аҳамиятини йўқотган эмас.

Оила инсонларга хос бўлган ахлоқий кадриятлар ўзаро хурмат, ишонч, муҳаббат, ҳамкорлик, ҳамдардлик туйғуларининг конкрет шаклда намоён бўлишини таъминлашда онанинг вазифаси муҳим. Бола ақлли, одобли, меҳнатсевар, ҳалол, иймонли, инсофли бўлишидан ота-онагина эмас, балки биринчи навбатда бутун жамият манфаатдордир. Чунки, жамиятнинг тараққиётини, инсониятнинг ёрқин истиқболини

маънавий етук, жисмоний соғлом ёшларгина таъминлай олади. Оилада камол топган бола нафақат жисмонан, балки муайян маънавий фазилатларни эгаллаган, ижтимоий ва ҳуқуқий бурчини англаган инсон сифатида тарбияланади. Инсоннинг асосий моҳияти маънавий экан, унинг дастлабки куртаклари ҳам оиладаги тарбия жараёнида шаклланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш жоизки, соғлом бола мустаҳкам оила таянчи, мустаҳкам оила эса жамиятнинг, давлатнинг таянчидир. Оилада соғлом бола тарбияси, унинг ҳаётида бахтли бўлиши учун оилада илиқ психологик иқлим яратилиши лозим. Берунийнинг ўз педагогик ғояси ақлий таълим, ахлоқий тарбия, меҳнат, жисмоний, эстетик ва оила тарбияси бугунги кунда ҳам маънавий ва соғлом авлод тарбиясида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият- энгилмас куч.-Т.: маънавият, 2018-656
2. Мусурмонова.О ва б. “Маънавий баркамол шахсни шакллантириш-жамият тараққиётининг асоси”.Т.: 2012-38.88.92. 93.бетлар

УМУМИНСОНИЙ ҚАДРИЯТЛАР АСОСИДА ТАЛАБАЛАР ДУНЁҚАРАШНИ ШАКИЛЛАНТИРИШНИНГ УЗЛУКСИЗЛИГИ

**Камолова Ш.У - катта ўқитувчи
Жиззах ДПИ**

Аннотация: *Эта статья является одной из наиболее актуальных тем дня, посвященных важности обогащения научного мировоззрения студента на основе человеческих ценностей. Это освещается вопросами эта повзрелости человека.*

Resume: *This article is one of the most relevant topics of the day, devoted to the importance of enriching the student's scientific worldview based on human values. This is covered by questions of the stages of human maturity.*

Бугунги кунда таълим муассасаларида асосий эътибор, уларга чуқур ва пухта таълим -тарбия беришга, ёт ғояларга қарши кураша оладиган ҳамда ўзининг мустақил фикрга эга бўлган маънан етук ва комил инсонлар қилиб тарбиялашга қаратилгандир.

Маълумки, баркамол авлодни тарбиялаш ғояси ҳам миллий, ҳам умуминсоний ҳарактерга эга бўлиб, у башариятни маънавият ва маърифатга, эзгулик ва юксакликка олиб боровчи комиллик сари йўлдир. Бу борада Мамлакатимиз Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Ҳозирги пайтда жамият ва цивилизациялар аввало ижтимоий кадриятлар ва таълим тизимлари билан рақобатлашмоқда. Шу нуқтаи назардан, буюк аждодларимиз бўлган ислом оламининг мутафаккирлари асарларини, уларнинг бутун жаҳон цивилизацияси ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини чуқур ўрганиш, теран англаш ва кенг оммалаштириш алоҳида аҳамиятга эгадир”.

Шу сабабли ҳам тарбия масаласи кишилар, оилалар, жамоалар, давлатлар олдидаги муҳим муаммолар бўлиб келмоқда ва улар турлича йўллар, воситалар билан турлича шаклларда, услубларда амалга оширилмоқда

Уларнинг таҳлили ва ушбу соҳадаги ишларимиз натижаларининг кўрсатишича талабалар дунёқарашини юксалтиришда маълумотлар баёнини қуйидаги узлуксизликда амалга оширган маъқул «КЕЧА → БУГУН → ЭРТАГА» Ушбу узлуксизлик инсон онги,

дунёқараш ва муносабатларини мунтазам равишда такомиллашиб боришини баҳолай олиш имкониятини бера олади. Қайд этилган узлуксизликдаги «КЕЧА» сўзига ўтмишдаги бой илмий-маънавий меросимиз маълумотлар тўғри келади, яъни буюк қомусий олимларимиз ва ҳадис илми соҳибларининг ижоди, фаолиятини ибрат-намуна қилиб кўрсатиш ҳамда тарихий-бадний адабиётлардаги, жумладан, «Алпомиш», «Гўрўғли», «Авазхон», «Рустамхон» ва бошқа дostonлардаги ботир паҳлавонларнинг доимийлиги, инсонпарварлиги, меҳнаткашлиги, дўстлик ва муҳаббатга садоқатлари ҳам шу йўналишдаги маълумотлардир.

Юқоридаги тизимнинг «БУГУН» сўзига эса баркамол авлод тарбиясига ҳукуматимиз томонидан яратилаётган имкониятлар тўғри келади. Жумладан, «Таълим тўғрисида»ги Қонун, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури», «Давлат таълим стандартлари», «Ўрта махсус, касб-хунар таълимини тубдан ислоҳ қилиш», «Ўрта умумий таълимни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳужжатларнинг қабул қилиниши ва турли оммавий тарбиявий тадбирларнинг уюштирилиши, шунингдек, ёшларимизга бугунги кунда ривожланган хорижий давлатларда ўз интеллектуал салоҳиятини ривожлантириб келишига яратилаётган имкониятлар ҳамда турли ёшларимиз камолотига мос спорт мусобақаларининг («Умид ниҳоллари», «Баркамол авлод», «Универсиада») ташкил этилиши ёшларимизнинг ҳар томонлама камолат топишидаги кенг имкониятлардир. Ва ниҳоят юқоридаги қайд этилган тизимнинг сўнгги бўғинига, яъни «ЭРТАГА» сўзига эътибор берадиган бўлсак. Унда ёшларимизнинг дунёқарашини қуйидагича шакллантириш мақсадга мувофиқ бўлади, яъни Хўш ҳурматли ёшлар ўтмишимиз буюк экан, маънавиятимиз илдилари ниҳоятда чуқур бўлиб, у 3000 йиллик тарихга эга экан, бугун ўз интеллектуал салоҳиятингизни юксалтиришга кенг имкониятлар яратилган экан, энди биз уларга хос ва мос авлод бўлишимиз учун нима ишлар қилишимиз керак? Албатта бу борада ота-боболаримизнинг бизга қолдирган буюк меросини авайлаб, асраб, бойитиб келажак авлодга етказишни ўйлашимиз керак ва бунда бугунги мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланмоғимиз лозим. Ана шундагина ўтмиш авлодларимизга муносиб ва бугунги имкониятни қадрлай оладиган саводли фарзанд бўла оламиз. Бу эса ўтмиш аждодларимиз хотирасига чуқур ҳурмат бўлиб, у «ЭРТАГА» жамиятимиз тараққиётига таъсир этувчи мустаҳкам пойдевор бўлади.

Бу борада Абу Наср Фаробийнинг (873-950) «Фозил одамлар шаҳри» номли асари билан аҳамиятлидир. Бундан ташқари у «Фазилат, бахт-саодат ва камолат ҳақида», деб номланган асарида «Ҳар бир инсон бошидан комил бўлиб туғилмайди, аммо туғма равишда ўзига хос ички шуурга эга бўлади ва бу шуур билан босқичма-босқич комилликка жидду жаҳд билан интилади», деган фикрни ва шу асосдаги ғояни илгари суради.

Демак, бундан шахс камолоти умумий дунёқараш ва шу асосдаги тарбияга боғлиқ экан, деган хулосани ҳосил қилиш мумкин. Ана шу умумий дунёқараш тарбияни тўғри йўлга қўйишга катта имкониятлар яратади.

Демак, жамиятимиз, давлатимиз олдида Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт яратишдек шарафли вазифа турган айни пайтда шахснинг ҳозирги давр талабига мос равишда ривожлантириш маънавий бойлик, ахлоқий поклик, интеллектуал салоҳиятлик ва жисмоний тарбия сингари асосий йўналишлар унинг камол топишида муҳим аҳамият касб этади.

Бу борада устозлар ташаббуси, халқимиз маънавиятининг тикланиши, бой тарихий меросимизнинг кенг ўрганилиши, уларга ҳурмат уйғотилиши, миллий анъаналаримиз ва урф-одатларимизнинг сақланиши ҳамда мазмунан бойитилиши, шунингдек, маданият, санъат, илм-фан, техника-технология, таълим-тарбия ҳар томонлама тараққий этишида муҳим рол ўйнайди.

Инсонни камолот сари етаклаш ҳақидаги таълимотлар муқаддас китобларимиз («Қуръони Карим», «Ҳадиси Шариф», «Авесто» ва шу кабилар)да доимо улуғланиб келинган. Бу борада Ватанимизда ўтмишда бу истиқболли орзу-истаклар доимий вазифага айланган ва у билан жамиятимизнинг ҳар қандай аъзоси шуғулланиши ҳам фарз, ҳам қарз бўлган. Айниқса, тарбия масаласи билан нафақат оила бошлиғи ёки таълим муассасалари мутасаддилари, балки юртимизнинг донишмандлари, зиёлилари (олимлар, шоирлар, ёзувчилар, тарихчилар, тасаввуф илми соҳиблари ва ҳ.к.), адолатпарвар ҳукмдорларнинг ҳам бош мақсадлари бўлган. Жумладан, комил инсон ҳақидаги юксак ғоялар Абу Наср Фаробийнинг Фозиллар жамияти («Фозил одамлар шаҳри»); Алишер Навоийнинг адолатли жамият қуриш ҳақидаги таълимоти; Имом ал-Бухорийнинг ҳадис илмининг султони эканлиги; Маҳмуд аз-Замаҳшарийнинг Жаруллоҳ («Оллоҳнинг қўшнисини»), деган юксак мақомга сазовор бўлиши; Аҳмад Яссавий хикматлари; Баҳоуддин Нақшбандийнинг «Дилинг Оллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин» («Дилба Ёру, даст-ба кор») йўналишларидаги таълимоти; Ат-Термизий ўғитлари; Хожа Ахрори Валийнинг «Шайхлар шайхи», деган улуғ номга сазовор бўлиши; Марғинович, Мотрудий, СуфийОллоёр, Ғиждувоний, Нажмиддин Кубро, Маҳмуди Аъзам ва шу кабиларнинг ислом фалсафасидан озиқланган «Илми Ҳадис» йўналишидаги таълимотлари; Юсуф Хос Ҳожиб, Аббос ал-Жавҳарий, Аҳмад Югнакий, Саккокийларнинг комил инсонлар ҳақидаги таълимотлари; Маҳаммад Мусо ал-Хоразмий ва Абу Райҳон ал-Берунийларнинг дунёвий кашфиётлари ва ҳамда ижтимоий-ахлоқий қарашлари; Абу Али ибн Сино тиббиёти ва унинг комил инсонни жисмонан ҳамда маънан соғлом қилиб тарбиялаш ғояси; Амир Темур давлатчилиги ва унинг адолатли ижтимоий-ташкilotчилик ишлари (Амир Темур адолатни куч билан, кучни эса адолат билан уйғунлаштирди. Соҳибқирон тамғасининг нақши «Ростирости» бўлиб, бу «Ҳақгўй бўлсанг – нажот топасан», демакдир); Мирзо Улуғбекнинг коинот ва оммавий таълим ҳақидаги таълимотлари; Мирзо Бобурнинг миллатлараро дўстликни, динлараро бағрикенгликни ва адолатни қадрлаш ҳамда таълимни (шу жумладан, Ўзбек алифбосини, яъни «Хатти Бобурий»ни) ислоҳ қилиш соҳасидаги ишлари; Маъмун Академияси «Донишмандлик уйи» («Байт ул-хикма»)лардаги маънавий-ахлоқий таълимотларида теран ифода этилган.

Бу ҳам ота-боболаримиз соғлом турмуш кечиришни асрлар давомида уқтириб келганлигидан ва ёш авлодга ҳар томонлама мукамал таълим-тарбия бериш, камолат сари етаклаш доимо долзарб бўлганлигидан далолат беради. Буларнинг исботи сифатида қуйидаги хикматлар ва мутафаккирларнинг айримларининг фикрларидан намуналар келтирамиз:

Буюк мутафаккирлар жумладан, Фаробий, Бухорий, Ибн Сино, Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон соҳасига олиб чиққан эдилар. Бизнинг мамлакатимиз минглаб машҳур олимларни чор-атрофга етказиб бериб, қўшнилари шарафини ҳам овоза қилиб, дунёга таратганди».

Абу Райхон Беруний (973-1048).«-Дўстлар ва хайрихоҳлар ёмонни яхши қилиб кўрсатишга, халал берадиганни тўсишга, гўзалликни изҳор этишга ва яхшиликларни қилишга тиришадилар;

- яхшилик хислатлари қуйидагилардир: тўғрилик, такводорлик, ўзини сақлаш, диндорлик, одиллик, камтарлик, мулойимлик, сиёсатбозлик ва бошқариш ишларида билимдонлик, тадбиркорлик, тўғри тахмин қила билиш;

- сезгилар бешта бўлиб, улар қулоқ билан эшитиш, кўз билан кўриш, бурун билан ҳидлаш, тил билан татиб ва тери билан тегиб билишдан иборат;

- киши табиати билолмаган нарсани билишга мойил бўлади».

Абу Али ибн Сино (980-1037).

«- Яхшилик ҳамма учун севимлидир;

- хулқ-атворнинг мўътадил бўлиши бадан саломатлигини сақлайди;

- иффат нималигини айттайми? Очкўзлик, яхши овқат, ичимлик ва Хотин-халажга берилишдан ўзини сақлаш иффатдир».

Маҳмуд Қошғарий (XI аср).

«- Очлик йилларида халқнинг қаерга боришини кузат, у қаерга борса, сен ҳам бор. Халқ мусибатларига елкадош бўлиш сенинг бурчингдир;

- кўнгли ва кўзи оч бўлган кишини куч билан тўқ ва бой қилишга интилма;

- меъеридан ортиқ бойлик – одам учун душмандир, ақлли одам молу дунёни севмайди;

- одам боласибарибирўлади, агар ҳаётидаяхшилик қилиб ўтган бўлса- унинг номи ўлмайди».

Демак, буюк боболаримизнинг ўлмас мероси бугунги ёшларнинг маънавий тарбиясида ва айниқса уларнинг миллий дунёқараши кенгайишида битмас-туганмас хазинадир. Уларни ибрат-намуна қилиб кўрсатиш орқали ёшлар онгида қуйидаги инсонпарварлик фазилатлари янада юксалади:- мардлик;- ботирлик;- паҳлавонлик;- меҳнатсеварлик;- катталарга хурмат ва кичикларга иззатда бўлишлик;- дўстлик ва муҳаббат туйғуларига садоқатли бўлишлик ва шу кабилар.

Бу борада олиб борилган кўп йиллик илмий изланишларимиз натижаларининг кўрсатишича, Миллий-маънавий қадриятларимиз ҳақидаги батафсил маълумотлар тайёрлаш, уларни ёшларимиз онгига сингдириш асосида талабалар илмий дунёқарашини кенгайтиришда уларга шахс ижодий камолоти кетма-кетлиги ҳақида маълумот бериш ижобий педагогик самараларни беради. Бу кетма-кетлик одам-шахс даражасига эришгандан кейинги интеллектуал салоҳиятга эга бўлгандан бошлаб баҳоланса, талабалар илмий дунёқарашини шакллантиришни тўғри йўлга қўйиш имконияти туғилади ва улардан таълим-тарбия жараёнида асосли равишда фойдаланишга эришилади. Хулоса қилиб айтганда, **умуминсоний** ва **илмий** қадриятлар бўлажак мутахассислар маънавиятининг шаклланишида, уларнинг касбий ривожланишида мустаҳкам асос бўлиб, унинг ёрдамида талабаларнинг илмий дунёқарашини кенгайтиришнинг самарали йўлларида бири кафолатланади. Бу эса «XXI аср – ақл-заковат асри – ахборотлашган жамият сари асри»даги узлуксиз таълим тизимининг фаол иштирокчисини тайёрлашга мустаҳкам асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”.Тошкент-“Ўзбекистон”2017й.35б.

2. Абу Наср Форобий. Фазилат, бахт-саодат ва камолот ҳақида. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 106.

3. Ёқубов А. Сихат–саломатлик йили: мазмун ва моҳият. – Тошкент: 2005. – 23 б.

ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯ ФАНЛАРИНИ ЎҚИТИШДА ИМОМ АЛ-БУХОРИЙ ҲАДИСЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Ахмедова Н. Катта ўқитувчи
Жиззах ДПИ*

Аннотация: В этой статье рассматриваются особенности использования хадисов Имама аль-Бухари в преподавании педагогической психологии, подчеркивая важность использования молодежи для формирования положительных качеств и качеств.

Resume: This article discusses the features of the use of the hadiths of Imam al-Bukhari in the teaching of educational psychology, emphasizing the importance of using youth to form positive qualities and qualities.

Мамлакатимиз мустақиллиги йиларида соғлом авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган бир пайтда соғлом турмуш тарзи, саломатликни сақлаш масалаларига бағишланган ҳадисларнинг тарбиявий аҳамияти ниҳоятда каттадир.

Таълим тарбия жараёнида баркамол авлодни миллий ва умуминсоний олтин меросимиздан бебаҳра қолдирмаслик бугуннинг далзарб масалаларидандир. Юртбошимиз Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Юксак маънавиятли, замонавий билим ва касб-хунарларга, уз мустақил фикрига эга булган ёшларни миллий ва умуминсоний кадриятлар руҳида тарбиялаш биз учун энг муҳим масалалардан биридир.

Айниқса педагогик психология фанларини ўқитишда ўрганиладиган миллий ва умуминсоний кадриятлар баркамол авлод шахсини унинг ахлоқий маданиятини шакллантириши билан бирга ёт ғояларга қарши курашишга чақиради. Инсонийлик, инсонпарварлик Ватанга муҳаббат ҳақида тарбия бериши билан “тарбия психологияси”ни ўрганишда талабаларда эзгулик ва гўзаллик туйғуларини мужассамлаштиради. ”Тарбия психологияси” мавзусини илм-фанда “Ҳадис илмининг амири” деб бир овоздан тан олинган Имом Исроил ал Бухорий ҳадислари меҳр-оқибат, саҳийлик, ота-она ва катталарга омад, етим-есирларга мурувват, Ватанга муҳаббат, меҳнатсеварлик, ҳалоллик, турли халқларнинг ўзаро дўст, тинч-тотув яшашлари каби инсоний фазилатлари баркамол авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга бўлган ўғитлар ўз ифодасини топган.

Аввало Ҳадис ислом оламида пайҳамбар Муҳаммад алайҳис ва саломнинг ҳислатлари, ҳатти-ҳаракатлари диний ва ахлоқий кўрсатмалари ҳақида маълумот берувчи дидактик ҳарактердаги таълимот ҳисобланади.

Ҳадиснавислар ичида Имом Исмоил ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти диққатга сазовордир. Бу зот жуда кўп мамлакатларни кезиб, олиму фузалолар билан ўзаро алоқада бўлган, кўплаб манбаларни ўрганиб, 600 мингдан ортиқ ҳадис тўплаган.

Имом Исроил Бухорийнинг мусулмонлар учун Қуръони каримдан кейинги мақомда ҳисобланган “Ал-Жомий ас-саҳих” асари араб тилидан ўзбек тилига таржима қилинган.

Имом Исроил Бухорийнинг “Ал-адаб ал-муфрад (Адаб дурдоналари) “Китоб асмон ис-сиҳота” (саҳобалар ҳақида китоб) “Китоб афъал их-ибод” (бандаларнинг қилмишлари ҳақида китоб), “Тарихи Бухоро” (Бухоро тарихи), “Ал Жомий ас-саҳиҳ (Ишончли тўплам), каби кўплаб ахлоқ-одобга оид асарлари мавжуддир. Имом Бухорий “Ахлоқнинг яхши бўлиши, таомнинг покизалиги, ростлик ва омонатга хиёнат қилмаслик-мана шу тўрт хислатни Аллоҳ Таоло сенга берган бўлса, дунёвий ишлардан четда қолган бўлсанг ҳам, зарари йўқдир”, - деб ёзади.

Имом Исроил Бухорийнинг “ҳаром нарсалардан сақланинг- одамлар ичида иборатли бўласиз. Ўзингиз севган нарсани одамларга ҳам раво кўринг-саломат юрасиз”. “Мен ҳазрати Ойша ҳузурларига кирдим. Шунда у зот менга: озгина сабр эт, мен лунгимни тикиб олай,- дедилар. Мен ул зотга агар бу воқеани чиқиб одамларга гапирсам улар сизни албатта бахил деб ҳисоблашади, дедим. Ойша: “Майли, ўзинг биласан. Эски кийим киймайдиган кишида янги кийим бўлмайди”, ёки “Ҳақиқий мўминнинг кўлидан ҳам, тилидан ҳам мўминлар озор топмайдилар” каби ҳадисларида одамларнинг бир-бирига бўлган меҳри, фарзанднинг ота-онасига муҳаббати, шогирдларнинг устозларига ҳурмати, инсонларнинг ўз ғоялари мусулмон дини аҳкомларига садоқати, мўминларнинг мўминларга шафқати, фозилларнинг фозилларга заковати ҳақидаги фикрлари бугунги кунда ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эгадир.

Баркамол авлодни тарбиялаш педагоглардан алоҳида эътиборни талаб қилади. Баркамол авлодни ҳаётга тайёрлашда кўп асрлар давомида халқимиз томонидан, уларнинг миллий урф-одатларидан, анъаналаридан тажрибалар халқ томонидан яратилган ижод намуналаридан ва илмий амалий асарлари ва қолдирган бой меросларида ўз ифодасини топган. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки илм –фанда ҳадис илмининг амири деб тан олинган Имом Исроил Ал-Бухорий ҳадислари кўп ақл дурдоналарини ёшлар томонидан янада кўпроқ ўзлаштирилиши бугунги мустақил Ўзбекистон эҳтиёжларига мос келиб ахлоқий фазилатларни ўрганиш яъни педагогик психология фанларини ўқитишда ёшларда ажойиб ички кечинмалар, ҳис-туйғулар уйғотади. Хуллас Имом Исроил ал-Бухорий ҳадислари ёшларни меҳнатсеварлик ва эрксеварлик, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам мустаҳкам ирода, вазминлик билан иш тутиш ва омилкорлик, келажакка, инсонга доир удум ва анъаналар руҳида шунингдек шахс илмий дунёқарашини шакллантиришга катта имконият беради. Ал-Бухорий ҳадислари узоқ тарихга эга бўлган мусулмон халқларининг руҳий ҳолатлари маданияти, қадрияти, байрам анъаналари ҳақида маълумот беради. Улар ўзининг чуқур психологик мазмуни, ёшларнинг маънавий ва жисмоний соғлом бўлиши ,соғлом турмуш тарзи руҳида ҳаёт кечириши маънавий маданиятини шакллантиришидаги бой тарбиявий имкониятлари ҳамда Шарқ халқларининг қимматли асори-атиқаси сифатида ёшлар тарбиясида катта аҳамиятга эга.

Имом ал-Бухорий ҳадислари ўз Ватанини севувчи унинг равнақи ва истиқболи учун фидоий ёшларимиз, баркамол авлод учун албатта дастурамал бўлиб қолиши шубҳасиздир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ш.М.Мирзиёев. “Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз”.Тошкент-“Ўзбекистон”2017й.88б.
2. О.Мусурмонова ва б. “Маънавий баркамол шахсни шакллантириш-жамият тараққиётининг асосидир”.Тошкент-“Фан ва технология” 2012й 52б.

НАВОИЙ РУҲИЙ ОЛАМИНИ ТАСВИРЛАШДА ЎЗИНИКИ БЎЛМАГАН КЎЧИРМА ГАПЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Сиддиқова Ш. И., -PhD
Жиззах ДПИ

Аннотация. В данной статье рассматриваются лингвистические особенности использования неспецифических цитат при описании духовного мира Навои.

Annotation. This article discusses the linguistic and peculiarities of using non-specific quotations in describing the spiritual world of Navoi.

Янги кишини шакллантиришда ғоявий, ахлоқий, нафосат таъсир кучини ўзида мужассамлаштирган бадий асарга хос тасвирий воситалар, ўзига хос хусусиятлар ўқувчига тушунарли бўлган тақдирдагина унинг тарбиявий аҳамияти, таъсир кучи тўлиқ намоён бўлади. Бунинг учун эса бадий асар тилини лисоний таҳлил қилмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиш қийин.

Хусусан, ёзувчи Ойбек ўзининг “Навоий” романида Алишер Навоийнинг “ички” нутқини ўзиники бўлмаган кўчирма гап орқали тасвирлайди: ”Шоир ғазални китоб орасига солди. Енгилланиб ўрнидан турди-да, қалам ва довотни тоқчага олиб қўйди. Тоқчалардаги чиройли хитой идишларга, фил тишидан ишланган ажойиб, мўъжаз қутичаларга разм солди. У чиройли нарсаларни, ингичк асанъат намуналари бўлган буюмларни севар эди. У ўйлади: “Хуросонда санъатнинг турли бобларид аажойиб моҳир санъаткорлар бор. Ҳунармандлар ўртасида ажойиб истеъдодли, сердиққат, серзавқ одамлар жуда кўп. Нима учун, масалан, хитойи чинниларни, хитойи шохиларни, Кашмир шолларини Ҳиротда яратмоқ мумкин бўлмасин! Уларни санъат ва ҳунарнинг олий ғояларига ташвиқ этмоқ керак, улар учун керакли асбобларни топмоқ керак”... Яна шоирона хаёлга, тафаккурга берилди. “Бир соатлик тафаккур бирй иллик тоат ибодатдан нафзал!” Юқоридаги парчада ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар орқали бадий асар қахрамоннинг теран мушоҳадалари муаллифнинг оҳидан ўтказилган ва замонасининг холис кишиси сиймосини моҳирона кўрсатиб берган. “Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг яна бир белгисини алоҳида таъкидлаб кўрсатиш мумкин. Баён қилишнинг бу усули китобхон-автор-персонаж ўртасидаги мураккаб алоқани янада кенгайтириш, мустаҳкамлаш, айниқса, китобхонга қахрамоннинг руҳий оламини кўз-кўз қилиш функциясини адо этади. Зотан, санъатнинг, шу жумладан, бадий сўз санъатининг асосий моҳияти ҳам санъаткор ҳис қилган бирор туйғу кайфиятни ўқувчига, китобхонга етказишдан иборат”. “Бу танҳо гўзал кеча, ҳалиги қонли рўё шоирнинг фикридан узоқ, эски бир хотирани жонлантирди. Юрагининг то қаърида бир ҳасрат оловланиб бутун фикрини, бутун борлигини куйдириб қовжиратгандай бўлди... Қани у дилбар? Қани у, шеърнинг, илҳомининг туганмас нур-чашимаси? Ҳайҳот, уни қайдан топсин! Қуюндек саҳроларда югурсин, сарвойининг булутларидек ўкириб, кўз ёшларидан селлар оқсин-унинг изига етишмас. Унинг изларига шоир яна бир қатла кўзларини сурса эди, кўзларида бутун умр наишъа ёнарди. Йўқ, у гулни раҳмсиз қўллар узган. Кошки шоирнинг ҳаёти узилса эди! Унинг излари бу дунёдан учган. Абадият алвидо, севги! Буюк сирга, афсонага айланган муҳаббат, алвидо!” Ойбекнинг “Навоий” романидан келтирилган юқоридаги парчада шоир ички кечинмаларининг кескин тус

олиши, ўзини-ўзи сўроққа тутиши, ҳар бир сўроғига қалбидан жавоб излаш орқали китобхон билан дардлашгандай бўлади. Бу билан асар қахрамонининг руҳий олами, изтироблари ўзиники бўлмаган кўчирма гап орқали ёзувчи томонидан усталик билан индивидуаллаштирилади. Романдан олинган парчаларни таҳлил қилар эканмиз, атоқли ёзувчи, олим П.Қодировнинг куйидаги фикрларини эслаш лозим: "... Баъзи тилшунослар бадий асарнинг тилини эстетика қонунлари нуқтаи назаридан ҳам тадқиқ қилиш кераклигини унутиб қўядилар. Ёзувчининг бадий тил воситаси билан қандай образ ва характерлар яратишини таҳлил қилиш ўрнига лексика, семантика ва синтаксис қоидаларига муаллиф қандай риоя қилганлигини айтиш билан чекланадилар. Албатта, ёзувчи саводли одам бўлиши, грамматика қоидаларини билиши керак. Лекин ёзувчидан фақат шуни талаб қилиш унга жуда ибтидоий муносабатни билдиради. Умуман, бадий асар тилининг ўзига хос хусусиятларини лингвистик терминология ва қоидалар ёрдами билан очиб бўлмайди. Лингвистик анализ бадий асар тилининг тилшунослик фани учун зарур бўлган томонларинигина очиб беради. Лекин бадий асар тили адабий асарнинг бошқа барча компонентлари билан узвий бирликда яшайди. Шунинг учун бадий тилнинг ғоявий-эстетик хусусиятларини адабиётшунослик фанига хос методлар билан тадқиқ этиш керак". Бунга Ойбекнинг "Навоий" романидан келтирилган яна бир парчада кўришимиз мумкин: "Шоир ўз хонасида танҳо ўтиради. Нечундир улар куёшининг шомга кираётганини у кейинги вақтларда, ёлғиз қоларкан, кўпроқ ўйлай бошлади. Ўлим дўстларни бир-бир чақирмоқда. Ҳасан Ардашер қани? Пир Муаммой, жонажон Муҳаммад Саид паҳлавон қани? Жомий қани?" Бу ўринда ўзиники бўлмаган кўчирма гап ўзига хос грамматик, лингвостилистик хусусиятга эга бўлиб, асар тилига бадийлик, таъсирчанлик ифодалаш билан бирга шоир умрининг сўнгида амалга оширган эзгу ишлари, улгурмай қолган амаллари хусусидаги сарҳисобини тўлароқ ёритишга имкон берган. Тилшуносликка доир тадқиқотларда лексик бирликлар ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг асосий белгилари сифатида қайд этилади. Ҳар бир тилда услубий восита сифатида қўлланилган ўзга гапнинг бир қатор турлари ва бу турларнинг ўзига хос белгилари мавжуд. Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларнинг шаклий-грамматик белгилари сифатида бундай гаплар таркибида замон, шахс категорияларига оид бирликларнинг қатъий эмаслиги, уларда кириш, модал сўзлар, юкламаларнинг қўлланишида кўринади.

Ўзиники бўлмаган кўчирма гапларда лексик усуллар муаллиф нутқида маълум бир воқеа-ҳодиса ёки турли нарсалар тўғрисида ҳикоя қилиш жараёнида киритилиб ўз мазмун-моҳиятига кўра биргина муаллифга тегишли бўлмай, бир вақтнинг ўзида нутқий фаолият доирасида амал қилувчи муаллифга ҳам, персонажга ҳам тегишли бўлиш имкониятига эга бўлади. Муаллиф томонидан тасвирлаш кўзда тутилган нутқ предмети персонажнинг субъектив қарашлари, идрок этишини билдирувчи сўзлар воситасида ифодаланади. Бундай сўзлар таъсирчан, услубий бўёқдор бўлиб, персонажнинг нутқий муомаласи, фикр ифодалашининг ўзига хос услубини кўрсатиб туради.. Бундай ҳолларда муаллиф томонидан ифодалаш кўзда тутилган фикрлар унинг тилидан эмас, балки ўзга нуқтаи назаридан, табиийки, бошқа сўзлар воситасида акс этади.

Хуллас, ўзиники бўлмаган кўчирма гаплар муаммоси катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг моҳиятини аниқлаш ва чегараларини белгилаш синтаксисдан ташқари инсон омили билан боғлиқ бўлган когнитив фанлар ҳақида ҳам фикр юритишни тақозо қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Лапасов Ж. Бадиий матн ва лисоний таҳлил. Тошкент. 1995. 3-бет.
2. Йўлдошев Б. , Исроилов С. Ўзиники бўлмаган кўчирма гапнинг грамматик-стилистик хусусиятлари ва бадиий текстдаги ўрни. Самарқанд. 1991. 54-бет.
3. Адабиётназарияси. 2 томлик. 1-том... 313-бет.

YOSH AVLODNI TARBIYALASHDA XALQ PEDAGOGIKASI- MILLIY TARBIYANING OMILIDIR

*Bayturayeva N- katta o'qituvchi
Jizzax DPI*

Annotatsiya:

Статья посвящена раскрытию роли народной педагогики в национальном воспитании подрастающего поколения. Авторами предложены рекомендации по данному вопросу.

Annotation:

Article devoted to the disclosure of the role of folk pedagogy in the national education of the young generation. The authors offered recommendations on this issue.

O'zbek xalq pedagogikasi qamrovini hoyatda keng, serqirra tushuncha bo'lib, u shu xalq paydo bo'lgan butun bir davrni o'zichiga oladi. Xalq donishmandligi va odobnomasining bu nodir sohasi ijtimoiy va maishiy-axloqiy hayotning barcha tomonlari-xalq og'zaki ijodi, qadrshunosligi, udumshunosligi va marosimshunosligining yetakchi yo'nalishlarini, diniy axloqiy ta'limotni qamrab olishi bilan xarakterlanadi.

Tarixdan ma'lumki, har bir xalq o'z tarixini anglashi, u bilan faxrlanishi jamoa va shaxs rivoj topishining omilidir. O'zlikni anglash ma'navi yqadriyatlarning poydevoridir. Bo'lajak raqobatbardosh pedagog kadrlarni xalqimizning muqaddas qadriyatlari asosida tarbiyalash pedagogika yo'nalishidagi oliy ta'lim muassasalari oldidagi asosiy vazifalardandir.

Tarbiya ijtimoiy-tarixiy zaruriyat va ehtiyojdir. Shu bois har bir millatning etnopedagogik xususiyatlariga xos bo'lgan milliy tarbiyasi o'sha millatning yashash jarayonida, oila ehtiyojlari asosida yuzaga keladi. Bu xususiyatlar asrlar sinovidan o'tib, sayqal topib, mukammallashgan va shu millat manfaatlarini himoya qilishga qodir bo'lgan milliy tarbiyaga aylangan.

Milliy tarbiyaning etnopedagogik xususiyatlarining maqsad va manfaatlari inson farzandining baxtli-saodatli, mehr-oqibatli bo'lishiga xizmat qilgan. Shu bois o'zbek xalqining tarixiy an'analari, urf-odatlar, udumi, rasm-rusumlari, ma'naviy qadriyatlari, muloqo tko'rinishlari mukammalligi, nodirligi, betakrorligi bilan muhim ahamiyat kasb etib kelmoqda.

Milliy tarbiya bolalar ongini o'zi yashagan muayyan jamiyatning maqsad va vazifalarga muvofiq ravishda tarkib toptirish, rivojlantirish jarayoniga aylanib, kishilarning iqtisodiy, madaniy hayotda faol ishtirok etishi kabi barcha ijobiy ta'sirlarning majmuasi hisoblangan.

Har bir millat o'z tarixiy ijtimoiy taraqqiyoti mobaynida boy og'zaki meros (ertak, doston, qo'shiq, topishmoq, tez aytish, masal, matal, maqol, rivoyat, hikoya) yaratgan va ulardan tarbiyaviy vosita sifatida foydalangan, natijada xalq og'zaki va yozma yodgorliklar eng muhim tarbiyaviy vosita manbaiga aylangan hamda ulardan tarbiya jarayonida foydalanilgan.

Etnopedagogik ta'limotga ko'ra, milliy tarbiya ajdodlarimizdan meros bo'lib qolgan bola tarbiyasiga oid bebaho xulosalar, yechimlar aks etgan bitmas-tuganmas xalq durdonalar ihisoblanmish rivoyat, ertak, afsona va dostonlarga murojaat etish, undan oqilona foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Etnopedagogika shunday saboq beradiki, sharq xalqlari, jumladan, o'zbeklar bolalar tarbiyasiga befarq qaramagan, hayotdagi har qanday xatti-harakatning ham oqibati to'g'ri baholangan. Bolalarning yosh xususiyatlarini hisobga olib, ijobiy ta'sir ko'rsatish yo'li va vositalari yaratilgan. "Bir bolaga yetti mahalla ota-ona", deb bejiz aytilmagan. Noaxloqiy xatti-harakatlarni qisqa, ammo o'ta tarbiyaviy ahamiyatga ega bo'lgan "yomon bo'ladi" iborasi bilan tavsiflashgan. Masalan, xalqimizning qadim-qadimdan amal qilib kelayotgan odob-axloq qoidalariga ko'ra, nonga hurmat ulug'langan va non ushog'I bexosdan yerga tushib ketsa "uvol bo'ladi" deb, uni qo'lga olib, ko'zga surilgan yoki chetga olib qo'yilgan.

Suvga tuflash "gunoh" bo'ladi, "yomon bo'ladi" deb bolalarga tushun tirilgan. Qadim-qadimdan hovuzlarning suvi haftalab, oylab toza turgan. Biror kishi uni "harom" qilishga botina olmagan.

Otaga tik qarash, ters javob berish, qizlarga, xotin-qizlarga behayolik qilish "yomon bo'lishi"ni bolalarga yoshlik paytlaridan tushuntirilgan. Bunda bolaning yoshi, xatti-harakatlari, o'zlariga xosxususiyatlari hisobga olingan. Ayrimlariga noaxloqiy harakatlarnin gyomonligi hadisi shariflardan misollar keltirish, hikoyalar aytib berish orqali ifodalansa, ayrim yoshdagi bolalar ota-onalar, mahalla-ko'y, qo'ni qo'shnilarnin gibratli hayotlari namunasida tarbiyalangan. Masalan, musulmon farzandi quyosh chiqquncha uxlasa "yomon bo'ladi", bu kundalikrizqimizdan benasib qolamiz deganidir kabi iboralar bolalarni erta turishga, shu o'rinda mehnatsevarlikka undagan. Hayvonlarga, parranda-qushlarga tosh otma, , ekinlarni payhon qilma yomonbo'ladi", iborasi orqali ona tabiatga hurmat va mehr, uni avaylab-asrashga da'vat etilgan.

Oilada yangi inson – farzandning dunyoga kelishini barcha xalqlar qadim-qadimdan kishi hayotidagi eng quvonchli hodisa sifatida nishonlab kelishgan. Xalqimiz shu quvonchni ifoda etuvchi urf-odatlarini ijod etishgan. O'zbeklarning qadimiy urf-odatlariga ko'ra, yangi chaqaloqning dunyoga kelish ifaqtgina uning ota-onasi uchungina emas, balki hamma qarindosh-urug'lari va mahalla-ko'y uchun sevinchli hodisa hisoblangan. Hozirga qadar saqlanib kelayotgan xalqimizning etnopedagogik urf-odatlaridan yana biri – yangi chaqaloq sharafiga mevali daraxt ko'chati o'tqazilishidir. Bu bilan xalqimiz vakillari yangi chaqaloqning dunyoga kelishini an'anaviy marosimga aylantirish va tabiatga mehr-muhabbat uyg'otibgina qolmasdan, balki kelgusi avlodlar hayotining farovonlashishini ham ko'zlashgan.

O'zbek oilasida an'anaviy tarbiya hamisha bosh mezon bo'lib kelgan va undagi ma'naviy muhit muhim o'rin tutadi. "Qush uyasida ko'rganini qiladi" deyilgan xalqimizning mashhur maqoli aynan oiladagi ma'naviy tarbiyani, muhitnashakllantirishda muhim vositadir. Ota-onaning bir-birlariga bo'lgan munosabatlaridan bola andoza oladi va o'zi ham shunga intiladi. Yuqoridagi fikrlardan kelib chiqib, oiladagi ma'naviy tarbiyani shakllantirishdagi omillardan quyidagilarni tavsiya sifatida ko'rsatish mumkin:

- Farzandlarda ota-onaga, aka-ukaga, opa-singil, qarindosh-urug'larga, keksakishilarga hurmat hissini shakllantirish;
- Ularning madaniyat va san'atga e'tiborini jalb etish, badiiy-esteti ktarbiyasiga ahamiyat berish;

- Yoshlarga ota-bobolarimizdan meros bo'lib kelgan dasturxon odobi, mehmondorchilik, muomala odobi singari ko'nikmalarni singdirish;
- Oilada ijtimoiy, ma'naviy-muhitni sog'lomlashtirish yo'lida olib borilayotgan tadbirlarni amalga oshirishda farzandlar tarbiyasiga alohida e'tibor berish;
- Oiladagi ma'naviy muhitni shakllantirishda umumiy tarzda ota-ona, aka-uka opa-singil, qarindoshlarga bo'lgan yaxshi munosabatlarni o'zlashtirishni bosh mezon deb tushunish va h.k.

Xullas, etnopedagogik nuqtai nazardan qaraganda milliy tarbiyamizda oilaviy turmushdagi va ijtimoiy hayotdagi ishaxs xislatlari asosiy mezon bo'lib kelgan va hozirgi kunlarda ham bolalarni tarbiyalashda bu mezonlarga amal qilinadi. Chunki ming-ming yiliardan buyont ajribada sinalgan, mustaqil vatanimizda ulug' qadriyatga aylangan milliy tarbiyaviy mezon yanada rivojlanib boraveradi.

Insonparvarlik – bu o'zbek xalqi milliy ruhiyatining ajralmas fazilatidir. Shafqatsizlik va zo'ravonlik uning tabiatiga yotdir. O'zbek oilasida bugungi kunda yaxshilik va yorug'lik, bolalarga mehr, kattalarga hurmat, yaqinlarga va boshqalarning qayg'usiga hamdardlik mujassamlashgan.

Xalqimizning ma'naviy qiyofasini belgilaydigan mehmondo'stlik, kattalarga hurmat, serfarzand oilalarga ag'amxo'rlik qilish, to'y va marosimlarda o'zaro yordamlashish, hashar, oilada bir-birlariga ko'maklashish, himmatlilik, oila buzilishiga yo'lqo'ymaslik kabi udumlar insonparvarlikning asosini belgilaydi.

O'zbekistonda fuqarolik jamiyati institutlarining asosiy vazifasi insonparvarlikni amalga oshirishga qaratilgan. Ularning maqsadi odamlarga mehr-shafqat, muruvvat qiynalganlarga madad, muhtojlarga yordam, xayr-ehson, mehr-muruvvat ko'rsatishdir. Ijtimoiy himoya davlatimiz siyosatining beshta tamoyilidan biridir.

Bu yaxshi tashabbus, albatta. Chunki insof, odamgarchilik, mehr-shafqat, xayr-ehson kabi ming yillar davomida kishilikning ezgulik ishlari bo'lib kelgan tushunchalar odamla rorasida keng o'rinolishi lozim.

Bugungi global rivojlanis hdavrida xalq pedagogikasini takomillashtirish zarurati vujudga kelmoqda. Ya'ni yosh avlodga milliy mafkuramizni singdirish va ularda xalq pedagogikasi yo'nalishlari bo'yicha mafkuraviy immunitetni shakllantirish zarurati paydo bo'ldi. Xalq pedagogikasi yosh avlodni tarbiyalash, ularni mehnat faoliyatiga tayyorlashning juda ko'p vositalari, metodlari va usullariga ega. Xalq pedagogikasida tarbiyalanuvchilarni ishontirish, ko'niktirish, ular xulqi, mehnati va xatti-harakatlarini rag'batlantirish hamda baholash metodlari ham qadimdan ma'lum.

Tarbiyalanuvchining xatti-harakatlari xalq ma'naviyatiga muvofiq bo'lishi uchun birinchi galda o'z xulqi to'g'riligi va noto'g'riligiga ishontirish, unda axloqiylik va axloqsizlik, adolat va adolatsizlik haqida aniq asavvur hosil qilish lozim. Tarbiyalanuvchilarni ishontirish uchun xalq estetik me'yorlarini tushuntirish, o'gitlar berish, eslatish, iltimos, istak bildirish, talab qilish, maslahat va boshqa tadbirlarni qo'llash kerak. Xalq pedagogikasida iltimos va istaklardan talab sifatida foydalanilgan. Ota-onalar aksariyat hollarda o'z bolalariga iltimo stariqasida topshiriqlar berishgan.

Bugungi zamonaviy ta'lim-tarbiya jarayonida oilaning o'rni yuqoridagi ijtimoiy maqomga erishish uchun ko'proq negative holatlarni tarbiya uchun ibrat qilmayaptimi? Masalan, ota-o'g'ilning mulk talashishi, onaning farzandlarin itashlab ketishi, aka-uka o'z farzandlari oldidab bir-birini meros uchun sudga berishi, ota farzandlarinin gtarbiyasi bilan

shug'ullanish o'rniga uylanish dardida yurishi, qo'shnilarning bir-birini kaltaklashi, qo'shnisining uyida aza bo'lsa, yon qo'shnisi to'y qilishi – bularning barchasi yoshlarga “hayot mana shunday” degan “ibrat”ga, “namuna”ga asos emasmi? Onalar alla aytmay qo'ydi, bobo-momolar ertak, rivoyat aytishni bilmayaptilar, o'qituvchi darslikdan tashqari ma'lumot o'qimaydi, natijada o'quvchi ibratn ikimdan o'rgansin? Muammolar talaygina, yechimini yana o'zimizdan topamiz, buning uchun quyidagi vazifalarga e'tibor qaratishni istardik:

- Pedagogika oiliy ta'lim muassasalarining talaba tanlovi fanlari, qo'shimcha fanlar bloklariga ajratilgan o'quv soatlariga “Milliy tarbiya asoslari”, “Xalq pedagogikasi”, “Ta'lim va tarbiyaning dolzarb muammolari”, “Ta'lim-tarbiyada milliy qadriyatlar” kabi o'quv kurslarini tashkil etish;

- Umumiy o'rta ta'lim maktablarida o'quvchilar orasida “Ertaksevar”, “Hozirjavob”, “Zakovatlizukko” kabi tanlovlarni xalq og'zaki ijodi janrlari va milliy qadriyatlar asosida tashkil etish;

- “Mening ertakchi momom”, “Mening ertakchi bobom” nomli insholar tanlovini har bir maktabda o'tkazish;

- kasb-hunar kollejlari va oliy ta'lim muassasalari o'quvchi talabalarining mustaqil ishlarida xalq pedagogikasi namunalari asosida taqdimot, referat, animatsiya, multi-mediaga asoslangan mustaqil ish topshiriqlarini rejalashtirish;

- mahallalarda “Ibratli ioila” tanlovlarini o'tkazish;

- yosh o'qituvchilarni o'zbek xalqining qadimiy qadriyatlarida ifodalangan fazilatlar bilan qurollantirish va ularni yoshlar tarbiyasiga tayyorlash;

- uzluksiz ta'lim izimida milliy tarbiyaga oid axloqiy-mafkuraviy vaj ismoniy yetuklik, imon-e'tiqod borasida ilk ta'lim-tarbiya beruvchi mutaxassislarini tayyorlash va ular orqali milliy g'oyalarni yoshlarga yetkazish;

- xalq og'zaki ijodi tom ma'noda odobnoma bo'lib, xalq pedagogikasining ajralmas qismi ekanligini, bugungi kunda xalqimiz tomonidan yillar davomida shakllangan xalq og'zaki ijodi namunalarni keyingi avlodga yetkazish mexanizmlarini rivojlantirish;

- xalq sayillari, bayramlarni kengnishonlash va ularda ifodalangan urf-odat va marosimlarni qadriyat sifatida yoshlar ongiga singdirish va h.k.

Xulosa tariqasida shuni ta'kidlashni istardikki, “O'zbek xalq pedagogikasi” va uning asosiy manbalaridan bo'lmish xalq og'zaki ijodida inson ma'naviy-ruhiyatidagi yaxshilik, ezgulik, ahillik, qadr-qimmat va sha'nini ulug'lovchi sahifalar rang-barangdir, Hozirgi zamon ta'lim-tarbiyasi, istiqlol mafkurasi shumerosdan oziqlansa, uning eng yaxshi sahifalarini, qoidalarini qabul qilsa, o'z oldiga qo'ygan maqsadlarga erisha oladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. - T.: O'zbekiston NMIU, 2017.

2. Ziyomuxammadov B. Milliy pedagogic texnologiyani ta'lim-tarbiya jarayoniga tatbig'i va uni yoshlar intellectual salohiyatini yuksaltirishdagi o'rni. - T.: Mumtozso'z, 2010, 240-241-betlar.

3. Milliy pedagogik amohiyati. Umum ta'lim maktablar o'qituvchilari uchun qo'llanma. - T., 2013, 61-162-betlar.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК МЕРОСИНИ ЎРГАНИШ ИМКОНИАТЛАРИНИ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИГА ТАДБИҚ ЭТИШ

Санакулова З.А- катта ўқитувчи
Жиззах ДПИ

Annotation:

This article deals with the educational opportunities of educational values, spiritual and pedagogical heritage by Eastern philosophers of the IX-XII centuries for the moral education of youth in the process education. In addition, the rides of the lesson by dividing the students into small groups in the process of continuous education are given.

Annotatsiya:

В данной статье раскрываются воспитательные возможности воспитательных ценностей, духовно-педагогического наследия созданные восточными мыслителями в IX-XII вв.. при нравственном воспитании молодежи в процессе образования. Наряду с этим раскрыты правила проведения урока путем разделения учащихся на мелкие группы в процессе образования.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти И.А.Каримов “Мустақиллик биз учун аввало ўзлимизни англаш, инсонийқадримизни, урф-одат ва қадриятларимизни. муқаддас ислом динимизни, буюк аждодларимиз. азиз-авлиёва алломаларимизнинг табаррук номлари ва меросини, Гурур ва ифтихоримизни тиклаш, ёш авлодимизни миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбиялаш каби беқиёс имкониятлар очиб берганиниалоҳида таъкидлаш зарур”лигини ёшларга уқтиради³⁰.

Бугунги кунда таълим жараёнида ёш авлодни тарбиялашда улуғ алломаларимизнинг педагогик меросидан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратишлозим. Чунки, IX-XII асрларла фаолият кўрсатган Шарқ мутафаккирларининг педагогик меросида инсон одоби, ахлоқи, иймон-эътиқоди, виждони, эркинлиги, оила, фарзанд тарбияси масалалари назарий жиҳатдан асослаб берилган. Уларнинг тарбиявий қадриятлари, дидактик асарлари бугунги кунда ҳамёшлар таълим-тарбиясига улкан ҳисса кўшиб келмокда. Бу эса таълим жараёнининг барча босқичларида, жумладан, мактабгача таълим, умумий ўрта ва олий таълим муассасаларида ҳам бир хилда амалга оширилиши керак.

Таълим жараёнида ижтимоий-гуманитар туркум фанлари кесимида IX-XII асрларда фаолият кўрсатган шарқ мутафаккирларининг тарбиявий қадриятлари, бой педагогик мероси, ёш авлод таълим-тарбиясига оид қарашлари, айниқса, ахлоқ-одоб, инсоф, диёнат, иймон, эътиқод, виждон, меҳнатсеварлик хусусидаги ғоялари баркамол шахсни ҳар томонлама вауйғун ривожлантиришда асосий восита бўлиб хизмат қилади. Таълимий-ахлоқий қарашларида асосий ўрин тутган ватанпарварлик, эркинлик, инсонпарварлик, меҳнатсеварлик, иймон-эътиқодлилик, ҳалоллик, ахлоқий поклик, одиллик, биродарлик, ҳурфикрлилик каби баркамол инсонтарбиясига хос ғояларни ёш авлод онгига сннгдириш муҳим дидактик қимматга эга.

Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросларини синф дарс тизимида, синфдан ташқари ва мактабдан ташқари тарбия жараёнларига тадбиқ этиш зарур.

1. ³⁰Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир // Тошкент: Ўзбекистон. - 2015. 304 б.

Илмий манбалар таҳлилидан маълумки, мутафаккирларнинг тарбиявий қадриятлари, педагогик мероси марказида баркамол шахстарбияси масаласи туради. Таълим жараёнида баркамол шахсни шакллантиришда унинг маънавий-ахлоқий, ақлий, жисмоний тарбиясига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Таълим-тарбия воситасида бутун инсоният, айниқса ёшларнинг маънавий баркамоллиги қарор топтиради. Шунингдек, шахс дунёқараши, эътиқоди, эзгулик, гўзаллик, яхшилик, адолатлилик каби шахсий сифатлари айнан таълим-тарбия асосида шакллантирилади. Шу нуқтаи назардан шарқона таълим-тарбия миллий қадрият ҳисобланади. Мазкур қадрият воситасида ёш авлодни тарбиялаш, уларга таълим бериш бугунги куннинг долзарб масалаларидан биридир.

Буюк олим Абу Райхон Беруний Маъмун академиясида фаолият кўрсатган вақтда ўрта асрларнинг асосий фанлари: астрономия, физика, математика, геодезия, география, геология фармокогнозия, фалсафа, хронология, фанлар тарихи ва бошқалар соҳаларга улкан ҳисса қўшган. Шу билан бир қаторда у ёшлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратган.

Абу Райхон Берунийнинг ёш авлод тарбиясига оид қадриятлардан олий таълим жараёнида фойдаланиш кутилган самарадорликка эришиш имконини беради. Унинг тарбиявий мероси ўзбек халқи маънавий бойлиги сифатида жаҳон маданиятига муҳим ҳисса қўшган.

Абу Наср Фаробийнинг фикрича тарбия бериш усули 2 турли бўлади: аввалги усул санъатни ўз рағбатлари билан ўрганувчиларга ишлатилган усул. Иккинчи усул эса мажбурий равишда тарбияланувчиларни тарбиялаш учун ишлатилган усул. Болалар устида турган одам эса муаллим бўлиб, у болаларга тарбия беришда турли тарбия усуллари билан фойдаланади³¹.

Қомусий олимларимиздан бири Абу Али Ибн Сино болаларни алоҳида алоҳида ўқитишдан кўра, жамоа тартибида ўқитишни афзал деб билади ва унинг устунлиги ҳақида шундай ёзади: “ўқувчилар ўқиш ва тарбия давомида илмга чанқоқлик сезадилар. Ўз билимлари билан ғурурланадилар, бир бирларининг билимларига хавас қиладилар. Ғурур ва ўзига эътибор тарбияланувчиларни бир биридан орқада қолмасликка ундайди.”³²

Таълим жараёнида ёш авлоднинг тарбиясида ривожлантириш учун Шарқ мутафаккирларининг тарбияга оид қадриятларидан фойдаланиш, маънавий-маърифий қарашларини ўрганиш ва уларнинг имкониятларини тўлиқ таҳлил қилиш зарур.

Шу билан бир қаторда, таълим жараёнида ўқувчигалабаларни кичик гуруҳларга бўлиб дарс ўқишда қуйидаги қоидаларга амал қилиш зарур. Жумладан: дарс материалларини эгаллаш, берилган топшириқларни ўзлаштириш жараёнида ўқувчигалабалар жамоа бўлиб ишлашга одатланиб борадилар. Бу жараёнда ўқитувчилар кузатувчи, эксперт ролини бажаришлари керак.

Кичик гуруҳларни тузишда ҳеч бир нарсаяътибордан четда қолмаслик зарур. Масалан, гуруҳларда турлича билим даражасига эга бўлган ўқувчигалабалар, бир хил тақсимланиши, кичик гуруҳнинг таркиби (қизлар, йигитлар) аралаш бўлиши, яъни гендер хусусиятлар ҳисобга олиниши кабилар.

³¹ Ал Фаробий. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. 1976. 198 б

³² Абу Али Ибн Сино. Канон врачебной науки. Тошкент. 1985 й. 112 б.

Бутунгурухваалохида ўқувчиёкиталабани рағбатлантиришга алохида эътибор қаратилиши лозим. Бунда кичик бир муваффақиятни қўлга киритган ўқувчи ёки талабанихам тақдирлаш зарур.

Таълим жараёнида бу каби кичик гуруҳларда ишлаш жараёнида Шарқ мутафаккирларининг ҳаёти, фаолияти, ижоди ўрганилиши, муҳокама қилиниши кутилган самарадорликка эришиш имконини беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Она юртимиз бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир // Тошкент: Ўзбекистон. - 2015. 304 б.
2. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машхур мутафаккир ва донишмандлар). К.И. Т.: А.Қодирийномли «Халқмероси» нашр., 1995. 102 б.
3. Ал Фаробий. Социально-этические трактаты. Алма-Ата. 1976. 198 б
4. Абу Али Ибн Сино Канун врачебной науки. Тошкент. 1985 й. 112 б.

SHARQ MUTAFAKKIRLARINING PEDAGOGIK QARASHLARI PEDAGOGIKA NAZARIYASINING METODOLOGIK ASOSI SIFATIDA

Davurova G.A.- o'qituvchisi
Avazova S. talaba
Jizzax DPI

Аннотация: Восточные мыслители аль-Хорезми, Фараби, Беруни, Ибн Сины педагогические взгляды, образовательные теории и идеи.

Annotation: Oriental thinkers al-Khorezmi, Farabi, Beruni, Ibn Sina's pedagogical views, educational theories and ideas.

“Bizning tariximizda jahonga dong taratgan ulug’ mutafakkirlar o’tgan ekan, ularning qoldirgan ilmiy-ma’naviy merosi, ibratli hayoti, ta’limoti bugungi muammolarni yechishda bizga qo’l kelayotgan ekan, bu merosni o’rganmaslikka, ta’riflamaslikka, targ’ib etmaslikka haqimiz yo’q.”

Islom Karimov

Ma’lumki, yosh avlod tarbiyasi juda murakkab va mas’uliyatli vazifa hisoblanib, barkamol shaxs tarbiyasi uzoq va uzluksiz davom etadigan murakkab jarayondir. Jamiyat taraqqiyotining har qanday bosqichida ham yosh avlod vakillari tarbiyasiga alohida e’tibor berilganligi tarixiy yozma manbalardan bizga ma’lum. Bugungi kunga kelib ushbu masala o’z ahamiyatini yo’qotgan emas va hattoki, bu masala davlat siyosati darajasiga ko’tarilgan. Jamiyat ma’naviy hayotini rivojlantirish o’sha jamiyatda faoliyat ko’rsatuvchi kishilarning intellektual salohiyati: ma’naviyati va marifati, ilm-fani va ta’lim-tarbiyasi to’risidagi bilimlarning nechog’lik ilmiy asoslanganligi, to’g’ri nazariy va amaliy negizlar asosida shakllanganligiga bog’liq. Shu sababli ham barkamol avlod ilmiy dunyoqarashini jahon ta’limi talablariga mos qilib shakllantirish o’ta muhim muammodir.

Ilk uyg’onish davrida yashab ijod etgan, buyuk donishmandimiz Muhammad al-Xorazmiy bo’lib, u bilim olishda talabalarning shaxsiy kuzatishlariga hamda olgan bilimlaridan foydalanishga katta e’tibor berdi. Bunda u ilmiy izlanuvchilarning ilmiy

manbalarni to'plash, ulardan foydalanish va kuzatganlarini tushuntira olish malakalarini hosil qilishga katta baho berdi. Agar e'tibor bergan bo'lsangiz, bu jarayonlar hozirgi ilmiy ishlar bilan shug'ulanayotgan, o'z ustida ishlayotgan va ilmiy salohiyatini oshirish maqsadida tinmayotgan yoshlardan talab qilinayotgan asosiy faoliyatlarini tashkil qiladigan jarayonlar hisoblanadi. Yana bundan tashqari, u olimlarni "Al-kitob al-muxtasar fi hisob al-jabr va-l-muqobala" asarida uch guruhga bo'lganligini ko'rishimiz mumkin. "Ulardan biri o'zidan avvalgililar qilgan ishlarini amalga oshirishda boshqalardan o'zib ketadi va uni o'zidan keyin qoluvchilarga meros qilib qoldiradi. Boshqasi o'zidan avvalgilarning asarlarini sharxlaydi va bu bilan qiyinchiliklarni osonlashtiradi, yopiqni ochadi, yo'lni yoritadi va uni tushunarliroq qiladi. Yoki bu ayrim kitoblarda nuqsonlar topadigan va sochilib yotganni to'playdigan odam bo'lib, u o'zidan avvalgililar haqida yaxshi fikrda bo'ladi, takkaburlik qilmaydi va o'zi qilgan ishidan mag'rurlanmaydi".

Muhammad al-Xorazmiyning bu fikrlari bir tomondan, olimlar faoliyatining ezgulikka xizmat qilishini yoritadi; ikkinchi tomondan, o'sha davrda ilmiy tadqiqot ishlari va o'qitishning metod va vositalaridan qay darajada foydalanganligini ko'rsatadi. Muhammad al-Xorazmiy bilishni sezgidan mantiqiy tasavvur orqali farq qilish haqida fikr bayon etgan: sezgi orqali bilish bu qisman bilish bo'lsa, mantiqiy bilish haqiqiy bilimning muhim tomonini namoyon etadi. U birinchilardan bo'lib, sinov-kuzatish va sinov metodlariga asos soldi va ilmiy kashfiyotlar odamlarning amaliy talablari asosida paydo bo'lishini o'zining ilmiy asarlarida asoslab bergan. Darhaqiqat, alloma qoldirgan boy ilmiy merosi o'zining amaliy ahamiyatini yo'qotmagan. Shuning uchun, mutafakkirning yoshlarga ta'lim-tarbiya berishda va ularning ilmiy dunyoqarashini shakllantirishdagi qarashlaridan unumli foydalanish maqsadga muvofiqdir.

Yana bir sharq allomalarimizdan biri Abu Nasr Farobiyning ta'limiy-axloqiy yo'nalishdagi qimmatli asarlari bizgacha yetib kelgan. Bular, "Baxt saodatga erishuv to'g'risida", "Fozil odamlar shahri", "Ilmlarning kelib chiqishi", "Aql to'g'risida risola" kabi asarlarida asosan inson kamoloti to'g'risidagi ta'limotni ilgari suradi. Farobiy ta'lim-tarbiyani uzviy birlikda olib borish haqida ta'lim bergan bo'lsa ham, ammo har birining insonni kamolga yetkazishda o'z o'rnini borligini alohida takidlaydi. Alloma inson kamolga yolg'iz o'zi erishib bo'lmaydi. U boshqalar bilan aloqada bo'lish, ularning ko'maklashuvi va munosabatlariga muhtoj bo'ladi, deydi. Farobiy "Ta'lim-tarbiyaning asosiy vazifasi jamiyat talablariga javob bera oladigan va shu jamiyat uchun xizmat qiladigan yetuk insonni tarbiyalashdan iboratdir." - deya takidlaydi. Allomaning bu qarashi hozirgi kunda ta'lim-tarbiyaning oldiga qo'yilgan asosiy vazifasini ifodalaydi.

Yoshlarga ta'lim-tarbiya berishda pedagogic qarashlari metodologik asos bo'lib xizmat qiladigan qomusiy olimimiz Abu Rayhon Beruniydir. Uning ilmiy bilimlarni egalash yo'llari, usullari haqidagi fikrlari hozirgi davr uchun ham dolzarbdir. U barcha illatlarning asosiy sababi ilmsizlikda deb biladi. Ilmlarni egalashda esa shaxsda intilish va qiziqish, muhitning rolini alohida takidlaydi.

Beruniy o'zining asarlarida quyidagi fikrlarni ilgari suradi, O'quvchiga bilim berishda:

- O'quvchini zeriktirmaslik;
- Bilim berishda bir xil narsani yoki bir xil fanni o'rgatavermaslik;
- Uzviylik, izchillik;
- Tahlil qilish va taqqoslash;
- Ma'lumdan noma'lumga, yaqindan uzoqqa, soddadan qiyinga qarab borish;
- Takrorlash;

- Yangi mavzularni qiziqarli, asosan, ko'rgazmali bayon etishga e'tibor berish kerakligini uqtiradi.

Beruniyning ushbu qarashlarida hozirgi kunda bizning ta'lim-tarbiya sohamizda amal qilib kelinayotgan ta'lim tamoillarining bir nechtasi o'z ifodasini topganligini ko'rishimiz mumkin. Demak, alloma 11 asr oldin tushungan va ilgari surgan qoidalar hozirgi kunda ham ahamiyatini yo'qotmaganligi uning o'tkir zehn sohibi, o'ta ilmi kishi bo'ganligini yana bir bor isbotlaydi.

Mutafakkirlarning inson kamoloti to'g'risidagi ta'limotlari orasida Sharqda "Shayx ul-Rais", G'arbda esa "Avetsina" nomi bilan mashhur bo'lgan alloma Abu Ali ibn Sinoning inson kamoloti to'g'risidagi qarashlari muhim ahamiyatga ega. Uning fikricha, **yaxshi va yomon xulqning hammasi sharoit, tarbiya, odatlanish natijasida vujudga** keladi. Yaxshi xulqqa ham odat tufayli erishiladi. Ichki quvvatning ta'sirlari va ta'sirlanishlari takrorlanaversa, ular uchun kuchli bir malaka hosil bo'ladi.

Bilim olishda bolalarni maktabda o'qitish zarurligini qayd etar ekan, olim ta'limda quyidagi tomonlarga rioya etish zarurligini takidlaydi:

- Bolaga bilim berishda birdaniga kitobga band qilib qo'ymaslik;
- Ta'limda yengildan og'riga borish orqali ta'lim berish;
- Olib boriladigan mashqlar bolalar yoshiga mos bo'lishi;
- O'qitishda jamoa bo'lib maktabda o'qitishga e'tibor berish;
- Bilim berishda o'quvchilarning mayli, qiziqishi va qobiliyatini hisobga olish;
- O'qitishni jismoniy mashqlar bilan qo'shib olib borish.

Bu talablar hozirgi davr ta'lim prinsiplari bilan ham mos kelishi bilan qimmatlidir. Ushbu prinsiplar esa bolalarni yengil-yelpi bilim olish emas, balki har tomonlama chuqur va mustahkam bilim olishiga yordam beradi.

Talabaga bilim berish o'qituvchining mas'uliyatli burchidir. Shunga ko'ra, Ibn Sino o'qituvchining qanday bo'lishi kerakligi haqida fikr yuritar ekan, shunday yo'l-yo'riqlar beradi. Bular quyidagilardan iborat:

- Bolalar bilan muomalada bosiq, jiddiy bo'lish;
- Berilayotgan bilimlarni talabalar qanday o'zlashtirib olayotganiga e'tbor berish;
- Ta'limda turli metod va shakllardan foydalanish;
- Talabalarni xotirasi, bilimlarni egallash qobiliyati, shaxsiy xususiyatlarini bilish;
- Fanga qiziqitira olish;
- Berilayotgan bilimlarning eng muhimini ajratib bera olish;
- Bilimlarni talabalarga tushunarli, uning yoshi va aqliy darajasiga mos ravishda berish;
- Har bir so'zning bolalar hissiyotini uyg'otishi darajasida berishga erishish zarur.

Demak, allomaning ushbu fikrlari davlat, jamiyat va hozirgi kunda ta'lim-tarbiya sohasida o'qituvchi shaxsining kasbiy mahoratiga qo'yib kelayotgan talablari bilan aynan o'xshash ekanligi bilan ahamiyatlidir.

Xulosa o'rnida shuni takidlash mumkinki, Sharq mutafakkirlarining ta'lim-tarbiya to'g'risida, yosh avlodni kamoloti va ularning ilmiy dunyoqarashini shakllantirish xususidagi pedagogik fikrlari, qarashlari va ta'limotlari bugungi ta'lim-tarbiya sohasida amal qilib kelinayotgan ta'lim va tarbiya nazariyalari, ta'lim va tarbiya tamoillari va qoidalarining metodologik asosi bo'lgan, "Ta'lim to'g'risidagi" Qonun, Kadrlar Tayyorlash Milliy Dasturi, Prezidentimizning ta'lim to'g'risidagi qaror, farmonlari bilan bir qatorda turadigan ta'lim-tarbiyaning metodologik asosi hisoblanadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Komiljon Hoshimov, Sanobar Nishonova “Pedagogika tarixi” II qism Toshkent “Alisher Navoiy” – 2005.
2. Alisher Navoiy “Mahbub ul-qulub” asarlar 15 tomlik T.: 1996, 13-tom

ТАЛАБАЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА КОММУНИКАТИВ МУНОСАБАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Джуманов Ш.З, катта ўқитувчи

Жиззах ДПИ.

Тогаева Г.Б-ўқитувчи

Ш.Рашидов тумани 32-мактаб.

АННОТАЦИЯ:

В данной статье рассмотрены роль и место коммуникативных отношений в повышении активности студентов в процессе обучения. Статью могут использовать все кто занимается проблемами формирования коммуникативных способностей будущих специалистов.

ANNOTATION

In this article has been discussed the role and place of communicative relations in increasing the activity of students in the educational process. The article can be used by everyone who deals with the problems of forming the communication skills of future specialists.

Таълим-тарбия жараёнида талабаларни мустақил фикрлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга булиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган кадр бўлиб камол топиши, педагогика сирларини ўрганиши ва кундалик турмуш юмушларини ҳал этишга тайёрлаб бориш масаласи асосий муаммолар тариқасида таълим жараёнида асосий вазифа бўлиб келган. Маълумки, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да келтирилган узлуксиз таълим тизимининг барча бўғинларида ушбу муаммони ҳал этишда ўқитиш жараёни субъектларининг ўзига хос ўрни мавжуд. Худди шу сабабли, педагогика таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ўртасидаги коммуникатив муносабатларни янги бир босқичга ўтмоқда.

Педагог кишилар билан нормал муносабатларни ўрната олмаслик, айниқса, педагогик соҳасида ўқувчилар ва унинг ички кечинмалари ва ўзига бўлган муносабатини аниқ тасаввур қила олмаслик амалий психологияда коммуникатив ўқувсизлик ёки дисконмуникация ҳолатини келтириб чиқаради. Шунинг учун ҳам талабаларни коммуникатив билимдонликка ўргатиш, уларда зарур коммуникатив малакаларни ҳосил қилишга катта аҳамият берилмоқда. Ҳар бир зиёли киши бошқалар билан ҳамқорлик қилиш маҳорати ва санъатига эга бўлиши керак. Бу вазифа одамларни муомала ва мулоқот этикасига ўргатишни ҳар қачонгидан долзарб қилиб кўймоқда.

Ушбу муаммо таълим жараёнида ўқитувчи билан ўқувчилар ҳамкорлигининг турли жиҳатлари ҳақида шарқ мутафаккирларининг асарларида ҳам қимматли маълумотлар учрайди. Жумладан, Форобийнинг ўқув-тарбия жараёнларини ташкил

этиш, устоз ва шогирд фаолияти ҳақида шахсга қўйиладиган талаблар, инсонлар жамоасидаги ўзаро ҳамжиҳатлик, ёрдам, инсон камолати ва унинг жамият тараққиётидаги ўрни тўғрисидаги ғоялари ҳозирги ўқув-тарбия жараёнларини такомиллаштиришда, устоз ва шогирд ҳамкорлик муносабатларини тўғри йўлга қўйишда, ёшларда касбий ва шахсий фазилатларнинг шаклланишида ғоят муҳим аҳамиятга эгадир.

Ибн Сино (980-1037) “Тиб қонунлари” асарида ўқув тарбия жараёни ягона жараён эканлигини таъкидлаб, болани олти ёшдан бошлаб муаллимга топшириш хусусида фикр юритади. Таълимда ўқитиш оддийликдан мураккабликка қараб бориш қондасига амал қилиш, шунингдек, болага кучи етадиган (жисмоний ва психологик имкониятларига мос) машқларни бажартириш амали бу жараёнда катта аҳамият касб этишини таъкидлайди.

Муаллиф болаларни якка-якка ўқитишдан кўра, жамоада таълим тарбия бериш, ўқитувчи билан ўқувчининг ҳамкорлик фаолиятини йўлга қўйиш афзал эканлигини эътироф этади. Алломанинг фикрича, жамоада ўқитилганида уларда илмга интилувчанлик кучаяди, бошқалардан орқада қолишга ғурури йўл қўймайди. Ўзаро ҳамкорлик улар нутқининг ўсишида, фикрининг чархланишида, хотирасининг мустаҳкамланишида муҳим роль ўйнайди. Таълим жараёнида ўқувчилар бир-бирлари билан иноқлашадилар, ўзаро ҳурмат қилишга одатланадилар, мунозара қилишни ўрганиб, ўзаро мусобақалашадилар, ўзларининг хулқ ва бурчлари ҳақида фикр алмашадилар. Ана шундай қоидаларга асосланган ўқув-тарбия жараёнигина ёшларнинг ақлий ва ахлоқий камолотини таъминлашга кўмаклашади.

Ибн Сино ҳамкорликнинг моҳияти ҳақида мулоҳаза юритиб шундай дейди: “Инсон ўз фаолиятида нимагаки эришса, у фақат ўз меҳнати билан амалга ошира олмайди, уларни яратиш учун бошқалар ҳам иштирок этиши керак ёки жамоа ёрдам бериши лозим. Бунинг учун жамоа аъзолари ўзаро яхши муносабатда бўлишлари керак. Яхшилик одамларни иноқликка, ёмонлик эса келишмовчиликка олиб боради. Аниқ мақсад билан ҳаракат қилиш инсонни ва жамоани ёмондан сақлайди, яхши ишлар қилишга йўллайди, унда ишонч туйғусини уйғотади”.³³

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, шарқ мутуфаккирларининг ҳаётий кузатишлари ва ғоялари нафақат ўз даврида таълим-тарбия соҳасини ривожига, балки ҳозирги кунда ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Замонавий ўқитувчи педагогик фаолиятда коммуникатив муносабатлар усулларида тўғри фойдаланиб, ўқувчилар онгига қуйидагича таъсир этса, ўқувчилар таълим-тарбия жараёнида руҳан кучли бўлади. Уларнинг бу даражада бўлишларига ўқитувчининг коммуникатив муносабатнига боғлиқ.

Зеро ҳар қандай касб сирларини мукамал эгаллаш учун қобилият керак. Педагогик қобилият соғлом ўқитувчидагина шаклланади. Бироқ у юқори, ўртача ва паст даражада бўлиши мумкин.

Педагогик фаолиятда коммуникатив муносабатда муваффақиятларга эришиш учун ўқитувчи:

- ✓ Ўқувчилар билан бўлажак муносабатни моделлаштира олиши;
- ✓ Муносабатда бўладиган синф жамоаси хусусиятларини олдиндан билиши;

³³Зуннунов А. Ўзбекпедагогикаситарихи.- Тошкент: Ўқитувчи , 1997. – 272 б.

- ✓ Бевосита самимий ва ҳамжихатликка асосланган муносабат ўрнатиш;
- ✓ Муносабатда устунликка эга бўлиб, уни педагогик талаблар асосида оқилона бошқариш;
- ✓ Муносабатнинг ижобий ва салбий жиҳатларини узлуксиз таҳлил этиб бориши лозим.

Ўқитувчи тарбиячи сифатида тарбияланувчи ўқувчиларни ўзи учун ҳамиша тарбия объекти деб ҳисоблаши керак. Бироқ тарбияланувчи ўқитувчи-ўқувчи билан эркин ва онгли муносабатда бўлишга эришсагина, тарбиявий муносабатлар самарали ҳарактер касб этади. Тарбиявий фаолиятнинг коммуникатив муносабатлар жараёнида ўзига хос қатор қоидалари ҳам мавжуд бўлиб, ўқитувчи ўқувчиларга педагогик таъсир кўрсатишда ушбу қоидаларни мукамал билиши лозим.

Педагогик мулоқотда илҳомлантирувчи педагогик таъсирлар

№	Мулоқот усуллари	Мулоқотнинг мазмун-моҳияти	Мулоқот таъсирининг мақсад-вазифалари
1	Муносабатларой наси	Муносабатлар ойнаси усулининг мазмуни педагогик жараёнда ўқувчиларга таъсир кўрсатиш.	Мулоқот жараёнида ўқитувчи ўқувчига “Мен - сизнинг дўстингизман!” деган белгини ва сигнални ўтказиш. Дўст эса инсонни керакли пайтда ҳимоя қилади. Ҳимояланишга бўлган эҳтиёжнинг қондирилиши ҳар қандай шахсда ижобий ҳиссий ҳолат вужудга келтиради. Сизда бундай ижобий ҳиссий ҳолатни вужудга келтирган инсонга нисбатан мойиллик шаклланади.
2	Исмибиланаташ	Ўқувчига исми билан мурожаат қилиш ва унинг шахсга бўлган эътиборини тортиш	Ҳар қандай инсон ўз исми орқали ўз шахсини намоён қилади, унинг исми унга унинг ички кийими каби яқин ҳам дейишади. Ўқувчига исми билан мурожаат қилиш ва ўқувчида ўз шахсини намоён қила олиш эҳтиёжининг қондириш ҳамда ўқувчида ижобий ҳиссий кечинмани вужудга келтириш.
3	Олтинга тенг сўзлар(комплимент), хушомад қилиш усули	Ўқувчидаги ижобий сифатларни кўра олиш ва бироз бўлса ҳам ўқувчини ижобий ҳислатларини бўрттиришга қаратилади.	Комплимент қуйидаги шаклларда амалга оширилиши мумкин: тўғридан-тўғри ўқувчига мурожаат қилиб, ундаги ижобий сифатларни айтиш орқали, “солиштириш”, яъни адабиётлардаги ижобий қаҳрамонлар билан солиштириш ёрдамида, “икки томонлама комплимент” - суҳбатдошнинг ўғли ва қизи

			<p>тўғрисида илиқ фикрларни билдириш чоғида, суҳбатдош ҳақида илиқ фикрлар билдириш орқали мулоқотда ўқитувчи ўқувчида суҳбатга мойилликни вужудга келтириш, унда ўз навбатида комплимент ҳосил қилиш, яхши муносабатни мустаҳкамлаш, берилган кўрсатмани бажаришга ундаш, муваффақиятга ундовчи туртки бериш, муваффақиятсизликдан сақловчи мотивлар ҳосил қилиш, суҳбатдошнинг мослашишга ёрдам бериш каби бир қатор психологик вазифалар кузатилади.</p>
4	<p>Сабр - тоқатли тингловчи бўлиш усули</p>	<p>Ўқитувчи ўқувчини суҳбатда сабр-тоқат ва эътибор билан тинглашдан иборат</p>	<p>Бунда ўқувчи ўз фикрини тўлиқ айта олиш эҳтиёжининг қондирилиши ва шу билан боғлиқ равишда ижобий ҳиссий ҳолатнинг вужудга келиши амалга ошади.</p>

Демак, тинглаш маданияти мулоқот жараёнининг самарали бўлишида муҳим аҳамиятга эга. Шунинг учун талабаларни диққат билан тинглашимиз, унда ўз-ўзига ҳурматни тарбиялашимиз, уни илҳомлантиришимиз ва руҳлантиришимиз орқали таълим самарадорлигини оширишга эришамиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зуннунов А. Ўзбек педагогикаси тарихи.- Тошкент: Ўқитувчи , 1997. – 272 б.
2. Ғозиев.Э.Ғ. Муомала психологияси. - Тошкент: Университет, 2001. - 140 б.
3. Каримова В.М., Акрамова Ф.А., Очилова Г.О., Мусаханова Г.М. Педагогика психология. Ўқув қўлланма – Т:- ТДИУ, 2010 - 393 б.
4. Тўрақулова И.Х. Талабаларнинг маънавий – иммуниологик тарбиясини такомиллаштириш технологиялари. Пед.фан.ном. ...дисс. – Т.: 2011 - 52 б.

SHARQ MUTAFAKKIRLARINING MEHNAT TARBIYASI VA KASB-HUNARGA QIZIQTIRISH HAQIDAGI FIKRLARI

***Kulboyeva D.A- o`qituvchi
Ochilova M.N- talaba
Jizzax DPI***

Аннотация: *Эта статья направлена на глубокое уважение к наследию наших мқслителей и сохранение их работ как зеницу окаб а также их широкое использование в образовательном процессе.*

Anatomy: This article should deeply respect the legacy our thinkers and preserve their creations as an eyeopener and widely used in the upbringing process

O'zbek xalq pedagogikasining boy bebaho xazinasini xalq og'zaki ijodida o'z ifodasini topgan. Mutafakkirlarimiz tomonidan bola tarbiyasi va uning kamoloti tog'risida o'z asarlarida to'xtalib, yoshlarning odobi-axloqi, jismoniy barkamolligi, aqlan yetuk, mehnatsevarligi hamda vatanparvarlik tarbiyasiga alohida e'tibor berib kelingan.

Xususan, bolalarni mehnatga tayyorlash va mehnatsevarlik ko'nikma va malakalarini shakllantirib, barcha tarbiya shaxobchalarini tarkib toptirib borishning muhim omili ekanligi ta'kidlab kelingan. Ular mehnatni yuksak baholab, kishilarning bir- birlari bilan qiladigan muomala va munosabatlari ham mehnat orqali yuzaga keladi, deydi. Mehnat ta'limi va tarbiyasining asosiy vazifalari o'quvchilarni mehnatga tayyorlash, o'qitish va umumta'lim maktablarining boshlang'ich sinflarida kasbtanlash izchilligini takomillastirish, davlat ta'lim standartlari talabi bo'yicha tarbiyalash hamda o'quvchilarni kasb hunar egasi bo'lib yetkazishda nazariy va amaliy bilimlarni berishlaridan iborat.

X-asrda Sharq ijtimoiy tarbiyashunoslik bo'yicha o'z fikrlarini bildirgan mutafakkir Abu Nasr Forobiyning o'z davr uchun katta xizmatlaridan biri, insonlarni ilm-ma'rifatli bo'lishga, mehnat qilishga va kasb-hunar egallashga achqiradi. Abu Nasr Forobiy kasb-hunar va axloqiy fazilatlar muayyan harakatlarni takrorlash, mashq qilish yo'li bilan paydo bo'lishini uqtiradi. Mutafakkirlar har bir kishi o'zi yoqtirgan kasbni egallaganidan so'ng, o'ziga topshirilganishga nisbatan yuksak ma'suliyatni his etishi va o'z "kasb-hunarini mukammal bilmog'i, yaxshi tarbiya olmog'i va yaxshi xulq-atvor fazilatlariga ega bo'lmog'i kerak" deb ta'kidlaydi.

Abu Nasr Forobiyning ijodiy faoliyatida bola tarbiyasi chetda qolgan emas. Abu Nasr Forobiy jamiyatda yashayotgan har bir kishini yoshligidan boshlab biror kasbni o'rganish uchun harakat qilishi va kelajakda shu kasb orqali jamiyatga foyda keltirishi kerak, deb biladi. Har bir kishi kasbni egallash jaryonida muayyan harakatlar, mashq qilish yo'li bilan ko'zlangan maqsadga erishish mumkinligini aytib: "Axloqiy fazilatlar va roziliklar axloqiy harakatlarni, ishlarning bir necha marta takrorlashida va uzoq davom etishi jarayonida vujudga keladi va mustahkamlanadi. Agar qilinayotgan ish xayrli bo'lsa, unda rozilik kelib chiqadi" -deydi. Abu Nasr Forobiy bolalarni iyoshligidan boshlab mehnat va mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash hamda o'ziga yoqqan ish bilan mashg'ul bo'lishi, asta-sekin o'z iqiziqqan biron-bir kasbni egallashi zarurligini hamda barcha hunarlarni ibirato'la egallab bo'lmasligini ifodalab, shunday deydi: "Har bir kishiga birlashtirilgan nima'lum birish bo'lishi kerak, toki u kishi o'ziga birlashtirilgan ishni kechiktirmasdan o'z vaqtida bajarsin".

Ota-onalar bolalariga yoshligidan boshlab mehnat tarbiyasini o'rgatishi zarur. Mehnat qilgan, kasb -hunarli inson bironvga qaram bo'lmaydi, ya'ni mehnat qilish orqali inson o'zining ehtiyojini qondiradi. Moddiy ehtiyoj qondirilishi natijasida ma'naviy va mehnat ehtiyojlari qondiriladi.

Abu Rayhon Beruniy ham mamlakatning obodonchiligi, kishilarning baxt-saodati va kamoloti uning halol mehnat qilishida va kasb-hunar egallashida deb biladi. U kasb- hunar, ixtirolashga, turli asboblarni yasashga bag'ishlab 9ta asa ryozgan. Asarlarida o'zi yashab turgan davrdagi ishlab chiqarishning rivoji va kasb hunarga oid qimmatli ma'lumotlar berilgan. Mehnatni kasb- hunarni sharaflash, mehnat ahlining qadr-qimmatini uning manfaati uchun astoydi lkirishish kerakligini ta'kidlab o'tgan.

Abu Rayxon Beruniy inson axloqini shakllantiruvchi vosita mehnat deb hisoblaydi. Uning fikricha, aql-idrok va mehnatning jamlanishiga kishilarning to'g'ri hayoti va pok

axloqini belgilab beradi. U o'zining "Minerologiya", "Feruza", "100 hikmat" va birqator yozgan hikmatlar, naqlar va she'rlarida axloqiy tarbiyaning bosh mezonini mehnat tarbiyasi ekanini asoslab beradi. Mehna tinson qalbida muruvvat hissini uyg'otadi.

Abu Rayxon Beruniyning muruvvat haqidagi g'oyasida xayrixoh bo'lishlik, halol, haqgo'y va boylik orttirishga intilmaydigan o'z mehnati hamda o'zgalarning mehnatini hurmatlaydigan sifatlarni nazarda tutgan edi. Mutafakkir inson kamolotida mehnatvamehnat tarbiyasi haqida muhim fikrlarini bayon etgan. U har bir hunar egasining mehnatiga qarab turlarga bo'ladi. Og'ir mehna tsifatida binokor, ko'mir qazuvchi, hunarmand, fansohiblari mehnatini keltiradi. Ayniqsa, ilm ahli-olimlar mehnatiga alohida alohida e'tibor berish, xayrixoh bo'lishga chaqiradi, ularni ma'rifat tarqatuvchilar, jamiyat ravnaqiga hissa qo'shuvchilar deb, biladi: shu bilan birga og'ir mehnat qiluvchi konchilar, yer ostida gavhar izlovchilar, dehqonlar haqida gapirib, ularning mehnatini rag'batlantirib turish kerak, deydi. Ayniqsa, podshohlar bunday mehnat ahliga g'amxo'r bo'lishi kerakligini alohida ta'kidlab o'tadi. Chunki ana shu mehna tahli ular hukmronligining tayanchi, deb ta'kidlaydi.

Olim bolalarni mehnatga o'rgatish metodlari, yo'llari haqida fikr yuritadi. Masalan, bolalarni eng kichik yoshidan mehnatga o'rgatish kerak, deydi. Mehnat tarbiyasida o'sha davr tarbiya an'anasiga binoan vorislikka katta ahamiyat beradi. Abu Rayxon Beruniyning "Minerologiya" asarida faqat qimmat baho metallar, toshlar haqida emas, hunarmandchilikka oid, shogird tayyorlash jarayoni, ustalarning hunar o'rgatish metodlari haqida qimmat baho fikrlar bayon etilgan.

Bunda hozirgi pedagogika fani tili bilan aytganda, shaxsiy namuna metodidan foydalangani, ish jarayoni bevosita ham nazariy, ham amaliy jihatdan ustaxonaning o'zida bajarilgani shogirdlarning malakali usta bo'lib yetishishida katta ahamiyatga ega bo'lgan. Buni E. To'raqulova S. Rahimov "Abu-Rayxon Beruniy ruhiyat va ta'lim tarbiya haqida" nomli risolalarida juda yaxshi bayon etganlar. Hunarmandchilikning bunday yakka holda o'rgatilishi malakali kasb egalari yetishib chiqishiga yordam bergan, halol va vijdonan mehnat qilishga yollanganki, bu insonning kamolga yetishiga muhim pog'ona bo'lgan. Zero, qadimdan har bir yetuk inson u shohmi oddiy fuqaromni hunarning bir yoki bir nechta turini bilishi zarur sanalgan.

Shunga ko'ra, buyuk shohlar ham beklar ham katta mol- mulk egalari ham oddiy fuqaro ham o'z farzandini bilimli bo'lish bilan birga, hunarli bo'lishiga ham e'tibor bergan va bu yozilmagan qonunga barcha birdek amal qilgan. Chunki kishilik jamiyati paydo bo'lgandan kishilar o'z mehnati, kasb hunari bilan kun kechirishga majbur bo'lgan va bu hayot taqozosi sifatida qabul qilingan. Shuning uchun ham Abu Rayxon Beruniy inson har tomonlama kamolga yetishi uchun u ilmi bo'lishi bilan birga mehnatsevar va hunaregasi bo'lishi ham kerak, deydi. Boshlang'ich sinf o'quvchilarini mehnat va kasb-hunarni tarbiyalashda ulug' mutafakkirlarimizning asarlaridan kengfoydalanish maqsadga muvofiq. Mutafakkirlarning merosiga chuqur hurmat bilan qarash va ular yaratgan asarlarini ko'z qorachig'iday saqlash kerak.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. X.Sanaqulov Mehna to'qitish metodikasi "O'quvqo'llanma" 2017 yil
2. Hasanboev J., To'raqulov X., Haydarov M., Hasanboeva O., Usmanov N. Pedagogika fanidan izohli lug'at. T.: "Fan va texnologiya". 2009. 121 – 18

ТАЛАБАЛАРДА ИЖОДИЙ МУНОСАБАТЛАР ТАФАККУРИНИ ЮРИТИШ КЎНИКМАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ

Содиқова Д.Р.- ўқитувчи
Жиззах ДПИ

Annotation: This article is based on ideas for developing students' creative thinking skills.

Аннотация: Эта статья основана на идеях для развития навыков творческого мышления студентов.

Бугунги кунда кадрлар тайёрлаш миллий дастурида қўйилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда талабаларни ижодий фикрлашга ўргатиш муаммоси олий таълимнинг ўз ечимини кутиб ётган долзарб муаммоларидан бирига айланиб қолди. Бўлажак ўқитувчиларни ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда уларнинг мустақил фикрлай олиш қобилиятига эга бўлишлари муҳим аҳамиятга эга. Шу боис таълим тизимида талабаларни фикрлашга ўзлаштирилган билимларни мушоҳада қилишга ўргатиш зарурдир. Ижодий фикрлашга ўргатиш биринчидан, маълумотларни, ахборотларни ўзлаштириш, уларни ўзаро қиёслаш ва умумлаштиришни, иккинчидан ўзлаштирилган билимларни турли вазиятларда фаолиятни ташкил этишда қўллаш олиш тажрибасини назарда тутади.

Инсон – ижодкор, фаол, интилувчан шахс. Инсоннинг ақл-идроки, заковати негизидафаоллик, илмий ижодга, борлиқнинг сирларини, унинг бутун моҳиятини англаб етишга интилиш ётади. Одамларнинг ақлига мувофиқ, онгли фаолияти, тафаккури, ижодий фаоллиги инсонга таъсир кўрсатади, зотан, инсон – фақат ва шунчаки биологик мавжудот эмас, балки ақл-идрокли, заковатли, ижтимоий мавжудотдир. Инсоннинг ўзини қуршаган оламни теран ва мукамал билишга интилишида жасорат ва матонат кўрсатиши онг ижодий фаолигининг ёрқин ифодасидир.

Ижод – бу инсон табиат бойлиқларини онгли равишда ўзлаштириши жараёнида янги моддий ва маънавий бойлиқлар яратиш, шунингдек инсоннинг қобилиятларини ривожлантириш жараёнидир. Ижод деганда кенг маънода шахс ёки жамиятнинг табиий, ижтимоий ва маънавий оламини инсоннинг мақсад ва вазифаларига, унинг эҳтиёжлари, истаклари ва имкониятларига мувофиқ равишда ўзгартириш борасидаги бунёдкор фаоллиги тушунилади. Субъектнинг борлиқда фаол ва изчил тарзда янгилик яратиш иродасининг таъсири ижодий фаолиятда ўз аксини топади. Одамлар онгли ижод орқали бизни қуршаган оламни кузатибгина қолмай балки уни фаол яратади ҳам. Шахс эркинлиги, ижод изланишлар ва ижод натижаларининг танқид учун очиклиги, ижод атрофида фикрлар ва ғоялар кураши илмий, бадиий, техникавий ижод ривожланишининг зарур шартидир. Ижод фаолияти туфайли янги ғоялар, қарашлар, назариялар одамларнинг қалби ва ақлида ҳукм сура бошлайди, бу эса ижтимоий тараққиётга олиб келади.

Инсон ижоди ҳилма-ҳилдир. У бадиий, илмий тадқиқот, конструкторлик, сиёсат соҳаларида намоён бўлиши мумкин. Беморда ўзига хос жарроҳлик операциясини амалга оширган врач ҳам, ратционализаторлик таклифини киритган ишчи ҳам ижодкор шахслардир.

Инсоннинг билувчи тафаккурининг ижодга интилиши, ижодий фаоллиги илмий тадқиқот мақсадини қўйишда, илмий ижод натижаларини башорат қилишда онгнинг фаоллигини назарда тутати. Иммануал Кант ижодий-билиш фаоллигини “ақлнинг хавф-хатарли” деб таърифлаган эди. Инсоннинг ўзини қуршаган оламни теран ва мукамал билишга интилишида жасорат ва матонат кўрсатиши онг ижодий фаолиятининг ёрқин ифодасидир.

Инсоннинг фикрлаш жараёни таҳлил қилинганда унинг қандай шаклларда кечиши аҳамиятли бўлиб, бу унинг турлари ва шунга кўра фикрлашдаги индивидуаллик масаласидир.

Ҳаёт мобайнида ўқиганларимиз, маълум шарт-шароитларда аниқ далиллар ва назарий билимлар асосида мушоҳада қилган билим ва ғояларимиз асосида юритган фикрлаш жараёни назарий тафаккурдир. Ундан фарқли амалий тафаккур бевосита ҳаётда ва ҳаракатларимиз мобайнида ҳосил бўлган фикрларимизга асосланганидан тафаккуримиздир. Кўргазмалар – ҳаракат тафаккурининг хусусияти шундаки, у ҳам одамнинг реал предметлар билан иш қилаётган пайтдаги фикрлаш жараёнини назарда тутати. Кўргазмалар – образли тафаккур эса кўрган-кечирган нарсалар ва ҳодисаларнинг конкрет образлари кўз олдимизда гавдаланган чоғида уларнинг моҳиятини умумлаштириб, билвосита акс эттиришимиздир. Манқий тафаккур – бу мавхум тафаккур бўлиб, сўзлар, сўзда ифодаланган билим, ғоя ва тушунчаларга таянган ҳолда бевосита идрокимиз доирасида бўлмаган нарсалар юзасидан чиқарилган ҳуқумларимиз, мулоҳазамиз бу тафаккурга мисол бўла олади. Масалан, олам, унинг ноёб ва мураккаб ҳодисаларини фалсафий ўрганиш фақат мавхум, абстракт тафаккур ёрдамида мумкин бўлади.

Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини юритиш кўникмаси – бу олим, тадқиқотчи, яратувчининг қобилиятлари ва маҳоратининг, иродаси, тиришқоклиги ва қатъиятнинг якуний мақсади – янги ҳаққоний илмий билим олишга итилишнинг ифодасидир. Чинакам олим борлигининг моҳияти ижодий интилишда, муттасил илмий чанқокликда ўз аксини топади. Талабаларнинг мустақил, ижодий фаолият кўрсатишларига кўмаклашиш уларнинг ўз мавқеларини аниқлашлари ва амалда татбиқ этишлари учун шароит яратиш, ижодий фаолиятларини педагогик қўллаб-қувватлашга йўналтирилган топшириқларни тақдим этишни англатади. Ҳар қандай шахс касбий билимларининг ривожланиши натижасида муайян фаолият тажрибасини эгаллайди. Шунинг учун ҳам шахс ўзининг ижодкорлиги билан касбий фаолият тажрибасини яратиши, бойитиши, тўлдириши лозим. Бундай тажрибаларни талаба олий педагогик таълим муассасаларида ўзлаштириб, бутун ҳаёти давомида бойитиб боради. Ўқитувчи шахси ҳар доим муҳим аҳамиятга эга бўлган ижодий фаолият кўникмаларини намоён эта олиши керак. Шундагина у ўз касбий фаолияти давомида ижодкорлигини намоён эта олади.

Ижодий фаолият – тафаккур, фикрлаш шакллари бўлиб, улар қобилият, лаёқат, ҳавасни тарбиялаш йўли билан ривожлантирилади, янгилик, ижодкорлик ижодий фаолият белгилари ҳисобланади. Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантириш ўз навбатида ўрганувчиларни:

- мустақил ва онгли равишда билим олиш;
- доимо олға интилиш;
- турли зиддиятли ва муаммоли вазиятларни оқилона ҳал этиш;
- ноанъанавий ва янги фикр юритишга ўргатади.

Талабалар фаолиятига кўра, талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда ижодий топшириқлар уч гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ. Улар:

- ижодий мустақил иш;
- ижодий машқ;
- ўқув муаммолари;

Ижодий мустақил ишижодий топшириқларнинг бошқа турларидан икки жихати билан фарқ қилади: оператив ташкил этиш ва ўқув–билув фаолиятини давом эттириш имкониятига эгаллиги. Ижодий мустақил иш таълимнинг шундай воситасики, уни таълимга тадбиқ этиш йўли билан – ўқиш, ўрганишга иштиёқ давом эттирилади, дарс доирасида ҳосил қилинган мотивларнинг давом этиши таъминланади; ўрганувчининг билишга, билим, малакалар доирасини кенгайтиришга олиб келади; ўрганилаётган ўқув материали устида ўрганувчининг ўз фаолиятларини мустақил давом эттиришга замин тайёрлайди; ўрганувчилар фаолиятига раҳбарлик қилишни маълум даражада осонлаштиради.

Ижодий машқ. Ҳар доим билимларни эсга тушириб, машқ қилдириш таълимда ўрганувчиларнинг зерикашига сабаб бўлади. Машқ қилиш жараёнида ўрганувчиларнинг зерикашини бартараф этиш учун ижодий машқлардан фойдаланилади. Ижодий машқлар икки хил хусусиятга кўра фарқланади: ўрганилаётган билимлар доирасини кенгайтиради – бунда ўрганувчи олдин ўрганилган ўқув материалга такрорий қайтиб келганда, ўз тушунчаси доирасини кенг билимлар, тасаввурлар, фактлар билан янада бойитилади. Ижодий машқлар доимий шуғулланишига мўлжалланишга машқлардан фарқли равишда ҳам хотирага, ҳам тафаккурга мослаб тузилади.

Ўқув муаммолари “ўқув топшириқлар мажмуи” бўлиб, уларни ижодий топшириқлар тизими шаклида тасаввур қилиш мумкин. Талабаларни ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда, аввало уларнинг ўзлари ушбу фаолиятга масъул эканликларини англашиш лозим.

Таълим олувчиларнинг ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришда муаммоли таълим бошқа таълим турларидан фарқли равишда ўрганувчиларда билим, кўникма ва малакалар тазимини таркиб топтириш билан бирга, уларда юқори ақлий фаолият, ўз-ўзини ривожлантиришни шакллантиради. Муаммоли топшириқ ўрганувчини мустақил ижодий изланишга йўллашдан иборатдир. Масалан, иншо, реферат ёзиш, бирон нарса ихтиро қилиш, тажрибадан ўтказиш кабилар муаммоли топшириқ асосида амалга оширилади, бу эса ўз навбатида интерфаол таълим муҳитини яратади.

Инсон фаолиятининг ҳамма турларида унинг эҳтиёжлари сабабли саволлар пайдо бўлаверади, фаолият жараёнининг ўзида бизда янги саволлар туғилади, янги вазифалар қўйилади. Нутқ орқали муомала қилганимизда, китобларни ўқиётган вақтимизда, нарсаларни кўздан кечираётганимизда, техникага ва механикага доир хилма-хил машиналар билан танишаётганимизда ва шу каби ҳолларда бизда турли саволлар туғилади. Тафаккур жараёнининг ўзи ҳам, билиш жараёнининг ўзи ҳам муттасил ҳар хил саволлар туғилишига сабаб бўлади. Одам қанчалик кўп билаверса, унинг олдида номаълум нарсалар шу қадар кўп пайдо бўлаверади, унда шу қадар кўп саволлар туғилаверади ва унинг ўзи шу қадар кўп савол бераверади. Билишга қизиқиш саволлар қўйишда катта рол ўйнайди. Кундалик ҳаётда шундай ҳам бўладики, савол берилиши билан дарров уни жавоби ҳам топилади. Масалан, “Бугун нима кун?”, “Бугун шанба”,

“Икки марта уч қанча бўлади?”, “Икки марта уч - олти”. Шундай қилиб, бундай тафаккур жараёнида саволга жавобни идрок қилинаётган яқин вазиятнинг ўзи беради ёки ҳаммага маълум очик-ойдин ҳақиқатлар жавоб бўлиб хизмат қилади. Кундалик ҳаётимиздаги нутқни бевосита тушунишнинг ўзи ҳам оддий тафаккурга таълуқлидир. Бу – тафаккурнинг оддий, элементар жараёнларидир. Бу айрим ҳукмлар бизнинг идрокимизда ифодаланади ҳамда тасаввурлар ва тушунчалар тариқасида хотирамизда мустаҳкам ўрин олади. Ижодий тафаккур тўғрисида гапирганимизда биз мураккаб ақлий жараённи назарда тутамиз. Ижодий тафаккур мураккаб жараён бўлиб, бу мураккаб жараёнда қўйилган савол кетидан (шу саволнинг мураккаблигига қараб) – дастлаб вазифа ифодалангач, сўнгра эса вазифани, масалани ечиш жараёни, яъни қўйилган саволларга жавоб қидириш жараёни бошланади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини шакллантиришнинг муҳим педагогик шарти уни мустақил билим олиш ва ижодий фикрлашга йўналтиришдан иборат.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти. Тошкент. 2001 й
2. Маънавият асосий тушунчалар луғати Т;. 2009й .

OILADA BOLALARNI MA'NAVIY-AXLOQIY JIHATDAN TARBIYALASHDA ALLOMALARIMIZ FIKRLARIGA TAYANISHI

*Sanaqulova Z.A- katta o'qituvchi,
Rutamov Z-talaba Jizzax DPI*

Annotatsiya

В статье рассматривается роль родителей в жизни ребенка, национальные особенности в отношениях между членами семьи, основанные на духовных ценностях традициях и обычаях. Автор отмечает, что духовное и физическое воспитание здоровых детей являются не только заботой родителей, но и является также заботой общественности. Родители являются основными воспитателями, поэтому они воспитывают умную, духовно-воспитанную личность на основе самых лучших традициях и семейных обычаев.

Annotatsiya

The article discusses the use of spiritual values in family education. Knowv that there are also national features in relations between family members, based on spiritual values, traditions and customs. The author notes that the spiritual and physical upbringing of healthy children is not only the concern of the parents, but is also the concern of the public. Parents are the primary educators, so they have to educate intelligent, spiritually-bred person on the basis of the best traditions and family customs.

О'zbekiston Respublikasining birinchi Prezidenti I.A.Karimov“Mustaqillikbiz uchun avvalo o'zligimizni anglash, insoniy qadrimizni, urf-odat va qadriyatlarimizni.muqaddasislom dinimizni, buyuk ajdodlarimiz. aziz-avliyo va allomalarimizning tabarruk nomlari va merosini, g'urur va iftixorimizni tiklash, yosh

avlodimizni milliy va umumbashariy qadriyatlar ruhida tarbiyalash kabi beqiyosh imkoniyatlar ochib berganini alohida ta'kidlash zarur"ligini yoshlarga uqtiradi³⁴.

O'zbek oilasida bolalarning ruhan va jismonan sog'lom bo'lib o'sishiga oila muhitining ta'siri kattadir, chunki oilaviy muhit qanday bo'lsa, bolalar xuddi shu muhit ta'sirida ulg'ayadilar. Oila muhiti bolalarga ta'sir ko'rsatishi bilan birgalikda uni atrofidagi hayotga moslaydi. Jamiyatda esa bolalarni ruhan va jismonan sog'lom qilib voyaga yetkazish ota-onaning nafaqat shaxsiy ishi, balki ijtimoiy burchi hamdir. Shunday ekan har bir ota-onaning burch va vazifasiga mas'uliyat bilan yondoshib, oilada har tomonlama sog'lom turmush tarzini qaror toptirish, uning ijtimoiy-iqtisodiy barqarorligi, farovonligiga erishish bilan bir qatorda, bilimli, aql-zakovatli, uddaburon, zukko, ruhanva ma'nan barkamol insonni voyaga yetkazish, shuningdek, oila an'analari, kasb-kori, shajarasining davomiyligini ta'minlash, farzandni bo'sh vaqtini unumli o'tkazishga erishish, giyohvandlik, maishiy nopoklik, axloqsizlik, nosog'lom e'tiqod, aqidaparastlik, xoinlik kabi ba'zi bir illatlarning paydo bo'lishiga yo'l qo'ymaslik va boshqalar kiradi.

Bolalar ota-onalaridan andoza olishga harakat qiladilar, ota-onalar esa o'zlari bilib-bilmasdan o'z xarakter va xususiyatlarini, orzu-havaslarini farzandlariga singdirib boradilar. Aynan ana shunday xarakter xususiyatlaridan biri bo'lgan mehr-muruvvatlilik ota-onadan farzandlariga o'tadi. Ayniqsa, o'smirlik davridagi bolalarga ota-onaning mehribonligi, doimiy nazorati va do'stona maslahati katta ahamiyatga ega. Ammo afsuski, ko'pgina ota-onalar farzandini "bebosh" qilib qo'ymaslik uchun bu ajoyib insoniy tuyg'udan cho'chydilar. Ular bolaning tantiq, shaxsiyatparast bo'lib qolishidan tashvishlanadilar. Lekin juda ko'p salbiy xususiyatlar bola ota-onaning to'g'ri muruvvatidan, erkalashidan, e'tiboridan mahrum bo'lgan sharoitlarda vujudga keladi. Shuning uchun ham bola o'zining sevishlariga, o'ziga g'amxo'rlik ko'rsatishiga ishonch hosil qilishi ota-onaning muhim vazifasidir.

Mutafakkir Alisher Navoiy bolani "mehri anbar", ya'ni uyni yoritadigan va oilaga baxt-quvonch keltiradigan nur deb hisoblagan edi.

Navoiy tarbiya usuli sifatida namuna ko'rsatishga alohida e'tibor berar va kishilarni, ayniqsa yoshlarni yaxshi kishilardan o'rganishga, ulardan ibrat olishga, ularning davrasida bo'lish, ular bilan tez-tez suhbatlashishga chaqirar edi. U bola tarbiyasida ota-onalarning ibrati to'g'risida shunday yozadi:

**Farzand ato qullug'in chu odat qilg'ay,
Ul odat ila kasbi saodat qilg'ay,
Har kimki atog'a ko'p rivoyat qilg'ay,
O'g'lidan anga bu ish siroyat qilg'ay.**

Sharq mutafakkirlaridan Nasriddin Tusiy o'zining "Axloqi Nasriy" asarida yaxshi tarbiyaning muhimligiga ko'p to'xtalgan. U ota-onalarning huquq va burchlari, saxovatlilik, baxt, insoning oliyjanob xislatlari, qadr-qimmat, sadoqat va samimiylik, salomatlik to'g'risida juda qimmatli fikrlarni berganki, oradan yetti asr o'tib ham ular o'z ahamiyatini yo'qotmagan.

Bola tarbiyasida ota-onaning vazifasi, rolini ko'plab xalq maqol va matallarida ham uchratish mumkin;

Ota-onaning tarbiyachilik roli to'g'risida quyidagi xalq maqolini keltirish mumkin:

³⁴Каримов И.А. Она юртимиз бахту икболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш - энг олий саодатдир // Тошкент: Ўзбекистон. - 2015. 304 б.

**Bog'ing bo'lsa, qura qil,
O'g'ling bo'lsa, mulla qil.
Daraxtdan meva olaman desang,
Niholligidan parvarish qil.
Suv bilan ekin o'sar,
Tarbiya bilan - odam.**

Bola tarbiyasida kattalarning ibрати to'g'risida quyidagicha maqollar mavjud:

Daraxtga ko'ra - mevasi,

Otag'onasiga ko'ra – bolasi

Daryo chuchuk - ariq chuchuk

Daryo achchiq - ariq achchiq.

Igna qayoqqa yursa,

Ip ham shu yoqqa yurar.

Agar oila ma'nosiz hayot kechirsa, faqat shaxsiy huzur-halovati bilan mashg'ul bo'lsa, agar oilada rahmsizlik va xudbinlik hukm surayotgan bo'lsa, bularning hammasi bolaning ma'naviy qiyofasiga salbiy ta'sir etmasdan qolmaydi, albatta. Shuning uchun ota-onalar uchun oila tarbiyasi, avvalo o'z-o'zini tarbiyalashdan iborat bo'lmog'i kerak. Ota-onalarning yuksak ijtimoiy ongi bolalarda ham shunga mos ong tarkib topishiga yordam beradi.

O'zbek oilasida kattalarga hurmat, kichiklarni avaylash kabi qoidalar kundalik odatga aylanib borishi kerak.

Ota-ona oldidagi mas'uliyatning naqadar muhimligi shundan iboratki, ular bolaning har bir qadamini, har bir hatti-harakatini zimdan kuzatib boradilar. Bolalar har qanday janjalni, yomon noo'rin so'zni uzoq vaqt eslab yuradilar, o'rni kelganda, vaziyat bo'lganda amalda qo'llashga harakat qiladilar.

“Qush uyasida ko'rganini qiladi”, deydi xalqimiz. Ayniqsa, bolaning izzat nafsig tegmaslik, uni kamsitib gapirmaslik, xullas, ota-onaning o'zi madaniyatsizlik, odobsizlik qilmasliklari maqsadga muvofiqdir.

Lekin ota-onaning maqsad va niyatini farzandlar qanday tushunadilar, bu maqsadlarini amalga oshirish uchun ular qanday yo'l va vositalardan foydalanadilar, bular nihoyatda murakkab masalalardir.

Bola tarbiyasi ota-onalarning ijtimoiy vazifasidir. Ota-onalar o'z boialarining tarbiyasi uchun jamiyat oldida javobgardirlar. Shaxsning qadr-qimmatini uning jamiyatga keltiradigan foydasi bilan baholanadi. Ota-onalar o'z boialarining asosiy tarbiyachilari hisoblanadilar. Shuning uchun ular farzandlarini o'z xalqining eng yaxshi urf-odatlarini va oilaviy an'analari ruhida oliyjanab fazilatli, bilimdon, madaniyatli shaxs qilib tarbiyalashlari kerak.

Tarbiya ko'p qirrali, uzoq davom etadigan jarayondir. Bolani o'rab olgan muhitning hammasi - odamlar, narsalar, hodisalar, uning ongida, xulq-atvorida ma'lum iz qoldiradi, uni o'zgartiradi va rivojlantiradi. Ota-onaning burchi mana shu rivojlanishni ziyraklik bilan boshqarib borishdir. Ota-onaning mehri, muruvvati, g'amxo'rliqi bolalar uchun suv va havodek zarur. Oilada shaxsni axloqiy shakllantirish bolaning tug'ilishidan boshlanadi. U ko'pgina omillar ta'sirida tarkib topadi. Bu omillar oilaviy munosabatlar xarakteri, ota-onalarning namunasi, ulardagi umumta'lim darajasi, umummadaniy saviyasi hamda ularning pedagogik madaniyati va nihoyat oilaviy tashkil etilishdan iborat.

Bu omillar oilada axloqiy tarbiyalashning mazmunini tashkil etadi va ular bir qator pedagogik xususiyatlarni o'z ichiga oladi.

Bu quyidagilardan iborat:

1. Ayrim oilalarda bolalarning tarbiyasi faqat onalar zimmasida, ota esa bu ishdan o'zlarini chetga oladilar. Go'yo farzandlarni bog'cha, maktab tarbiyalab berishlari shart. Tarixiy tajriba shundan dalolat beradiki, qadimdan o'g'il bolalar tarbiyasi bilan otalar, qiz bola tarbiyasi bilan onalar shug'ullanganlar, ammo ular asosan erkaklar nazoratida bo'lgan.
 2. Ota-onalar bolalarga birdek munosabatda bo'lishlari, bir xil mehribon va g'amxo'r, talabchan va qattiqqo'l bo'lsalar bolalar hayoti butun va mukammal bo'ladi. Biri talab qilganda, ikkinchisi yonini olsa tarbiya buziladi. Bolalarga haddan tashqari mehribonchilik qilayotgan ota-onalar ularni hurmat qilishni o'rgatishlari zarur.
 3. Ko'gina ota-onalar bolalarini tarbiyalash borasida o'z vazifalar va burchlarini to'la his qilmaydilar. Boshqacharoq aytganda ularda pedagogik tayyorgarlik yetishmaydi. Zotan oilaviy tarbiya, avvalo, ota-onalarning o'zlarini o'zlari tarbiyalash demakdir. Chunki bola aynijaytda ta'sir obyekti va subyektidir. Biroq ota-ona bola ana shunday obyekt ekanligini *•sezmasligi uchun xarakat qilishi kerak. Ammo barcha ota-onalar ham buni tushunib yeta * olmaydilar.*
 4. Oila hayotirii to'g'ri tashkil qilish, oilada sog'lom axloqiy muhitni yaratish lozim. Bu ishda hech qanday mayda-chuydalar bo'lmasligi kerak. Har bir narsa bolaga ta'sir qiladi. Ana shu ta'sir natijasida salbiy yoki ijobiy odatlar, turlicha xulq-atvorlar paydo bo'ladi. Ota-onalarning har bir xatti-harakatini bolalar kuzatib turadi. Shuning uchun bolaga u yoki bu ishni qil yoki qilma deb nasihat qabiladagi o'rgatish yo'li bilan tarbiyalayman, deb o'ylamaslik kerak.
 5. Har bir ota-ona bolasini barkamol inson bo'lishini istaydi. Farzandini ana shunday inson bo'lishidan nafaqat ularning o'zi, balki jamiyatning ham manfaatidir. Ota-onaning fuqarolik burchi ham shuni taqozo etadi. Shunga ko'ra har bir ota-ona, eng avvalo, mamlakat uchun bo'lajak fuqaroni tarbiyalayotganini unutmasligi lozim.
 6. Ota-ona shaxsining o'zi bola tarbiyasida muhim rol o'ynaydi. Ularning oqilona o'g'itlari, pand-nasihatlarining hech biri, ularning shaxsiy namunasi o'rnini bosa olmaydi. Bolalarning axloqiy fazilatlarini tarkib topishida, oiladagi o'zaro ahillik, halollik va rostgo'ylik, o'zaro ishonchning mavjudligi, umuman sog'lom ahloqiy muhit muhim ahamiyatga ega.
 7. Oilada bolalarni sevish, ularning shaxsiyatini hurmat qilish va hech qachon ularni izzat-nafsiga tegmaslik zarur. Bunday jazolash usuli bola nafratini kuchaytiradi. Har qanday g'amxo'rlik talabchanlik bilan olib borilgani maqsadga muvofiqdir.
 8. Har bir oilada uning o'ziga xos an'analari mavjud. Bu an'analar bola ongiga, uning xulq-atvoriga juda kuchli ta'sir qiladi. Masalan, oila a'zolarining tug'ilgan kunlarini o'tkazish, qarindosh urug'lar holidan xabar olish va hakozolar.
 9. Bola tarbiyasida ota-onaning ishxonasidagi, mahalla va qo'ni-qo'shnisi oldidagi obro'yi ham katta rol o'ynaydi va bolalarida ularga nisbatan faxrlanish hissini uyg'otadi. Ular shu ruhda tarbiyalanadilar.
 10. Shunday qilib, oilaviy tarbiyaning o'ziga xos xususiyatlari va ta'sir qilish omillari mavjud. Bularni hisobga olmasdan turib, bola tarbiyasini oilada yaxshi yo'lga qo'yish mumkin emas. Buning uchun, avvalo, ota-onalarning o'zlari tarbiyalangan bo'lishlari lozim.
- Ota-onalarning butun xayoti, ularning fuqarolik qiyofasi, ma'naviy dunyosi bola tarbiyasining negizini tashkil etadi.

Oiladagi tarbiyani yuqoridagi xususiyatlarini hisobga olish, bolani, axloqiy jihatdan tarbiyalashda, milliy axloqiy qadriyatlardan foydalanishning mohiyatini, ularning o'ziga xosligi va ahamiyatini tahlil qilishga yordam beradi.

Xulosa qilib aytganda, tarbiya so'zi aytilishi bilan inson ko'z oldida oila namoyon bo'ladi. Zero, oila tarbiya maskanidir. Shunday ekan, ma'naviy-axloqiy tarbiya oiladan boshlanadi. O'zbek oilasining ma'naviyati o'zbekning milliy g'ururidir.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. I.A.Karimov Ona yurtimiz baxtu iqboli va buyuk kelajagi yo'lida xizmat qilish- eng oliy saodatdir // Toshkent: O'zbekiston. - 2015. 304b.
2. Munavvarov A.Q. "Oila pedagogikasi. - T., 1994.
3. G'aybullayev N., Yodgorov R. "Pedagogika". - T., 2000.

O'QUVCHILARNI VATANPARVARLIK RUHIDA TARBIYALASHDA MILLIY AN'ANALARDAN FOYDALANISH

Musurmonova O. J.- o'qituvchi
SH.Rashidov tuman 53-maktab

Аннотация:

Эта статья фокусируется на необходимости для восточных мыслителей уметь использовать природные явления для своих собственных целей в образовании, иметь хорошие отношения с другими, стать истинным членом общества и полностью соответствовать его внутренним требованиям дает.

Annotation:

This article focuses on the need for oriental thinkers to be able to use natural phenomena for their own purposes in education, to have a good relationship with others, to become a true member of society, and to fully meet its internal requirements gives.

O'zbek xalqining birdan-bir Vatani bu - O'zbekistondir. Vatan haqida xalq haqida, ajdodlar haqida, o'tmish haqida, qadriyatlar haqida, meros haqida, bugun va kelajak haqida baralla so'zlash imkoniyati tug'ildi.

Bugun shu mustaqillikka ega ekanmiz biz uni e'zozlashimiz qadriga yetishimiz, har doim mustahkamlab borishimiz kerak. Mana shu tuyg'ular, mana shu olijanob fazilat va ezgu harakatlar bugungi kun uchun haqiqiy vatanparvarlik namunasidir.

Mustaqillik sharofati tufayli O'zbekiston Respublikasi butun hayoti, turmush tarzi o'zgardi, kishilarning ruhiyati va hayotga munosabati yangicha tus olmoqda. O'zbekiston Respublikasi mustaqil bo'lishi natijasida sho'ro davlatini xom-ashyo yetkazib berish bazasi bo'lishlikdan, siyosiy va iqtisodiy qaramlikdan ozod bo'ldi; o'zbek xalqi o'z milliy qadriyatlarini his qilayotir.

Bu olamda ona Vatan bittadir.

Vatan-ona yurt-kishilarni yashab turgan, ularning ajdod va avlodlari tug'ilib o'sgan joyi maskani, chegarasi, xududi, ijtimoiy taraqqiyot munosabati bilan jamoa tuzumi sharoitida muayyan qabila yashagan joy Vatan xisoblanadi. Qabila tuzumning yemirilishi, elatlar va

davlatlarning paydo bulishi bilan Vatan tushunchasi elat davlat tushunchasini o'z ichiga oladi.

Vatanparvarlik tarbiyasi xam insoniy tarbiyaning eng muhim tarkibiy qismlaridan biridir.

Vatan so'zining ma'nosi nima? Biz nima uchun «onajon-Vatan, «Jonajon Vatan»deymiz.

Vatan so'zi arabcha so'z bo'lib, ona yurt degan ma'noni bildiradi.

Har bir xalq uchun taqdiran va tarixan ato etilgan hamda chegaralangan hududga ona-Vatan deyiladi.

Vatan tuyg'us-bu uning egasi bo'lmish xalkni sevish, hurmat qilish qadriga yetish va e'tirof etishdir. Vatan-bu xalqning ma'naviyati, ma'rifati, tili, dini, urf-odati, fe'l-atvori, otabobolaridan qolgan oltin merosi, tomirida gupirib turgan ajdoddan avlodga o'tib kelayotgan pokiza qoni, tarixidagi muhim bosqichlar, buyuk davlat qurish maqsadida olib borilgan kurashidir.

Hozirgi o'zbek vatanparvarlik xalqimiz taraqqiyotini olg'a siljitgan otaboblarimiz yaratuvchanlik ishining bevosita davomidir.

Baxt-saodatli kelajakka hozir, har daqiqada ulush qo'shmoq Vatanga muhabbat, Vatanparvarlikning asl ko'rinishidir. Vatanga munosib farzand bo'lish, qadirdon tuproq bilan chambarchas bog'liq ekanligimizni teran idrok etish, uning chin farzandlariga xos munosabatda bo'lish, undan bir hissa olinsa, yuz hissa qilib qaytarish-Vatanni anglash va ardoqlashning yangi bir ko'rinishidir. Bu vatanparvarlikdir.

1991 yillning 31 avgustida O'zbekistonning qadri ortdi, xalqning qadri, qaddi tiklandi. Vatan degan muqaddas tushunchadagi sohtaliklar barham topib mohiyati aniqlandi va tiniqlashdi.

Buyuk Vatanimiz o'zbek fuqorolari ongida alohida tuyg'ularni, yangi axloq, yangi fazilatlarining eng chuqur va oliy ifodasidir. o'zbek vatanparvarligi buyuk istiqloqning eng muhim g'alabasidir. o'zbek fuqorolarining eng yuksak fazilati ularning o'z vataniga bo'lgan muxabbatidir. O'zbek vatanparvarligi juda chuqur murakkab hisdir. O'zbek vatanparvarligi o'z vatanini cheksiz sevish hissini, butun dunyo orasida tengligi va erkin jamiyatni barpo qilishi va Vatanimiz dushmanlariga chuqur nafrat hissini o'z ichiga oladi.

O'zbek vatanparvarligini maktab o'quvchilarda tarbiyalash uchun o'qituvchi o'quvchilarga ta'sir etishning barcha xilma-xil metod va vositalaridan foydalanish kerak. Bu vositalarga ayniqsa o'qitish jarayoni—dars birinchi asosdir.

O'zbek xalqi tarixi o'rganish, o'zbek vatanparvarligini tarbiyalashda alohida ahamiyatga molikdir. Chunki o'zbek xalqi o'z o'tmish tarixini ko'pgina tomonlari bilan faxrlana oladi.

Maktabda o'qituvchi va tarbiyachilarning vazifasi tarixiy materialni jonli va qiziqarli bayon qilib, o'quvchilarni o'z xalqining qahramonona kurashiga, uning olib borgan ijodiy ishiga, shonli rahbarlariga va madaniyat sohasidagi iste'dodli arboblarga qiziqtirish, ulug' tarixiy o'tmishga ulara muhabbat tug'dirishdir. Buning uchun tarixiy hujjatlardan, esdaliklardan va badiiy adabiyotlardan foydalanib, yorqin hikoyalar aytib berish zarur.

Maktablarda maktabdan tashqari ishlar vatanparvarlikni tarbiyalashda katta ahamiyatga ega. Maktabdan tashqari ishlar maktablarda bajarilgan ishlarga qo'shimcha bo'lib, o'quvchilarning ijtimoiy hayotini yaxshi anglab olishlariga yordam beradi.

Maktab kutubxonalarida «Vatan» mavzusidagi kitoblarning rasmlar bilan bezatilgan tavsiya ro'yxatlari bo'lishi kerak.

Jonajon O'zbekistonimiz bo'ylab sayohatlar tashkil qilish kabi tadbirlardan foydalanish yaxshidir.

Maktab o'quvchilarini vatanparvarlik, davlat ramzlariga nisbatan hurmat hissini shakillantirish muxum ahamiyat kasb etadi.

Davlatimiz ramzlari-bu konstitutsiyada berilgan bo'lib (5-modda), bayroq, tamg'a va madhiya hisoblanadi va ular O'zbekiston xalqlarining shon – sharafi, g'ururi, tarixiy xotirasi va intilishlarini o'zida mujassamlashtiradi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. M.Mirqosimov «O'zbekiston milliy istiqlol mafkurasi». T., O'zbekiston. 1992.
2. O.To'raeva «O'qish qalblar murabbiysi». T., 1989.
3. Gavrilushkina O.P, Sokolova N.D Vospitanie i obuchenie umstvenno otstalix doshkolnikov. –M, 1985.
4. Zamskiy X.S. Umstvenno otstalie deti. Istoriya ix izucheniya, vospitaniya i obusheniya s drevnix vremen do seredini XX v. M , 1995.
5. Kataeva A.A. Strebleva Ye.A Didakticheskie igri i uprajneniya v obuchenii umstvenno otstalix doshkolnikov. Kniga dlya uchitelya M. 1993.

ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ИЖОДИДА ҒОЯВИЙ-СИЁСИЙ МАДАНИЯТНИ ОНГИГА СИНГДИРИБ БОРИШ

***Байтўраева Н.И- катта ўқитувчи,
Исматуллаева С -талаба
Жиззах ДПИ***

Аннотация

В статье освещены проблемы формирования идейно-политической культуры молодёжи на основе творчества мыслителей Востока. Обоснована роль их выдающихся произведений в системе формирования идейно-политической культуры внедрении этой культуры в сознание молодого поколения в семье определены научные подходы в воспитании молодежи.

Аннотация

In this article is researched the role of national personality pride character shape in developing ideological immunity of person. And the consistence of ideological immunity the humanistic ideas faith are described in this article.

Шарқ алломаларининг илм-маърифат таълим-тарбия соҳасидаги беназир фикрлари ғоявий тарбияни шакллантириш йўллари бугунги кунги тараккиёт учун ҳам ёш авлод камолоти учун ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас дея оламиз. Уларнинг ҳаётий тажрибалари жамиятда инсоннинг тутган ўрниғоялар ҳақидаги пурмаъно фикрлари ҳар бир ўсиб келаётган ёш авлод ғоявий-сиёсий маданиятининг шаклланишида муҳим ўрин эгаллайди. Ўрта Осиё мутафаккирларининг ғоявий-сиёсий маданиятни тарбиялаш ҳақидаги фикрлари ўғитлари шундай кучга эгаки улар ёшлар қалбида инсонийлик уруғларининг униб чиқиши катта ҳаёт йўлига олиб чиқиши ўзмустақил фикрига эга бўлишига ёрдам беради маънавий куч-қувват беради. Халқига ва қариндош-уруғларига қўлидан келган барча яхшиликларни қилиш улар ҳурматини

жойига кўйиш каби инсонийлик фазилатларини шакллантиради. Бу эса имонли эътиқодли ғурурли одобли ғоявий-сиёсий маданиятга эга бўлган шахсни вояга етказишнинг асосий мақсадидир.

Шунинг учун биз учун кадрли бўлган Абу Наср Фаробий ,Абу Райҳон Беруний,Юсуф Хос Хожиб ,Абу Али ибн Сино ,Алишер Навоий ,Амир Темур, Мирзо Улуғбек Заҳириддин Муҳаммад Бобур каби улуғ мутафаккирларнинг ғоявий қарашлари ва кадриятларидан мустақил юртимиз истиқлолни мустаҳкамлашда ёшлар ғоявий-сиёсий маданиятини кенг фойдаланишимиз мумкин.

Миллат тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. Шарқ мутафаккирлари фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор бериб келганлар. Улар ўз асарларида инсонийлик ватанпарварлик ғояларини тараннум этиб,халқни орифлик,фозиллик,комилли даражасига кўтаришга чорлаганлар. Биз Амир Темур ҳаёти ва ижтимоий-сиёсий фаолиятини ўрганиш жараёнида ёшлар онгида ғоявий-сиёсий маданиятни шакллантириш мамлакатнинг олдида турган улуғ бунёдкорлик ишлари ундан кўзланган асосий мақсад инсонларнинг эркин вафаровон ҳаётга эришиши озод ва обод Ватан куриш йўлида ҳар бир киши учун ҳаракат йўналиши бўлишга қаратилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Амир Темур ўғитлари ёшлар тарбиясида эркин фикрни уйғотиш ва фикр эркинлигини кафолатлаб бериш ўзига ишонч ўзгалар фикрини тинглаш эшитиш ва айтишга имконият яратади. Ҳар бир киши ўзи яшаётган жамият мамлакат ёки давлатнинг мақсадини уни ифода этадиган ғояларини билиши аниқ тасаввур этиши лозим. Шундагина бу мақсадлар унинг онг ва тафаккуридан жой олади. Ёки шунчаки жой олиб қолмасдан аста-секин унга нисбатан ишонч эътиқод пайдо бўлади. Ишонч эътиқод шундай нарсаки. **Усиз** инсон ўз йўли мақсад ва манфаатларини **кўра** олмайди. У қанча мустаккам бўлса, бугўёки мақсад йўлида ўзини бағишлаб ,фаолиятини унга мос тарзда кўради унда чекиниш ҳолларини эса қабул қилаолмайди. Ғоя ,мақсадлар ҳар бир инсон **хатти-ҳаракати, фаолияти** билан муштарак **тарзда** уйғунлашиб боради. Жамиятнинг ўз-ўзини ташкил этишга инсонлар жамият аъзолари миллат халқни бирлаштириш уюштиришга хизмат қилади. Аниқ мақсадлар сари йўналтиради.

«Мен ҳаётим мобайнида беш нарсага қатъий эътиқод қўйдим ва ҳамиша уларга амал қилдим.Улар ушбулардир:

Оллоҳ – ул ҳар нарсага қодир куч сидки дилдан сиғинсанг истаган муроду мақсудинга етказади.

Тафаккур – фикрлаш ва мушоҳада қобилияти қувваи ҳафизасини кучли инсон ҳар қандай мушқулу мушқулдони осон қилиш йўлини топа олади.

Қилич – ул йигитнинг йўлдоши эл-юрт осойишталигининг посбони ҳар қандай душманни маҳв этиш қуроли анинг қудрати ила динсизларни динга солмоқ мумкин.

Имон - ул инсонни барча жонлилардан фарқлантириб тургувчи хусусиятдир. Имонли одам хиёнат қилмайди қариндош-уруғлари элу халқнинг ор-номусини ҳимоя қиладихалоллик ва покликни фазилат билади.

Китоб (битик - барча бунёдкорлик яратувчилик ва ақл-идрокнинг илму донишнинг асосидир ҳаётни ўргатувчим мураббийдир».

Кўриниб турибдики буюк бобокалонимиз Амир Темур ўзўғитларида инсонлар ўртасидаги дўстлик ва биродарликка алоҳида аҳамият бериб одамларни бир-бирлари билан дўст-иноқ бўлиб яшашга пасткашликка олиб келадиган адоватни йўқотишга чақиради. Имон-эътиқодни бунёдкорлик ва яратувчилик ғояларини улуғлайди ақл

идрок тафаккур илму дониш асоси эканлиги таърифлайди.

Абу Наср Фаробий Ўрта Осиёдан чиққан буюк фан арбобларидан саналади. Фаробийнинг катта хизматларидан бири унинг идеал жамият ҳақидаги уйлари ва бу ҳақида ёзган асарларидир. Фаробий инсоннинг ғоявий-сиёсий маданиятини шакллантиришда бунёдкорлик кучини юксак баҳолайди унинг таъкидлашича ақл-идрок меҳнат билим қонун устуворлиги адолатлилик инсонни ижтимоий жиҳатдан фаоллаштиради. Инсон билими орқалигина ўзмақсадига эриша олади. У икки хил давлат бошқаруви мавжуд эканлиги ҳақида гапириб бир хилида одамлар устидан ҳокимлар турадилар бошқасида қонунлар ҳокимларга ҳам тааллуқли... Фаробий бошқа бир фойдали ғоя - ҳокимият ҳақида эслатиб ўтади.

Ўзбек адабиёти ва маданияти тарихидаги энг катта дурдона асарлардан бири - бу буюк мутафаккир шоир Алишер Навоийнинг «Ҳамса» асари бўлиб унда инсонни улуглаш халқ бахт саодати учун кўрашиш ғояси етакчилик қилади. Ҳамсанинг биринчи достони «Ҳайратул-аброр» фалсафий-диний характерга эга бўлиб унда етук шахснинг яхшилик саховат софлик ҳаё мурувват андиша адаб камтарлик қаноат ростгўйлик инсоф адолат бағрикенглик каби фазилатлари таърифланиб, руҳий камолот йўллари таҳлил этилган.

Навоий ўз даврида комил инсонларни аҳли маъни кишилардир деб билган. Аҳли маъни — бу фикрли одамлардир. Фикрлаш ҳақиқатни англашдир.

Шарқнинг буюк алломаси Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Берунийнинг инсон ҳақидаги ғояларини ўрганиш бахт-саодат йўлида олиб борган ишларини ёш авлодга тушунтириш ғоявий маданиятимизни шакллантиришнинг асосий омилидир. Унинг «Геодезия» «Ҳиндистон» «Минералогия» «Қонуни масъудий» каби асарлари ҳақида маълумотлар бериш ёшларда келажак учун юксак масъулият ҳиссини қарор топтиришга улар маданиятини шакллантиришга хизмат қилади.

Абу Али ибн Сино буюк қомусий олим сифатида тиббиёт риёзиёт фалакиёт физика кимё биология доришунослик руҳшунослик физиология фалсафа эстетика ахлоқшунослик каби кўплаб фанларнинг етук билимдони ақл-заковат ва юксак маънавият бобида комиллик даражасига етган улуг инсон бўлган. Унинг яратган асарлари нафакат Ўрта Осиёда балки Шарқ ва Европа мамлакатларида ҳам ҳурмат билан тилга олинади.

Ақл ва адолат бахт-саодат фаровонлик ҳақида гапириб дўстлик, ҳалоллик, ростгўйлик, камтарлик, одиллик каби инсоний ҳислатларни шахс камолотида муҳим ўрин эгаллашини ўқтирган Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» достони ҳам инсон ҳаёти ва фаолиятининг бирламчи асоси таълим-тарбия ва билим эгаллаш деб билади. У *ғоявий* тарбияни (фикр тарбиясини фақатгина илм-фан ва маърифат билан соғломлаштириш мумкинлигини таъкидлайди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг «Кутадғу билиг» асарида ифода этилган бола тарбияси ҳақида фикрларни ёшларга тушунтириш уларни ҳаётга тайёрлашда ғоявий-сиёсий маданияти турмуш одобини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эга.

XI асрнинг 82-83 йилларида Кайковус ибн Искандар ўзўғли Гилоншоҳга бағишлаб «Насихатнома»сини яратади ва ўша давр анъанасига кўра уни бобоси подшоҳ Шамсул Маолий Кобус шарафига «Қобуснома» деб атади. Кайковус йирик давлат арбоби сифатида ўғли Гилоншоҳга подшоҳлик вазирлик каби улуг мартабадан тортиб деҳқончилик ишлари деҳқон одобигача бўлган умуминсоний масалалар ҳақида таълим беради. Асарнинг «Илм талаби ва қозигарлик зикрида» баён қилинган қимматли панд

насиҳатларига эътиборимизни қаратайлик: «Эй фарзанд биғилки аввал пеша (хунар касб)лардин сўз айтурман пешадин мақсад дўкондорлик эрмасдурҳар киши ишни қўлига олса ул ишни яхши билсин ва уни кўп варзиш (машқ одат)қилсин токи ул ишдин кўп наф кўрғай ... Илмнинг сифати уч важҳдандур: ё бир пеша била боғлангон илм; илм билан боғлиқ пеша хайр ва далолатга тааллуқли одат». Асарнинг буюклиги шундаки ҳамма замон ҳамма ижтимоий-сиёсий тузумда ҳам ёшларни ақл ва идрок мустақил тафаккур ижодий фикр билан иш кўришга ватанпарвар комил инсон қилиб тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади ва «Қобуснома» ўзқийматини йўқотмайди. Ёшларимиз тарих сабоқлари ўзўтмишини яхши билса бундай ёшларни йўлдан уриш мумкин эмас чунки тарих сабоқлари хушёрликка огоҳликка ўргатади иродани мустаҳкамлайди.

Хулоса қилиб айтганда ўтмиш мутафаккирларининг баркамол комил инсон ҳақидаги фикрлари инсонпарварлик бунёдкорликғоялари бугун ҳам ғоявий-сиёсий маданиятимизни шакллантиришда қимматли ноёб хазинадир. Шундай экан улардан оиладан бошлаб таълим-тарбияни такомиллаштиришда фарзандларимизнинг ғоявий-сиёсий маданиятларини шакллантиришда самарали фойдаланиш айти муддаодир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Амир Темур ўғитлари. - Т.: «Наврўз» 1992.-16-18-б.
2. Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. - Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти 1993. -186-187-б.
3. Юсуф Хос Ҳожиб. «Қутадғу билиг». Қадимий ҳикматлар тўплами. - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти 1987. -312-б.
4. Кайковус. Қобуснома.-Т.: «O'qituvchi»,2006.-122-б.

ARTICLE A TEACHER IS ONE WHO BRINGS TOOLS AND ENABLES US TO USE THEM.

***Musurmonova U.Q,- a teacher
53 secondary schools
of Sharof Rashidov district.***

The above insights and findings could form the basis of two practical guidelines for the ESL (English second language) / EFL (English as a foreign language) teacher in the teaching of vocabulary for reading.

1. Automatic recognition of words is vital in reading comprehension. The reading teacher should not be content with merely increasing the size of learners' vocabulary through such activities as explaining or making learners memorize from a mono- or bilingual vocabulary list. Instead, teachers should adopt activities that will help reinforce and recycle vocabulary to facilitate automatic lexical access. A total language experience in which the skills of reading, writing, listening, and speaking are practiced through a thematic approach seems to be the most efficient way of ensuring lexical repetition and reinforcement.
2. Vocabulary is stored as concepts in scripts that contain semantic networks of interrelated words. Vocabulary building is related to concept building, and teachers should help pupils organize information or words according to concepts or topics.

Activities in the classroom should help learners build up new networks or maintain, refine, and expand existing networks. Reinforcing and refining networks will help to facilitate fluency in lexical access, leading to automaticity in vocabulary recognition.

I am a young English teacher so I want to tell you that in reading your *English Teaching Forum* I have found it very interesting and different from other publications for those concerned with the English language. It can help English teachers a lot in their work with the pupils. All those maps, records, and pictures are very useful, especially here where we do not have audiovisual aids at all. Nobody provides us with these materials or with English or American books that could improve our way of teaching and learning English as a Foreign Language.

We do not even have enough school books to give to our pupils. And our bookshops are so poor that you cannot find anything there.

I do not know if you have ever heard about all these difficulties that we. The English teachers in Uzbekistan have to face. We were forbidden to have contacts with people abroad and lived here isolated from the civilized world. But now the situation has changed and more than ever not only children but also adults want to learn English. So the English teacher has very hard, but pleasant, task.

I would like have liked to tell you more about all these facts but I do not want to abuse your precious time. So, if I am allowed, I would like to make a suggestion. In my opinion, little has been written about teaching English to young children. The first steps in learning English are very important for them. I think a greater emphasis should be put on children's learning of English, according to their age and using suitable teaching methods.

I was guided in teaching by three fundamentals: (1) to turn to as good account as possible children's tremendous ability to memorize, (2) to combine activities such as looking at pictures and coloring them while sounding their names and talking about them, just to ensure complete understanding, and (3) to play games (for the purpose of learning English). My approach could be called "Teaching English through poems". I have created little poems using grammar structures, specific English turns of phrase, and simple words. The poems include vocabulary and patterns of use. The point is that children learn poems by heart almost on the spot due to their computer-like memory and aided by the melody of the poems, especially when they are familiar with most of the words. At the same time, dialogues, for which I recommend a "changing context" method, give children an accurate perception of the meaning and right usage of words.

All mistakes and misuses should be corrected by referring to a pattern poem in which the correct usage appears, if there is such a poem. Thus, a poem becomes part of the children's data base for English, and they get used to calling it up whenever they need to. I still remember poems, songs, and even statements given to us by my first English teacher. Some of them were very useful to me as a child in my secondary school English classes. In fact, that was the starting point in planning my own way of teaching English to children. Playing games is the easiest way to keep children's attention focused on a certain topic. Using games in teaching children seems to be a given. Still, I would point out that games need not be traditional. Anything can be turned into a game with children-learning prepositions, as well as commands or colors - by using simple objects around us. I created games about almost everything I taught,

such as “What is your name?”, “Guess the color”, “Who is in command?”, etc., and I discovered that watching children play can be in-spring in creating new games. Games provide an excellent “changed context” for learning and keeping in mind words and phrases. Two rules must be adhered to. First, there must always be a winner and sometimes a prize, be it a good mark, a chocolate, a poster, etc., as rewards are always stimulating. Second, children must win in turns, so that all the children can keep active and interested in playing.

Teachers have to be intuitive and flexible towards children and often let them indicate the next step in the class, be it a coloring activity, reciting a poem, or doing gymnastics. It is no use forcing children to do something they do not want to, since English can be learned through poems and games, which they like most. I tried to find a more mother-like than teacher-like approach.

There are certainly many more vocabulary activities based on sound theories and research. It is important for the ESL reading instructor to be able to see beyond such activities and recognize their theoretical underpinnings. Only then will s/he be able to evolve a coherent and consisted methodology in teaching vocabulary that is derived from theory and research. Behind every good method there is a good theory, and with practice informed by theory, hopefully, the ESL classroom will become a more effective place for language learning and teaching.

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЛОЙИХАЛАШ ТУШУНЧАЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА МУТАФАККИРЛАР МЕРОСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*ҲАЙДАРОВ Д. Ш - ўқитувчи
Жиззах ДПИ*

Аннотация

Важно использовать взгляды и опыт восточных мыслителей в формировании дизайнерских концепций будущих учителей начальных классов, разработке проектных мероприятий, подготовке конкурентоспособных кадров, повышении качества образования.

Annotation

It is important to use the vision and experience of Orient lists to shape the design concepts of future elementary school teachers, to develop design activities, to train competitive staff, and to improve the quality of education.

Жаҳон тажрибасида педагог кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнига ҳамкорликда ўқитиш, тизимли ёндашув асосида таълимни ташкил этиш, педагог кадрларнинг замонавий технологик билимларини кенгайтириш, ахборот технологиялари асосида лойиҳалаш фаолиятини шакллантириш ва ривожлантириш, киберпедагогика, масофавий таълим шакллари кенг татбиқ этиш; очик таълим ресурслари, аралаш таълим технологияларини ривожлантиришда лойиҳалаш технологияларидан фойдаланиш долзарб муаммо сифатида қаралмоқда.

Мамлакатимиз таълим тизимини халқаро таълим стандартлари билан уйғунлаштириб, олий таълим муассасаларида кадрлар тайёрлаш сифати ҳамда

рақобатбардошлигини таъминлаш, жаҳон амалиётига асосланган олий таълим тизимининг сифат даражасини ошириш, узлуксиз таълим тизимига педагогик лойиҳалаштириш жараёнини кенг татбиқ этиш орқали илмий ва инновация ютуқларини амалиётга жорий этишнинг самарали методларини ишлаб чиқиш устувор йўналишлардан бири сифатида эътироф этилмоқда. Ўзбекистонни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясида таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш, уларни замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси ва ўқув-методик қўлланмалар билан таъминлаш бўйича ишларни амалга ошириш орқали уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларни кўриш устувор вазифалардан бири сифатида кўрсатиб ўтилган [1].

Ўзбекистонда ёш авлодни янги жамият талабаларига мос равишда вояга етказиш энг муҳим вазифалардан ҳисобланади. Шу жиҳатдан биз ўқувиларнинг лойиҳалаш тушунчаларини шакллантириш деганда қуйидагиларни назарда тутамиз:

- боланинг туғма бадиий ва эстетик туйғусини ўстириш;
- болани чизма чизиш, расм солиш, лойиҳалар тузиш ва эстетик завқли, чиройли қурилмалар қуришга ўргатиш;
- болани ижодкорликка кўниктириш.

Айнан мана шу ўстириш, ўргатиш ва кўниктириш қонуниятлари ўқувчиларнинг лойиҳалаш тушунчасини қутилган даржада шакллантиришни таъминлайди. Чунки ҳар бир болада муайян даражада истеъдод, қобилият ва лаёқатнинг туғма бўлиши педагогикада эътироф этилган [2, 68]. Бу масала бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг лойиҳалаш тушунчаларини шакллантиришдаги асосий вазифалардан биридир. Бизнинг фикримизча, бунда қуйидгилар муҳим аҳамиятга эга:

1) талабаларни ранглар маънолари билан чуқур таништириш. Маълумки, лойиҳада ҳар бир шакл, ранг, чизма, тимсол ва буюмлар ўз маъноларига эга [2,3]. Кузатишлар шуни кўрсатадики, бу масалада ислом даври маданиятимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган тасаввуф таълимоти терминологиясидан фойдаланиш ҳам мақсадга мувофиқ бўлади [4]. Мисол учун, қуйидагиларга эътибор беринг:

- а) “Қора ранг” – қийинчилик ва номукамаллик;
- б) “Қизил ранг” – фаровонлик ва мукамаллик;
- в) “Яшил ранг” – бахтлилик ва абадийлик;
- г) “Оқ ранг” – қудратлилилик ва мутлоқликни билдиради ва ҳ.к.

Бундан ташқари, ватандошимиз Нажмиддин Кубро (1145 - 1221) “Фавойиҳ ул-жамоал” (Гўзалликни англаш) асарида рангларнинг психологик таъсир кўрсатувчанлигини шундай кўрсатиб ўтади:

- а) “Қора ранг” – салбий ҳиссиёт уйғотади;
- б) “Қизил ранг” – мияда қзўғалиш ҳосил қилади;
- в) “Яшил ранг” – умид ва кўтаринки руҳ бағишлайди;
- г) “Оқ ранг” – қувонтиради ва завқлантиради ва ҳ.к. [5].

Лойиҳалаш тушунчасида лаёқат, ижод ва амалиёт бирлиги муҳим ўрин тутаяди. Шу сабабли миллий педагогикамиз тадрижида бу масала “хунар нуфузи”, яъни касб сирларини чуқур эгаллаш тушунчаси билан ифодаланиб келинган. Мисол учун, Кайковус (XI аср) мазкур масалада қуйидагиларни таъкидлайди: “Огоҳ бўлки, хунарсиз киши ҳамиша фойдасиз бўлур ва ҳеч кишига наф еткурмас”. Демак, касб эгаси бўлиш нафақат шахснинг ўзи учун, балки ўзгалар учун ҳам заруриятдир. Бунда ягона шарт –

Ўз касби бўйича юксак маҳоратга эга бўлишдир. Кайковуснинг фикрича, нафосат касбида, яъни лойиҳалашда маҳоратга эга бўлиш учун шахс беш ички ва беш ташқи сифатларини ривожлантириши керак. Беш **ички сифатлар**:

- 1) хотира;
- 2) тасаввур;
- 3) фикрлаш;
- 4) тушуниш;
- 5) сўзлаш (изҳор қила олиш).

Беш **ташқи сифатлар**:

- 1) завқланиш;
- 2) эшитмоқ;
- 3) кўрмоқ;
- 4) сезмоқ;
- 5) яратмоқ.

Диққат қилинса, лойиҳалаш туунчасига эга бўлиш учун шахс табиати ривожлантирилиши лозим. Шу сабабли мазкур масалада “ўрганмак ва эшитмоқдан ор қилмаслик керак”.

Зеро, талабаларни лойиҳалаш асослари маънолари билан чуқур таништириш уларда бу борадаги малаканинг кутилган даражада шаклланишига олиб келади.

2) талабаларни лойиҳа материаллари тайёрлашга ўргатиш. Бу борада қуйидагиларга эътибор бериш кутилган самарани беради:

а) талабаларни лойиҳа маҳсулотлари ва материалларининг таркиби, хусусиятлари ва улардан фойдаланиш қоидалари билан таништириш;

б) талабаларни ранглар, ёғоч, пластмасса, темир, лойиҳа ашёлари ва умуман моддий материаллар билан ишлашга ўргатиш;

в) талабаларда мустақил ижодкорлик кўникмасини таркиб топтириш;

г) талабаларни ўз ижодий лаёқати, истеъдоди ва қобилиятини рўёбга чиқаришга одатлантириш.

Ўқувчиларнинг лойиҳалаш тушунчасини шакллантирувчи шакл, усул ва воситалар кўп. Улар орасида **меҳнат таълими** алоҳида ўрин тутаяди. Негаки меҳнат таълими ўқувчини назария ва амалиёт уйғунлиги асосида ривожлантиради. Меҳнат таълими давлат стандартларида “бошланғич синф ўқувчиларининг технология дарсларида қоғоздан буюмларни лойиҳалаш, картон, табиат материаллари, газламалар билан ишлаш, турли хил материаллардан фойдаланиш, моделлаштириш элементлари, қишлоқ хўжалик меҳнати, бошланғич полетехник тўқим элементларини ўргатиш ва шакллантириш” талаблари белиглаб қўйилган [3, 23]. Шу маънода меҳнат таълими ўқувчиларнинг лойиҳалаш тушунчаларини шакллантиришдаги муҳим воситадир. Бунда технология таълими машғулотларида қуйидагиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқ бўлади:

- ўқувчиларнинг қобилият ва лаёқатини аниқлаш;
- ўқувчиларга лойиҳалаш асослари ҳақида дастлабки тушунчалар бериш;
- ўқувчиларни бадиий ва эстетик лойиҳалашга кўниктириш;
- ўқувчиларни қоғоз, картон, пластилин, газламалар ва табиий материаллардан турли хил нарсаларни мустақил яшашга ўргатиш;
- ўқувчиларни турли хил меҳнат қуролларидан тўғри фойдаланишга йўналтириш;

- ўқувчиларнинг меҳнатсеварлик туйғусини мақсадли шакллантириш.

Шундай қилиб бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология дарсларида лойиҳалаш тушунчаларини шакллантиришда мутафаккирлар меросидан фойдаланиш жуда катта аҳамиятга эгаллигини кўриш мумкин. Чунки, талабалар илмий, техникавий ва бадиий ижодкорлик асослари бўйича кўргазмали ва “жонли” таълим беришни, лойиҳалаш, чизиш ва ижод қилишга тезкор ўтишади, бундан ташқари вақтини тежаш, назариядан амалиётга тезкор ўтишга эришишади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Фитрат А. Нажот йўли. – Т.: Шарк. 2001.
2. Олий таълимнинг Давлат таълим стандартлари. Расмий нашр. – Т.: 2009.
3. Комилов Н. Тасаввуф. – Т.: “O‘zbekiston”. 2010. 60 – 140 б.
4. Кубро Н. Тасаввуфий ҳаёт. – Т.: “Моварауннаҳр”. 2005. – 160-161 б.
5. Кайковус. Қобуснома. – Т.: O‘qituvchi. 2006. 37 – бет.

BOLANING JISMONIY, AQLIY, NUTQIY RIVOJLANISHIDA XALQ OYINLARINING AHAMIYATI

*Temurova G- o‘qituvci
Jizzax DPI*

Аннотация:

Выявление, обучение, искоренение и профилактика речевых нарушений являются актуальными для всех областей дефектологов (логопедия, олигофренопедагогика, тифлопедагогика сурдопедагогика)

Недостатки в речи негативно влияют на поведение и обучение детей. Речь не является самостоятельной. Нарушения речи требуют длительного устранения. Чтобы правильно влиять на детей с нарушениями речи, важно понять причину и сущность нарушения речи, выявить недостатки в речи и правила их устранения. Это поможет создать свободную речь и избежать недостатков в достижении четкой цели.

Annotation.

Detection, learning, eradication and prevention of speech deficits are urgent for all areas of defectologists (logopedics, oligophrenopedagogics, typhlopedagogics, surdopedagogics). Flaws in speech have a negative impact on the behavior and teaching of children. Speech disorders require a long term elimination. In order to properly influence the children with speech deficiencies, it is important to understand the speech, the development of speech disorders, and the rules of its elimination. This will help to create fluent speech and to avoid shortcomings in the pursuit of a clear objective.

Мактабгача yoshdagi bolalarning o‘yin faoliyatini samarali rivojlantirish ma‘lum darajada o‘yinga o‘rgatishning to‘g‘ri tashkil qilinishiga bog‘liq bo‘ladi. SHunga ko‘ra maxsus maktabgacha tarbiya muassasalarining pedagogik jamoasi o‘yin faoliyati butun korreksion-tarbiyaviy ish jarayonning muhim bo‘g‘ini bo‘lib hisoblanishini anglashi lozim. Maxsus bolalar bog‘chasining kun tartibida o‘yinga o‘rgatish mashg‘ulotlarini o‘tkazish vaqti aniq bo‘lgani kabi bolalarni erkin o‘yinlar o‘ynashi uchun ham vaqti bo‘lishi kerak. Xatto shu talablarga rioya qilinganida ham bolalar yetarlicha o‘ynamaydilar. Turli sabablarga ko‘ra o‘yin o‘ynashga vaqt qolmaydi, o‘yinni mutolaa qilish va filmlar

ko'rish bilan almashtirish ehtimoli katta bo'ladi. Bolaning asosiy faoliyatiga bunday munosabat uning rivojlanishiga salbiy ta'sir ko'rsatishini tushunish lozim. Faqat kun tartibini aniq bajarish, mashg'ulotlarni tizimli o'tkazishgina maktabgacha yoshdagi aqli zaif bolalarda o'yin o'ynashga talab paydo bo'lishini ta'minlaydi.

Agar bolalar muassasasining hovlisida o'yin va mashg'ulotlarni o'tkazish uchun kerakli uskunalar bor bo'lsa, unda saymi o'tkazish ancha osonlashadi. Albatta, har bir guruhda ochiq havoda o'ynash uchun o'yinchoqlar to'plami bo'lishi kerak. Tarbiyachi yil fasliga va ob-havo sharoitiga qarab bolalar bilan turli o'yinlar o'tkazadi. U qishda bolalar sovuq qotib qolmasligi uchun harakatli o'yinlarni afzal ko'radi, bahor-yoz oylarida esa tabiatdagi qum, suvdan foydalanib turli xil qurilish o'yinlarini tashkil qiladi. Bolalar bilan rolli o'yinlarni yoki bolalarning harakat faolligi oldindan o'rnatilgan qoidalarga buysunadigan o'yinlarni, ya'ni o'yin-musobaqalarni tashkil qilish mumkin. Qator hollarda hayajonlanish va charchoqning oldini olish uchun jismoniy mashqlardan keyin dam olish uchun imkoniyat berish o'rni, ular uchun didaktik o'yinlar o'tkazish maqsadga muvofiqdir.

Tarbiyachi ochiq havoda o'yinlarni rejalashtirar ekan, bolalarning individual va yoshidagi kizikishlarini hisobga olishi kerak.

Agar kichik yoshdagi bolalar tarbiyachi tomonidan doimiy nazoratga, ularning o'yinlarini tashkil etishda alohida e'tiborga muhtoj bo'lsalar, katta yoshdagi bolalar esa o'yinlarni o'z xoxishlariga ko'ra tanlaganlari va ularni ma'lum darajada mustaqil ravishda tashkil etishlari mumkin. Tarbiyachi doim bolalar bilan bo'lishi muhim, chunki ulap me'yorda rivojlanayotgan maktabgacha yoshdagi bolalardan farqli, hatto tajribali pedagog xam oldindai ko'ra olmaydigan turli xil sababsiz harakatlarga beriluvchan bo'ladilar. Tajovuzkorlik ko'tarilishlari, yonida o'ynayotgan o'rtog'iga zarar yetkazishga harakat qilish tez-tez uchrab turadigan xolat. Pedagog o'z tarbiyalanuvchilarini diqqat bilan kuzatib o'zaro yetilayotgan nizolarni avvaldan ko'rishi va oldini olish uchun hamma ishni kilishi kerak.

Tarbiyachi kunning ikkinchi yarmida jadvalga muvofiq bolalarbilan syujetli-rolli, didaktik va harakatli o'yinlarni o'rgatish bo'yicha mashg'ulotlar o'tkazadi.

Shunday qilib, agar o'yinlar to'g'ri rejalashtirib tizimli ravishda o'tkazilsa, unda bolalarning o'yin faoliyatini rivojlanishi uchun kerakli sharoit yaratiladi,

Bolalarni o'yin o'ynatishga o'rgatishda guruh xonasida o'yin burchagining borligi katta ahamiyatga ega. O'yin burchagi o'yinchoqli javon xamda bir qator o'yinchoqlar joylashgan to'shalgan gilamni o'z ichiga oladi.

Bolalar bog'chasida o'yin burchagini jihozlshn ta'lim davrining xar yilida bolaning o'yin faoliyati rivojlaiishining asosiy vazifalariga va yosh talablariga qattiy javob berishi kerak. O'qish davrining birinchi yilni guruhlarda o'yin burchagini jihozlash bolalarda o'yin o'ynashga qiziqishni uyg'otadigan, o'ynashni hoxlaydigan qiziqish bo'lishni talab etadi. Bu syujetli o'yinchoqlar: kiyimi (kiyimi yechiladigan o'rta kattalikdagi qo'g'irchoqlar, iloji boricha yumshoq matodan bo'lgan aniq kiyofa va rangdagi hayvonli o'yinchoqlar (quyoncha, ayiqcha, kuchukcha, mushukcha), aravachalar, g'ildiraklar, kubiklar, katta mikdordagi turli konstruksiyali mashinalar, vagonchalar; didaktik xarakterdagi o'yinchoqlar: qo'g'irchoqlar, piramidachalar, mozaikalar. Hamma o'yinchoqlar yetarli mikdorda va yaxshi xolatda bo'lishi zarur. Bola osongina olishi uchun ular javonning pastki tokchasida bo'lishi ham ahamiyatli. «Mozaika», «Rangli kubiklar», «Kichkintoylarga - loto» turidagi o'yin qo'llanmalari yuqori tokchalarda yotadi.

Ular tarbiyachi bilan jamoaviy didaktik o'yinlar o'tkazilganida bolalarga beriladi. Sahnalashtirish o'yinlar uchun o'yin belgilari to'plami liboslar, maketlar kerak bo'ladi, ular bolalarning mustaqil foydalanishi uchun mo'ljallanmagani uchun alohida xonada saqlanishi kerak.

Bundan tashqari, ta'limning birinchi yili guruh tarbiyachisi bolalar uchun syurpriz bo'ladigan bir nechata syujetli o'yinchoqlarni alohida saqlaydi. O'yin jihozlarining to'plamida stol qo'g'irchoq teatri

hamda teatrlashtirilgan o'yinlar o'tkazish uchun shirma kerak bo'ladi.

Yuqorida kursatilganidek bolalar bilan ochiq havoda yer maydonida o'yinlar o'tkazish uchun suv va qum uchun mo'ljallangan kotgok o'yinchoqlar to'plami (kurakcha, belkurak xaskash) bo'lishi kerak. Sayr uchun o'yinchoqlar; bir nechta qo'g'irchoq kuchukcha, sigir, ot albatta ajratilishi kerak. Sayr uchun tanlangan o'yinchoqlarga ayamasdan munosabatda bo'lish yaramaydi va bolalarga singan, isqirt kiyingan, kam e'tiborni tortadigan o'yinchoqlarni berish kerak emas. Shuni esda tutish kerakki, ochiq havodagi o'yinlar - bu aqli zaif bolaning o'yin faoliyati shakllanishi bo'yicha qilingan umumiy ishning asosiy qismi hisoblanadi.

Syujetli o'yinlar uchun kerakli o'yinchoqlar to'plamini g'amlab qo'yish kerak: «do'kon», «kasalxona», «sartaroshxona». Lekin bir qism o'yinchoqlar tarbiyalanuvchilarning o'zlarini jalb qilgan xolda tayyorlanishi mumkin.

Unga o'yin ishtirokchilarining liboslari bu ishtirokchi haqiqiy ertakdagidek bo'lmasa ham yordam beradi. Guruhda doim ozoda va o'ziga e'tiborni karatadigan ko'rinishda bo'lgan kerakli libos va atributlar bo'lishi lozim. O'yin burchagi yoniga bu narsalarni qo'yish uchun shkafcha yoki kiyim ilgichga joy ajratish kerak.

Biroq o'yinning hamma atributlarini, o'yinchoqlarni olgandan qo'yib qo'yish kerak emas. Bolalar u yoki bu o'yinni o'ynashni boshlashlari bilan uni o'tkazish uchun o'yin burchagini jihozlash kerak. Bir kancha vaqt o'tganidan keyin uni mazmunini yangilab turish, yangi o'yinchoqlar, qo'llanmalar ishlatish maksadga muvofiq bo'ladi. O'yin burchagida o'yinchoqlarning joylashishigi e'tibor berish kerak.

Ularning bir qismi javondan joy oladi, qolganlarini esa pol ustida o'yinlari an'analarga ko'ra taqsimlash kerak. O'yin turida, albatta, qo'g'irchoqlar uchun xonadonni jihozlash ovqatlanadigan xona, yotoqxona, oshxona, vannaxona mebeli mahkam, yirik miqdordagi chiroyli va qulay bo'lishi ham kerak, bolalar o'yin jarayonida qo'g'irchoq stol yoki unga o'tirib ko'rishlari, qo'g'irchoq qo'l yuvadigan moslamada yuvishlari mumkin. Faqatgina mebellarni qo'yish qo'g'irchoq xonadoni sharoitini jonlantirish — uning ichiga kerakli narsalarni televizor, chiroq oshxonadagi kattaroq bo'lgan qo'g'irchoq idish-tovoqlarni ishlatish, qo'g'irchoq kiyimlarini osish, o'rin solish kabi ishlarini bajarish lozim, qo'g'irchoq xonadoni bolalar qo'g'irchoq bilan o'ynashi uchun kengroq bo'lishi muhim.

Birinchi yili ta'lim olayotgan bolalar guruhidagi yerda ham, ochiq havoda o'yinlar tashkil qilish uchun o'yinchoqlar to'plami bo'lishi zarur.

O'yin maktabgacha tarbiya yoshidagi bolalarning rivojlanishida asosiy faoliyatlardan biri bo'lib, u orqali bola shaxs sifatida shakllanadi. O'yin bolalarning kelajakdagi o'quv va mehnat faoliyati, kishilarga munosabatining qay darajada shakllanib borishini belgilaydi. O'yin faoliyati asosida boladagi bilish faoliyati rivojlanadi, bola qancha yaxshi o'ynasa, u maktabda ham fanlarni yaxshi o'zlashtiradi. Psixologlar o'yinni bog'cha yoshi davrida yetakchi faoliyat deb hisoblaydilar. O'yinda bola shaxsining hamma tomoni bir – biriga o'zaro ta'sir etgan holda shakllanadi.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аюпова М.Ю. Логопедия. Ўзбекистон файласуфлар Миллий жамияти. Т.: 2007, 2011 й.
2. Логопедия. (под ред. А.С.Волковой). М.: Владос. 2003 г.
3. Муминова Л., Аюпова М. Логопедия. Т.: Ўқитувчи 1993 й.
4. Шомахмудова Р.Ш., Мўминова Л.Р. Болалар нуткидаги нуқсонлар ва уларни бартараф этиш. Ўқитувчи. Т.: 1993 й.
5. Nurkeldiyeva D.A., Ayupova M.Y., Ahmedova Z.M. Barmoqlar mashqi va logopedik o'yinlar. Т.: «Yangi asr avlodi» 2007 у.

6. Логопедии. (под ред. Волковой А.С., проф.Шаховской) Москва.: Владос. 1998 г.

ZAMONAVIY TA'LIM-TARBIYA JARAYONINI BOSHQARISHDA ABAY QO'NANBOYEV NASIHATLARIDAN FOYDALANISHNING O'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI

*SHOKIROVA D. O. magistrant
Jizzax DPI*

Аннотация: В статье рассматриваются особенности использования советов Абая Кононбаева в управлении современным образовательным процессом. Важную роль в этом играет описание совета Абая Кононбаева. Образцовые слова широко использовались для раскрытия сути темы.

Abstract: The article discusses the peculiarities of using the advice of Abay Kononbaev in the management of the modern educational process. The description of Abay Kononbaev's advice plays an important role in it. Exemplary words were widely used to reveal the essence of the topic.

Mamlakatimizda yosh avlod ta'lim-tarbiyasiga alohida e'tibor qaratilayotganligi hech kimga sir emas. O'g'il-qizlarning zamonaviy bilim olishi, yuksak ma'naviyatli bo'lib ulg'ayishi uchun zarur sharoit yaratish borasidagi ishlar izchil davom etmoqda. "Agar mendan sizni nima qiynaydi?" deb so'rasangiz, farzandlarimizning ta'lim va tarbiyasi deb javob beraman",-deya jon kuydirayotgan Prezidentimiz Sh.M.Mirziyoyev boshchiligida jadallik bilan olib borilayotgan islohotlar sirasidan xalq ta'limi tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasi, O'zbekiston va AQSH o'rtasida ta'lim taraqqiyotiga ko'maklashish bo'yicha imzolangan kelishuv kabi ko'pgina shaxdam qadamlarni sanashimiz mumkin. Albatta, zamonaviy ta'lim jarayonlari EGMA, EGRA, PISA, TIMSS, PIRLS kabi ko'pgina atamalar bilan boyiyotganligi va yosh avlodimiz bilim salohiyatining jahon talablari darajasidan-da o'zishga intilayotganligi kishini quvontiradi. Ammo, Farobiy bobomiz aytganlaridek: "Bilim, albatta yaxshi axloq bilan bezatilmog'i lozim, aks holda kutilgan maqsadga erishilmaydi, bola yetuk bo'lib yetishmaydi". Ya'nikim, ta'lim bilan bir qatorda tarbiya jarayonini ham yuksaltirib borishni unutmashimiz lozim. Yurtboshimiz tomonidan aytilgan ayni so'zlar fikrimiz isboti, nazarimizda: "Bizni hamisha o'ylantirib keladigan yana bir muhim masala-bu yoshlarimizning odo-axloqi, yurish-turishi, bir so'z bilan aytganda, dunyoqarashi bilan bog'liq. Bugun zamonshiddat bilan o'zgaryapti. Bu o'zgarishlarni hammadan ham ko'proq his etadigan kim-yoshlar. Mayli, yoshlar o'z davrining talablari bilan uyg'un bo'lsin. Lekin ayni paytda o'zligini ham unutmashin. Biz kimmiz, qanday ulug' zotlarning avlodimiz, degan da'vat ularning qalbida doimo aks-sado berib, o'zligiga doimo sodiq qolishga undab tursin. Bunga nimaning hisobidan erishamiz? Tarbiya, tarbiya va faqat tarbiya hisobidan". Ana shunday muhim bir vazifani bajarishda o'zbek xalqiga aslo notanish bo'lmagan ma'rifatparvar Abay Qo'nanboyevning nasihatlari, albatta, qo'l keladi. Ezgulik, adolat, insonparvarlik singari ko'pgina qadriyatlarini o'z bag'rida jamlagan bu nasihatlar yosh avlod tarbiyasining nozik jihatlari, shubhasiz, shakllantira oladi. Abay tanlangan asarlarining "O'n oltinchi so'z" qismida shunday deydi: "«Rizq - tiriklikda» deyishadi. Bu nima degani? Demak, tanangda joning bo'lsa, tiriklik shumi? Yo'q, bundaqa tiriklik itda ham bor. Tiriklikni shunday deb tushunib, shu tushuncha bilan yashagan odam o'limni yot ko'rib, oxiratga dushman bo'ladi. O'z joninigina himoya qilib, yov tegsa qochib, qo'rqqoq atalib, mehnat

qilishdan bosh tortib, erinchoqlik qilib, maxsimcha bo‘lib yurish-bu ham yuqorida aytilgan rizqqa nisbatan nonko‘rlik qilishdir. Tiriklikni bunday tushunish yaramaydi; o‘zing tirik bo‘lganing bilan ko‘ngling, ko‘kraging o‘lik bo‘lsa, bu tiriklik - tiriklik emas, albatta; o‘zing tirik bo‘lsang-u, ko‘kraging o‘lik bo‘lsa - aql topsang mol topmaysan, mol topsang aql topmaysan. Halol mehnating bilan erinchoqlik qilmay mol topish uchun g‘ayrat qilolmaysan. Ish vaqtida ayyor, osh vaqtida tayyor bo‘lib, sirting yaltirab, iching qaltirab yurib, tirikman degandan ko‘ra - bundan xudo yuborgan halol o‘lim ming marta afzal”. O‘ttiz birinchi so‘zida aql va ilmga putur yetkazuvchi narsalar yoritib beriladi: “Kishi eshitgan narsasini unutmazlik uchun to‘rtta shart bor: avvalo, buning uchun zehni bo‘lmoq kerak; ikkinchidan, bir narsani ko‘rganda yo eshitganda — unga chin yurakdan ixlos qo‘yib, fahm-farosat bilan uqib olmoqlik lozim; uchinchidan, eshitganlarini ichida bir necha marta takrorlab, ko‘ngilga jo qilmoq kerak; to‘rtinchidan, ko‘ngilga boshqa narsalarni mutlaqo keltirmaslik va kelsa ham unga zarracha e‘tibor bermaslik kerak. Masalan: beg‘amlilik, beparvolik, o‘yin-kulgi yoki qayg‘u-hasratga berilmazlik va boshqa narsaga ihlos qo‘ymaslik kerak. Aks holda, bu to‘rt narsa aql bilan ilmga putur yetkazadigan omillardir”. O‘n oltinchi so‘zida: “Mening nazarimda, aqlli kishi bilan aqlsiz kishini ajratib turadigan bitta narsa bor.

Avvalambor bandasi yaratilgandan keyin, dunyodagi mavjud narsalarga qiziqmay iloji yo‘q. Xuddi shu payt uning umrida eng qiziq davri bo‘lib esida qoladi. Shunda aqlli odam kelgusida nafi tegadigan bir ishga mehr qo‘yib, ixlos bilan yopishar ekan-u, bir kun uning ana shu qiziqqan narsasi o‘zining sevgan kasbiga aylanib, kuniga yarab, ko‘z ko‘radigan, quloq eshitadigan, ko‘ngil sezadigan bo‘larkan. Nihoyat, shunday o‘tgan umrning o‘kinchi ham bo‘lmas ekan. Aqlsiz kishi nimaiki ko‘rsa - shunga havas qilib va ularning biron-tasini ham boshini tutolmay, ne-ne tillaga topilmaydigan umrini it azobiga xor-zorlik bilan o‘tkazib yuborar ekan-u, keyingi o‘kinchidan foyda chiqmas ekan. U odam o‘zini yoshligida, bu hunar bo‘lmasa, u hunar, deb o‘zini har ishga qodir sezib, u shohdan bu shohga uchib qo‘nib, go‘yo yoshligi abadiy turaveradiganday, belining quvvati, ko‘zining nuri ketib, qarimaydigan qo‘rinarkan-u, vaqti kelib, tushunib, biror ishning boshini ushlayman, deganda, yoshi o‘tib, kuchi ketib, qo‘lidan hech narsa kelmay qolar ekan. Keyin har narsaga bir qiziqish masalasi. Agar biror narsaga qiziqsang - bora-bora uni sevib qolarkansan, kishi. Bir narsani sevishning o‘zi ham bir dard bo‘larkan. Ana shu sevgan ishingga, kasbingga yetay-etay deb turganda, odamda qandaydir bir mastlik, mag‘rurlik paydo bo‘larkan. Ma‘lumki, mastlik har qanday mast kishining aybini ko‘proq yuzaga chiqarar, ko‘zlarini shira bostirar, mag‘rurlantirib yuborar ekan. Ana shunday paytda eslik odam esini yo‘qotib qo‘ymay, aql-hushini bir joyga yig‘ib olib, o‘z kasbi-korining etagidan mahkam ushlar ekan. Essiz, ovsar kishilar esa boshi aylanib, ko‘zi tinib, bosar-tusar joyini bilmay, hovliqib, bosh yalang, egar-to‘qimsiz otini qamchilayverar ekan - men shuni ko‘rdim. Agarda sen ham aqlli kishilarning safida bo‘lging kelsa, har kuni bir marta, yo haftada bir marta, hech bo‘lmasa oyida bir marta o‘zingga o‘zing hisob ber! O‘tgan umrni qanday o‘tkazibsan: na ilmga, na jamiyatga va na o‘zingga foydali biror ish qilibsanim? Yo esa qanday qilib o‘tkazganligingni o‘zing ham sezmay qolibsanim?”,-deyiladi. O‘ttiz ikkinchi so‘zida ilm olishning mohiyati borasida so‘z yuritadi: “Ilm o‘rganishni talab qilgan kishi, avvalo, uni bilishi kerak. Buning bir necha shartlari bor. Bularni bilmay turib o‘rganilgan ilm yuqmaydi. Avvalo, o‘rganilayotgan ilm-hunarni oxir bir kun kelib biron kori-holimga yarab qolar, deb o‘rganmasdan, hayotda uni turmushga tadbiiq qilish maqsadida o‘rganmoq kerak. Chunki ilmni faqat bilib qo‘yish uchungina o‘rgansang va shu bilan qanoat hosil qilsang, bunday ilmning kimga keragi bor? Kishi o‘zining bilmagan narsasini bilib o‘rgansa — bundan qanchalik huzur-halovat topishini asti qo‘yavering! Agar

sen ilmga astoydil mehr qo'yib o'rgansang, senda, yana ko'proq bilsam ekan, degan muhabbat paydo bo'ladi. Shundagina sen ko'zing ko'rgan har bir narsani ko'nglingga mahkam tugib, uqib oladigan bo'lasan. Agar bordi-yu, ko'ngling boshqa narsada bo'lib, o'qib o'rganayotgan ilmingni shunga sabab qilib ko'rsatsang, ya'ni uni ana shu ko'nglingdagi narsa uchungina o'rganayotgan bo'lsang, unda ilmga degan mehring go'yo o'gay onaning mehri kabi bo'ladi. Agarda chin niyat bilan o'rganayotgan bo'lsang, unda ilmga degan mehring xuddi o'z onangning mehriday iliq va samimiy bo'ladi. Sen ilmga chindan ham ixlos qo'ysang, u ham senga mehr qo'yadi va sen uni tezroq qo'lingga kiritasan. Agar sen unga chala mehr qo'ysang, o'rgangan ilming ham chala-chulpa bo'ladi. Ikkinchidan, ilmni o'rganganda yaxshi niyat bilan o'rganish kerak. Ammo birov bilan bahs boylashmoq, talashishmoq uchun o'rganish kerak emas. Bahs, avvalo, ko'ngildagi ishonchni mustahkamlash uchun bo'lsa — bu zarar emas, lekin haddan oshib ketsa — kishini tuzatishdan ko'ra ham ko'proq buzib qo'yishi mumkin. Buning sababi: bahs qiluvchilar ko'proq haqiqatni aniqlash uchun emas, balki bir-birlarini yengmoq uchun harakat qilishadi". Abay nasihatlarining samimiyligi, allaqanday tik ohangda bayon etilganligi, xalqona so'zlarning o'z o'rnida qo'llanganligi - bularning barchasi ta'sir kuchini oshirishga xizmat qiladi. Abay Qo'nanboyev nasihatlarining bunday o'ziga xos jihatlari Sharqona tarbiyaga ayni mos va xos desak sira yanglishmaymiz.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Sh.M.Mirziyoyev "Erkin va farovon, demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etami" asari, "O'zbekiston" 2016-yil
2. Sh.M.Mirziyoyev "Tanqidiy tahlil, qat'iy tartib-intizom va shaxsiy javobgarlik har bir rahbar faoliyatining kundalik qoidasi bo'lishi kerak" asari, "O'zbekiston" 2017-yil
3. Abay. Tanlangan asarlar. Nosir Fozilov tarjimalari.

ЁШЛАРДА ЛИДЕРЛИК ҚОБИЛИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

***Қодиров Х-тадқиқотчи
Фаргона ДУ***

Аннотация: В этой статье вы узнаете о важности изучения лидерских навыков, сосредоточенности на историческом прошлом и необходимости лидерства.

Annotation: In this article, you will learn about the importance of learning leadership skills, focusing on the historical past, and the need for leadership.

Инсонни ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялаш башариятнинг азалий орзуси бўлиб, аждодларимиз ёш авлодларга маърифат ва маданиятни ўргатиш, уларни комилликка етаклаш йўллари, қонун-қоидаларини излаганлар. Аристотелдан кейин, Шарқ ва Ғарбда "Муаллими соний", яъни "Иккинчи муаллим" номи билан машҳур бўлган Абу Наср Форобий "Фозил одамлар шаҳри", "Яхши хулқлар", "Бахт-саодатга эришиш ҳақида" каби асарларида сардор, лидерга хос хислатлар ҳақида ёзади. Форобий бундай фазилатлар деганда, билимдонлик, донолик, мулоҳазалилик ва виждонлилик, камтарлик, жамоа манфаатларини юқори қўйиш, ҳақиқий маънавий комилликка интилиш, адолатли бўлиш каби хислатларни тушунган.

Масалан, фозиллар шахрининг (давлат назарда тутилган) таркиб топиши ва унда қандай ахлоқий сифатдаги шахснинг раҳбар бўлиши таснифлари бугунги демократик жамият қуришнинг бевосита назарий талаблари билан уйғун келади.

Абу Наср Форобий “Фозил одамлар шахри” асарида лидерга хос бўлган 12 та хислат ҳақида қуйидагиларни таъкидлайди:

биринчидан, тўрт мучаси соғлом бўлиб, ўзига юкланган вазифаларни бажаришда бирор аъзосидаги нуқсон ҳалал бермаслиги лозим, аксинча, у соғ-саломатлиги туфайли бу вазифаларни осон бажариши лозим;

иккинчидан, табиатан нозик фаросатли бўлиб, суҳбатдошининг сўзларини, фикрларини тез тушуниб, тез илғаб олиши, шу соҳада умумий аҳвол қандайлигини аниқ тасаввур қила олиши зарур;

учинчидан, у англаган, кўрган, эшитган, идрок этган нарсаларни хотирасида тўла-тўқис сақлаб қолиши, барча тафсилотларни унутмаслиги зарур;

тўртинчидан, зехни ўткир, зукко бўлиб, ҳар қандай нарсанинг билинар-билинимас аломатлари ва у аломатлари нимани англатишини тез билиб, сезиб олиши зарур;

бешинчидан, у фикрини аниқ тушунтириш мақсадида, уни чиройли сўзлар билан ифодалай олиши зарур;

олтинчидан, у (устозлардан) таълим олишга, билим, маърифатга ҳавасли бўлиши, ўқиш-ўрганиш жараёнида сира чарчамайдиган, машаққатлардан қочмайдиган бўлиши зарур;

еттинчидан, еб-ичишда очофат бўлмаслиги, аксинча, ўзини тия олиши, (қимор ёки бошқа) ўйинлардан завқ, ҳузур олишдан узоқ бўлиши зарур;

саккизинчидан, у ҳақ ва ҳақиқатни, одил ва ҳақгўй одамларни севадиган, ёлғон ва ёлғончиларни ёмон кўрадиган бўлиши зарур;

тўққизинчидан, у ўз қадрини билувчи ва номус-ориятли одам бўлиши, пасткашлардан юқори турувчи, туғма олийҳиммат бўлиши, улуғ, олий ишларга интилиши зарур;

ўнинчидан, бу дунё молларига, динор ва дирҳамларга қизикмайдиган (мол-дунё кетидан қувмайдиган) бўлиши зарур;

ўн биринчидан, табиатан адолатпарвар бўлиб, одил одамларни севадиган, истибдод ва жабр-зулмни, мустабид ва золимларни ёмон кўрувчи, ўз одамларига ҳам, бегоналарга ҳам ҳақиқат қилувчи, барчани адолатга чакирувчи, ноҳақ жабрланганларга мадад берувчи, барчага яхшиликни ва ўзи суйган гўзалликларни раво кўрувчи бўлиши зарур. Ўзи ҳақ иш олдида ўжарлик қилмай, одил иш тутгани ҳолда ҳар қандай ҳақсизлик ва разолатларга мурасасиз бўлиши зарур;

ўн иккинчидан, ўзи зарур деб ҳисоблаган чора-тадбирларни амалга оширишда қатъиятли, саботли, журъатли, жасур бўлиши, кўрқоқлик ва ҳадиксирашларга йўл қўймаслиги зарур³⁵.

Лидерлик ва бошқарув ҳақида сўз кетганда, буюк тарихий шахс, ўрта асрнинг йирик давлат арбоби, моҳир саркарда, кучли ва марказлашган давлат асосчиси, илм-

³⁵Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2004. 41-42-б.

фан ва маданият ҳомийси Соҳибқирон Амир Темур хусусида алоҳида тўхталиб ўтиш жоиз.

Тарихдан маълумки, Амир Темур 7 ёшга тўлгач, отаси уни ўқишга беради. У ёшлик чоғлариданоқ чавандозлик, ов қилиш, камондан ўқ узиш каби турли машқ ва ҳарбий ўйинлар билан машғул бўлишни ёқтирар эди. Шу аснода Амир Темур тулпорларни саралаб ажрата оладиган моҳир чавандоз ва довиорақ баҳодир сифатида вояга етади. Унинг атрофида болаликдаги дўстлари ва мактабдошлари тўпланишиб, биргаликда машқ қилар, мусобақаларда иштирок этишар, аста-секин ҳарбий гуруҳга бирлашиб, шакллана боришади. Бу гуруҳ орасида Аббос Баҳодир, Жаҳон Шохбек, Кимори Инок, Сулаймон Шохбек, Сайфуддинбек ва бошқалар бўлган. Кейинчалик улар Амир Темурнинг сафдошларига айланиб, унинг қўшинида лашкарбошилиқ даражасига кўтарилганлар. Амир Темур табиатан оғир, босиқ, теран фикрли ва идрокли, турли фикрни тезда фаҳмлаб оладиган лидерлик қобилиятига эга инсон бўлган. Шу туфайли ўспиринлик чоғларидаёқ тенгқурларидан садоқатли дўстларни атрофига жалб қила олган.

У одоб-ахлоқ, иймон-эътиқод таълим-тарбия соҳасида юксакликка эришган буюк сиймолардан биридир. Жаҳонга машҳур бўлган «Темур тузуклари»да унинг ибратли, ҳаётий панд-насихатлари ва пурмаъно ўғитларининг теранлиги, таъсирчанлиги яққол намоён бўлади. Бу асарни давлат бошқарувида, ёшларда лидерликка хос хислатларни ва бошқарув маҳоратини шакллантиришда бекиёс хазина – кўлланма, дея оламиз.

Шахсан мен “Темур тузуклари”ни ҳар гал ўқир эканман, худдики ўзимга қандайдир руҳий куч-қувват топгандек бўламан. Ўз иш фаолиятимда бу китобга такрор-такрор мурожаат қилиб, ундаги ҳеч қачон эскирмайдиган, инсон маънавияти учун бугун ҳам озиқ бўладиган ҳикматли фикрларнинг қанчалик ҳаётий эканига кўп бор ишонч ҳосил қилганман”³⁶.

Шахсининг лидерлик имкониятини ривожлантиришнинг замонавий ёндашувларидан бири инсонда шакланган қобилиятга суяниш ва қобилиятни имкониятга қараб намоён этишдир. Бундай ёндашув «вазиятли лидерлик» деб аталади, унда лидер деб тан олинган шахсининг умумий мақсадга эришиш йўлида муаммоли вазиятда ўз қобилиятини намоён эта олиши тушунилади³⁷. Бу назарияга биноан, гуруҳ бир неча лидерга эга бўлиши мумкин, кези келганда, ҳар бир жамоа аъзоси муаммоли вазиятни ҳал этиш борасида ўз қобилият ва имкониятини намоёйиш эта олади. Самарали фаолият олиб боровчи раҳбар ўз жамоасида айнан шундай муҳитни яратиши керакки, ҳар бир ходим зарур вазиятда ўз имкониятини ишга солиш орқали муаммоли вазиятни ҳал этишда фаол қатнашиши ва бошқарув жараёнида иштирок этаётганини англасин. Бунинг учун жамоа ҳар қандай вазиятни ҳал этишда масъулиятни ҳис қилувчи ва профессионал ходимларга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга, гуруҳда шундай ходимлар ҳам борки, улар юзага келган муаммоли вазиятларни ҳал эта олувчи универсал қобилиятга эга.

Ёшлар лидерларига хос хусусиятларни қуйидаги тоифаларга бўлиш мумкин:

- ишонч – ўз билим ва тажрибасини қўллаш;

³⁶Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. –Т.:Маънавият. 2008.44-45-б.

³⁷Шеклтон В. Психология лидерства в бизнесе. –СПб.: Питер, 2003. -С. 222.

- фаоллик – ғайрат билан ҳаракат қила олиш;
- ташаббускорлик – фаолликнинг ижодий намоён бўлиши, ғоялар, таклифларни илгари суриш;
- билимдонлик – ишни чуқур билиш орқали намоён қилиш;
- киришимлилик – ўзгалар билан мулоқотга тез киришиш, самимий бўлиш, инсонлараро мулоқотга эҳтиёж;
- зеҳнлилик – воқеа-ҳодисанинг моҳиятини тезда англаш, унинг сабаб ва натижасини олдиндан кўра билиш, энг муҳимини аниқлай олиш;
- кунт-матонатлилик – ирода кучини намоён қила олиш, қатъиятлик, ишни якунига етказа олиш;
- дадиллик – ҳис-туйғу ва ҳаракатларини, айниқса, қийин вазиятларда назорат қила олиш;
- меҳнаткашлик – бардошлилик, мураккаб вазифаларни бажара олиш қобилияти;
- кузатувчанлик – ишни кўра билиш, йўл-йўлакай муҳимини ажратиш, майда-чуйда нарсаларни фаҳмлай олиш;
- тартиблилик – ўз хатти-ҳаракатларини режалаштира олиш, кетма-кетликни аниқлай олиш;
- мустақиллик – мулоҳаза юритишда мустақиллик, масъулиятни ўз зиммасига олиш.

Ёшлар лидерининг ўзига хос хусусиятлари, яъни лидерлик истеъдодининг бошқалардан фарқли кўрсаткичлари қаторида яна қуйидагиларни қайд этиш мумкин:

- ташкилотчилик зийраклиги – ўзгаларни тушуниш, уларнинг ички оламига кира олиш, индивидуал фазилати, кайфиятини инобатга олган ҳолда масалага ёндашиш;
- фаол психологик таъсир кучига эгалик – юзага келган вазиятни ҳисобга олган ҳолда, уларнинг хусусиятидан келиб чиқиб, инсонларга турли усуллар билан таъсир ўтказа олиш;
- лидерлик масъулиятини ўзига олиш.

Лидернинг асосий хусусиятларидан бири – ёшлар орасида “бир қадам олдин”да бўлиш. У янгиликлардан доимо хабардор, бошқалар учун очик бўлмаган ахборотга эга бўлиши керак. Барча жабҳада ёки соҳада ахборотга эгалик қилиш бошқалардан устун бўлиш имконини беради. Лидер бундай манбани қаердан, қандай топишни яхши билади. Бундай ахборотга эга бўлмаган ўспиринлар унинг ўрнини хаёл, гумон ва шубҳа билан тўлдиради. Улар ҳаётидаги унутилмас кун ёки умуман бўлмаган воқеалар билан ўртоқлашадилар, бундай нарсаларни яхши қабул қиладилар. Шу тариқа ўспириннинг лидерлик хусусиятлари ўз фикрини эркин билдиришида намоён бўлади. Ёшлар лидери аниқ далил ва исботлар билан ўз билимини бойита олади. Бундай ҳолатда лидерга нисбатан ишонч ортади.

Ёш лидернинг яна бир хусусияти шундаки, у ўзига хос ва такрорланмас фикрларни дадил билдира олади. У фикрларини қизиқарли тарзда ифодалайди ва бошқалардан ҳам дадиллик кутади. Бундай хусусиятга эга бўлган лидерга ёшлар ишонади ва унга эргашади. Шунинг учун ёшларга лидерлик хусусиятлари билан бирга ахлоқий қоидалар асоси ва кўникмаларини сингдириш ҳамда ҳар бир хатти-ҳаракатнинг натижа ва оқибатларини англашни ўргатиш керак. Бу, ўз навбатида,

баркамол, етук инсонни шакллантириш имконини беради. Ёшлар ва ўспиринлар ичида турли ижтимоий гуруҳлар, ҳаракатларга аъзо бўлиш алоҳида аҳамият касб этади.

Раҳбар учун зарур хусусиятлардан яна бири – шахснинг ўзига бўлган ишончи. Ўзига ишончи бўлмаган раҳбар вазият ўзгариши сабабли ўз қарорини ўзгартириши табиий. Бундай жамоада ходимлар ўз раҳбарини суянчиқ сифатида кўрмайдилар. Лидер ижтимоий, иқтисодий ва ҳуқуқий ҳолатларда шериги ёки ҳамкорида ишонч уйғотиши, ишнинг муваффақиятига кафолат бериши, масъулиятни ҳис этиши замонавий раҳбар учун муҳим фазилат эканини англаши лозим. Бу жараёнда “ишонч” тушунчаси асосий ўрин эгаллайди.

Шу нуқтайи назардан қараганда, лидер шахс туғма қобилиятининг етарли даражада шаклланганлиги билан характерланади. Юқорида айтганимиздек, лидернинг асосий хусусиятларидан бири – гуруҳ манфаати ҳақида ғамхўрлик. Шунинг учун “лидер” таърифидаги асосий маъно шахснинг вазиятни муваффақиятли ҳал эта олиш қобилияти ва гуруҳ мақсади йўлидаги жонбозлиги деб тушунилиши мумкин.

Лидерликни ривожлантириш аниқ мақсадга йўналтирган ҳолда тегишли кўникмаларни шакллантириш ҳамда мустаҳкамлашдир. Ёшлар ташкилотида лидерлик билан бошқариш муаммосининг ушбу жиҳати лидерлик қобилиятини ўргатиш ҳамда ўзи ҳам ўрганиш, мотивлаштириш, тренинглар ва амалий тажриба орқали янада ривожлантириш имконини ҳисобга олади.

Ёшлар ташкилотида ёши, жинси, миллати ва мавқеи турлича бўлган лидер ижодкорлар учрайди, масалан:

- ҳаракатга келтирувчи ташкилотчилар (расмий) лидерлар;
- руҳий кайфиятга чорловчи (даъваткор) лидерлар;
- ташаббускор (ижодкор) лидерлар;
- билимдон (илмий салоҳиятли) лидерлар;
- моҳир, ишбилармон, ишни ҳаммадан яхши (сифатли) бажара оладиган лидерлар.

Ёшлар тоифасининг “ўқувчи ёшлар” гуруҳига 14 ёшдан 21 ёшгача ва ундан катта бўлган умумий ўрта таълим-мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежи ўқувчилари ҳамда олий таълим муассасалари талабалари киради.

Хулоса қилиб айтганда, барча таълим тизимида ёшларнинг ижодий истеъдодларини ривожлантиришга катта эътибор қаратиш лозим. Ўқитувчиларнинг асосий вазифаларидан бири – ёшларнинг ташаббуслари, инновацион ғоя ва фикрларини, истеъдод ва иқтидорини ўз вақтида кўра олиши ва уни рўёбга чиқариш учун кўмакдош бўлиш.

Ёшларда лидерлик қобилияти ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш орқали юксак маънавиятли етакчи ёшларни тарбиялаш, уларни мамлакатимиз тараққиёти ва унинг истиқболи учун йўналтириш талаб этилади. Бунда қуйидаги вазифаларни бажариш лозим:

- етакчи ва лидерлик хусусиятларини шакллантиришнинг илмий-назарий асосларини чуқур ўрганиш;
- давлатимиз томонидан ёшларда лидерлик қобилиятини шакллантириш ва бошқарув маҳоратини ривожлантириш соҳасида олиб борилаётган ишларни тизимли таҳлил қилиш;

- ёшларда лидерлик хусусиятларини шакллантиришга таъсир этувчи турли эҳтиёж ва омилларни ўрганиш;
- ёшлар фаоллигини янада ошириш орқали лидерлик қобилияти ва бошқарув маҳоратини ривожлантиришда уларнинг янги қирраларини юзага чиқариш ва ҳ.к.

МАТЕМАТИКАНИ ЎҚИТИШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ЁНДАШУВЛАР ИНТЕГРАЦИЯСИ

ЮНУСОВА Д.И -тадқиқотчи
Тошкент ДПУ
АРТИКОВА Г.А- тадқиқотчи
ЎЗР ҚКА

Аннотация:

В данной статье рассмотрены некоторые вопросы интеграции педагогических взглядов восточных мыслителей и современных подходов в обучении математики в вузе

Annotation:

This article discusses some issues of integrating the pedagogical views of Eastern thinkers and modern approaches in teaching mathematics at a university.

Замонавий педагогика фанлари минглаб йиллар давомида жаҳон цивилизациялари томонидан тўпланган педагогик таълимнинг улкан тажрибасини бирлаштиради. Педагогик фикрнинг шаклланиши ва ривожланишида Ўрта Осиё мутафаккирлари муносиб ўрин эгаллаган.

Ўрта асрларда Шарқ фалсафасининг асосчиси ҳисобланмиш ал-Фаробий таълимнинг вазифасини инсонда ижобий фазилатларни ривожлантиришга ёрдам бериш ва салбий ҳарактерли хусусиятларни йўқ қилишда деб билади. Бундан ташқари, Фаробий фикрига кўра, ўқитувчи бир қатор афзалликларга эга бўлиши керак: яхши хотира, жасорат, адолат, ривожланган мантиқ, кузатиш, ҳақиқат ва билимга бўлган муҳаббат.

Ўрта асрларда Шарқ мактабининг яна бир истеъдодли вакили, мутафаккир ва шоир Нуриддин Абдурахмон ибн Аҳмад Жомий одамни ўзига хослигини ҳис қилиш ва ижтимоий ривожланишга ўз ҳиссасини қўшиш учун ўз ички “мен”ни қидиришга чорлаган, ёш авлодни ўқитиш ва тарбиялашда инсонпарварлик анъаналарини илгари сурган.

Абу Райҳон Беруний ёш авлодни тарбиялашда билимларни ўзлаштириш ва ақлий ривожланиш жараёнига катта аҳамият берган. Берунийнинг илғор қарашларида табиий фанлар ўқувчиларни тарбиялашда катта ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган эди. У жамият ва табиат ҳақидаги билимларни ўз ичига олиши керак бўлган кенг қамровли таълим дастурини таклиф қилган. Абу Райҳон Берунийнинг дидактик қарашлари жуда . У таълимни болаларнинг психологик хусусиятларини ривожлантириш асосида қуришни тарғиб қилган. Олимнинг фикрича, таълим илмий ва изчиллик тамойилларига асосланиши керак. У визуаллик тамойилига катта аҳамият бериб, "таълим, олимнинг фикрига кўра, талабаларни шакллар, сезгилар, товушлар, ранглар, хаёлот

ҳақида ўйлашга мажбур қилиши керак, шунинг учун талабалар мавҳум ғоялар ва сўзларга эмас, балки талабанинг бевосита идрокига асосланган аниқ тасвирларга асосланган визуал машғулотларга эҳтиёж сезишлари керак", дебёзганэди[1]. Демак, Шарқ мутафаккирлари фикрига кўра таълим сифатини кўтаришни таъминловчи энг муҳим талаблардан бири, ўқувчиларда қизиқиш ва фаолликни уйғотишдир.

“Ташқаридан қараганда математикани олий ўқув юртларида ўқитиш жуда содда ва асосан қуйидаги икки муаммодан иборатдек кўринади: биринчидан, ўқув режасига кўра ажратилган соатларда баён этиш мумкин бўлган материални ажратиш, ва иккинчидан, уни талабаларга мантиқий баён этиш. Тавсия этилган ўқув адабиётларидан фойдаланиб ўқув материални оғзаки баён этиш жараёнини умумий нуктаи назардан баҳолаш унинг қуйидаги асосларга кўра шаклланганлигини кўрсатади: математик назариялар бошланғич тушунчалар асосида формал мантиқ қоидаларига кўра қурилганлигига асосан, таълим бериш жараёни ҳам асосан математик назариянинг формал-мантиқий томонларини талабаларга баён этишдан иборат бўлиши керак. Ва бу жараён қисқа вақт ичида, кетма-кетлик билан, ортиқча сўзларсиз, талабалар билим даражасига жавоб берувчи даражада олиб борилиши керак. Шунинг учун ҳам фан бошланғич тушунчалар (аксиома, таъриф в.б.)дан бошланиб, асосий эътиборни формулаларни келтириб чиқариш ва теоремалар исботига қаратади. Бундай баён этиш одатда бир нечта назарий ва амалий мисоллар ёрдамида олиб борилади. Фаннинг илмийлик даражаси ундаги илмий фактларнинг миқдори ва фикрлашнинг қатъийлиги билан ўлчанади. Ҳар бир маърузачи ўқув материални талабаларга тушунарлироқ қилиб баён этишга интилади ҳамда ўқув адабиётини ўқиш жараёнида талаба билимлари мустаҳкамланиши керак.

Амалий машғулотлар ва уйда масалалар ечиш аниқ берилган мисоллар ёрдамида назарий материални яхшироқ ўзлаштириш ва тушунишга, талаба томонидан назарияни амалиётга қўллай олиш кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилган.Математик таълим тизимининг бундай ташкил этилиши одатий бўлиб, биз уни ҳеч қандай қаршиликсиз қабул қиламиз. Аслида таълим жараёни талабалар ақлий фаолиятга суянувчи бир қанча қисмлардан ташкил топган комплексдан иборат” [2].

Ўқитувчи дастурга асосан ўқув материали мазмунининг бир вариантини беради. Буэса ҳар бир талабанинг қобилиятини ўстириш муаммосига жавоб бермайди. Ўқув вақтининг кўп қисми ахборот беришга қаратилган бўлиб, кам қисми ўқув материални ўзлаштирилиш даражасини аниқлашга қаратилган. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, тескари алоқанинг ўрнатилмаганлиги ўқитувчининг ўқув жараёнини тўғри ташкил этишига салбий таъсир этади” [3].

Талабаларнинг таълим жараёнидаги фаолликлари уларнинг машғулотларни диққат билан тинглаб, ўқув материални таҳлил қилиш, таққослаш, хулосалар чиқариш каби ақлий фаолиятлари орқали намоён бўлади. Репродуктив таълим жараёнида талабалар ўқитувчи ёздирган исботларни ёдлаш, ишлаб берган мисолларига ўхшатиб мисол ишлаш, ўқитувчидан эшитганларини такрорлаш каби фаолият билан шуғулланиб, таълим жараёнининг оддий кузатувчиси, тингловчиси бўлиб қоладилар.

Талабаларни ҳозирги кун талабларидан келибчиққан ҳолда ўқитиш, таълим-тарбия беришда бундай анъанавий методлар бермай қолди. Шу сабабдан таълим жараёнига талаба билан ўқитувчидан бу жараённинг фаол иштирокчиларига айлантирувчи савол-жавоб, баҳс-мунозара, муаммоли, модулли, тақлидий ўйинлар,

очиқ мулоқот каби бир қанча методларни қўллаш тажрибалари кенг олиб борилмоқда. “Таълимнинг фаолвосита, шакл ва методларидан фойдаланиб ўқувжараёнини интенсивлаштириш-ўзаро боғлиқ бўлганки масалани: таълим сифатини ошириш ва шу билан бир вақтда вақт сарфини камайтиришдан иборат” деб таъриф беради. Архангельский[4]. Шу ўринда Ян Амос Коменскийнинг дидактикани асосий масаласи ҳақида “бизнинг дидактикамизнинг альфа ва омегаси ўргатувчининг кам ўргатиш, ўрганувчининг кўп ўрганиш йўлини қидириш ва очишдан иборат” деган фикрини келтириш ўринли.

Жаҳонда “олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш”[5], таълим-тарбия жараёнларини замонавий: технологик, тизимли, фаолиятли, компетенциявий, инновацион ёндашувлар асосида ташкил этиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Билим олиш учун мотив, мақсад аниқ бўлиши билан бирга талаба ўқув материални тушуниб, ўзлаштириб олишига имконият берадиган ўқув-билув ҳаракатларини ҳам бажариши зарур. Талаба ўқув вазифасини шу ишни бажариш усули ҳақида аввал ўзлаштирилган ахборотлар асосида бажаради. Ўзлаштирилган ахборотлардан фойдаланиш усулига кўра ўқув-билиш фаолияти репродуктив ва продуктив турларга ажратилади. Репродуктив фаолият продуктив фаолиятдан олдин келади ва продуктив фаолият учун замин бўлиб хизмат қилади. Айнан продуктив фаолият асосида талабаларда компетенциялар ривожланади. В.Хутмахер “компетенция” “кўникма”, “компетентлик”, “қобилият”, “маҳорат” каби тушунчалар билан бир қаторда ишлатилса ҳам унинг мазмуни ҳали тўла очиб берилмаганлигини таъкидлаб ўтади. Унинг фикрича, “компетенция” “биламанки, нима...”дан кўра “биламанки, қандай...” тушунчасига яқинроқдир.

Халқаро миқёсда кадрлар тайёргарлиги юқори сифатини таъминлашда назарий билимлар захирасини бойитиш эмас, аксинча, ўзлаштирилган билимларни ҳаётий амалий муаммоларни ҳал этишда қўллай олиш лаёқатини шакллантириш, фан ва техниканинг замонавий ютуқларини ўзида акс эттириб таълим олувчиларни билиш жараёнининг фаол субъекти даражасига олиб чикувчи “blended learning”, “flipped learning”, фреймтехнологияларидан фойдаланиш дунё педагогикасининг имкониятларини кенгайтирмоқда. Жумладан, “flipped learning” технологиясининг муаллифлари "Reach Every Student in Every Class Every Day" шиорини, яъни, ҳар куни ҳар дарсда ҳар бир ўқувчига таълимий-тарбиявий таъсир этиш муҳимлигини таъкидлайдилар [6]. Ушбу технология таълим олувчиларнинг дастлабки билимларни дарсгача мустақил ўзлаштиришлари, дарс давомида эса эгаллаган билимлари асосида уларда кўникма, малака ва компетенцияларни ўқитувчи ёрдамида шакллантиришни назарда тутиши билан бугунги кунда ривожланган давлатларда оммалашиб бормоқда.

Биз талабаларнинг амалий машғулотлар давомида математик тушунча, тасдиқларни тўлиқ ўзлаштириш, математик мисол, масалаларни ечишдаги амалий кўникма ва малакаларини ривожлантириш, билиш фаолиятидаги оғзаки ва ёзма математик нутқини, мантиқий математик тафаккури ва тасаввурини, мустақил математик ахборотни излаш, англаш, ўрганиш, қайта ишлаш, турли шаклларда

узатишкомпетенцияларни таркиб топтириш мақсадига билимларни тўлиқ ўзлаштириш, фрейм, “flipped learning”, “blended learning”, дидактик бирликларни йириклаштириш, ақлий ҳаракатларни босқичма-босқич шакллантириш, ўқув ҳаракатлари қадамларини алгоритмлаш, масалани ижодий ечишга ўргатиш орқали математикани ўқитиш, самарали машғулотлар тизими каби технологиялар имкониятлари асосида эришиш мумкин деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдукодиров А.А. Теория и практика интенсификации подготовки учителей физико-математических дисциплин. Т.,Фан. 1991.
2. Архангельский С.И. Некоторые новые задачи высшей школы и требования к педагогическому мастерству. М.,Знание, 1976.
3. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш Концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сонли Президент Фармони. <http://lex.uz/docs/4545884>
4. *Bergmann J., Sams A.* Flip Your Classroom. Reach Every Student in Every Class Every Day. ASCD, ISTE, 2012. <https://books.google.ru/>

SHARQ MUTAFAKKIRLARINING PEDAGOGIK QARASHLARIDA MEHNAT TARBIYASI

***KARIMOV O- o`qituvchi
ERGASHOVA S- o`qituvchi
KARIMOVA CH. A.-magistrant***

Аннотация

Описани емнения Восточных мыслителей отурдовомвоспитани и результаивный

Abstract

This article opinion of Eastern scientists about behavioral and effective in Eastern counties.

Hozirgi kunda ta`lim-tarbiya tarixiga nazar tashlar ekanmiz, dastlabki xalq og`zaki ijodi namunalaridan tortib, buyuk mutafakkir ijodigacha yoshlarni mehnat sevar bo`lib yetishi, kasb-hunar o`rganish mehnat ahlini hurmat qilish hamda mehnat insonni ulug`lash masalalariga alohida etibor berilganligiga guvoh bo`lamiz.

Alisher Navoiy, Abu Rayhon Beruniy, Abu Ali Ibn Sino, Abu Nasr Farobiy Abdulla Avloniy va shu kabi mutafakkirlarimizning farzand tarbiyasi va uning kamolati to`g`risida o`zasarlarida to`xtalib, yoshlarni odo-axloqli, jismoniy barkamolligi, aqlan yetuk, mehnatsevarligi hamda va tanparvarlik tarbiyasiga alohida etibor berib kelingan. Dunyo tamali mehnat asosiga qurulgan. Buni bexuda deb bilganlar zalolatga, bu yo`ldan yurganlar esa saodatga yuz buradilar. Mehnat hayot chirog`iga moy quyadi, tafakkur esa uni yoritadi. Bu hikmatni yoshlarimiz unutmasa ishlari o`ngidan keleveradi.

O`zingni mehnat kuni ovuting,

Ne g`am kelsa davrondin, osontuting.

Hazrat Navoiyning bu baytlariga osetin xalqining “ko`p ishlovchi ko`p yashaydi”, degan maqolini ilova qilsa bo`ladi. Maqol oddiy gapga o`xshaydi, yani, ko`p ishlovchi

jismonan baquvvat bo'ladi, har turli hastalik uni osonlik bilan yenga olmaydi. Maqolga yana bir ma'no yashiringan: ko'p ishlovchi odam o'zidan ko'p yaxshiliklar meros qoldiradi va uning nomi o'limdan keyin ham yashab qoladi. "Bu kashfiyotni falonchi olim qilgan", "Bu ko'prikn falonchi usta qurgan", "Bu bezakni falonchi zargar yasagan", "Bu bo'z yerlarni falonchi dehqon obod qilgan" kabi. Og'ir mehnatning shirin mevalari mana shular bo'ladi.

Mehnat tarbiyasi barcha zamonlarda va barcha jamiyatlarda buyuk huquq, buyuk zarurat hisoblagan. Madaniyat yuksakligi mehnatga bo'lgan muhabbatga bog'lanadi. O'zgacharoq ta'bir bilan aytsak, madaniyat qanchalik yuksak bo'lsa, mehnat shunchalar yuksak qadrlanadi. Chunki mehnat hamisha inson hayoti va madaniyatining asosini tashkil etgan. Agar hayot kemasi mehnat langariga suyanmasa, hamma shamollari dovullarga dosh berolmaydi. Bunday tarifalarni ko'pchilik biladi. Ammo bu haqiqatlarni yoshlar ongiga qanday singdirish kerak? Shiorlar bilanmiyo aniq harakatlar bilanmi? Dunyoda tirik jon borki, hammasi harakatda, hammasi mehnat bilan band. Lekin inson bilan boshqa tirik jonlar orasida "ong", "vijdon", "halollik" degan tushunchalar bor. Shunday ekan biz insonga xos tushunchalar asosidagi mehnatni, faqat o'zigaemas, jamiyatga ham naf keltiradigan mehnatni nazarda tutushimiz kerak.

Beruniy mehnat tarbiyasi haqida quydagicha fikrlarni meros qilib qoldirgan. Mehnatga o'rgangan odam saodatga erishadi. Chunki mehnat bilan band odamning yomonlik qilishga vaqti qolmaydi. Mehnatni sevish, g'ayrat va matonat bilan ishlashning uchta shirin mevasi bor: tan salomatligi, ko'ngil rohati, aql va zehning ortishi. Mehnat insonni uch balodan asraydi: yurak siqilishidan, axloqiy buzulqikdan, muxtojlikdan. Mehnat mehmon bo'lmagan yer hech qachon baxt-saodat o'rni bo'laolmaydi. Inson mehnatdan to'xtasa, kamolatdan ham to'xtaydi. Chunki kamolat saroyining poydevori ham, devoir ham mehnatdir. Mehnat hosili bilan yashagan inson o'z erkiga hokim, yulg'ichlik bilan boylik to'plagan hasis esa o'ziga zolim. Hikmat ahli aytganidek, vujudimiz – yerniki, sharaflil ishlarimiz – elniki! "Insonning tilak va xohishlari mehnat tufayligina amalga oshrilishi mumkin, - deb yozganlar Beruniy hazratlari. Shon shavkatga, martabaga mehnatsiz erishgan kishi hurmatga loyiqmi? Yuqori martabaga mehnatsiz erishgan kishi ma'lum bir muddat ichida rohat vafarog'atda yashaydi, yaxshi kiyinadi. Ammo u ulug'lik libosidan maxrum, yalang'och kimsadir". Yaxshinomni mehnat bilan ortirish kerak, yaxshi nom chiroyli so'zlar uchun, vadalar uchun berilmaydi. Balki mehnat natijasi uchun, mehnatga astoydil qo'yilgan mehr uchun beriladi.

Bir narsaga diqqat qilish kerak: harom luqma topayotgan ham mehnat qiladi. Lekin uning mehnati jamiyatga naf bermagani, aksincha boshqa birovlariga zarar keltirgani uchun savodan mahrumdir. Bu hayrli mehnat doirasiga kiritish nojoizdir. Asalari, qovoqari ham, it pashsha ham mehnat qiladi. Lekin mehnatlarining natijasi qanday?

Quvvati va toqati yetmagan ishga kirishib, o'ziga zahmat va mashaqqatni yuklash ham to'g'ri emas. O'ziga va xalqqa manfaati tegmaydigan ishlar bilan mashg'ul bo'lib, umrni zoye ketkazishdan saqlanish kerak. Har bir ishga samimiy do'stlarning ittifoqi va maslahatlari bilan kirishilgani ma'qul. Kishi kuchi yetadigan ishga mayl qilmay, nomunosib ishga qadam qo'ysa, oqibatda uddasidan chiqaolmay, pushaymon yeydi.

Abu Ali Ibn Sino o'z asarlarida kishilar halol mehnat qilishiga hamda mehnat hayot uchun eng zarur omil ekanligini ta'kidlaydi. "Tadbirli manozil" asarida barcha jamiyat a'zolarini dehqonchilik, hunarmandchilik, chorvachilik bilan shugullanib, xalqqa foyda keltirishlari kerakligini uqtiradi. Ibn Sinoning fikricha, mehnatsiz hayot kechirish kishini jismoniy va ruhiy tomondan ezadi. Bunday hayot kechirish yomon oqibatlarga olib kelishini tushuntirib, ota onalarning o'z bolalariga yoshligidan boshlab mehnat tarbiyasini berish

zarurligini aytadi. Uning fikricha, bolaga yoshligidan boshlab ma`lum bir kasbga o`rgatish lozim. Chunki bola kasb-hunarni ma`lum darajada o`zlashtirib bo`lgandan so`ng uni o`sha paytlardan boshlab, o`z kasb hunaridan foydalanish, yani, halol mehnat bilan mustaqil hayot kechirishga o`rgatish kerak.

Abu Nasr Farobiy bolalarni yoshligidan boshlab mehnat va mehnatsevarlik ruhida tarbiyalash hamda o`ziga yoqqan ish bilan mashg`ul bo`lishi, asta sekin o`zi qiziqqan biron bir kasbni egallashi zarurligi hamda barcha hunarlarni bir yo`la egallab bo`lmasligini ifodalab, shunday deydi: “Har bir kishiga biriktirilgan ma`lum bir ish bo`lishi kerak, toki u kishiga o`ziga biriktirilgan ishni kechiktirmasdan o`z vaqtida bajarsin”.

Abdulla Avloniy “Turkiy guliston yoxud axloq” asarida mehnat insonni bezaydigan muhim sifat ekanligi, yalqovlik va dangasalik esa insonga mos xususiyat emasligini alohida ta`kidlab o`tadi. U mehnatni yaxshi yoki yomon bo`lmasligi va bolalarni har bir ishni bajarishga o`rgatish kerakligi bu esa bolalarni yuksak kamolotga olib chiqishga va saodatga erishishga yaqindan ko`mak berishini takidlaydi.

Buyuk mutafakirlarning mehnat tarbiyasi xususidagi fikrlari bugungi kunda ham muhim ahamiyat kasb etib, bolalarni mehnatsevar qilib tarbiyalashda vosita bo`lib xizmat qiladi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. S.Hasanov Mutafakkirlar mehnat tarbiyasi haqida. T.: “O`qituvchi” 2003-yil
2. T.Malik Saodat saroyining kaliti T.: “Yangiasravlodi” 2018-yil
3. A. Avloniy Turkiy guliston yoxud axloq T.: “O`qituvchi” 1992-yil
4. Ziyonet.uz

МЕСТО И РОЛЬ ПРОИЗВЕДЕНИЙ МЫСЛИТЕЛЕЙ ВОСТОКА В СОВРЕМЕННОМ ОБРАЗОВАНИИ

***ДЖАЛАЛОВА С.М –исследователь
Г.Ташкент. Исламская академия***

Аннотация: Данная статья посвящена вопросам определения места и роли взглядов, произведений мыслителей Востока в образовании и воспитании современного молодого поколения. В статье анализируются и рассматриваются идеи и учения о воспитании и образовании заключающиеся в трудах таких ученых Востока, как Хarezми, Ибн Сина, Бируни, Фараби, и др., которые внесли огромный вклад в историю государственности Узбекистана.

Annotation: This article is devoted to determining the place and role of the views, works of thinkers of the East in the education and upbringing of the modern young generation. The article analyzes and examines the ideas and teachings on upbringing and education contained in the works of such Eastern scholars as Kharezmi, Ibn Sina, Biruni, Farabi, and others, who made a huge contribution to the history of statehood of Uzbekistan.

Радикальные изменения, происходящие в Узбекистане в экономической и социальной сферах в последнее десятилетие, в том числе и в образовании, объективно требуют глубоко проанализировать и скорректировать не только воспитательно-образовательную практическую деятельность, но и фундаментальные аспекты теории и методологии образования. Вместе с тем изменение государственно - политического и

социально - экономического строя в нашей стране создало принципиально новую ситуацию в системе образования вообще. В обществе формируется новый подход к образовательной системе и воспитанию современной молодёжи.

Данный подход заключается в использовании в учебно-образовательном процессе произведения, идеи и учения мыслителей средневекового Востока, так как разработанные мыслителями основные принципы воспитания и обучения являются мощным стимулом в формировании национальной культуры, совершенствовании системы образования и воспитания. Педагогическое наследие является памятью народа, черпая из неё мудрость, общество получает новую силу для социального развития и продвижения в будущее. В этом отношении особый интерес вызывает наследие представителей восточных мыслителей как Хarezми, Абу Наср Фараби, Бируни, ибн Сина, Хусайна Воиза Кошифи, Алишер Наваи и др.

Изучение педагогического наследия таких ученых-мыслителей, как Хarezми, Абу Наср Фараби, Бируни, ибн Сина, Хусайн Воиз Кошифи, Алишер Наваи проливает свет на многие стороны воспитания и обучения средневекового восточного общества. Ученые Востока в своих произведениях раскрывают внутренний мир человека и дают важные рекомендации по образованию и воспитанию. Характерной чертой системы педагогических взглядов этих мыслителей было особое внимание к гармоническому развитию личности. На исследование широкого спектра вопросов, связанных с гармонией души и тела в процессе развития личности, посвятили свои работы мыслители, обладавшие подлинно энциклопедическими знаниями. К ним относятся Кинди, Фараби, Бируни, Авиценна, Аверроэс, Туси, Ибн-Халдун и др., которые рассматривали педагогические проблемы не как абстрактную теорию, а как часть живого процесса развития человечества. Изучая педагогические воззрения аль-Хорезми, аль-Фараби, аль-Беруни, ибн Сина, Омара Хайама, Саади, Абдурахмана Джами, Алишера Наваи и других приходим к выводу, что великие ученые-педагоги, философствуя о человеке, личности, воспитании и обучении подрастающего поколения, большое значение придавали труду, знаниям, уму, искусству слова, высоким нравственным качествам. Они хотели видеть человека всесторонне развитым, умелым, образованным.

Основные тезисы реализации педагогических идей мыслителей средневекового Востока в образовании современной молодежи заключаются в следующем: (1) ориентир на философско-педагогическую концепцию мыслителей Востока о всестороннем гармоничном развитии личности, ее совершенствовании до уровня полноценной в личностном, профессиональном и социально-потребностном плане; (2) курс на гуманизацию в целевой, содержательной и процессуальной направленности учебно-воспитательного процесса; (3) формирование у обучающихся этической культуры, нравственных и духовных интересов; (4) активное приобретение знаний, прежде всего профессиональных, интеллектуальное развитие (особенно логического мышления); (5) индивидуальный подход к развитию личности; (6) поиск новых методов, приемов, способов и средств целостного развития личности.

Большой вклад в становление науки о воспитании личности внес видный научный деятель Средней Азии Аль-Фараби Абу-Наср (870-950 гг.), который считается основателем средневековой философии Востока. Ученый глубоко и оригинально видел сущностные педагогические проблемы. В его трактатах "Жемчужина мудрости", "Об основах знания", "О достоинствах науки и искусства", "Указание пути к

счастью" доказывалось, что добродетель – прежде всего плод образованности. Сторонник светской образованности, Фараби утверждал, что лишь безумцы полагают, будто высшее благо находится вне существующего мира. Цель воспитания, по Фараби, – подвести человека к этому благу через поощрение стремления совершать добрые дела. Осознать, что именно является добрым или злым, помогают знания. Чтобы стать нравственным и противостоять порокам, человеку следовало познать самого себя. Аль-Фараби рассматривал обучение как «наделение теоретическими добродетелями народов и городов», а воспитание как процесс «наделения городов этическими добродетелями и искусствами» [6]. Понятие «счастье» является одной из основных категорий его педагогики. Фараби был убежден, что несчастье человеку приносят его недобрые деяния. В связи с этим задача воспитания заключается в том, чтобы способствовать развитию положительных черт и устранять отрицательные черты характера. Фараби предложил систему приемов воспитания добродетелей. Приемы делились на "жесткие" и "мягкие". Если воспитанник проявляет желание учиться, трудиться и совершать добрые поступки, уместны мягкие методы. Если же подопечный педагога злобен, нерадив, своенравен, вполне оправданы жесткие наказания. Сущность воспитания Фараби видел в дружеском общении наставника и воспитанников. Размышляя о том, каким должен быть идеальный наставник, Фараби подчеркивал, что речь идет об ученом и учителе, владеющем выразительной речью, умеющем и любящем передавать знания, настойчивом при достижении задач воспитания и обучения.

В трактатах другого выдающегося мыслителя Востока аль Бируни (970–1048) во множестве разбросаны важные и плодотворные педагогические идеи: наглядности и системности, развития познавательных интересов и др. Бируни утверждал, что главная цель воспитания – нравственное очищение от бесчеловечных обычаев, фанатизма, безрассудства, жажды властвовать. В монументальном труде "Канон Масуда" философ советовал сообщать ученикам лишь научно достоверные сведения, не полагаясь на одну лишь религиозную веру.

Названный современниками "владыкой наук", советник правителей стран Ближнего и Среднего Востока Ибн Сина (*Авиценна* – в латинской транскрипции) (980–1037) немало лет посвятил преподавательской деятельности и оставил множество работ, среди которых выделяется "Книга исцеления", куда вошли имеющие прямое отношение к педагогической теории трактаты "Книга о душе", "Книга знаний", "Книга указаний и наставлений". Ибн Сина, основываясь на мусульманской теологии, объединил философскую традицию Платона и Аристотеля с традицией монотеизма. Интеллект, по Авиценне, будучи божественен по сути, вместе с тем является рациональной способностью. Знание приходит изнутри, из интуиции, но рациональным путем, и эта интеллектуальная способность ответственна за обучение. Ученый мечтал о всеобъемлющем воспитании и развитии, прежде всего через освоение музыки, поэзии, философии. Предлагалась организация совместной учебы, с внесением духа соперничества. Рекомендовалось совместное обучение на разных уровнях в соответствии со способностями учеников. Фундаментом любого образования Авиценна называл овладение чтением и письмом. Общее развитие должно было предшествовать специальному и профессиональному обучению. Как только подросток овладевал грамотой, его следовало готовить к будущей работе (например, учить составлять

отчетность и иные документы). Затем надлежало вводить в собственно профессию: подростку следовало начать трудиться и зарабатывать деньги.

Ибн Сина, размышляя о нравственности, обратил внимание на воспитание чувств товарищества и верности дружбе. Им скептически оценивалась роль в воспитании матери, которая, по его мнению, лаской и добротой лишь портит ребенка. Главным воспитателем назывался отец; допускались и физические меры воздействия на ребенка.

Как утверждал Ибн Сина, образование должно включать в себя умственное образование, физическое оздоровление, эстетическое воспитание, нравственное воспитание и обучение ремеслу. План обучения, согласно Ибн Сине, должен быть согласован с интересами учащихся, построен по принципу «от простого к сложному» и на начальном этапе не должен был быть привязан к книгам. Абу Али Ибн Сина выступал против индивидуализации обучения, так как был убежден, что благодаря коллективному обучению среди детей возникает чувство соперничества, которое управляет ими в стремлении получить больше знаний. Вместе с тем, благодаря коллективному обучению исчезают скука и безделье, их заменяют беседы, в ходе которых обучающиеся имеют возможность выразить свою точку зрения и поспорить на волнующие их темы. Коллективное обучение учит обучающихся уважению, взаимовыручке, дружбе и способствует их положительному влиянию друг на друга. Целью нравственного воспитания Ибн Сина считал формирование человека, живущего не для себя, а для других. По мнению мыслителя, воспитание личности представляет собой сложный процесс, в котором важное значение имеет знание учителем индивидуальности ребенка. Ибн Сина «предпочитал добрый пример более, чем назойливый разговор. Он считал необходимым по-доброму говорить с детьми об их недостатках» [8]. Известная пословица гласит, что труд облагораживает человека. Так полагал и Ибн Сина, предлагающий с малых лет приучать детей к труду, обучая их основам ремесел.

Бесценными являются творения великого Мир Алишера Навои. Он был не только поэтом, но и мудрым политическим деятелем, крупнейшим ученым и меценатом, великим мыслителем, музыкантом, художником. Основа творчества лирики Навои — размышления о человеке. Но человек у Навои не абстрактное существо, а носитель порока или добродетели. Пороки бичевали почти все поэты восточного средневековья. Нетерпимость к человеческим недостаткам исходила из глубокого гуманизма служителей музыки, стремления их помочь людям. Алишер Навои, яркий представитель суфийской педагогики, считал человека «самым высшим существом мира, а ребенка — светилom, которое освещает дом и приносит в семью радость» [10]. Навои полагал, что мало любить собственных детей, человек должен любить всех детей, ибо они есть будущее поколение. По его мнению, в период юношества происходит формирование разума. И если в этот период человеком овладеет разум, а не страсть, то на своем жизненном пути он будет руководствоваться благородными идеями. Педагогические воззрения Алишера Навои находят свое воплощение в принципах коммуникативной педагогики, рассматривающей обучение как процесс общения, диалога учителя и ученика, при котором ученик выступает как субъект обучения, определяющий пути и способы познания.

Еще один талантливый представитель суфийской школы, мыслитель и поэт Нуриддин Абдуррахман ибн Ахмад Джами обладал большими познаниями во многих науках. Он был убежден, что достоинство человека определяется не занимаемой им

должностью, не богатством, а честным трудом. Абдуррахман Джами видел цель обучения в подготовке ученика к служению народу, к тому, чтобы быть полезным обществу. Мыслитель призывал человека искать свое внутреннее «Я», чтобы ощутить свою неповторимость и внести собственный, особый, вклад в общественное развитие. Идеальным учителем Ахмад Джами считал древнегреческого философа Аристотеля. Как и его предшественники, Джами продолжает гуманистические традиции в воспитании и обучении подрастающего поколения.

Итак, педагогические воззрения великих мыслителей возрождаются как образовательно-воспитательные ценности и обогащают не только отечественную, но и зарубежную педагогику. Педагогическое наследие энциклопедистов Средневековья является важнейшей основой развития молодого поколения в сфере современного образования.

Использованная литература

1. Абу Райхон Беруни. Избранные произведения. Т., 1957, с.39
2. Аль Фараби. Философские трактаты. Алма-Ата, 1970. — С.5–6.
3. Барабанов, А.Г. Общепедагогические идеи учёных-энциклопедистов Ближнего и Среднего Востока: учебное пособие / А.Г. Барабанов. - М.: Эксмо, 2004. - 70 с.
4. Джурицкий А. Н. История педагогики древнего и средневекового мира: Учеб. пособие для высшей школы. — М.: Совершенство, 1999. — 207с.
7. Моисеева М. В. Нетрадиционные методы обучения / Вестник высшей школы. — 2000. — №3. — С. 15-26.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН НОИНВАЗИВ ГЛЮКОМЕТР ЯРАТИШДА ИНФОРМАЦИОН МАТЕМАТИК МОДЕЛИНИ ҚУРИШ БОСҚИЧЛАРИ

*Эшонкулов.Ш.У. –ўқитувчи
Жиззах ПИ
Эшонкулова Ш.А-ўқитувчи
Жиззах ДПИ*

***Аннотация:** Цель данной статьи - определить уровень глюкозы в крови при сахарном диабете. Было показано, что наиболее часто используемые инвазивные глюкометры состоят из 3 модулей.*

***Annotation:** This article aims to determine blood glucose levels in diabetes mellitus. It has been shown that the most commonly used invasive glucometers consist of 3 modules.*

Жамиятнинг барча соҳаларидаги самарали ижобий ўзгаришлар, маълум маънода, ахборот- коммуникация технологиялари (АКТ)нинг амалиётга жорий қилиниши билан бевосита боғлиқлиги ҳеч кимга сир эмас. АКТ нинг қаралаётган соҳа билан интеграллашуви жараёнида келиб чиқадиган муаммо ва масалаларнинг ечимини топишга қаратилган илмий изланишлар тизимли таҳлил, маълумотларни қайта ишлаш ва бошқариш инструментларини таъқозо қилиши табиий ҳол. Кўп ҳолларда интеграллашув жараёни автоматлаштирилган тизимли бошқарув восита ва усулларини жорий қилишда намоён бўлади.

Айниқса, қайд қилган инструментларнинг тажриба натижалари ва ахборот оқимини тезкор таҳлил қилиш ва тегишли илмий асосланган ечим қабул қилишни талаб

қиладиган тиббиёт соҳасига қўллаш замон талабидир. Жаҳонда қандли диабет (ҚД) касаллигида қон таркибидаги глюкоза миқдорини тезкор (экспресс) тарзда аниқлашнинг ноинвазив усуллари асосида глюкометр қурилмасини яратиш ҚД касаллигининг олдини олиш ва даволашнинг самарали йўллари танлашда муҳим аҳамият касб этади. Ноинвазив усуллар орқали олинган маълумотларни, АКТнинг ютуқлари, восита ва усуллари асосида қайта ишловчи модел, усуллар ва ускуналар яратиш давр талабидир. Натижада, ўлчанган маълумотларни тезкор равишда қайта ишланиши, узатилишини таъминловчи алгоритмик ва дастурий таъминот тизимини ишлаб чиқиш, шифокорга ҳар қандай касалликнинг профилактикаси ва даволашнинг тезкор ҳамда самарали усуллари танлаш имконини беради. Бу эса қарор қилувчи шахсга, яъни шифокорга информацион кўмак тизими сифатида хизмат қилади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотига кўра “Ер юзидаги умумий аҳолининг ҚД хасталик билан касалланиш 2018 йилда 549 миллиондан 2025 йилга келиб 1,5 баробарга қадар кўпайиши башорат қилинмоқда”, бу умумий аҳолининг 6-8 % ни ташкил этади. Ҳозирги кунда ҳар 5 сонияда диабетик беморлар сони кўпаймоқда, ҳар 7 сонияда 1 та диабетик бемор вафот этмоқда. Шиддат билан ривожланиб кетаётган ҚДнинг олдини олиш ва даволаш мақсадида барча мамлакатларда ушбу йўналишдаги илмий изланишларга молиялаштириш масаласининг кўтарилиши ҚД нинг профилактикаси фаолиятида янги давр бошланиши ҳисобланади. 2017 йилдаги маълумотларга асосан дунёдаги барча ҚД беморларни даволаш учун йилига 375 млрд. АҚШ доллари сарфланган. Россияда эса йилига 93 млн. АҚШ доллари сарф этилмоқда. Европа Иттифоқи умумий бюджетининг 10-15% ини ташкил қилган бўлса, баҳолашларга кўра, бу рақам 2020 йилда 18,5% га етиши башорат қилинмоқда»¹. 2017 йилдан ҚД касаллигига қарши халқаро консорциумда халқаро илмий ҳамкорликни амалга оширишни кенг йўлга қўйилиши келишиб олинди. Дунё бўйлаб ахборотлаштириш ва автоматлаштириш тизимларининг ривожланиб бориши тиббиётда айрим масалаларни ижобий тарзда бошқаришнинг самарали усуллари вужудга келишига сабаб бўлмоқда.

Мамлакатимизда ҳам ахборотлаштириш, АКТ сервис сифатли ва самарали амалга оширишлигига давлатимиз томонидан катта аҳамият берилмоқда, замонавий ахборот коммуникация технологиялари, коммуникация тизимларини ривожлантириш ва уларни ҳаётга кенг жорий қилиш тизимли тарзда амалга оширилмоқда.

Ҳозирги кунда кенг қўлланиб келинаётган инвазив глюкометрларнинг 3-хил усули мавжуд, масалан: фотометрик, электрохимик ва Рамоновский усуллари.

1.Фотометрик глюкометрлар- аппаратининг махсус жойида ўзининг ранг ўзгаришини сезувчи махсус пластинкадан иборат бўлиб, пластинкага қон томчиси томизилганда глюкоза миқдори таъсирида турли хил ранг ҳосил бўлади. Натижада қон таркибидаги глюкоза миқдори ўзгариши асосини пластинкадаги ранг миқдорининг ўзгариши жадвали белгилаб беради.

2.Электрохимик глюкометрлар- ҳам махсус тест полоскадан иборат бўлиб полоска ранги қон таркибидаги глюкоза миқдорини аниқлашда биохимик реактивлар замонавий приборлар асосини ташкил этади.

3.Рамоновский глюкометрини кўп тиббиёт ходимлари келажак глюкометри деб ҳам аташади. Глюкометрнинг ишлаш принципи бу қурилма қондаги глюкоза миқдорининг тарқалиш спектри терининг умумий спектриал тарқалиш тўлқинидан таққослаш усули натижасида ажратиб олиш орқали аниқланади.

Моделлаштиришнинг циклик жараёни босқичлари:

1-босқич. Модел кўриниши босқичлари. Тадқиқот қилинаётган объект оригинал эканлиги ҳақида дастлабки билимларга эга бўлиш кераклигини тақозо қилади.


2-босқич. Бу босқичда объект сифатида бирор бир жараён олинади ва бужараёни мустақил равишда ўрганилади. Бундай изланишлардан бири моделда тажриба ўтказишдир. Тажриба моделнинг параметрларини онгли равишда хатоликка йўл қўймасдан, аниқ ускуналарда тажриба ўтказилади, унинг натижасида модел ҳақидаги билимлар мажмуасига эга бўлинади.

3-босқич. Ушбу босқичда билимлар моделидан объект оригиналга кўчирилади. Объект ҳақида билимлар жамланади.

4-босқич. Моделда ўтказилган тажрибалар натижасида олинган билимларни амалда қўллаб кўриш ва объектнинг умумлашган назариясини яратиш лозим.

Масаланинг математик таърифида қондаги глюкоза миқдори Y чиқиш параметри деб қабул қилинди, кириш параметрлари яъни, информатив репрезентатив БФН- $X_1, X_2, X_3, \dots, X_n$ лардан олинган ЭҚ орқали баҳолаш масаласи ўрганилади. Асосий объект ҚД касаллиги бўлиб, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-клиникаси эндокринология касалликлари стационарида даволанаётган беморлар қон анализини топшираётган вақтда, параллел равишда компьютерли сканер биоўлчагич ускунаси, яъни ЭПДУ орқали ноинвазив усулда БФНдан ЭҚни ўлчашни амалга ошириш лозим бўлади. Натижада, ҚДда АНГММни яратиш асосини Y чиқиш параметри қон таркибидаги глюкоза миқдори ва кириш параметрлари информатив БФН $X_1, X_2, X_3, \dots, X_n$ лардан олинган ЭҚ ёрдамида баҳолаш мумкин. АНГММ функционал схемаси 24-расмда тасвирланган.

24- расмда X_1, X_2, \dots, X_n -информатив БФН даги ЭҚ миқдори; Z – биокимёвий ортополиудин усул (энг аниқ ишловчи усул ҳисобланади); Y_o – қондаги глюкоза миқдорини баҳоловчи биокимёвий ортополиудин усули бўйича олинган натижалар; Y_m -АНГММ ёрдамида аниқланган қондаги глюкоза миқдорининг модели, янги ноинвазив усул; C – регрессия коэффициенти; $Q = Q(Y_o, Y_m)$ – баҳолаш мезонлари.



Идентификация блоки информатив БФН мажмуасини шакллантиради ва информативлиги буйича тартибланиш вазифасини бажаради, информатик ранг буйича тартибланган БФНдаги электр қаршиликлари кейинги АНГММ блокка боради, қон таркибидаги глюкоза миқдорининг математик модели кўриниши намоён бўлади, Баҳолаш мезони $Q = Q(Y_o, Y_p)$ – биокимёвий ортотолуудин усулдан олинган қон анализи натижалари ва АНГММдан олинган натижалар ўртасидаги фарқини аниқлайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Портнов Ф.Г. Электропунктурная рефлексотерапия. - Рига: Зинатне, 1987. - 352 с.
2. Турапов У.У. Ноинвазив глюкометр яратишнинг математик ва алгоритмик таъминоти. Монография. «Фан ва технология». Тошкент 2016. 126 с.
3. Турапов У.У., Зайнидинов Х.Н. Математическая модель неинвазивного датчика глюкометра. Журнал раскрытие научной новизны исследований «Высшая школа» Технические науки., г.Уфа ноябрь (21) 2016. №14. 2016, стр. 44-53.

**ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАРГА ТАЛАБАЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ –
ФАОЛ ҲАЁТИЙ ПОЗИЦИЯЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЗАРУРИЙ
ШАРОИТИ**

*Нурмухаммедова М.Х., -тадқиқотчи
Мамажоновна С.В., -тадқиқотчи
Гулистон ДУ*

Аннотация:

На современном этапе экономических реформ формирование экономического мышления у молодежи имеет большое значение. Учитывая это, в данной научной статье были затронуты некоторые аспекты формирования экономического мышления у молодежи.

Annotation:

At the present stage of economic reforms, the formation of economic thinking among young people is of great importance. Taking this into account, this scientific article has touched upon some aspects of the formation of economic thinking among young people.

Биз кўпроқ ақлий ва ахлокий тарбияга эътибор берамиз-у, лекин иқтисодий тарбияга иккинчи даражали эътибор беришга одатланиб қолган эдик. Маълумки, ривожланган давлатларда иқтисодий тарбия масаласига эътибор кучли бўлган.

Масалан, Германияда иқтисодий тарбияга катта эътибор бериб, тежамкорликка, ҳисоб-китобга кучли эътибор қаратилади. Аҳолининг иқтисодий тарбияси маълум даражада шаклланиб бўлган, бунинг натижасида қайта ишлаш, айланма ҳаракат (яъни, бир шиша тараси камида 30 марта истеъмолчи ва ишлаб чиқариш корхонаси орасида айланади). АҚШда 50 фоиз қоғозлар макулатурадан олинади. Бунда ҳам ишчи кучидан, ҳам табиий ресурсларни, ҳам маблағни тежаш имконияти вужудга келади. Демак, тежамкорликка ўрганишнинг ўзи ҳам катта даромад манбаи экан. Тежамкорликни тарбиялаш иқтисодий тарбияда бош масала ҳисобланади.

Тежамкорликка ўрганиш учун ҳисоб-китобга ўргатиш лозим. Тежамкорлик одат тусига кириши ва турмуш тарзига айланиши зарур. Бундан ташқари талабалар иқтисодий организм бир бутун яхлит организм эканлигини ҳис этиш даражасига етиши керак. Юксак иқтисодий маданият буни тақозо этади.

Иқтисодий тарбияни шакллантиришда биринчи галда талабаларда энг содда малакалар ҳосил қилишдан бошлаш керак. Иқтисодий фикрлаш, иқтисодий тушунчалар, иқтисодий ҳис-туйғулар аввал оилада, сўнгра боғча-мактабда, кейинчалик олий ўқув даргоҳларида шаклланади. Бозор иқтисодиёти шароитида яшар эканмиз, янгича иқтисодий фикрлашга ўрганишимиз зарур. Иқтисодий қонунлар ўзининг янги талабларини ҳар бир инсон олдига кўяди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда иқтисодий таълим ва иқтисодий тарбияга алоҳида эътибор қаратишга мажбурмиз. Айниқса, иқтисодий тарбия масаласи бозор муносабатлари даврида янада кучлироқ бўлиши - бу давр талабидир.

Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш – фаол ҳаётий позицияларни шакллантиришнинг зарурий шароити. Иқтисодни ривожлантирувчи асосий куч - бу инсон. Демак, бугунги кунда талабалар иқтисодий билимларга эга бўлмоғи, иқтисодий тарбияга эга

бўлган, етук шахслар шакллантирилиши зарур. Иқтисодий билим ўз ичига иқтисодий тушунчалар, иқтисодий қонуниятлар ва иқтисодий структураларни қамраб олса, иқтисодий тарбия ана шу иқтисодий ҳаётга бўлган муносабатларни шакллантиришга қаратилган бўлади.

Умуман, иқтисодий тарбиянинг мақсади иқтисодий маданиятни инсонда шакллантиришдан иборатдир. Бу мақсадга эришиш учун тежамкорлик, тадбиркорлик, ҳисоб-китоб, янгилликларга интилиш, иқтисодий яхлитликни ҳис қилиш каби хусусиятларни вужудга келтириш ва ривожлантириш зарур.

Аслида ўз-ўзини тарбиялаш шахс шаклланишининг энг юқори даражаси ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш эҳтиёжи айниқса, ўсмирлик даврида кучаяди. Бу даврда таққослаш ҳолида иш юритилади. Ўз-ўзини тарбиялаш усулларига:

1. Масъулиятни ҳис этиш.
2. Ўзига ҳисобот бериш.
3. Ўз ҳатти-ҳаракатини таҳлил қилиш.
4. Ўзини назорат қила билиш.
5. Ўзига баҳо бериш ва бошқаларкиради.

Шундай қилиб, тарбия жараёни ниҳоятда мураккаб ва қийиндир. Педагогика жараёнида тарбия энг муҳим жараён ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти шароити иқтисодий билим ва малакаларни шаклланишида амалий боғлиқликни талаб этадиган жараён бўлиб, бу ҳар бир машғулотларда иқтисодий воқеликни таҳлил қилишни тақозо этади. Шу билан биргаликда бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодий тарбияга меҳнатни моҳиятини тўла англашилиши ҳам таъсир этади.

Меҳнат фаолияти - моддий ва маънавий бойликларнинг манбаи бўлиб, меҳнат фаолияти жараёнида инсон табиатни гўзаллаштирибгина қолмай, ўзи ҳам ўзгара боради. Меҳнат фаолияти шахснинг ахлоқий фазилатларини шакллантиришга, унинг табиат ва жамиятга қарашлари тизимига жиддий таъсир кўрсатади. Меҳнат инсонни ақлий қобилиятларининг ривожланишига таъсир қилади. Меҳнат туфайли инсоннинг маънавий муносабатлари шаклланади, у жисмоний жиҳатдан камол топиб, ўз меҳнат кўникмаларини ривожлантириб боради.

Аммо, ҳар қандай меҳнат ҳам шахсни ҳар томонлама тарбиялаш ва камол топтириш омили бўлавермайди. Эксплуатация ва зўравонликдан ҳоли бўлган меҳнатгина инсонга ижобий таъсир кўрсатади. Меҳнат тарбиясининг асосий мақсади меҳнатга нисбатан тўғри муносабатни, яъни меҳрни шакллантиришдир. Меҳнатга меҳр билан, хоҳиш ва ижодий ёндаша олиш, малака ва кўникмаларни шакллантириши лозим. Инсонни меҳнат қилиб, ўз меҳнатидан баҳра олишга, лаззатланишга ўргатиш зарур.

Меҳнатда тарбиялаш тўлақонли бўлиши учун, у бир қатор шартларга жавоб бериши керак:

1. Бола меҳнатга қанчалик барвақт жалб қилинса, унинг меҳнат тарбияси шунчалик муваффақиятли ўтади.
2. Меҳнат фаолияти ижодий аҳамиятга ва чуқур маънавий асосга эга бўлиши шарт.
3. Чарчоқ ҳиссини туғдирувчи меҳнатгина қувонч ҳиссини бағишлайди. На жисмоний, на ақлий, на иродавий кучни талаб қиладиган енгил меҳнат ижобий тарбиявий самара кўрсатмайди.
4. Катталарнинг болалар меҳнатини назорат қилиши одоб доирасидан чиқмаслиги, боладаги ўз кучига ишончи қўллаб-қувватлаши зарур. Агар бола меҳнат топшириғини бажаргандан сўнг муваффақиятдан қувонса, қилган иши билан фахрланса, у ўзини бахтли ҳис эта бошлайди.
5. Меҳнат дам олиш билан алмаштирилиб турилиши керак. Меҳнат турларининг навбат билан бажарилиши ҳам чарчоқни босади.
6. Ҳар қандай меҳнат топшириғи фойдали ва имкон қадар яққол натижа билан тугалланиши лозим. Умуман, меҳнатда боланинг шахсий манфаатдорлигини ҳам рад этиш керак эмас.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. Тошкент 2018 йил 28 декабрь.
2. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамуз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 488 б.
3. Костанян С.Л. Экономика народного образования. -М.: 1996.
4. Сиддиқова Ш. Тарбиятамойиллари. -Т.: 2005.

ТАЪЛИМ-ТАРБИЯДА ЖАРАЁНИДА БАРКАМОЛ ИНСОН МАСАЛАЛАРИ

*Турдиева М.Ж - ўқитувчи
Бухоро Муҳандислик технология институтини*

Аннотация: В данной статье обсуждается важность образования в формировании личности, роль личности в обществе, роль методов воспитания и национальных ценностей в воспитании зрелых специалистов.

***Annotation:** This article discusses the importance of education in personality formation, the role of the individual in society, the role of educational methods and national values in the education of mature professionals.*

Бугунги кун ёшлари ҳаётида таълим ва тарбиянинг ўрни беқиёс. Таълим-тарбия бола туғилгандан бошлаб уни ҳаётга тайёрлаб бориш жараёнидир. Таълим-тарбия психологияси мақсадга мувофиқ равишда ташкил этилган педагогик жараён шароитида инсон шахси шаклланишининг қонуниятларини ўрганади. Таълим-тарбия ҳар қандай жамиятнинг муҳим вазифаси саналади. Таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг “Тарбия биз учун ё ҳаёт - ё мамот, ё нажот - ё ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир” деган чуқур маъноли сўзлари нақадар ҳақиқат эканини яхши англаймиз.

Бугунги кунда ёшларимизни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялашда ота – боболаримиздан бизгача етиб келаётган халқ оғзаки ижодиёти, илмий ва маданий мерос, эзгуликка хизмат қилувчи ҳадисларнинг аҳамиятини унутмаслигимиз зарур. Улардан ёшлар маънавиятини ўстиришда самарали фойдаланишни йўлга қўйсақ, фойдадан ҳоли бўлмасди. Президентимиз Ш.М.Мирзиёев ёшлар тарбияси ҳақида тўхталар экан Абдурауф Фитрат бобомизнинг мана бу фикрларига эътибор қаратди: “Халқнинг аниқ мақсад сари ҳаракат қилиши, давлатманд бўлиши, бахтли бўлиб иззат-ҳурмат топиши, жаҳонгир бўлиши ёки заиф бўлиб хорликка тушиши, бахтсизлик юқини тортиши, эътибордан қолиб, ўзгаларга тобе ва қул, асир бўлиши уларнинг ота-оналаридан олган тарбияларига боғлиқ”. Зеро, оила ҳар доим тарбия ўчоғи саналиши бежизга эмас. Оилада тарбия масалаларига эътиборсиз қаралган вазиятда юзага келадиган кўнгилсизликлар ҳам, у келтириб чиқарадиган зарарли оқибатлар ҳам барчамизга аён.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг характери, аввало, оилада ва таълим муассасасида тарбияланади. Ёшларнинг шахсини тарбиялашда катта масъулиятли вазифа ота-оналар, ўқитувчилар, болалар боғчалари, касб-ҳунар коллежи ва интернат-мактаблар тарбиячи-ўқитувчилари зиммасига тушади.

Инсон характерининг ривожиди тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаш ҳам муҳим ўрин тутди. Киши характери фақат педагоглар томонидан олиб бориладиган тарбиявий таъсирэтишнинг самараси бўлибгина қолмай, балки ўз-ўзини тарбиялашнинг ҳам маҳсулидир.

Ўз камчиликларига ўзи иқрор бўлиш кишини ўз-ўзини тарбиялаш сари бошлайди. Ўз камчиликларига иқрор бўлмаслик, уларни кўрмаслик киши характерининг энг ёмон хусусиятидир. Ўз камчиликларин кўра билмаган одам олдинга қараб ҳаракат қилишга, ўсиш ва камолотга етишига лаёқатсиз кишидир.

Ота-оналар, ўқитувчи ва тарбиячилар бошқа тарбиявий ишлар билан бир қаторда ёшларга ўз камчиликларини билиб олиш ва бу камчиликларни йўқотиш учун ҳаракат қилиш ҳамда ўзларида ижобий ирода ва ахлоқий сифатларни пайдо қилиш устида машқ қилиш зарурлигини уқтириб боришлари зарур.

Буюк ватандошимиз Имом Ғаззолий бундай дейди: “Болалар ота-оналарига берилган бир омонатдир. Боланинг қалби ҳар қандай нақшу тасвирдан холи бир қимматбаҳо гавҳардир. У қандай нақш солинса, қабул қилади, қаёққа букилса, эгилади. Агар яхшиликка ўргатилса, шу билан ўсади ва дунёю охиратда саодатга эришади. Унинг савобига ота-онаси ҳам, ҳар бир муаллиму устозлари ҳам шерик бўладилар. Агар

ёмонликка одатлантирилса, хайвонлардек ўз ҳолига ташлаб қўйилса, охир-оқибат ҳалок бўлади. Гуноҳи эса унинг тарбияси учун жавобгар бўлганларнинг гарданига тушади”.

Зеро, бугун илм-фан ва таълим изчил ривожланиб бораётган бир даврда ҳеч шак-шубҳасиз тарбия таълимнинг асосида туриши шартдир. Шундай экан, илм-фан таълим-тарбия асосида олиб борилиши мақсадга мувофиқдир. Қолаверса, ҳар бир педагог, муаллим ва устознинг таълим беришдан мақсади – келажаги порлоқ, Ватан ва эл-юрт хизматида турадиган кадрларни тарбиялаш бўлар экан, бундай таълим-тарбия ўз самарасини бермай қолмайди. Яъни, бугунги куннинг ўқитувчи ва муаллими ўзи таълим бераётган шахсга фидойилик билан таълим бериши, қолаверса жонкуяр тарбиячи бўлиши шарт.

"Бизни ҳамиша ўйлантириб келадиган яна бир муҳим масала – бу ёшларимизнинг одоб-ахлоқи, юриш-туриши, бир сўз билан айтганда, дунёқараши билан боғлиқ. Бугун замон шиддат билан ўзгаряпти. Бу ўзгаришларни ҳаммадан ҳам кўпроқ ҳис этадиган ким – ёшлар. Майли, ёшлар ўз даврининг талаблари билан уйғун бўлсин. Лекин айни пайтда ўзлигини ҳам унутмасин. Биз киммиз, қандай улуғ зотларнинг авлодимиз, деган даъват уларнинг қалбида доимо акс-садо бериб, ўзлигига содиқ қолишга ундаб турсин. Бунга ниманинг ҳисобидан эришамиз? Тарбия, тарбия ва фақат тарбия ҳисобидан", дея таъкидлади Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Бу вазифалар мактаб, оила, маҳалла, бутун жамоатчиликка катта масъулият юклайди. Мамлакатимизда таълим-тарбия соҳасининг барча бўғинлари – мактабгача таълим, мактаб, ўрта махсус ва олий таълим тизимини такомиллаштириш, янги муассасалар бунёд этиш ва мавжудларини қайта таъмирлаш бўйича олиб борилаётган ишлар ёшлар камолотида ўз самарасини беради, албатта.

Биринчи Президентимиз Ислоҳ Каримов айтганларидек: “Таълимни тарбиядан, тарбияни эса таълимдан ажратиб бўлмайди – бу шарқона қараш, шарқона ҳаёт фалсафаси”. Шундай экан, таълим ва тарбия ишини уйғун ҳолда олиб бориш талаб этилади.

Шуни унутмаслигимиз керакки, юрт келажаги, ватанимиз тараққиёти ва халқимизнинг эртанги куни қандай бўлиши фарзандларимиз ва ёшларимизнинг бугун қандай таълим ва тарбия олишига боғлиқдир. Шу сабабли ҳар қайси ота-она, устоз ва мураббий ҳар бир бола тимсолида аввало буюк шахсни кўриши зарур. Ана шу оддий талабдан келиб чиққан ҳолда, униб-ўсиб келаётган ёшларни мустақил ва кенг фикрлаш қобилиятига эга бўлган, онгли яшайдиган комил инсонлар этиб вояга етказиш – таълим-тарбия соҳасининг асосий мақсади ва вазифаси бўлиши лозим, деб қабул қилишимиз керак.

Маълумки, ота-боболаримиз қадимдан бебаҳо бойлик бўлмиш илму маърифат, таълим ва тарбияни инсон камолоти ва миллат равнақининг энг асосий шarti ва гарови деб билган. Албатта, таълим-тарбия – онг маҳсули, лекин айни вақтда онг даражаси ва унинг ривожини ҳам белгилайдиган, яъни халқ маънавиятини шакллантирадиган ва бойитадиган энг муҳим омилдир. Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ва шу асосда онгни ўзгартирмасдан туриб, маънавиятни ривожлантириб бўлмайди.

Масалага чуқурроқ эътибор берадиган бўлсак, мамлакатнинг келажаги бугун ёшларимизга қандай таълим-тарбия беришимизга боғлиқ. Таълим олган ёшларда, албатта тарбия ҳам бўлиши даркор, чунки тарбия уларнинг ҳаётда ўз ўринларини топишларига ёрдам беради. Ёшларни маънавиятли, етук мутахассис кадрлар этиб

етиштириш борасида сўз борар экан уларни турли ёт ғоялардан омон сақлашни ҳам унутмаслигимиз лозим.

Фарзандларимизни илм-фан ва таълим-тарбия асосида вояга етказиш мақсадга мувофиқ экан, ўз ўрнида тарбия эса маънавий билан чамбарчас боғлиқдир. Зеро, ёшлар келажак эгалари ҳисобланади. Ёшларимиз таълим-тарбиясида эса маънавий тарбия катта аҳамиятга эга. Муҳтарам биринчи Юртбошимиз “Юксак маънавий–енгилмас куч” асарида фарзандларимизнинг маънавий тарбияси ҳақида алоҳида тўхталиб: “Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас кадрятларимизга йўғрилган ва улардан озикланган маънавийтимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб, охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин”, – деган фикрларини доимо ёдда тутишимиз керак. Энг муҳими, фарзандларимизни соғлом, комил инсон қилиб тарбиялайликки, улар ўз ота-боболарига, тарихимизга, муқаддас динимиз анъаналарига, Ватанимизга, она тилимизга, ўз миллий кадрятларимизга содиқ бўлишсин.

Бугунги кунда эътибор беришимиз керак бўлган асосий ва энг долзарб бўлган масалалардан бири ёшларимизда ватанпарварлик, инсонпарварлик, эрқпарварлик, меҳнатсеварлик каби фазилатларни шакллантириш экан, ушбу жиҳатнинг узлуксизлигини таъминлаб бориш учун болалар боғчасидан бошлаб, меҳнат жамоаларигача таълим-тарбия ва ташвиқот ишларини янги усулларда йўлга қўйиш лозим.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ёшларимизнинг маънавий етук ва комил инсон даражасида етишмоғи учун энг аввало унинг ахлоқан пок бўлишига олиб келувчи халқимизнинг қадимий маънавий-маданий меросидан баҳраманд бўлишини таъминлаш ушбу мақсадни амалга оширишнинг самарали йўлидир. Демак, таълим-тарбиянинг асосий вазифаси жамият талабларига жавоб бера оладиган ва шу жамият учун хизмат қила оладиган етук инсонни тарбиялашдан иборат.

ALOHIDA YORDAMGA MUHTOJ BOLALAR TA'LIM-TARBIYASIDA ABU NASR FOROBIYNING ILMIY MEROSINING O'RNI

*Amirsaidova SH.M. p.f.n,dotsent
Toshkent DPU*

Аннотация: В статье раскрыты вопросы значения педагогических взглядов Абу НасрФаробий в воспитании детей с ограниченными возможностями.

Annotation: The article reveals the importance of the pedagogical views of Abu Nasr Farobiy in the education of children with disabilities.

Imkoniyati cheklangan bolalarning ijtimoiy moslashishiga, tengdoshlari va kata yoshdagi kishilar bilan muloqot o'rnatishdagi qiyinchiliklarni yengib o'tishga ,rivojlanishda orqada qolgan shaxsni ijtimoiy hayotda o'z o'rnini topishga yordam berish pedogogdan mustahkam bilim hamda ma'suliyatni talab qiladi.Bu faoliyat defektolog-o'qituvchidan imkoniyati cheklangan bolalarning o'ziga xos xususiyatlarini aniqlash, o'rganish, ularni mehnatga o'rgatish, jismoniy rivojlantirish, shunga mos ta'limiy matreallarni tanlashni taqozo etadi. Korreksion ishlarini olib borishda imkoniyati cheklangan bolaning rivojlanish

imkoniyatlariga asoslaniladi. Bundan ko'rinib turganidek bu muammolarni hal etish defektolog-o'qituvchilarning oldiga murakkab vazifalarni qo'yadi.

Maxsus pedagogika fanining bosh vazifasi ruhiy va jismoniy rivojlanishida nuqsoni bo'lgan bolalarning ta'lim-tarbiyasini hozirgi zamon talablari darajasida tashkil etishning ilmiy-nazariy asosini yaratishdan va shu maqsadga mos defektolog kadrlarni tayyorlashdan iborat.

Bu o'rinda hozirgi zamon defektologiya sohasining oldida turgan muammolarni hal eta oladigan milliy defektolog –mutahassis qanday sifatlarga ega bo'lishi shart degan savol vujudga kelishi muhim ahamiyat kasb etadi. Ularning ildizlarini va kelgusidagi rivojini kuzatish maqsadida buyuk faylasuf Abu Nasr Forobiy ijodida bu g'oyala rqanday o'z ifodasini topgani haqida maxsus to'xtalib o'tishni lozim topdik. Zero, Abu Nasr Forobiy kabi allomalarning falsafiy ,ilmiy va adabiy asarlarida umumiy pedagogikaning didaktik nazariyasi yaratilgandir.

XI-XII asrlarda yoq milliy pedagogikaning ilmiy-didaktik asarlari yaratildi, shaxsnig biologic hamda ijtimoiy mavjudot ekanligining mohiyati tadqiq etildi hamda asoslab berildi. Bunga, ayniqsa, o'rta asrning buyuk mutafakkirlari Beruniy, Forobiy va uningizdoshi Ibn Sinoning ilmiy-ijodiy faoliyati tufayli erishildi. Agar Muhammad Muso al-Xorazmiy matematika ilm maktabining asoschisi, Abu Rayhon Beruniy – tarix, astronomiya, farmokognoziya, Abu Ali ibn Sino tabobat, Habash al-Hosib matematika, astronomiya fanlarining boshlovchilari sifatida tanilsa, Yaqin Sharq va O'rta Sharq mamlakatlarida taraqqiyparvar ijtimoiy-falsafiy tafakkur rivoji Forobiy (873-950) nomi bilan bog'liq.

Forobiy o'rta asrning tabiiy-ilmiy va ijtimoiy yo;nalishlarining qariyb barcha sohalorida 160 dan ortiq asar yaratgan. Olim tomonidan yaratilgan bilimlarni ikkita katta guruhga ajratish mumkin: 1) qadimgi yunon olimlari ,asosan ,Aristotel asarlariga sharh sifatida yozilgan risolalar, 2) o'rta asr tabiatshunosligi va ijtimoiy falsafiy fikrining dolzarb muommolariga bag'ishlangan original asarlar.

Forobiynig bilish nazariyasi uning tibbiyot, matematika, musiqa, tilshunoslik va boshqa fan sohalardagi bilimlarga asoslangan. Bu muammo Forobiy fikricha, inson mohiyatini aniqlashga qaratilgan umumiy masalaning bir qismi, xolos.

Forobiy fikricha, insoning bilishini, ruhiy qobiliyatini miya boshqaradi, yurak esa-barcha a'zolari hayot uchun zarur bo'lgan qon bilan ta'minlovchi markaz. Inson barcha bilimlarni tashqaridan oladi. Buning uchun u ko'plab vosita va imkoniyatlarga ega: bular sezgi, xotira ,tasavvur va ayniqsa , mantiqiy fikrlash, aql bilan nutq bo'lib, mazkur vositalar yordamida u ilmni yaratadi.

Shundan so'ng, Forobiy insonning ruhiy va aqliy imkoniyatlarining tasnifini beradi. Uning fikricha ,insonda, eng avvalo ,”Oziqlantiruvchi quvvat” paydo bo'ladi. So'ng tashqi predmetlarning hissiy organlar (eshitish, ta'mbilish, ko'rish, hidbilish, sezish)ga ta'siri natijasida “tashqi ruhiy quvvat” vujudga keladi. Nihoyat, ”ichki ruhiy quvvatlar” ham borki, ular quyidagi uch turga bo'linadi: 1)xotira va tasavvur quvvati; 2) intiluvchan yoki harakatchan hissiyot quvvati-shodlik, quvonch, g'azab va h.; 3) so'zlash va aqliy tafakkur quvvati.

Forobiy fikricha, har bir hissiy quvvat turi insondagi ma'lum sezgi organining, uning ma'lum a'zosining faoliyati bilan bog'liq, ya'ni psixik holatlar moddiy shart-sharoitga bog'liq. Ammo bilish jarayonida olim inson uchun birinchi galda sezgi va xotira emas(zero,bu xususiyatlar bir qator hayvonlarga ham xos), balki aql o'ziga xos fazilat deb biladi.

Forobiy “Aql ma’nolari haqida” asarida aql masalasini chuqur talqin qiladi. U aql bir tomondan, ruhiy jarayon, ikkinchi tomondan, tashqi ta’sir ta’lim-tarbiya natijasi ekanligini uqtiradi.

Inson tashqi moddiy olam bilan yaqindan bog’liq ekan, demak, uning ruhiy va jismoniy holati ham tashqi omillar, muhit ta’siri bog’liqligiga e’tibor beradi. Forobiy tabiblik bilan bevosita shug’ullanmagan bo’lsa-da, lekin nazariy tibbiyot bilan yaqindan tanish bo’lgan. U o’zining “Inson a’zolari haqida” risolasida inson a’zolarining tuzulishi va faoliyat mexanizmini, turli xil kasalliklar sabablarini, ularning paydo bo’lish sharoitlarini alohida-alohida o’rganishni, organism salomatligini tiklash uchun kerakli oziq-ovqatlarga e’tibor berishni qayd etadi. Tibbiyotning vazifasi, maqsadi haqidagi uning qarashlari Ibn Sinoda shunday qarashlarni shakllantirishga katta ta’sir ko’rsatgan.

Forobiyning bilish, aql, mantiq bo’yicha fikrlari uning inson haqidagi ta’limoti uchun xizmat qildi. Inson aql-zakovatga ega bo’lishi, bilimli, mantiqli ekanligi bilan chegaralanib qolmasdan, balki u ma’lum ahloqiy prinsiplarga, ahloqiy madaniyatga ega bo’lishga intilishi joiz.

Forobiy o’z asarlarida ta’lim-tarbiya muhimligi, unda nimalarga e’tibor berish zarurligi, ta’lim-tarbiya usullari haqida fikr yuritadi. “Fozil odamlar shahri”, “Baxt va saodatga erishuv to’g’risida”, “Aql ma’nolari to’g’risida kabi asarlarda ijtimoiy-tarbiyaviy qarashlari o’z ifodasini topgan.

Olim o’ziyatgan ideal davlatdagi kishilarning turli xususiyatlariga binoan tabaqalarga birlashtirdi. Ammo bosh o’ringanasl-nasab, millat, diniy etiqodlarni emas, balki aql-zakovat va hayotiy tajribani qo’yadi. Forobiyilm –ma’rifatga kata ahamiyat beradi, ularni baxtga erishish garovi deb ishonadi. Uning fikricha, fozil shaharlarda kishilar erkin kasb tanlash imkoniyatiga ega bo’ladilar. Ularda haqiqiy erkinlik va teng huquqlik hukm suradi, ularning aholisi o’z ixtiyorlari bilan boshliq saylashi va uni amaldan mahrum qilishi mumkin. Har jihatdan munosib davlat boshlig’i aql-farosatli, rostgo’y, kamtarin, haqiqatparvar va dono bo’lmog’i lozim. Shunday qilib, mukammal va baxtiyor jamiyatda faqat ilm vositasi bilan erishish mumkin bo’lgan intellectual va ma’naviy me’yorlari uyg’unligini ta’minlash mumkin.

Haqiqiy baxtga har qanday zulmni bartaraf etish bilan erishiladi hamda inson qalbi va aqli barcha ezgu ishlarni va narsalar mohiyatini anglashga, oliy pog’onaga ko’tariladi.

Umuman olganda, Forobiyning fozil jamiyat, komil insoni, baxt-saodat, o’zaro yordam, dono boshliq, tenglik haqidagi fikrlari o’z davri uchun hayoliydir. Lekin insonni ma’naviy ozod etishga, uning imkoniyatlarini ochishga, gumanistik yo’nalishni asoslashga qaratilgan bu ta’limot ilg’or ijtimoiy tafakkur taraqqiyotiga buyuk hissa bo’lib qo’shildi, umumbashariy intilishlarini ifodaladi. Uning bu g’oyalarini keyinchalik Ibn Sino, Ibn Ro’shd ijodlarida davom ettirdi hamda Ovrova Uyg’onish davrining g’oyaviy manbalaridan biri bo’lib xizmatqildi.

Mutafakkirning ushbu qarashlarini alohida yordamga muhtojbolalar ta’lim-tarbiyasida qo’llash maqsadga muvofiqdir, chunki nosog’lom bola tarbiyasi sog’lom bola tarbiyasi qonuniyatlari bilan chambarcha sbog’liqdir.

Shunday qilib, buyuk ma’rifatparvar Abu Nasr Forobiyning pedagogic qarashlari, bola tarbiyasi haqidagi ilg’or fikrlari mujassamlashgan ma’naviy merosi o’zi yashagan davrda ilm-fanning ravnaqi uchun juda kata hissa bo’lib qo’shilib, hozirgi davrgacha o’z ahamiyatgani yo’qotgani yo’q.

DEVELOP A TREND OF INTERDEPENDENCE IN MATHEMATICS AND INFORMATION TECHNOLOGY

*Ergashev J.B.- PhD
Ahatqulov A.-teacher
Jizzax DPI*

Annotation

This article is devoted to the study of the relationship between the subjects of mathematics and computer science. It is known that mathematics provides the researcher with a number of mathematical methods that allow him to demonstrate not only the numerical characteristics of the object under study, but also its nature under the influence of various scientists.

Informatics, on the other hand, increases accuracy and reduces the complexity of “manual” technology, which causes some problems or cannot be calculated. Therefore, the application of information and communication technologies in the teaching and learning of mathematics is relevant today.

Аннотация

Данная статья посвящена на изучени связ между предметами математики и информатики. Известно что математика предлагает исследователю ряд математических методов, позволяющих не только получить числовые характеристики исследуемого объекта, но и промоделировать его поведение под влиянием различных факторов. Информатика предоставляет инструментарий, который позволяет повысить точность и сократить трудоемкость сложных мероприятий, недоступные при господстве «ручной» технологии. В настоящее время считается актуальным применение компьютеры и ИКТ на преподаванию и обучению математики.

Nowadays, in education, connection among subjects is considered to be clear expression of integrational process happening in science and society as well as it plays great role while increasing professional preparation of future specialists who study at higher educational establishments. Through connection among subjects many educational issues are solved not only by quality in new step, but also it is foundation to solve difficult problems of real world collectively. Therefore, it is considered to be term of collective approach while teaching and educating students at higher educational establishments.

Efficient usage of connection among subjects to teach mathematics and informational technology is firstly seen as usage in order to avoid difficulties while mastering educational program, it gives great opportunities to increase teaching efficiency. Mentioned connection can also be developed by two following directions: a) in the context of teaching b) in pedagogical activity.

We can see these directions in teaching methods of informational technology as teaching basics of higher mathematics in educational direction. According to its broad meaning mathematics fits with mathematic modeling and its elements always participate in studying course of “Foundations of higher mathematics”. Usage of mathematic modeling by the student is often disorderly and unexpectedly. Furthermore, intently strengthening the modeling aspect to study “Foundations of higher mathematics” gives students’ opportunity to have full imagination about technological chain of solving problems while studying informational technology course.

Students' cognition that mathematic structure includes models of real relations gives chance them to understand how to use mathematic tools in practical context of informational technology.

The first tendency that development of connection between "Foundations of higher mathematics" and informational technology is based on following idea. Concept of algorithm plays great role in the course of "Foundations of higher mathematics" and directly connected with discrete mathematics, mathematical logic, elements of combinatory, theory of possibility and other branches of mathematical statistics. Moreover, algorithm is the basis of programming in the course of informational technology. However, tendencies to study algorithms in the courses of "foundations of higher mathematics" and "informational technology" are unorganized. Particularly, in mathematics algorithm is process and in informational technology it is model of activity, script of process. In the course of "Informational technology" algorithming is process of formal description and structuring algorithm in some kind of algorithmic language. Algorithm is done with the help of computer and while studying it great attention is paid to formal description. Contrary to this, in the course of "Foundations of higher mathematics" syntactic side of algorithms is less described, main attention is paid to create and use algorithms. During professional activity future teacher of "informational technology" should strengthen syntactic aspect of algorithms in order to connect tendencies of learning algorithms in the courses of "Informational technology" and "Foundations of higher mathematics". In this case, algorithms which are created in the process of teaching "Foundations of higher mathematics" belong to the bank of algorithms of informational technology course according to their connected tendencies. Such kind of connection gives students chance to realize ways of personal activity in the process of solving mathematical matters.

Concept of the second tendency is to develop connection between "Foundations of higher mathematics" and informational technology. In the course of informational technology main attention is paid to form algorithm and move it to the programming language while teaching students to solve matters with the help of computer. However, this kind of process consists of technological chain such as matter itself, creation of model, formation of algorithm and programming on the basis of it as well as testing it. Successful solution of the matter depends on how all operations are correctly done.

Professional activity of the student who is graduating "teaching methodology of informational technology" should solve practical matters and much attention is paid to create models. As most of the models are mathematical models, solving practical matters and forming models depend on mathematics. Algorithm is considered to be main studying object of informational technology and is also basis of "Foundations of higher mathematics", not openly but facility to develop teaching.

Block-scheme is often used as means to describe algorithms in the course of informational technology. Therefore, from the side of methodology using block-scheme to create algorithm in the course of "Foundations of higher mathematics" is correct decision. Because, from one side this helps to strengthen syntactic aspect of algorithm, from the other side it does not require to repeat its teaching concept. Block-scheme is considered to be very simple means to solve mathematical matters. Including to form algorithm and describe it in block-scheme doesn't require to repeat teaching concept of mathematics.

Above mentioned ideas give chance to find out following tendencies of developing connection between "Informational technology" and "Foundations of higher mathematics":

developing model aspect of teaching “Foundations of higher mathematics”; developing algorithmic aspect of “Foundations of higher mathematics”.

Informational technology plays great role to study numbers deeply. It calculates numbers such as $\sqrt{2}, \sqrt{2} + \sqrt{3}, \pi, e, \dots$, gives chances to understand them correctly and develop concept of one after the other limit.

Above stated algorithm gives us opportunity to make uncomplicated programme order to calculate number π .

```

Program primer;
uses crt;
label 1,2,3;
var i, n:integer;
    p,eps,s1,a,h,d,b:real;
begin
clrscr;
write('eps=');
readln(eps);
write('n=');
readln(n);
1:q:=(2.0-sqrt(1.0-sqr((n-1)/n)))/(2*n);
if p<eps then goto 2;
n:=2*n;
goto 1;
2:i:=1;
s1:=0;
h:=1.0/n;
3:a:=sqrt(1.0-sqr(i*h));
s1:=s1+a;
i:=i+1;
if (i<=(n-2)) then goto 3;
b:=1.0-sqr(n-1)*h;
b:=sqrt(b);
b:=3.0*b/2.0;
s:=4.0*(s1+b)*h;
d:=4.0*(1.0+s1+b)*h;
writeln('s=',s:15:8);
writeln('d=',d:15:8);
end.

```

Through this programme following result comes when it is $\epsilon = 0,001$ and $n=10$.

S=3,14006623: d=3,14319123.

In conclusion, it should be stressed that developing model and algorithm aspects of teaching the course “Foundations of higher mathematics” clearly shows that it is connected with informational technology.

References:

1. Dalinger V.A. “Metodikarealizasi vnutripredmetnix svyazey priobucheni matematike”, – M.: Prosvesheniye, – 1991, Pp. 37-48.
2. Gleyzer T. K “Istoriya chislo π : sensasiya i gipoteza”. Matematika yene delnoyepri soteniyek gazeta, “Pervoyesentyabrya”, – 1997, №8, Pp. 4-5.
3. Polunina I.N. “Integrasiya kursov matematiki i informatiki kak faktor optimizatsii obsheprofessionalnoy podgotovki sredney professionalnoy shkole”. Avtoreferat dissertatsionnoy uchen.stepk.p.n. – Saransk, – 2003, – Pp. 32.

ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИНИНГ ЎРНИ

*Сафаров Ю.Ж. -ўқитувчи
Тошкент ТЕСИ*

Аннотация Система обучения методике преподавания речи в класса

Annotation Education system teaching method coach speech classroom lesson system

Бугунги кунда ҳар қандай давлатнинг барқарор тараққиёти асосини таълим ва ёш авлодга таълим берадиган ўқитувчи педагогларнинг билими таълим методикаси ва сифатига кўп жиҳатдан боғлиқ инновацион фаолият ташкил этади. Тарих шундан далолат берадики, инсон ўзининг ақл-идроки заковати албатта замонавий таълим тизими билан боғлиқлиги бежиз эмас. Бу борада Ўзбекистонда бир қатор қонун ва қарорлар қабул қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 июндаги “Ёшлар – келажагимиз” Давлат дастури тўғрисида”ги ПФ–5466-сон Фармони³⁸ асосида ажратилган маблағлар доирасида ўрнатилган тартибда молиялаштирилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ–3416-сон қарор ва бошқаларни мисол келтириш мумкин. Мазкур қарор ва фармойишлардан кўриниб турибдики, Ёшларга илм-фанга катта эътибор берилмоқда. Президент мактабларининг жорий этилиши ва ҳар синф учун ун иккитадан қилиб белгилангани ва фанлардан чет элдан келган мутахассислар олиб бориши белгиланган. Янги кўрилган мактаблар ҳар томонлама техник ва технологик жиҳатдан таъминланган. Халқ таълими тизимида мактабларни таълим сифатини баҳолашнинг янгича РИСА ва ТИМСС дастурлари амалга киритилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида илм-фан, замонавий ва узлуксиз таълим тизимини янада ривожлантириш тўғрисида таъкидлади. “Ривожланган мамлакатларда таълимнинг тўлиқ циклига инвестиция киритишга, яъни бола 3 ёшдан 22 ёшгача бўлган даврда унинг тарбиясига сармоя сарфлашга катта эътибор берилади. Бизда эса бу кўрсаткич атиги 4 баробарни ташкил этади. Бинобарин, инсон капиталига эътибор кўчайтиришимиз, бунинг учун барча имкониятларни сафарбар этишимиз шарт”- дия қайд этиб ўтди. Ривожланган давлатларда асосий йўналишлари таҳлили шуни кўрсатадики, XXI асрда мамлакатларнинг ҳар хил стратегик муаммоларини ечишда инновация ва инновацион иқтисодиётга асосий эътибор қилинмоқда. Ривожланган давлатларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 75% га инновациялар асосида амалга оширилмоқда. Ҳозирги вақтда таълим жараёнида ўқитишнинг замонавий методлари кенг қўлланилмоқда. Ўқитишнинг замонавий методларини қўллаш ўқитиш жараёнида юқори самарадорликка эришишга олиб келади. Бу методларни ҳар бир дарснинг дидактик вазифасидан келиб чиқиб танлаш мақсадга мувофиқ. Анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда уни таълим оловчилар фаолиятини фаоллаштирадиган турли-туман методлар билан бойитиш таълим оловчиларнинг ўзлаштириш даражаси ўсишига олиб келади. Бугунги кунда бир қатор ривожланган мамлакатларда таълим-тарбия жараёнининг самарадорлигини кафолатловчи замонавий педагогик технологияларни қўллаш борасида катта тажриба асосларини ташкил этувчи методлар интерфаол методлар номи билан юритилмоқда. Интерфаол таълим методлари ҳозирда энг кўп тарқалган ва барча турдаги таълим муассасаларида кенг қўлланаётган методлардан ҳисобланади. Шу билан бирга, интерфаол таълим методларининг турлари кўп бўлиб, таълим-тарбия жараёнининг деярлик ҳамма вазифаларини амалга ошириш мақсадлари учун мослари ҳозирда мавжуд. Амалиётда улардан муайян мақсадлар учун

³⁸. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажагимизни Мард ва Олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз”. – Т., 2017.

мосларини ажратиб тегишлича қўллаш мумкин. Бу ҳолат ҳозирда интерфаол таълим методларини маълум мақсадларни амалга ошириш учун тўғри танлаш муаммосини келтириб чиқарган. Бунинг учун дарс жараёни оқилона ташкил қилиниши, таълим берувчи томонидан таълим олувчиларнинг қизиқишини орттириб, уларнинг таълим жараёнида фаоллиги муттасил рағбатлантириб турилиши, ўқув материални кичик-кичик бўлақларга бўлиб, уларнинг мазмунини очишда ақлий ҳужум, кичик гуруҳларда ишлаш, баҳс-мунозара, муаммоли вазият, йўналтирувчи матн, лойиҳа, ролли ўйинлар каби методларни қўллаш ва таълим олувчиларни амалий машқларни мустақил бажаришга ундаш талаб этилади. Интерфаол метод бирор фаолият ёки муаммони ўзаро мулоқотда, ўзаро баҳс-мунозарада фикрлаш асносида, ҳамжихадтлик билан ҳал этишдир. Бу усулнинг афзаллиги шундаки, бутун фаолият ўқувчи-талабани мустақил фикрлашга ўргатиб, мустақил ҳаётга тайёрлайди. Ўқитишнинг интерфаол усулларини танлашда таълим мақсади, таълим олувчиларнинг сони ва имкониятлари, ўқув муассасасининг ўқув-моддий шароити, таълимнинг давомийлиги, ўқитувчининг педагогик маҳорати ва бошқалар эътиборга олинади. Бу методлар қўлланилганда таълим берувчи таълим олувчини фаол иштирок этишга чорлайди. Таълим олувчи бутун жараён давомида иштирок этади. Таълим олувчи марказда бўлган ёндашувнинг фойдали жihatлари қуйидагиларда намоён бўлади:

- таълим самараси юқорироқ бўлган ўқиш-ўрганиш;
- таълим олувчининг юқори даражада рағбатлантирилиши;
- илгари орттирилган билимларнинг ҳам эътиборга олиниши;
- таълим жараёни таълим олувчининг мақсад ва эҳтиёжларига мувофиқлаштирилиши;
- таълим олувчининг ташаббускорлиги ва масъулиятининг қўллаб-қувватланиши;
- амалда бажариш орқали ўрганилиши;

икки тарафлама фикр-мулоҳазаларга шароит яратилиши. Кейинги вақтларда ўқитувчилар орасида шахсга қаратилган таълим нима? Интерфаол методда ўқитиш нима учун зарур? Унинг қандай турлари мавжуд? Таркибий тузилиши қандай? Уни таълим жараёнига қандай олиб кирилади? Унинг аввалги усуллардан фарқи нимада? деган саволлар учрайди. Бу саволларга аниқ жавоб топиш учун шарқнинг буюк алломалари XIV асрнинг буюк машойихи Абу Носир Тусий ўзининг «Ўқитувчиларни тарбиялаш тўғрисида» номли асарида қуйидагиларни ёзади: «Мураббий мунозараларини тўғри олиб бориш, рад этиб бўлмайдиган даражада исбот қилиши, ўз фикрларини тўғрилигига ишониши, нутқи мутлақо соф ва равон бўлиши лозим. Мураббий нутқи ҳеч қачон заҳархандали, қўпол ва қаттиқ бўлиши мумкин эмас. Дарс пайтида ўзини тута олмаслиги дарсни бузади». Буюк мутафаккир Абдурахмон Жомийнинг «Искандар хиродномаси» асарида муаллимлар ҳақида қуйидаги фикрлар билдирилган: “муаллим ақли, адолатли, ўзида барча юксак фазилатларни мужассамлаштирган бўлиши керак. Узини номуносиб тутган мураббий ҳеч вақт болаларга билим бера олмайди”. Шоир муаллимнинг ҳаётдаги ўрнини қуйидаги байтида баён қилади: Устод, муаллимсиз қолганда замон, Нодонликдан қора бўлурди жаҳон. Маълумки, Ибн Сино ҳам бошқа мутафаккирлар каби ўзининг таълим-тарбияга оид қарашларини ижтимоий-фалсафий қарашлари билан боғлиқ ҳолда ифодалаган, махсус рисоаларда талқин этган. Абу Али ибн Сино камолотга эришишнинг биринчи мезони саналган маърифатни эгаллашга даъват этади. Чунки илм-фан инсонга хизмат қилиб, табиат қонунларини очиб авлодларга етказиши керак. Бу мақсадга етишиш учун

инсон қийинчиликлардан кўрқмаслиги зарур, дейди. “Эй биродарлар! Одамларнинг ботири мушкулотдан кўрқмайди. Камолот ҳосил қилишдан бош тортган киши одамларнинг энг кўрқоғидир”. Зеро, маърифатли киши жасур, ўлимдан ҳам кўрқмайдиган, фақат ҳақиқатни билиш учун ҳаракат қиладиган бўлади, дейди у фикрини давом эттириб. Билимсиз кишилар жоҳил бўлади, улар ҳақиқатни била олмайдилар, деб уларни етук бўлмаган кишилар қаторига қўшади. Бундай кишилардан илмий фикрларни сир тутиш кераклигини таъкидлайди. У ҳақиқатни билиш учун билимга эга бўлиш кераклиги, лекин ҳар қандай билим ҳам ҳақиқатга олиб келмаслиги, инсон ўз билимининг ҳақиқийлигини билиши учун мантиқни ҳам билиши зарурлигини ўқтиради. Ибн Синонинг таълим методлари ҳақидаги таълимоти асосида ҳам билимларни эгаллашда мантиқий тафаккурга, шахсий кузатиш ва тажрибаларга таяниш керак деган ғоя ётади. Ибн Сино билим олишда болаларни мактабда ўқитиш зарурлигини қайд этар экан, таълимда қуйидаги томонларга риоя этиш зарурлигини таъкидлайди: - болага билим беришда бирданига китобга банд қилиб қўймаслик; - таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш; - олиб бориладиган машқлар болалар ёшига мос бўлиши; - ўқитишда жамоа бўлиб мактабда ўқитишга эътибор бериш; - билим беришда болаларнинг майли, қизиқиши ва қобилиятини ҳисобга олиш; - ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб бориш; Бу талаблар ҳозирги давр таълим тамойилларига ҳам мос келиши билан қимматлидир. Юқоридаги масалаларга ўзининг “Тадбири манзил” асарида махсус бўлим бағишлайди. “Болани мактабда ўқитиш ва тарбиялаш” (“Омузиш ва парвариши фарзанд дар мадраса”) бўлимида таълим ва тарбия жараёнини очиб беради. Юқоридаги тамойиллар эса болаларни енгил-елпи билим олиш эмас, балки ҳар томонлама чуқур ва мустаҳкам билим олишга ёрдам беради. Талабага билим бериш ўқитувчининг масъулиятли бурчидир. Шунга кўра Ибн Сино ўқитувчининг қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шундай йўл-йўриқлар беради. Булар қуйидагилардан иборатдир: - болалар билан муомалада босиқ, жиддий бўлиш; - берилаётган билимнинг талабалар қандай ўзлаштириб олаётганига эътибор бериш; - таълимда турли метод ва шакллардан фойдаланиш; - талабанинг хотираси, билимларни эгаллаш қобилияти, шахсий хусусиятларини билиши; - фанга қизиқтира олиш; - берилаётган билимларнинг энг муҳимини ажратиб бера олиши; - билимларни талабаларга тушунарли, унинг ёши, ақлий даражасига мос равишда бериши; - ҳар бир сўзнинг болалар ҳиссиётини уйғотиш даражасида бўлишига эришиш зарур, дейди олим.³⁹Абу Райҳон Беруний ҳам инсон билимларни ақлнинг сезги аъзолари берган маълумотлар орқали эгаллашини айтади. Хотиранинг аҳамияти ҳақида Беруний ажойиб фикр айтган. “Хотира, - дейди у – далили бор ҳамма нарсаларни яхшироқ, тезроқ ва унғайроқ эслаб қолади”. Хотирани у Тангри таолонинг тухфаси деб ҳисоблайди. Олим билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Зеро, инсонда комилликнинг муҳим мезони юксак ахлоқлиқдир. Берунийнинг “Ўтмиш авлодларидан қолган ёдгорликлар”, “Ҳиндистон”, “Минералогия”, “Китоб ас-сайдона”, “Ал-қонуни ал-Масъудий”, “Геодезия” ва бошқа асарларида инсон, камолотида ахлоқий тарбиянинг муҳим ўрнини таъкидлайди. Абу Наср Форобий фанларни ўргатувчи ўқитувчини ҳар томонлама мукамал билимга ва тажрибага эга бўлиши лозимлигини таъкидлайди. Чунончи, ўз асарларида “...устоз шогирдларига қаттиқ зулм

³⁹. Холиков А. Педагогик маҳорат ўқув қўлланма.- Тошкент, 2010.

ҳам, ҳаддан ташқари кўнгилчанлик ҳам қилмаслиги лозим. Чунки ортиқча зулм, шогирд дилида устозга нисбатан нафрат уйғотади, бордию устоз жуда ҳам юмшоқ кўнгилли бўлса, шогирд уни менсимай қўяди ва у берадиган билимдан совиб қолади. Шунинг учун ўқитувчи болаларнинг феъл-атвориға қараб таълим-тарбиянинг “қатгик” ёки “юмшоқ” усулларидан фойдаланиши мумкин” дейди. Бунда устоз мударрисга қуйидаги талабларни қўяди: - тарбияланувчилар ўқиш ва ўрганишга иштиёқманд бўлсалар таълим- тарбия жараёнида юмшоқ усуллар қўлланилади; - тарбияланувчилар ўзбошимча, итоатсиз бўлсалар, қатгик, яъни мажбурловчи усуллар қўлланилади. Унинг Анъанавий усул XVII асрда Чех педагог олими Ян Амос Коменский томонидан таклиф этилган. У ўқитишнинг ягона классик тизимини ишлаб чиқиб, уни **синф – дарс системаси** деб юритади. Кейинчалик бу система педагогикада кенг тарқалган. Анъанавий мактаб синф дарс системаси қуйидагича ўзига хос анъаналарга эга: тахминан бир хил ёки яқин ёшли, тайёргарлик даражаси яқин болалар синфни ташкил этади. Синф ягона режа, дастур, дарслик, дарс жадвали асосида ишлайди. Машғулот тури асосан ягона дарс ҳисобланади. Дарс маълум бир ўқув предмети, мавзуга оид бир хил материал устида ишлайди. Ўқувчилар фаолиятини ўқитувчи бошқаради, ҳар бир ўқувчининг билим даражасини баҳолайди, йил охирида ўқувчини синфдан-синфга кўчиришни ҳам у ҳалқ қилади. Яъни ўқувчиларнинг тақдирининг ҳал этилиши ўқитувчи қўлидадир.

Ўзбекистонда таълим-тарбия соҳасини ислоҳ қилиш мақсадида «Таълим-тарбия тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»⁴⁰ нинг амалдаги ҳолати муҳим аҳамият касб этмоқда. Президентимиз И.А. Каримов бу муаммо илмий - назарий ва амалий нуқтаи назардан асослаб, ўқув-тарбия жараёнини янги педагогик технологиялар асосида ташкил этиш, бошқариш, мақсадга эришиш самарадорликни оширишнинг муҳим омили деб ҳисоблади. Республикамизда олиб борилаётган таълим-тарбия ислохотлари, мутахассис кадрлар салоҳиётини оширишга қаратилган бўлиб, олий ўқув юртлирида педагогларнинг методик маҳоратини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Ўқитувчиларимиз бу вазиятдан чиқишда уларни ўз фаолиятига танқидий ёндашиб, психологик жихатдан қайта кўриб чиқиб, уларни янги шароитда болаларга самимий муносабатда, индивидуаллашиш асосида, уларни таълим - тарбия жараёнига мотивация ҳосил қилиш орқали таълим жараёнида фаол иштирокини таъминлашга барча кучларини ва эътиборларини қаратишни талаб этади. Агар ўқитувчи ўзининг фаолиятни кузатиб борса, таҳлил қилса, ўзига баҳо бера олса, ўз фаолиятига тузатишлар, янгиликлар кирита олиш имкониятига эга бўлади. Шу сабабли ҳам республикамизда интерфаол жорий этилмоғи керак. Бу ўз навбатида ўқув жараёнини инсонпарварлаштириш демократиялаштириш, либерализациялашни ташкил этишни тақозо этмоқда. Қисқа қилиб айтганда, ўқув жараёни марказида ўқувчи шахси, унинг эҳтиёжи ккклозим. Ўқув жараёни унинг ҳошиш, истагига қаратилган, йўналтирилган бўлмоғи талаб этиладитаълим ўқувчини –билув этишнинг ҳаракатлантирувчи, қизиқиш, эҳтиёжини ҳошиш, истакларини рўёбга чиқарувчи куч бўлиб хизмат қилади. Булар доимий педагогик муаммо бўлиб келаётган: ўқув – тарбиявий фаолият мотиватсиясини ошириш, дарс жараёнларида ўқув материални ҳажмини ошириш, ўқув жараёнини жадаллаштириш, вақтни тежаш, кўпроқ илғор методлардан фойдаланиш, ўқув – тарбиявий ишларда интерфаол усуллардан фойдаланиш, илғор технологияларни

⁴⁰. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент, 1997.

қўллаш, ахборот – коммуникатсион технологияларни жорий қилишдан иборат. Кўплаб умумий ва хусусий лойиҳаларни таҳлил этиб, педагогик назария ва амалиётга тадбиқ этилиш хусусият ва ҳолатларини ўрганиш асосида умум педагогик инноватсияларни шундай кўринишда бўлишини белгилаш мумкин. Миллий инновация тизимини яратишда бошқа мамлакатлар тажрибасидан унумли фойдаланиш, уларнинг устун томонларининг олиб, улар йўл қўйган хатоларини такрорламаслик орқали вақтдан ютиш мумкин бўлади. Бу борада катта ютуқларга эришишда нафақат ўқувчи, талаба ва ўқитувчилар балки ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг инновацион тизимда ишлашга тайёрлаш муаммосини ҳал қилиш талаб этилади. Бу борада умумий ўрта таълим мактабларида ва олий ўқув юртларда ҳам ёшлар ушбу фаолиятга таёрлаб бориш учун ишлар олиб борилиши керак. Жумладан мактабларда ўқувчиларнинг ижодкорлик қобилиятларини ошириш ва интеллектуал салоҳиятларини кўтариш йўналишида ишлар олиб борилиши талаб этилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” тўғрисидаги Қонуни. – Тошкент, 1997.
2. Мирзиёев Ш.М. “Буюк келажакимизни Мард ва Олийжаноб халқимиз билан бирга курашимиз” . – Т., 2017.
3. Холиқов А. Педагогик маҳорат ўқув қўлланма.- Тошкент, 2010.

БЕРУНИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланиш

*Исмоилова Д.У. – психолог
Ш.Рашидов тумани 4-мактаб
Исмоилов Т.Ж. доцент
Жиззах ДПИ.*

Аннотация

Эффективно использование педагогических взглядов Беруни в учебно-воспитательном процессе.

Abstract

The use of the pedagogical williums of Beruni in the educational process is effective.

Таълим-тарбия ишлари сифат ва самарадорлигини оширишда улуғ аллома ва мутафаккирлар ижодий ҳаётини кенг ўрганиш йўлга қўйилиб, улар томонидан бизга маданий ва маърифий мерос сифатида қолдирган таълим-тарбияга оид доно ва қимматли фикрлари таълим тизимига кенг жорий этилмоқда.

Манбаларда қайд этилишича тили туркий гуруҳга мансуб бўлган Ўрта Осиё халқлари V асрдаёқ ўз ёзувига эга бўлган. Бугунги кунга қадар сақланиб қолган Ўрхун-Энасой битиклари бундан гувоҳлик беради. Ўрта Осиёнинг араблар томонидан истило этилиши (VII аср) натижасида ислом дини билан бирга араб ёзуви ҳам кириб келди. Шунингдек, «Қуръони Карим» сабоғи, буюк алломалар Абу Абдуллоҳ ибн Исмоил ал-Бухорий, Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ат-Термизий каби муҳаддислар таълим-тарбия тарихида ўзига хос ўрин эгалладилар.

Илк ўрта асрларда Абу Наср ал-Фаробий (879-950), Абу Али ибн Сино (980-1037) Абу Райҳон Беруний (973-1051), Юсуф Хос Ҳожиб (IX аср), Кайковус, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қошғарий (XI аср) каби алломалар таълим-тарбияга оид дунёвий фикрлари билан довруқ қозондилар.

Ўзбекистон Мустақиллигининг 29 йиллиги арафасида нафақат мамлакатимиз учун балки, жаҳон фанининг тараққиётига ғоят улкан ҳисса қўшган зўр истеъдод эгаси ва захматқаш тадқиқотчи деб тан олинган буюк шахс Абу Райҳон Берунийнинг 1047 йиллиги кенг нишонланади.

Буюк мутафаккир, комусий ва маърифатпарвар олим, Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний X асрнинг иккинчи ярми ва XI асрнинг биринчи ярмида, ғоят мураккаб тарихий даврда яшаб ижод қилган. Унинг ўлмас илмий асарлари жаҳон тараққиётида бениҳоя юксак аҳамиятга моликдир.

У ўз асарларида барча иллатларнинг асосий сабаби илмсизликда деб билади. Илмларни эгаллашда эса шахсда интилиш ва қизиқиш муҳитини алоҳида таъкидлайди ва жамиятнинг равнақи, маърифатнинг ривожига боғлиқ деган ғояни илгари сўради.

Беруний билим олишни ахлоқий тарбия билан боғлайди. Ахлоқийлик инсоннинг энг асосий сифати бўлиши керак. Бу хислат бирданига таркиб топмайди. У яхши хислатларни кишиларнинг ўзаро мулоқоти, ижтимоий муҳит – жамият тараққиёти жараёнида таркиб топади деб уқтиради. Яхши хислатларга тўғрилиқ, одиллик, ўзини вазмин тутиш, инсоф, камтарлик, лутф, собитқадамлик, эҳтиёткорлик, саҳийлик, ширинсуханлик, раҳбарликда адолатлилик, тадбиркорлик кабиларни, ёмон иллатларга эса хасадгўйлик, бахиллик, носоғлом рақобат, ўз манфаатини кўзлаш, мансабпарастлик ва ҳоказоларни киритади.

Беруний фахрланишни яхши хулқ маъносида ишлатиб, ўзининг «Ёдгорликлар»ида шундай дейди: «Фахрланиш - ҳақиқатда яхши хулқлар ва олий феълларда олдин кетиш, илму хикматни эгаллаш ва имконият борича мавжуд нопокликлардан тозаланишдир. Кимда шундай сифатлар топилса, ҳукм унинг фойдасига ва кимда булар етишмаса, ҳукм унинг зарарига бўлади».

Демак, Беруний инсоннинг маънавий қиёфасидаги барча ахлоқий хислатларни яхшилик ва ёмонлик каби икки турга бўлади. Бу инсоният яратган педагогик фикр тараққиётида «қизил ип» бўлиб ўтганидек, шу анъанага мувофиқ Берунийда ҳам ахлоқий тушунчалар ахлоқий баркамолликнинг муҳим томонлари ўз аксини топган.

Мутафаккир илгари сурган ахлоқий хислатлардан яна бири адолатдир. У жамиятда адолат ўрнатиш, уни ёвузликлардан халос этиш учун доно, адолатли ҳукмдор бўлиши керак, дейди.

Беруний ростгўйлик, тўғри сўзликни улуғлайди, ёлғончиликни одамлар ўртасига низо солувчи иллат сифатида қоралайди.

Орамизда ростгўй, тўғри сўзли инсонлар кўп. Бундай хислатли кишилар ҳеч қачон бировга зиён-захмат етказмайди, доимо тўғри туриб, тўғри юради, рост сўзлайди. Ростгўйлиги бундай кишиларнинг юз-кўзларидан ҳам билиниб туради; доимо кўзлари балқиб туради, чеҳраси очиқ бўлади.

Олимнинг инсон турмушига хос хулқ-одоб қоидалари ҳақидаги фикрлари педагогик жиҳатдан муҳим аҳамият касб этади. Инсон ҳам ички, ҳам ташқи томондан гўзал бўлсагина ҳақиқий камолотга эришиши мумкин дейди. Инсон киядиган кийимидан тортиб, кундалиқ турмушидаги юриш-туруши, сўзи, қалби, қилган иши - ҳаммасининг гўзал бўлиши таъкидланган.

Берунийнинг илмий билимларни эгаллаш йўллари, усуллари ҳақидаги фикрлари ҳозирги кунда ҳам таълим-тарбия жараёнида долзарб бўлиб, ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктирмаслик;
- билим беришда бир хил нарсани ёки бир хил фанни ўргатавермаслик;
- узвийлик ва изчилликка эътиборни қаратиш;
- таҳлил қилиш ва таққослаш;
- маълумдан номаълумга, яқиндан узоққа, соддадан мураккабга қараб бориш;
- такрорлаш;
- янги мавзуларни қизиқарли, асосан, кўргазмали баён этиш ва бошқа тарбиявий томонларга эътибор бериш кераклиги ўқтирилади.

Юқоридагилардан кўришиб турибдики, Берунийнинг комил инсонни шакллантиришга оид фикрлари фақат ўз замонаси учун эмас, ҳозирги давр учун ҳам таълим-тарбия ишлари самарадорлигини оширишда катта аҳамиятга эга бўлиб, улуғ аллома ва мутафаккирлар билан бир қаторда Абу Райхон Берунийнинг илм маърифат йўлида олиб борган ижодий ишлари ва бизга қалдирган маданий, маърифий меросидан ёшлар тарбиясида самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Маҳкамов У. Ахлоқ-одоб сабоқлари. - Тошкент, “Фан”, 1994 й.
2. Мавлонова К., Нормуродова К. Тарбиявий ишлари методикаси (Ўқув кўлланима). –Т.: “Фан” нашриёти, 2007. 319 б.
3. Сағдуллаев А. Қадимги Ўрта-Осиё тарихи. – Тошкент: Университет. 2004 й.
4. Шарқ тафаккури хазинасидан. - Тошкент, Ғ.Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
5. Исмоилов Т.Ж. Берунийнинг меросидан таълим-тарбия жараёнида фойдаланиш. Республика илмий-амалий анжумани. - Бухоро. 2012 й.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ

*Саотова Д-ўқитувчи
Ш.Рашидов туман мактаб*

Анотация

Возможность воспитывать молодежь до духовной зрелости будет расширена за счет эффективного использования духовного наследия восточных мыслителей на уроках литературы в средних школах.

Anotation

The opportunity to educate young people to spiritual maturity will be expanded through the effective use of the spiritual heritage of Eastern thinkers in the literature lessons of secondary schools.

Баркамол шахс тарбияси узоқ ва узлуксиз давом этадиган мураккаб жараёндир. Жамият тараққиётининг ҳар қандай босқичида ҳам келажак авлод тарбиясига алоҳида эътибор қаратилганлиги тарихий ёзма манбалардан бизга маълум. Бугунги кунга келиб ҳам бу масала ўз аҳамиятини йўқотган эмас ва ҳаттоки бу масала давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Мазкур маърузада умумтаълим мактаблари адабиёт дарсларида Шарқ донишмандларининг ахлоқий тарбия борасидаги қарашларидан фойдаланиш ва уларнинг бугунги кун таълим-тарбиясида тутган ўрни хусусида фикр юритилади.

Халқимизнинг таълим-тарбияга оид қарашлари, хулқ-атворга оид хислатлари XI асрда яшаб ижод этган улуғ олим, мутафаккир **Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк»** асарида ҳам кенг баён этилган. Асарда илм олишнинг қадри, билимли, донишманд кишиларни ҳурмат қилиш, меҳмондўстлик, хушхулқлик, мардлик, жасурликни тарғиб этувчи, ўз манфаатини кўзлаган молпараст, бахил, очкўз, дўстига ва халқига хиёнат каби салбий томонларини қоралайдиган фикрлар кўп учрайди. Айниқса, панд-насихатларда асосий ўринни илм олишга ундаш, унинг фойдалари, илм аҳлини ҳурмат қилиш тўғрисидаги фикрлар эгаллайди. Ёшларни илмли кишиларга яқинлашиш, улардан ўғитлар олишни маслаҳат берилади.

«Девону луғатит турк» асарида халқнинг таълим-тарбияга оид тажрибалари ифодаланган мақоллар ҳам мавжуд. Мақолларда ҳам қўшиқлардаги каби дўстлик ва ҳамкорлик, меҳнатга муҳаббат, илм олишга ва касб-ҳунар эгаллашга ундаш, ватанпарварлик ва қон-қариндошлик туйғуси тежамкорликнинг аҳамияти, исрофгарликнинг олдини олиш, адолат ва адолатсизлик, яхшилик ва ёмонликнинг оқибатлари, хулқ-одоб қоидалари, сихат-саломатликни сақлашга оид ўғитлар талқин этилади.

Демак, кишиларни ахлоқий ва ақлий жиҳатдан мукаммаллаштиришга хизмат қиладиган «Девону луғатит турк» асаридаги шеърӣ парчалар, мақоллар эзгуликни тарғиб қилган, инсоннинг камолга етишига катта таъсир этган. Ушбу жиҳатлари билан Маҳмуд Қошғарийнинг «Девону луғатит турк» асари бугунги кунда ҳам ёшлар тарбиясида муҳим аҳамият касб этмоқда.

XI асрнинг яна бир йирик мутафаккири Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарида ҳам инсон камолоти масаласи марказий масала бўлиб ҳисобланади. Мазкур асарда инсоннинг жамият ва ҳаётда тутган ўрни, бурч ва вазифалари ҳақидаги муаммолар ўзига хос бир тарзда баён этилади. Юсуф Хос Ҳожиб олимларни ҳурмат этиш кераклигини таъкидлаб, илм аҳлини қадрласа, илмсизларни жоҳил кишилар деб билади. У билимлилик ва билимсизликнинг оқибатлари ҳақида ҳам фикр юритади. Инсон билимсиз, нодон, жоҳил бўлса, ярамас ишлар қилиши, аксинча, билимли, доно, зукко бўлса, эзгу ишларни рўёбга чиқаришини таърифлаш билан кишиларни тинмай илм олишга ундайди.

Юсуф Хос Ҳожиб инсонни камолга етказишнинг энг муҳим томони уни ахлоқий камол топтириш, деб қарайди. Мутафаккир ўзининг ахлоқий қарашларини, яъни ижтимоӣ муносабатлар, жамиятнинг барча табақалари ўртасидаги ахлоқий муносабатларни амалиётга таянган ҳолда ёритади. Олим инсоннинг ҳақиқий камолга етишида ақлий ва ахлоқий томондангина эмас, балки жисмоний томондан ҳам соғлом бўлиши кераклигига катта эътибор беради.

Юсуф Хос Ҳожиб инсоннинг камолга етишининг йўл-йўриқлари, усуллари, чоратадбирларини юксак бадиӣ маҳорат билан ёритиб беради. Шунинг учун ҳам бу асар ўзининг илмӣ, маърифӣ, тарбиявий аҳамиятини шу пайтгача сақлаб келмоқда.

Буюк мутафаккир, улуғ бобокалонимиз ҳазрат **Алишер Навоийнинг** таълимӣ-ахлоқий асарлари ҳам инсон шахсини маънавий-ахлоқий шакллантириш муаммосини ҳал этишда муҳим аҳамиятга эгадир. Унинг таълимӣ-ахлоқий асарларида инсоннинг

маънавий камолга етиши юксак хулқ-одоб, илм-фанни эгаллаш асосидагина амалга ошиши мумкин, деган ғоя илгари сурилган.

Алишер Навоий «Махбуб ул-қулуб» («Кўнгилларнинг севгани») асарида ўзининг ахлоқий қарашларини баён қилган. У ҳақиқий инсонни – соф виждонли, пок, меҳнатсевар, саховатли, инсофли, одобли, камтар, ҳаёли, мурувватли шахс деб ҳисоблайди. Бундай хислатларни одамларда таркиб топтириш учун эса уларда ана шу олижаноб хислатларни тарбиялаш лозим дейди. Асарда Навоий мамлакатда тинчлик, осойишталик, ободончилик бўлиши учун подшоҳ адолатли бўлиши лозим, деб таъкидлайди, шундагина халқ ҳам шоҳга қараб инсоф билан иш юритади, деб уқтирди.

Навоий инсоннинг ахлоқий хислатлари, яхши хулқ атвор хусусида тўхталиб ўтар экан, аввало ҳар бир инсоний фазилатнинг таърифини беради. У яхши феълларга қаноат, сабр, тавозуъ ва адаб, ишқ ва вафо, саховат, ҳиммат, карам, мурувват, юмшоқ кўнгиллилик (ҳилм) каби хислатларни киритиб, ҳар бирининг таърифидан сўнг танбеҳ ва ҳикоятлар воситасида ўз фикрини тўлдиради. Навоий юқорида зикр қилиб ўтилган хислатларга таъриф юериш билан бирга уларга қарама-қарши бўлган ёмон иллатлар тўғрисида сўз юритади ва улардан қутилиш йўллари ҳам баён қилади. Аллома ахлоқчилкнинг энг муҳим мезони саналган **одоб** ҳақида фикр юритар экан: **«Адаб кичик ёшдагиларни улуғлар дуосига сазовор этади ва у дуо барокати билан умрбод баҳраманд бўлади. Адаб кичкиналар меҳрини улуғлар кўнглига солади ва у муҳаббат кўнгилда абадий қолади»**¹. Алишер Навоий асарларида илм одоби, жамият бошқарув одоби, адолатли бошлиқ одоби масалалари юқори ўринда турган.

Ушбу буюк сиймоларнинг ижодий фаолияти, уларнинг инсон камолотига бағишланган асарларининг барчаси талабаларга ахлоқий тарбия бериш жараёнида муҳим дидактик асос бўлиб хизмат қилади. Ўқувчиларга ахлоқий тарбия бериш жараёнида ушбу асарлардан унумли фойдалана олсак, педагогика туркумидаги ўтиладиган фанларда ҳар бир мавзуга мос, ўқувчиларнинг ахлоқий тарбияланганлик даражасини оширадиган мантларни олиб, ўз ўрнида қўллай олсак, қўзлаган мақсадимизга эришиш имкони яратилади. Чунки, ушбу донишмандларнинг панд-насихатларида меҳнатга, эл-юртга муҳаббат, поклик, ҳалоллик, тўғрилиқ, ростгўйлик, саҳийлик, меҳр-мурувват, хушмуомалалик каби эзгу инсоний сифат ва хислатлар тарғиб қилинади ҳамда дилозорлик худбинлик, жоҳиллик, ялқовлик, танбаллик, эгрилик, бахиллик, шафқатсизлик, бадхулқлик каби салбий хислатлар қораланади, беаёв танқид қилинади.

Демак, аждодларимиз доимо инсон камолоти, ёшларнинг таълим-тарбияси, хусусан уларнинг ахлоқий камолотига жуда катта эътибор бериб келишган экан. Шундай экан, биз ҳам аждодларимиз, халқимиз ва президентимиз орзу қилган баркамол шахсни тарбиялашимиз лозим, ушбу ҳар томонлама етук баркамол шахслар баркамол авлодни ташкил этади. Шарқ мутафаккирларининг маънавий меросидан

¹ Алишер Навоий. Махбубул-қулуб. Асарлар, 15 томлик, Т.: 1966, 13-том, 206-бет.

умумтаълим мактаблари адабиёт дарсларида унумли фойдаланиш орқали ёшларни маънавий етук қилиб тарбиялаш имконияти кенгайтирилади.

Юқорида қайд этиб ўтилганидек, маънавий-ахлоқий тарбиянинг жамият тараққиёти ва баркамол авлод тарбиясидаги аҳамияти беқиёс. Чунки ахлоқий тарбияланган кишиларсиз етук кишилик жамияти куриш мумкин эмас ва ахлоқий тарбия шахсининг баркамол шаклланишида асосий ўрин тутди. Хусусан маънавий-ахлоқий фазилатларга эга бўлган бўлажак бошланғич синф ўқитувчилари келажакда ёш авлодни ҳам маънавий етук этиб, ижобий ахлоқий сифатлар билан қуроллантириб тарбиялайди, у ўзида бор ижобий фазилатларни ўз ўқувчиларида ҳам кўришга интилади ва натижада жамиятимизда адолатли, ҳалол, ватанпарвар, инсонпарвар шахслар кўпайиб бораверади. Улар эса ўз навбатида жамият тараққиёти учун доимо ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга интилиб яшайдилар.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Boymirzayeva S. Badiiyatndaqo‘shma gap. Monografiya. – Samarqand: SamDUnashri, 2008.
2. Mahmudov N.M., Nurmonov A., Sobirov A.Sh. Onatili: Umumta’limmaktablarining 9-sinfi uchundarslik. – T.: Tasvir, 2009.

INTEGRATSIYALASHGAN TA LIM ASOSIDA O QUVCHILARDA IQTISODIY BILIMLARNI RIVOJLANTIRISH (BOSHLANG ICH SINFLARDA)

***O’rolova O-katta o’qituvchi
Hojamberdiyeva Maftuna- talaba
Jizzax DPI***

Аннотация:

Изучение и анализ научных, теоретических и практических основ процесса развития экономических знаний у младших школьников на основе интегрированных уроков. Он состоит из способов, методов и приемов организации интегрированных уроков по формированию экономических знаний у младших школьников.

Annotation:

The study and analysis of the scientific, theoretical and practical basis of the process of developing economic knowledge in primary school students on the basis of integrated lessons. It consists of ways, methods and techniques of organizing integrated lessons in the formation of economic knowledge in primary school students.

Yurtimizda so‘nggi yillarda ta’lim tarbiya tizimida yangi avlod tarbiyasida jahon fani va madaniyatining ilg or yutuqlarini jamlagan, o‘tmish ajdodlarimiz aql – zakovati mahsuli sifatida yaratilgan milliy va ma’naviy qadriyatlarimizga tayangan holda zamonaviy ta’lim – tarbiya berish uslublarini shakllantirish muammosi vujudga keldi. Barkamol avlod jamiyat taraqqiyotining asosi. Shu bois mamlakatimizda ham jismonan, ham ma’nan, barkamol avlodga ta’lim –tarbiya berish davlat siyosati darajasiga ko‘tarildi.

Birinchi Prezidentimiz Islom Karimov : “Biz o‘z kuchi va imkoniyatlariga tayanadigan, atrofida sodir bo‘layotgan voqea – hodisalarga mustaqil munosabat bilan yondashadigan, ayni zamonda shaxsiy manfaatlarini mamlakat va xalq manfaatlari bilan

uyg'un holda ko'radigan erkin, har jihatdan barkamol insonlarni tarbiyalashimiz kerak" , - deb ta'kidlagan edilar.

Erkin fikrlovchi ,ijodkor, mamlakatimizning mustaqillik mafkurasiga sadoqatli bo'lgan barkamol shaxsni tarbiyalash boshlang'ich ta'lim samaradorligini oshirishni taqozo etadi. Shu nuqtai nazardan qaraganda fanlararo aloqadorlik qonuniyatlarining yaratilishi, aloqadorlik tizimining tarkib topishi ta'limda istiqbolli vazifalar yechimini ta'minlaydi.

Fanlararo aloqadorlik nazariyasining taraqqiyotida tabaqalashtirilgan holat hukm sursa ham amaliyotda integratsiya ,o'zaro aloqadorlik fanining ijtimoiy ahamiyatini yanada oshiradi. Hozirgi kunda, ayniqsa, darslarni integratsiyalashga doir izlanishlar davom etmoqda. Bu borada rivojlangan mamlakatlarda ham qator ishlar amalga oshirilmoqda . Jumladan, Bolgariyalik olimlar tabiiy - ilmiy bilimlarni o'z ichiga olgan, 10 – 12 yoshli bolalarga mo'ljallangan integratsiyalashgan kurs yaratishdi. O'qish , yozish va og'zaki nutq “ til san'ati” ga tarix , geografiya, fuqaroshunoslik, jamiyatshunoslik, fizika, kimyo, biologiya , astronomiya , tabiatshunoslikka va shu kabilarga birlashtirildi. Integratsiyaning bunday usulidan to'liqsiz va to'liq o'rta maktablarda qo'llanilmoqda, boshlang'ich sinflarda esa bu jarayonni amalga oshirish bevosita o'qituvchi zimmasiga tushadi. O'qituvchi bolalarni o'qishga, yozishga, matematikaga, tabiat va ko'pgina boshlang'ich tushunchalarga o'z imkoniyat darajasida o'rgatadi. Boshlang'ich sinflarda bir o'qituvchining dars berishini , integratsiyaning bir usuli deb hisoblasak ham bo'ladi.

Fanlararo aloqadorlik muammolari yuzasidan R.Safarova , A.Musurmonov, P.Musayev, A.Ch.Choriyev, A.A.Salomov, B.Abdullayeva kabi o'zbek olimlari ham ilmiy tatqiqot ishlarini olib borgan . Bu va boshqa tatqiqot ishlarida fanlararo aloqadorlikning turli yo'nalishlari va tamoyillari, ularning o'quv jarayonida muayyan fanlarni o'zlashtirishda qo'llanilishi,o'quv fanlariaro aloqadorlik asosida tanlangan ta'lim mazmuniga qo'yiladigan talablar ilmiy –amaliy jihatidan hal etilgan.

V.N.Fedorova o'z tatqiqotlarida fanlararo aloqadorlikning o'quv jarayoni samaradorligini oshirishning didaktik imkoniyatlarini ko'rsatib o'quv fanlariaro aloqadorlik tabiiy fanlar bilan atrof – muhit hodisalarini o'zaro aloqadorlikda va izchillikda ifodalashning didaktik sharti sifatida namoyon bo'lishni ta'kidlaydi.

O'quvchilarda matematik bilim , ko'nikma va malakalarni shakllantirish asosida uning boshqa fanlar bilan aloqadorligini tatqiqotchi olimlar turli yo'nalishlarda tahlil qilganlar. Chunonchi, I.Ya.Lerner, M.N.Skatkinlar matematik bilimlar asosida uning boshqa fanlar bilan fanlararaloqadorligi xususiyatlari; A.M.Matyushkin, V.TKudryavtseva, L.S.Vigotskiy, B.G.Ananev, G.F.Fedores matematik ko'nikma va malakalarni fanlararo aloqadorlikda shakllantirishning psixologik shart – sharoitlari , o'quvchilarda bilishni takomillashtirishning qonuniyatlarini o'z tatqiqotlarida ochib berganlar.

N.S.Fayzullayeva o'z tatqiqotlarida fanlararo aloqadorlikni didaktik jarayon ekanligini, metodologik va amaliy jihatlari bo'lajak o'qituvchilar bilim va ko'nikmalarini oshirish uchun fanlarni aloqadorlikda o'rganish tizimi pedagogikada hozirgi kungacha ishlab chiqilmaganligini , umumiy o'rta ta'lim o'quv predmetlarini o'zaro aloqadorlikda o'quvchilarga o'rgatishda o'qituvchilarning kasbiy tayyorgarligi yetishmasligini , oliy o'quv yurtlarida bu muammoga e'tibor berilmayotganligini ta'kidlaydi.

Integratsiyalashgan darslar asosida boshlang'ich sinf o'quvchilarida iqtisodiy bilimlarni rivojlantirish jarayoning ilmiy – nazariy va amaliy asoslarini o'rganish va bu bilimlarni jahon tillarini o'rgatish bilan hamohanglikda olib borish lozim . Zero, mamlakatimiz Prezidenti Sh.Mirziyoyev “Biz ta'lim va tarbiya tizimining barcha bo'g'inlari faoliyatini bugungi zamon

talablari asosida takomillashtirishni o'zimizning birinchi darajali vazifamiz deb bilamiz" degan fikrlarida o'z aksini topgan.

Bugungi kunda integratsiyalashgan ta'limni amalga oshirish uchun qator vazifalarni amalga oshirishimiz zarur:

- "Integratsiya" tushunchasining pedagogik mohiyatini ochib berish ;
- Darslarni integratsiyalash yo'llari va ushbu jarayonga ta'sir etuvchi omillarni o'rganish;
- Integratsiyalashgan darslar asosida o'quvchilarda iqtisodiy bilimlarni rivojlantirishning didaktik tamoyillari va yo'llarini o'rganish ;
- Boshlang'ich sinf o'quvchilarida iqtisodiy bilimlarni shakllantirishga doir tajriba sinov ishlarini o'tkazish va xulosalar ishlab chiqish.

Mazkur vazifalarni yechish uchun o'quv fanlariaro aloqadorlikni ta'minlashni ilmiy jihatdan asoslash maqsadida har bir o'quv fanining fanlararo aloqadorlikdagi mazmunini tanlash ta'lim jarayonida qo'llanilayotgan so'nggi pedagogik texnologiyalardan foydalangan holda o'quv fanlarining bir - biri bilam bog'langan tizimini shakllantirish lozim .

Matematik tushunchalar orqali barcha o'quv fanlarining o'zaro aloqadorligi mohiyatiga tayanish , ayniqsa, ijtimoiy – gumanitar turkumdagi fanlarni o'qitishning yangi jihatini aniqlash zarur. O'quvchilarga taqdim etiladigan matematik bilim , tushuncha va hosil qilinadigan hisoblash ko'nikmalari umumlashgan mazmunga ega bo'ladi . O'quv fanlariaro aloqadorlik ta'minlanganda o'quvchilarga o'zaro bog'langan bilim va tushunchalar taqdim etiladi.

Boshlang'ich sinflarda o'quvchilarga bilim o'rgatish bilan birgalikda boshqa fanlar bilan aloqadorlikni keng yo'lga qo'yish orqali kutilgan natijaga erishish oson kechadi . Masalan, Ikkinchi sinfda matematika darsi jarayonida biz bevosita raqamlar bilan ishlaymiz va ana shu jarayonda shu sonlarni ruscha (inglizcha) variantini eslatib o'tish , sanash jarayonida predmetlarni tabiat bilan hamohang olib borish vahokazo shakllarda tashkil etishimiz mumkin.

Xulosa qilib aytganda biz integratsiyalashgan ta'limni qo'llay olsak , boshlang'ich sinflarda o'quv fanlarini o'zaro aloqadorlikda o'qitish asosida quyidagi natijalarga erishish mumkin:

- Boshlang'ich ta'lim o'quv rejaları va dasturlari optimallashtiriladi;
- Boshlang'ich sinflarda bir qanch fanlar qisqarishi natijasida kichik maktab yoshidanoq chet tillarini o'rgatish yoki jismoniy rivojlantirish uchun imkoniyat tug'iladi ;
- Kichik maktab yoshidagi o'quvchilarda mustaqil va mantiqiy fikrlash , abstrak tafakkur yuritish ko'nikmalari shakllantiriladi.

Yurtimiz kelajagi - yoshlar qo'lida, shunday ekan har tomonlama barkamol shaxsni shakllantirishda boshlang'ich sinflarning ahamiyati nihoyatta katta. Integratsiyalashgan ta'lim bolalarni dunyoviy bilimlarni , hayotga bo'g'lashni o'rgatadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. "O'zbekistonning o'z istiqloq va taraqqiy yo'li " I.A.Karimov Toshkent, 1992 yil 24-bet.
2. "Ozod va obod Vatan , erkin va farovon hayot – pirovard maqsadimiz" I.A.Karimov Toshkent 2000yil 67-bet.
3. "Erkin va farovon , demokratik O'zbekiston davlatini birgalikda barpo etamiz" Sh.M.Mirziyoyev Toshkent 2018yil 39-bet.

4. “Boshlang’ich ta’lim konsepsiyai //Boshlang’ich ta’lim “ Abdullayeva Q.,Safarova R. , Bikboyeva N. 6-son . 1998, 2-9-betlar.

БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ КАСБИЙ БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ФАОЛИЯТИДАН Фойдаланиш.

*Норқўзиева М. А. - ўқитувчи
Жиззах ДПИ*

Аннотация: В статье рассматривается использование деятельности мыслителей Востока в процессе формирования профессиональной устойчивости будущих учителей.

Annotation: The article examines the use of the activity of Eastern thinkers in the process of forming professional stability of future teachers.

Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантириш мезонлари ва омиллари юртимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларидаёқ асосий масала сифатида давлат сиёсати даражасига олиб чиқилган. Шунинг учун ҳам давлатимиз томонидан икки марта “Таълим тўғрисида”ги Қонун қабул қилинди. Уни амалга ошириш тизимини такомиллаштириш мақсадида Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилинди.

Бугунги кунга келиб президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев томонидан томонидан таълим тизимига ўзига хос тарза ёндошув амалга оширилмоқда. Мисол учун, Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор бўлиб ўтди. Унда президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев инновацион ва креатив фикрлайдиган замонавий кадрлар тайёрлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида, юксак маънавият эгалари этиб тарбиялаш масалаларида нималарга эътибор қаратиш кераклиги таъкидланди. Президентимиз йиғилишда улуғ маърифатпарвар бобомиз Маҳмудхўжа Бехбудийнинг “Дунё иморатлари ичида энг улуғи мактабдир” деган фикрини алоҳида таъкидлаб, бу масаланинг моҳиятини ёритиб берди. Бу фикрлардан таълим тарбия жараёнларида кенг ва мақсадли фойдаланиш талабаларда касбий брақарорликни шакллантиришга замин яратади.

Шунинг учун ҳам бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг маънавий дунёқарашини юксак даражага олиб чиқилиши учун юртимизда Шарқ маънавий маданиятининг буюк намаёндалари ал-Хоразмий, ал-Киндий, Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Райхон Беруний, Фирдавсий, Умар Хайём, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Яссавий, Шайх Саъдий, Тусий, Маҳмуд Қошгарий, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Мирзо Улугбек, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби инсонларнинг ижодлари доимий равишда ёшларга ўргатилмоқда. Шарқ мутафаккиралари фаолияти педагогик тафаккур тараққиётида энг муҳим омил сифатида эътироф этилган. Шунинг учун ҳам биз бугунги кунда бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлаш мақсадида шарқона ахлоқ-одоб талабаларига эътиборни қаратишимиз муҳим ҳисобланади. Буни эътиборга олган ҳолда биз бўлажак ўқитувчилар, эртанги кунда ёш авлодга таълим – тарбия бериш жараёнида педагогик масъулиятни тўлиқ ҳис

қилишлари учун қуйидаги ишларни амалга оширишлари муҳим деб ҳисоблаймиз. Бунда:

- “Таълим тўғрисида”ги Қонунни;
- Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини;
- таълимга оид ҳужжатларни;
- тарбия концепцияларини;
- таълим методларини, тамоилларини, воситаларини, шаклларини;
- тарбия методларини, тамоилларини, воситаларини, шаклларини;
- педагогик одобни билиш ва унга амал қилиши;
- педагогик маҳоратга эга бўлиши;
- замонавий инновацион педагогик технологиялардан фойдалана олиши;
- замонавий ахборот технологияларидан тўлиқ фойдалана олиши;
- миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат билан ёндошиб, уларни ёшларга ўргатиб бориши;
- таълим – тарбияга оид янгиликлардан доимий равишда хабардор бўлиши керак.

Шавкат Мирзиёев раислигида 2019 йилнинг 23 август куни халқ таълими тизимини ривожлантириш, педагогларнинг малакаси ва жамиятдаги нуфузини ошириш, ёш авлод маънавиятини юксалтириш масалаларига бағишланган видеоселектор “Ҳурматли муаллимларимиз, жонқуяр мактаб директорларини, соҳа фахрийларини эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи, деб биламиз, – деди Президентимиз. – Мактаблар тизимини ривожлантириш учун бундан буён ҳам маблағни, имкониятни асло аямаймиз. Келажак авлодимиз тақдири, бутун миллатимиз, халқимиз, давлатимиз тақдири муҳтарам муаллимларга боғлиқ”. Демак, бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда талабаларга Улар эртанги кунда “эл-юртимизнинг таянчи ва суянчи” бўлишини ва унга мос туйғу ва ғурур эгаси бўлиши кераклиги доимий равишда талабаларнинг онгига сингдирилиши керак. Бунда биз шарқ мутафакирларининг фаолиятдан кенг фойдаланишни йўлга қўйиб боришимиз керак. Масалан, Абу Райхон Беруний ўз дидактик қарашларида табиат, жамият ҳодисаларига, турмуш воқеаларига ҳолисона баҳо бериш инсон табиатини билдирувчи омил эканлигини таъкидлаб, кишиларни воқеаларга мустақил ва онгли муносабатда бўлишга ундайди. Биз ҳам бўлажак ўқитувчиларга таълим ва тарбия жараёнларида мустақил ва онгли муносабатни йўлга қўйиб борсак, педагогик фаолиятда яхши натижаларга эришиш кафолатлигини тушунтиришимиз керак бўлади. Абу Райхон Беруний сезги ўз қўзғатувчи аъзолари орқали юзага келишини, қўзғатувчилар бир меъёрга бўлса, ёқимли ва зарарсиз, агар меъёрдан ортик бўлса, дардли ва ҳалокатли бўлишини таъкидлайди. Шу билан бир қаторда у мурувватни энг яхши инсоний фазилат деб билади. Абу Райхон Беруний мурувватли киши хушмуомалалига ва камтарлик хислатлари билан ажралиб туришини таъкидлайди

Алишер инсоннинг вояга етишида таълим-тарбияни азалий анъаналарга таянган ҳолда амалга ошириш лозим, деб ҳисоблайди. Билимларни ўзлаштиришда хотирада сақлаш учун билимларни ёд олиш, тез-тез такрорлаб туриш муҳим деб ҳисоблайди. Таълим – тарбия жараёнида илмни эгаллаш ёшларда муайян тартиб-интизомини

шакллантиради, бахс-мунозара юритиш маданиятини юксалтиришини таъкидлаган. Шарқ мутафаккирларининг ибратли ҳаёт йўлига назар ташлаш, уларни ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш орқали миллий маънавиятимизни англаб етиши замирида ўзларининг зиммасидаги бурч ва мажбуриятларни англаб олишига бебаҳо манба сифатида хизмат қилади.

Шу билан бир қаторда бўлажак ўқитувчиларни ўз касбларида фаол ишлашга ўргатиб боришда қуйидагиларга доимий равишда эътибор қаратиш бугунги кун талабидир. Бунда:

- талаба ўзининг ички ва ташқи ҳолатини бошқара олиши учун шарқ алломаларининг асарларини кунт билан ўқиб бориши;
- шарқ алломаларининг асарларида касб – ҳунар эгаларининг ўз касбига садоқати талқинига эътиборини қаратиши;
- шарқ алломаларининг асарларида таълим ва тарбия масаласи ва унинг ечимига педагогик жихатдан муносабат билдира олиши;
- бўлажак ўқитувчи, ёшлар билан педагогик муносабатга кириша олиши;
- талаба ўз юрига, танлаган касбига садоқати бўлиши;
- талаба доимий равишда замонавий билимларни ўзлаштириб бориши билан бир қаторда асосий ихтисосий тушунчалар устида ишлаши ҳамда уларни ёшларнинг онгига сингдиришда таълим ва тарбия методлари ва тамоилларига риоя қилишлари талаб қилинади.

Бугунги кундаги муаммолардан бири ёш ўқитувчиларнинг айримлари ҳар доим ҳам мактабда дарс беришга тайёр бўлмапти. Чунки уларда болалар билан ишлаш кўникмаси шаклланмаган. Айниқса ёш ўқитувчилар ўқувчилар психологиясини билмайди десак хато бўлмайди. Педагогик ва психологик билимларнинг сайёзлиги ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида низоларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлмоқда. Таълим жараёнларида касбий барқарорликни шакллантириш учун бизнинг фикримизча қуйидагилар амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлар эди. Булар:

- таълим жараёнида талабалар ўртасида касбий лицензияга бардошлигини ошириш;
- малакали, билимли, педагогик маҳоратга ва психологик билимга эга бўлиш имкониятини ошириб бориш;
- талабаларнинг дарс жараёларида фаоллигини ошириб бориш кабиларга эътибор бериш мақсадга мувофиқдир.

Таълим - тарбия жараёнларида талабаларнинг касбий барқарорлигини шакллантиришда умумтаълим мактаблари фаолияти билан яқиндан таништириш жуда муҳим омил ҳисобланади. Шунини эътиборга олган ҳолда талабаларга мактаб таълимини ривожлантириш учун ўз ҳиссаларини қўшиш бу “буюк умуммиллий мақсадга” ўз ҳиссасини қўшиш билан баробар эканлигини аңлатиш орқали самарадорликка эришиб борилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. “Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга ошириш стратегияси: мавжуд вазият ва ривожлантириш истиқболлари” мавзусидаги илмий-амалий конференцияси мақолалар тўплами Тошкент – 2019

2. Абдурахманова Р.Б. Становление профессиональной направленности педагогов и психологов Автореф. дис. ... канд. психол. наук. – Ташкент, 2005.-22 с.

3. <https://uza.uz/oz/politics/maktab-talimini-rivozhlantirish-umumkhal-arakatiga-aylanishi-23-08-2019>

SHAXSGA YO'NALTIRILGAN O'QITISH TEXNOLGIYALARI ORQALI TALABALARNING KOMMUNIKATIV QOBILIYATLARINI SHAKLLANTIRISHNING PEDAGOGIK VA PSIXOLOGIK MASALALARI

*Egamnazarov M. Y.- o'qituvchi
Jizzax DPI*

Аннотация: В статье освещены педагогические и психологические вопросы культуры общения обучающихся посредством лично-ориентированных технологий обучения, в которых наряду с коммуникативными способностями освещаются и другие педагогические особенности

Annotation: The article covers the pedagogical and psychological issues of the culture of communication of personnel trained through person-oriented teaching technologies, the formation of other pedagogical features along with the ability to communicate through focused teaching technologies

Avvalambor yosh avlodni tarbiyalash ularni yetuk shaxsga aylantirish bugungi kunimizning global masalalaridan biri bolib kelmoqda. Ayni shunday masalalaridan bo'yicha butun dunyo ilm fan olimlari mana shu masala bo'yicha oz mulohazalarini bildirib kelmoqda. O'zbekiston Respublikasining birinchi prizedenti I.A.Karimov ham o'zining har bir asarlarida yosh avlodni har tomonlama tarbiyalash borasidagi mulohazalarni ko'rishimiz mumkin. Bu boradagi mulohazalarga kommunikativ qobiliyatlarini singdirish orqali yondashish kerakligi haqidagi taklifini ham e'tiborga molikdir. Shujumladan, Prizedentimiz Sh.M.Mirziyoyev ham ta'lim jarayonini tubdan o'rganib chiqish va isloh qilish kerakligi ta'kidlanmoqda.

Yuqoridagi fikr mulohazalardan kelib chiqqan holda bugungi kun fan texnologiya rivojlanish asrida yoshlarning xususan shaxsga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyalari orqali talabalarning kommunikativ qobiliyatlarini rivojlantirish tizimi bugungi kun fan, ta'lim, san'at, madaniyat va boshqa jamiyatning barcha rivojlantiruvchi bo'g'imlarida kommunikativ aloqa munosabatlarida keng ko'lamli masala bo'lib qolmoqda chunki bugungi kun glaballashuv jarayonida rivojlangan davlatlar qatoridan joy olish ustuvor masala bo'lib kelmoqda kommunikativ aloqalar albatta shaxs xarakter xususiyatlari orqali paydo bo'ladi bu o'rinda mativ (ichki turtki) va mativatsion (shaxsga nisbatan yondashuv muammolarga yondashish tizimi) yondashuvlardan kelib chiqqan holda o'qitish texnologiyalarini yo'lga qo'yish orqali shaxsning kommunikativ qobiliyatini rivojlantirish samarali usul hisoblanadi.

Kommunikativ qobiliyatlarni shakllantirish ayniqsa talaba yoshlarga qaratilsa ayni mudao bo'ladi. Chunki ertangi kunimizning kelajagi va yetuk mutaxassisi bo'lgan talaba yoshlar xususan pedagogic mutaxassisligi mavjud talaba yoshlarga singdirish orqali quyidagi xususiyatlar kommunikativ qobiliyat bilan birgalikda shakllanib boradi.

- Mativ xususiyatining to'g'ri shakllanishi-to'g'ri tanlay olish, tushuna olish,
- Kryativlik xususiyatlar, to'g'ri baholay olish,vaqtni to'g'ri baholay olish,
- Mativatsion xususiyatlarning to'g'ri shakllanishi

-o'z o'rnini topa olishi, imkoniyatlaridan to'g'ri foydalana olish, shaxs sifatida ta'sir o'tkaza olish, o'zining aurasini yarata olish, ijtimoiy jamiyatga moslasha olish va kezi kelganda ta'sir o'tkaza olish, xususan kommunikativ aloqalarning rivojlanish holatlari rivojlanadi

-Emotsional holatlarning to'g'ri shakillanish xususiyatlari- hamdardlilik tuyg'ularining paydo bo'lishi, his tuyg'ularini boshqara olish, so'z ta'sirchanligining shakillanishi, ta'sir o'tkaz aolish va boshqalar.

Shaxsga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyalari orqali talabalarning kommunikativ qobiliyatlari quyidagi natijalar shakillanadi .

-Harakatchanlik - bu o'z o'rnida talabalarning kryativ harakatlanish asosini shakillantiradi, ijodiy yondashish orqali o'z ustida ishlashiga zamin yaratadi shu jumladan hamkorlikda ishlash o'z fikrini himoya qila olish, yangi g'oyalarning paydo bo'lishiga zamin yaratadi

-Izchillik va muntazzamlilik - bu o'z o'rnida osondan murakkablik tamon yo'nalganlik tushunchasi bo'lib o'z ilmiy bilimlarini asosli ekanligi bilan bir qatorda amaliy jarayonda ham qo'llay olish va jalb eta olish xususiyati shakillanib boradi. Bu o'rinda shaxs o'zidagi charchoq va stress kabi psixologik xususiyatlarini ham yengib o'tishiga zamin yaratadi.

-Individual-shaxsiy va insoniy yo'nalganlik- bu o'rinda shaxsga va shaxs manfaatiga qaratilgan o'qitish texnologiyasi bo'lib individual yondashish orqali o'qitish texnologiyalarini samarali natijalariga erishish o'zlashtira olish xususiyatlaridan kelib chiqqan holda topshiriqlar va tushunchalar bera olish kabi jarayonlarni o'z ichiga oladi.

-Tashkiliy shakillarni takomillashtirish va moslashtirish – jamoat bilan ishlash jamoatni uyushtira olish inavatsion g'oyalar ishlab chiqish yangi inavatsion g'oyalar va muammolarni tushunarli tarzda bartaraf eta olish holatlarini shakillantirish.

-Ta'lim muassasasidagi tarbiyaviy ishlar moddiy texnik asosining to'liqligi- biror bir pedagogic muammoni bartaraf etishda o'sha muammoni to'g'risida to'liq ma'lumotga ega bo'lish kerakli ma'lumotlarni topa olish va jamoatni uyishtira olish.

Shunday qilib shaxsga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyalarining tadbiqini taminlashda ta'lim mazmuni birinchi darajali mohiyat kasb etadi. Uning ko'rsatkichlari sifatida quyidagilarni e'tirof etish mumkin:

-ta'lim muassasasida amal qilinayotgan modernizatsiyalashtirilgan ta'lim dasturlarining samaradorligi

-tashkiliy-pedagogik shart-sharoitlar va pedogogik texnologiyalarning qulayligi va o'quv dasturlariga muvofiqligi

Ta'lim dasturlarining yaxshilash va takomillashtirishga yo'naltirilgan tadbirlarning samaradorligi va boshqalar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. O'zbekiston Respublikasi Vazirlar mahkamasining 143-sonli "2013-2016 yillarda ta'lim muassasalarini zamonaviy axborot-kommunikatsiya , o'qitishning texnik vositalari va anjomlari bilan jixozlash (qo'shimcha jihozlash) ni jadallashtirish chora-tadbirlari to'g'risida" gi Qarori –Toshkent, 2013 yil 27 may
2. Tolipov O'.Q., Ro'ziyeva D.I. O'qituvchilarning kommunikativ kompetentligini rivojlantirish. –Toshkent: Unversitet, 2019.-180-bet
3. Vorobjitova A.A. Pedagogik psixologiya. M.:Akademiya ,2003.-240

МУНДАРИЖА

УЧИНЧИ ШЎБА		
ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТАРБИЯ ЖАРАЁНИДА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ АСАРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ		
1	<i>Мўминова Л.Р. Амирсаидова Ш.М.</i> Махсус педагогика фани соҳалари ривожда шарқ мутафаккирлари ғояларининг тутган ўрни.....	3
2	<i>Жуманазаров У.А.</i> Алломаларимиз ижоди ёрдамида ўқувчиларга таълим-тарбия бериш.....	5
3	<i>Холиқова Н. Мавлонов Х.</i> Инсоний фазилатларга эга ёшларни тарбиялашда замон руҳи ва шарқона тарбия.....	8
4	<i>Тангиров А. Тангиров О.А. Жуманазаров У.У.</i> Чет тилларни ўқитишда шарқ мутафаккирлари қарашларидан фойдаланиш.....	12
5	<i>Нурманов А.Т.</i> Таълим муассасида муносабатлар технологияси.....	15
6	<i>Жуманазарова Г.У. Умурзоқова М.</i> Бошланғич таълимда алломаларимиз ижодини ўргатишни такомиллаштириш ва унинг аҳамияти.....	19
7	<i>Ибрагимова Ф.Э.</i> Эркин Аъзамнинг “Қор босган давон” ҳикоясидаги ҳалқона ибораларни қўллашдаги ўзига хосликлар.....	25
8	<i>Холбоева Г. А.</i> Комил инсон тарбиясида шарқ мутафаккирлари қарашларидан фойдаланиш йўллари.....	28
9	<i>Холматов П. Мамарасулов Ш. Алламуродов Х.</i> Шарқ мутафаккирларининг касб-хунарни улуғланиш борасидаги қарашлари.....	30
10	<i>Бўлтаков С.Х Тўрақулова И.Х.</i> Цивилизацион педагогик тизимларни шакллантиришда шарқ мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш.....	32
11	<i>Остонов Ш Кубакова К.К.</i> Биологияни ўқитишда таълим ва тарбиянинг узвийлигини амалга оширишда шарқ мутафаккирларининг қарашлари.....	35
12	<i>Фарсахонова Д.Р.</i> Аждодлар меросида маънавий-ахлоқий тарбия масаласи.....	37
13	<i>Содиқов Ҳ.М</i> Бўлажак ўқитувчиларнинг коммуникатив-нутқ маданиятини ривожлантириш имкониятлари.....	40
14	<i>Жуманазарова Д.</i> Дарс жараёнида буюк алломаларимиз ижодини ўргатиш усуллари.....	42
15	<i>O'rolova O. Xo'jamberdiyeva M.</i> Didaktik o'yin texnologiyalari orqali boshlang'ich sinf o'quvchilarining o'quv bilish faoliyatini faollashtirish.....	45
16	<i>Раҳматова Ф. А.</i> Бошланғич синф математика дарсларини ўқитишда тарихий материаллардан фойдаланиш.....	49
17	<i>Абдужалилова Р Юлдашев Ш.Э.</i> Ўқувчиларнинг ўз-ўзини баҳолашида мутафаккирлар қарашларидан фойдаланиш.....	52
18	<i>Sariyev S.M. Abdulla Oripovning</i> “Sohibqiron” dramasini o'rganish orqali o'quvchilar ongiga Amir Temur qarashlarini singdirish.....	55

19	<i>Базаров Б.Т.</i> Объяснение выражения количественной характеристики субъекта на уроке русского языка по теме: «история моей родины». Понятие об имени числительном.....	59
20	<i>Низамова Ш.И.</i> Шарқ мутафаккирларининг иқтисодий қарашларининг таълим жараёнидаги аҳамияти.....	62
21	<i>Саидов Ж.Д.</i> Мустақил таълимни шарқ мутафаккирларининг қарашлари асосида ташкил қилиш.....	65
22	<i>Пўлатова П.М.</i> Имконияти чекланган болаларда экологик таълим-тарбия масалалари.....	67
23	<i>Ишмуродова Г.И. Мирзаев Э.М.</i> Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари мавзусини ўқитишда “чархпалак” технологиясининг қўлланилиши.....	70
24	<i>Кенжаева Г.С.</i> Шарқ мутафаккирлари таълим жараёнида маънавий-маърифий ишларни ташкил этиш ҳақида.....	74
25	<i>Ахметова К.И.</i> Педагогические идеи великих мыслителей востока как основа формирования гармонично развитого поколения.....	79
26	<i>Orisheva Z Orishev J. B.</i> Yosh avlodni kasb-hunarga yo`naltirishda sharqona qarashlar va pedagogik masalalar.....	83
27	<i>Жаббаров А. Каримова Л. Йўлдошев М Алламурадов Ҳ.</i> Ёш авлод қалбига илм-маърифат руҳини сингдириш борасида шарқ мутафаккирларининг қарашлари.....	85
28	<i>Холматов П Ҳасанова Г Ҳазратқулов А.</i> Бошланғич синф ўқувчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялашда шарқ мутафаккирлари ғояларидан фойдаланиш.....	89
29	<i>Yaqubova D.B Sharipova D.D.</i> Sharq allomalarining asarlarida Jismoniy tarbiyaning talqini.....	92
30	<i>Кушвактов Н. Маматқулова М.</i> Шарқ адабиётида баркамол авлод тарбияси масалалари.....	95
31	<i>Турабов А.М.</i> Юксак илмий ва маънавий дунёқарашга эга замонавий ёшларни тарбиялашда улуғ мутафаккирларимиз илмий, адабий меросидан самарали фойдаланишнинг аҳамияти.....	98
32	<i>Қудратов Б.А. Шарафитдинов А.</i> Болаларни ахлоқий жиҳатдан тарбиялашда шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари.....	101
33	<i>Otajonov K. S.</i> Zamonaviy pedagogik texnologiyalarning ta'lim-tarbiya jarayonidagi ahamiyati.....	103
34	<i>Азизов О.</i> Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг компетенциявий тайёргарлигини такомиллаштириш йўллари.....	106
35	<i>Мамажоновна К.А.</i> Шарқ мутафаккирларининг маънавий мероси таълим-тарбияни ташкил этишнинг муҳим таянчи.....	109
36	<i>Eshonqulova SH.E Eshonqulov SH.U.</i> Nutqni aniqlash va sintezlash tizimlari tahlili.....	112
37	<i>Quvvatova N Ablyakimova R.I</i> Oliy ta'lim talabalarining axloqiy - ma'naviyatini shakllantirishda i.a.karimov asarlaridan foydalanish.....	114
38	<i>Қўшоқов Ф Ф Шарафитдинов А.</i> Жамоани бошқаришда шарқ мутафаккирларининг ғояларидан фойдаланиш.....	116
39	<i>Джўраева У.</i> Замонавий таълим – тарбия жараёнида шарқ мутафаккирлари асарларидан фойдаланишнинг ўзига хос	

	хусусиятлари.....	119
40	<i>Saidov J. S.</i> Sharqona qadriyatlar asosida maktabgacha ta'lim muassasasi tarbiyalanuvchilarni tarbiyalash	122
41	<i>Akramova H. S.</i> Aqli zaif o'quvchilarni mehnat ko'nikmasini shakllantirishda sharq mutafakkirlar merosidan foydalanish.....	125
42	<i>Ibragimova Sh.</i> Bo'lajak maktabgacha ta'lim mutaxassislarni tayyorlashda sharq mutafakkirlarning asarlaridan foydalanishning o'ziga xos xususiyatlari.....	127
43	<i>Umarova G. A. Bektemirova S.</i> Bola shaxsining shakllanishida sharq mutafakkirlarining meroslaridan foydalanish.....	129
44	<i>Ҳамидова Б. Алиқулов С.Т.</i> Кичик мутахассисларни тайёрлаш жараёнида политехник таълимни фанлараро алоқадорлик воситасида амалга ошириш.....	131
45	<i>Жумақулов Н.И.</i> Замонавий таълим-тарбия жараёнида ибн халдуунинг тарих ва жамият ҳақидаги қарашларидан фойдаланиш.....	134
46	<i>Музаффарова Ҳ.Н. Исмамуллаев О.</i> Ёрдмчи мактаб таълим жараёнида қўлланиладиган мулоқот турлари.....	137
47	<i>Usmonov A.N Tog'ayev X.</i> Temuriylar davrida ilm-ma'rifat va badiiy adabiy ijodkorlik.....	139
48	<i>G'aniyev O.A.</i> Kichik maktab yoshdagi o'quvchilarning shaxs sifatida shakllanishida "Qobusnoma" asaridan foydalanish.....	142
49	<i>Zokirova U. I.</i> Bo'lajak o'qituvchilarni ma'naviy –axloqiy tarbiyalashda sharq mutaffakirlari qarashlaridan foydalanish.....	144
50	<i>Аҳмедов-Ф.Қ. Кулбоев Н.</i> Талабалар жисмоний маданиятининг ўзига хос хусусиятлари.....	147
51	<i>Ergasheva M. B.</i> Matnli masalalar yechishga o'rgatish metodikasining umumiy jihatlari.....	151
52	<i>Obidova F.A.</i> "Yoshlar ma'naviyatini yuksaltirishda sharq mutafakkirlarining pedagogik qarashlari".....	153
53	<i>Eshmirzayev G'.Yu.</i> Sharq mutaffakirlarining matematika fani taraqqiyotiga qo'shgan hissalarini.....	155
54	<i>Сойипназарова М.Н. Шахси тарбиялаш ва ривожлантиришида шарқ мутафаккирларининг ўзига хос инновацион педагогик ғоялари.....</i>	158
55	<i>Имомова Д.А. Равшанова А.Р.</i> Абу али ибн синонинг мевалар шифобахшлиги хусусидаги фикрлари асосида ўрикнинг истикболли навларидан она боғларини барпо қилиш технологиялари.....	162
56	<i>Nuraliyeva O.</i> Sharq mutafakkirlari kitobxonlik xususida.....	164
57	<i>А.Р.Абдулахатов.</i> Таълим-тарбия жараёнида шарқ мутафаккирлари асарларидан фойдаланиш.....	166
58	<i>Erbekova S. J.</i> Noananaviy darslarda abay ijodidan foydalanish.....	169
59	<i>Boboqulova N. P.</i> Ma'naviyatning shakllanishida milliy ruh.....	171
60	<i>Акчаев Ф. Ш.</i> Ёшлар тарбиясида зиёратгоҳларнинг тутган ўрни (Жиззах воҳаси мисолида).....	174
61	<i>Соатов Э.М. Юсупбаева А.С.</i> Шарқ мутафаккирларининг ёш авлодни тарбиялашда жисмоний тарбия ва спортнинг тарбиявий аҳамияти хусусида.....	177
62	<i>Баринов Ж. А.</i> Boshlang'ich sinflarda ta'lim sifatini oshirish.....	180

63	<i>Ergashev J.</i> Ta'lim-tarbiya jarayonida bobur asarlaridan foydalanishda microsoft power point dasturining ahamiyati.....	182
64	<i>Хамраева И.С.</i> Ихтисослаштирилган ёрдамчи мактаб замонавий ўқиш дарсларини ўтказиш жараёнида Шарқ мутафаккирларининг ижодий меросидан фойдаланишнинг аҳамияти.....	184
65	<i>Бекмухамедова Б. У. Худайбердиев С. З. Обилов М. Р.</i> Фаробий асарларида замонавий таълим-тарбия жараёнини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари.....	187
66	<i>Ёдгорова М.О.</i> Бўлажак мутахассисларни баркамол авлод руҳида тарбиялашда буюк алломаларимизнинг фикрлари.....	190
67	<i>Эшмурадов О. Э. Эшмурадова С. Тугунова Ф.</i> Соғлом ижтимоий-психологик муҳит - баркамол авлодни тарбиялаш омили сифатида.....	192
68	<i>Мустафоев Б. И.</i> Миллий мақом санъатида “устоз – шогирд” анъаналари–Тарихий – маданий қадрият сифатида.....	195
69	<i>Ўлдошев С.А.</i> Абу Райҳон Берунийнинг маънавий соғлом авлодни тарбиялаш ғояси.....	198
70	<i>Камолова Ш.У.</i> Умуминсоний қадриятлар асосида талабалар дунёқарашини шакллантиришнинг узлуксизлиги.....	200
71	<i>Ахмедова Н.</i> Педагогик психология фанларини ўқитишда Имом ал-Бухорий ҳадисларидан фойдаланиш.....	204
72	<i>Сиддиқова Ш. И.</i> Навоий руҳий оламини тасвирлашда ўзиники бўлмаган кўчирма гаплардан фойдаланиш.....	206
73	<i>Bayturayeva N.</i> Yosh avlodni tarbiyalashda xalq pedagogikasi- milliy tarbiyaning omilidir.....	208
74	<i>Санақулова З.А.</i> Шарқ мутафаккирларининг педагогик меросини ўрганиш имкониятларини таълим жараёнига тадбиқ этиш.....	212
75	<i>Davurova G.A. Avazova S.</i> Sharq mutafakkirlarining pedagogik qarashlari pedagogika nazariyasining metodologik asosi sifatida.....	214
76	<i>Джуманов Ш.З, Тогаева Г.Б.</i> Талабалар фаоллигини оширишда коммуникатив муносабатларнинг ўрни.....	217
77	<i>Kulboyeva D.A. Ochilova M.N.</i> Sharq mutafakkirlarining mehnat tarbiyasi va kasb-hunarga qiziqtirish haqidagi fikrlari.....	220
78	<i>Содиқова Д.Р.</i> Талабаларда ижодий муносабатлар тафаккурини юритиш кўникмасини ривожлантириш.....	223
79	<i>Sanaqulova Z.A. Rutamov Z.</i> Oilada bolalarni ma'naviy-axloqiy jihatdan tarbiyalashda allomalarimiz fikrlariga tayanishi.....	226
80	<i>Musurmonova O. J.</i> O'quvchilarni vatanparvarlik ruhida tarbiyalashda milliy an'analardan foydalanish.....	230
81	<i>Байтўраева Н.И. Исматуллаева С.</i> Шарқ мутафаккирлари ижодида ғоявий-сиёсий маданиятни онгига сингдириб бориш.....	232
82	<i>Musurmonova U.Q.</i> Article a teacher is one who brings tools and enables us to use them.....	235
83	<i>Ҳайдаров Д.Ш.</i> Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларининг технология дарсларида лойиҳалаш тушунчаларини шакллантиришда мутафаккирлар меросидан фойдаланиш.....	237
84	<i>Temurova G.</i> Bolaning jismoniy, aqliy, nutqiy rivojlanishida xalq oyinlarining ahamiyati.....	240
85	<i>Shokirova D. O.</i> Zamonaviy ta'lim-tarbiya jarayonini boshqarishda abay	243

	qo`nanboyev nasihatlaridan foydalanishning o`ziga xos xususiyatlari.....	
86	<i>Қодиров Х.</i> Ёшларда лидерлик қобилиятини шакллантириш ва ривожлантиришнинг хусусиятлари.....	245
87	<i>Юнусова Д.И. Артикова Г.А.</i> Математикани ўқитишда шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари ва замонавий ёндашувлар интеграцияси.....	250
88	<i>Karimov O Ergashova S Karimova CH. A.</i> Sharq mutafakkirlarining pedagogik qarashlarida mehnat tarbiyasi.....	253
89	<i>Джалалова С.М.</i> Место и роль произведений мыслителей востока в современном образовании.....	255
90	<i>Эшонқулов.Ш.У. Эшонқулова Ш.А.</i> Автоматлаштирилган ноинвазив глюкометр яратишда информацион математик моделини қуриш босқичлари.....	259
91	<i>Нурмухаммедова М.Х Мамажоновна С.В.</i> Иқтисодий муносабатларга талабаларни тайёрлаш – фаол ҳаётини позицияларни шакллантиришнинг зарурий шароити.....	262
92	<i>Турдиева М.Ж .</i> Таълим-тарбияда жараёнида баркамол инсон масалалари.....	264
93	<i>Amirsaidova SH.M.</i> Alohida yordamga muhtoj bolalar ta'lim-tarbiyasida Abu Nasr Forobiyning ilmiy merosining o'ri.....	267
94	<i>Ergashev J.B. Ahatqulov A.</i> Develop a trend of interdependence in mathematics and information technology.....	270
95	<i>Сафаров Ю.Ж.</i> Замонавий таълим тизимида шарқ мутафаккирлари педагогик қарашларининг ўрни.....	272
96	<i>Исмоилова Д.У Исмоилов Т.Ж.</i> Берунийнинг педагогик қарашларидан самарали фойдаланиш.....	277
97	<i>Саотова Д.</i> Адабиёт дарсларида шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашларидан фойдаланиш.....	279
98	<i>O'rolova O. Hojamberdiyeva M.</i> Integratsiyalashgan ta'lim asosida o'quvchilarda iqtisodiy bilimlarni rivojlantirish (boshlang'ich sinflarda).....	282
99	<i>Норқўзиева М. А.</i> Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий барқарорлигини таъминлашда шарқ мутафаккирлари фаолиятдан фойдаланиш.....	285
100	<i>Egamnazarov M. Y.</i> Shaxsga yo'naltirilgan o'qitish texnologiyalari orqali talabalarning kommunikativ qobiliyatlarini shakllantirishning pedagogik va psixologik masalalari.....	288

ҚАЙДЛАР УЧУН

**“АБАЙ ҚҰНОНБОВЕВ ВА ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ
ПЕДАГОГИК ҚАРАШЛАРИ”**

(Халқаро илмий-амалий конференция материаллари)

Муҳаррир: **Т.Эргашев**
Мусахҳих: **Ж.Муртозаев**
Саҳифаловчи: **С.Нормухаммедов**

Гувоҳнома № 14-0003, 30.04.2020
Офсет қоғози. Босишга рухсат этилди 25.11.2020.
Формат А4. Гарнитура «Times New Roman».
Шартли босма табоқ 18,5
Адади 100 нусха. Буюртма № 08

ISBN 978-9943-6071-7-0

ЖДПИ таҳририй-нашриёт бўлимида чоп этилди.
130100, Ш.Рашидов шох кўчаси, 4-уй
Тел./факс: (+99872) 226-02-93
(+99899) 525-67-99